#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Аскарлов Ш.Д. Регион-пространство-город. – М.: Стройиздат, 1988. -102 с.
2. Аскарлов Ш.Д. Развитие градостроительной культуры Среднего Востока в XXв. – Ташкент: 1989. С.210-219.
3. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. Изд. “Санъат”, Т.:2014.224 стр.
4. Кадырова Т.Ф.Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX начала XX1 вв. (традиции и современность). Изд. ТАСИ., Т.- 2007.
5. Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере “новых городов” Ферганской долины конца XIX-начала XX вв. Ташкент 2005.

**БИОЛОГИЯ ФАҲЛЛАРИ**

УЎК 595.754+632.754.1

**O'zR FA ZOOLOGIYA INSTITUTI ENTOMOLOGIYA KOLLEKSIYASIDA MIRINAE HAHN, 1833 (HETEROPTERA: MIRIDAE) KENJA OILASI VAKILLARI***M.O. Hudoyberdiyeva, O'simliklar Karantini Ilmiy-tadqiqot Markazi, Toshkent**G.S. Mirzayeva, O'zR FA Zoologiya instituti, Toshkent**D.M. Musaev, O'zR FA Zoologiya instituti, Toshkent**M.N. Valiyeva, magistr, O'zbekiston Milliy Universiteti, Toshkent*

**Annotatsiya.** Maqolada Mirinae kenja oilasiga tegishli yarimqattiqqanotli hasharotlarning O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Zoologiya institutining Entomologiya kolleksiyada mavjud turlari va ularning tarqalish areallari haqida ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Miridae, oila, kenja oila, Mirinae, triba, kolleksiya, major, Mirini, avlod, tur.

**Аннотация.** В статье приведены сведения о видах полужесткокрылых насекомых подсемейства Mirinae из энтомологической коллекции Института зоологии АН РУз и ареалах их распространения.

**Ключевые слова:** Мириды, семья, подсемейство, Мирины, триба, коллекция, мажор, Мирини, вид.

**Abstract.** The article provides information on the species of Hemiptera insects of the subfamily Mirinae from the entomological collection of the Institute of Zoology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and the areas of their distribution.

**Key words:** Mirids, family, subfamily, Mirins, tribe, collection, major, Mirini, generation, species.

**Kirish**

Miridae oilasi yarimqattiqqanotli hasharotlar ichida asosiy oilalardan biri hisoblanadi. Ushbu oilaning Yer yuzida 7 ta kenja oilasi mavjud bo'lib, O'zbekiston hududida 5 ta kenja oilaga mansub turlari uchraydi (<https://www.wikipedia.org/>). Miridae oilasida Mirinae keng tarqalgan asosiy kenja oila hisoblanadi. O'zR FA Zoologiya Instituti Entomologiya kolleksiyasida Miridae oilasi Mirinae kenja oilasiga tegishli 24 ta avlod 34 ta turga hos qandalalar namunalari mavjud. Shulardan 8 ta avlod 13 ta turi Mirini tribasiga birlashtiriladi.

**Mirinae Hahn, 1833 kenja oilasi**

**Mirini Hahn, 1831 triba**

**Adelphocoris Reuter, 1896 avlodi**

*Adelphocoris lineolatus (Goeze, 1778)*

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani (1 dona), Markaziy Farg'ona (2 dona), Sirdaryo viloyati (1 dona), Jizzax viloyati (1 dona), Farg'ona viloyati Yozyovon tumani (2 dona), Toshkent viloyati (9 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 22.05.1957, 23.05.1979, 1951, 12.02.1961, 20.05.1958, 12.06.1961, 15.07.1961, 10.07.1989, 25.07.1986.

**Tarqalishi:** G'arbiy Evropa, Shimoliy Afrika, Osiyo, Yaqin Sharq, Kanada, Qo'shma Shtatlar, Neoarktika, Shimoliy Karolina.

**Sinonimlari:** *Adelphocoris binotata* Goeze; *Adelphocoris chenopodii* Fallen, 1807; *Adelphocoris italica* Tamanini, 1961; *Adelphocoris lineolatus baltrumensis* Schumacher, 1911; *Adelphocoris lineolatus binotatus* Wagner, 1960; *Adelphocoris lineolatus bisbipunctata* Tamanini, 1982.

**Adelphocoris seticornis (Fabricius, 1775)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Toshkent viloyati (4 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 12.02.1961, 12.06.1961.

**Palearktikada tarqalishi:** Evro Osiyo va Shimoliy Afrika.

**Sinonimlari:** *Adelphocoris reicheli* (Fieber, 1836); *Adelphocoris rufescens* Hsiao, 1962; *Adelphocoris seticornis* (Fabricius, 1775); *Adelphocoris sichuanus* Kerzhner & Schuh, 1995.

**Orthops Faiber, 1858 avlodi**

*Orthops kalmii, (Linnaeus, 1758)*

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Farg'ona viloyati Yozyovon tumani (1 dona), Sirdaryo viloyati Boyavut tumani (6 dona), Rossiya (1 dona), Qirg'iziston Respublikasi Jalal-Abad shahri (1 dona), Samarqand viloyati (1 dona), Surxandaryo viloyati (4 dona), Qashqadaryo viloyati (1 dona), Jizzax viloya Arnasoy tumani (1 dona), Jizzax viloyati Bahmal tumani (2 dona), Toshkent viloyati cho'l hududlari (6 dona), Rossiya Respublikasi Krasnoyarsk (2 dona)

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 01.07.1961, 28.08.1957, 1913, 17.06.1913, 22.04.1957, 13.05.1959, 21.06.1957, 15.05.1957, 16.05.1973, 1966, 1914.

**Dunyoda tarqalishi:** Evropaning deyarli hamma qismida, Palearktikada Sibirda uchraydi.

**Sinonimlari:** *Cimex kalmii* Linnaeus, 1758

**Lygus Hahn, 1833 avlodi**

*Lygus gemellatus (Herrich-Schaeffer, 1835)*

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Toshkent shahar (2 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 12.05.1962.

**Dunyoda tarqalishi:** Janubiy va Janubi-Sharqiy Osiyo va Sharqiy Osiyoning Janubi.

**Sinonimlari:** *Lygus adspersus* (Schilling, 1837), *Lygus gemellatus f. autumnalis* Wagner, 1947.  
*Lygus gemellatus f. innotatus* Polentz, 1954.

***Lygus pratensis* (Linnaeus, 1758)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Buhoro viloyati Shofirkon tumani (1 dona), Sirdaryo viloyati Boyavut tumani (1 dona), Toshkent viloyati (5 dona), Turkmaniston (2 dona), Toshkent shahar (4 dona), Qozog'iston Tereskan (1 dona), Andijon (2 dona), Jizzax Armasoy (2 dona), Rossiya Krasnoyarsk (4 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 24.05.1962, 10.10.1957, 19.08.1959, 12.06.1961, 25.10.1964, 23.03.1965, 24.05.1962, 12.03.1961, 17.04.1961, 17.11.1964, 15.07.1963, 01.09.1966, 23.10.1963, 25.07.1968, 14.07.1980.

**Dunyoda tarqalishi:** Evropa, Afrika, Shimoliy, Shimoliy Osiyo (Xitoy bundan mustasno) va Hindomalayda.

**Sinonimlari:** *Cimex pratensis* Linnaeus, 1758.

**Dionconotus Reuter, 1894 avlodi**

***Dionconotus neglectus major* Wagner, 1968**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Noma'lum (1 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** Noma'lum.

**Dunyoda tarqalishi:** Frantsiya, Italiya, Belgiya, Bosniya va Xorvatiya

**Sinonimlari:** *Dionconotus neglectus* (Fabricius, 1798).

**Phytocoris Fallén, 1814 avlodi**

***Phytocoris pini* Kirschbaum, 1856**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Noma'lum (1 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** Noma'lum.

**Dunyoda tarqalishi:** Kanar orollari, Kipr, Farer orollari, Islandiya, Irlandiya va Portugaliya.

**Sinonimlari:** *Phytocoris pini* Kirschbaum, 1856.

***Phytocoris ulmi* (Linnreus, 1758)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Noma'lum (1 dona)

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** Noma'lum

**Dunyoda tarqalishi:** Kanar orollari, Kipr, Farer orollari, Gretsiya, Islandiya, Italiya, Lixtenshteyn, Madeyra, Malta, Portugaliya. Sharqda Kavkazgacha tarqalgan, lekin Rossianing markazida uchramaydi.

**Sinonimlari:** *Phytocoris ulmi* (Linnaeus, 1758)

**Calocoris Fieber, 1858 avlodi**

***Calocoris affinis* (Herrich-Schaeffer, 1835)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Noma'lum (1 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** Noma'lum.

**Dunyoda tarqalishi:** Asosan Evropada: Daniya, Germaniya, Turkiya, Serbiya, Finlyandiya, Ispaniya, Portugaliya va Italiyada tarqalgan. Odatda o'tloqlarda uchraydi.

**Sinonimlari:** *Calocoris affinis* (Herrich-Schäffer, 1835).

**Polymerus Hahn, 1831 avlodi**

***Polymerus unifasciatus* (Fabricius, 1794)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Noma'lum (1 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** Noma'lum.

**Dunyoda tarqalishi:** Evropa va Shimoliy Osiyoda (Xitoydan tashqari), Shimoliy Amerika va Janubiy Osiyoda tarqalgan.

**Sinonimlari:** *Polymerus unifasciatus* (Fabricius, 1794).

***Polymerus cognatus* (Fieber, 1858)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani (7 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 09.09.1957.

**Dunyoda tarqalishi:** Markaziy va Janubiy Evropa, Shimoliy Afrika, Turkiya, Mo'g'uliston, Xitoyda, Latviyaning janubidagi Evropa qismida, Kavkazda, Uralda, Sibirda va Uzoq Sharqda (Amur viloyati, Xabarovsk va Primorsk o'lkalari), Markaziy Osiyo va Qozog'istonda tarqalgan. (<http://www.agroatlas.ru>).

**Sinonimlari:** *Poeciloscytus cognatus* Fieber, 1858 (<https://zenodo.org>).

***Polymerus vulneratus* (Panzer, 1806)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Jizzax viloyati (8 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 18.06.1979, 14.07.1980

**Dunyoda tarqalishi:** Evropada, Janubiy Skandinaviyadan O'rta dengizgacha, shu jumladan Shimoliy Afrikada keng tarqalgan; sharqda Sibir orqali Xitoygacha (<https://www.wanzen-im-ruhrgebiet.de>).

**Sinonimlari:** *Lygaeus vulneratus* (Panzer, 1805), *Poecilus vulneratus* (Panzer, 1806) (<https://www.gbif.org/>).

**Lygocoris Reuter, 1875 avlodi**

***Lygocoris rugicollis* (Fallen, 1807)**

**Kolleksiya to'plangan hudud va namunalar soni:** Toshkent shahar (2 dona).

**Kolleksiya to'plangan vaqti:** 12.05.1962.



**Dunyoda tarqalishi:** Evropada, shu jumladan Buyuk Britaniyada, va Ispaniyada, Shimoliy Afrikada, Markaziy Osiyoning sharqida, Alyaskada va Kanadada tarqalgan.

**Sinonimlari:** *Lygaeus rugicollis* (Fallén, 1807), *Phytocoris rugicollis* (Fallén, 1829), *Plesiocoris rugicollis* (Fieber, 1861) (<https://www.wikipedia.org/>).

Xulosa qilib aytganda, O'zR FA Zoologiya Instituti Entomologiya kolleksiyasida Mirinae Hahn, 1833 (Heteroptera: Miridae) kenja oilasini tahlil qilish natijasida koleksiyada mavjud bo'lgan qandalalarning 24 avlodga mansub 34 tur saqlanayotgani ma'lum bo'ldi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Kerzhner I. M. & Josifov M. Miridae. Pp. 1-577. In: Aukema B. & Rieger Ch. (eds.): Catalogue of the Heteroptera of the Palaearctic Region. Cimicomorpha II. Vol. 3. The Netherlands Entomological Society. –Amsterdam, 1999. – 577 pp.

2. Kerzhner I.M. Materials on the taxonomy of capsid bugs (Hemiptera, Miridae) in the fauna of the USSR.- Russian, 1962. –105 pp.

3. <https://www.wikipedia.org/>

4. <https://zenodo.org>.

5. <https://www.gbif.org/>

6. <https://www.wanzen-im-ruhrgebiet.de>.

UO'K: 631.476.2

### MEVALI DARAXTLAR (GREK YONG'OQ, YOVVOYI BODOM, YOVVOYI PISTA)

#### NEMATODAFUNASI TURLARINING EKOLOGIK GURUHLARI

*S.S.Qambarov, o'qituvchi, Andijon Davlat Universiteti, Andijon*

*B.X. Polvonov, kichik ilmiy xodim, Xorazm Ma'mun Akademiyasi, Xiva*

**Annotatsiya.** Samarqand viloyatining Urgut tumanidagi Qoratepa tog' massivida o'sayotgan grek yong'oq, yovvoyi bodom, yovvoyi pista daraxtlarning nematodafunasi o'rganildi. To'plangan materiallardan nematodalarni ajratib olishda fitogelmintologiyada keng qo'llaniladigan Bermanning voronkali metodidan foydalanildi. Tadqiqot natijasida grek yong'oq, yovvoyi bodom, yovvoyi pista daraxtining ildiz sistemasi va rizosfera tuprog'ida topilgan nematodalar 62 turdan iborat bo'lib, ular nematodalarni 5 ta ekologik (Pararizobiontlar, Eusaprobiontlar, Devisaprobiontlar, Mikogelmintlar, Fitogelmintlar) guruhlari mansubligi ma'lum bo'ldi

**Kalit so'zlar:** Fitonematoda, tog', yong'oq, bodom, pista, Pararizobiontlar, Eusaprobiontlar, Devisaprobiontlar, Mikogelmintlar, Fitogelmintlar

**Аннотация.** Изучена фауна нематод грецкого ореха, дикого миндаля и диких фисташек, произрастающих в горном массиве Коратепе в Ургутском районе Самаркандской области. Метод воронки Бермана, широко применяемый в фитогельминтологии, был использован для выделения нематод из собранных материалов. В исследование были включены 62 вида нематод, обнаруженных в грецком орехе, диком миндале, корневой системе дикорастущих фисташек и почвах ризосферы.

**Ключевые слова:** фитонематоды, гора, орех, миндаль, фисташки, паразитобионты, эусапробиионты, девисапробиионты, микогельминты, фительминты.

**Abstract.** The nematode fauna of walnut, wild almond and wild pistachio trees growing in the Qoratepa mountain massif in Urgut district of Samarkand region was studied. Berman's funnel method, which is widely used in phytohelminthology, was used to isolate nematodes from the collected materials. The study included 62 species of nematodes found in walnut, wild almond, root system of wild pistachio tree and rhizosphere soil, which included 5 ecological nematodes (Pararizobionts, Eusaprobionts, Devisaprobionts, Mycogelmints, Phythelminths) it has been

**Keywords:** Phytonematoda, mountain, walnut, almond, pistachio, Pararizobionts, Eusaprobionts, Devisaprobionts, Mycohelminths, Phythelminths

**Kirish.** Respublikamiz aholisining oziq-ovqat maxsulotlari va dori-darmonlarga, sanoatni esa xom-ashyoga bo'lgan talabini qondirish dolzarb masalalardan hisoblanadi. Ushbu muammoni hal etishda birinchi navbatda qishloq xo'jaligida oziq-ovqat va nooziq ovqat xomashyolari manbayi bo'lgan o'simliklar, jumladan mevali daraxtlarni yetishtirish, ularning xosildor navlarini yaratish va zararkunandalaridan himoya qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Grek yong'oq, yovvoyi bodom va yovvoyi pista xam boshqa o'simliklar singari turli zararkunandalar, jumladan parazit fitonematodalar bilan zararlanadi xamda mazkur qimmatli o'simliklarning o'sishi, rivojlanishi, xosildorligi jiddiy ziyon yetkazadi.

Grek yong'oq, yovvoyi bodom va yovvoyi pista daraxtlarining fitonematodalarini turlar tarkibi, tarqalishi, turli bioekologik xususiyatlarini o'rganish maqsadida biz Qoratepa tog' massivining tabiiy biotsenozlarida o'suvchi mevali daraxtlar ( grek yong'oq, yovvoyi bodom va yovvoyi pista ning vegetativ a'zosi (ildiz sistemasi) hamda rizosfera tuprog'i qatlamlaridan olingan 250 ga yaqin namunalari yig'ildi. To'plangan namunalari tahlil qilinganda 62 turdan iborat 2997 ta nematoda topildi. Ushbu aniqlangan turlar Nematoda (Nematodes) tipining [1] 2 ta sinfi (Adenophorea, Secernentea) va 5 ta turkumiga mansubligi ma'lum bo'ldi.

**Tadqiqotni material va uslublari.** Qoratepa tog' massivining turli mintaqalarida grek yong'oq, yovvoyi bodom, yovvoyi pista daraxtning ildiz sistemasi va rizosfera qismlaridan namunalari to'plash ishlarini olib borish

yilning bahor, yoz va kuz oylarida marshrut usulida amalga oshirildi. Tadqiqot uchun belgilab olingan Qoratepa tog' massivining tog' oldi va pastki mintaqalarining turli xil tuproq sharoitida o'suvchi jami 62 tup daraxtlarning ildiz sistemasi va rizosferasi tuprog'ining har xil (0-15, 15-30 va 30-50sm) qatlamlaridan 248 ta namunalari to'plandi. Grek yong'oq, yovvoyi bodom, yovvoyi pista daraxtini ildiz sistemasi va rizosfera namunalari tarkibidan nematodalarni ajratib olishda kafedra laboratoriyasi sharoitida Bermanning voronkali usuli qo'llanildi. Ajratib olingan nematodalar 4% li formalin eritmasida fiksatsiyalandi. Fiksatsiyalangan nematodalar MBC-2 rusumli binokulyar mikroskopida terib olinib, glitserin-spirit aralashmasida tozalanib, ulardan vaqtinchalik va doimiy mikropreparatlar tayyorlanib, MBC-1 mikroskopi yordamida nematoda turlari aniqlandi. Nematoda turlarini aniqlashda Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л.[2,3] Тулаганов А.Т., Усманова А.З [6,7] ma'lumotlaridan foydalanildi.

#### Tadqiqot natijalari va ularning tahlili

Qoratepa tog' massivining pastki va tog' oldi mintaqalaridagi tabiiy biotsenozlarda o'suvchi mevali daraxtlar orasidan nematodafaunasi o'rganilishi maqsad qilib olingan 3 turi (grek yong'oq, yovvoyi bodom va yovvoyi pista)ning ildiz sistemasi va ularning rizosferasi tuprog'i qatlamlaridan aniqlangan 62 tur nematodalarni yashash joylari, oziqlanish usuli hamda o'simliklar bilan bog'langanlik darajasiga ko'ra bir necha ekologik guruhlariga bo'lindi. Bunda eng avvalo prof. Paramonov A.A. [5] ishlab chiqqan ekologik klassifikatsiya prinsiplari asos qilib olingan bo'lsa, ikkinchi tomondan bir qator fitogelmintologlar (Gruzdeva L.I. va Kozlovska Ya. (1989), Jeates (1993) va boshqalar) kiritgan ayrim o'zgartirishlarga binoan mintaqada topilgan nematodalar quyidagi 5 ta guruhga ajratildi.

**1-guruh.** Pararizobiontlar guruhi. Mazkur guruhga nematodafauna tarkibidagi turlarning 22 tasi mansub bo'ldi. Ushbu ekologik guruh vakillarining ba'zilar asosan rizosfera tuprog'ida yashab, mikroorganizmlar bilan oziqlansa, ba'zilar esa o'simlik tanasiga kirib uning shirasi hisobiga oziqlanishga o'tishi yoki yirtqichlik hisobiga boshqa turdagi nematodalar bilan oziqlanishi mumkin. Shunga binoan pararizobiontlarni uchta kichik guruhga bo'lish mumkin.

a) erkin yashovchi tuproq pararizobiontlari. Ushbu guruhga mansub nematodalarning ko'pgina turlari chuchuk suvlarda va nam tuproqda yashashga moslashgan. Ba'zan ular o'simlik tanasiga tasodifan kirib qolishi mumkin, lekin unga hech qanday salbiy ta'sir ko'rsatmaydi. Chunki aslida ular o'simlik qoldiqlari, turli-tuman mikroorganizmlar bilan oziqlanadi. Mevali daraxtchil yovvoyi o'simliklariga erkin yashovchi pararizobiontlarning 5 turi (*Mesodorylaimus meyli*, *Mesodorylaimus musae*, *Tylenchus filiformis*, *Tylenchus minumus*, *Tylenchus polyhipnus*) aynan ushbu kichik guruhga mansub bo'ldi. Kichik guruhning turlari tabiiy biotsenozlardagi grekyong'oq, yovvoyi bodom va yovvoyi pista o'simliklarning asosan rizosferasi tuprog'ida tarqalganligi kuzatildi. Faqat *Tylenchus minumus* turning individlari grekyong'oq,ning ildiz sistemasida uchratilgan bo'lsa, qolgan barcha turlarning individlari asosan tuproqda ekanligi ma'lum bo'ldi.

b) Fitofag (xilofag) pararizobiontlar kichik guruhiga mansub nematodalarning oziq bo'shlig'ida nayza yoki ayrim avlodlarining turlarida sanchib suruvchi naysimon (ignasimon ichi kanalchali) stiletga (og'iz bo'shlig'iga) aylanganligidir. Shunga binoan bunday pararizobiontlar asosan rizosfera tuprog'ida yashasa ham, ba'zan o'simlik tanasiga o'tib, uning shirasi bilan oziqlanishga kirishadi. Bizning materialimizda fitofag pararizobiontlar 12 turdan (*Dorylaimus similis*, *Dorylaimoides elegans*, *Eudorylaimus kirjanovae*, *Eudorylaimus labiatus*, *Eudorylaimus lautus*, *Eudorylaimus microdorus*, *Eudorylaimus monhystera*, *Eudorylaimus obtusicaudatus*, *Eudorylaimus paraobtusicaudatus*, *Eudorylaimus parvus*, *Eudorylaimus pratensis*, *Eudorylaimus skrjabini*) iborat bo'ldi. Fitofag pararizobiontlar orasida *Dorylaimus similis*, *Eudorylaimus lautus* turlari nisbatan kam miqdorda o'simliklarning rizosfera tuprog'idan topildi. Nematodalarning ushbu turlari faqat yovvoyi bodom va yovvoyi pista o'simliklarning rizosfera tuprog'ida 12 ta va 9 ta individlari bilan qayd etildi. Ushbu guruh vakillari orasida nisbatan ancha ko'p miqdorda uchratilgan turlar sifatida *Dorylaimoides elegans*, *Eudorylaimus kirjanovae*, *Eudorylaimus labiatus*, *Eudorylaimus microdorus*, *Eudorylaimus monhystera*, *Eudorylaimus obtusicaudatus*, *Eudorylaimus paraobtusicaudatus*, *Eudorylaimus parvus* lar qayd etildi. Jumladan *Eudorylaimus kirjanovae*, *Eudorylaimus labiatus*, *Eudorylaimus microdorus*, *Eudorylaimus monhystera*, *Eudorylaimus obtusicaudatus*, *Eudorylaimus paraobtusicaudatus*, *Eudorylaimus parvus* barcha o'simlikni rizosfera tuprog'ining uchala (0-15,15-30 va 30-50 sm) qatlamida individlari uchratildi

c) Yirtqichlik bilan oziqlanuvchi pararizobiontlar kichik guruhi. Ushbu guruhga kiruvchi nematodalarning og'iz bo'shlig'ida nayza yoki xitinlashgan og'iz kapsulasi yoki tishlar shakllangan. Yirtqich nematodalar boshqa mayda nematodalar va ularning lichinkalari bilan oziqlanadi. Bundan tashqari ular ba'zan o'simlikning ildiz sistemasiga ham kirib olishi mumkin, lekin salbiy ta'sir ko'rsatmaydi. Bizning materialimizda ushbu ekologik guruh vakillaridan 7 tur (*Mesodorylaimus bastiani*, *Mononchus flektus*, *Mononchus papillitus*, *Mononchus truncatus*, *Clarcus parvus*, *Discolaimus cylindricum*, *Discolaimus texanus*) topildi. Yirtqich nematodalardan *Mesodorylaimus bastiani* turning individlari mevali daraxt o'simliklarning barchasining rizosfera tuprog'ida ko'p miqdorda qayd etilgan bo'lsa, *Mononchus flektus*, *Mononchus papillitus*, *Mononchus truncatus*, *Clarcus parvus* yovvoyi bodom va yovvoyi pista o'simliklarning namunalari uchratilmadi. *Mononchus flektus*, *Mononchus papillitus*, *Clarcus parvus* lar o'simliklarning faqat rizosfera tuprog'ida aniqlangan bo'lsa, *Mononchus truncatus* kam miqdordagi individlari bilan ildiz sistemasi va rizosfera tuproq qatlamlarida uchratildi.

**2-guruh.** Eusaprobiontlar o'simliklarning zararlangan joylarida va chiriyotgan qismlarida, shuningdek tuproqning turli qatlamlarida mavjud bo'lgan saprobiontik jarayonda yashashga moslashgan hamda organik chirindi bilan oziqlanuvchi nematodalar hisoblanadi. Tadqiqotlar davomida tabiiy biotsenozlarda o'suvchi mevali daraxtlar nematodafaunasi tarkibida eusaprobiontlar guruhiga mansub 2 tur (*Drepanodorus laetificans*, *Mesorhabditis*



*irregularis*) aniqlandi. Ushbu turlarning individlar 0-15 sm li va qisman 15-30 sm li rizosfera qatlamlarida uchratildi. *Drepanodorus laetificans* bodom va pista rizosfera tuprog'i qatlamlarida aniqlangan bo'lsa, *Mesorhabditis irregularis* faqat bodom nematodafaunasi tarkibidan joy oldi.

**3-guruh.** Devisaprobiontlar yoki notipik saprobiontlar. Ushbu guruh nematodalar tuproqda erkin yashovchi, ba'zan chirish jarayoni borayotgan manbalarda yashovchi, shuningdek ko'p hollarda o'simliklarning sog'lom vegetativ a'zolarida ham uchrovchi nematodalar hisoblanadi. Tadqiqot ishlari jarayonida tabiiy biosenozlarda o'suvchi mevali daraxtlarning nematodafaunasida devisaprobiontlarning 6 turi topildi. Devisaprobiontlarning oziqlanish usuli, ozuqa turi va o'simliklarga nisbatan munosabatiga binoan quyidagi 2 ta kichik guruhlariga ajratiladi.

*Birinchi guruh* vakillari o'simliklarning kasallangan qismlarida, o'simlik qoldiqlarining tuproqda chiriyotgan joylarida yashab, chin saprobiont nematodalar (eusaprobiontlar) singari chirindi bilan oziqlanadi. Tadqiqotimiz ob'yekti bo'lgan tabiiy biosenozlarda o'suvchi mevali daraxtlarda bunday nematodalar *Plectus parietinus*, *Eucephalobus oxunroides*, *Cephalobus persegnis* (3 tur) iborat bo'ldi. Ushbu kichik guruh nematodalarining og'iz bo'shlig'i (stomasi) bo'lishi bilan xarakterlanadi. *Cephalobus persegnis* turi yovvoyi bodomda *Plectus parietinus* turi esa faqatgina grekyong'oqning ildiz sistemasida uchratildi. Umuman olganda nomlari keltirilgan devisaprobiontlarga mansub turlar o'simliklarning rizosferasi tuprog'i va ildiz sistemasida nisbatan ancha siyrak tarqalganligi ma'lum bo'ldi.

*Ikkinchi kichik guruh* devisaprobiontlari-notipik saprobiontlar (fitofaglar) esa yovvoyi o'simliklarning asosan rizosferasi tuprog'ida yashaydi. Lekin bosh qismidagi nisbatan qattiq bo'rtib turuvchi organi (probolasi) bo'lganligi sababli uning yordamida o'simlik to'qimasini shikastlashi mumkin. Shunga binoan ular o'simliklarning vegetativ a'zolariga ham kirib oziqlanishi ehtimoldan uzoq emas. Bunday devisaprobiontlarga *Panagrolaimus subelongatus*, *Panagrolaimoides multidentatus*, *Macrolaimus crucis* kabi 3 tur mansub bo'ldi. Aniqlangan turlar o'simliklar nematodafaunasida notekis tarqalganligi ma'lum bo'ldi. *Panagrolaimus subelongatus*, *Panagrolaimoides multidentatus* kabi devisaprobiontlar barcha o'simliklarning rizosferasi tuprog'i qatlamlarida uchratildi. Devisaprobiontlardan *Macrolaimus crucis* turi esa faqat grekyong'oq, nematodafaunasida qayd etildi.


**4-guruh.** Notipik parazitlar-mikogelmintlar. Mikogelmintlarning ekologik xususiyatlaridan biri shundan iboratki, ular aslida saprobiont jarayoni mavjud bo'lgan manbada uchraydi va undagi zamburug' miseliylari bilan oziqlanadi. Ba'zan o'simliklarning vegetativ a'zolarida mavjud bo'lgan zamburug'lar orasida to'planib turadi. Bunday turlarining sanchuvchi ignasi (stileti) ham kichik va nozik bo'ladi. Parazit mikogelmintlar guruhiga mansub turlar turli-tumanligi bilan ajralib turadi. Materialimizdagi mikogelmintlarning 6 turi (*Aphelenchus avenae*, *Aphelenchus cylindricaudatus*, *Aphelenchoides parietinus*, *Aphelenchoides pusillus*, *Aphelenchoides zeravschanicus*, *Bursaphelenchus talonus*) aynan ana shu kichik guruhga mansubdir. Mikogelmintlardan *Aphelenchoides parietinus* turlarining individlari yovvoyi bodom va yovvoyi pista daraxtlarning ildiz sistemasida uchratilgan bo'lsa, *Aphelenchoides zeravschanicus* turi esa grekyong'oq, daraxtning ildiz sistemasida uchratilishi ma'lum bo'ldi. Devisaprobiontlarning ushbu kichik guruhiga mansub turlarning individlari tabiiy biosenozlarda o'suvchi mevali daraxtlar rizosfera tuprog'ining barcha qatlamlarida qayd etildi [2,5].

**5-guruh.** Chin parazitlar yoki tipik fitogelmintlar guruhi 24 turni o'z ichiga olib, o'z navbatida quyidagi ikkita kichik guruhga bo'linadi (3.4-rasm).

**a) ektoparazitlar** guruhi. Ushbu kichik guruh parazitlarining og'iz bo'shlig'i kuchli va yirik stiletgacha (sanchib – so'ruvchi og'izga) aylangan. Ana shu organi yordamida o'simlik ildizi to'qimalarini tashqaridan turib teshib, shirani so'rib oladi. Lekin ayrim hollarda ularning ayrim individlari ildiz ichiga ham kirib, oziqlanishini davom ettiradi. Materialimizdagi ektoparazit fitonematodalaridan 19 turi – *Xiphinema americanum*, *X. index*, *X. elongatum*, *Aglenchus agricola*, *Tylenchus davainei*, *Tetylenchus clavicanatus*, *Boleodorus thyloctus*, *Helicotylenchus digitiformis*, *H. multincinctus*, *Hoplolaimus tylenchiformis*, *Rotylenchus robustus*, *Paratylenchus macrophallus*, *Merlinius bagdanovi-katjakovi*, *M. dubius*, *M. quadrifer*, *M. socialis*, *M. mirabilis*, *Criconeoides pullus*, *C. similislar* tabiiy biotsenozlarning tuproq qatlamlarida va vegetativ a'zolari (ildiz sistemasida)da ancha ko'p uchrashi qayd qilindi. Yuqorida keltirilgan ektoparazitlardan *Xiphinema americanum*, *Aglenchus agricola*, *Merlinius bagdanovi-katjakovi*, *M. dubius*, *M. quadrifer*, *M. socialis*, *M. mirabilis* kabi turlar nematodafauna tarkibida boshqa turlarga nisbatan ko'p miqdorda uchratildi. *Xiphinema americanum*, *Aglenchus agricola*, *Merlinius bagdanovi-katjakovi*, *Merlinius quadrifer* ning individlari nematodafaunasi o'rganilgan o'simliklarning barchasida topildi. *Xiphinema* avlodining vakillari o'simliklarni rizosfera tuproq qatlami namunasida nisbatan ko'p miqdorda ekanligi ma'lum bo'ldi. *Pratylenchus*, *Merlinius* avlodlarining vakillari tabiiy biotsenozda o'suvchi mevali daraxtlarning ildiz sistemasi va rizosfera qatlamlarida uchratildi [4,5,6].

Tabiiy biotsenozlarda o'suvchi mevali daraxtlarning nematodafaunasida tipik fitogelmintlarning ikkinchi kichik guruhi, ya'ni **endoparazit** nematodalar guruhi hisoblanib, ushbu fitonematodalar o'simlikning asosan vegetativ a'zolarida uchraydi o'simlik to'qimasi bilan oziqlanadi va oziqlanish davomida o'simlik to'qimalari faoliyatini ishdan chiqaruvchi zaharli suyuqlik ajratib, o'simlikka salbiy ta'sir ko'rsatadi. O'rganilgan tabiiy biotsenozlarda o'suvchi mevali daraxtlarning nematodafaunasida endoparazit nematodalar 5 turdan, ya'ni *Ditylenchus dipsaci*, *Ditylenchus intermedinus*, *Pratylenchus pratensis*, *Pratylenchus vulnus*, *Pratylenchus coffee* lardan iborat bo'ldi. Ushbu kichik guruh turlarining aksariyati o'simliklarning vegetativ a'zolarida ko'p miqdorda uchrashi ma'lum bo'ldi. Masalan, tabiiy biotsenozlarda o'suvchi mevali daraxtlarning barchasi *Ditylenchus dipsaci*, *Ditylenchus intermedius* va *Pratylenchus pratensis* kabi endoparazitlar bilan zararlanganligi aniqlandi. *Pratylenchus vulnus*, *Pratylenchus coffee* larning individlari bodom va pistaning ildiz sistemasida katta sonda qayd

etiladi. Umuman olganda endoparazitlarga mansub turlar asosan ildiz sistemasida va qisman rizosfera tuprog'ining 0-15 sm li qatlamida aniqlandi.



#### 1-rasm. Mevali daraxtlar nematodafaunasi tarkibidagi turlarning ekologik guruhlar bo'yicha taqsimlanishi

Keltirilgan raqamlardan ko'rinib turibdiki fauna tarkibidagi nematoda turlarini ekologik xususiyatlariga ko'ra guruhlarga ajratganimizda dominant guruh sifatida o'simlikning tipik parazit fitonematodalari va pararizobiontlar guruhlari – 24 tadan turlari bilan qayd etilgan bo'lsa, o'z navbatida devisaprobiontlar – 6 tur, mikogelmintlar – 6 tur, eusaprobiontlar – 2 tur nematodalari bilan fauna tarkibidan joy oldi.

**Xulosa:** Shunday qilib Qoratepa tog' massivining tabiiy biotsenozlarida o'suvchi mevali daraxtlar nematodafaunalarini tarkibidagi 62 turning 18 turi o'simliklarning vegetativ a'zosi ildiz sistemasida qayd qilingan bo'lsa, shularning aksariyati (15 turi) parazit fitogelmintlar guruhi vakillaridan iborat bo'ldi. Tadqiqotlar natijalarining e'tiborli jihatlaridan biri mevali daraxtlar nematodafaunasida daraxtchil o'simliklarda ektoparazitlik hisobiga oziqlanadigan, shu bilan birga o'simlik to'qimasiga turli virusli kasalliklarni tashuvchisi bo'lib xizmat qiladigan *Xiphinema* va *Criconeoides* avlodi vakillarining qayd etilgan bo'lsa, *Ditylenchus*, *Pratylenchus* avlodlari endoparazit nematodalar sifatida aniqlandi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Де Лей, П. и Блэкстер. М. 2004. Новая система для нематод: объединение морфологических признаков с молекулярными деревьями и перевод клад в ранги и таксоны. Нематология Монографии и перспективы 633-653.
2. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. – Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. т.1. Ленинград Изд-во «Наука» 1969.
3. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. – Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. т.2. Ленинград Изд-во «Наука» 1971.
4. Норбўтаева Г., Абдурахмонова Г. Самарқанд вилояти айрим меваги даракхлари фитонематодаларининг экологик хусусиятлари // “Ботаника, биоэкология, ўсимликлар физиологияси ва биокимёси муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2011. 94-95 бетлар.
5. Парамонов А.А. – Опыт экологической классификации фитонематод. // Труды гельминтолог лаборатории АН СССР. т. VI Москва, 1952. С. 338-369.
6. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. – Фитонематоды Узбекистана часть 1 Изд-во «ФАН» Уз. ССР, Ташкент. 1975. –372 с.
7. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. – 1978. Фитонематоды Узбекистана. часть 2, Изд-во «ФАН» Уз. ССР, Ташкент. – 435 с.

УЎК: 581.9

#### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ГЕРБАРИЙ ФОНДИДА (TASH) САҚЛАНАЁТГАН TAMARIX L. TURKUMI TURLARI (BOYSUN)

*О.С. Абдураимов, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент*

*А. Л. Алламуротов, кичик илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент*

*Б.С. Ўралов, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

*А.Х. Шукуров, магистрант, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Мақолада Миллий гербарий фондида (TASH) сақланаётган материаллар асосида Бойсун ботаник-географик районида тарқалган *Tamarix L.* туркуми турлари ўрганилган. Тадқиқотлар давомида мазкур ҳудудда *Tamarix L.* туркумининг 8 тури учраши қайд этилган бўлиб, мазкур намуналар секциялар кесимида таҳлил қилинган. Терилган намуналар йиллар ва коллекторлар кесимида таҳлил қилиниб, турларнинг тарқалишини ақс эттирувчи замонавий ГАТ хариталари тузилган. Олинган натижалар туркум турлари устида узоқ йиллик мониторинг ишларини олиб боришида фойдаланилади.

**Калит сўзлар:** Миллий гербарий (TASH), *Tamarix L.*, Бойсун ботаник-географик райони, флора, гербарий.

**Аннотация.** В статье на основе хранившихся в фонде Национального гербария (TASH) и собранных в ходе полевых исследований материалов изучены виды рода *Tamarix L.*, распространенные в Байсунского ботанико-географического района. В ходе исследований *Tamarix L.* было зафиксировано 8 видов образцов данной роде и эти образцы были проанализированы в секциях. Собранные образцы были проанализированы в годы и коллекторы, и были составлены современные карты ГИС, отражающие распространенность

вида. Полученные результаты будут использованы при проведении многолетних мониторинговых работ по видов рода.

**Ключевые слова:** Национальный гербарий (TASH), *Tamarix L.*, Байсунского ботанико-географического района, флора, гербарий

**Abstract.** In the article studied *Tamarix L.* who is saving in the National Herbarium fund (TASH) and spread in the mountain system of Baisun botanical-geographical region. During the research, *Tamarix L.* 8 species of samples of the genus were recorded and these samples were analyzed in sections. The collected samples were analyzed in the cross-section of years and collectors, and modern GIS maps were drawn, reflecting the prevalence of the species. The results obtained will be used in carrying out long-term monitoring work on the species of genus.

**Key words:** National herbarium (TASH), *Tamarix L.*, Baisun botanical-geographical region, flora, herbarium

**Кириш.** Ўзбекистон миллий гербарийси – 1,5 миллиондан ортиқ ўсимлик намуналари сақланадиган, Марказий Осиёдаги энг йирик гербарий ҳисобланади. Дунёда расман рўйхатдан ўтган ва ўзига логотип олган 4 мингдан ортиқ гербарий бор. Шундан 3700 таси катта гербарий ҳисобланади. Шу 4000 га яқин гербарий орасида Ўзбекистон миллий гербарийси турларининг хилма-хиллиги жиҳатдан етакчи ўтгизаликка қиради. Ўзбекистон миллий гербарийси Марказий Осиё худудидан йиғилган гербарийлар бўйича дунёда 1-ўринда туради.

Ўзбекистон миллий гербарий фондида (TASH) қатор тадқиқот ишларига олиб борилганига қарамай, ҳозирги кунгача Бойсун ботаник-географик районида (ББҲР) тарқалган *Tamarix L.* туркуми турларининг гербарий намуналари таҳлил қилинмаган. Тадқиқотлар давомида Бойсун ботаник-географик районида тарқалган *Tamarix L.* туркуми турларининг Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналари таҳлил қилинган.

**Тадқиқот объекти ва методлари.** Тадқиқот объекти - Миллий гербарийси (TASH) фондида сақланаётган *Tamarix L.* туркум турларининг Бойсун (БҲР) худудидан терилган намуналари.

*Tamarix L.* туркуми каталоги А.Л.Тахтаджан системасига мувофиқ тузилди[1]. Гербарий намуналарининг географик координатлари *Google Earth* дастури бўйича аниқланди. Мавжуд гербарий намуналарининг ботаник-географик районлар бўйича таҳлилини ақс эттирувчи ГАТ (Геоахборот моделлаштириш тизими) хариталари ArcGIS 10 дастуридан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Гербарий ёрлиқларидаги маълумотлар асл кўринишида берилди. Мавжуд гербарий намуналарининг ботаник-географик таҳлили Тоҗibaev & al. (2016) томонидан ишлаб чиқилган схема асосида келтирилди[2].

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштиришда Бойсун ботаник географик райони Ғарбий-Ҳисор округи таркибига киритилган. Бойсун ботаник-географик райони (БҲР) Бель-Аути тоғининг сувайриғич қисмидан Ялангуш довони орқали Чўлбаир тоғининг сувайриғич қисмигача, Вахшивор дарё ҳавзасининг бошланиш қисмидаги Лукка, Вахшивор қишлоқлари орқали Ҳисор-Дарваз округи билан, жануби-шарқдан эса Вахшивор қишлоғидан Халқажар дарёси ҳавзасининг ўрта қисмидаги паст текисликларда жойлашган Ҳовуз қишлоғи орқали Омонхона қишлоғигача, ундан сўнг Омонхонадан Бойсун шаҳри орқали автомобил (М-39) йўли билан Дарбанд қишлоғигача бўлган масофада Сурхон-Шеробод ботаник-географик районлари билан чегарадош[3].

*Tamarix L.* – туркуми *Tamaricaceae* Link. оиласи таркибига қиради. Туркумнинг дунё миқёсида 100 га яқин тури тарқалганлиги эътироф этилсада[4], тур сифатида уларнинг 57 таси қайд этилган[5].

Туркум бўйича дастлабки маълумотлар 1753 йилда К.Линнейнинг “*Species plantarum*” асарида келтирилган[6]. Мазкур асарда дастлаб *Tamarix gallica* ва *T.germanica* турлари келтирилган. Туркум турларини систематика ва тарқалиши борасида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, туркум борасидаги дастлабки монография 1852 йилда А. Бунге томонидан ёзилган бўлиб, дунё бўйича туркумнинг 51 турига тавсиф берилган[7].

Навбатдаги тадқиқотлар 1926 йилда Г. Арентс томонидан олиб борилган бўлиб, муаллиф ўз асарида туркумнинг 63 тури тўғрисида маълумотлар келтирган. Шуни алоҳда таъкидлаш лозимки, мазкур рўйхатда туркумнинг Ўрта Осиёда ўсадиган 7 тури тўғрисида маълумотлар келтирилмаган. Муаллиф бу ҳолатни, Ўрта Осиёда ўсувчи туркум вакиллари тўғрисида батафсил маълумотларга эга эмаслиги билан изоҳлаган[8].


*Tamarix L.* – туркуми турлари асосан бута ва қисман дарахт ҳаётий шаклига эга бўлган ўсимликлар ҳисобланади. Ўсимликнинг бўйи 3-8 м, поясининг диаметри 25-30 см гача боради. С.А. Никитиннинг таъкидлашича, мазкур ўсимликнинг туркум турларининг илдиз системаси кучли ривожланган бўлади[9]. Масалан: *T. elongata*, *T. laxa*, *T. ramosissima*, *T. Meyeri* турларида ён илдизлар 10 м гача етади. Барглари майда тукли, редукцияланган бўлиб, новдаларда кетма-кет жойлашган. *Tamarix* нинг гуллари шингил ва рўвак тўпгулларда йиғилади[10]. Маълумотларга кўра, *T. laxa* май ойининг охирида, *T. hispida* эса июль ойида гуллайди. Гуллаш жараёни *T. laxa* да 15-20 кун, *T. hispida* да эса 22-25 кунгача давом этади. Ф.Н. Русанов фикрича *T. florida* турида энг кўп 30 кунгача гуллаши аниқланган[11]. *Tamarix* турларининг гуллаш жараёни бевосита об-ҳавонинг келиши билан боғлиқ. *Tamarix* туркум турлари энтомофил ўсимликлар бўлиб, ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Унинг уруғлари кўсакчаларда ривожланади ва ўртгача катталиқда етилади. *Tamarix* мевалари бир уяли уч бўлакчали ва кўп уруғли (50-60 тагача) бўлади.



Бойсун ботаник-географик райони ва унга чегарадош бўлган худудлар ўзига хос флористик таркибга эга. Бу ерда олиб борилган дастлабки тадқиқотлар 1875 йилда Н.А. Маев томонидан олиб борилган. Сўнгги йилларда Бойсун ботаник-географик райони флорасини комплекс таҳлили амалга оширилган. Хусусан 2011-2017 йилларда О.Т.Тургинов томонидан Бойсун флорасининг кенг камроқли таҳлили амалга оширилган. Тадқиқотлар давомида мазкур худудда 89 оила 524 туркумга мансуб 1564 тур келтирилган. Мазкур рўйхат таркибида *Tamarix L.* туркумининг 8 тур қайд этилган.

Туркум вакиллари қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Асосий коллекторлар сифатида М.Г.Попов, Т.И. Цукерваник, А.И. Введенский, Н.А. Меркулович, С.Н. Кудряшов, М.М. Набиев, Л.И. Попова ва бошқа олимларни эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотлар давомида Бойсун худудидан терилган гербарий намуналари таҳлил қилинди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур худуддан 8 тур иштирокида 29 та гербарий намуналари терилганлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. TASH фондида сақланаётган *Tamarix L.* турлари (Бойсун)

*Tamarix L.* Бойсун (БГР) бўйлаб тақсимланиши Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) фондида сақланаётган гербарий намуналарининг ёрлиқлари асосида амалга оширилди. Туркум турлари бўйича терилган дастлабки гербарий намуналари 1927 йилда Попов томонидан, *Tamarix bungei* Boiss. намуналари йиғилган. Навбатдаги тадқиқот ишлари Меркулович томонидан 1931 йилда амалга оширилган. Мазкур худудда олиб борилган охириги тадқиқотлардан бири О.Т.Тургинов томонидан амалга оширилган бўлиб, 2012 йилда муаллиф томонидан *Tamarix laxa* Willd. тури Юқори Мачай худудидан йиғилган (1-жадвал).


1-жадвал

TASH фондида сақланаётган гербарий намуналари (ББГР)

№	Турлар номи	Терилган жой	Гербарий рақами	Терилган йил	Коллектор
1	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bunge.	Байсунская экспедиция. У к/к Дербент. Вдоль реки. Тугай.	482	29.08.1940	Кудряшев
2	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bunge.	ЮЗ отроги хребта Гиссарского. Горы Байсунгау. Долина реки Мачай. В 3-5 км выше ур.Чарбаг. Крутой каменистый склон. (3 экз).	541	23.05.1978	Набиев, Ли, Цукерваник
3	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bunge.	ЮЗ отроги хребта Гиссарского. Горы Байсунгау. Долина реки Мачай. Урочище Чорбаг. Крутой каменистый СВС склон. (2 экз).	534	23.05.1978	Набиев, Ли, Цукерваник
4	<i>Tamarix bungei</i> Boiss.	Байсунская экспедиция. Перевал Улайнар. По саю.	406	06.05.1941	Попова
5	<i>Tamarix bungei</i> Boiss.	Байсунские горы г. Акташ. 67 км на юг от сел. Акташ. Вдоль дороги Акташ-Шерабад. Пестроцветные породы. (2 экз).	268	24.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
6	<i>Tamarix bungei</i> Boiss.	Ширабадская долина. Вторая терраса Аму-Дарья к 3 от Шуроба.	98	09.06.1927	Попов
7	<i>Tamarix bungei</i> Boiss.	Ширабадская долина. Вторая терраса Аму-Дарья к 3 от Шуроба.	96	09.06.1927	Попов
8	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	Сурхан-Дарьинская область. По дороге из Ак-Рабата. А Дербени. Предгорья Гиссара.	584	26.05.1947	Короткова
9	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	ЮЗ отроги Гиссарского хребта. Окрестности к/к Шураб. Пестроцветные низкогорья. (3 экз).	148	16.05.1979	Ли, Цукерваник

10	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	ЮЗ отроги Гиссарского хребта. Окрестности к/к Шураб. Пестроцветные низкогорья. (3 экз).	148	16.05.1979	Ли, Цукерваник
11	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	ЮЗ отроги Гиссарского хребта. Окрестности к/к Шураб. Пестроцветные низкогорья. (3 экз).	148	16.05.1979	Ли, Цукерваник
12	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	Хребет Кугитанг. Северные склоны. Окрестности с. Шураб. Пестроцветные склоны.	227	14.05.1976	Пратов, Цукерваник, Махмедов
13	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	Хребет Кугитанг. Северный склон. Окрестности с. Шураб. Пестроцветные склоны. (2 экз).	190	14.05.1976	Пратов, Цукерваник, Махмедов
14	<i>Tamarix elongata</i> Ledeb.	Хребет Кугитанг. Северный склон. Окрестности с. Шураб. Пестроцветные склоны. (2 экз).	190	14.05.1976	Пратов, Цукерваник, Махмедов
15	<i>Tamarix florida</i> Bunge	Памиро-Алай. Отроги Юго- западного Гиссара. Байсунтау, бассейн реки Мачай- Дарья. В середине реки Мачай	271	29.05.2012	Тургинов
16	<i>Tamarix hispida</i> Willd.	Гиссарский хребет. По дороге между ст. Шурчи и с. Байсун.	1334	04.10.1947	Короткова
17	<i>Tamarix</i> <i>hohenackeri</i> Bge.	Хребет Гиссарский. ЮЗ отроги. Горы Байсунтау. Долина реки Мачай. В окр. к/к Уртамачай. Пойма. Сенокос. (3 экз).	684	25.05.1978	Набиев, Ли, Цукерваник
18	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы г. Акташ. 67 км на юг от сел. Акташ. Вдоль дороги Акташ-Шерабад. Пестроцветные породы. (2 экз).	82	24.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
19	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы г. Акташ. 67 км на юг от сел. Акташ. Вдоль дороги Акташ-Шерабад. Пестроцветные породы. (2 экз).	268	24.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
20	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы. Г. Акташ. В 17 км на юг от сел. Акташ. Вдоль дороги Акташ-Шерабад. Пестроцветные породы. (2 экз).	286	24.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
21	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы. Г. Акташ. В 17 км на юг от сел. Акташ. Вдоль дороги Акташ-Шерабад. Пестроцветные породы. (2 экз).	286	24.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
22	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы. Между к/к Акробати к/к Шураб. На выходах красных пород. Вдоль сая. (4 экз).	161	18.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
23	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы. Между к/к Акробати к/к Шураб. На выходах красных пород. Вдоль сая. (4 экз).	161	18.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
24	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Байсунские горы. Между к/к Акробати к/к Шураб. На выходах красных пород. Вдоль сая. (4 экз).	161	18.05.1972	Набиев, Шерматов, Казакбаев
25	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	Памиро-Алай. Отроги Юго- западного Гиссара. Байсунтау, бассейн реки Мачай- Дарья. Юкори Мачай Тешиктош гори дараси	146	10.05.2012	Тургинов
26	<i>Tamarix</i> <i>ramosissima</i> Ledeb.	Байсунский район. Левый берег р. Ширабад.	sn	17.07.1938	Паройская
27	<i>Tamarix</i> <i>ramosissima</i> Ledeb.	Байсун. Ущелье Банды-ханы.	397	15.08.1940	Кудряшев
28	<i>Tamarix</i> <i>ramosissima</i> Ledeb.	Байсунский район. Близ Шураба. Вдоль сая с соленой водой.	sn	26.07.1931	Меркулович
29	<i>Tamarix</i> <i>ramosissima</i> Ledeb.	Байсунский район. Близ Шураба. Вдоль сая с соленой водой.	sn	26.07.1931	Меркулович

Сўнги йилларда ботаник тадқиқотларни амалга оширишда ҳамда олинган натижаларни замонавий методлар орқали ифодалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан бу борада ГАТ хариталаридан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Тадқиқотимиз давомида TASH фондида мавжуд *Tamarix L.* туркумининг Бойсун (БГР) да учровчи турларининг гербарий намуналарининг терилган жойлари замонавий ГАТ хариталари орқали акс эттирилди. Ушбу харита туркум турлари устида узоқ йиллар давомида мониторинг ишларини олиб боришда кенг миқёсда фойдаланилиши мумкин (2-расм).



2-расм. TASH фондидаги сақланаётган *Tamarix L.* туркуми турларининг Бойсун (БГР) дан терилган жойлари

Тадқиқотлар давомида ўрганилган турлар секциялар кесимида таҳлил қилинди (3-расм). Туркум вакиллари Vernales ва Aestivales секциясига мансублиги аниқланди [12]. Маълумки туркум вакиллариининг ўзига хос жиҳатларидан бири, гуллари орқали фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Туркум вакиллариининг барглари майда тангача ёки кипиксимон, гуллари майда оқ, оч пушти, бинафша ранг, узун шингилсимон тўпгулга йиғилган. Меваси 3—5 паллали кўсакча. Туркум вакиллариининг ўзига хос жиҳатларидан бири, ёруғсевар, қурғоқчиликка, шўрхокка, захликка чидамли ўсимлик ҳисобланади. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, улар 40—50 йилгача яшаши қайд этилган. Бу эса ўз навбатида турлардан кенг миқёсда фойдаланиш имконини беради.

I - Секция				
	<i>Tamarix florida</i> Bunge	<i>Tamarix hohenackeri</i> Bge.	<i>Tamarix laxa</i> Willd.	<i>Tamarix elangata</i> Ledeb.
II - Секция				
	<i>Tamarix bungei</i> Boiss.	<i>Tamarix ramosissima</i> Ledeb.	<i>Tamarix hispida</i> Willd.	<i>Tamarix arceuthoides</i> Bunge.

3-расм. Туркум вакиллариининг секциялар кесимида фарқланиши

**Хулоса.** Сўнги йилларда мавжуд гербарий намуналарини таҳлил қилиш ва уларнинг тарқалишини акс эттирувчи замонавий хариталарини яратиш борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур хилдаги тадқиқот натижалари биринчи навбатда туркум турлари борасидаги муаммолар ечимини топишда ҳамда уларнинг келиб чиқиш марказлари борасида аниқ тўхтамга келиш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида туркум турларининг географияси, экологияси, замонавий хариталари ҳамда гербарий намуналарининг таҳлили тўғрисида олинган маълумотлар, туркум турлари устида йиллик мониторинг ишларини олиб боришни таъминлашга хизмат қилади. Туркум вакиллариининг манзарали ўсимликлар сифатида эътироф этилиши ҳамда ўрмонлар барпо этишда ва чўлланиш жараёнида ихота сифатида фойдаланилиши, улар устида замонавий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Кам сонда терилган турлардан мақсадли дала тадқиқотлари давомида янги гербарий намуналари тайёрланиши натижасида туркумнинг замонавий ареаллари ва экологик маконларини тўлиқ тасвирлаш имкони яратилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тахтаджян А. Л. Система магнолиофитов. — Л.: Наука, 1987. — 439 с.



2. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана. Ботанический журнал Т. 101. 2016. №10. – С. 1114-1117.
3. Тургинов О.Т., Бойсун ботаник-географик райони флораси: Дис. ...канд биол наук., Тошкент, 2017. — 297 с.
4. Русанов Ф. Н. Род 2. Гребенщик, или Тамарикс — *Tamarix L.* // Деревья и кустарники СССР. Дикорастущие, культивируемые и перспективные для интродукции. / Ред. тома С. Я. Соколов. — М.—Л.: Изд-во АН СССР, 1958. — Т. IV. Покрытосеменные. Семейства Бобовые — Гранатовые. — С. 795—822. — 976 с. — 2500 экз.
5. Попова Т. Н. Семейство тамарисковые (*Tamaricaceae*) // Жизнь растений: в 6 тт. / под ред. А. Л. Тахтаджяна. — М.: Просвещение, 1981. — Т. 5. Ч. 2. Цветковые растения. — С. 78.
6. Linnaeus, C. *Species plantarum*. Ed. 1. Vol. 1. Holmiae. 1753. 560 p.
7. Bunge A., Tentamen generis *Tamaricum* species, Dorpat, 1852. с. 86.
8. Arendt G., Beitrage zur Kenntnis der Gattung *Tamarix*, Leipzig (1926). с. 35.
9. Никитин С.А. Древесная и кустарниковая растительность пустынь СССР. — М.: Наука. 1966. с. 112-198.
10. Русанов Ф. Н. Среднеазиатские тамариксы. — Таш., 1949. С.10-30
11. Русанов Ф.Н. Лесохозяйственное значение тамариксов. Тр. Туркменского филиала АН СССР, в. V, 1944. с. 76-98.
12. Флора ССР. В 30 т. М.Л.: изд. АН СССР, 1934-1960

УЎК 594

### ЎЗБЕКИСТОНДА АДВЕНТИВ - *DEROCERAS RETICULATUM* (GASTRAPONDA TERRESTRIA NUDA) ТУРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

С. Абдурашулова, таянч докторант, Гулистон Давлат Университети, Гулистон  
 И. Авазметова, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива  
 А. Пазилов, профессор, Гулистон Давлат Университети, Гулистон

**Аннотация.** Ушбу мақолада *Deroceras reticulatum* турининг Ўзбекистон ҳудудида тарқалиши, популяциядаги зичлиги ва хўжалик аҳамияти таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида полиз экинлари, бошоқли ва озуқабоп ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга зарар етказиши кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Яланғоч шиллиққурт, стимулятор, пениал без, полифаг, озуқабоп ўсимлик, биотоп.

**Аннотация.** В данной статье анализируются распространение, плотность населения и экономическое значение *Deroceras reticulatum* в Узбекистане. В сельском хозяйстве было показано, что он повреждает бахчевые, зерновые и кормовые культуры, а также осенние культуры.

**Ключевые слова:** Голая слизь, стимулятор, половая железа, полифаг, съедобное растение, биотоп.

**Abstract.** This article analyzes the distribution, population density and economic importance of *Deroceras reticulatum* in Uzbekistan. In agriculture, it has been shown to damage melons, cereals and fodder crops, as well as autumn crops.

**Keywords:** Naked mucus, stimulator, penile gland, polyphagous, edible plant, biotope.


Қориноёкли моллюскаларнинг кўпчилиги вакилларида ташқи чиғаноқ мавжуд бўлиб, маълум бир оила ва авлод вакилларида чиғаноқ редуцияга учраб, рудимент шаклда-кичкина пластинка тарзида сақланиб қолган ва мантия ўраб олганлиги учун чиғаноқ кўринмайди. Танасида чиғаноғининг кўринмаслиги ва ҳаракатланган ҳолатда танасидан кўп шиллиқ ажратганлиги сабабли қориноёклилар синфининг бу вакиллари ёлонғоч шиллиққуртлар деб ном олган.

Ҳозирда дунё фаунасида шиллиққуртларнинг 150 дан ортиқ турлари учраб, шулардан, Марказий Осиёда 24, Ўзбекистонда эса 18 тури тарқалган бўлиб, бу турларнинг биологик хилма хиллиги нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиё республикаларида тўлиқ ўрганилмаган.

Шунинг учун шиллиққуртларнинг ўрганиш назарий ва амалий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Сабаби: биринчидан, улар гетероген гуруҳдан иборат бўлиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хил ҳайвонлар комплексини ташкил этиб, систематик жиҳатидан бир-биридан узок бўлган гуруҳлар эволюциясини ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Иккинчидан, улар моллюскаларнинг физиологиясини ўрганишда, чиғаноқли моллюскаларга нисбатан қулай тадқиқот объекти ҳисобланади. Учинчидан, шиллиққуртларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзавот ва полиз экинлари билан озиқланиб катта зарар етказади.

**Тадқиқот материаллари ва методлари.** Тадқиқот материаллари 2017-2021 йиллар давомида С.Абдурашулова томонидан: Туркистон тоғ тизмаси шимолий ён бағри, Мирзачўл текислиги, Нурота тоғлари, Сангзор дарёси хавзаси, Самарқанд вилояти ҳудуди, Фарғона водийси ва уни ўраб турган тоғлар, ҳамда Бойсун ва Кўхитанг тоғ тизмалари ва И.Авазметова томонидан: Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисми ҳудудларидан терилган(1-расм).


Материалларни ўрганиш, И.М. Лихарев, А.Й. Виктор [1], А.А. Шилейко, Т.С. Рымжанов [2], методикалари бўйича амалга оширилди.



1-расм. Материал йирилган жой харитаси. ○ - материал йирилган хууд

**Натижалар таҳлили.** *Deroceras reticulatum* турига оид маълумотлар А.Мухитдинов[3] А.Пазилов, Д.А.Азимов[4], А.Пазилов[5], К.К.Увалиева[6], Ш.Абдулазизова [7] томонидан келтирилган бўлиб, унинг танасининг орқа қисми қавариқ ва охирида бир оз ингичкалашган (2-расм, А). Мантия тана узунлигининг 2/5 қисмига тенг. Тананинг устки қисми тўқ-жигарранг доғлар билан қопланган. Ушбу доғлар тартибсиз жойлашган тўрсимон нақшга ўхшайди. Пигментлар асосан эгатсимон йўлақларда тўпланган. Оёқ қисми ранги оч жигарранг. Тана узунлиги 35-45 мм, қисқарган ҳолатда 25 мм.

Репродуктив органи тузилиши (2-расм, Б). Оқсил беши узун тилсимон. Уруғ йўли калта бўлиб, пениснинг орқа томонининг ўнг томонига туташган. Пенис ўрта қисмида ингичкалашган. Пенис ичининг олдинги қисмида йирик стимулятор ва орқа қисмида эса йирик пениаль беши жойлашган. Пениаль без шакли ўта ўзгарувчан бўлиб, бир популяцияда уч шохли бўлса, яна бошқасида эса бир шохли бўлиши мумкин. Уруғ йўли калта, уруғ қабул қилгич тухумсимон тузилишга эга.



2-расм. *Deroceras reticulatum*. А- умумий кўриниши, Б-репродуктив органининг тузилиши: Гб- гермофрадит без, Уқ-уруғ қабул қилгич, Ф-флагеллум, Пб-пениаль без.

*Deroceras reticulatum*, асл ватани Европа бўлиб, Марказий Осиё учун адвентив тур ҳисобланиб, Ўзбекистонда гил тупроққа эга бўлган очик биотопларда яшаб, ўрмонлардан ва хатто буталардан ҳам қочади. Турнинг экологик толерантлиги юқори бўлганлиги сабабли, нафақат табиий, балки антропоген ва айниқса маданий биотопларда ҳам учраб, ариқлар бўйидаги ўтлар орасида, сабзавот экин майдонлари атрофида ва боғларида яшаб, унинг популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани, Андижон сой дарёси қирғоқларидаги турли хил ўтлар орасида 1 м<sup>2</sup> майдонда 17-18 та, Улуғнор тумани ҳудудидаги инсон томонидан барпо этилган сув шаҳоблари атрофидаги ўтлар орасида бу кўрсаткич 10-12 та, Фарғона вилояти Данғара туманидаги ўзлаштирилмаган биотоплар: ажриқзор ва мавсумий ўтлар орасида 15-16 та, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманининг мевазор боғлари ва ариқ бўйларидаги ўтлар орасида, 1 м<sup>2</sup> майдонда 17-20 тагача учраса, Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида ариқ бўйларида популяциядаги ўртача зичлиги 9-10 тага тенг.

Ўзбекистондан ташқарида, Қозоғистонда( Кунгей Олотов, Орқайил, Олмата вилоятлари) Қирғизистон, Тожикистон ва Россия, Украинада кенг тарқалган.

Ўзбекистон учун адвентив тур ҳисобланган *Deroceras reticulatum* охириги йилларда турғун популяция ҳосил қилиб, ареали йил сайин кенгайиб бориб, кишлоқ хўжалигида полиз экинлари, бошоқли ва озқабоп ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга салмоқли зарар етказмоқда.

*D.reticulatum*, асосан очик биотопларда, кўпроқ антропоген биотопларда шох-шаббалар, тошлар остида, ер ёриқларида яшаб, улар томонидан етказиладиган зарар ўзига ҳослиги билан бошқа зараркунандалар зараридан ажралиб туради ва ҳар хил ўсимлик турларига турлича зарар етказилади. Масалан, ушбу турнинг Хоразм вилояти, Хива тумани, Беруний кишлоғи ҳудудидаги очик майдонлардаги

энди ўниб чиққан бодринг кўчатлари билан озукланиши натижасида келтирган зарари куйидагича (жадвал).

Жадвал

*Deroceras reticulatum* нинг бодринг кўчатларига келтирилган зарари  
(10 м<sup>2</sup> майдонда)

Тадқиқот олиб борилган қатор	Кўчатлар сони ва ҳолати (икки қулоқ)	Бодринглар сони				Жами зарарланган бодринг кўчатлари % ҳисобида
		Зарарланмаган кўчатлар	Зарарланган			
			барг бир қисми	пластинкасини ейилган	иккита тўлик ейилган барги	
1-қатор	42	20	9	13	52,80	
2-қатор	37	22	7	8	45,54	
3-қатор	39	22	10	7	43,58	
4-қатор	39	23	11	5	42,02	
5-қатор	43	25	10	8	41,86	
6-қатор	40	26	8	6	35	
7-қатор	35	25	6	4	28,57	
8-қатор	38	28	6	4	26,31	
9-қатор	37	27	6	4	27,02	
10-қатор	39	30	4	5	23,07	
Жами	389	273	77	64	36,67	



3-расм. *Deroceras reticulatum* томонидан қисман ейилган ўсимлик барги.

Жадвал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатиб турибдики 10 м<sup>2</sup> майдонда жами 378 бодринг кўчатлари бўлиб, шулардан жами 141 та кўчат турли даражада зарарланган. Зарарланиш даражаси чет қаторларда юқори бўлиб, ўрта қаторларга борган сари камайиб боради. Бунинг сабаблари таҳлили шуни кўрсатдики, чет қаторларга, шилликқуртлар доимий яшайдиган жойи яқин бўлганлиги туфайли, у ерда уларнинг зичлиги юқори бўлганлиги боис, кўчатлар зарарланиш даражаси ҳам юқори. Ўрта қаторларга борган сари шилликқуртлар сони камайиб боради ва шунга мос тарзда бодринг кўчатлари кам зарарланади.

*D. reticulatum* адир минтақасида биотопларда кенг тарқалган бўлиб, озуқа боб ўсимликлар баргининг юмшоқ қисми билан озукланади. Масалан, 3 дона шилликқурт 1,5 соат давомида ўзини ҳажмидан 15 маротаба катта бўлган ўсимлик баргини еб тугатади (3-расм).

Келтирилган маълумотдан кўришиб турибдики *D. reticulatum* тури хўжалик аҳамиятига эга бўлган озуқабоп ўсимликларнинг барги билан озукланиши натижасида уларга тегишлича зарар етказилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида куйидагича хулоса қилиш мумкин. *D. reticulatum* Ўзбекистон учун адвентив тур ҳисобланиб охириги йилларда турғун популяция ҳосил қилиб, ареали йил сайин кенгайиб Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, унинг популяциядаги ўртача зичлиги 1 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 15-16 та ёгин-сочин кўп бўлган йиллари бу кўрсаткич 30-35 тага тенг бўлиши мумкин.

*D. reticulatum* қишлоқ хўжалигида полиз экинлари, бошоқли ва озуқабоп ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга зарар етказишига оид тадқиқот ишлари олиб боришни тақоза этмоқда.

**ҲОҒДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Лихарев И.М., Виктор А.И. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3. Вып.5. № 122. 437 с.

2. Шилейко А.А., Рымжанов Т.С. Фауна наземных моллюсков Казахстана и сопредельных территорий. Москва-Алма-Ата: Товарищество научных издание КМК, 2013. - 389с.

3. Мухитдинов А. Наземные моллюски Северного Таджикистана: Автореф. дис.... канд. биол. наук. - Л., 1978. - 25 с.



4. Пазилов А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. - Ташкент: Фан, 2003. - 315 с.
5. Пазилов А. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий: Автореф. дис... докт. биол. наук. - Т., 2005. - 40 с.
6. Увалиева К.К. Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. - Алма-Ата: Наука Каз. ССР, 1990. - 224 с.
7. Абдулазизова Ш.К. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Сурхан-Шерабадской долины и окружающих ее горных хребтов: Автореф. дис. ... доктора философии (PhD) по биол. наук. - Ташкент, 2018. - 43 с.

УЎК 631.527: 633.11

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА РАСТОРОПША *SILYBUM MARIANUM* (L.) GAERTN.) НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

У.К. Абдурахимов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива  
 Н.У. Хамраев, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива  
 С.Х. Бабаджанова, доц., Урганч давлат университети, Урганч  
 Ф.Р. Нурметова, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива  
 О.Ю. Отаев, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

**Аннотация.** Ушбу мақолада расторопшанинг – *Silybum marianum* L. (Gaertn.) навлари уруғларининг кимёвий таркиби – хом ёғ, хом клетчатка, кул, азотсиз экстрактив моддалар, гигроскопик намлик, хом протеин ва умумий азот миқдорлари бўйича маълумотлар келтирилган. Тажрибаларда расторопшанинг Дебют нави уруғлари хом ёғ (5,6%), хом клетчатка (33,6%), кул (22,6%) ва умумий азот (1,6%) миқдорлари бўйича яққол устунлик қилди. Хом ёғ, клетчатка, кул ва умумий азот миқдорлари бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилиб, мос равишда 5,1; 30,2; 20,4 ва 1,1% ни ташиқил қилди.

**Калим сўзлар.** Доривор ўсимликлар, олаёт, нав, ўсимликларнинг кимёвий, минерал ва органик таркиби.

**Аннотация.** В данной статье приводятся сведения о химическом составе, в частности, о составе сырого жира, клетчатки, золы, без азотистых экстрактивных веществ, гигроскопической влажности, сырого протеина и общего азота в семенах сортов расторопши пятнистой – *Silybum marianum* L. (Gaertn.). Из проведенных опытах сорт расторопши – Дебют явно доминировал по сырому жиру (5,6%), сырой клетчатке (33,6%), золе (22,6%) и общему азоту (1,6%). Наименьшее содержание по сырому жиру, клетчатки, золы и общего азота отмечено у сорта Самарянка и соответственно составило 5,1%; 30,2%; 20,4% и 1,1%.

**Ключевые слова.** Лекарственное растение, расторопша пятнистая, сорт, химический, минеральный и органический состав растений.

**Abstract.** This article provides information on the chemical composition, in particular, on the composition of crude fat, fiber, ash, without nitrogenous extractive substances, hygroscopic moisture, crude protein and total nitrogen in the seeds of varieties of milk thistle – *Silybum marianum* L. (Gaertn.). From the experiments carried out, the milk thistle variety - Debut clearly dominated in crude fat (5.6%), crude fiber (33.6%), ash (22.6%) and total nitrogen (1.6%). The smallest content of crude fat, fiber, ash and total nitrogen was observed in the Samaryanka variety and, accordingly, amounted to 5.1%; 30.2%; 20.4% and 1.1%.

**Keywords.** Medicinal plant, Milk thistle, variety, chemical, mineral and organic composition of plants.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликларнинг кимёвий таркибини ўрганиш, ўсимликдан асосий таъсир қилувчи моддаларни (терпеноидлар, алкалоидлар, флавоноидлар, полифеноллар, полисахаридлар, кумаринлар, гликозидлар ва бошқа моддалар) индивидуал ҳолда ажратиб олиб, уларнинг кимёвий тузилишлари ва биологик фаолликларини ўрганиш долзарб мавзулардан ҳисобланади [6].

Расторопшанинг кимёвий таркиби тўлиқ ўрганилмаган. Мевалари таркибида биологик фаол моддалардан – флаволигнанлар, флавоноидлар, ёғ моддалари, эфир мойлари, стероллар, органик кислоталар, аччиқ ва шиллик моддалар, сапонинлар ва бошқа моддалар учрайди [2].

Расторопшанинг мевалари ноёб биологик фаол бирикмалар гуруҳи – флаволигнанларни ўз ичига олади. Флаволигнанлар, ёғ моддалари сингари биологик фаол бирикмаларнинг асосий гуруҳи ҳисобланиб, расторопшанинг навдорлик фарқлари ва ўсиш шароитларига қараб мевалари таркибида 1,5% дан 4% атрофида ўзгариб туради [1]. Шунингдек, расторопша уруғлари таркибида кул, макро ва микроэлементлар учрайди [7].

Турли хил географик ҳудудларда ўсадиган расторопша ўсимлигининг кимёвий таркиби нихоятда хилма-хилдир. Ушбу полиморфизмнинг сабаблари ханузгача тўлиқ ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам фармакологик фаолиятнинг кенг спектри туфайли расторопша ўсимлиги ва унинг алоҳида қисмларини кимёвий таркибини ҳар томонлама ўрганиш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда [3].

Доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби жуда кўплаб омилларга боғлиқ равишда ўзгариб туради. Ушбу омилларга ўсимликнинг вегетация даври, яшаш шароитлари (тупроқ, намлик, ҳарорат ва б.) киради. Бундан ташқари, юқоридаги омилларга боғлиқ ҳолда, турли хил тупроқ-иқлим шароитларида етиштирилаётган бир хил доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ҳам муайян даражада ўзгариб ва фарқланиб туради [5].

Маълумки, доривор ўсимликшунослик соҳасида интродукция қилинаётган ҳар қандай янги доривор ўсимликнинг фармацевтик нуқтаи назардан аҳамиятини баҳолаш учун аввало, унинг кимёвий таркибини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, илмий изланишларимизда Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида етиштирилган расторопша – *Silybum marianum L. (Gaertn.)* навлари уруғларининг кимёвий таркиби – хом ёғ, хом клетчатка, кул, азотсиз экстрактив моддалар – АЭМ, гигроскопик намлик, хом протеин ва умумий азот миқдорлари бўйича қиёсий тадқиқ қилдик.

Тажрибалар ЎзР ФА Биоорганика ИТИ “Амалий тадқиқотлар” лабораторияда амалга оширилди.

1-жадвал

Навлар уруғларининг кимёвий таркиби, абсолют қуруқ моддага нисбатан % ҳисобида

Навлар	M±m	V	L	S
<b>Хом ёғ</b>				
Самарянка	5,1±0,02	1,77	5,0-5,3	0,09
Дебют	5,6±0,02	1,44	5,4-5,7	0,08
Панацея	5,3±0,04	2,52	5,1-5,5	0,13
<b>Хом клетчатка</b>				
Самарянка	30,2±0,03	0,32	30,0-30,3	0,09
Дебют	33,4±0,03	0,31	33,2-33,5	0,10
Панацея	31,3±0,03	0,36	31,1-31,4	0,11
<b>Кул</b>				
Самарянка	20,4±0,02	0,41	20,2-20,5	0,08
Дебют	22,6±0,03	0,50	22,4-22,8	0,11
Панацея	21,3±0,02	0,42	21,1-21,4	0,09
<b>Азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ)</b>				
Самарянка	29,7±0,05	0,54	29,5-30,0	0,16
Дебют	30,1±0,02	0,31	30,0-30,3	0,09
Панацея	29,5±0,03	0,38	29,3-29,6	0,11
<b>Гигроскопик намлик</b>				
Самарянка	13,6±0,03	0,72	13,4-13,7	0,09
Дебют	13,0±0,03	0,74	12,8-13,1	0,09
Панацея	13,4±0,03	0,85	13,3-13,6	0,11
<b>Хом протеин</b>				
Самарянка	9,1±0,02	0,77	9,0-9,2	0,07
Дебют	10,3±0,02	0,73	10,1-10,4	0,07
Панацея	9,4±0,02	0,74	9,2-9,5	0,07
<b>Умумий азот</b>				
Самарянка	1,1±0,01	5,46	1,0-1,2	0,06
Дебют	1,6±0,01	3,40	1,5-1,7	0,05
Панацея	1,4±0,01	2,61	1,3-1,4	0,03

\*V – Вариация; \*L – Лимит; \*S – Стандарт огиши

Тажрибаларимизда расторопша навлари уруғларининг кимёвий таркиби ўрганилганда бир қанча нисбий фарқлар кузатилди. Жумладан, расторопшанинг Самарянка нави уруғида хом ёғ миқдори – 5,1%, хом клетчатка – 30,2%, кул миқдори – 20,4%, азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ) – 29,7%, гигроскопик намлик – 13,6%, протеин – 9,1% ва умумий азот миқдори – 1,1% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткичлар расторопшанинг Дебют навида хом ёғ – 5,6%, хом клетчатка – 33,4%, кул – 22,6%, АЭМ – 30,1%, гигроскопик намлик – 13,0%, протеин – 10,3% ва умумий азот – 1,6% га тенг бўлди. Расторопшанинг Панацея нави уруғларида кимёвий таркибининг ўзгариш динамикаси бўйича эса хом ёғ миқдори – 5,3%, хом клетчатка – 31,3%, кул миқдори – 21,3%, АЭМ – 29,5%, гигроскопик намлик – 13,4%, протеин – 9,4% ва умумий азот миқдори – 1,4% га тенг эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Ўсимликлардаги азот ва кул элементларининг таркиби биологик хусусиятларга ва ўсиш шароитларига боғлиқ бўлиб, органларда турли хил кўрсаткичларда учрайди [4].

Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам расторопша навлари уруғларининг кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш давомида юқорида қайд қилинган маълумотларга мос келди. Жумладан, расторопшанинг Дебют нави уруғлари хом ёғ (5,6%), хом клетчатка (33,6%), кул (22,6%) ва умумий азот (1,6:) миқдорлари бўйича яққол устунлик қилди. Хом ёғ, клетчатка, кул ва умумий азот миқдорлари бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилиб, мос равишда 5,1; 30,2; 20,4 ва 1,1 % ни ташкил қилди. Лекин, уруғлар таркибида азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ), гигроскопик намлик ва хом протеин миқдорлари бўйича унчалик нисбий фарқлар кузатилмади, яъни азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ) миқдори – 29,5; 29,7 ва 30,1%, гигроскопик намлик миқдори – 13,6; 13,0 ва 13,4% ҳамда хом протеин миқдори – 9,1; 10,3 ва 9,4% эканлиги аниқланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўтказилган кўп йиллик тажрибалар натижаларига кўра, республикаимиздаги доривор ўсимликларга ихтисослашган кластерларга фармацевтика саноати учун хом ашё тайёрлаш ва доривор ўсимликларни хорижга экспорт қилиш мақсадида Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқлари шароитидан келиб чиқиб, *S.marianum L. (Gaertn.)* – расторопшанинг сифатли

технологик нав хусусиятларига эга, юқори ҳосилли Дебют ва Панацея навларини экиш ва кенг майдонларда етиштириш тавсия қилинади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ананикян Г.С. Сравнительный анализ антирадикальной активности флавоноидных соединений соцветий бессмертника красноватого, плодов расторопши пятнистой и маклюры оранжевой // Хим. ж. Армении, 2016. – Т.69. – №1-2. – С. 143-150.
2. Мнацакян В.А., Ерибекян М.И., Ананикян В.В., Ананикян Г.С. Некоторые результаты изучения химии растительного сырья // Сборник трудов “Некоторые успехи органической и фармацевтической химии” Выпуск 2. – 2015. – С. 113-125.
3. Рамазанов А.Ш., Балаева Ш.А., Шахбанов К.Ш. Химический состав плодов и масла расторопши пятнистой, произрастающей на территории Республики Дагестан // Химия растительного сырья. 2019. – №2. – С. 335–338.
4. Середа А.В., Середа Л.А., Билык В.В. Состав флаволигнанов коллекционных образцов расторопши // Матер. докл. Международного симпозиума. “Фенольные соединения: фундаментальные и прикладные аспекты”. РАН, Москва. – 2012. – С. 154.
5. Чубарова А.С., Капустин М.А., Спиридович Е.В., Курченко В.П. Содержание флаволигнанов в плодах расторопши пятнистой (*Silybum marianum* L.) различных хеморас // Вестник фармации. 2012. – №4. – С. 28.
6. Amzad M. Hossain, Zhari Ismail New Prenilated Flavonoids of *Orthosiphon stamineus* Grown in Malaysia // Asian Journal of Biotechnology. 2011. – Vol. 3. – P. 200-205.
7. Shakaryan A., Mnatsakanyan V., Revazova L., Khurshudyan K. Comparative analyses of oil of Milk thistle, which grows in Artsakh // Bulletin of Medicinal Institute after Mehrabyan. – 2007. – Vol. 3. – P. 126-127.

УЎК 576.895.122

### ЎЗБЕКИСТОН ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ХУДУДИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ОҚ СЛА (*SANDER LUCIOPERCA* L) БАЛИҚЛАРИ ГЕЛЬМИНТЛАРИ

*О.А. Абдуганиев, таянч докторант, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент*

**Аннотация.** Тадқиқот ишлари Ўзбекистон шимоли-шарқий худуди сув ҳавзалари: дарё, канал, кўллар ва балиқчилик хўжаликларидан овланган 126 нусха оқ сла (*Sander lucioperca*) балиғи устида олиб борилди. Тадқиқотлар давомида оқ сла балиғида жами 19 тур гельминтлар қайд этилди. Улардан: 4 тур цестода, 7 тур трематода, 6 тур нематода ва 2 тури акантоцефала бўлиб, бу гельминтлар 4 синф, 7 туркум, 12 оила ва 17 авлодга мансублиги аниқланилди. Тадқиқот натижаларига кўра текширилган 126 нусха оқ сла балиқларининг 62 нусхаси (49.2%) гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланилди. Аниқланилган 19 тур гельминтларнинг 12 тури личинка, 7 тури етук шаклда учради.

**Калит сўзлар:** гельминтлар, оқ сла (*Sander lucioperca*), йиртқич балиқлар, инвазия интенсивлиги ва экстенсивлиги, Сырдарё, Ўзбекистон.

**Аннотация.** Всего в рыболовных хозяйствах, каналах и естественных водоемах северо-востока Узбекистана было обследовано 126 рыб. В ходе исследований у судака (*Sander lucioperca*) было отмечено 19 видов паразитов, из них цестод - 4 вида, трематод - 7, нематод - 6 и скребней - 2 вида, относящихся к 17 родам, 12 семействам, 7 отрядам и 4 классам. Как показывают результаты исследований, из 126 обследованных особей судака, 62 экз. (49,2 %) были заражены гельминтами. Зарегистрированы случаи моноинвазии и ассоциативные формы. Из обнаруженных 19 видов гельминтов, 12 встречаются в личиночной, 7 видов в половозрелой форме.

**Ключевые слова:** гельминты, судак (*Sander lucioperca*), хищные рыбы, инвазия, экстенсивность и интенсивность инвазии, Сырдарья, Узбекистан.

**Abstract.** A total of 126 fish specimens were examined in fish farms, canals and natural reservoirs of northeastern Uzbekistan. The total infestation of sander with helminths was, 62 ekz.(49.2%) of the infected fish, 19 parasite species were identified. Of these, cestodes - 4 species, trematodes - 7, nematodes - 6, and acanthocephalans - 2 species belonging to 17 genera, 12 families, 7 orders and 4 classes. Of the 19 species of helminths found, 12 are found in larval form, 7 species in sexually mature form, which cause serious diseases in the studied fish.

**Key words:** helminths, sander (*Sander lucioperca*), predatory fish, invasion, extensiveness and intensity of invasion, Syrdarya, Uzbekistan.

Кириш. Республикамизда аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ушбу тармоқ озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланиб, кейинги вақтларда мамлакат иқтисодиёти таркибида балиқчилик соҳаси улуши ҳам изчил ортиб бормоқда.

Лекин, шу билан биргаликда қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирида балиқчилик соҳаси катта иқтисодий зарар кўриши мумкин. Соҳага салбий таъсир этувчи омиллар ичида паразитар касалликлар асосий ўринни эгаллайди. Кучли патоген гельминтлар таъсирида эса балиқларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади. Ўзбекистон шимоли – шарқий худуди сув ҳавзалари оқ сла (*Sander lucioperca*) балиқлари гельминтлари тур таркиби ва зарарланиш даражасини ўрганишдан иборат.



Тадқиқот объекти ва услублари. Ушбу тадқиқот ишлари 2019-2021 йиллар давомида Ўзбекистоннинг шимоли – шарқий худудидаги дарё, каналлар, кўллар, балиқчилик хўжаликлари (Сирдарё дарёси, “Янгиербалиқ”МЧЖ, “Эркин балиқ хавзаси” Ф/Х, “Навбахор олтин балиғи”Ф/Х, «Жанубий Мирзачўл» ва «Дўстлик» канали) дан овланган жами 126 нусха оқ сла (*Sander lucioperca*) балиқларида олиб борилди. Балиқларни текшириш тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ёриб кўриш усулларида амалга оширилди [1-3]. Тўпланган материаллар маълум методлар асосида: трематода, цестода ва акантоцефалалар 70% ли спиртда, нематодалар эса 4% ли формалин ёки Барбагалло суюқлигида сақланди [1]. Гельминт турларини аниқлашда адабиёт маълумотларидан фойдаланилди [4, 5].

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларимиз давомида оқ сла (*Sander lucioperca*) балиғида жами 19 тур гельминт қайд этилди. Уларнинг 7 тури трематода, 4 тури цестода, 6 тури нематода ва 2 тури акантоцефала бўлиб, улар 7 туркум, 12 оила ва 17 авлодга мансуб эканлиги аниқланди.

“Янгиербалиқ”МЧЖ да -14 тур, “Эркин балиқ хавзаси”Ф/Х да -10 тур, “Навбахор олтин балиғи”Ф/Х да -8 тур, “Жанубий Мирзачўл” каналида -6 тур, “Дўстлик” каналида -7 тур ва Сирдарё дарёсида – 5 тур гельминтлар қайд этилди. Гельминтлар орасида энг кенг тарқалган турлар: трематодалардан *Bucephalus polymorphis*, *Diplostomum spathaceum*, цестодалардан *Bothriocephalus opsariichthydis*, *Ligula intestinalis*, нематодалардан *Desmidocercella numida* ва *Contracaecum spiculigerum* эканлиги аниқланди. Ушбу гельминт турлари оқ сла балиқлари учун хос бўлиб барча сув хавзаларида кенг тарқалган. Тўртта сув хавзасида *Rhipidocotyle campanula*, *Bolboforus confusus*, *Pomphorhynchus laevis*, ва *Raphidascaris acus* қайд этилди. Учта сув хавзасида *Bunodera luciopercae*, *Tylodelphus clavata*, *Triaenophorus crassus* ва *Contracaecum microcephalum* аниқланди. Иккита сув хавзасида *Hysteromorpha triloba*, *Triaenophorus nodulosus*, *Neoechinorhynchus rutilis*, *Gnathostoma hispidum* ва *Camallanus truncatus* аниқланди.

*Bothriocephalus opsariichthydis* цестодаси барча йиртқич балиқлар учун хос тур бўлиб асосан лакқа, чўртан ва оқ сла зарарланади. Ушбу тур цестоданинг оралик хўжайини - эшкаккоёкли кискичбақасимонлар яъни циклоплар иштирокида ривожланади.

*Bucephalus polymorphis* ва *Bunodera luciopercae* трематодалари ҳам йиртқич балиқлар гельминти ҳисобланиб, инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлиги нисбатан юқори. Оқ сла балиғининг *Tylodelphus clavata* трематодаси билан зарарланиш даражаси эса анча пастлиги кузатилади. *Diplostomum spathaceum* трематодасининг метацеркариялари ҳам хўжайин организмга фаол кириб олиб уни зарарлайди.

*R. acus* нематодаси йиртқич балиқлар учун хос тур бўлиб барча сув хавзаларида қайд этилди. Акантоцефалаларнинг *Pomphorhynchus laevis* тури 4 сув хавзасида, *Neoechinorhynchus rutilis* тури эса 2 та сув хавзасида қайд этилди.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики текшириш олиб борилган 126 нусха оқ сла балиқларининг, 62 нусхаси (49.2%) гельминтлар билан зарарланган. Аниқланилган 19 тур гельминтларнинг 12 тури личинка, 7 тури вояга етган шаклларда учради (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон шимоли – шарқий худуди сув хавзалари оқ сла (*Sander lucioperca*) балиғининг гельминтлар билан зарарланиши (n = 126)

№	Гельминт тури	Локализацияси	зарарланган бош сони	ИЭ, %	ИИ, экз.		
					min	max	M±m
<b>Trematoda Rudolphi, 1808 синфи</b>							
1	<i>Bucephalus polymorphis</i>	ичак	36	28,5	6	52	37,6±1,8
2	<i>Rhipidocotyle campanula</i>	ичак ва жабра	19	15,0	3	16	12,5±1,2
3	<i>Bunodera luciopercae</i>	ичак	21	16,6	1	21	15,6±1,4
4	<i>Diplostomum spathaceum</i>	кўз гавҳари ва кўз олмаси	28	22,2	2	15	12,5±1,2
5	<i>Tylodelphus clavata</i>	кўз олмаси	3	1,6	1	7	3,7±0,2
6	<i>Bolboforus confusus</i>	мускул қавати, жабра, ичак девори	9	7,1	2	14	10,6±1,0
7	<i>Hysteromorpha triloba</i>	мускул қавати	13	10,3	3	8	3,8±0,2
<b>Cestoda Rudolphi, 1808 синфи</b>							
8	<i>Triaenophorus nodulosus</i>	ичак, жигар ва бошқа ички органлар	9	7,1	4	28	16,5±1,5
9	<i>Triaenophorus crassus</i>	ичак, жигар ва бошқа ички органлар	7	5,5	2	18	11,4±1,1
10	<i>Bothriocephalus opsariichthydis</i>	ичак	38	30,1	5	25	16,3±1,5
11	<i>Ligula intestinalis</i>	тана бўшлиғи	19	15,1	2	12	5,7±0,3
<b>Acanthocephala Rudolphi, 1808 синфи</b>							
12	<i>Neoechinorhynchus rutilis</i>	ичак	17	13,5	5	45	19,5±1,6
13	<i>Pomphorhynchus laevis</i>	ичак	32	25,4	4	51	32,4±2,8
<b>Nematoda Rudolphi, 1808 синфи</b>							

14	Contracaecum spiculigerum	ичак ва ички органлар	18	14,3	2	32	19,6±1,6
15	Contracaecum microcephalum	ичак девори ва ички органлар	6	5,1	2	21	11,4±1,1
16	Raphidascaris acus	ичак, тана бўшлиғи ва гонада	12	9,5	3	23	15,6±1,4
17	Desmidocercella numidica	кўзнинг шишасимон танасида	21	17,0	1	8	3,6±0,2
18	Gnathostoma hispidum	жигар, ичак, тана бўшлиғи ва ички органлара	9	7,1	4	21	12,1±1,1
19	Camallanus truncatus	ошқозон ва ичак	8	6,3	2	26	16,2±1,5

Олинган натижаларда оқ сла балиқлари *Bothriocephalus opsariichthydis* (30,1%), *Vucephalus polymorphis* (28,5 %), ва *Pomphorhynchus laevis* (25,4 %), *Diplostomum spathaceum* (22,2%) гельминтлари билан юкори даражада зарарланган. Инвазия интенсивлиги 1 - 52 нусхани ташкил этди.

Балиқларнинг нематодалар билан зарарланиш даражаси нисбатан паст кўрсаткичда бўлиб, инвазия экстенсивлиги 5,1-17,0 % гача, инвазия интенсивлиги эса 1-32 нусхага тенг бўлди. 6 турдаги нематодаларнинг барчаси биогельминтлар ҳисобланади.

Хулоса. Тадқиқотларимиз давомида Ўзбекистон шимоли – шарқий ҳудуди сув ҳавзаларидан текширилган 126 нусха оқ сла (*Sander lucioperca*) балиғида жами 19 тур гельминтлар қайд этилди. Уларнинг 4 тури цестода, 7 тури трематода, 6 тури нематода ва 2 тури акантоцефала бўлиб, улар 7 туркум, 12 оила ва 17 авлодга мансуб эканлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики текшириш олиб борилган 126 нусха оқ сла балиғининг 62 нусхаси (49,2%) гельминтлар билан зарарланган. Аниқланилган 19 тур гельминтларнинг 12 тури личинка ва 7 тури вояга етган шаклда учради. Буларнинг барчаси балиқ гельминтларга қарши кенг қамровли проофилактика ишларини олиб боришни тақозо этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Быховская-Павловская И.Е. Паразитологическое исследование рыб // Изд. АН СССР, 1952, М.-Л.: 3-63.
2. Догель В.А. Проблемы исследования паразитофауны рыб // Тр. Ленингр. об-ва естествоиспыт., 1933.- с. 247-263.
3. Маркевич А.П. Методика и техника паразитологического обследования рыб. Киев, 1950, изд-во КГУ. – 24 с.
4. Определитель паразитов пресноводных рыб фауны СССР / Под ред. О.Н. Бауера. Л., Наука, 1987. Т. 3. 583 с.
5. Османов С.О. Паразиты рыб Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1971. - 532 с.

УЎК: 598.2:633.1 (575-1)

## БУҒДОЙ АГРОЦЕНОЗИ ОРНИТОФАУНАСИНING МАВСУМИЙ ТАРКИБИ ВА ҚУШЛАР Сони

*Н.Н. Азимов, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент*

**Аннотация.** *Тадқиқот даврида бугдой агроценозида 15 туркум, 40 оилага мансуб 150 тур учратилди. Қушларнинг 139 тури куз мавсумида, 64 тури қишда, 124 тури баҳорда ва 58 тури ёз давомида учраши қузатилди. Мавсумий миграция даврида турларни хилма-хиллиги ва сони ортади. Тадқиқот ҳудудида учратилган қушларнинг 73 турини Passeriformes туркуми, 20 турини Charadriiformes ва 16 турини Falconiformes туркуми вакиллари ташкил этади.*

**Калим сўзлар:** *агроценоз, орнитофауна, мигрант, донхўр, экологик, доминант, ҳашаротхўр, туркум.*

**Аннотация.** *В период исследования пшеничных агроценозах отмечены 150 видов птиц, которые относятся к 40 семействам, 15 отрядам. В осенний период были учтены – 139, зимний – 64, весенний – 124 и летний – 58 видов птиц. Видовое и количественное разнообразие птиц увеличивается в периоды сезонных миграций. Из встреченных птиц в исследованном районе 73 вида представители отряда Passeriformes, 20 видов – Charadriiformes и 16 видов относятся к отряду Falconiformes.*

**Ключевые слова:** *агроценоз, орнитофауна, мигрирующий, зерноядные, экологический, доминант, насекомоядные, отряд.*

**Abstract.** *During the survey of wheat fields, 150 species of birds were recorded, which belong to 40 families, 15 orders. In the autumn period – 139, winter – 64, spring – 124 and summer – 58, bird species were taken into account. Species and quantitative diversity of birds increases during periods of seasonal migration. Of the birds encountered in the study area, 73 species are representatives of the order Passeriformes, 20 species are Charadriiformes and 16 species are belong to the order Falconiformes.*

**Keywords:** *agrocenosis, avifauna, migratory, granivorous, ecological, dominant, insectivorous, order.*

**Кириш.** Дунёда сўнги икки аср давомида табиий ландшафтлар қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кенгайтириш мақсадида жадал ўзлаштирилди. Ҳозирда қуруқликнинг 11% яқин қисмини (1,2 млрд га) агроценозлар ташкил этиб, ундан инсоният учун керак бўлган озика энергиясининг 90% олинади. Агроценозлар етарли даражада қўшимча органик ва анорганик фаол моддалар билан мунтазам

бойитилганлиги сабабли табиий экосистемаларга нисбатан маҳсулдорлиги юқори бўлади. Маълумотларга қараганда, Қозоғистон Республикаси умумий ер майдонининг 69%, Украинанинг 70% ер майдони қишлоқ-хўжалиги учун банд [1]. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 45,1% ташкил қилади.

Республика шимоли-шарқий қисмидаги агроландшафт ерларининг катта қисмидан буғдой етиштириш учун фойдаланилади. Буғдой агроценози қушлар учун ўзига хос озуқа манбаи сифатида турли экологик гуруҳларга мансуб қушларни йил давомида ўзига жалб қилади.

**Материал ва методлар:** Буғдой агроценози орнитофаунаси турлар таркибини ўрганиш мақсадидаги дала тадқиқотлари 2016-2019 йиллар давомида Тошкент вилояти ҳудудидаги 426 га майдонда олиб борилди. Қушлар хилма-хиллиги ва сонини аниқлашда кундузги маршрут методи қўлланилди [2, 3]. Иш жараёнида GPS навигатор, дурбин (10x40), Viking кузатиш трубаси (20x60) ва Canon (100x400) сингари асбоблардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили:** Буғдой агроценозида 15 туркум, 40 оилага мансуб 150 тур жумладан, куз мавсумида 139 тур, қишда 64, баҳорда 124 ва ёз давомида 58 тур қуш учраши кузатилади. Куз ҳамда баҳор мавсумида мигрант турларни ушбу агроценозда учраши ҳисобида турлар хилма-хиллиги ва сони ортади (диаграмма 1).


Апрель, май ойлари давомида қушлар сонидан катта тафовут бўлмайди. Июнга бориб хилма-хиллик камбағаллашсада, учирма бўлган қушларни уяларни тарк этиши ҳисобига қушлар миқдори ошади (диаграмма 2).

Мазкур агроценозда қайд этилган турларнинг асосий қисми яъни 73 таси, ёки 48,6% Passeriformes туркуми вакиллари ҳиссасига тўғри келади. Ушбу туркум вакиллари сон кўрсаткичлари (майдон бирлигидаги сони) барча қушлар сонининг 74,15% ни ташкил этади. Charadriiformes туркумидан 20 тур (13,3%) ва Falconiformes 16 турнинг (10,6%) учраши қайд этилди. Буғдой агроценози учун хос типик донхўр Columbiformes туркуми вакиллари 7 турдан (4,6%) иборат бўлиб, учратилган қушларнинг 3,4% ташкил қилади.

Буғдой экиш агротехникаси ҳамда буғдой майсалари куз мавсумида турли экологик гуруҳ вакиллари ўзига жалб этади.

Куз мавсумида ушбу агроценозда Passeriformes туркуми вакиллари кўп сонда бўлиб, сентябрда ўртача 10 га майдонда 104,67 қуш, октябрда 113,61 қуш, ноябрда 90,43 қуш учраши аниқланди. Кузги миграция жадаллиги сентябрь, октябрь ойларида амалга ошади. Passeridae оиласининг 3 вакили куз мавсумида кўп сонли доминант тур сифатида учрайди. Кам сонда уяловчи, мигрант тур *Passer hispaniolensis* ўртача 10 га майдонда 49,85 та, учиб келувчи, уяловчи *Passer indicus* 46,73 та ва ўтроқ тур *Passer montanus* 29,25 тагача учрайди. Уяловчи, қишлоқчи тур *Corvus frugilegus* 21,15 тани ташкил қилади. Республиканинг ўзлаштирилган минтақа ҳудудида *Corvus frugilegus* сони сезиларли даражада ошиб, кўплаб районларда янги шакланган колониялари аниқланган [4, 5].

Юқоридаги кўрсатилган турлардан ташқари *Merops apiaster* (10 гектарда 16,38), *Hirundo rustica* (14,27), *Sturnus vulgaris* (12,07), *Emberiza citronella* (11,79), *Turdus atrogularis* (11,66), *Riparia diluta* (10,67), *Emberiza calandra* (9,27) каби қушлар агроценозда куз мавсумида субдоминант турлар ҳисобланади.



1 – диаграмма. Буғдой агроценози орнитофаунасининг мавсумий хилма-хиллиги


Pelecaniformes туркуми вакиллари *Phalacrocorax carbo*, *Phalacrocorax pygmaeus* ушбу агроценоз учун характерли тур эмас, бироқ миграция ва қишлоқ даврларида, сув қуйилган далаларнинг йирик агатлари (пушта) устида кам сонда учрайди.

Куз фасли давомида Ciconiiformes туркумига мансуб 6 тур учратилди. Шундан *Ixobrychus minutus*, *Nycticorax nycticorax*, *Ardea cinerea*, *Plegadis falcinellus* фақат бир маротобадан, *Egretta alba* ҳамда *Ciconia ciconia* каби турлар кам сонда бўлсада доимий учраши кузатилади.

Anseriformes туркумидан 3 тур: *Anas platyrhynchos*, *Anas crecca*, *Aythya nyroca* юқоридаги гидрофил турлар сингари сув қуйилган далаларда кам сонда озикланади. Ери текислаб экилган буғдой майдонлари суғорилганда чуррақлар тунда учиб келиши кузатилади.

Falconiformes туркуми вакиллари ушбу агроценозда дам олишда, озикланишда ва учиб ўтишда учраши кузатилади. Туркумга доир 16 тур рўхатга олинган бўлсада қушлар сони 10 га майдонда 0,5 кам миқдорда яъни барча қушлар сонининг 1,64% ташкил этиши аниқланди.

Кузда бугдой агроценози Phasianidae оиласи вакиллари *Perdix perdix*, *Coturnix coturnix* ҳамда *Phasianus colchicus* сингари донхўр қушларни жалб этади. Хаваскорлик, спорт ови объекти бўлган юқоридаги турлар сони 10 га майдонда 0,1-1,12 тагача учрайди.



2 – диаграмма. Бугдой агроценозида турлар сони ва миқдорнинг мавсумий динамикаси

Минтақадан учиб ўтувчи Gruidae оиласи вакиллари *Anthropoides virgo* сентябрда, *Grus grus* октябрда бир маротобадан учратилди. *Rallidae* оиласига доир 2 тур - *Rallus aquaticus*, *Gallinula chloropus* яққа ҳолда, сеялкада жўяк қилиб экилган майдоннинг сув қуйилган қисмида миграция даврида тунги мигрант бўлганлиги сабабли сутканинг ёруғ вақтида дам олади. Тошкент воҳасида учиб ўтишда учровчи *Otididae* оиласига мансуб *Tetrax tetrax* Оққўрғон туманида аҳоли яшаш жойларидан нисбатан йироқда бўлган йирик майдонда учратилди. Ушбу турларни 2019 йил Жиззах вилояти Фориш туманидаги лалми бугдойзорларда кам сонда қишлаб қолиши, айниқса баҳор мавсуми март, апрель давомида сони ортиши кузатилди.

Charadriiformes туркуми вакиллари ҳам асосан сув ҳамда яшил майсазорлар ўзига жалб этади. Миграция даврида *Charadrius alexandrinus*, *Vanellouchettusia leucura*, *Himantopus himantopus*, *Tringa ochropus*, *Tringa glareola*, *Actitis hypoleucos*, *Phalaropus lobatus*, *Philomachus pugnax*, *Calidris minuta*, *Calidris temminckii*, *Lymnocyptes minimus*, *Numenius arquata*, *Limosa limosa*, *Glareola pratincola*, *Larus ridibundus* каби турлар бугдой агроценозида сув мавжуд бўлганда дам олиб, қўлмақларда чўмилиши, қисман озикланиши кузатилади. Ушбу майдонларда Ржанқасимонлар учун озика захираси етарли бўлмаганлиги сабабли қушлар агроценозда узок вақт қолмайди. Кузги миграция ва қишлашда учровчи *Vanellus vanellus*, *Gallinago gallinago* ҳамда вертикал мигрант *Gallinago solitaria* сингари турларни куз давомида ушбу майдонларда учраши қайд этилди.

Булдуруқлар Pteroclididae оиласи вакили қорабовур *Pterocles orientalis* ушбу минтақадан ерлар ўзлаштирилишига қадар кўп сонда учраган. Тадқиқот давомида юқоридаги тур куз давомида фақат бир маротаба ёзда ҳосили йиғиб олинган, чорва моллари боқилиши натижасида сомонпоя тўлиқ пайхон этилган, шудгорланмаган, қуруқ майдонда учраши аниқланди. Бугдойзорларда куз мавсумида каптарлар Columbidae оиласининг 5 тури учрайди. Типик донхўр, синантроп тур *Columba livia* сентябрь, октябрь ойларида бугдой майдонларида 10 га майдонда ўртача 5-5,6 та, ноябрда 3,3 ташкил қилади. Майса униб чиқишига параллел равишда тур сони камайиб боради. Кейинчалик ёзда ҳосил йиғилган майдонларда зичлиги яна ортади. Катта гуррак *Streptopelia orientalis* мигрант тур, кузда бугдойзорларда озикланади. Атрофида дарахт кўп бўлган бугдойпояда тур сони 1,5 км маршрутда 23-31 тага қадар учратилди. Гурраклар мавсумнинг ярмига қадар учрайди. Ўтроқ хусусиятдаги кумри *Streptopelia decaocto* 10 га майдонда 0,6-1,3 миқдорда учрайди. Кузга нисбатан қишда қуш сони камайд. Мусича *Streptopelia senegalensis* типик синантроп тур бўлгани боис фақатгина аҳоли яшаш жойлари яқинидаги ерларда учрайди. Бугдой агроценози учун характерли бўлмаган гов каптар *Columba palumbus* сони озук мўл бўлган даврда ҳам 10 га майдонда 1 тадан кам сонда бўлади. Сўнги йилларда сони камайиб бораётган оддий гуррак *Streptopelia turtur* сентябрда 0,15 тагача учратилди.

Тунги фаол қушлар гуруҳи Strigiformes туркумидан 5 тур; *Bubo bubo*, *Asio otus*, *Otus brucei*, *Athene noctua* кундузги маршрутлар даврида майдон атрофидаги дарахтларда, *Asio flammeus* бевосита бугдойзорларда кам сонда учрайди.

Табиий ва ўзлаштирилган минтақаларда учровчи тунги фаол қушлардан Caprimulgidae оиласининг 2 вакили ҳам фақат сентябрда кам (10 га майдонда 0,03-0,07) миқдорда учратилди.

Кундузги фаол, типик ҳашаротхўр тур саналган қора узунқанот *Apus apus* бу жойларга апрелда учиб келади. Мазкур тур кўп сонда учрашига қарамадан, сентябрда сони кескин камайиб 0,7 ташкил қилади. Унинг сони баҳор мавсумида 10 га майдонда 27 тани, ёзда 51 тани ташкил этади. Coraciiformes туркумининг 4 вакили бугдойзорларда учрасада, уларнинг бириортаси агроценоз учун характерли қуш ҳисобланмайди.

Кўкқарга *Coracias garrulus* уяловчи тур сифатида ўзлаштирилган минтақаларда табиий биотопларга нисбатан кам сонда учрайди. Қушлар куз ва баҳорда майса баландлиги 10-15 см гача бўлган даврда 10 га майдонда 0,15-0,2 миқдорда учрайди. Адирликлардаги ҳосили йиғиб олинган далалардан, хусусан ёз



мавсумида сомонпояси ёқиб юборилган далаларда ёнғинда нобуд бўлган кўнғизлар, чигирткалар, калтакесаклар, илонлар ва сичқонлар билан зиклланади.

Кўктарғоқ *Alcedo atthis* агроландшафт минтақасидаги доимий сув оқиб турган ирригация тармоқларида ўтроқ яшашга мослашган. Типик сув қуши бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда суғориладиган майдонлардаги ариқларга канал ёки зовурлар орқали кириб келади.

Meropidae оиласининг 2 вакили; тилларанг куркунак *Merops apiaster* ва яшил куркунак *Merops persicus* ҳавода озикланувчи кўп сонли қушлар тоифасига мансуб. Кузда мигрант қушлар ҳисобида сентябрда *Merops apiaster* сони 10 га майдонда 10,8 тага етади. Турларни жанубга кўчиши натижасида октябрда қушлар сони бир маротабага қисқаради.

Яшил куркунакнинг сони нисбатан кам миқдорда бўлиб сентябрда буғдой агроценозида 3,3 тани, октябрда 0,5 тани ташкил этади.

Учиб келиб уяловчи қушлар тоифасига мансуб бўлган сассикпопишак *Upupa epops* Ўрта Осиёнинг текислик минтақалари жумладан ўзлаштирилган ерларда яшашга мослашган. Ушбу тур асосан аҳоли яшаш районлари яқинидаги юмшоқ тупроқли, сернам ерларда 0,1-0,2 сонда учраши аниқланди.

Буғдой агроценозида учратилган қушларнинг 48,6% Passeriformes туркуми вакиллари ташкил этиб, қушлар умумий сонининг 74,1% тенг.

Кундузги фаол, типик ҳашаротхўр гуруҳга мансуб Hirundinidae оиласининг 4 тури агроценоз учун характерли бўлмасада *Hirundo rustica* ҳамда *Riparia diluta* ҳавода озикланувчи, кўп сонда учровчи турлардан. Куз мавсумида табиий биотопларга нисбатан агроландшафтларда айрим гуруҳдаги ҳашаротларнинг фаоллик кўрсаткичи юқори бўлиши сабабли қалдирғочларнинг зичлиги ҳам ортади. Сентябрьда оила вакиллари 10 га майдонда 17,8 тага яқин сонда бироқ *Hirundo rustica* 9,3 тагача учраб доминантлик қилади. *Riparia diluta* учраши ва миқдори дарё, кўл, ирригация иншоотлари ва ЭУТнинг мавжудлиги билан боғлиқ. *Hirundo daurica*, *Delichon urbica* каби турлар сони юқоридаги турларга нисбатан кам сонда бўлиб, ушбу агроценозда сентябрда 0,1-0,7 тадан иборат. Жанубга учиб кетиши натижасида октябрда *Riparia diluta* (3,1), *Hirundo rustica* (4,9), *Hirundo daurica* (0,1) сони камаяди. Қалдирғочларни баҳорги учиб келиши мартнинг охири, апрелдан бошланади.

Audubonidae оиласи вакиллари кўпайиш мавсумидан бошқа даврларда буғдой агроценозида оддий тур ҳисобланади. Қушларни ўзига хос яшил майсазор, мавжуд етарли озика хар доим жалб этади. Сентябрьга (3,6) нисбатан октябрь (5,5), ноябрь (5,4) ойларида турлар хилма-хиллиги ва қушлар сони ортиб боради. Қиш ойларида суғорилган майдонларга нисбатан адир ёки текисликдаги лалми майдонларда сўфитўрғайлар зичлиги юқори. Февралнинг охири мартнинг бошланиши билан буғдойзорларда қушлар сони камайиб боради. Майда буғдой майдонлари сўфитўрғайлар яшаши ноқулай агроценоз бўлиб, тур фақат ўсимлик ўсмаган, очиқ қисмларда кам сонда учрайди. Июндан бошлаб ҳосили йиғиб олинган сомонпояларда *Galerida cristata*, *Calandrella brachydactyla* ва *Melanocorypha calandra* каби турлар учраши кузатилди.

Буғдой агроценозида Motacillidae оиласи вакилларида 8 тур учрайди. Йилкичиларнинг икки тури *Anthus campestris*, *Anthus trivialis* фақатгина баҳорги ва кузги миграция даврида учратилди. Кузги мавсумда оила вакилларида сариқ жиблажибон *Motacilla flava*, оқ жиблажибон *Motacilla alba* ва ниқобли жиблажибон *Motacilla personata* кўп сонли турдан ҳисобланади. Сентябрьга нисбатан октябрда турлар сони 2 тага ортган бироқ умумий қушлар миқдори 8,5 тадан 5,5 тага камайган. Ноябрьда фақат 2 тур оқ ҳамда ниқобли жиблажибонлар кам сонда (10 га 0,2-0,3) учраши қайд этилди. Ушбу оилага мансуб барча турлар ҳашаротхўр бўлсада, қиш мавсумида ниқобли жиблажибон сернам ерларда кам сонда 10 га майдонда 0,08-0,02 қишлайди. Бундан ташқари 2019 йил 27 январда Жиззах вилояти Фориш туманида 450 гектардан иборат лалми буғдой ва арпа далаларида 7 та оқ жиблажибон учраши кузатилди.

Март ойида баъзи турлар, апрелда барча турларни учиб келиши кузатилсада, ўсимликнинг жадал ривожланиб ер юзасини батамом қоплаши жиблажибонларни буғдой агроценозидан узоқлаштиради. Май ойида фақат 3 тур агроценознинг буғдой сийрак ўсган қисми ёки унинг атрофидаги очиқ майдонларда учрайди.

Ёз ойларида ҳосил йиғиб олинган, шудгорланаётган ҳамда сув қуйилган сомонпояларда *Motacilla flava*, *Motacilla personata* кам сонда бўлсада озикланади.

Сентябрь ойида Laniidae оиласининг 5 вакили учиб ўтувчи турларни дала атрофидаги дарахт ва буталар шунингдек, гўза пояси субстрат сифатида қушларни жалб этади. Октябрда *Lanius isabellinus* ташқари барча қарқуноқлар жанубга бутунлай кўчиб кетади. Кеч кузга қадар учратилган *Lanius isabellinus* бошқа турлардан эрта, яъни март ойида қайтади. Қарқуноқларнинг баҳорги учиб келиши апрелда бошланиб, май ойига ҳам давом этади. Туркум вакиллари буғдойзорда уяламасада, *Lanius phoenicuroides* ҳамда *Lanius schach* кабилар ушбу мавсумда учрайди.

Мавсумга хос тарзда озика таркиби, ўзгариб турадиган Sturnidae оиласи вакилларида 2 тур *Sturnus vulgaris* ва *Acridotheres tristis* йилнинг барча фаслларида учрайди. Оддий чуғурчукнинг сони куз, қиш давомида майнага нисбатан 2 маротаба кўп бўлади. Баҳорда тур сони кескин камаяди. Ушбу даврда *Sturnus roseus* учиб келади, қуш сони апрель, май давомида ўргача 10 га майдонда 4,9-4,6 ташкил этади. Ўсимлик бўйининг максимал даражага етиши билан қушлар сонининг кескин камайиб кетиши кузатилади. Сомонпояларда чуғурчуқлар ўрим давридан бошлаб яна озикланишда учрайди.

Бугдой агроценозида Corvidae оиласи 5 вакили кўп сонда учрайди. Харорат пасайишига параллел равишда турлар сони ортиб боради. Куз, киш ва баҳор давомида *Corvus frugilegus* кўп сонли доминант тур сифатида 10 га майдонда 0,5 тадан-12,5 тагача бўлади. *Corvus monedula*, *Corvus frugilegus* ва *Corvus corone* каби турлар бирлашган галани ҳосил қилиб, экилган дон ёки униб чиқаётган майса билан озикланиб, ғаллачиликда зиён келтиради. Баҳорда юқоридаги турлар сони кескин камаяди. Апрельдан бошлаб *Corvus cornix* учрамайди. Ўтроқ турлардан бўлган *Pica pica* сони 10 га майдонда ўртача 0,3-1,4 та ва *Corvus corone* 0,1-0,4 тагача учрайди. Турлар дала атрофидаги дарахтларга уя қуриб, кўпайишда иштирок этади.

Энди экилган бугдойзорда Sylviidae оиласи вакиллари учраши камдан-кам учратиладиган ҳолат бўлсада, сентябрда 4 турни, октябрда 5 турни ғўза қаторлари оралиғида экилган бугдой майдонларида учраши аниқланди. Киш мавсумида оила вакиллари бугдой агроценозида учрамайди. Баҳорда апрель ойида 6 тур *Cettia cetti*, *Acrocephalus dumetorum*, *Acrocephalus stentoreus*, *Sylvia communis*, *Phylloscopus collybita*, *Phylloscopus trochiloides* кабиларни учраши аниқланди. Майда юқоридаги турлар сафига *Acrocephalus palustris* ва *Acrocephalus scirpaceus* сингари турларни кўшилиши кузатилди. Баҳорги миграция даврида ҳам юқоридаги турлар кўп сонда учрамаслиги, ёзда учрамаслиги турларни бугдой агроценозига хос эмаслигини билдиради.

Muscicapidae оиласи вакиллари ҳам бугдой агроценози учун хос эмаслигини уларни жуда кам сонда учраши билан изоҳласа бўлади. Кичик пашшахўр *Ficedula parva* учиб ўтишда учровчи қушлар гуруҳига мансуб. Бугдой агроценозида тур якка ҳолда фақатгина октябрда учраши қайд этилди. Кулранг пашшахўр *Muscicapa striata* асосан мевали боғлар, узумзорларда учратилади. Бугдой агроценозида унинг сони 10 га майдонда 0,5 тадан ошмайди.

Бугдой агроценозида Turdidae оиласига мансуб 15 тур учратилди. Оила вакиллари учратилган қушларнинг 10% ташкил қилади.

Куз мавсумида 13 тур, сентябрда ўртача 10 га майдонда 1,4 қуш, октябрда 8,1 қуш, ноябрда 13,5 қуш учраши қайд этилди. Бирок, қушлар сони ортишига тескари равишда турлар хилма-хиллиги камбағаллашиб, сентябрда 9 тур, октябрда 7 ва ноябрда 4 турга қисқариб кузатилади. Ноябрьда қушлар сонини ортиши қишлоқчи тур қоратомоқ қораялоқ *Turdus atrogularis* ва оқ қошли шақшақ *Turdus iliacus* учиб келиши ҳисобига ошади. Юқоридаги қишлоқчи турлар сони 10 га майдонда 7,2 ҳамда 4,4 тага етади. Шақшақларнинг катта қисми дарахтзорларга хос турлар бўлсада бугдойзорларда куз мавсумида кўп сонда озикланади.

Киш бошланиши билан юқоридаги 4 турнинг сафига зарянка *Erithacus rubecula* янги тур сифатида кириб келади. Унинг сони 10 га майдонда 0,2 та бўлиб, қуш сонининг камайиши ёки ортиши дала атрофидаги дарахтлар, буталар зичлигига боғлиқ. Декабрьда қизилтомоқ қораялоқ сони 10 га майдонда 1,7 тадан, қоратомоқ қораялоқ 8,1 та, қора шақшақ 1,3 та ва оқ қошли шақшақ 3,7 тадан иборат. Январь давомида оила вакиллари сони 19,4 ташкил қилади. Турлар орасида қоратомоқ қораялоқ кўп сонда учраб доминантлик қилади. Февраль ойидан бошлаб хароратнинг кўтарилиши ҳисобига *Turdus ruficollis*, *Turdus atrogularis* каби турлар шимолга қайтиши натижасида қушлар сони камаяди (19,4>15,8).

Баҳорги миграция Turdidae оиласи вакилларида эрта бошланади. Масалан, март ойидан сирчумчуқларни учиб ўтиши кузатилади. Айнан шу даврда бугдой агроценозида шақшақларнинг хилма-хиллиги ортади. Умумий қушлар сони 10 га майдонда 8,3 тага камаяди. Қушлар сонининг камайиши миграциядан ташқари, майса бўйининг ўсиши билан ҳам боғлиқ. Чунки ўсимлик ривожланган сари ердан озика топиш ва учиб, қўниш мураккаблашиб боради. Апрельда қишлоқчи турлардан зарянка, қизилтомоқ ва қоратомоқ қораялоқ каби турлар учрамайди. Орнитофауна таркибига тўқай булбули *Cercotrichas galactotes*, қора қизилқуйруқ *Phoenicurus ochruros*, жануб булбули *Luscinia megarhynchos* ва оддий булбул *Luscinia luscinia* сингари учиб ўтувчи, уяловчи турлар кўшилади. Май ойида агроценозда 10 тур учратилган бўлсада, қушлар сони (10 га/2,3 қуш) кескин камайиб, турлар сони 10 га майдонда 0,5 ортмайди. Қорабошли сирчумчуқ бундан мустасно бўлиб унинг сони 0,7 ни ташкил этади. Ёз мавсуми оила вакиллари учун қурғоқчил ҳисоблансада, баъзан сернам дарахтзорлардан қора шақшақ, арид минтақадан ўйноқи тошсирчумчуқни кириб келиши кузатилади.

Ирригация тармоқлари атрофидаги ҳамда агроландшафтдаги турли дарахтзорлар, узумзорлар ва бошқа типдаги қалин дарахтзорлар, сернам бутазорларда Paridae оиласининг 2 вакили тўқай чумчуқ *Remiz macronyx* ва бухоро читтаги *Parus bokharensis* ўтроқ тур сифатида яшайди. Ушбу турлар бугдой агроценозига хос бўлмасда, юқорида кўрсатилган учраш биотопларига чегарадош қисмларда баъзан келиб қолади.

Passeridae оиласи вакиллари барча мавсумларда учратилган қушлар сонининг 24,8% ташкил қилади. Чумчуқлар донхўр бўлганлиги сабабли бугдой далалари ҳар доим уларни ўзига жалб этади.

Куз мавсуми, сентябрда 3 тур *Passer indicus*, *Passer hispaniolensis* ва *Passer montanus* 10 га майдонда 58,6 тагача учрайди. Юқоридаги турлар алоҳида-алоҳида йирик галаларни ҳосил қилади. Ҳинд чумчуғи бегона ўтлар ва маданий ўсимликлар уруғи билан озикланади. Дон экилган бугдойзорларда 10 га майдонда 28,8 қуш учраб доминантлик қилади.

Сентябрда испан чумчуғи ҳам уялаш жойларини тарк этиб кўчиб юради. Тур хусусан бегона ўсимликлар (шўрадошлар) уруғлари билан озикланади. Бугдой экилган далаларда асосан урғочи, кам сонда эркак индивидлардан иборат қуш галалари учраши аниқланди.

Дала чумчуғи ўтроқ, синантроп тур бўлиб, хусусан инсон яшаш жойлари ва уни фаолияти натижасида шаклланган иншоотларда яшайди. Агрolandшафтда дала чумчуғи ҳар доим доминант турлар қаторида бўлиб, унинг сони сентябрда 11,2 ташкил қилади.

Октябрь давомида ҳам буғдойзорларда юқоридаги 3 тур учраши кузатилади. Ҳинд чумчуғини тадқиқот районида нисбатан жанубга кўчиши натижасида тур сони 50% қисқаради. Аксинча шимолдан кўчиб келиш эвазига испан чумчуғининг сони ортиб 22,6 тага етади. Ҳароратнинг пасайиб бориши дала чумчуқларини аҳоли яшаш жойларига чуқур кириб боришига мажбурлайди. Натижада агрolandшафтларда тунаётган, озикланаётган қушлар сони (11>8,1) қисқаради.

Ноябрда турлар хилма-хиллиги ортсада, 2 турни аксарият қисми жанубга кўчиб кетиши натижасида қушларни умумий сони 21,3 тага қисқаради. Тошкент воҳасининг шимолӣ районларидаги агрolandшафтларда Зангиота, Қибрай, Чирчик туманларида уй чумчуғи *Passer domesticus* кам сондаги тур сифатида учрайди. Буғдойзорларда тур сони 0,5 атрофида бўлади. Ҳинд ва испан чумчуқларини сони 2,2 – 8,8 ташкил қилади. Дала чумчуғи сонидан кескин фарқ бўлмайди.

Қиш бошланиши билан иссиқсевар турлар батамом жанубий районларга учиб кетади. Ушбу фаслда чумчуқлардан аксарият ҳолда дала чумчуғининг сони 10 га буғдойзорларда 5,8 тадан 8,9 тага қадар бўлиши кузатилади. Уй чумчуғи фақатгина февралда кичик гуруҳларда учрайди.

Баҳорда мартдан бошлаб испан чумчуқлар учиб келади. Апрельда барча турлар учун миграция жадаллашади. Қушлар сони қиш мавсумига нисбатан ортади. Май ойининг биринчи декадасидан буғдой бошоқларида муртақларни дон шаклига эга бўлиши ва сут пишиш мавсуми бошланиши Ҳинд чумчуғи, дала чумчуғи, қисман испан чумчуғини жалб этади. Хусусан Ҳинд ва дала чумчуқлари дон сут пишганда ҳосилига зиён келтиради.

Ёз давомида ҳам Ҳинд чумчуғи буғдой агроценозида доминант тур сифатида учрайди. Майда ҳосил йиғиштирилмаган майдонларда унинг сони 10,7 тага, ҳосили йиғиб олинган майдонларда 11,5 ташкил қилади.

Тадқиқотлар жараёнида буғдой агроценозида Вьюроклар оиласининг 7 вакили учратилди. *Fringillidae* оиласи вакиллари барча мавсумларда учратилган қушлар сонининг 5,5% ташкил қилади. Оила вакиллари буғдой агроценозида хусусан қишда учрайди. *Fringilla coelebs*, *Fringilla montifringilla* ва *Carduelis carduelis* шимолдан қишлаш учун учиб келади. *Serinus pusillus*, *Carduelis caniceps* ҳамда *Acanthis cannabina* вертикал мигрант бўлиб, ўрганилган худуднинг жануби-шарқий қисмини ўраб турган Фарбий Тянь-Шан ва Ҳисор-Олой тизмаларини қор қоплаб, озикани топиш мураккаблашгандан сўнг воҳага кўчади. *Carpodacus erythrinus* тоғли районларда уялаш учун жанубий мамлакатлардан учиб келади. Ўзлаштирилган минтақада миграция даврида учрайди.

Куз фасли бошланиши яъни, сентябрь ойи давомида ҳарорат илиқ бўлиши сабабли юқорида қайд этилган турлардан, фақатгина каноп чумчуғини буғдой агроценозида учраб, унинг сони 10 га майдонда 0,6 ташкил этади. Октябрдан бошлаб қизилтўш, юрок каби қишлоғчи ва бўзбош саъва сингари вертикал мигрант турлар кичик гуруҳларга (3-10 қуш) бирлашади. Ушбу турлар кўп ҳолларда агроценозлар орасидаги бегона ўсимликлар билан қопланган челларда ва бутазорларда озикланади ва ўзини йиртқичлардан ҳимоялайди. Шу сабабдан даланинг четлари қуш зичлиги юқори. Ноябрьга бориб қизилтўшнинг сони 10 га майдонда 4,8 тага, юрок 1,6 тага ва бўзбош саъванинг сони 2,1 тага етади. Озиқа таркиби ва учраш биотоплари бир хил бўлганлиги боис турлар бирлашган гала ҳолатда ҳам учрайди. Айни шу ойдан бошлаб қизилбошли юрок ҳам ушбу галаларга бирлашиши аниқланди. Қиш баъзан кам сонда (0,09) бўлсада қорабошли саъва ушбу гуруҳлар орасида қайд этилади. Декабрь ойида оила вакиллари 10 га майдонда 11,3 тагача учрайди.

Январь ойида 5 тур сони 10 га майдонда 22,1 етади. Қишда ҳар доим кўп сонли доминант сифатида қизилтўш учрайди. Унинг сони январда учратилган барча қушларнинг 59,2% ташкил қилади. Февраль ойида хилма-хиллик ўзгармасада барча турлар сони камайд.

Март ойига бориб 6 тур, апрелда 5 тур учраб, қушларнинг умумий сонидан тафовут катта бўлмайди. Апрельда ҳам кам сонда яқка ҳолда қизилтўш ва юрок учратилади бироқ, оддий қизилбош чумчуқнинг сони ортади. Масалан, атрофида тут, қайрағоч ва бошқа дарахт экилган далаларда тур сони 10 га ўртача 5,4 тага етади. Май ойида қишлоғчи ва вертикал мигрантларнинг барчаси агроценозни тарқ этади. Уялаш мақсадида учиб келган оддий қизилбош чумчуқнинг баҳорги миграцияси майнинг биринчи ярмигача давом этиб, унинг сони 0,4 камайд.

Ёз мавсумида буғдой агроценозида юқоридаги турлардан фақат июль ойида кам сонда (0,22) каноп чумчуқ учраши, қолган турларни учрамаслиги намоён бўлди.

*Emberizidae* Дехқончумчуқлар ҳам юқоридаги оиласи вакиллари сингари дала атрофидаги бутазорларда учраши кузатилди. Ушбу оиладан 4 тур: тариххўр дехқончумчуқ *Emberiza calandra*, оддий дехқончумчуқ *Emberiza citreola*, тоғ дехқончумчуғи *Emberiza cia* ва сариқ дехқончумчуқ *Emberiza bruniceps* кабилар учратилди. Сентябрьда тариххўр дехқончумчуқнинг сони 3,2 та, сариқ дехқончумчуқнинг сони 1 тани ташкил этади. Октябрдан бошлаб оддий дехқончумчуқ шимолдан учиб келади. Октябрь охири ноябрь ойдан бошлаб ўрганилган минтақада сариқ дехқончумчуқлар учрамайди. Оддий дехқон чумчуқ октябрдан мартга қадар, тариххўр дехқончумчуқ ва тоғ дехқончумчуғига нисбатан кўп сонда учрайди. Қиш давомида тур сони 10 га майдонда 6,4-7,1 ташкил этади. Тоғ дехқончумчуғининг сони эса 10 га майдонда ҳар доим 1 тадан кам миқдорда.



Баҳор келиши билан ҳароратнинг кўтарилиши баъзи турларни шимолга томон кўчиши, баъзиларини жанубдан учиб келишига имкон яратади. Март ойида оддий дехқончумчуқ ва тоғ дехқончумчуқларининг сони кескин камайиб боради. Апрельда учрамайди, айти шу даврдан бошлаб сариқ дехқончумчуқ учиб келади. Унинг сони апрелда 10 га майдонда ўртача 0,14 та, майда 0,7 тага тенг бўлади. Тарикхўр дехқончумчуқнинг сони май ойида ўртача 0,4 та атрофида бўлади. Иккала тур ҳам донхўр гуруҳга мансуб бўлсада бугдой ҳосили етилганда ҳам майда ҳажмдаги донлар ва уруғлар билан озикланиши сабабли уларнинг сони ортмайди. Ёз мавсумида ҳосили йиғилмаган бугдойзорларда июнь ойида тарикхўр дехқончумчуқнинг сони 10 га майдонда 0,56 та, сариқ дехқончумчуқ 0,25 та, сомонпояларида эса 1,1 та, 0,67 та бўлади. Июль ойида тарикхўр дехқончумчуқ фақатгина сомонпояларда учраб унинг сони 1,6 тагача бўлади. Сариқ дехқончумчуқ ҳосили йиғилмаган бугдойзорларда 0,6 та, сомонпояларида эса 0,3 тага қадар учраши кузатилади. Июньнинг иккинчи ярмидан сўнг ҳосили йиғилмаган бугдойзорлар эгаллаган майдонлар қисқариб сомонпоялар майдони ортиб боради. Ерларнинг бир қисми шудгорланса, қолган қисми такрорий экинлар етиштиришга тайёрланади. Айрим жойларда чорва молларини ўтлатиш учун сомонпояларга шунчаки сув қуйилиб, кузга қадар ўтлоқ сифатида фойдаланилади. Ушбу агротехник тадбирлар бугдой агроценози манзарасини тубдан ўзгартиради.

**Хулоса.** Умумлаштириб айтганда бугдой агроценози куз, киш ҳамда баҳор фаслида майса ерни тўлик қоплаб, бўйи 20-30 смга етгунга қадар кушларнинг озикланиши ва учиб ўтиш мавсумларида дам олиши учун қулай муҳит саналади. Бироқ, апрель ойидан бошлаб бугдойзор оралаб ҳаракатланиш, озиқа топиш, йирткичлардан ҳимояланиш мураккаблашади. Шу сабабли кушлар хилма-хиллиги ёки сонининг баҳор охири, ёз давомида камайиб бориши кузатилади. Юқоридаги сабаблар туфайли кушлар айнан ушбу агроценоздан уя қуриш жойи сифатида фойдаланмаслиги кузатилади. Фақатгина қирғовул бундан мустасно бўлиб, унинг бугдой агроценозида ҳам уялаши кузатилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Голованова Э.Н. Птицы над полями. Ленинград. Гидрометеониздат 1987. – С. 3-231.
2. Кашкаров Д.Н. Метод количественного изучения фауны позвоночных и анализ полученных данных. // Тр. Средно Азиатского государственного университета, 1927. сер. VIII – а, зоол; Вып. 1. – С. 24.
3. Кашкаров Д.Ю., Павленко Т.А. Методы учета численности охотничьих видов животных Узбекистан. // Информационный бюллетень АН УзССР. – Ташкент: Фан, 1975. – 7 с.
4. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатова Е.А., Филатов А.К., Азимов Н.Н. О расширении ареала и росте численности грача в Узбекистана // Орнитологический вестник Казахстана и Средней Азии. Выпуск 1. Алматы, 2012. – С. 164-170.
5. Азимов Н.Н., Шерназаров Э. О гнездовании грача *Corvus frugilegus* в Ташкенте // Биоразнообразие, сохранение и рациональное использование генофонда растений и животных. Ташкент, 2014. – С. 148-150.

УЎК 633. 1:632. 651(576.8)

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОК АГРОЦЕНОЗЛАРИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ТАСНИФИ

Л.А. Бобокелдиева, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз

**Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилояти ток агроценозларида ўсимлик илдизи ва илдиз олди тупрогида учровчи нематодларнинг фаунистик комплекси экологик таснифланиб, унга кўра паразитобионтлар - 29 турни, эусапробиионтлар - 11, девисапробиионтлар - 29, касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар-30, касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар - 19 турни ташкил қилганлиги қайд этилган.

**Калим сўзлар:** фитонематода, ток агроценози, экологик тасниф, турлар популяция.

**Аннотация.** В статье приведены данные по экологической классификации фаунистического комплекса нематод, обнаруженных в корнях и прикорневой почве растений виноградных агроценозов Сурхандарьинской области. Согласно классификации найденные нематоды распределены следующим образом: паразитобионты-29 видов, эусапробиионты - 11, девисапробиионты - 29, фитогельминты неспецифического патогенного эффекта-30, фитогельминты специфического патогенного эффекта-19 видов.

**Ключевые слова:** фитонематоды, виноградные агроценозы, экологическая классификация, популяция видов.

**Abstract.** The article presents data on the ecological classification of the faunistic complex of nematodes found in the roots and root soil of vine agrocenoses in the Surkhandarya region. According to the classification, the found nematodes were distributed as follows: pararasobionts - 29 species, eusaprobionts - 11, devisaprobionts - 29, phytohelminths of nonspecific pathogenic effect - 30, phytohelminths of specific pathogenic effect - 19 species.

**Key words:** phytonematodes, vine agrocenoses, ecological classification, species population.

Органик олам табиатнинг асосини ташкил этиб, унда мавжуд барча тириклик доимо бир бири билан узвий муносабатда бўлади. Бу ўзаро боғлиқлик турли экологик омиллар, масалан, абиотик, биотик ҳамда антропоген омиллар билан боғлиқ ҳолда биоценозга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Биоценозларда мавжуд популяциялар орасида трофик муносабатлар турларнинг яшаш учун курашиш орқали табиатда сақланиб қолишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Табиатда ўсимликлар олами



вакиллари билан шундай трофик алоқа эга организмлар борки уларнинг таъсири натижасида ўсимликларда нормал физиологик жараёнларнинг бузилиши, хусусан, ўсимликларнинг эрта ўсишдан қолиш, ҳосилдорлигининг кескин камайиши, энг хавфлиси уларни яшовчанлик даражасининг пасайиб ҳаттоки, вегетация даври якунига етмасдан нобуд бўлишига олиб келувчи зараркундалардан бири фитонематодалардир. Шу боис уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш нафақат назарий балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Илмий изланишлар ток ўсимлиги ва унинг илдиз олди тупроғида учровчи нематодалар комплексини ўрганишга қаратилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар 2018-2020 йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг 14 та туманига қарашли ток агроценозларида олиб борилди. Ток илдизи ва унинг илдиз олди тупроғидан намуналар олишда фитогельминтологияда кенг қўлланиладиган Маршрут ва Конверт методларидан фойдаланилди [1]. Бунда ҳар бир тумандан 2 та ток етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда, жами 28 та ток агроценозлардан ўсимлик илдизи ва унинг илдиз олди тупроғи намуналари йиғилди. Олинган намуналар Термиз давлат университети Зоология кафедраси қошидаги “Гельминтология муаммоли лабораторияси” да илмий таҳлил қилинди.

Ток ўсимлиги ва унинг илдиз олди тупроғидан йиғилган намуналардан фитонематодаларни ажратиб олишда фитогельминтологияда энг қулай бўлган классик методлардан - Берманнинг воронкали методидан фойдаланилди [4]. Ажратиб олинган нематодалар 0,4 % ли формалин эритмасида фиксация қилиниб, доимий ва вақтинчалик препаратлар тайёрланди [1,4].

Ажратиб олинган нематодаларнинг турлар таркибини аниқлашда уларнинг морфо-анатомик тузилиши етакчи фитогельминтолог олимларнинг аниқлагичлари ва фитонематодалар атласлари асосида солиштирилган ҳолда амалга оширилди, шунингдек, морфометрик кўрсаткичларини ҳисоблашда de Man формуласидан фойдаланилди [5].

Сурхондарё вилояти шароитида ток агроценозларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ток илдизи ва унинг илдиз олди тупроғидан 118 турга мансуб нематодалар қайд этилган бўлиб, улар 54 та авлод, 39 та кенжа оила, 33 та оила, 20 та катта оила, 13 та кенжа туркум, 9 та туркум ва 2 та кенжа синфга таълуқли эканлиги қайд этилди.

Жадвал-1

**Ток агроценозларида аниқланган нематодаларнинг экологик гуруҳлар бўйича сифат ва миқдорий кўрсаткичлар нисбати**

№	Экологик гуруҳлар	Турлар сони	%	Индивидлар сони	%
1	Параризобионтлар	29	24,6	970	7,4
2	Эусапробионтлар	11	9,3	797	6,1
3	Девисапробионтлар	29	24,6	3871	29,6
4	Касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар	30	25,4	3661	28,0
5	Касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар	19	16,1	3787	28,9
Жами		118	100	13086	100

Фитонематодалар жуда хилма хил экологик гуруҳларни ўз ичига олади.

Рус фитогельминтолог олими А.А. Парамонов фитонематодаларнинг ўсимликлар ва бошқа тупроқ организмлари билан трофик муносабати, яшаш жойлари ва яшаш тарзининг хилма-хиллигини ҳамда эволюцион морфологик хусусиятларини инобатга олиб экологик классификацияни яратди [2,3]. Ушбу классификацияга мувофиқ фитонематода 5 та экологик гуруҳларга - параризобионт-эркин яшовчи тупроқ нематодалари, эусапробионт- сапробиотик бузулишлар ва ўчоқларни ҳосил қилувчи нематодалар, девисапробионт-ярим сапробиотик нематодалар, касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар ва касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар яъни ҳақиқий паразитларга бўлиб ўрганилади. Шунга кўра олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланган фитонематодалар куйидагича классификацияланди: параризобионтлар – 29 тур, эусапробионтлар – 11 тур, девисапробионтлар – 29 тур, касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар – 30, касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар – 19 турни ташкил этди (жадвал-1).

Жадвалга мувофиқ кўриш мумкинки, сифат ва миқдорий кўрсаткичлар нисбатига кўра касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар, параризобионтлар ҳамда девисапробионтлар турлар сони хилма – хил бўлиб, касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар ва эусапробионтлар кам сонда учраганлиги аниқланган. Индивидлар нисбатига кўра девисапробионтлар, касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар ҳамда касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар популяция зичлиги юқори бўлиб, параризобионтлар ва эусапробионтлар эса кам сонда учраганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, параризобионтлар барча аниқланган фитонематода турлари ток ўсимлигининг илдиз олди тупроғида қайд этилди.

Эусапробионтлар жами аниқланган фитонематода турларининг 9,3 % ини (11 тур) ташкил этиб, 3,38 % ток ўсимлигининг илдиз олди тупроғида қайд этилган бўлса, 5,92 % илдизи системасида учраганлиги кузатилди.

Девисапробионтлар барча қайд этилган фитонематода турларининг 24,6 % ини (29 тур) ташкил этиб, 3,28 % токнинг илдиз олди тупроғида учраб, қолган 21,32 % ўсимлик илдиз системасида учраганлиги аниқланди.

Касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар жами аниқланган турларнинг 25,4 % ини (30 тур) ташкил этиб, 11,3 % токнинг илдиз олди тупроғида учраб, қолган 14,1 % ўсимлик илдиз системасида учраганлиги аниқланди.

Касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар барча қайд этилган фитонематода турларининг 16,1 % ни (19 тур) ташкил қилиб, 5,9 % токнинг илдиз олди тупроғида учраб, қолган 10,2 % ўсимлик илдиз системасида учраганлиги аниқланди.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, қайд этилган 118 турнинг экологик классификациясига кўра турлар сонининг кўплиги жиҳатидан касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар ёки потенциал паразитлар 1- ўринни (30 тур); параризобионтлар, девисапробионтлар 2-ўринни (29 тур); касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар яъни ҳақиқий паразитлар 3-ўринни (19 тур); эусапробионтлар 4-ўринни (11 тур) эгаллаган бўлса, индивидлар сони бўйича девисапробионтлар 1-ўринни (3871 индивид), касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар яъни ҳақиқий паразитлар 2-ўринни (3787), касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар яъни потенциал паразитлар 3- ўринни (3661), параризобионтлар 4 – ўринни (970), эусапробионтлар эса 5-ўринни (797) эгаллади.

Шунингдек, қайд этиш лозимки маълум айрим потенциал паразитлар (*Aphelenchoides avenae*) осонгина ҳақиқий паразитга айланиши мумкин. Бу эса ўсимлик илдиз ва илдиз олди тупроғида паразит нематодалар популяцияси зичлигини ошишига ҳамда ҳосилдорликнинг кескин камайишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда фитонематодаларнинг экологик классификациялаш асосида фитонематодалар популяцияси зичлигининг ортиши ёки камайиши нафақат уларнинг ўсимликлар билан трофик алоқасини инobatга олиш, балки муҳитнинг асосий абиотик омиллари (ҳарорат ва намлик) нинг ҳам аҳамияти эканлигини қайд этиш лозим. Бу эса паразит фитогельминтлар келтириб чиқарадиган зарар доирасини қисқартиришда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Шу сабабли фитопаразит нематодаларни муҳитнинг абиотик омиллари билан боғлиқ ҳолда кўпайиш ва ривожланиш динамикасини ўрганиш асосида нематодалар популяциясини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятининг туғилиши, ток агроценозлари паразит фитонематодаларининг популяциясини бошқариш орқали уларнинг экин майдонларидаги тур ва индивидлар сонини сезиларли даражада камайишига эришиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bobokeldieva L.A., Khurramov A.Sh. // Phytoneematodes of Grape Agrocenoses in the South of Uzbekistan // - Annals of the Romanian Society for Cell Biology - Vol. 25, Issue 4, - 2021, Pag. 10077 - 10081. <http://annalsofscb.ro/index.php/journal/article/view/3760/3070>.
2. Парамонов А.А. Опыт экологической классификации фитонематод // Тр. ГЕЛАН. М.: -1952, -Т.6. -С. 338-369.
3. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии // -М., -1964. –Т. I. - 446 с. – М., -1970. - Т. 2. – 443с.
4. Хуррамов А.Ш., Бобокелдиева Л.А. Фауна и экология фитонематод пшеницы и дикорастущих злаковых растений Узбекистана // - Евразийский научный журнал, - 2020, 79-сон, - С. 30-36. <https://doi.org/10.31618/ESU.2413-9335.2020.3.78.1010>.
5. de Man J.G Dior einheimischen, frei in der reinen erde und im siissen wasser Lebenden Nematoden.-Tijdschr// Nedrn. Dierk. Verun, 1880,-V. 5.-P. 1-104.

УЎК 633.11

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛИЙ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ МИҚДОРИЙ БЕЛГИЛАРИНИ КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ

*А.Қ.Бураонов, ЎЗР ФАГ ва ЎЭБ институти, Тошкент*  
*С.К.Бабоев, ЎЗР ФАГ ва ЎЭБ институти, Тошкент*  
*О.Э.Холлиев, ЎЗР ФАГ ва ЎЭБ институти, Тошкент*  
*М.Б.Алимова, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий юмшоқ буғдой навларини қимматли хўжалик белгилари ўрганилган. Уларнинг миқдорий белгилари бўйича салбий ва ижобий боғлиқлигини таҳлил қилинди.

**Калим сўзлар:** қадимий маҳаллий буғдой, корреляция, статистика.

**Аннотация.** Изучены ценные хозяйственные особенности древних местных сортов мягкой пшеницы в Узбекистане. Проанализированы их отрицательные и положительные корреляции по количественным характеристикам.

**Ключевые слова:** древняя местная пшеница, корреляция, статистика.

**Abstract.** Valuable economic characteristics of landrace wheat varieties in Uzbekistan have been studied. Their negative and positive correlations in terms of quantitative characteristics were analyzed.

**Keywords:** wheat landraces, correlation, statistics.

**Кириш.** Буғдой дунёда муҳим дон экинларидан бири бўлиб, 220 млн гектарга экилиб, экиладиган майдонларнинг ўртача 26% ни ташкил қилади [5; 1-10-б].

Юмшоқ буғдой бошоқли дон экинларидан бири ва у ер юзида экиладиган кишлок хўжалиги экинлари ичида энг катта майдонни эгаллайди ҳамда инсоният истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади [1; 5-б].

## Қадимий маҳаллий бугдой навъларида ҳосилдорликни белгиловчи микролий белгилар

1-жадвал

	Навълар	Ўсимлик буйи		Бошқоқ узунлиги		Бошқоқчалар сон		Бошқоқчани дон сон		Бошқоқчани дон сон		Бошқоқ дати дон оғирлиги	
		х ±Sx	V%	х ±Sx	V%	х ±Sx	V%	х ±Sx	V%	х ±Sx	V%	х ±Sx	V%
1	Кизил бугдой (Қўча)	131,0±2,9	4,3	12,1±0,23	6,2	18,2±0,70	5,9	45,5±1,51	9,6	2,2±0,12	5,6		
2	Кизил бугдой (Қурғонча)	130,5±3,6	5,6	11,6±0,33	5,6	18,6±0,37	7,4	43,3±1,58	9,8	2,8±0,18	6,5		
3	Кизил бугдой (Гўмак)	124,9±1,3	3,9	12,5±0,34	4,8	18,1±0,69	5,8	45,9±1,06	8,4	3,1±0,14	8,6		
4	Бухор бобо (Кизилтом)	74,2±1,0	3,2	10,1±0,23	4,1	18,4±0,31	5,7	43,2±1,00	7,1	1,8±0,08	6,8		
5	Кизил бугдой (Дубоа)	119,5±2,3	7,2	11,1±0,48	6,4	18,2±0,70	9,4	39,1±1,71	7,6	2,1±0,10	9,7		
6	Номсиз (Кизилтом)	96,4±2,6	5,8	12,6±0,30	7,2	16,3±0,58	9,0	37,4±1,79	10,2	1,8±0,16	9,5		
7	Ок бугдой (Қўча)	122,5±1,6	4,2	12,2±0,46	4,8	18,1±0,69	9,7	42,3±1,27	10,6	2,2±0,15	5,9		
8	Ок бугдой (Гўлар)	99,5±1,7	5,5	12,4±0,42	5,6	20,1±0,62	6,3	42,6±1,42	11,0	1,9±0,12	6,2		
9	Тўғитиш (Кизилтом)	114,5±3,7	6,3	9,2±0,30	6,1	19,3±0,50	5,4	43,8±0,63	11,4	2,3±0,10	6,6		
10	Сурхак (Дубоа)	116,0±1,9	7,1	12,3±0,21	5,8	16,9±0,41	5,6	37,7±1,14	9,6	1,8±0,08	7,8		
11	Номсиз (Кизилтепа)	123,0±2,4	5,6	11,8±0,29	5,4	16,0±0,39	4,6	37,0±1,04	11,2	1,9±0,10	6,1		
12	Сурхак (Гўмак)	125,0±1,7	4,9	11,9±0,31	6,5	16,3±0,26	4,1	38,6±0,95	8,4	1,4±0,09	9,4		
13	Греккун (Гўлар)	122,5±1,7	6,4	12,2±0,24	7,2	17,8±0,44	5,8	41,4±1,00	7,9	2,3±0,08	10,4		
14	Қалбугдой (Кизилтом)	102,0±1,3	5,3	9,5±0,22	4,8	17,6±0,39	6,2	42,3±1,15	8,7	2,5±0,09	11,2		
15	Кизил Шарк (Қўча)	130,1±2,5	6,8	10,4±0,33	5,6	16,8±0,42	7,6	40,3±1,25	9,6	2,1±0,10	11,6		
16	Қора қилтик	126,0±2,4	5,7	9,8±0,32	7,2	16,6±0,22	8,1	39,0±0,68	10,1	2,0±0,09	9,8		
17	Греккун (Ваҳма)	106,0±1,2	3,9	11,8±0,23	6,8	17,8±1,0	8,6	41,4±1,0	11,4	2,2±0,10	8,4		
18	Бобоки	109,7±1,8	4,6	10,0±0,33	4,8	19,9±0,67	8,2	45,2±1,12	11,2	2,4±0,11	9,1		
19	Сурхак (Кизилтом)	115,0±1,8	7,1	10,5±0,16	4,2	17,3±0,42	9,4	42,2±1,25	8,9	2,1±0,11	10,2		
20	Бойсун Тура-1	90,5±1,5	6,4	9,4±0,16	5,8	17,8±0,49	4,8	44,4±1,02	9,6	2,4±0,14	11,0		
21	Қайроқтош	85,0±0,8	4,2	9,9±0,23	6,4	18,7±0,26	4,5	46,2±0,81	9,1	2,5±0,11	8,1		
22	Ок бошқоқ	88,6±1,3	5,8	9,7±0,26	6,4	17,2±0,44	6,2	40,6±1,23	10,4	2,3±0,08	5,6		
23	Кизил бошқоқ	118,7±0,8	4,1	9,9±0,23	7,5	17,3±0,40	3,9	42,8±1,16	8,6	2,4±0,14	8,6		
24	Бойсун Тура-2	114,5±2,0	4,8	9,4±0,16	7,1	18,5±0,60	4,6	44,5±1,22	9,2	2,4±0,12	8,1		
25	Мўсимка	110,0±2,0	5,5	11,1±0,28	6,9	18,9±0,48	5,4	45,0±1,77	10,6	2,5±0,11	10,0		
26	Кизил бугдой (Олгинсой)	112,5±1,9	4,6	10,5±0,31	8,4	16,2±0,25	6,2	38,8±0,94	11,0	1,9±0,09	11,4		
27	Кизил Шарк (Олгинсой)	116,5±1,7	3,9	10,5±0,34	6,8	16,6±0,37	6,1	40,1±1,31	11,4	2,0±0,08	8,1		
28	Сурхак (Сурхон, Узун)	109,0±2,2	5,8	10,9±0,28	6,1	17,2±0,44	9,6	40,0±1,32	9,3	1,9±0,08	8,6		
29	Кизил бугдой (Узун)	108,5±1,8	7,2	10,9±0,28	7,2	16,7±0,47	8,4	40,2±1,31	8,1	2,0±0,08	7,9		
30	Пашмак (Сурхон, Узун)	110,5±2,0	4,6	9,2±0,20	6,4	17,4±0,52	8,1	41,5±1,38	9,2	2,0±0,10	9,7		
31	Хивит (Сурхон, Узун)	115,5±1,7	5,6	9,3±0,26	5,8	18,8±0,25	6,9	41,3±1,10	6,8	2,2±0,12	10,1		

Маълумки, ҳозирги вақтда ўн минглаб қадимий маҳаллий буғдой навлари уруғчилик генбанклари таркибида сақланади ва фермерлар шахсий томорқаларида экилади, бироқ улардан кўпчилиги мувофиқ тарзда тавсифланмаган ва селекция мақсадларида самарали фойдаланиш учун ўрганилмаган. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади [1; 13-6].

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги кундаги ғаллачиликнинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори сифатли, янги ва шу билан бирга ҳосилдорлиги барқарор, табиий омилларга мослашувчан, экологик эластик ва технологик афзалликларга эга навлар муҳим аҳамият касб этади [6; 2-6].

**Материал ва метод** Тажрибалардан олинган натижалар Б.А. Доспехов [2; 347-6.] услубида статистик ишловдан ўтказилди. Ҳар бир белги бўйича олинган кўрсаткичлар дисперсион таҳлил қилинди.

Корреляция куйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$r = \frac{\Sigma XY - (\Sigma X \Sigma Y) \div n}{\sqrt{(\Sigma x^2 - (\Sigma x)^2 \div n) * (\Sigma Y^2 - (\Sigma Y)^2 \div n)}}$$

Бунда r - корреляция коэффиценти;

$\bar{X}$  – ўрганилаётган x белгининг ўртача кўрсаткичи;

Y – ўрганилаётган Y белгининг ўртача кўрсаткичи;

n – танлов ҳажми, яъни жуфтликлар сони

Маълумки, корреляция коэффицентининг ўзгариш кўлами -1.0 дан 1.0 гачадир (-1<r<+1). r<0.33 бўлганда корреляция кучсиз, r=0.33 – 0.66 бўлганда ўртача, r>0.66 бўлганда кучли ҳисобланади.

#### НАТИЖАЛАР

Дунё бўйича селекционерлар томонидан яратилган нав ва шаклларни таҳлил қилиш натижасида, буғдой поясини баландлиги кейинги 25 йил ичида 50-60 см га пасайганлиги кузатилган [3; 3-6].

Ўрганилган намуналаримизнинг ўсимлик бўйи узунлиги белгиси бўйича юқори кўрсаткич Қизил буғдой (131±2.9), Қизил Шарқ (130.1±2.5), Қора қилтиқ (126±2.4) навларида, нисбатан паст бўйли ўсимликлар Бухор бобо (74.2±1.0), Қайроқтош (85±0.8) навларида кузатилди. Бошқа навларда белгининг ўртача кўрсаткичи 90-125 см оралиғида бўлди [1-жадвалга қarang].

Бошоқ узунлиги бўйича қадимий навларда катта бўлмаган полиморфизм кузатилиб, кўпчилик намуналарда бошоқ узунлиги 11-12 см.ни ташкил этган бўлса, бир неча навлардаги ўсимликларда бошоқ узунлиги ўртача 9,5 - 10 см эканлиги кузатилди.

Н. Умиров таъкидлашича, бошоқдаги бошоқчалар сони турга ва навга хос белги бўлиб, бошоқ шаклланиш давридаги ташқи муҳит шароити, ўсимликни экиш ва озиклантириш усулига, куннинг узунлигига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Ҳосилдорликни бир маромда бўлишлигини ҳимоялаш биотик стрессларга чидамли ва абиотик омилларга бардошли бўлган навлар яратиш орқали эришиш мумкин [4; 32-33 б].

Шунга қарамай бошоқ зичлиги, яъни бошоқчалар сони 16 тадан 18 тагача бўлиши унинг сийрак жойлашганлигини кўрсатади. Бир бошоқдаги дон сони барча ўрганилган навларда ўртача 40 дона га тенг бўлди, бошоқдаги дон оғирлиги ўртача 2,2 грамни ташкил этди.

Қадимий маҳаллий навларимиздан Қизил буғдой (Гумматак) навида бир бошоқдаги дон вазни (3.1±0.14) юқори кўрсаткич кўзатилди.

Тадқиқотларимизда қадимий маҳаллий нав намуналарини ҳосилдорликни таъминловчи белгиларнинг ўзаро корреляциявий боғланиши статистик таҳлил қилинган. Бу навлар республикада асосан шахсий хўжаликларда ёки тоғли ҳудудларда унча катта бўлмаган майдонларда экилиб келинаётган Қизил ва Оқ буғдой навларининг турли ҳудудлардан йиғилган намуналари ва нисбатан қадимий бўлган, лекин ҳозиргача катта майдонларда экилиб келинаётган Сурхак нави.

2-жадвал.

#### Қадимий маҳаллий навлардаги қишлоқ хўжалиги белгиларининг корреляция коэффицентлари

	Бошоқ узунлиги	Ўсимлик бўйи	Бошоқча сони	Бошоқдаги дон сони	Бошоқдаги дон оғирлиги	Бошоқдаги битта дон оғирлиги	1000та дон оғирлиги
Бошоқ узунлиги	1						
Ўсимлик бўйи	0,21	1					
Бошоқча сони	<b>0,83</b>	0,07	1				
Бошоқдаги дон сони	<b>0,57</b>	<b>-0,27</b>	<b>0,62</b>	1			
Бошоқдаги дон оғирлиги	<b>0,62</b>	0,15	<b>0,55</b>	<b>0,65</b>	1		
Бошоқдаги битта дон оғирлиги	0,20	0,19	0,16	0,12	0,48	1	
1000 та дон оғирлиги	0,18	0,41	0,13	-0,03	0,45	<b>0,69</b>	1



Тахлилларга кўра бошок узунлиги ўсимлик бўйи, бошокдаги дон оғирлиги ва 1000 та дон оғирлиги билан кучсиз ижобий боғлиқликка (мос равишда  $r=0,21$ ;  $r=0,20$ ;  $0,18$ ;) эга бўлиб, бошокдаги дон сони ва бошокдаги дон оғирлиги билан ўртача ижобий ( $r=0,57$ ;  $r=0,62$ ;) бошокчалар сони билан кучли ижобий ( $r=0,83$ ;) боғланишга эга эканлиги кузатилди (2-жадвалга қаранг).

Ўсимлик бўйи барча ўрганилган белгилар билан паст корреляцион боғлиқликка эга бўлиб, бошокдаги дон сони билан салбий ( $r=-0,27$ ) корреляцияга эгалиги кузатилди. Шундай ижобий корреляция бошокчалар сони билан бошокдаги дон сони ва бошокдаги дон оғирлиги ( $r=0,62$ ), бошокдаги дон оғирлиги ва 1000 дон дон оғирлиги ўртасида ( $r=0,69$ ) ҳам аниқланди. Бошокдаги дон сони билан 1000 дон дон оғирлиги орасида ( $r=-0,03$ ) кучсиз салбий корреляция кузатилди.

#### Хулоса

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Қизил буғдой намуналари барча миқдорий белгилари ва ҳосилдорлиги билан бошқа намуналарга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги, ўрганилган қадимий буғдой навлари асосий хўжалик белгилари бўлган ўсимлик бўйи ва 1000 дон дон вазни барча бошқа миқдорий белгилар билан кучсиз коррелятив боғлиқликка эга, кучли ижобий корреляция бошок узунлиги билан бошокчалар сони, бошокдаги дон сони ва вазни ўртасида бор эканлиги аниқланди.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бўронов А.Қ. Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларининг глиадин оксиди полиморфизми ва ирсийланиши . б.ф.ф.д.(PhD) Автореферат.дисс- Тошкент, 2021. –Б. 5-13.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –Москва, Агропромиздат, 1985. – С. 347
3. Каталог мировой коллекции ВИР. Редкие виды пшеницы. Генетическое разнообразие коллекции пшеницы спельты (*Triticum spelta* L.).СПб: ВИР, 2004. Вып. №752.-Р. 3.
4. Умиров Н. Бошокли доннинг касалликка чидамли дурагайлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2000. №5. - Б. 32-33.
5. USDA. World Agricultural Production. Foreign Agricultural Service, Office of Global Analysis, United States Department of Agriculture. 2015. – Р. 1-10.
6. <http://www.fao.org/home/en/world-food-situation/> 04.04.2019. Краткий обзор спроса и предложения зерна.

УЎК 582.796; 575.858; 575.222.72; 575.86

#### АЙРИМ ЁВВОЙИ ҒЎЗА ТУР ВА КЕНЖА ТУРЛАРИДА ҲАРОРАТ ҲАМДА МУДДАТНИНГ ЧИГИТ УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Б.М. Гаппаров, докторант, ЎЗР ФА Г ва ЎЭБИ, Тошкент**

**Х.А. Мўминов, б.ф.н., к.и.х., ЎЗР ФА Г ва ЎЭБИ, Тошкент**

**Д.М. Арсланов, кичик илмий ходим, ЎЗР ФА Г ва ЎЭБИ, Тошкент**

**М.Т. Хидиров, докторант, ЎЗР ФА Г ва ЎЭБИ, Тошкент**

**Ф.Н. Кушанов, б.ф.д., к.и.х., лаборатория мудири, ЎЗР ФА Г ва ЎЭБИ, Тошкент**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ғўзанинг ёввойи тетраплоид турига мансуб *G.mustelinum* Miers ex Watt ҳамда диплоид *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликлари термостат шароитида 24 ҳамда 48 соат давомида  $+33^{\circ}\text{C}$  температурада чигит унувчанлиги келтирилган. Уруғ унувчанликнинг 48 соатли  $+33^{\circ}\text{C}$  ҳароратдаги варианты яхши самара бериши аниқланди. Ушбу услубдан генетик селекционер олимлар ғўзанинг ёввойи турлари уруғларини ундириб олиши учун фойдаланиши мумкин.

**Калит сўзлар.** Ғўза, *G.mustelinum* Miers ex Watt, *G.arboreum* L, унувчанлик, чигит, ҳарорат, ёввойи тур, кенжа тур.

**Аннотация.** В данной статье показано видовое разнообразие тетраплоидного вида хлопчатника *G.mustelinum* Miers ex Watt и диплоидного вида *G.arboreum* L. проращивание семян при температуре  $+33^{\circ}\text{C}$  в течение 24 и 48 часов в условиях термостата. Эффективным оказался 48-часовой вариант проращивания семян при температуре  $+33^{\circ}\text{C}$ . Этот метод может быть использован генетическими селекционерами для получения семян дикорастущих видов хлопчатника.

**Ключевые слова.** Хлопчатник, *G.mustelinum* Miers ex Watt, *G.arboreum* L, всхожесть, семена, температура, дикий вид, подвид.

**Abstract.** This article shows the species diversity of the tetraploid cotton species *G.mustelinum* Miers ex Watt and the diploid species *G.arboreum* L. seed germination at a temperature of  $+33^{\circ}\text{C}$  for 24 and 48 hours in a thermostat. The 48-hour variant of seed germination at a temperature of  $+33^{\circ}\text{C}$  turned out to be effective. This method can be used by genetic breeders to obtain seeds of wild cotton species.

**Keywords.** Cotton, *G.mustelinum* Miers ex Watt, *G.arboreum* L, germination, seeds, temperature, wild species, subspecies.

**Қириш.** Чигитни эрта, тўлиқлигича ундириб олиш агротехника тадбирлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Ғўзанинг чигитини униб чиқиши, нормал ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай ҳарорат  $+25-30^{\circ}\text{C}$  ҳисобланади. Ушбу ҳароратдан пастга қараб тушганда ғўзанинг ривожланиши сустлашади. Ғўзанинг ривожланишига оптимал даражадан паст ҳарорат оптималдан юқори ҳароратга қараганда кучлироқ таъсир қилади. Ғўза ривожланишининг дастлабки пайтларида, кўпинча шоналаш даврида, ҳароратнинг оптимал даражада кўтарилиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради. Унда баъзи морфологик

ўзгариш рўй беришига, масалан, асосий поянинг пастки қисмидан биринчи ҳосил шох чиқишига, шунингдек, ўсув шохларининг бирмунча кўп бўлишига олиб келади.

Ғўза ўсимлигининг чигити унувчанлиги борасида кўплаб олимлар эътироф этадилар. Жумладан, Б.П.Страумал [8: 35], Т.Ивановская [4: 80] лар чигитни тез ундириб олиш учун янги териб олинган пахтанинг чигитини эмас, балки 2-3 йил сақланган чигит экилса, у яхши униб чиқиши ва мўл ҳосил беришини таъкидлашган.

Г.Я.Губанов [3: 80] турли ёшдаги 108-Ф нав ғўза чигитларининг бўртиши кўсақлар ёшига қараб, чигитнинг бутун қисми, қобиқ ва мағизнинг абсолют вазни ва бунга нисбатан бўртиш вақти, соат ҳисобида, унинг бўртиши учун зарур бўлган сув миқдори фоиз ҳисобида олиб борган илмий тадқиқотлари давомида аниқланган. Чигитларнинг бўртиши уларнинг абсолют оғирлигининг ўзгаришига боғлиқдир. Чигитнинг ёши ортиб бориши билан унинг абсолют оғирлиги ортади. Натижада чигитнинг сув шимиш қобиляти аста-секин камайиб боради. Чигит массаси ортиши билан унинг сув шимиш қобилятининг камайиши ўртасидаги боғланиш тасодифий эмас, унинг асосида чигитнинг ривожланишига қараб, муртақда захира моддаларининг ўзига хос равишда тўпланиши ётади. Анча ёш кўсақлардан олинган чигитларнинг мағиз ва пўчоғи жуда интенсив равишда бўртади, чигитнинг бу икки таркибий қисми ўзига 80 фоизгача сув олади, бироқ, чигитнинг ёши ортиб бориши билан унинг сув шимиш қобиляти сезиларли даражада пасаяди, бу айниқса, мағизда анча кучли бўлади. Мағиз бўртишининг камайиши массанинг ортишига тесқари пропорционал вазиятда бўлади. Денгиз бўйларида ўсадиган турлар учун эса қалин қаттиқ спермодерманнинг мавжудлиги, денгиз сувининг муртаққа киришидан ҳимоя қиладиган белгилар бўлиб ҳисобланади ҳамда сув оқими орқали тарқалишига ёрдам беради R.G.Reeves [10: 394-408], S.G.Stephens [11: 390-396], S.G.Stephens [12: 1085-1090], P.A.Fryxell [9: 71-102]. Бундай турларга Тинч ва Хинд океанлари ороллари ва соҳилларида ўсадиган *G.harknessii*, *G.davidsonii*, *G.tomentosum* ва маданий тур ҳисобланган *G.hirsutum* L. нинг ёввойи шакллари мисол бўлади.

#### ТАДҚИҚОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИ

Тадқиқот объекти сифатида ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясида сақланаётган тетраплоид турига мансуб *G.mustelinum* Miers ex Watt. ҳамда диплоидли *G.arboreum* L. турининг туричи хилма-хилликлари (ёввойи) subsp. *obtisifolium*, subsp. *obtisifolium* var. *indicum*; (ярим ёввойи) subsp. *perenne*; (ярим симподиал ва симподиал тропик) subsp. *neglectum*, subsp. *neglectum* f. *sanguineum*; (симподиал субтропик) subsp. *nanking* (оқ ва новвот ранг толали) кенжа турлари ҳамда (маданий) «А-352» намунасида фойдаланилди Ф.М.Мауер [7: 135], А.А.Абдуллаев ва бошқалар [1: 264]. Ушбу турлар ва уларнинг хилма-хилликларини чигитининг унувчанлигини ўрганиш мақсадидаги изланишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ғўза экспериментал полиплоидияси ва филогенияси лабораториясида олиб борилди.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дастлаб (ёввойи) subsp. *obtisifolium*, subsp. *obtisifolium* var. *indicum*; (ярим ёввойи) subsp. *perenne*; (ярим симподиал ва симподиал тропик) subsp. *neglectum*, subsp. *neglectum* f. *sanguineum*; (симподиал субтропик) subsp. *nanking* (оқ ва новвот ранг толали) кенжа турлари ҳамда (маданий) «А-352» намунаси уруғлари (чигит) камлигини ҳисобга олиб ҳар бир намунадан 10 донадан чигит олиб унувчанликни колбаларга филтёр қоғоз ёрдамида ураб 300 мл хажмдаги дистилланган сув солиб чигит ўралган филтёр қоғознинг пастки қисмини чигит сувга тегмаган ҳолатда сувга ботириб қўйилди (1-расм).




1-расм. Колбада 48 соат давомида +30°C ҳароратда термостат шароитида ундирилган уруғлар унувчанлик кўрсаткичлари


Ҳар бир намуналаримиз икки хил муддатда яъни, 24-48 соат ва +33°C ҳароратда қўйилган вариантда ўрганилди.

Изланишлар натижаларига қўра, 24 соат муддатли +33°C ҳароратда *G.mustelinum* Miers ex Watt. ва *G.arboreum* L. туричи вакилларида уруғларининг унувчанлиги 30-80 % оралиғидаги кўрсаткичларни ташкил қилди. Ушбу намуналарда уруғ унувчанлиги бўйича энг юқори кўрсаткич (симподиал субтропик) subsp. *nanking* (оқ ва новвот ранг толали) кенжа турларида 10 дона уруғдан 8 донасида униб чиқиш ҳолати

кузатилиб, 80 % ни намоён этди. Энг паст натижа *G.mustelinum* Miers ex Watt. турида қайд этилди. Унинг уруғ унувчанлик кўрсаткичи 10 дона уруғдан 3 донаси униб чиқиб, +30 % ни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, *G.arboreum* L. турининг бошқа хилма-хилликларда (subsp. *obtisifolium* var. *indicum*, subsp. *perenne*, subsp. *neglectum*, «А-352» намунаси эса 10 дона уруғдан 4-6 донаси униб чиқиб 40-60% оралиғидаги қийматларни намоён этди. Шунингдек, *G.arboreum* L. турининг (ёввойи) subsp. *obtisifolium*, (ярим симподиал ва симподиал тропик) subsp. *neglectum* f. *sanguineum* кенжа турларида униб чиқиши кузатилмади (2-расм).



2-расм. *G.mustelinum* Miers ex Watt. ҳамда *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари чигитларида унувчанлик кўрсаткичлари (% , ҳисобида). Уруғлар қолбада 24 соат давомида +33°C ҳароратда термостат шароитида ундирилган. 1) *G.mustelinum* Miers ex Watt., 2) *G.arboreum* subsp. *obtisifolium* 3) *G.arboreum* subsp. *obtisifolium* var. *indicum* 4) *G.arboreum* subsp. *perenne* 5) *G.arboreum* subsp. *neglectum*, 6) *G.arboreum* subsp. *neglectum* f. *sanguineum*, 7) *G.arboreum* subsp. *nanking* (оқ ранг толали), 8) *G.arboreum* subsp. *nanking* (новвотранг толали), 9) *G.arboreum* «А-352» намунаси



3-расм. *G.mustelinum* Miers ex Watt. ҳамда *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликлари чигитларининг унувчанлик кўрсаткичлари (% , ҳисобида). Уруғлар қолбада 48 соат давомида +33°C ҳароратда термостат шароитида ундирилган. 1) *G.mustelinum* Miers ex Watt., 2) *G.arboreum* subsp. *obtisifolium* 3) *G.arboreum* subsp. *obtisifolium* var. *indicum* 4) *G.arboreum* subsp. *perenne*. 5) *G.arboreum* subsp. *neglectum*, 6) *G.arboreum* subsp. *neglectum* f. *sanguineum*, 7) *G.arboreum* subsp. *nanking* (оқ ранг толали), 8) *G.arboreum* subsp. *nanking* (новвотранг толали), 9) *G.arboreum* «А-352» намунаси

Тадқиқотимизнинг узвий давоми сифатида 48 соат муддатли +33°C ҳароратда *G.mustelinum* Miers ex Watt. ва *G.arboreum* L. туричи намуналари уруғларининг унувчанлигига бағишланган бўлиб, уларнинг қиймати 30-100% оралиғидаги миқдорларни ташкил этди. Ушбу намуналарда 48 соат давомидаги +33°C ҳароратда олиб борилган таҳлил натижалари унувчанлик бўйича 24 соатдаги вариант билан таққослаганимизда сезиларли миқдорда юқори эканлиги қайд этилди.

*G.mustelinum* Miers ex Watt. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг уруғ унувчанлигининг энг юқори кўрсаткичлари *G.mustelinum* Miers ex Watt.; (ярим симподиал ва симподиал тропик) subsp. *neglectum*, subsp. *neglectum* f. *sanguineum*; (симподиал субтропик) subsp. *nanking* (оқ ва новвот ранг толали) кенжа турлари ўртасида кузатилиб, уларнинг уруғ унувчанлиги 100% миқдорни намоён қилди. Уруғ унувчанлигининг паст кўрсаткичи эса ёввойи subsp. *obtisifolium* кенжа турида қайд этилиб, унинг қиймати +30% эканлиги кузатилди. Шунингдек, *G.arboreum* L. турининг бошқа намоёндаларида 10 дона уруғдан 9



донаси униб чикди. Унинг унувчанлик фоизи 90% миқдорларда бўлиб, (ёввойи) subsp. *obtusifolium* var. *indicum*; (ярим ёввойи) subsp. *perenne* ва (маданий) «А-352» намунасида қайд этилди.

Изланишлар натижаси асосида шундай хулосага келинди: гўзанинг ёввойи, ярим ёввойи, ярим симподиал ва симподиал тропик, симподиал субтропик ва маданий кенжа турлари уруғлари (чигит) да унувчанликни колбаларга фильтр қоғоз ёрдамида ураб 300 мл хажмдаги дистилланган сув солиб чигит ўралган фильтр қоғознинг пастки қисмини чигит сувга тегмаган ҳолатда сувга ботириб қўйилиб, 24-48 соат муддатли +33°C ҳароратда тадқиқот ўтказилганда, ушбу намуналар 48 соатли +33°C ҳароратдаги вариантда яхши самара бериши аниқланди. Уруғ унувчанликнинг 48 соатли +33°C ҳароратдаги варианты услуб жиҳатдан тўғри ёндашилганликни кўрсатди. Ушбу услубдан генетик селекционер олимлар гўзанинг ёввойи турларини уруғларини ундириб олиш учун фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, *G.mustelinum* Miers ex Watt. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро қариндошлик муносабатларини молекуляр даражада ўрганиш мақсадида ҳар бир танлаб олинган намуналар баргидан геном ДНКси ажратиб олинди. Ҳозирда ДНК-маркерлари ёрдамида молекуляр-филогенетик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А.А., Дариев Р.С., Омельченко М.В., Клят В.П., Ризаева С.М., Амантурдиев А., Сайдалиев Х., Халикова М. Атлас рода *Gossypium* L. (хлопчатник) // Под. общ. ред. А.А.Абдуллаева. – Ташкент: Фан, 2010. – 264 с.
2. Арутюнова Л.Г. Биология хлопчатника. – М.: Колос, 1980. – 75 с.
3. Губанов Г.Я. Физиологические процессы при созревании и раскрытии коробочек хлопчатника // Хлопководство. – Ташкент, 1954. – №5. – 75 с.
4. Ивановская Т. Всхожесть и урожайность хлопчатника в зависимости от длительности хранения семян // Тр. Института генетики АН СССР. – М.: 1952. – №20. – С. 80.
5. Мальцев А.М. Морфология семян различных видов хлопчатника // Хлопчатник. – Ташкент: АН Уз ССР, 1960. – №3. – С. 8-19.
6. Константинов Н.Н. Морфолого-физиологические основы онтогенеза и филогенеза хлопчатника. – М.: Наука, 1967. – 292 с.
7. Мауер Ф.М. Происхождение культивируемых и диких видов хлопчатника и основы их классификации // Тр. СрГУ. Новая серия, вып. XVIII Биологические науки. – М.: 1954. – №7. – С. 135.
8. Страумал Б.П. Отбор на семена в пределах куста хлопчатника / Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: 1950. – №6. – 35 с.
9. Fryxell P.A. A revision of the Australian species of *Gossypium* with observations on the occurrence of *Thespesia* in Australia // Austral. J. Bot. 1965. vol.13. – №1. – P. 71-102.
10. Reeves R.G. Comparative anatomy of the seeds cottons and other Malvaceous plants. II. Malvaceal and Urenese // Amer. J. Bot. 1936. b, v.23. – №6. – P. 394-408.
11. Stephens S.G. Laboratory studies of feeding and oviposition preferences of *Anthonomus grandis* Boh.-J. Econ. Entomology. 1959. Vol. 52. – P. 390-396.
12. Stephens S.G. Further studies on the feeding and oviposition preferences of the boll weevil //J. Econ. Entomology. 1961. Vol. 54. – P. 1085-1090.

УЎК 631.529

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ЧАЙОТ- *SECHIMUM EDULE* (JACQ) SW. НИНГ УНУВЧАНЛИГИ

З.Ў. Джумаева, ўқитувчи, Самарқанд Давлат Тиббиёт институти, Самарқанд

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ҳудудига дастлабки интродукция этилаётган Чайот – *Sechium edule* (Jacq.) Sw. ўсимлигининг унувчанлиги, озиқ-овқатбоп хусусиятлари ва олиб борилган морфобиологик тадқиқотлар ҳақида маълумотлар берилган. Бу ишлар дастлаб Самарқанд вилояти шароитида олиб борилганлиги ва бу қимматли ўсимлик Республикамизда озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилишининг самарали ва истиқболли усулларида бири эканлиги ҳақида фикр билдирилган.

**Калим сўзлар:** Чайот, интродукция, унувчанлик, доривор, ўсимлик, плантация.

**Аннотации.** В статье рассказывается о первом вселении Чайот - *Sechium edule* (Jacq.) Sw на территории Узбекистана. Приведены данные о плодородии растений, пищевых свойствах и морфобиологических исследованиях. Было отмечено, что эта работа проводилась в Самаркандской области, и это ценное растение является одним из наиболее эффективных и перспективных способов решения продовольственных проблем в стране.

**Ключевые слова:** Чайот, интродукция, забывчивость, лекарство, растение, плантация.

**Abstract.** *Chayot - Sechium edule* (Jacq.) Sw., Which is being introduced for the first time in Uzbekistan data on plant fertility, nutritional properties, and morphobiological studies were provided. It was noted that this work was initially carried out in the Samarkand region, and this valuable plant is one of the most effective and promising ways to solve food problems in the country.

**Keywords:** *Chayot, introduction, forgetfulness, medicinal, herbal, plantation.*

**Кириш.** Бугунги кунда жаҳонда ва мамлакатимизда доривор, озиқ-овқатбоп ўсимликларни етиштириш плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Дунёда аҳоли сонининг ошиши кенг ассортиментдаги озиқ-овқатбоп, доривор ва хушбўй-



зиравор ўсимликлар хом ашёси хилма-хиллигини кўпайтиришни ҳамда улардан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ўз навбатида, бундай хусусиятларга экспортбоп доривор ўсимликларни танлаш, улар хом ашёсига бўлган эҳтиёжларни маҳаллий флорада мавжуд бўлган ёки ўзга худудлар флорасига тегишли интродуцент ўсимликлар ҳисобига қондириш, ўсимликларни турли тупроқ-иклим шароитида етиштиришнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш дарҳақиқат долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай истиқболли ўсимликлар қаторига *Sechium edule* (Jacq.) Sw. – Чайот киради ва ҳозирда кўплаб давлатларда етиштирилиб, сабзовот мевалар тарикасида экспорт қилинмоқда.

Чайотнинг ботаник номи *Sechium edule* (Jacq.) Sw. бўлиб, кўп мамлакатларда уни мексика бодиринги ҳам деб юритилади. Сабаби, чайотнинг ватани Мексика ҳисобланади. У қовоқдошлар (*Cucurbitaceae*) оиласига мансуб, кўп йиллик (ўзининг ватанида) лианасимон, пояси 20 м етадиган ўт ўсимлик. Ер қуррасининг Евросиё ва Осиё қисмида интродукция қилинганда бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўрта Осиёда Тожикистон ва Қозоқистонда дастлаб интродукция қилинган. Ўзбекистонда дастлабки интродукция ишлари биз томондан амалга оширилмоқда.

**Тадқиқот мақсади:** Самарқанд вилояти шароитида Чайот – *Sechium edule* (Jacq.) Sw. нинг унувчанлик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот услуби.** Чайота устида олиб борилган тажрибалар 2018 – 2021 йилларни ўз ичига олиб дала ва лаборатория шароитларида олиб борилди. Чайот меваларининг морфометрик белгилари лаборатория шароитида ўрганилди, ва СамДУ тажриба майдончасида ҳамда иссиқхона шароитларида ўстирилди. Ҳар бир майдончада 10 га яқин ўсимлик тавсифланди.

Ўсимликларнинг фенологияси, ўсиши ва ривожланиши Г.Э. Шульц [5] методикаси бўйича ўрганилди. Чайот унишида вегетатив ва генерати органларининг тузлишини ва ривожланишини ёзиб ва таҳлил қилиб бордик.Тадқиқотлар натижасида олинган арифметик сонлар статистик жиҳатидан ҳисобланди. Бунда ўртача арифметик қиймат (M), ўртача қийматнинг хатоси (m), вариациялар коэффиценти (C), ўртача квадратлар фарқи ( $\alpha$ ), муқаррарлик критерийси (t) ва аниқлик даражаси (P) кабилар аниқланди. Бундан ташқари олинган ўртача арифметик қийматлар бир-бирига таққосланиб ( $td > tst$ ) уларнинг фарқи аниқланди. Бу ишларни бажаришда П.Ф. Рокицкий [1] ва В.С. Смирнов [2] қўлланмаларидан фойдаланилди.



1-Расм. Чайот- *Sechium edule* (Jacq.) Sw. нинг умумий кўриниши


**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Тадқиқотларимизда Чайот- *Sechium edule* (Jacq.) Sw. иккита нави олинди. Уларнинг бири (*S. venosum*) АҚШ Коста Рика шаҳридан, иккинчиси (*S. vilosum*) қўшни Тожикистон Республикасидан келтирилди. Бу навларнинг морфометрик таърифи қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал-1

Чайот *Sechium edule* (Jacq.) Sw. нинг *S. venosum*, *S. vilosum* навлари меваларининг морфометрик таърифи

№	Навнинг номи	Меванинг шакли	Меванинг ранги	Меванинг ҳажми, см		Меванинг вазни, гр
				Буйи	эни	
1	<i>S. venosum</i> ,	Овальсимон	оч яшил	15-18	7-8	270
2	<i>S. vilosum</i>	Ноксимон	яшил	12-15	9-11	280

Ҳар бир давлатдан келтирилган навларни мева ва уруғларини алоҳида қилиб, феврал ойида иссиқхона экиб унувчанлигини аниқланди.



2-Расм. Чайот- *Sechium edule* (Jacq.) Sw. уруғпаллаларининг ривожланиши

Чайота барглари йирик бешпанжали узунлиги ўртача 10-20 см, эни 10-15 см. Барг япроғи юраксимон, унинг устки ва остки қисми тукчали. Микроскопда кўрилганда бу тукчалар икки хил ва жойланишига қараб ҳам фарқланиш аниқланди. Барг қўлтиғидан тўрт бармоқли илгакчалар ривожланади. Улар барча қовоқдошлар оиласига хос илашувчи хусусиятларни намоён этди. Поялари 1-1.5 см энига 8-9 м узунликда бўлиши мумкин. Тажрибада вегетациянинг бошида дастлаб битта поя ўсиш давомида 8 тагача иккинчи тартибдаги поялар шаклланди.

Генератив органлари қуйидагича. Барг қўлтиғидан кўримсиз, хира гуллари ривожланди. Улар оч-яшил рангда. Адабиётлардаги маълумотларга қараганда чайота гуллари айрим жинсли (бир жинсли). Буни эътиборга олган ҳолда чангчили ва уруғчили гуллар ўрганилди. Чангчили гуллар шингилсимон тупгулларни ҳосил қилиб уларда 2-10 тагача чангчи гуллар ривожланди. Ҳар бир чангчили гулларда учтагача чангдон ривожланиши аниқланди. Уруғчи гуллар алоҳида барг қўлтиғида ривожланиб якка тартибда жойлашган ва 1-2 мм гул бандига ўрнашган.

Гинецей бир уяли, гулкўрғони остки бўлиб, бир уруғ кўртакли. Гул тугунчаси қисқа ва уруғчи тумшукчаси бошчали кўринишга эга. Гулкоса барглари бешта бўлиб, шаклан бокалсимон 4-5 мм узунликда. Гулларнинг чангланиши четдан (анемофилия) лекин айримхашоротлар билан чангланиши ҳам кузатилди. Тадқиқотлар шуни маълум қилдики гулнинг ривожланиши ва дастлабки меванинг пайдо бўлиши 3-4 ҳафтани ўз ичига олади. Чайота мевалари бир уйли, серэтли, сохта мева ҳисобланади. Улар ўртача 7-20 см узунликда эни эса 5-12 см ташкил этади. Мевалар вазни 250-1000 гр гача бўлиши маълум бўлди. Унинг ички қисмида бир дона овалсимон уруғ етилди. Бир туп чайота ниҳолларидан тухумсимон, овалсимон, ноксимон кўринишга эга бўлган формали мевалар ривожланиши аниқланди.

Ёввойи ҳолатда чайот дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайди. Айрим маълумотларга қўра Мексика флорасининг эндемик тури ҳисобланади. Чайот барглари бодринг ўсимликларининг баргларига жуда ўхшаш, улар новдаларнинг ён куртаклари бўйлаб ўсиб чиқади ва кулранг-яшил рангда. Барг япроғи 5 бўлакли, 20 см гача. Чайот бир уйли айрим жинсли гулларга эга бўлиб, улар майда, хира оч яшил ёки сарғиш-оқ рангда. Меваси пишиб етлганда, 100 г дан 1 кг гача бўлади. Мевалари Мексика маҳаллий халқлари томонидан одатда пиширилган, қайнатилган, қовурилган, тузланган ҳолда истеъмол қилинади. Чайот кенг қўлланиладиган иктисодий озуқабоп ўсимликлар қаторига киради ва шунинг учун кўп мамлакатларда экиб ўстирилади. Меваларининг қатта озуқавий қиймати шундаки улар таркибида витаминлар, оксиллар ва 19 тагача аминокислоталар мавжуд бўлиб, улардан саккизтаси одам организм учун энг керакли (валин, гистидин, лизин, лейсин, метионин, треонин, триптофан, фенилаланин) бўлиб ҳисобланади. Чайотнинг ёш новдалари ҳам истеъмол қилинади. Уларнинг таркибида муҳим аминокислоталар (аргинин, валин, гистидин, лейцин, лизин, треонин), витаминлар (А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С), оксил, шакар ва минерал моддалар мавжуд.

Ўсимликнинг қимматли озиқ-овқат хом ашё манбаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, турли тупроқ-иқлим шароитларида ўсимликдан экспортбоп хом ашё етиштириш йўллари ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу ўринда, Чайотни кўпайтиришнинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш, саноат плантацияларини ташкил этиш, сифатли хом ашё тайёрлаш йўллари такомиллаштириш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётларда чайот дори сифатида ишлатилганлиги ҳам қайд этилган. Чайот барглари ёки меваларидан олинган дорилар оғриқни енгиллаштириш, буйрак тошларини эритиб юбориш, шунингдек, атеросклероз ва гипертензияни даволашда қўшимча даволаш усули эканлигини таъкидланган. Юрак-қон томир касалликларини даволашда ишлатиладиган барг шарбатининг хусусиятлари замонавий тадқиқотларда кенг муҳокама қилинмоқда. Бундан ташқари, уруғлари диуретик хусусиятларига эга. Улар эндокрин касалликларда ҳам, шунингдек ошқозон касалликларида, ўн икки бармоқли ичак яраси, панкреатит, геморрой, ич қотиши, мастопатия ва кўкрак саратони, аёллар ва эркекларнинг урогенитал тизимининг касалликларида, простатит ва аденомали касалликларда қўшимча даволаш сифатида фойдаланилади.

Доривор мақсадлар учун ишлатиладиган чайота мевалари йиғиб олинади асосан. Ўсимлик мевалари эрта кузда пишиб этишганда ҳосил қилади, сўнгра улар бир неча кун қуриydi. Сентябр ойида олинган ва қуритилган Чайота мевалари деярли бир йил давомида хона ҳароратида сақланиши мумкин. Ҳосил 3 дан 10 ° гача бўлган ҳароратда қуруқ хонада қутиларида келгуси йил учун тайёрланади. Чайотанинг янги узилган мевалари асл кўринишини йўқотмайди ва ертўлада ёки музлатгичда сақланса 30 кунгача давом этади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Рокицкий П.Ф. Биологическая статистика. – Минск: Наука. 1973. -320 с
2. Смирнов В.С. Изменчивость биологических явлений и коэффициент вариации //Журн. общ. биологии. – М.: 1971. Т.32. Вып.2. -С. 152-162.
3. Фирманюк Т.Г. Мексиканский огурец. // «Наука и жизнь». М.: №9. 1999.-С. 43-45.
4. Хафизов Т.Д., Гулов С.М. Урожайность чайота (*Sechium edule*) или Мексиканский огурец в условиях Гиссарской долины. // «Земледелие». АН Россия. М.: №1(41), 2009. - С.16-17.
5. Шульц Г.Э. Общая фенология. Л.: Наука. 1981. -187с.

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН *ASTRAGALUS L.* ТУРКУМИ ТУРЛАРИНИ ДНК-  
БАРҚОДЛАШ

Д.Н. Жамалова, кичик илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент  
Ф.У. Мустафина, катта илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент  
А.С. Эсанкулов, катта илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент  
Д.Э. Турдиев, кичик илмий ходим, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда тарқалган *Astragalus L.* туркумига мансуб эндем, камёб ва йўқолиб кетиши хавфи остидаги турларни идентификация қилишда ДНК – штрихкодлаш технологиясининг аҳамияти, ушбу турларнинг тарқалиши, ДНК сини ажратиб олишдаги ўзига хосликлар, турларда учровчи полиморфизмлар ҳақида сўз юритилади. Тадқиқ қилинаётган турлар камёб ва асосан эндем турлар бўлиб, улар генетик хил-хиллигининг ўрганилиши ва глобал BOLD тизимида жойлаштирилиши илк марта амалга оширилмоқда.

**Калит сўзлар.** *Astragalus*, эндем, ДНК-штрихкодлаш, амплификация, СТАБ, полиморфизм.

**Аннотация.** В статье обсуждается значимость ДНК-баркодирования в идентификации редких, исчезающих и эндемичных видов, относящихся к роду *Astragalus L.*, произрастающих в Узбекистане, распространение этих видов, особенности экстракции ДНК, полиморфизм видов. Результаты исследований размещены в глобальной системе данных BOLD v4 ([www.boldsystems.org](http://www.boldsystems.org)).

**Ключевые слова:** *Astragalus*, ДНК-баркодирование, ПЦР амплификация, СТАБ, полиморфизм.

**Abstract.** The importance of the DNA barcoding in identification of the rare, disappearing and endemic species belonging to the *Astragalus L.* genus and growing in the Republic of Uzbekistan, their distribution, aspects of the DNA extraction, species polymorphism are discussed in this article. The research results are uploaded to the Global Data system BOLD v4 ([www.boldsystems.org](http://www.boldsystems.org)).

**Key words:** *Astragalus*, DNA barcoding, PCR amplification, STAB, polymorphism.

**Қириш.** Бугунги кунда молекуляр биология, хусусан, ДНК даражасидаги тадқиқотлар таксономияда, селекцияда, биохилма-хилликни сақлаш ва баҳолашда, эволюцияда мунтазам қўлланиладиган амалиётга айланмоқда. Турларни идентификация қилишда анъанавий услубларга таянган ҳолда, морфологик белгиларига кўра (гул, барг поя ва ҳ.к) (ботаниклар), ёки кимёвий таркибига кўра (алкалоид, флавоноид, кумарин) турни аниқлаш ҳар доим ҳам қутилган натижани ва аниқликни бермайди. Бундай ҳолларда турларни идентификация қилишда геномнинг қисқа стандарт кетма-кетликларидан (ДНК-штрихкод, ДНК-баркод) фойдаланиш энг мақбул усул саналади. ДНК-баркодлаш (генетик паспорт яратиш) биринчи марта 2003 йилда Паул Ҳерберт бошчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган ва 2004 йилда «Хаёт штрихкоди» халқаро консорциумига («Consortium for the Barcode of Life, CBOL <http://www.barcodeoflife.org>) асос солинган.

ДНК-баркодлаш технологияси назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Фанда аниқлаш қийин бўлган турларни (асосан қисқа ва камдан-кам гуллайдиган турлар) идентификациялашда, маҳаллий флоранинг тур таркибини (янги, эндем, камёб) нисбатан аниқ идентификация қилишда қўлланилса, амалиётда қўлланилиш соҳалари тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, камёб турларни ва биохилмахилликни сақлаш, уларни тўплаш ва ноқонуний савдо, ўсимлик ҳомашёсини текшириш, аллергия, бегона, инвазион турларни назорат қилиш, ўрмонлар мониторинги ва бошқа эксперт хизматларида қўлланилиб келинмоқда.

2005 йилдан 2017 йилга қадар доривор ўсимликларни ДНК-штрихкодлашга доир 150 дан ортиқ мақолалар чоп этилган. Ушбу мақолаларда олиб борилган тадқиқотлар кенг қамровли эканлиги, яъни хлоропласт геномидаги консерватив *rbcL*, шунингдек, кучли ўзгарувчанликка эга кодламайдиган спейсер худудлар *psbA-trnH*, *ITS2* маркерлари асосида штрихкодлаш амалга оширилганлиги таъкидланади. Консорциумнинг ишчи гуруҳи бир нечта маркер худудлар (геномдаги муайян қисқа стандарт нуклеотид кетма-кетликлари), асосан *matK*, *rbcL*, *psbA-trnH*, *ITS* (*ITS2*) кабиларни тавсия этди. Бироқ, ўсимликларни ДНК-штрихкоди учун мос келувчи ДНК-сегментларини излаш жараёнига нукта қўйишга ҳали эрта ҳисобланади. Баъзан юқоридаги каби маркерларни бир нечтасини комбинацияда қўллаш яхши натижа беради. Хитойда олиб борилган тадқиқотларда 6600 та доривор ўсимликлар намуналарида *ITS2* 92.7% ҳолатда самарали натижа берди ва бу маркер доривор турларни идентификациялашда асосий штрихкод сифатида қаралди [1].

*Astragalus L.* туркуми дунёдаги энг катта полиморф туркум бўлиб, Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда ҳам энг йирик полиморф туркумлардан бири ҳисобланади. Туркумни дунёда 250 секцияга мансуб 2500-3000 тури, Ўрта Осиёда 600 дан ортиқ тури тарқалган [8] Ўзбекистонда *Astragalus L.* туркумининг 278 тури тарқалган бўлиб, улардан 32 та тур эндемик, 57 та тур Ўзбекистон флораси учун биринчи марта келтирилган ва 5 та тур фан учун янги ёзилган [11], 30 та тур ғарбий Тиён-Шон эндемлари бўлиб, шундан 17 тур тор тарқалиш ареалига эга. Бешко ҳамда Азимовалар олиб борган тадқиқот ишларида Туркистон тизмасининг ғарбий қисми (Ўзбекистон Республикаси кесимида) ва Молғузар тизмасида туркумнинг 89 тури тарқалганлиги ва шулардан 62 тур Тоғли Ўрта Осиё провинцияси учун эндем турлар эканлиги қайд этилган [4]. Ўзбекистон Миллий гербарий фондида (TASH) туркумнинг бутун Ўрта Осиёдан терилган



12000 дан ортиқ намунаси сақланади ва шулардан 7000 га яқини Ўзбекистон худудидан терилган намуналардир [3].

**Материал ва методлар.** Молекуляр генетик тадқиқотлар учун объект сифатида туркумнинг 15 та турга мансуб 31 намунаси олинди. Турлардан ДНК ажратиш олиш анъанавий СТАБ (модификацияланган варианты) усулидан фойдаланиб олиб борилди. Полимер занжир реакцияси учта праймер асосида: *ITS2* (ядрогаги) *rbcL*, *matK* (хлоропластдаги) праймерлари асосида амплификация қилинди. ДНК амплификациясининг муваффақиятли чиққанлиги электрофорез қўйиш орқали аниқланди. Электрофорез жараёни 1,2% ли агароза гелида 40 дак. 150 мА, 300 Вт. да олиб борилди. Секвенирлаш жараёнлари бир неча босқичдан иборат бўлиб, ПЗР маҳсулотларини *ExoSAP-IT™* ёрдамида тозалаш, 5X секвенирловчи буфер *BigDye Terminator v3.1 5X Sequencing Buffer* ва *BigDye™ Terminator v3.1 Cycle Sequencing Kit* дан фойдаланиб амплификация қилиш, якуний тозалаш учун ортиқча терминаторлар *BigDye X Terminator Purification Kit* (Thermo Fisher, U.S.A.) дан фойдаланиб амалга оширилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Турли ўсимлик турлари, орган ва тўқималари турли ривожланиш босқичларида, ҳаттоки бир ўсимлик тури турли даврларда турлича иккиламчи метаболит маҳсулотлари тўплайди. Бу маҳсулотларнинг таркиби эса тоза ҳолдаги ДНК ажратиш олишнинг миқдор ва сифатига сезиларли таъсир кўрсатади. Жуда кўп адабиётларда ўсимликлардан сифат жиҳатдан тоза ДНК ажратиш олиш бир мунча мураккаб жараён эканлиги қайд этилади ва бунга сабаб, улардаги иккиламчи метаболит маҳсулотларининг тозалаш жараёнидаги бир неча босқичларда ДНК билан биргаликда кетиши ва натижада тоза ДНК ажралишига салбий таъсир кўрсатишидир [5]. Ўсимлик объектларидан ДНК ажратишнинг жуда кўплаб методлари ишлаб чиқилган бўлиб [2, 7], шулардан бири СТАБ (цетил триметил аммоний бромид) буфери билан экстракция қилишдир. Туркумга мансуб турлардан ДНК ажратиш олишда СТАБ методининг модификацияланган методи яхши натижа берди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, яхши ва тўғри қуритилмаган ўсимлик намуналари ёки бир неча йиллик гербарий намуналаридан ДНК ажратиш олишда қийинчиликлар бўлиб, буларга тозалаш босқичининг бир неча марта такрорланганлиги, амплификациядан сўнг электрофорез қўйилганда, ортиқча эркин нуклеотидлар борлиги ва секвенирлаш жараёнида шовқинларнинг борлиги каби камчиликларни келтириб ўтса бўлади. Намуналардан ажратиш олинган ДНК ни спектрофотометрда ўлчанганда, *A. bucharicus*, *A. nobilis* ҳамда *A. argutinus* турларида ДНК сифати қониқарли натижани бермади (1-жадвал).

1-жадвал

СТАБ усули орқали экстракция қилинган турлар ДНК сининг наноспектрофотометрдаги таҳлили

№	Турнинг илмий номи	ДНК конц. нг/мкл	A260/A280 k=1.8-2.0	A260/A230 k=2.0-2.2	Статуси
1.	<i>Astragalus bucharicus</i> Regel	247,45	1,752	1,596	2. Жануби-ғарбий Помир-Олойда кам тарқалган, камёб эндем ўсимлик.
2.	<i>Astragalus farctissimus</i> Lipsky	182,50	1,890	1,924	Ғарбий Помир-Олой эндеми
3.	<i>Astragalus leptophysus</i> Vved.	48,750	1,994	1,871	2. Ғарбий Помир-Олойда кичик майдонларда тарқалган, эндем ўсимлик
4.	<i>Astragalus lipskyi</i> Popov	225,35	1,868	1,949	Помир-Олой эндеми
5.	<i>Astragalus nobilis</i> Bunge ex B.Fedtsch.	149,40	1,929	1,313	Помир-Олой эндеми
6.	<i>Astragalus pseudanthylloides</i> Gontsch.	154,70	1,863	1,898	2. Ғарбий Ҳисор камёб эндемиги
7.	<i>Astragalus pseudoeremophysa</i> Popov	53,700	1,744	2,015	2. Жанубий Помир-Олойдаги камёб тур.
8.	<i>Astragalus pteroccephalus</i> Bunge	161,05	1,836	2,218	Тоғли Ўрта Осиё эндем тури
9.	<i>Astragalus rumpens</i> Meffert	96,200	1,979	2,104	Помир-Олой эндем тури
10.	<i>Astragalus stenocystis</i> Bunge	64,900	1,731	1,994	Тоғли Ўрта Осиё эндем тури
11.	<i>Astragalus subbijugus</i> Ledeb.	98,600	1,725	1,992	Қизилкум ва Нурота паст қолдиқ тоғлари эндем тури, Ўзбекистон эндеми
12.	<i>Astragalus terrae-rubrae</i> Butkov	212,95	1,748	1,946	2. Жануби-ғарбий Помир-Олойда тарқалган камёб, эндем ўсимлик
13.	<i>Astragalus tibetanus</i> Bunge	139,20	1,860	1,916	Тоғли Ўрта Осиё эндем тури
14.	<i>Astragalus argutinus</i> Lipsky	85,600	1,810	2,428	Ғарбий Помир-Олой эндеми
15.	<i>Astragalus xanthomeloides</i> Korovin & Popov	78,650	1,794	2,184	Тоғли Ўрта Осиё эндем тури

Астрагал турларида учта праймер *ITS2* (ядрогаги) *rbcL*, *matK* (хлоропластдаги) нинг гибридланиш температуралари тест қилинганда, қуйидагича натижа олинди: *ITS2*: учун 58°C, *matK* учун 50°C ва *rbcL* учун 56°C даги намуналар электрофорез жараёнида, тоза, ортиқча нуклеотидларсиз, ҳамда концентрацияси яхши эканлиги кўрилди.



Изланиш олиб борилётган тадқиқот объектларида *rbcL* учун нуклеотид кетма-кетлиги узунлиги 495 ж.а. дан 570 ж.а. гача, *ITS2* учун 450-490 ж.а., *matK* учун 870-890 ж.а. эканлиги аниқланди.



1-расм. Тадқиқ қилинаётган турларнинг нуклеотид кетма-кетлиги хроматограммаси

Туркумнинг 15 та тури (31 намуна) секвенирлангандан сўнг, олинган сиквенслар *Geneious 10.0.9* [10] дастури орқали таҳлил қилинди. Хроматограммалари қайта ишлангач, контигдаги форвард ва реверсларни идентиклиги (мослиги) 100% ни ташкил этди. Намуналардаги идентик ҳудудлар 519 н.а. (95,9%) дан иборат бўлиб, умумий узунлиги 541 н.а. ни ташкил этади. Нуклеотид асосларининг учраш частотаси А-26,7%, С-21,3%, G-22,3%, Т-29,7% бўлиб, жуфт асосларнинг учраши GC-43,6%, AT-56,4% ни ташкил этади. Консенсусдаги намуналар нуклеотид кетма-кетлигини таҳлил қилишда, маълумотлар базасидан туркумнинг *A. uliginosus* (EF685980.1 1), *A. bombycinus* (KY951668.1) ва *A. sinicus* (MF044397.1) турларининг нуклеотид кетма-кетлиги таққослаш учун олинди. Олинган барча маълумотлар ҳаёт штрихкоди (BOLD) маълумотлар базасига жойлаштирилди. Туркум турларидаги полиморф ҳудудлар текширилганда, 36 та ягона полиморф ҳудудлар (SNP) мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Намуналардаги полиморф ҳудудлар ва уларнинг жойлашуви

№	Полиморф. ҳудудлар	Жойлашуви	Узунлиги	Учраш частотаси
1.	A	43	1 ж.а.	27,3%
2.	G	43	1 ж.а.	72,7%
3.	G	50	1 ж.а.	89,5%
4.	T	50	1 ж.а.	10,5%
5.	C	63	1 ж.а.	20,0%
6.	G	63	1 ж.а.	80,0%
7.	A	65	1 ж.а.	55,0%
8.	T	65	1 п.о	45,0%
9.	A	122	1 ж.а	68,2%
10.	G	122	1 ж.а	31,8%
11.	A	128	1 ж.а	31,8%
12.	G	128	1 ж.а	9,1%
13.	T	128	1 ж.а	90,9
14.	C	129	1 ж.а	63,6
15.	G	129	1 ж.а	36,4
16.	A	131	1 ж.а	9,1
17.	T	131	1 ж.а	90,9
18.	A	140	1 ж.а	40,9
19.	T	140	1 ж.а	59,1
20.	C	158	1 ж.а	90,9
21.	G	158	1 ж.а	9,1
22.	G	200	1 ж.а	45,5
23.	T	200	1 ж.а	54,5
24.	A	248	1 ж.а	9,1
25.	C	248	1 ж.а	90,9
26.	C	265	1 ж.а	40,9
27.	G	265	1 ж.а	59,1
28.	A	359	1 ж.а	90,9
29.	G	359	1 ж.а	9,1
30.	A	455	1 ж.а	18,2
31.	G	455	1 ж.а	81,8
32.	C	519	1 ж.а	52,9
33.	G	519	1 ж.а	41,2
34.	T	519	1 ж.а	5,9
35.	A	561	1 ж.а	33,3
36.	T	561	1 ж.а	66,7

Туркум турларида полиморф участкаларнинг учраши (асосан *ITS2* да), ушбу эндем ва камёб турларга келгусида специфик праймерлар синтез қилиш ва шу орқали уларни идентификация қилиш имконини беради. Бундан ташқари, яратилган праймерлар тўплами табиий ва антропоген жамоалардаги турлар

биохилма-хиллигини мониторинг қилиш мақсадида бошқа оилаларга мансуб турларни ДНК-штрихкодлаш учун маълумотлар базаси сифатида хизмат қилади.



2-расм. 1–27 намуналардаги нуклеотидли полиморфизм



3-расм. 28–36 намуналардаги нуклеотидли полиморфизм

**Хулоса.** Эндем, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги *Astragalus* L. туркуми турларини ДНК-штрихкодлаш технологияси жуда кўплаб, жумладан, морфологик жиҳатдан аниқлаш қийин бўлган турларни идентификация қилиш, бундан ташқари, уларни табиатда ноқонуний териш, табиий шароитда хомашёсини йиғиштириш ман қилинган дориворлик хусусиятига эга турларни божхона хизмати орқали ўтказишни назорат қилиш имконини беради. Турларда учраган полиморф участкалар эса, келгусида ушбу турлар учун мос бўлган праймерлар синтезини амалга ошириш имконини беради. Бу эса иқтисодий жиҳатдан биологик савдони тартибга солишда долзарб аҳамиятга эга.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жохова В. и др. Современное состояние и перспективы использования ДНК-штрихкодирования и ДНК-фингерпринтинга для анализа качества лекарственного растительного сырья и лекарственных растительных препаратов // Успехи современной биологии. – 2019. – Т. 139. – №. 1. – С. 25-40.
2. Култунина Н. А., Ермошин А. А. Молекулярно-генетические методы в исследовании растений: учебно-методическое пособие. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. – 142 с.
3. Тожибаев К.Ш, Бешко Н.Ю., Азимова Д.Э., Тургинов О.Т. Особенности распространения видов из секций *Macrocystis*, *Laguropsis* и *Chaetodon* рода *Astragalus* L. на территории Горносреднеазиатской провинции. *Turczaninowia* 18 (2): 17–38 (2015).
4. Beshko N.Yu., Azimova D.E. The genus *Astragalus* L. in the flora of Nuratau and Malguzar mountains. The comparative analysis // *Uzb. Biol. Journ. Special issue*, 2014. – P. 20–22.
5. Kasajima I. Successful tips of DNA extraction and PCR of plants for beginners. // *Trends in Res*, 2018. Volume 1(3): 1-2.
6. Khassanov F.O., Sarybaeva Sh.U., Esankulov A.S. A new *Astragalus* L. (Fabaceae) species from Uzbekistan // *Stapfia: reports*, 2010. – Vol. 92. – P. 25–26.
7. Murray M. G., Thompson W. F. Rapid isolation of high molecular weight plant DNA // *Nucleic acids research*. – 1980. – Т. 8. – №. 19. – С. 4321-4326.
8. Tojibaev Komiljon, Farkhod Karimov, Ibrokchim Azimov, Chang-gee Jang. Two new records for the flora of Uzbekistan from south-west Tian-Shan. *Journal of Asia-Pacific Biodiversity* 11 (2018) 449-451.
9. Tojibaev K., Beshko N., Turginov O., Mirzalieva D. New records for Fabaceae in the flora of Uzbekistan // *Flora Mediterranea*. – Palermo, Italy, 2014. – Vol. 24. – P. 5–15.
10. Kearse M, Moir R, Wilson A, Stones-Havas S, Cheung M, Sturrock S, Buxton S, Cooper A, Markowitz S, Duran C, Thierer T, Ashton B, Meintjes P, Drummond A. 2012. Geneious Basic: an integrated and extendable desktop software platform for the organization and analysis of sequence data. *Bioinformatics* (Oxford, England), 28(12), 1647–1649. <https://doi.org/10.1093/bioinformatics/bts199>
11. Khassanov F.O., Esankulov A.S. Conspectus of genus *Astragalus* L.s.l. (Fabaceae) in the flora of Uzbekistan *Uzbek Biological Journal*. – Ташкент, 2018. – №4 Спец. выпуск. – С. 27-31.

УЎК:631.671.811.633.445.56

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА БЕДАГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН БЕГОНА ЎТ “ТУКЛИ СИМБРИҚ” ВА БИР ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ****И. Исломов, к/х.ф.д., Бухоро давлат университети, Бухоро**  
**Ш.Х. Абдуалиева, ассистент, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**Аннотация.** Бухоро вилояти шароитида бедага зарар етказайтган бегона ўт “Тукли симбриқ” ва бир йиллик бегона ўтларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқишида илмий - тадқиқот ва тажриба ишлари олиб борилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижаларидан қуйидагилар аниқланди: Бедапоя тупрогининг намлигини 50% ЧДНС (чегараланган дала нам сизими) гача туширилганда бил йиллик ва Тукли симбриқ бедапоядан бутунлай тозаланиб 100% қуриб қолиб йўқ бўлади, беда эса ривожланиб кетади.

**Калит сўзлар:** Бегона ўтлар, тукли симбриқ, бедапоя ва чегараланган дала нам сизими.

**Аннотация.** В статье приведены материалы научно-исследовательских работ по борьбе против однолетнего и «полевички волосистых» сорняков в условиях Бухарской области. Результаты проведенных исследований показали, что при опускании влажности почвы в люцерниках на уровне 50% от ППВ (пределная полевая влагоемкость) сорняки однолетние и полевичка волосистая полностью 100% высыхает и люцерна в дальнейшем будет создана условия для ее роста и развития.

**Ключевые слова:** Сорняки, полевичка волосистая, люцерна, влажность почвы и пределная полевая влагоемкость.

**Abstract.** The article contains materials of scientific research work on the fight against annual and "hairy field" weeds in the conditions of the Bukhara region. The results of the conducted studies showed that when the soil moisture in the lucerne falls at a level of 50% of the PPV (maximum field moisture capacity), the annual weeds and the hairy vole dries out completely and the lucerne will in the future create conditions for its growth and development.

**Key words:** Weeds, hairy vole, lucerne, soil moisture and maximum field moisture capacity.

Тукли симбриқ (Полевичка волосистая, Эрагrostус Пулоса) кўп йиллик бегона ўт бўлиб асосан бедапоя, сабзавот ва полиз экинларига кучли зарар етказиши. Беда Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари ва чорва молларини асосий хураки (емиши), усимлиги хисобланади. 1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, сиёсий тузум ҳам ўзгаради. Республикада хусусий мулкчилик институтини барпо қилинди унга фермер, деҳқон ва кластр хўжаликлари хусусий мулкчилик асосида ташкил қилинди ва қилинапти. Республикада 1991 йиллар 18-20 млн аҳоли яшаган бўлса. Ҳозирги кунга яъни 2021 йилда аҳоли сони 34,7 миллионга етди. Аҳоли қариб икки баробарга кўпайди. Аҳолини иқтисодий - ижтимоий даражасини узлуксиз ошира бориш керак, чорва махсулотлари, гўшт ва сут махсулотларига бўлган талабни қондра бериш лозим. Ҳаммамизга маълум Орол денгизи фожиаи, сув танқислиги муносабати билан энди республикада эрни ўзлаштириб бўлмаса керак, энди ердан оқилон ва самарали фойдаланишга тўғри келади. “Ер кўпу – сув йўқ” деса бўлади. Чорвачиликни мустахкам – кучли ем хашак базасини яратиш учун, беда ҳосилдорлигини камида икки баробар оширишимиз даркор. Беда нафақат чорва озиқаси бўлиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экишда катта аҳамиятга эга бўлиб, эрни ҳосилдорлигини ҳам оширади. Бир гектарга уч йилга 400-450 кг (N) азот йиғади, пахта вилтини ҳам камайтиради.

Бедани ҳосилдорлигини ошириш учун илмий асосда агротехникавий ишларни йўлга қўйиб, унинг суғориш режимини, ўғитлашни ва бегона ўтлардан асрашни йўлга қўйишимизга тўғри келади. Беда ҳосилдорлигини ошириш учун алоҳида сув режимини ёки ўғитлашни илмий асосда ишлаб чиқиш фойда бермайди. Беда ҳосилдорлигини рекорд даражасида олиш учун бирга сув режими ва ўғитлаш балансини ишлаб чиқиш лозим. Бедадан энг юқори ҳосил олиш учун тавсия қилинган энг яхши кўрсаткичга эга бўлган вариант: Бу сув режими 80% тупроқ чегараланган дала нам сизими (ЧДНС) ва минерал ўғитлар нормаси N<sub>100</sub> P<sub>300</sub> K<sub>150</sub> уч йилга мўлжалланган бўлиб, биринчи йили N<sub>100</sub> (100%), PK (50%) ва иккинчи, учинчи йиллари 25% дан. Қолган агротехника тадбирлари илмий тавсияномалар асосида олиб борилган. Охириги йилларда бедани ашаддий душмани бўлган бегона ўт “Тукли симбриқ” (Эрагrostус Пулоса) беда ҳосилдорлигига катта зарар етказмоқда. Бизни уч йил назорат олиб борганимизга келтирилган таблитсадан кўринади, ким ҳосилдорлик икки баробар кам олинади, беда туби ҳам уч йилга бориб олти баробар кам қолди бунинг асосий сабаби “Тукли симбриқ” томонидан беда тубини камайтирилиши.

Бу бегона ўт қишда ҳам бемалол қишлайверади совуқ ҳам урмайди, беда илдизини зарпечакдай ўраб олиб ўсишга қўймайди. Беда тўплаган озиқа ва азотни истемол қилади. Энг кўп зарар етказиши бу беда ўримидан кейин бошланади, бунинг режалаштириши асосан намлик 65-100% бўлганда бўлади.” Тукли симбриқ “ ҳосилга балки бедани тубини камайтирса, бундан. “Туклисимбриқ” ни тарқалиши ва кўпайиши Бухоро вилоятида асосан 2008-2014 йилларда Тожикистоннинг Панжакент ва Самарқанд вилоятларининг тоғ олди ва адирларига кучли сел ёғин бўлиб Зарафшон дарёсига қўшилиб, дарё сувини ортиқчасини Бухорога юборилган, бу апрел-май ойига тўғри келади шунинг билан “Тукли симбриқ” ва бир йиллик бегона ўтлар уруғи тарқалган.



№	Тажриба ўтказилган жойлар.	Тажриба ўтказилган йиллар	Беда сорти	Бедапоя, йили	Ҳосилдорл ик, с/га	Беда туби вегетас. охирида(дона)
1.	Тожикистон республикаси Ленинобод вилояти, Ходжант тумани, Ўринходжаев калхози.	1974 1975 1976	Вахш 233	1 2 3	194 366 311	207 183 113
2.	Тожикистон республикаси Қўрғонтепа вилояти, Куйбышев тумани “Уяли” савхози	1978 1979 1980	Вахш 233	1 2 3	162 264 260	192 180 124
3.	Ўзбекистон республикаси Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ифтихор М.Ф.Й илмий асосда агротехника қўлланган	2010 2011 2013	Тошкент 721	1 2 3	160 243 247	185 172 110
4.	Ўзбекистон республикаси Бухоро вилояти, Ромитан тумани, “Ифтихор” М.Ф.Й Контрол-агротехника қўлланилмаган	2011 2012 2013	Тошкент 721	1 2 3	120 127 95	86 78 16

Бухорога юборилган ,бу апрел-май ойига тўғри келади шунинг билан “Тукли симбириқ” ва бир йиллик бегона ўтлар уруғи тарқалган .Биринчи расмда “Тукли симбириқ” билан зарарланмаган беда ,иккинчи расмда зарарланган беда. Ташқари ерни унумдорлигини ошира олмайди ва ердаги вилт замбуругини камайтиришга эриша олмайди Бизни уч йиллик тажрибамиз қуйидагича бўлди. Иккинчи ўримни ўргандан кейин намликни 50% Ч.Д.Н.С. (чегараланган дала нам сизими) гача туширдик маълумким беда ўқ илдиз бўлиб, унинг илдизи биринчи йил бир метрдан ошқ чуқурликка боради ва иккинчи ва учинчи йиллар ер шароитига қараб икки метргача , ассосий массасининг 50% 0-60 см бўлади, тошлоқ ерларга 5% илдизи ернинг 0-20 см бўлади. Беда уч йилга 15-20 тонна гектарга қуруқ ҳолда ерга илдизи қолади .”Тукли симбириқ” ва бир йиллик бегона ўтларни илдизи ернинг 10-20 см бўлади. ”Тукли симбириқ” ва бир йиллик бегона ўтлар попуқ илдиз бўлиб . Тупроқнинг намлиги 50% дан паст тушганида беда қурумай бегона ўтлар эса 100% қуриб қолади.

#### Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги тавсияларни берамиз.

❖ Беда экиладиган ерни чизел билан эмас , плуг билан предшлужник тоқиб 45-55 см чуқурликда ҳайдаш лозим ; ўшанда бегона ўтларни ўзи ҳам уруғи ҳам ер остига қолиб баҳорги ҳамда кузги бедага ҳам зарар етказа олмайди.

❖ Беда экинига ”тукли симбириқ” ва бир йиллик бегона ўтлар пайдо бўлса у кейинчалик пайдо бўлиб , суғорганда сув билан ариқ-каналлар ирмоқларидан оқиб боради унда ер намлигини 50% (Ч.Д.Н.С) гача тушириш лозим ёки бедани ўргангандан кейин бедани 15-20 кун суғормасдан тахминан намликни 50%(Ч.Д.Н.С) дан қуйи тушириб, кейин ўзи кўринади бегона ўтлар қуриб қолади, яна суғоришни давом эттирсак , беда ривожланиб кетади.

❖ Эски бедапояларни кузда ёки эрта баҳорда албатта бороналаш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Рамазонов О. Почвоведение и земледелие. Ташкент., Издательства. “Фан ва технология”, 2007, 176 стр.
- 2.Эрматов А.Қ, Ғаниев В.Дехқончилик. Т.:Меҳнат 1990
- 3.Х.Шералиев.М.Шодмонов Дехқончилик.Маърузалар матни Т.:Меҳнат 2004
- 4.Воробов С.А.,Каштанов А.Н.,Ликов А.М., Макаров И.Р.Земле-деле.М.:Агропромиздат.1991.

УЎК: 581.9.(575.151)

#### СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ФЛОРАСИДА GAGEA SALISB. (LILIACEAE)

#### ТУРЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШ ХАРИТАСИ

*Г.Т. Курбаниязова, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент*

*С.О. Пулатов, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент*

*Ф.М. Мадаминов, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Сурхон давлат қўриқхонаси флорасида тарқалган *Gagea* туркуми турларининг ботаник таснифи ҳамда географик тарқалиши юзасидан ГАТ харитаси, ботаник-географик ҳудудлар бўйича, дала тадқиқотлари, Ўзбекистон миллий гербарийси (TASH) фондида сақланаётган намуналарини таҳлилий натижалари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *Gagea*, ботаник-географик тарқалиши, экология, эндем, ГАТ.

**Аннотация.** В данной статье обсуждаются результаты ботанической классификации видов рода *Gagea*, распространенных во флоре Сурхонского государственного заповедника, карта ГАТ по ботанической классификации и географическому распределению, полевые исследования по ботаническим и



географическим регионам, Национальный гербарий Узбекистана (TASH) являются результатами анализа образцов, хранящихся в фонде.

**Ключевые слова.** *Gagea*, ботанической классификации и географическому распределения, экология, эндем, ГАТ.

**Abstract.** This article discusses the results of the botanical classification of species of the genus *Gagea* distributed in the flora of the Surkhon State Reserve, the GIS map for botanical classification and geographical distribution, field studies by botanical and geographical regions, the National Herbarium of Uzbekistan (TASH) are the results of the analysis of samples stored in the fund.

**Keywords:** *Gagea*, botanical classification and geographical distribution, ecology, endem, GIS.

## КИРИШ

Сурхон давлат кўриқхонаси Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоғи ҳисобланган, Кўхитанг тоғининг шарқий қисмида жойлашган [1,6,7]. Кўриқхона, маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида-жойлашган. Сурхон давлат кўриқхонаси 1986 йил 8 сентябрда ташкил топган. Ҳудуд шимолдан Тангидара сойи билан, шарқдан Хатак, Хўжанқо, Қизилолма, Шалқон, Кампиртепа, Шержон ва Вандоб қишлоқлари билан, жанубдан Хўжайқон туз қони билан чегараланади. Умумий ер майдони 24 554 га бўлиб, мураккаб геоморфологик тузилишга эга. Ҳудуд чегарасининг жанубдан шимолга умумий узунлиги тахминан 70 км ни ташкил этади [5]. Мазкур минтақа Жануби-ғарбий Ҳисор тизмасидаги ўзига хос бўлган минтақалардан бири бўлиб, эндем ва камёб турларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳозирга қадар ҳудудда кўпгина ботаник олимлар ўз тадқиқот ишлари олиб боришган, булардан биринчиси А.Н. Невский (1937) томонидан амалга оширилган [8]. Унинг маълумотларига кўра, Кўхитанг флораси тахминан 800 турдан иборат эканлиги шулардан, 588 турни ўзи терганлиги келтирилган. Шулардан *Gagea Salisb.* туркумидан 6 тур келтирилган [9]. Навбатдаги мақсадли тадқиқот ишини Ф.О. Хасанов (1987) томонидан олиб борилган. 1982-1987 йиллар давомида тизманинг дарахт ва бутазорлари (шибляк) ўрганилган, шибляк флораси учун 55 оила, 269 туркумга мансуб 578 тур учрашини келтирган [7]. Ф.О. Хасанов томонидан туркумнинг 6 тури келтирилган. Шу билан бирга ўз тадқиқотлари давомида фан учун бир нечта янги ўсимликларни киритган *Allium ecornutum* F.O. Khass. et I.I. Malzev, *Silene nataliae* F.O. Khass. et I.I. Malzev. А.Ж. Ибрагимов олиб борган тадқиқотлари натижасида Сурхон давлат кўриқхонаси флораси учун 77 оила 372 туркумга мансуб 747 тур учрашини қайд этган. Шунингдек, *Gagea Salisb.* туркумининг 10 турини кўриқхона флорасида тарқалганлигини кўрсатган [5].

Ўрта Осиё флораси бўйича узоқ йиллар давомида тадқиқот олиб борган олим, Р.В. Камелин фикрига кўра, Кўхитангда турлар таркибининг умумий сони 1000 турдан кам эмас деб таъкидлаган [6]. Кейинчалик 1990 йилда чоп этилган “Флора Сырдарьинского Каратау” номли китобида Кўхитанг тизмаси учун 92 оилага мансуб 545 туркум ва 1435 тур келтирилган (Шеробод–Келиф паст текислигидан Сувсиз тоғининг пастки ва ўрта қисми Туркменистон ҳудудидаги Оқбош, Иллак, Илликбош, Тарқапчиғай ва Гаурдак туманларини ўз ичига олган). Юқорида келтирилган рақамларни турли хиллиги инобатга олган ҳолда, Кўхитанг тоғи флораси бўйича мақсадли флористик тадқиқот олиб бориш кераклигини кўрсатади.

### Тадқиқотнинг материал ва методлари.

Олиб борилган тадқиқот ишлари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Москва давлат университети гербарийси (MW), Самарқанд давлат университети Биология факултети гербарий (СамДУ) базаларида сақланаётган туркум турларининг гербарий намуналари, шунингдек 2019-2020 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган гербарий намуналарига асосланган. Турларни тарқалиши акс эттирувчи хариталар ArcGIS 10.0 дастури орқали амалга оширилди. Турларнинг сўнги умум қабул қилинган номлари International Plants Names Index, the World plants Catalogue of Life бўйича, таксонларнинг муаллифлари R.K. Brummit, C.E. Powell (1992) қўлланмаси фойдаланилди.

### Мунозара ва олинган натижалар.

Ҳозирги кунда ер юзида *Gagea* туркумининг 300 тури тарқалган, Введенский Ўрта Осиёда 47 турини шулардан Ўзбекистон флораси учун эса 26 турини киритган [2,3]. Ботаника институти илмий ходимлари томонидан олиб борилган дала тадқиқотлари, маҳаллий флораларда амалга оширилган флористик тадқиқотлар натижасида ҳамда 1913-2020 йиллар давомида йиғилган Ўзбекистон Миллий гербарийси фондида сақланаётган намуналарни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон флорасида туркумнинг 100 яқин тури учраши маълум бўлди ([www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)). 2000-2020 йиллар оралиғида Тоғли Ўрта Осиёдаги маҳаллий флораларда олиб борилган флористик тадқиқотларда, *Gagea* полиморф туркумлар орасида 3-5 ўринни эгаллаши кузатилмоқда [8,12,13]. Туркум бўйича етук олим И.Г.Левичевнинг [9] маълумотларига кўра, Ғарбий Тиёншонда тарқалган турларнинг сони 65, Помир-Олойда эса 95 дан ортиқ. Рақамлардан кўриниб кўриниб турибдики, Помир Олой тизмалари нисбатан турларга бойлиги билан ажралиб туради.

Бир қатор тадқиқотчилар А.Н. Невский (1919) 6 тур, Ф.О. Хасанов (1919) 6 тур, 10 тур А.Ж. Ибрагимов (1919) томонидан Сурхон давлат кўриқхонаси, жумладан, Кўхитанг тоғи флораси учун келтириб ўтилган.

Изланишларимиз давомида, мавжуд адабиётларда келтирилган маълумотлар ҳамда гербарий фондларида (TASH, MW, LE, AA, TAD) сақланаётган гербарий намуналари танқидий таҳлиллар

натижасида, Сурхон давлат кўриқхонаси флорасида туркумнинг 17 тури учраши аниқланди, улардан бири Ўзбекистон флораси учун эндем (*G. nabievii*) тур ҳисобланади:

*G. afghanica* A. Terracc. (басс.р. Ширабад, в 3,5 км на С от пос. "Истра" с высоты h=650 м, 29.03.1965, Каюмов sn).

*G. carusii* Terr. (басс.р. Ширабад, 15.04.1965, Каюмов).

*G. chomutovae* (Pasch.) Pasch. (басс.р. Ширабад, в 3 км на СЗ от поселка Музрабад, 07.04.1965, Каюмов).

*G. dschungarica* Regel (долина Ширабад, село Кызылалма, 27.06.1927, Попов 154; ущелья Бешкотандарья, 14.07.1935, Гнездило 123; Западный склон, в тени скал на вершине хребта у снега, 20.07.1935, Гнездило 136).

*G. gageoides* (Zucc.) Vved. (верховья ущелья Бешкарандара, 14.07.1935, Гнездило 123; верховья Кизил-Алма-сая, 25.05.1980, Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев 373; Кампиртепа, 18.04.2008, Ибрагимов 580).

*G. graminifolia* Vved. (басс.р. Ширабад, в 1,5 км на ЮВ от г.Кугитанг-тау, 07.04.1965, Каюмов).

*G. humicola* Levichev (против сел Ходжа-Филь-Ата, 07.05.1915, Попов 509; 528).

*G. kamelinii* Levichev (басс.р. Ширабад, 10.04.1965, Каюмов).

*G. lawariensis* Pascher. (гор. Сел Ходжафилата, 07.05.1915, Попов 509; верховья Кизил-алма сая, 25.05.1980, Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев 371).

*G. nabievii* Levichev (Верховья Кызыл-Алма-сая, 20.05.1980, Набиев, Шерматов, Казакбаев, Левичев 371).

*G. ova* Stapf (Шалкон, 15.04.2008, Ибрагимов).

*G. pamiroalaica* Levichev (сел. Ходжа-филь-ата, 21.04.1916, Попов 292; Ходжифиль-ата, 20.05.1965, Хасанов sn; окр. село Шураб, 13.05.1976, Пратов, Цукерваник, Махмедов 185; в 2 км на СВ от село Ходжа-и-филь, 16.05.1978, Набиев, Ли, Цукерваник 281).

*G. setifolia* Baker (Кызыл-Алма-сая, 24.05.1980, Левичев).


*G. stipitata* Merckl. ex Bunge (окр.г. Ширабад к С от города, р. Ширабад дарья, 25.04.1930, Лепешкин sn).

*G. taschkentica* Levichev (село Ходжа-и-филь, 10.05.1978, Набиев, Ли, Цукерваник).

*G. tenuifolia* Fomin. (басс.р. в 3,5 км на С от поселка "Истра", 29.03.1965, Каюмов sn; Ширабадская долина, 00.00.0000, Лихачева sn).

*G. vegeta* Vved. (участка Шалкона, 10.04.2008, Ибрагимов 585).

Аниқланилган мазкур турларни терилган худудларининг ГАТ координаталарини аниқлашимиз натижасида, уларнинг тарқалишини акс эттирувчи гео ахборот тизимли хариталар яратилди (2-расм). Бу эса биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ҳамда унинг мониторингини юритишда муҳим аҳамият касб этади.




1-расм. Сурхон давлат кўриқхонасидаги *Gagea Salisb.* туркум турларининг тоғ минтақалари бўйича тарқалиши.

Кўриқхонада мазкур туркум турларининг тоғ минтақалари бўйлаб тоғолди, ўрта тоғ, кўйи тоғ ва баланд тоғ минтақаларида тарқалган. Тоғолди минтақасида *G. graminifolia*, *G. pamiroalaica*, *G. stipitata*, *G. taschkentica* турлари, ўрта тоғда *G. chomutovae*, *G. gageoides*, *G. humicola*, *G. lawariensis*, *G. nabievii*, *G. ova*, *G. setifolia*, *G. vegeta* турлари, кўйи тоғда *G. afghanica*, *G. carusii*, *G. tenuifolia* турлари ва баланд тоғ минтақаларида *G. dschungarica*, *G. kamelinii* турлари учрайди (1-расм).

Ҳар бир турнинг кўриқхона худуди бўйлаб тарқалишини кўрсатувчи ГАТ хариталар яратилди. Бу эса турларнинг тарқалиш ареалларини аниқлаш ва кўриқхона флорасида муҳофазага муҳтож турлар мониторингини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

2-расм. Сурхон давлат кўрикхонасида тарқалган *Sagea Salisb.* туржум турлари.



**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Васильченко И. Т. Растения Средней Азии. – Ленинград: Наука, 1985. –С. 42-43.
2. Введенский А.И Определитель растений средней Азии Том II 1971. –С.27-39
3. Введенский А.И Флора Ўзбекистана Том I 1941. –С.411
4. Гроссгейм А.А Флора СССР Том IV 1935. –С.70
5. Ибрагимов А.Ж Сурхон давлат кўрикхонасининг флораси (кўхитанг тизмаси). Автореф. дис...канд. биол. наук. – Ташкент, 2009. –Б. 22, 136.
6. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. –С. 353.
7. Камелин Р.В., Хасанов Ф.О. Вертикальная поясность растительного покрова хребта Кугитанг (юго-западный Памиро-Алая) // Бот. журн., 1987. – № 1 (72). –С. 49-58.
8. Камелин Р.В. Флора Сырдарьинского Каратау. – Л.: Наука, 1990. – 146 С.



9. Левичев И.Г. Конспект рода *Gagea Salisb.* (Liliaceae) Западного Тянь-Шаня // Бот. журн. - Л.: Наука, 1990. – №2 (75). – С. 225-234.
10. Невский С.А. Материалы к флоре Кугитангтау и его предгорий. В сб. Флора и систематика высших растений – М., Л.: Изд-во АН СССР, 1937. – С.199-346.
11. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана // Матер. конф. Проблемы сохранения биоразнообразия. Сборник статей. – Гулистан: Университет, 2012. – С. 6-10.
12. Тожибаев К.Ш., Кадыров Р.У. Тюльпаны Узбекистана – *Tulips of Uzbekistan*. – Ташкент: Шарк, 2010. – С. 224.
13. Тургинов О.Т. Бойсун ботаник-географик райони флораси. Автореф. дис...канд. биол. наук. – Ташкент, 2017. –Б. 56.

УДК: 595.768.1

**УЗУНМЎЙЛОВ ҚЎНҒИЗЛАРИНИНГ (COLEOPTERA: CERAMBYCIDAЕ) ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ТАРҚАЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**  
**А.А. Маърупов, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона**

**Аннотация.** Фарғона водийсида мўйловдорларнинг 81 тури учрайди. Уларнинг 14 авлоди (46,7%) монотипик, 7 та авлод (23,3%) битипик, 4 таси (13,3%) тритипик авлодлар, 2 та авлод (6,7%) тетратипик ва 3 та авлод (10%) эса политипиклардир. Аниқланган ҳашаротлардан *S.minutus*, *P.margelanicum*, *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum*, *T.bicoloricornis ferganensis* турлари фаунада доминант ҳисобланади. Аниқланган мўйловдорлар водий ҳудудида 36 турдаги мевали ҳамда манзарали дарахт ва буталарда озиқланади. Қўнғизларнинг трофик ихтисослашувида кўра полифаглар - 8 тур (9,9%), Олигофаглар – 9 тур (11,1%) ва монофаглар эса 7 тур (8,6%)дан иборат.

**Калим сўзларлар:** *Cerambycidae*, монотипик, антропоген, полифаг, қайрағоч, *X.namanganensis*, биогеоценоз, *acer*, олигофаг.

**Аннотация:** В Ферганской долине встречается 81 вид усачей. 14 родов (46,7%) усачей являются монотипными, 7 родов (23,3%) - битипическими, 4 рода (13,3%) - тритипическими, 2 рода (6,7%) - тетратипическими и 3 рода (10%) - политипическими. Установлено, что из идентифицированных насекомых доминирующими в фауне являются *S.minutus*, *P.margelanicum*, *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum*, *T.bicoloricornis ferganensis*. Выявленные усачьи жуки питаются в долине 36 видами фруктовых и декоративных деревьев и кустарников. По трофической специализации жуков полифаги состоят из 8 видов (9,9%), олигофаги - 9 видов (11,1%) и монофаги - 7 видов (8,6%).

**Ключевые слова.** *Cerambycidae*, монотипные, антропогенные, полифаги, карагач, *X. namanganensis*, биогеоценоз, *acer*, олигофаги

**Abstract.** There are 81 species of longhorn beetles in the Fergana Valley. 14 genus (46.7%) of longhorn beetles are monotypic, 7 genus (23.3%) are bitypic, 4 genus (13.3%) are trityptical, 2 genus (6.7%) are tetra typical and 3 genus (10%) are polytypic. Out of the identified insects, *S.minutus*, *P.margelanicum*, *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum*, *T.bicoloricornis ferganensis* are stated to be dominants in the fauna. The identified longhorn beetles feed on 36 species of fruit and ornamental trees and shrubs in the valley. According to the trophical specialization of beetles, polyphages consist of 8 species (9.9%), oligophages – 9 species (11.1%) and monophages – 7 species (8.6%).

**Keywords.** *Cerambycidae*, monotypic, anthropogenic, polyphagous, limestone, *X.namanganensis*, biogeocenosis, *acer*, oligophagous.

### Қириш

Ўзбекистонда *Cerambycidae* оиласининг 50 га яқин тури аниқланган бўлиб, улардан 20 дан ортиғи манзарали ва мевали дарахтларнинг танаси, шохлари ва илдизида яшайди [9].

Колеоптерологик манбаларда фақатгина хўжалик аҳамиятига молик бўлган қўнғизларнинг водий ҳудудларида учраши ҳақида маълумотлар келтирилган [5, 16, 17].

Ҳозирги кунда табиий ва антропоген омиллар таъсирида дунё бўйлаб тарқалиб бораётган зарарли турларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва экинларга ихтисослашиши ҳисобига минтақамиз дендрофлорасида турлар хилма-хиллиги кенгайиб бормоқда [20,21,23]. Бу эса, ўз навбатида, Фарғона водийсининг мўйловдор қўнғизларини кенг қўламли ўрганишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, Фарғона водийси узунмўйлов қўнғизлари фаунаси экологик жиҳатдан тадқиқ этилди.

### Материал ва тадқиқот услублари

Узунмўйлов қўнғизлар фаунаси ва экологиясини ўрганиш бўйича 2016-2020 йилларда олиб борилган тадқиқотларда умумий қабул қилинган колеоптерологик услублардан фойдаланилди [1,4].

Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 3657 та ҳашарот намуналари йиғилиб, ўрганилди ва муҳим турларнинг имаголаридан коллекциялар тайёрланди.

Қўнғизлар турини аниқлаш ва морфологиясини ўрганишда замонавий Тринокуляр XSP 500 SM русумдаги рақамли электрон микроскопдан фойдаланилди. Йиғилган намуналар ва тайёрланган коллекциялар Фарғона давлат университети Экспериментал биология лабораториясида сақланмоқда.

### Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси.



Фарғона водийси дендрофлораси бўйича олиб борган фаунистик таҳлилларнинг кўрсатишича, Фарғона водийсининг мевали ва манзарали дарахтларида Cerambycidae оиласининг 6 та кенжа оиласига мансуб 30 та авлод, 81 тур ва кенжа турдан иборат мўйловдор кўнғизлари учрайди [2, 3, 4, 6, 7, 12, 13, 14, 15].

Аниқланган мўйловдорлар водий ҳудудида 36 турдаги мевали ҳамда манзарали дарахт ва буталар билан доимий боғланган. Шулардан 14 тури мевали, 22 тури эса манзарали дарахт ва буталардир (1-жадвал). Булардан ташқари, ўт ўсимликларнинг 20 турида ҳам кўнғизлар кузатилган бўлиб, уларнинг аксарияти бирламчи озуқа ўсимлиги эмас.

Мўйловдорлар озуқа спектрини таҳлил этиш орқали, уларнинг мевали ва манзарали дарахт ва буталарга трофик ихтисослашувига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

**Полифаглар.** Фарғона водийси шароитида полифаг турлар салмоғи умумий фаунага нисбатан бир мунча кам (8 тур) бўлиб, умумий фаунага нисбатан 9,9% ни ташкил этади. Бироқ, полифаглик хусусиятидан келиб чиқиб, мўйловдорлар ичида шаҳар мўйловдор кўнғизи (*A.sarta*) личинкаларини озикланиш хусусиятига кўра полифаглик кучли ифодаланган кўпхўр сифатида қайд этиш мумкин. Изланишлар давомида шаҳар мўйловдорининг 23 турга мансуб дарахт ва буталарда озикланиши қайд этилди (шундан, мевали – 14 тур, манзарали – 9 тур). Наманган узунмўйлов кўнғизининг (*X.namanganensis*) полифаглик хусусияти *A.sarta* га нисбатан икки марта кам (12 тур) бўлса, 9 турга мансуб мевали ва 3 тур манзарали дарахтлар танасини жиддий зарарлайди. Шунингдек, турон узунмўйлов кўнғизи (*T.pilosum*) 15 тур (мевали - 6, манзарали - 9), *T.bicoloricornis ferganensis* тури 6 тур мевали дарахтларда, *P.margelanicum* 6 тур манзарали дарахтларда, *S.cardinalis* 1 тур мевали ва 5 турдаги манзарали дарахт ва буталарда яшайди.

Илмий манбаларда тарқалиш ареали кенг бўлган турлар қаторида *S.minutus* тури ҳақида маълумотлар келтирилган [10].

Мазкур турнинг водий шароитида олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, гилос ва олчада қайд этилиши унинг полифаглик хусусиятини намоён этади. Тут узунмўйлов кўнғизи (*T.campestris*) Фарғона водийси шароитида манзарали ва мевали дарахтлар – эман, қора ва оқ тераклар, олма, анжир, гилосда яшайди [15]. Муаллифлар уни ёнғок, жийда, терак, тол ва қайрағочда ҳам озикланишини қайд этган.

**Олигофаглар.** Водий шароитида айрим гуруҳ ўсимликларда учровчи вакилларида *M.angustatus* (саксовул, қандим) *P.hirticollis auliensis* (эман, каштан, айлант, акация), *P.brachypterus* (қандим, наъматак), *X.hecate* (биота, арча), *D.baeckmanni* (қарағай, Шренк арчаси, туя, биота), *T.staudingeri* (қарағай, Шренк арчаси, туя, биота), *D.mystacinum mystacinum* (арча, пихта), *O.oculata* (тол, терак), *S.populnea populnea* (тол, терак) каби (жами 9 тур, 11,1%) турларни олигофаглар сифатида қайд этиш мумкин.

**Монофаглар.** Фаунада монофагларнинг 7 тури (8,6%) (*P.heydeni heydeni*, *P.tschitscherini*, *S.cardinalis*, *G.pratensis*, *X.grumi*, *M.heptapotamicus*, *P.varentzowi*, *T.elaeagni shapovalovi*) мевали дарахтларда озикланса, атиги 3 турга мансуб (*M.schmidti*, *M.heptapotamicus*, *S.similis*) кўнғизлар манзарали дарахтларда қайд этилган.

Мўйловдорларни дарахт ва буталардаги хилма-хиллигига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Мазкур гуруҳлаш Фарғона водийси шароитида бошқа хашарот оилаларида ҳам ўрганилган [21, 22].

Турлар хилма-хиллиги юқори бўлган дарахт ва буталар гуруҳи. Бу гуруҳга шартли равишда ҳар бир ўсимликда 6 тадан ортиқ турдаги мўйловдорлар яшовчи дарахтлар киритилди. Жумладан, Фарғона водийси шароитида энг кўп етиштириладиган олмада 8 тур ва ёнғокда 6 тур кўнғизлар яшаб, зарар келтирса, толда 10 тур, теракда 7 тур, қарағай ва шренк арчаси каби манзарали дарахтларда 8 тадан тур учраши маълум бўлди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур гуруҳга кирувчи дарахт ва буталарнинг бошқа ўсимликларга нисбатан айнан мўйловдорлардан кўпроқ талофат кўриши ва нобуд бўлиши аниқланди.

Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири Фарғона водийсида узоқ йиллардан буён олма, ёнғок экилиши, қурилишда эса терак, қарағай ва толларга бўлган эҳтиёжнинг юқори бўлиши оқибатида доминант турларнинг муваққат ўрнашиб қолганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Турлар хилма-хиллиги барқарор бўлган дарахт ва буталар гуруҳи. Мазкур гуруҳга шартли равишда 3 тадан 5 тагача турлар учровчи дарахт ва буталар рўйхати киритилди. Яъни мевали дарахтларнинг 7 тури (нок, беҳи, бодом, ўрик, шафтоли, гилос, олча), манзарали дарахтларнинг эса 9 тури (туя, биота, пихта, қайин, заранг, эман, каштан, айлант, акация)да учровчи зараркундалар доимий равишда барқарорлигини сақлаб қолган.

Турлар хилма-хиллиги паст бўлган дарахт ва буталар. Бу гуруҳга хурмо, анжир, тут, жийда, чинор, қайрағоч, турангил, қандим каби дарахт ва буталар кирази (1-жадвал).

Аниқланган хашаротлардан *S.minutus*, *P.margelanicum*, *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum*, *T.bicoloricornis ferganensis* турлари фаунада доминантлардир.

Олмада яшовчи турлар ичида *S.minutus*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum* турлари доминантлик қилса, ёнғокда *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum* турларининг улуши кўп. Ўрик ва тут дарахтлари танасида озикланувчилардан шаҳар мўйловдори (*A.sarta*) ва Наманган узунмўйлов кўнғизи (*X.namanganensis*) доминантлик қилади. Беҳи ва анжирда фақатгина *A.sarta* улуши кўп бўлса, жийдада эса монофаг тур *Xylotrechus grumi* (жийда мўйловдори) доминантдир.

Манзарали дарахт ва буталарда умумий фауна микёсида доминантлар сони кўп бўлмаса-да, терак ва толда *Stictoleptura cardinalis*, *Gnathacmaeops pratensis*, *Aeolesthes sarta*, *Xylotrechus (Turanoclytus)*

*namanganensis*, *Turanium pilosum* каби турлар доминантлиги юқори. Қарағай ва қайрағочда эса атиги биттадан доминант турлар (*A.sarta*) учрайди.

Узунмўйлов кўнғизлар фаунасининг Фарғона водийси худуди бўйлаб тарқалиши, миқдорий тақсимланиши ва учраш частотаси Л.Г.Раменский (1971) ҳамда М.Бигон, Дж.Харпер, К.Таунсендлар (1989) таклиф этган услублар асосида тадқиқ этилди. Бунга мувофиқ мўйловдорлар 3 гуруҳга ажратилди.

1-жадвал

Узунмўйлов кўнғизларнинг ўсимликлар билан биоценотик алоқалари

Озуқа ўсимлиги	Таксономик бирликлари			
	Кенжа оила	Авлод	Жами тур	Шундан доминант турлар
<b>Мевали дарахт ва буталар</b>				
Олма ( <i>Malus</i> )	4	8	8	4
Нок ( <i>Pyrus</i> )	3	4	4	
Беҳи ( <i>Cydonia</i> )	2	3	3	1
Ҳурмо ( <i>Diospyros</i> )	1	1	1	
Ёнғоқ ( <i>Juglans</i> )	3	5	6	4
Бодом ( <i>Amygdalus</i> )	2	4	4	
Ўрик ( <i>Armeniaca</i> )	3	5	5	2
Шафтоли ( <i>Persica</i> )	3	4	4	
Гилос ( <i>Cerasus avium Moench</i> )	3	5	5	
Олча ( <i>Cerasus</i> )	2	4	4	
Олхўри ( <i>Prunus</i> )	1	2	2	
Анжир ( <i>Ficus</i> )	1	1	1	1
Тут ( <i>Morus</i> )	1	2	2	2
Жийда ( <i>Elaeagnus</i> )	1	2	2	1
<b>Манзарали дарахт ва буталар</b>				
Қарағай ( <i>Pinus</i> )	4	6	6	1
Туя, биота ( <i>Biota orientalis, Thuja occidentalis</i> )	3	3	3	
Шренк арчаси ( <i>Picea Schrenkiana</i> )	5	8	8	
Пихта ( <i>Abies</i> )	3	3	3	
Тол ( <i>Salix</i> )	4	10	10	
Терак ( <i>Populus</i> )	3	7	7	5
Чинор ( <i>Platanus</i> )	1	1	1	5
Қайин ( <i>Betula</i> )	2	4	4	
Заранг ( <i>Acer</i> )	2	3	3	
Эман ( <i>Quercus</i> )	2	5	5	
Қаштан ( <i>Castanea</i> )	2	3	3	
Айлант ( <i>Ailantus</i> )	2	4	4	
Акация ( <i>Robinia</i> )	2	3	3	
Қайрағоч ( <i>Ulmus</i> )	2	2	2	1
Турағил ( <i>Populus pruinosa</i> )	1	2	2	
Қандим ( <i>Calligonum</i> )	1	2	2	

Ёппасига учровчи турлар гуруҳи кўнғизлари сони 6 та бўлиб, умумий фаунага нисбатан кам кўрсаткични намоён этса-да, мавсум давомида ҳашаротларнинг миқдор зичлиги юқори бўлиши билан ажралиб туради. Улар турли биогеоценозларда кўплаб учраши билан бирга дарахт ва буталардаги миқдорий зичликларининг доимо юқори бўлишлиги билан ажралиб туради. Бу гуруҳ кўнғизлар озуқа ўсимликларига баҳор ва дастлабки ёз ойларида (масалан, *S.cardinalis*, *G.pratensis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *X.grumi*, *T.elaeagni shapovalovi*) жиддий зарар етказиши мумкин. Айни шу гуруҳ мўйловдорларнинг кўпчилиги мевали боғларда ҳам учраб ҳосилдорликни кескин камайтириши мумкин.

Мевали ва иқлимлаштирилган дарахт ва буталар кўнғизларининг тарқалиш кўрсаткичларини кенжа оилалардаги миқдорий нисбатлари бўйича таҳлил этилганда, Prioninae, Lepturinae ва Lamiinae кенжа оилаларидан 1 тадан ва Cerambycinae кенжа оиласидан 3 та вакили ёппасига учровчи турлар ташкил этади. Бундай ҳолат иқлимлаштирилган дарахт ва буталарда яшовчи бошқа ҳашарот вакилларида ҳам аниқланган [18].

**Тарқалиш даражаси ўртача бўлган турларнинг** фаунадаги улуши 16 % ни (13 тур) ташкил этади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу гуруҳга мансуб кўнғизларни турли энтомоценозлардаги учраш частотаси юқори эмас, шу билан бирга уларнинг миқдорий зичликлари ҳам аксарият ўртача даражада бўлишлиги билан осон фарқланади. Мазкур гуруҳга *P.tschitscherini*, *P.margelanicum*, *S.minutus*, *D.baeckmanni*, *T.staudingeri*, *T.pilosum*, *T.scabrum*, *R.nadari*, *T.campestris*, *O.oculata*, *P.varentzowi*, *S.similis*, *T.bicoloricornis ferganensis* каби турлар киритилган. Бу кўнғизлар нисбатан кам учрасада, экологик шароит мувофиқ келганда жадал кўпайиши ва озуқа ўсимликларига сезиларли зарар етказиши мумкин. Бу ҳолат *Stenocorus (s. str.) minutus*, *Turanium pilosum*, *Turanium scabrum*, *Trichoferus campestris*, *Tetrops bicoloricornis ferganensis*, *Polybarthron margelanicum* мўйловдорларида кўпроқ кузатилади.

**Кам учровчи турларнинг** учраш частотаси паст бўлиб, тадқиқотлар олиб борилган йиллар давомида 62 тур қайд этилган. Уларнинг улуши кўп бўлиши тасодифий учратилган турлар ҳамда ўт ўсимликларда кузатилган турлар салмоғи бошқа гуруҳларга нисбатан кўп бўлишидадир. Кам учровчи турларнинг Фарғона водийси ҳудудида қайд этилган вакиллари *Molorchus (Caenoptera) heptapotamicus*, *Cleroclytus semirufus semirufus*, *Saperda populnea populnea*, *Psilotarsus heydeni heydeni* ва бошқаларни келтириш мумкин.

#### Хулоса

Фарғона водийси дендрофлорасида 81 турга мансуб мўйловдорлар аниқланди. Шлардан *S.minutus*, *P.margelanicum*, *S.cardinalis*, *A.sarta*, *X.namanganensis*, *T.pilosum*, *T.bicoloricornis ferganensis* каби турлар микдор зичлиги юкори ва оммавий кўпайиш хусусияти интенсивлиги билан ажралиб туради.

Мўйловдорларнинг аксарияти монотипик ҳисобланади, икки ва ундан ортиқ турларни бирлаштирувчи авлодлар сони кам бўлиб, политипиклар эса атиги 3 та авлодни ташкил этади. Бундан минтақанинг иқлим шароити ва озуқа ресурслари хилма-хиллиги барқарор бўлмаган турлар улуши юкори бўлишига олиб келганлигини хулоса қилиш мумкин.

Мўйловдорларнинг 13 авлодга мансуб 21 (25,9%) тури Фарғона водийси ҳудудида илк марта қайд этилди. Шулардан *Lobarthron balassogloi balassogloi* (Jakovlev, 1885) кенжа тури Ўзбекистон фаунаси учун эндемикдир.

Аниқланган мўйловдорлар водий ҳудудида 36 турдаги мевали ҳамда манзарали дарахт ва буталарда озикланади. Шулардан 14 тури мевали, 22 тури эса манзарали дарахт ва буталардир. Булардан ташқари, ўт ўсимликларнинг 20 турида ҳам кўнғизлар кузатилган бўлиб, уларнинг аксарияти бирламчи озуқа ўсимлиги эмас.

Кўнғизларнинг трофик ихтисослашувига кўра полифаглар - 8 тур (9,9%), Олигофаглар – 9 тур (11,1%) ва монофаглар эса 7 тур (8,6%)дан иборат.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахманов Ш.Г. Видовой состав жуков-усачей подсемейства Laminae Дагестана / Ш.Г. Абдурахманов // Университетская экология. Материалы Международной научной конференции, посвященной 80-летию ДГУ, 2010. - Махачкала: Типография ИПЭ, 2010. - С. 128-137.
2. Абрамов А.Е. Новый вид *Dorcadion glycyrrhizae* (Pallas 1773) (Coleoptera, Cerambycidae) из Северо-Западного Казахстана // Кавказский энтомологический бюллетень. 2015. - №11(1). - С. 39-41.
3. Гершун М.С. Вредители всходов и сеянцев саксаула и меры борьбы с ними. –Ташкент: УзЛСХН, 1960. - 24 с.
4. Данилевский М.Л. Морфо-адаптивные пути эволюции личинок жуков-дровосеков (Coleoptera, Cerambycidae) и филогенетические связи основных групп семейства. –Москва: Наука, 1979. - 24-43 с.
5. Зокиров И.И., Хусанов А.К., Сулаймонов О.А. Марказий Фарғона шароитида колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say)нинг ҳаёт цикли ва унга қарши кураш чоралари // ADU. Ilmiy xabarнома. –Andijon, 2018. - №4. –В. 36-39.
6. Кадыров А.Х. Комплекс древогрызущих и внутриветвлевых жесткокрылых (Scolytidae, Cerambycidae, Duprestidae) Юго-Востока Средней Азии. Автореф. докт. дисс. –Москва, 1993. - 40 с.
7. Костин И.А. Два новых вида усачей (Coleoptera, Cerambycidae) из Казахстана // Энтомологические обозрение. 1974. 53, 3. –С. 647-650
8. Маърупов А.А. Шахар мўйловдор кўнғизи (*Coloptera, Cerambycidae*)ни ўрганишга оид маълумотлар // НамДУ илмий ахборотномаси. – Наманган, 2020. - №2. –Б. 102-110.
9. Маърупов А.А., Султонов Д.Ш. *Xylotrechus namanganensis* Hd (Coleoptera, Cerambycidae) кўнғизининг биологияси ва зарар келтириш хусусиятлари // Materials International scientific and practical conference “Protection and rational use of natural resources of the South Aral sea region” Nukus, June, 23-24, 2020. Part I. 138-142-б.
10. Плавильщиков Н.Н. Жуки-дровосеки. Ч. 1 // Фауна СССР. Насекомые жесткокрылые. –М.-Л.: АН СССР, 1936. –Т. 21. - 611 с.
11. Тилавов Т. Бахчевая коровка // Защита растений. –Москва, 1985. - №4. –С. 38-39.
12. Черепанов А.И., Черепанова Н.Е. Усачи винограда амурского. –Новосибирск: Наука, 1974. - 61 с.
13. Черепанов А.И. Усачи Северной Азии (Prioninae - Aseminae). -Новосибирск: Наука, 1979. - 471 с.
14. Эсанбаев Ш. Биологическое обоснование мероприятий по борьбе с городским усачом. Автореф. канд. дис. –Москва, 1989. – 18 с.
15. Эсанбоев Ш., Анорбоев А.Р., Сулаймонов О.А., Машарипов У.А., Аблазова М.А. Мевали ва манзарали дарахт танаси зараркунандалари. –Тошкент, 2019. 18-30-б.
16. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. – 696 б.
17. Ahmedov M.N., Axmadjonova S. Simqurtlar (Coleoptera, Elateridae)ning sabzavot ekinlari entomokomplekslaridagi o'rni va ahamiyati // O'zbekiston biologiya jurnali. – Tashkent, 2011. - № 6. –В. 38-41.
18. Mansurkhodjaeva M.U., Ganieva Z.A., Zokirov I.I., Mirzaeva G.S., Akhmedova Z.Y., Khashimova M.Kh. Fauna of aphids (Homoptera, Aphidinea) of acclimatized trees and shrubs in Tashkent // International Journal of Advanced Research (IJAR). 2020. 8(11), -P. 80-89.
19. Qiao Wang. Cerambycidae of the World: biology and pest management. – Boca Raton–London–New York: CRC Press, 2017. - 621 p.
20. Zokirov I. I., Khusanov A. K., Kuranov A. D. Faunistic analysis of central fergana's vegetable and melon crops insects // Ilmiy xabarнома – Научный вестник. 2019. 4. 38–47.

21. Zokirov I.I., Azimov D.A. The Fauna of Insects of Vegetables and Melons of Central Fergana, Especially Its Distribution and Ecology // International Journal of Science and Research. (IJSR). - India, Raipur, 2019. – V. 8, Issue 8. – P. 930-937.

22. Zokirov I.I., Mansurkhodjaeva M.U., Akhmedova Z.Y., Khashimova M. Kh., Turaeva Z.R. Phytophagous insects of vegetable and melon agrocenosis of Central Fergana. International Journal of Agriculture, Environment and Bioresearch (IJAEB), 2020, Vol. 5, No. 02, pp. 64-71.

23. Zokirov I.I., Mirzayeva G.S., Abdullayeva D. R. Ecological and Faunistic Review of Entomocomplexes of Adyr Zones of the Fergana Valley // International Journal of Science and Research (IJSR). Volume 8 Issue 10, October 2019. –P. 1231-1234.

УЎК: 57.089.2 + 613

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ГИДРОБИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

*Ш.А.Норматова, PhD, доцент, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Фарғона*

*И.Б.Мухамедиева, магистрант, Фарғона давлат университети, Фарғона*

*М.Ф. Бекчоновна, ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона*

**Аннотация.** Мақолада аҳолини учун ичимлик сувни таъминлаш йўсинида тоза ичимлик сувига қўйиладиган давлат стандартлари, табиий сувларни тозалаш ва биомониторинг истиқболлари қўриб чиқилади.

**Калим сўзлар:** ичимлик суви меъёрлари, рН, микроэлементлар, гидробионтлар, биомониторинг, тест-объектлар

**Аннотация.** В статье рассматриваются государственные стандарты, предъявляемые в аспекте обеспечения населению питьевой воды, перспективы очистки и биомониторинга природных вод.

**Ключевые слова:** нормы питьевой воды, рН, микроэлементы, гидробионты, биомониторинг, тест-объекты.

**Abstract.** Issues of providing the population with drinking water. The article examines the state standards presented in the aspect of providing the population with drinking water, the prospects for purification and biomonitoring of natural waters.

**Key words:** norms water drinking, рН, microelements, hydrobionts, biomonitoring, test objects.

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини, айниқса аграр сектор соҳасини сув билан таъминланишида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари тобора долзарбланишмоқда, жумладан сув олувчи иншоотлар сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадида ер остки ва ер устки сув манбаларидан кўпроқ сув олиниши билан бирга оқова сувларини тозалаш муаммосига боғлиқ экологик вазият тобора мураккабланиб бораётганини таъкидлаш лозим [1].

Маълумки, сув ўзининг физик ва кимёвий хоссалари бўйича ғайриоддий, анорганик бирикма бўлиб, ер юзидаги асосий ҳаётий муҳитлардан биридир ва табиатнинг ҳаётида ғоят муҳим ўринни эгаллайди. Ҳаво мухити ва литосфера, яъни қуруқлик мухити ўртасидаги оралик ўринни эгаллаб турган гидросфера (сув мухити) мазкур муҳитлар билан доимий ҳамбарчас ўзаро алоқадор бўлади ва бутун биосферадаги ҳаётий шароитни яратишда муҳим роль ўйнайди.

Фарғона водийсидаги табиий сув ҳавзаларини таърифлаган ЎзФА академиги А. Муҳаммадиевнинг типологияси [1] бўйича мазкур сувлар қуйидаги тоифаларга бўлинади, яъни:

I. Табиий сув ҳавзалари ва оқимлари, буларга Сирдарёнинг юқори оқими, уни ҳосил қилувчи Қорадарё ва Норин, уларнинг ирмоқлари ва шунингдек, Исфайрамсой, Окбўйра, Шохимардон-сой, Сўх, Исфара каби кўп сонли катта ва кичик тоғ дарёлари ҳамда айни ҳудуддаги барча қўллар.

II. Сунъий сув ҳавзалари, ирригацион ва мелиоратив сув иншоотлар: йирик ва кичик суғориш каналлари, сойлар, ташлама коллекторлар, зовурлар, ариқлар, кичик ҳажмли (бир неча млн. м<sup>3</sup>) ва катта (2 млрдга яқин м<sup>3</sup>) сув омборлари, маҳалла ва балиқ хўжалиқларининг ҳовузлари каби сув жамланмалари ва иншоотлар.

Иккала тоифа сув ҳавзалари деярли доимий ва мустаҳкам алоқада бўлганлиги туфайли кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди, бироқ шу билан бирга улар орасида аниқ ва яққол тафовутлар мавжуд.

Сув таркибида микро- ва макроэлементларнинг мавжуд бўлишига қараб маҳаллий ерда яшовчи аҳолининг саломатлиги ёки турли хил касалликларга чалиниши бевосита боғлиқ. Масалан, Ўзбекистоннинг барча минтақаларида бугунги кундаги йод танқислиги вазияти туфайли аҳолининг барча ёшлардаги гуруҳларининг қалқосимон безида кўп тугунли букоқ оғир сурункали касаллиги авж олган; фтор моддасининг сув таркибида ошиб кетиши оқибатида кишиларнинг суяклари ва тишлари касалланиши кузатишмоқда.

Барча тирик организмларнинг нормал ривожланиши ва функцияланиши учун марганец, рух, кобальт, мис, кремний, бром, йод, фтор, маргимуш каби микроэлементлар зарур бўлади. Ҳайвонларнинг организмиде мазкур микроэлементлар маълум тана аъзоларида жамланади, масалан, йод моддаси қалқонсимон безда, никель ошқозон ости безида, молибден миянинг оқ моддасида, барий кўзнинг тўр пардасида, кадмий буйракда, хром гипофиз безида йиғилади.



Сув таркибида асосан уч гуруҳ ифлослантурувчи моддалар учрайди, булар:

1. Оксидланувчи кислород талаб моддалар. Булар турли хил касалликларни тарқатувчи бактериялар, вируслар, органик моддалар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг чиринди қолдиқлари, юзани активлантурувчи кир ювиш моддалари, гербицид ва инсектицид моддалардир.

2. Оксидланмайдиган моддаларга минераллар, хар хил кимёвий реагентлар, кислоталар, ишқорлар, тузлар, саноат оқава сувлари, аорганик кимё ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқинди сувлари, радиоактив ҳамда чуқинди моддалар тааллуқли.

3. Микрогетероген ва ультрамикрөгетероген дисперсияли тизимлар, яъни коллоид (сувни ифлослантурувчи) моддалар, балчиқлар.

Булардан ташқари, биосферада, жумладан сув таркибида организмларнинг наслига салбий таъсир кўрсатувчи мутаген биологик актив моддалар учрайди ва ифлослантурувчи самарасига эга бўлиб, қуйидаги уч гуруҳлардан иборат, яъни:

1. Физик мутагенлар – мисол учун ионлаштирувчи радиация;

2. Биологик мутагенлар - вируслар;

3. Кимёвий мутагенлар, буларга табиатда учрайдиган аорганик бирикмалар – азот оксидлари, нитратлар, нитритлар, Pb, Cd, радиоактив моддалар, алкалоидлар, гормонал моддалар, нефтни қайта ишлаш қолдиқлари, оғир металлар, озик-овқат қолдиқлари, уретан, этилен оксид, углерод IV оксид каби баъзи органик моддалар, табиий муҳитда учрамайдиган баъзи бир кимёвий бирикмалар, фармацевтика саноати қолдиқлари, айрим доривор моддалар, пестицидлар ва ҳоказо. Мутаген моддаларнинг сув таркибида учраши ғоят хавфли омилдир.

Академик А. Муҳаммадиевнинг юқорида келтирилган типологиясига мувофиқ, экологик тизимларда содир бўлаётган соғлом ҳаётий жараёнлар учун, хусусан юқори биологик маҳсулотнинг ҳосил бўлишига биринчи навбатда сув ҳавзаларининг қулай гидрологияси, сувнинг тиниклиги, қулай термик режими, сувда эриган кислороднинг юқори миқдори, мақбул рН кўрсаткичи, сувнинг зарурий меъёрда оксидланиши, биоген моддаларнинг (N, P, K) керакли миқдори, сувнинг юқори даражада кислород билан тўйиниши, ҳавзалардаги сувда фотосинтез жараёнининг шиддатли кечиши, қулай газлар режимининг мавжудлиги ўз навбатида майда қисқичбақасимонларнинг хилма хил ва бой биомасулотининг шаклланишига олиб келади ва пировардда юқори балиқ маҳсулдорлигини ҳосил қилади. Муаллифнинг [1] хулосаси бўйича сунъий сув ҳавзалар юқори биомасулдорлиги ( $7,8-20,7 \text{ г/м}^3$ ) билан табиий ҳавзалардан ажралиб туради.

Водийнинг сув омборлари гидрологияси, гидрохимияси ва гидробионтлар комплексларининг шаклланиши билан ўзига ҳос сув ҳавзалари гуруҳини ташкил қилади [2]. Масалан, Каркидон сув омбори сув қатламининг асосий массаси ортиқча қизиқ кетмайди, сувда эриган кислород режими хилма-хил фито-ва зоопланктон организмларининг биомассасини шакллантириши учун ғоят қулай ҳамда юқори балиқ маҳсулдорлигига ( $20-25 \text{ кг/гача}$ ) эришиш имкониятини ташкил қилади.

Водийдаги Катта Фарғона канали, Катта Андижон канали, Жанубий Фарғона канали, Шимолий Боғдод коллектори каби сув иншоотларидаги макрозообентос биомасулоти тадқиқ этилганида [3] мазкур организмлар гуруҳи сув муҳитининг ифлосланиши, сапроблик даражасини аниқлашда биоиндикатор ва биотест-объектлари сифатида қўлланиши имконияти таъкидланган. Шу билан бирга, мазкур сув оқимларида турлар хилма-хиллиги, турлар ўхшашлиги ва сув ифлосланиши индексларини ҳисоблаб чиқиш орқали сув ҳавзаларининг биологик хилма-хиллиги даражаси сувнинг тозаллигига бевосита алоқадорлиги исботланди, сувнинг ифлосланиши даражаси эса тоғли, тоғолди ва қуйи оқим ҳудудлари бўйлаб тобора ортиб бориши таъкидланди. Мазкур жараёнда хириномида личинкалари сони сув сапроблиги даражасининг ортиб бориши билан корреляцион алоқада эканлиги ҳамда сувнинг умумий минерализацияси, органик моддалар миқдори, БПК-5 ва бошқа кўрсаткичларнинг прогрессив ортиши кузатилган. Масалан, Шимолий Боғдод коллекторида содир бўлаётган ноқулай гидрокимёвий жараёнлар билан бир вақтда биоценологик ўхшашлик коэффициентининг пасайиши ва меъёрий талабларга нисбатан сувнинг ифлосланиш даражасининг ортиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Водий каналларининг тоғли қисмидаги сув, тоғолди ўрта оқим ҳудудида мўътадил даражада ифлосланган ва қуйи оқим (текислик ерлардаги) қисмида мезосапроб (яъни ифлосланган) деб таърифланади [3].

“Фарғона сув оқава” бошқармасининг ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасининг маълумотлари бўйича Фарғона-Марғилон ҳудудий саноат комплексидаги аҳолига, ишлаб чиқариш корхоналарига ҳамда идора, ташкилотлар ва муассасаларга етказиб бериладиган сувнинг 72 фоизига яқин қисми оқава сувлар кўринишида вилоятнинг Қўштепа туманидаги сувни тозалаш корхонасининг иншоотларига ва буғлатиш майдонларига мунтазам юборилади. Фақат Фарғона шаҳри аҳолиси томонидан хар бир сутка давомида жами  $120000 \text{ м}^3$  сув, яъни хар бир киши томонидан яқин 350 л тоза ичимлик суви сарфланади. Сув эҳтиёжларини қондириш бўйича Фарғона шаҳри Ўзбекистоннинг ғарбий ва жанубий минтақаларидаги бошқа шаҳарларга нисбатан яхшироқ таъминланган, деб ҳисобланади, бироқ ҳалқаро экспертларнинг фикрига кўра Марказий Осиё минтақасида 2025-2030 йилларга бориб сув (айниқса тоза ичимлик суви) таъминоти муаммосининг кескинлашиш хавфи мавжудлиги туфайли экологик муаммоларнинг янада кучайиши кутилмоқда. Бошқа томондан, Фарғона вилояти ва умуман бутун водийдаги ичимлик сувининг қаттиқлиги туфайли аҳолининг буйрак-тош касаллигига чалиниши юқори даражада эканлиги барчага маълум. Аҳоли саломатлигини асраш мамлакатимизнинг долзарб

муаммоларидан бири эканлигини инобатга олсак, аҳолига етказиб бериладиган ичимлик сувининг сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиб бериш масаласи бугунги куннинг энг муҳим талаблари қаторида яққол кўриниб турибди. Шу нуқтаи назардан ичимлик сувга нисбатан Фарғона шаҳар “Сувоқава” ташкилоти томонидан қўйиладиган санитар-меъерий талабларга мувофиқ сувнинг ҳиди ва таъми (20 дан 60 гача баллар шкаласи бўйича) кўрсаткичлари 2 баллдан ортиқ бўлмаслиги керак, рангланиш туси градуслар ҳисобида 20 гача, лойқаланиши 1,15 гача ҳамда умумий қаттиқлик даражаси 10 мг/л гача йўл қўйилади; шунингдек рН 6,0-9,0 бўлиши шартда, унинг таркибида мг/л ҳисобида Fe-ионлар (0,9), Cu-ионлар (1,0), сульфатлар (500 гача), куруқ қолдик (1500 гача), хлоридлар (350 гача), Zn (3,0), As (0,05 гача), Mo (0,25 гача), Pb (0,03 гача), Mn (0,1 гача), F (0,7 гача), нитратлар (45,0 гача) албатта мавжуд бўлиши ҳамда NH<sub>3</sub> ва нитритлар умуман бўлмаслиги шарт. Ичимлик суви, оқава сувлари ва тозалаш корхонасининг иншоотларида тозаланган сув намуналарини таққослама гидрохимёвий таҳлил қилганимизда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди (жадвал №1).

Шунингдек, оқава сувлар ва тозаланган сувларнинг ХПК (170 ва 52 мл O<sub>2</sub>) ҳамда БПК-5 (93 ва 11 мл O<sub>2</sub>) кўрсаткичлари билан бир вақтда мазкур сувлар таркибида суспензия моддаси, феноллар, нефть маҳсулотлари қолдиқларининг топилганлиги ушбу намуналарда зарарли аралашмаларнинг мавжудлигига ишора қилади; ХПК ва БПК-5 кўрсаткичлари чиқинди сувлар табиий сувларга аралашган ҳолда уларнинг биологик тозаланиши жараёнида [4, 5] иштирок этганида ва гарчи ифлосланган сувлар таркибидаги азот ва фосфор-ионлар сув ҳавзаларини биогеоген моддалар билан бойитган тақдирда ҳам, табиатнинг зарарли моддаларни бартараф қилиш имкониятлари чегараланганлигини исботлайди.

Жадвал №1.

Сувлар таркибининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	тоза ичимлик суви	оқава сувлар	тозаланган сув
1	рН	6,0-9,0	7,2	7,3
2	коллоид модда, мг/л	0	127	17
3	нефть маҳсулотлари	0	2,7	0,25
4	азот аммоний, мг/л	0	4,5	2,0
5	фосфатлар, мг/л	0	0,9	0,4
6	сульфид бирикмалар, мг/л	0	0	0
7	сульфатлар	0	440	165
8	хлоридлар	0,02 гача	76	44
9	феноллар	0	0,18	0
10	куруқ қолдик, м г/л	1500	1250	860
11	Fe	0,9	0,9	0,12
12	Cu	1,0	0	0
13	SO <sub>4</sub> , мг/л	500	440	165
14	NO <sub>2</sub> , мг/л	0	0,3	0,02
15	NO <sub>3</sub> , мг/л	45	1	0,98

Фарғона водийси сув ҳавзаларидаги дастлабки гидробиологик тадқиқотлар натижаларининг шарҳи бўйича қуйидаги ҳулосага келиш мумкин.

1. Табиий ва сунъий сув оқимлари ҳамда сув ҳавзалари ва маиший ташлама сувлар учун рН кўрсаткичининг ўртача меъерда 7,0-8,0 даражалари ҳосдир.

2. Водийдаги ўрганилган барча тоифа сув ҳавзаларининг газлар режими, сувда эриган кислород миқдори ва сувнинг оксидланиши кўрсаткичлари табиий сувларнинг оксидланишига қарамай, маълум даражада ўз-ўзини биологик тозалаш жараёнлари содир бўлаётганлигини исботлайди.

3. Сув ҳавзаларида микроскопик майда сув ўтлари флорасининг ривожланиши туфайли табиий сувлар кислород билан бойитилади, зоопланктонга мансуб майда қисқичбақасимон организмлар сувни шиддатли тарзда филтрлайди, балчиқ ва детрит таркибида мавжуд бўлган бактериялар, бошқа зообентос организмлари, моллюскалар ҳамда балиқлар ва шунингдек сув экотизимларининг бошқа даражалари биосферадаги моддалар ва энергиянинг айланишини таъминловчи омилдир.

4. Гидробионтлар, яъни сувда яшовчи организмлар табиий сувларнинг мониторингида, сувни биологик тозалаш жараёнида ва айниқса ичимлик сувнинг тозаланишини назорат қилишда биотест-объектлар сифатида қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

5. Сув ҳавзаларида кўп учрайдиган кўк-яшил сув ўтлари, микроскопик майда қисқичбақасимон организмларнинг баъзи вакиллари (*Daphnia pulex*, *D. longirostris* ва б.), шунингдек хириноид сув хашаротларининг личинкалари каби организм гуруҳлари сувларнинг ифлосланиши даражасини таърифловчи биоиндикатор бўлиб, уларни амалиётда қўллаш даркор.

6. Фарғона водийси сув ҳавзаларини ҳар томонлама кенгайтирилган биомониторинг назоратини йўлга қўйишда анъанавий гидрофизика, гидрохимия ҳамда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш услублари билан бир қаторда гидробиологиянинг замонавий йўналишларидан ҳамда санитар ва техник гидробиология методларини жорий қилиш зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухамедиев А. М. Гидробиология водоёмов Ферганской долины. Ташкент: Фан-1967 – 275 с.
2. Мухамедиев М.А. Икhtiофауна и перспективы рыбохозяйственного использования предгорных водоёмов Ферганской долины. // Автореф. канд.дисс. - Ленинград: ЛГУ. – 1983. – 16 с.

3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2002-2004 год). Т. Chinor ENK, - 2005.

4. Шекета А.Н. Комплексная система оптимизации технологических процессов аэробной биологической очистки сточных вод // Диссертация докт. дисс. Россия, Шолково. - 2008. - 208 с.

5. Яковлев С.В., Воронов Ю.В. Водоотведение и очистка сточных вод. М.: «Издательство Ассоциации строительных вузов», 2004. -704 с.

УЎК 574.24:504.

## ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ АРИД ХУДУДЛАРИДА ТУПРОҚНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ҲОЛАТИ

**Ф.Т. Отенова, б.ф.н., доц., Нукус давлат педагогика институти, Нукус**  
**С.М.Мамбетуллагава, б.ф.д., проф., ЎзРФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот**  
**институти, Нукус**

**Аннотация.** Мақолада Жанубий Орол бўйи арид ҳудудларида тупроқнинг ҳозирги даврдаги ҳолати масалалари қараб ҳиқилган. Тупроқ профили (кесими) бўйича сугориладиган тупроқларда нитратлар тақсимланиши бир текис эканлиги белгиланган. Тупроқнинг физик ҳолатини баҳолаш базавий мезони тупроқнинг конкрет ландшафтда бажарадиган тупроқ комплекс ҳоссалари функцияси характериға мослиги билан белгиланади.

**Калим сўзлар:** Жанубий Орол бўйи, тупроқнинг шўрланиши, мониторинг, тупроқнинг физик ҳолати, сугориши, ҳосилдорлик, деградация.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы современного состояния почв аридных территорий региона Южного Приаралья. В орошаемых почвах отмечается довольно равномерное распределение нитратов по профилю почв. Базовым критерием оценки физического состояния почвы является соответствие комплекса почвенных свойств характеру функций, выполняемых почвой в конкретном ландшафте.

**Ключевые слова:** Южное Приаралье, засоление почв, мониторинг, физическое состояние почв, орошение, плодородие.

**Abstract.** The article deals with the issues of the current state of the soils of the arid territories in the Southern Aral Sea region. In irrigated soils, there is a uniform distribution of nitrates along the soil profile. The basic criterion for assessing the physical condition of the soil is the correspondence of the complex of soil properties to the nature of the functions performed by the soil in a particular landscape.

**Key words:** Southern Aral Sea region, soil salinization, monitoring, physical condition of the soil, irrigation, fertility.

**Кириш.** Ҳозирги даврда ҳудуднинг бош экологик муаммоларидан бири ер ости сувлари минераллашувининг ортиши оқибатида юзага келган ерларнинг иккинчи шўрланиши масалалари ҳисобланади. Жанубий Орол бўйи ҳудудида мавжуд бўлган сув заҳираларининг танқислиги, тупроқнинг шўрланиши, сувларнинг ифлосланиши, аҳолининг сифатли ичимлик суви билан етарли таъминланмаганлиги, яйловлар ва ҳайдаладиган ерларнинг деградацияга учраши, туқай ва саксавул ўрмонларининг нобуд бўлиши каби экологик муаммолар мазкур ҳудудни экологик фожиа зонаси деб расман тан олишга олиб келди [4,6].

Тупроқнинг физик ҳолатини баҳолаш базавий мезони тупроқнинг конкрет ландшафтда бажарадиган тупроқ комплекс ҳоссалари функцияси характериға мослиги билан белгиланади. Ушбу контекстда тупроқ шўрланишини унинг миқдор параметрлари билан баҳолаш катта долзарблик касб этади. Бунда энг аввало, ўз физик ҳоссаларини ўзгартирган ҳолда тупроқдаги тузлар миқдори тупроқнинг ўз экологик функцияларини бажаришиға қандай ва қандай даражада таъсири борлигини аниқлаш зарур [1,10].

Шўрланган тупроқлар табиий ва арид ҳудудлар антропоген ландшафтларининг ҳам зарурий компонентиدير. Шўрланиш арид тупроқларнинг асосий кўрсаткичларидан биридир, шунингдек, унинг ҳосилдорлигини чекловчи асосий ҳоссасидир. Арид ҳудудлар тупроқларини тасниф қилиш, келиб чиқиши ва агромегиорацияси масалаларини аниқлаш шўрланган тупроқларни синчиклаб ўрганмасдан, уларнинг тарқалишини батафсил мониторинг қилмасдан, ривожланиш истикболларини башорат этмасдан сира мумкин эмас. Антропоген босимнинг ўсиши, тупроқнинг деградацияга учраши билан боғлиқ ҳолда бугунги кунда мавжуд тупроқлар ҳолатини ўрганиш кечиктириб бўлмас ва долзарб масалалардан бириға айланмоқда [2,3,4].

Тупроқнинг шўрланиши тупроқнинг деградацияга учрашининг ниҳоятда диққат қилиш зарур бўлган бир тип бўлиб, улар муҳитда кенг учраши ва табиий – хўжаликларға зарарли оқибатлари билан ажралиб туради. Шўрланган тупроқлар майдонларининг кундан кунға ортиб бориши ва шулар оқибатида ҳайдаладиган ерлар майдонларининг қискариши сабабли шўрланган тупроқларнинг экологик ҳолатини баҳолаш зарурияти кун тартибидаги муҳим масала бўлмоқда [2,3].


Шу нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва унинг миқдорини ошириш экологик муаммоларнинг энг асосийсидир. Тупроқдан фойдаланиш жараёнида унга баъзи антропоген омиллар таъсир ўтказиши мумкин, бу эса унинг унумдорлигининг пасайишиға олиб келади. Шу сабабли ҳам ушбу таъсирларни бартараф этиш учун муайян тадбирлар амалға оширилиши зарур.

Жанубий Оролбўйи суғориладиган ерларида ерларнинг шўрланиши энг асосий деградацион жараёнлардан биридир. Оролбўйи худудида тупроқнинг ҳозирги ҳолати энг қийин вазиятдадир. Охириги 40-50 йил ичида тупроқдаги гумус таркиби 30-40% тушиб кетган, 60% га яқин экиладиган майдонларда 1% дан ҳам кам гумус бор. Шу билан боғлиқ ҳолда Оролбўйи дехқончилигида биринчи навбатдаги ишлардан бири шўрланган ерлрни ёппасига суғориш ва уларни кишлок хўжалиги дехқончилигига қайтариш бўлиб қолмоқда. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ва экологик таҳликани пасайтириш ва баргараф этишнинг асосий стратегик йўналишларини аниқлашда комплекс экологик хавф-хатарлар ва муаммоларни назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга [5].

**Материал ма методлар.** Тадқиқотлар Жанубий Оролбўйи арид зонаси худудида ва Қорақалпоғистон Республикаси марказий зонасидаги суғориладиган тупроқларда дехқончилик этувчи фермер хўжаликларида ўтказилди. Худуд иқлими кескин континентал бўлиб, ёзи қуруқ ва иссиқ. Шўрланиш даражасини аниқлаш учун тупроқ намуналари конверт методидан фойдаланиб олинди, ҳар бир участкадан 0-30см қатлам чуқурликдан тўпланди. Кимёвий таҳлил учун олинган ва тайёрланган тупроқ намуналарида сувда эрийдиган тузлар миқдори (салмоғи) аниқланди. Тупроқ ерлар ва ер ости сувлари минерализацияси улардаги сувда эрувчи тузлар салмоғига (моқлар) қараб В.Панков методи асосида баҳоланди [4,6].

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ўрганилаётган Қорақалпоғистон туманлари суғориладиган тупроқларида тупроқ профили бўйича нитратлар тақсимланиши бир текис эканлиги кўрсатди, чўл тупроқларида уларнинг салмоғининг охириги чегаралари юқориги 30 см лик қатламда 16,4-75,2 мг/кг, 70-100 см қатламда 6,3-19,2 мг/кг атрофида ўзгаради. Чўл шароитида тупроқда азотнинг нитрат қўшилмалари салмоғи катта бўлмаган даражада учрайди, 50-70см чуқурликдаги қатламда улар концентрацияси кескин камаяди. Тупроқнинг пастки қатламларида камайиш кузатилмайди. Чўл шароитларида нитратлар таркибининг барқарор юқори миқдори 0-30см лик чуқурликда барча метрлар қатламларида учрайди, 50-70см қатламда уларнинг тўпланиш тенденцияси юз беради. Суғориладиган тупроқларда тупроқ профиллари бўйича тақсимланиши доимий аста-секин пасайишига қараб боради, фақат қадимдан суғорилиб келинаётган тупроқларда уларнинг 70-100см қатламдаги салмоғи бир оз кўтарилганлигини кузатиш мумкин.

Жанубий Оролбўйи суғориладиган ерларини тупроқ-мелиоратив аспект бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, у ердаги тупроқнинг асосий қисмини кулранг-бўз тупроқ (серо-бурые) – 55,6% ташкил этади, кейинги ўринда чўл-қум тупроқлар – 15,7% туради, озгина ҳиссасини ботқоқли-ўтлоқли – 0,10% тупроқлар (1-расм) ташкил этади. Тупроқларга сув чиқариш бўйича ўтказилган таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, ўрганилаётган худудларда шўрланиш типи хлорид-сульфат типидир. Танланган намуналари 3 та асосий нуқтадан ва 5 та горизонтдан олинди. Ўтказилган таҳлиллар кўрсатдики, №2 ўриндан 20-30см горизонтдан олинган намуналарда шўрланиш типи сульфат-хлорид типидир, №3 ўриндан олинган намуналарда сульфат-хлорид шўрланиш типига ўтиш фақат 10-20см горизонтларда кузатилади.



**1-расм. Жанубий Оролбўйи суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив соҳалар бўйича тақсимланиши**

Жанубий Оролбўйи худудидаги пахта экувчи шимолий туманларидаги суғориладиган тупроқлар табиий ҳосилдорлиги ҳисобидан 13-15 ц/га даражада пахта хом ашёси ҳосили беришга қобилиятлидир. Бунда умумий азот салмоғи аста-секин пасайиб 0,042% гача етади, охириги йилларда умумий азот камайиши 31,8% га етган [8], шунингдек, фосфор ва калийнинг миқдорлари ҳам анча камайганлиги кузатилмоқда, аммо тупроқдаги гумус салмоғи анча барқарорлашгани ва унга бўлган дефицит 162-199 кг/га дан ошмаслиги кўзга ташланади. Айниқса, тупроқларда гумус салмоғи сақланиб қолганлиги сабаб пахта хом ашёси ҳосили барқарор кўрсаткичда сақланиб қолганлигини, яъни 13-15 ц/г даражасида бўлаётганлигини қайд этиш мумкин [8].



Гумус экологик балансининг тупроқда сақланиб келинаётганлиги тупроқнинг ўз экологик функциясини ўз табиий қобилияти асосида амалга ошираётганини қайд этиш лозим. Зотан, тупроқ унумдорлиги маданий ўсимликлар ҳосилдорлигининг таъминловчи гаровдир. У эса тупроқ микрофлораси фаоллиги билан, илдиз қолдиқлари, япроқ тукилиши, суғориладиган сув, шунингдек, атмосфера ёғинлари [7,9] ҳисобига юзага келиши мумкин. Тупроқни ўғитлаш содир бўлмаган бир вазиятда тупроқдаги ўзгаришлар табиий жараёнлар ҳисобига, яъни тупроқдаги тўйинтирувчи элементлар захиралари ҳисобига тўлдирилади ва сарф этилади [7].

Шундай қилиб, суғориладиган ерларда тупроқ ҳосил қилувчи ва асосий жинслар сақланиб турадиган чуқур горизонтлардаги тузлар табиий оборотга қўшилади. Гидрогеолог шароитларга боғлиқ ҳолда чуқур горизонтдан ажралиб чиқувчи тузлар ҳажми дренажаро чуқурлиги ва масофасига қараб дренаж оқимида тушадиган тузлар умумий ҳажмининг 20% дан 60% гача бўлган даражасини ташкил этиши мумкин. Худуддаги иккинчи шўрланишнинг ривожланиши масаласи объектив ҳақиқатдир. У кенг даражада суғориш оқибатида келиб чиққан. Шу сабабли ҳам худуддаги тупроқ ҳолатини яхшилашга янгича ёндошувлар билан муносабатда бўлиш ва суғориш тизими тараққиётига инновацион ғояларни татбиқ этиш давр талабидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аверьянов С.Ф. Борьба с засолением орошаемых земель. М.: Колос.- 1978. - 265 с.
2. Айдаров И.П. Регулирование водно-солевого и пищевого режимов орошаемых земель. М.: Агропромиздат.- 1985.- 275 с.
3. Мелиорация почв, Засоленные почвы: учеб, пособие // Лопатовская О.Г., Сугаченко А.А. - Иркутск: Изд-во Иркут. Гос. ун-та.- 2010.- 101 с.
4. Панкова Е.И. Засоление орошаемых почв среднеазиатского региона: старые и новые проблемы // Аридные экосистемы, 2016, том 22, № 4 (69), с. 21-29.
5. Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Экологические проблемы засоленных орошаемых земель [Электронный ресурс]. [http://water-salt.narod.ru/eko\\_prob\\_z\\_z\\_uz.htm](http://water-salt.narod.ru/eko_prob_z_z_uz.htm) (на 01.03.2017)
6. Pankova Je.I., Aidarov I.P. 2010. Secondary Salinization of Soils in the Aral Basin as a Factor of Anthropogenic Desertification // Nova Science Publishers. Inc. New York. Vol. 2. P. 189-216.
7. Жумамуратов А. Изучение элементного сдвига состава почв методом математического моделирования при севооборотах. ВЕСТНИК ККО АН РУз. –Нукус, 2005. №1-2. –С. 54-57
8. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. Нукус, «БИЛИМ», 2004, 186 с.
9. Жоллыбеков Б. и др. Тяжелые металлы в атмосферной пыли и почвах Южного Приаралья. //Вестник ККО АН РУз. 1997. № 4. -С. 32-35.
10. Ташкузиев М.М. Современное химическое и физико-химическое состояние орошаемых почв низовьев Амударьи и связанные с ним вопросы плодородия. //Узбекистан тупроқшунослик ва агрохимёгарлар жамиятининг VI-куралтойи материаллари.–Ташкент, 2005, -с. 109-120.

УЎК 598.2

### ЎЗБЕКИСТОН ОРНИТОФАУНАСИДАГИ ОВЛАНАДИГАН ҚУШЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА ТАРҚАЛИШИ

*Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро*  
*Ф.М. Авезова, ўқитувчи, Бухоро жамоат саломатлиги техникуми, Бухоро*  
*С.Г. Алиева, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро*  
*С.О. Набиева, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро*

**Аннотация.** Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган 104 турдаги қушларнинг Бухоро вилоятида 81 турининг учраши. Шу жумладан Бухоро вилоятида овланадиган қушлар синфининг 7 туркум, 14 оиланинг 81 тури учраши илк бор таҳлил қилинган.

**Калим сузлар:** катта ҳаром қоравой, кулранг гоз, ёввойи ўрдак, чуррак, олмабош ўрдак, қизилбош ўрдак, қашқалдоқ, қорабағир.

**Аннотация.** Встречаемости 81 вида из 104 видов птиц, допущенных к охоте в Узбекистане в Бухарской области. В частности, впервые в Бухарской области проанализировано 81 видов птиц, которые допущены к охоте, относятся к 7 родам и 14 семействам.

**Ключевые слова:** Большой баклан, Серый гусь, Крякva, Чирок-свистунок, Красноносый нырок, Красноголовый нырок, Лысуха, Чернобрюхий рябок.

**Abstract.** Occurrence of 81 species out of 104 species of birds admitted to hunting in Uzbekistan in the Bukhara region. In particular, for the first time in the Bukhara region, 81 species of birds that are allowed to hunt have been analyzed, belonging to 7 genera and 14 families.

**Key words:** Phalacrocorax carbo, Anser anser, Anas platyrhynchos, Anas crecca, Netta rufina, Aythya ferina, Fulica atra, Pterocles orientalis.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бухоро вилоятида овланадиган қушлар тур таркибини, сонини ва экологик хусусиятларини аниқлаш, барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти:** Бухоро вилоятида учровчи овланадиган қушлар тури ҳамда, худудларда учрайдиган қушларнинг сон динамикаси биологияси, экологияси ҳақида маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Бухоро вилоятида овланадиган қушларнинг турлари фаунаси, уларнинг тарқалиши, сони, биоэкологик хусусиятлари, антропоген омилларнинг ҳайвонот дунёсига таъсири, турларни муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Инсоният қадимдан овланадиган турларнинг хатти-ҳаракатини ва яшаш муҳитини ўрганиш орқали уларни турли усулларда овлаш билан шуғулланган. Жамият тараққиёти ов усулларининг такомиллашувига ва ов қилиш мақсадининг кенгайишига олиб келган. Бу, ўз навбатида, овчилик соҳасини муайян қоидалар асосида юритиш ва соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришга сабаб бўлган.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида сони камайиб кетаётган турларга муҳофаза мақоми берилди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгайтирилмоқда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди ва ов туризмининг амалиётга жорий этиш бошланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифи белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонлар фаунаси, биоэкологик хусусиятларини, улардан барқарор фойдаланишни ўрганиш ва асослашга, ов объектлари ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига бўладиган антропоген омилларнинг таъсири аниқлаш ва баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган қуш турларининг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши

№	Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган турлар	Ўзбекистонда расмий равишда овланган турлар	Овлашга рухсат этилган турларнинг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши
1	<i>Phalacrocorax carbo</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
2	<i>Anser anser</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
3	<i>Anser albifrons</i> (Scopoli, 1769)	ОН	ОН
4	<i>Anser fabalis</i> (Latham, 1787)	ОН	Н
5	<i>Eulabeia indica</i> (Latham, 1790)	ОН	Н
6	<i>Cygnus bewickii</i> (Yarrell, 1830)	ОН	ОН
7	<i>Tadorna ferruginea</i> (Pallas, 1764)	ОН	ОН
8	<i>Tadorna tadorna</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
9	<i>Anas platyrhynchos</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
10	<i>Anas poecilorhyncha</i> (Foater, 1781)	ОН	Н
11	<i>Anas crecca</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
12	<i>Anas falcata</i> (Georgi, 1775)	ОН	Н
13	<i>Anas strepera</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
14	<i>Anas penelope</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
15	<i>Anas acuta</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
16	<i>Anas querquedula</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
17	<i>Anas clypeata</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
18	<i>Netta rufina</i> (Pallas, 1773)	О	О
19	<i>Aythya ferina</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
20	<i>Aythya fuligula</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
21	<i>Aythya marila</i> (Linnaeus, 1761)	ОН	ОН
22	<i>Clangula hyemalis</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	Н
23	<i>Bucephala clangula</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
24	<i>Melanitta nigra</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	Н
25	<i>Melanitta fusca</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	Н
26	<i>Mergellus albellus</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
27	<i>Mergus serrator</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	Н
28	<i>Mergus merganser</i> (Linnaeus, 1758)	ОН	ОН
29	<i>Tetraogallus himalayensis</i> (G.R.Gray, 1843)	НО	Н
30	<i>Alectoris chikar</i> (J.E.Gray, 1830)	О	НО
31	<i>Ammoperdix griseogularis</i> (Brandt, 1843)	НО	НО
32	<i>Perdix perdix</i> (Linnaeus, 1758)	НО	Н
33	<i>Perdix dauuricae</i> (Pallas, 1811)	НО	Н
34	<i>Coturnix coturnix</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
35	<i>Phasianus colchicus</i> (Linnaeus, 1758)	О	ОН
36	<i>Rallus aquaticus</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
37	<i>Gallinula chloropus</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
38	<i>Fulica atra</i> (Linnaeus, 1758)	О	О
39	<i>Burhinus oedicnemus</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
40	<i>Pluvialis squatarola</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
41	<i>Pluvialis fulva</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
42	<i>Pluvialis apricaria</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
43	<i>Charadrius hiaticula</i> (Linnaeus, 1758)	НО	НО
44	<i>Charadrius dubius</i> (Scopoli, 1786)	НО	НО
45	<i>Charadrius leschenaultii</i> (Lesson, 1826)	НО	НО

46	<i>Charadrius asiaticus</i> (Pallas,1773)	HO	HO
47	<i>Charadrius veredus</i> (Gould,1848)	HO	HO
48	<i>Charadrius alexandrinus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
49	<i>Eudromias morinellus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
50	<i>Vanellus vanellus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
51	<i>Vanellochetusia leucuraus</i> (Lichtenstein,1823)	HO	HO
52	<i>Lobivanellus indicus</i> (Boddaert,1783)	HO	H
53	<i>Arenaria interpres</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
54	<i>Himantopus himantopus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
55	<i>Recurvirostra avosetta</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
56	<i>Haematopus ostralegus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
57	<i>Tringa ochropus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
58	<i>Tringa glareola</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
59	<i>Tringa nebularia</i> (Gunnerus,1767)	HO	HO
60	<i>Tringa totanus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
61	<i>Tringa erythropus</i> (Pallas,1764)	HO	HO
62	<i>Tringa stagnatilis</i> (Bechstein,1803)	HO	HO
63	<i>Actitis hypoleucos</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
64	<i>Xenus cinereus</i> (Guldenstadt,1775)	HO	HO
65	<i>Phalaropus lobatus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
66	<i>Phalaropus fulicarius</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
67	<i>Philomachus pugnax</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
68	<i>Calidris minuta</i> (Leisler,1812)	HO	HO
69	<i>Calidris subminuta</i> (Middendorff,1851)	HO	H
70	<i>Calidris temminckii</i> (Leisler,1812)	HO	HO
71	<i>Calidris ferruginea</i> (Pontoppidan,1763)	HO	HO
72	<i>Calidris alpine</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
73	<i>Calidris alba</i> (Pallas,1764)	HO	HO
74	<i>Limicola falcinellus</i> (Pontoppidan,1763)	HO	HO
75	<i>Lymnocyptes minimus</i> (Brunnich,1764)	HO	H
76	<i>Gallinago gallinago</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
77	<i>Gallinago megala</i> (Swinhoe,1861)	HO	H
78	<i>Gallinago stenura</i> (Bonaparte,1830)	HO	HO
79	<i>Gallinago solitaria</i> (Hodgson,1831)	HO	H
80	<i>Gallinago media</i> (Latham,1787)	HO	HO
81	<i>Scolopax rusticola</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
82	<i>Numenius phaeopus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
83	<i>Limosa lapponica</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
84	<i>Cursorius cursor</i> (Latham,1787)	HO	HO
85	<i>Glareola pratincola</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
86	<i>Glareola maldivarum</i> (J.R.Forster,1795)	HO	H
87	<i>Pterocles orientalis</i> (Linnaeus,1758)	O	O
88	<i>Columba livia</i> (Gmelin,1719)	O	OH
89	<i>Streptopelia decaocto</i> (Frisvaldszky,1838)	HO	HO
90	<i>Streptopelia orientalis</i> (Latham,1790)	HO	H
91	<i>Streptopelia senegalensis</i> (Linnaeus,1766)	HO	HO
92	<i>Sturnus vulgaris</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
93	<i>Sturnus roseus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
94	<i>Acridotheres tristis</i> (Linnaeus,1766)	HO	HO
95	<i>Pica pica</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
96	<i>Podoces panderi</i> (Fischer,1821)	HO	HO
97	<i>Pyrrhocorax pyrrhocorax</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
98	<i>Pyrrhocorax graculus</i> (Linnaeus,1766)	HO	H
99	<i>Corvus monedula</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
100	<i>Corvus dauricus</i> (Pallas,1776)	HO	H
101	<i>Corvus frugilegus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
102	<i>Corvus corone</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
103	<i>Corvus cornix</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
104	<i>Corvus ruficollis</i> (Lesson,1830)	HO	HO

Изоҳ: О – расмий равишида овланган тур; HO – учрайди, овланмайдиган тур; OH – учрайди, расмий равишида овланмаган тур; H – Бухоро вилоятида учрамайдиган тур.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш жуда кўп киррали бўлиб, Ўзбекистонда бу фаолият ҳайвонларни асосан ҳаваскорлик, қисман спорт ва бошқа (илмий, тиббиёт) мақсадларда овлаш орқали амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғида Ўзбекистонда спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида овлашга рухсат этилган ҳайвонларнинг айримлари тур кўринишида, кўпчилиги эса гуруҳлар ҳолида келтирилган. Мазкур рўйхатни таксономик таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда фақат қушларнинг 104 тури овлашга рухсат этилганлиги аниқланди (1-жадвал).

Таксономик таҳлил натижасида, бугунги кунда амалиётда овладиган турлардан ғозлар ва ўрдақлар сони, уларни овлаш учун ажратилган квоталар миқдори ва овланиш ҳажми ҳақидаги маълумотларнинг тур

даражасида эмас балки умумий тарзда кўрсатилиши аниқланди. Натижада мазкур туркумга тегишли ҳар бир тур бўйича қайд этилган кўрсаткичлар ноаниқлигича қолмоқда. Жумладан, Давлат статистика кўмитасининг 7– еко статистик маълумотларига кўра, 2014 йилда республика бўйича 7.471 бош ғозлар, 39.937 бош ўрдаклар овланган, аммо унда ғоз ва ўрдакларнинг турлар кесимидаги овланиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар учрамайди.

2-жадвал

Бухоро вилоятида овланадиган қушларнинг таксономик таҳлили					
№	Синф	Туркум	Оила	Тур сони	
1	Aves	Pelecaniformes	Phalacrocoracidae	1	
		Anseriformes	Anatidae	19	
		Galliformes	Phasianidae	4	
		Gruiformes	Rallidae	3	
		Charadriiformes	Burhinidae		1
			Charadriidae		13
			Recurvirostridae		2
			Haematopodidae		1
			Scolopacidae		21
			Glareolidae		2
		Columbiformes	Pteroclididae		1
			Columbidae		3
		Passeriformes	Sturnidae		3
			Corvidae		7
Жами	1	7	14	81	

Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган 104 турдаги қушларининг Бухоро вилоятида 81 тури учрайди. Шу жумладан Бухоро вилоятида овланадиган қушлар синфининг 7 туркум, 14 оиланинг 81 тури учрашини илк бор таҳлил қилинди. (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси қўшилган “Биохилма-хиллик тўғрисида”ги Халқаро Конвенция олдидаги учта мақсад, яъни биохилма-хилликни, жумладан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва олинган фойдани тенг ҳуқуқлилиқ асосида тақсимлаш овланадиган ҳайвон турларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишни тақазо этади. Мазкур тадқиқот иши халқ хўжалигининг муҳим объекти саналган овчилик хўжаликлари ва улардаги овланадиган турларни ўрганиш орқали овни тўғри ташкил этиш, ов хўжалигини юритишни оптималлаштириш, ов объектларидан барқарор фойдаланиш ва ҳайвонларни овлаш учун квота ва рухсатномалар бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, ов хўжаликлари соҳасидаги бошқа масалаларни илмий асосда ҳал этишга хизмат қилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
4. Rayimov A.R. Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of Acridotheres Tristis // Solid State Technology 2020. – № 5 . – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/>
5. Rayimov A.R , Rakhmonov R.R. - The role of Acridotheres Tristis in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:105923/j.ivmb.20190801.01>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of Acridotheres tristis in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia , 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
7. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256.

УЎК 574.34

### БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН ҲАЙВОН ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро**  
**Д.Б. Усмонова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**  
**М.Я. Ярашова, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро**  
**М.Ў. Усмонова, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро**

**Аннотация.** Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонлар фаунасининг тур таркиби, тарқалиши, сон динамикаси ва биологияси, экологияси. Турларнинг биоэкологик хусусиятлари, яъни биохилма-хиллиги, жумладан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, муҳофазаланиши, барқарор фойдаланилиши ўрганилган.

**Калим сузлар:** биологияси, экологияси, муҳофаза қилиш, овланадиган, фаунистик, популяция, Ёввойи чўчқа, Бўрсик, Қум товушқони, Чиябўри, Тулки, Кўк ғоз, Олмабош, Қизилбош, Ёввойи ўрдак, Чуррак, Қашқалдоқ, Катта қоравой Қорабовур.



**Аннотация.** Видовой состав, распространение, динамика и биология популяций, экология охотничьей фауны Бухарской области. Изучены биоэкологические особенности вида, то есть биоразнообразие, включая защиту, сохранение, устойчивое использование дикой природы.

**Ключевые слова:** Биология, экология, защита, охотничье, фаунистическое. популяция, Кабан, барсук, заяц толай, шакал, лисица, серый гусь, красноносый нырок, красноголовый нырок, кряква, чирок свистунок, лисуха, большой баклан, чернобрюхий рябок.

**Abstract.** The following article deals with the species composition, distribution, population dynamics and biology, ecology of fauna of Bukhara region. The bioecological features of the species, their biodiversity, including the protection, conservation, sustainable use of wildlife, have been studied.

**Key words:** Biology, ecology, protection, hunting, faunistic. population, wild boar, badger, tolai hare, jackal, fox, series goose, red-nosed duck, red-headed duck, mallard, teal whistle, fox, great cormorant, black-bellied sandgrouse.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг фаунистик таркибини, сонини ва экологик хусусиятларини аниқлаш, барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти:** Бухоро вилоятида учровчи овланадиган ҳайвон турлари ҳамда уларнинг яшаш муҳити сифатида овчилик ҳўжаликлари ва уларга туташ ҳудудларда учрайдиган ҳайвонларнинг сон динамикаси биологияси, экологияси ҳақида маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг фаунаси, уларнинг тарқалиши, сони, биоэкологик хусусиятлари, антропоген омилларнинг ҳайвонот дунёсига таъсири, турларни муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот ишида зоологиянинг (турғун, 5- минутлик ҳамда маршрут усуллари) ва экологиянинг асосий методлари ҳамда анкета-сўров методи, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Бухоро вилоятидаги ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг биологик ва экологик хусусиятларини локал ҳудудларда ўрганиш уларни муҳофаза қилиш, турлар хилма-хиллиги, барқарорлиги ва яшаш муҳитини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Турларнинг яшаши учун оптимал шароитларни яратишга йўналтирилган биотехник тадбирлар айнан уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш орқалигина амалиётга жорий этилиши мумкин.

**Ёввойи чўчка – *Sus scrofa*.** Ёввойи чўчка Ўзбекистондаги йирик ва ҳаваскор овчилар учун муҳим саналган ов объектидир. Бухоро вилоятида учровчи популяция вакиллари биологик хусусиятлари бошқа популяциялардан деярли фарқ қилмайди. Аммо яшаш муҳитининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, бу ердаги популяцияларнинг озуқа таркиби Ўзбекистоннинг тоғ ўрмонзорларида учровчи популяцияларидан ажралиб туради. Бухоро шароитида ёввойи чўчкалар озуқа таркибининг асосини қамиш ва қўғаларнинг илдици поялари ташкил этиши қайд этилди. Шу асосда айтиш мумкинки, овчилик ҳўжаликларида ёввойи чўчқанинг ҳаёти тўлиқ сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида қамишзорлар билан боғлиқ. Ҳавзадаги сув сатҳининг ўзгариши, чорвачилик, браконьерлик, қамишларнинг ёқиши уларнинг сонини белгиловчи асосий омиллар саналади. Айниқса қўллардаги гидрорежимнинг ўзгариши уларнинг озикасини камайишига ва натижада озик излаб очик майдонларга, қўшни қўллар ва агроценозларга киришига ва овчиларга осон ўлжа бўлишига олиб келади.

**Бўрсиқ – *Meles meles*.** Тунги ҳаёт кечириши, кам сонда учраши сабабли ушбу турнинг биологик хусусиятларини ўрганиш анча мураккаб. Шундай бўлишига қарамадан, Бухоро шароитида бўрсиқнинг ўзи қовлаган ёки бинолар поли тагидаги доимий уяларда яшаши аниқланди. Унинг баҳорда кўпинча май ойида 4 та бола туғиши ва шу даврда туллаши кузатилди.

Унинг кўпроқ уясида унча узок бўлмаган жойдаги юксак ўсимликларининг илдизидан озика сифатида фойдаланиши кузатилди. Бўрсиқ қолдирган издан ташқари, ўсимлик илдизини ўзига хос қовлаш хусусияти ҳам бу турнинг шу атрофда учрашини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади. Бўрсиқ вилоятдаги деярли барча қўлларда учрайди. Унинг учрашини белгиловчи муҳим омил сифатида ҳавзанинг қирғоқ зонасида қамиш ва шу каби бошқа қирғоқ ўсимликларининг бўлишини кўрсатиш мумкин. Турли касалликларни даволаш мақсадида табибларнинг тавсияларига кўра, гўшти ва ёғи учун ноқонуний овланиши қайд этилади. Таъкидлаш лозимки, табиблар томонидан турли касалликларни даволаш учун беморларга бўрсиқ гўшти ёки ёғининг шифобахшлигини тавсия қилиниши бу тур сонининг тубдан камайишига сабаб бўлмоқда.

**Қум товушқони – *Lepus capensis*.** Маълумотларга қараганда, 1970-1975 йилларда Олот, Қоракўл ва Жондор туманлари билан чегарадош чўл зонасида товушқонлар жуда кўп бўлган ва ўша даврларда овчилар уларни асосан тунда трактор ва автомашиналар фараси ёруғлигидан фойдаланган ҳолда овлашган. Бунда ҳар бир овчи бир тунда ўртача 10 тагача товушқон овлаган. Эндиликда бу жойларнинг табиий ландшафти тубдан ўзгарган ва ўрмонлар эса йўқолиб кетган.

Қайд этилган йилларда товушқон белгиланган ов муддатларига асосан овланган ва товушқон ови нафақат ҳаваскорлик балки саноат ови сифатида амалга оширилган. Унинг мўйнаси махсус қабул пункларида қабул қилинган ва кейинчалик қайта ишланган. Қум товушқони сонининг кескин камайганлиги ва унинг мўйнасини қабул қилувчи ташкилотларнинг тугатилиши бу турнинг ов объекти

сифатидаги аҳамиятини ҳамда товушқон овига бўлган қизиқишни пасайишига олиб келган. Сонининг камайиб кетишига сабаб бўлган омиллардан яна бири, унинг яшаш муҳитининг деградацияланиши, яъни саксовул, қандим, юлғун, янтоқ ва шу каби бошқа ўсимликларнинг ёқилғи ва ем-хашак сифатида йиғиштириб олинishi, чорва туёғи сонининг ошиши туфайли унга озуқа ва бошпана бўлувчи манбаларнинг кескин камайishi ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

**Чиябўри** – *Canis aureus*. Кейинги йилларда Ўзбекистонда, жумладан Бухоро вилоятида чиябўри сони ошиб бормоқда. Аҳоли билан олиб борилган сўровномалар ўтган асрнинг 60 йилларида чиябўрининг Бухоро шаҳри атрофида ҳам кенг тарқалганлигини, кейинчалик унинг сонини бошқариш бўйича олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида унинг бу ерлардан йўқолиб кетганлигини кўрсатади. Тадқиқотларимизда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда озикланишда учраши ва тунги пайтлари паррандаларга хужум қилиши оқибатида баъзан хўжаликларга зиён етказиши қайд этилди. Мазкур ҳолатларнинг тунда содир бўлиши кузатилади. Бу эҳтимол унинг маданий ландшафтларда яшашга мослашганлиги ва сонининг ошганлиги билан боғлиқ. 1990 йилларга келиб саноат овининг бутунлай тугаши, табиий яшаш муҳитларининг деградацияланиши Бухоро вилояти шароитида чиябўри ва тулқиларнинг яна қайта урболандшафтлар атрофида озикланиш учун йиғилишига ва баъзан паррандачиликка зиён етказишига сабаб бўлмоқда.

**Тулқи** – *Vulpes vulpes*. Бухоро вилояти шароитида тулқининг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Тадқиқот давомида унинг каналлар ва эски карьерлар қирғоғига, тепаликларнинг ён бағрига қурилган бир нечта уялари топилди. Май ойларида унинг уяларида тўлиқ шаклланган болалари борлиги аниқланди. 2014 йилнинг 11 май куни Шофиркон туманининг Мингчинор ҳудудидаги эски карьер қирғоғидан топилган тулки уяси олтидан қирғовулнинг пат ва парлари, эчкмарнинг боши, Ўрта Осиё чўл тошбақасининг косалари қолдиғи топилди. Унинг уй паррандаларига хужум қилиши, овчилик хўжаликларидagi тухум босаётган қушлар, уларнинг тухум ва жўжаларини нобуд қилиши бир неча бор қайд этилди. Мазкур ҳолатлар унинг озуқа таркиби жуда хилма-хиллигидан далолат беради. Кейинги йилларда тулки, шунингдек, чиябўриларнинг овчилик хўжаликлари ва аҳоли яшаш жойлари яқинида йиғилиши ҳисобига уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда ва айрим салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келмоқда.

**Ғозсимонлар** – Anseriformes. МДХ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда учровчи сувда сузувчи қушлар овланадиган турлар орасида ўзининг тур таркиби ва овланиш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга. Сувда сузувчи қушларнинг, жумла адан, ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг ов хўжаликларида тегишли сув ҳавзаларидан ташқари бошқа кўлларда, жумладан, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида, Денгизкўл ва бошқаларда ҳам учиб ўтиш, қишлаш ва уя қуриш даврида учраши тўғрисида жуда кўп маълумотлар бор. Бухоро вилоятидаги сув ҳавзалари сув ва сув олди қушларининг яшаши ва айниқса миграцияси даврида муҳим аҳамиятга эга. Е.Н. Лановенко, Э.Ш. Шерназаров, А.К. Филатов маълумотларига кўра, орнитологик буюртмаҳона мақомига эга бўлган, Рамсар рўйхатида ва Муҳим орнитологик ҳудудлар рўйхатида киритилган Денгизкўлда 1986 йилда 504 мингта, 2009 йилда 9.500 та сувда сузувчи қушларнинг учраши қайд этилган.

**Кўк ғоз** (*Anser anser*) Тадқиқотлар натижасида вилоятдаги сув ҳавзаларига кўк ғозларнинг асосан қишлаш учун учиб келиши, уя қуришда жуда кам сонда учраши аниқланди. Унинг тухум кўйилган уялари 2001 йил 5 апрелда Қорақир кўлида (n=3), 2008 йил 28 март куни Тўдакўл сув омборининг дамба қисмида топилди (n=2). Топилган уялар орасидаги ўртача масофа 30 метрни ташкил этди. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 10-20 см.ни, уялар кенглиги 65-75 см.ни, уя косасининг чуқурлиги 18-14 см.ни, уя косасининг эни 40-47 см.ни, тухумли уялардаги тухумлар сони 6-8 тани ташкил этди. Тухумларнинг (n=14) ўртача морфометрик ўлчамлари куйидагича: оғирлиги ўртача 156,5 гр (142,0-170,0); узунлиги 86,5 мм (84,5-88,5); эни 59,3 мм (56,0-61,2).

Тадқиқотлар давомида нафақат Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида, балки Ўзбекистондаги бошқа овчилик хўжаликларида ҳам кенг тарқалган ва кўп овланадиган 4 турдаги (**Олмабош** – *Netta rufina*, **Қизилбош** – *Aythya ferina*, **Ёввойи ўрдак** – *Anas platyrhynchos*, **Чуррак** – *Anas crecca*) ўрдакларнинг вилоятдаги Қорақир, Тузқон, Хадича ва Зикри каби кўлларда ҳамда бошқа кичик ташлама кўлларда уя қуриб кўпайиши аниқланди. Кўпайиш даврида эса жуда кам сонда бўлса ҳам, доимий тарзда учраши кузатилади. Эҳтимол, мазкур хусусиятларни миграция, овчилар босими ва бошқа омиллар таъсирида қушларнинг кўлларао кўчиб юриши, уя қуриш жойлари танлангандан сўнг кўчиб юришнинг кескин камайishi билан изоҳлаш мумкин ўрдакларнинг овчилик хўжаликларидаги сони ва овланиш ҳажми тўғрисида материаллар йиғилди.

**Қашқалдоқ** – *Fulica atra*. Қашқалдоқ Ўзбекистонда кенг тарқалган ва ўтроқ ҳолда яшовчи тур. Қашқалдоқ қиш мавсумида вилоятдаги сув ҳавзаларида кўп сонда учрайди, аммо кўпайиш даврида сони кескин камади, айрим кўлларда уя қуриб кўпаяди. Унинг 6 та тухумли уяси 2000 йилнинг 15 май куни Қорақир кўлидан топилди, ушбу кўлда 2000 йил 7 июль куни қашқалдоқнинг 4 та жўжаси билан сузиб юргани кузатилди. 2000 йил 25 июнь куни Вобкент балиқчилик хўжалигида топилган қашқалдоқ уяси йиртқичлик оқибатида нобуд қилинганлиги аниқланди, яъни уяда қашқалдоқнинг пат-парлари, уя атрофида сувга тушган тухум топиб олинди. 2001 йил 25 май куни мазкур кўлда 8 та тухум, шу уядан 5 метр узокликда яна олти та тухум босиб ётган қашқалдоқ уяси топилди. Топилган уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 20-30 см.ни ташкил этди, уя материали сифатида эса қамиш ва кўга баргларида

фойдаланилганлиги аниқланди. Уяларнинг ўлчамлари куйидагича: эни 38,0 см., бўйи 15,0 см., чуқурлиги 5,5 см. Тухумларнинг ўлчамлари (n=20) куйидагича: узунлиги ўртача 50,5 мм (49,2-51,5), эни ўртача 32,9 мм. (20,8-34,2), оғирлиги ўртача 32,2 гр. (30,0-35,5).

**Катта қоравой – *Phalacrocorax carbo*.** Катта қоравойнинг кўпайиш даврида вилоятдаги балиқчилик хўжаликлариди ва бошқа кўлларда колония ҳосил қилган ҳолда учраши қайд этилди. Унинг кўпайиш даври иқлим шароитига қараб, февраль ойининг охири ва март ойининг бошларидан бошланади. Уясини сувдаги юлғун ва сақсовулларга қуради. Уялар бир-бирига яқин баъзан ёнма-ён тегизиб, баъзан ярус ҳосил қилиб устма-уст қурилади. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 50-140 см гача бўлади. Уянинг ташқи девори турли ўсимликларнинг шох-шаббалари, ички девори эса сув ўтлари, қамишнинг юмшоқ қисмларидан ташкил топади. Уялардаги тухумлар (n=14) сони 2-3 та, тухумлар узунлиги 55,6x66,4 мм. (61,0 мм.) эни 37,0x42,5мм. (39,5 мм.). Катта қоравой спорт ва ҳаваскорлик овининг объекти бўлишига қармасдан, гўштининг сифатсизлиги сабабли деярли овланмайди. У вилоятдаги балиқчилик хўжаликлариди балиқ билан озикланиши сабабли хўжаликка етказадиган зарарини камайтириш мақсадида жуда кам сонда овланади. Бундай овни турнинг сонини бошқариш йўналишидаги ов сифатида баҳолаш мумкин.

**Қорабовур – *Pterocles orientalis*.** Тадқиқот ўтказилган йилларда вилоятдаги Қорақир овчилик хўжалигидаги ўртача сони 735 тани, овланиш ҳажми 242 тани ташкил этди. Мос равишда Шўркўлда 867, 200, Зикрида 2262, 676, Peshku Qoraqir Qo'rg'oni" МЧЖ да ўртача сони 325 та. ни ташкил этган, овланмаган. Қорақўл ўрмон-ов хўжалиги эгаллаган майдонда қорабовурнинг учраши қайд этилмади, аммо улар Қорақўл туманида кам сонда учраб туради. 2015-2017 йилларнинг сентябрь-октябрь ойларида қорабовурларнинг 10-50 тадан иборат гуруҳларини вилоятнинг Қоравулбозор туманидаги фермер хўжалиklarининг кузги буғдойдан бўшаган далаларида озикланишда ва учиб ўтишда учраши бир неча маротаба қайд этилди. 26.04.2016 йилда мазкур туман чегарасида жойлашган “Жайрон” экомарказида ҳар бири 20 тагача қушдан иборат бўлган бир нечта гуруҳи қайд этилди. Экомарказнинг муҳофаза мақомига эгаллиги ва унинг худудида кўлларнинг бўлиши қорабовурларнинг яшаши учун қулайлик яратади. Қорабовурнинг сони Қоравулбозор туманида вилоятдаги бошқа туманларга қараганда кўп. Бу ҳолат мазкур туманнинг асосан кузги буғдой етиштиришга ихтисослашганлиги, фойдаланиш учун қулай сув ҳавзаларининг мавжудлиги ҳамда табиий муҳитнинг қорабовурларнинг яшаши учун нисбатан қулайлиги билан изоҳланади.

Вилоятдаги барча кўллар ва сув омборларининг гидрологик режими тўлиқ инсон фаолияти билан боғлиқ. Улардан фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳайвонот дунёси экологик омил сифатида ҳисобга олинмайди. Айниқса, кейинги йиллардаги сув танқислиги ҳавзалардаги сув заҳираларининг тубдан камайишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қирғоқ бўйи ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175 б.
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
4. Rayimov A.R. Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of Acridotheres Tristis // Solid State Technology 2020. – № 5 . – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/>
5. Rayimov A.R , Rakhmonov R.R. - The role of Acridotheres Tristis in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:105923/j.ivmb.20190801.01>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of Acridotheres tristis in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia , 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
7. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256.

УЎК 632.754

#### АДВЕНТИВ ТУР БЎЛГАН ҒЎЗА ҚАНДАЛАСИНИНГ (*CREONTIADES PALLIDUS RAMBUR*) РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАРҚАЛИШИ

**Н.Р. Саттаров, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Тошкент**

**Ш.Т. Хўжаев, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Тошкент**

**Д.М. Мусаев, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент**

**М.К. Мусаева, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент**

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикада учун адвентив тур бўлган ғўза қандаласининг морфологик белгилари, агробиоценозларда тарқалиши нисбатлари ва ривожланиш динамикаси баён этилган.

**Калит сўзлар:** *Miridae*, *Creontiades pallidus*, динамика, ғўза, беда, агробиоценоз, фауна, доминант, зоофитофаг.



**Аннотация.** В данной статье описаны динамика развития, морфологические признаки и соотношение распространения в агробиоценозах адвентивного для Республики вида - хлопкового клопа.

**Ключевые слова:** Клопы-слепники, хлопковый клоп, динамика, хлопок, люцерна, агробиоценоз, фауна, доминант, зоофитофаг.

**Abstract.** In this article, the dynamics of development, morphological signs and the ratio of distribution in agrobiocenoses of an adventive species for the Republic - the cotton bug.

**Key words:** Plant bugs, Miridae, cotton shredder bugs, dinomica, cotton, alfalfa, agrobiocenosis, fauna, dominant, zoophytophage.

Ўсимликхўр қандалаларнинг кенг ривожланиши ғўза ҳосилдорлигига катта талофат етказаётганлиги кишлок хўжалигида бугунги куннинг долзарб муаммосига айланмоқда [1]. Қандалалар ҳашаротлар дунёсининг яримқаттиққанотлилар ёки қандалалар туркумининг вакиллари ҳисобланади. Дунёда қандалаларнинг 50 мингдан ортиқ тури мавжуд [5]. Уларнинг барчаси ҳам зараркунанда эмас, балки кўплаб фойдали (зараркунанда ҳашаротлар билан озикланувчи) турлари (ориус, набис, деражкорис ва б.) ҳам кенг тарқалган. Сўқир қандалалар (оддий кўзлари бўлмаиди) оиласининг кўпгина вакиллари ўсимликхўр (фитофаг) бўлиб, толали ўсимликлар, ғўза, мош, ловия, ерёнғоқ, ғалла, қанд лавлаги, полиз, доривор ва бошқа ўсимликларнинг жиддий зараркунандалари ҳисобланади [2,3].


Ҳозирги кунда пахтачилик билан кенг шуғулланадиган АҚШ, Африка, Эрон, Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Туркия каби давлатларда сўқир қандалалар оиласи вакиллари бўлмиш: ғўза (*Creontiades pallidus*) ва дала (*Lygus pratensis*, *Lygus gemellatus*) қандалалари таъсирида ғўзанинг ҳосил ва сифатига катта зарар етмоқда [5]. Қандалалар (Hemiptera) туркумининг айнан сўқир қандалалар (Miridae) оиласига мансуб бўлган турлари республикаимиз кишлок хўжалиги экинлари ҳосилига зарарлилиги жиҳатидан алоҳида ўрин тутади.

### Материал ва усуллар

Тадқиқотлар 2017-2020 йиллар давомида Сурхондарё вилоятида жойлашган ПСУЕАИТИ нинг пахта, беда илмий тажриба станциясида ўтказилди. Тадқиқотлар Кириченко (1951), Сербинов (1935), Stamp (1987), Mehdi and Mohammad (2004) Nakash *et al.* (1989), усулларида фойдаланилиб олиб борилди. Агробиоценозларда ғўза қандаласининг динамикасини аниқлашда диаметри 38 см бўлган энтомологик сачокдан фойдаланилди. Бунда даланинг 5 жойидан сачокнинг 20 та ҳаракатида тушган қандаланинг ўртача сони ҳисоблаб борилди.

### Тадқиқот натижалари

Олиб борган тадқиқот натижаларимиз таҳлилига кўра республикаимизнинг жанубий вилоятларида ушбу оилага мансуб янги (адвентив) тур қандаланинг пайдо бўлганлиги маълум бўлди. Агробиоценоздаги ушбу ўзгаришни ўрганиш мақсадида 2017-2019 йилларда Сурхондарё вилоятида илмий изланишларни олиб бордик. Тадқиқот натижаларига кўра бу тур - ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus*) бўлиб, Miridae оиласига мансубдир. Ғўза қандаласи илк бор 1839 йилда Африка китъасида аниқланган бўлиб, ўтган аср охирида Яқин шарқ мамлакатларигача тарқалган. Илмий таҳлилларимизга кўра Эрондан қўшни Туркменистон республикаси орқали 2005-2010 йилларда Сурхондарё вилоятига кириб келган. Ғўза қандаласига қуйидаги характерли белгилар хосдир (1-расм).



1-расм. Ғўза қандаласи ва унинг аҳамиятли белгилари: 1 – имаго, 2 – кичик ёш личинка, 3 – катта ёш личинка

Эркагининг бўйи 6,5-7 мм, урғочилари 7- 7,5 мм ни ташкил этади. Тухумларининг узунлиги 1,0-1,5 мм, эни 0,4 мм, хира, оқиш тусда бўлиб, учи ўткир ва четлари қайирилган. Тухумлари урғочи қандала тухум қўйган пайтдан туғиладиган пайтгача ҳимоя остида бўлади, одатда, оч яшил рангда бўлади. Учинчи тулладан сўнг қанотлари шакллана бошлайди. Личинкалари ёз ойларида ўртача 8-14 кун ичида тухумдан чиқади. Личинкалар 4 марта туллаб, 5 ёшдан сўнг вояга етган ҳашаротга айланади. Кичик ёшдаги (1-2 ёш) личинкаларнинг мўйловлари 6 та қизил рангли халқалардан иборат бўлади [5. 10-б.]. Личинкалар улғайган



сари танасида бир қанча ўзгаришлар содир бўлади. Жумладан мўйловларидаги қизил халқалар йўқолиб рангсизланади (4-5 ёш). Биринчи бўғин мўйловлари ва танасининг барча аъзолари яққол қўзга ташланувчи қора доғлар билан қопланади. Елка ва бош қисмида сийрак қора туклар вужудга келади. Болдирининг сон билан туташувчи бўғинида биттадан қора доғлар пайдо бўлади. Шунингдек 4-5 чи ёшдаги бу қандала личинкалари танасининг марказида бир жуфт катта қора доғларнинг бўлиши уни бошқа қандала личинкаларидан ажратиб турувчи асосий белгиси ҳисобланади. Биринчи ривожланиш босқичидаги личинкадан янги имаго ҳосил бўлгунча бўлган давр ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ўртача 15-20 кунни ташкил қилади. Вояга етган зотларининг (имаго) елка ва қалқонлари оч пушти рангли бўлади. Қалқонларининг учки қисмида битта қора доғнинг бўлиши уларнинг характерли хусусияти ҳисобланади. Етилган қандалалар максимум 34-36 кун яшайди ва шу давр мобайнида 70-150 тухум қўяди. Тухумларини алоҳида-алоҳида ёки гуруҳ қилиб қўяди. Юқори намлик ва ҳарорат бўлган муҳит тухумлар ривожланиши учун қулай ҳисобланади. Уларнинг кичик ва катта зотлари жуда ҳаракатчан бўлади.


2019 йил мавсумида Сурхондарё вилояти шароитида ғўза қандаласининг тарқалишини махсус маршрут кузатувлар асосида ўргандик. Бунда биринчи масала беда ва ғўза қандаласининг қишловдан чиққан дастлабки зотларидан бошлаб мавсум охиригача бегона ўт ва бедаларда ривожланишини Термиз тумани мисолида назорат қилиб, муддат ва миқдорини ўрганиб бордик. Бу икки тур қандаланинг қишловдан чиқиш муддати бу йилги шароитда деярли фарқ қилмади. Аммо қишловдан чиққан дастлабки авлодида миқдор жиҳатидан беда қандаласининг сони ғўза қандаласига нисбатан сезиларли даражада кўп бўлди.

Беда қандаласининг сони апрел ойи биринчи декадасида энтомологик сачокнинг 10 жуфт ҳаракатида 9,3 дона бўлган бўлса, июн ойи ўрталаригача унинг сони ортиб бориб ўртача 25-30 донани ташкил этди. Ундан кейинги кунларда камайиб бориб сентябр ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида ўртача 3,0-6,0 донага тўғри келди.

Ғўза қандаласи эса дастлаб кам сонда бўлиб, апрел ойида энтомологик сачокнинг 10 жуфт ҳаракатида ўртача 1,0-3,0 донани ташкил этди. Ғўза қандаласи сонининг максимал ортиши июн ойининг биринчи декадасига кузатилди. Бунда унинг сони ўртача 18-20 донани ташкил этиб, кейинчалик кузгача унинг сони тадқиқот олиб борилаётган тажриба даламизда кескин камайиб (ўртача 2-3 дона) кетди (2-расм).

#### Энтомологик сачокнинг 10 жуфт ҳаракатида қандала


сони, дона.



2-расм: Сурхондарё вилояти беда агробиоценозида ғўза ва беда қандаласининг ривожланиш динамикаси, (2019 й)


2018 йил июн-август ойларида унинг сони 100-150 тагача етган эди. Бунга асосий сабаб қилиб 2019 йилнинг баҳор ойларида яъни, қандаланинг дастлабки авлодлари кўпайиш даврида кучли ёмғир (жала) нинг суткалик ёғиши ва ёз ойларида ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетиши (50-60 °C) ҳашаротнинг кескин кўпайиши учун ноқулай шароит бўлган деб таҳлил қилинди.

Ушбу кузатув натижалари билан ўтган 2017-2018 йилларда ғўза қандаласининг қишловдан чиқиш муддати ва мавсум мабойнидаги ривожланишини ўзаро таққослаб кўрдик. Бунда шу нарса маълум бўлдики, 2017 йил илк бор 13-15 май саналарида кам миқдорда учраган бўлса, 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 1-1,5 ой олдин қишловдан чиқиб, миқдор жиҳатдан 2-3 марта кўп бўлганини ва 2019 йил мавсумида ҳам қишловдан чиқиш муддати ва миқдори деярли бир хил аммо кейинчалик бошқа йиллардагига нисбатан сонининг сезиларли кам бўлганини кўриш мумкин (3-расм). Бунга сабаб адабиёт маълумотларига таянадиган бўлсак асосий сабаблардан бири қишнинг илиқ келганлиги бўлиши мумкин (3-расм).




3-расм: Ғўза қандаласининг беда ўсимлигида йиллар бўйича тарқалиши

Вилоят ғўза майдонларида асосий доминант тур бўлган ғўза қандаласи, беда қандаласи ва дала қандалаларининг ўзаро нисбатини ўргандик. Бунинг учун жанубий туманлардан Шеробот ва Қизириқ, шимолий туманлардан эса Шўрчи ва Сарийосиё туманлари танлаб олинди. Энтмологик сачокда 100 донга қандала йиғиб олиниб, улар орасида қайси тур неча фоиз эканлиги ҳисобланди. Олинган натижаларга кўра улар орасида энг кўп миқдорни ғўза қандаласи эгаллаб – ўртача 93-98 % ни ташкил этди. Беда қандаласи 0,3-2,3 % , дала қандаласи жанубий туманларда 0,3-0,7 % , шимолий туманларда 4,3-6,7 % да тарқалгани аниқланди (4- расм).



4- расм: Сурхондарё вилоятида ғўзада қандала турларининг учраш даражаси

2019 йил мавсумида ғўза қандаласининг Қашқадарё вилоятида ҳам тарқалганлиги аниқланди. Шу ўринда учта тур қандаланинг ўзаро нисбатини Қашқадарё вилоятининг жанубий Қарши, Нишон ва шимолий туманларидан Яккабоғ ва Ғузур туманларида ўргандик. Қашқадарё вилоятининг жанубий Нишон ҳамда Қарши туманлари ғўза майдонларида асосан ғўза қандаласи доминантлик қилиб 80,2-85,5 % ни ташкил этди. Шимолий Яккабоғ ва Ғузур туманларида асосан 2 тур беда ва дала қандалалари учраб, уларнинг ўзаро нисбатларини 5-расмда келтирдик. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки Нишон ва Қарши туманларида ғўза қандаласи ғўза далаларида Сурхондарё вилояти жанубий туманлари (Музробот, Қизириқ) дагидек бир текисда тарқалмаган. Биз қандала турларини учраш даражасини ҳисоб қилганимизда ўзаро нисбатни Нишон ва Қарши туманлари ғўза далаларида ғўза қандаласи кенг тарқалган далаларда олиб бордик.



5- расм: Қашқадарё вилоятида ғўзада қандала турларининг учраш даражаси

Тадқиқотларимиз давомида ғўза қандаласининг куз ойларига келиб бошоқли экиндан бўшаган ерга экилган маданий ўсимликларда ҳам кенг тарқалиб бораётганини кузатдик. Сентябрь ойида ғўза қандаласининг баъзи такрорий экинлар ва ғўзадаги зичлигини вилоятнинг жанубий туманлари кесимида ўргандик (жадвал).

Такрорий экинларда ғўза қандаласи (*C. pallidus*)нинг учраш даражаси

№	Туман-лар	Энтомологик сачокнинг 10 жуфт ҳаракатида қандала ўртача сони, дона								
		15-20 август								
		Ѓўза (ингич- ка тола)	Ѓўза (ўрта тола)	Мош	Ловия	Беда	Макка- жўхори	Ерёнғок	Тарик	Дала атрофи (бегона ўт)
1	Ангор	7,5	3,2	12,8	5,0	4,3	3,0	12,0	98,0	2,0
2	Қизирик	8,3	3,0	30,2	-	5,4	10,0	50,3	10,8	4,3
3	Музробод	2,0	3,7	15,6	2,0	2,0	4,3	10,2	35,4	3,0
4	Термиз	5,3	2,0	8,5	5,0	2,7	2,0	3,0	-	2,0
5	Денов	7,3	5,3	15,1	8,0	10,0	6,0	15,0	-	3,5

Жадвалдан кўриниб турганидек ғўза қандаласи дала атрофларида тарқалган бегона ўтларга нисбатан ғўза ва бошқа маданий экинларни хуш кўрар экан. Кузатувларимизга кўра энг кўп мош, беда, ерёнғок ва ловия экинларида учраб, энтомологик сачокнинг 10 жуфт ҳаракатида 40 -50 тагача миқдорда бўлди. Шу ўринда 2019 йил мавсумида ғўза қандаласининг Ангор тумани Хамкон худудида тарик ўсимлигида жуда кўп миқдорда тарқалганига гувоҳ бўлдик. Бунда энтомологик сачокнинг 5 та ҳаракатида ўртача 90-100 та қандалага тўғри келди. Ѓўза қандаласининг бир уруғпаллалли тарик ўсимлигида бунчалик кўп сонда тарқалиши биринчи бор кузатилди. Чунки ғўза қандаласи кўп бўлган 2017-2018 йилларда Музробот туманида такрорий экин сифатида экилган тарикда сачокнинг 25 та ҳаракатида унинг ўртача сони 25-30 тадан ортмаган эди. Бунинг асосий сабаби бу йил Ангор тумани Хамкон худудида ғўза қандаласининг сони кўп бўлгани ва айни тарик экилган дала атрофида экилган ғўза далаларида ғўза қандаласига нисбатан юқори самара бермайдиган кимёвий препарат билан бир неча бор ишлов ўтказилгани сабаб қилиш мумкин (Ѓўза қандаласи ғўза вегетация давридан кейин дала атрофида экилган тарикқа миграция қилган).

**Хулоса:** 2019 йил шароитида ғўза ва беда қандаласининг қишловдан чиқиши деярли фарқ қилмай, бу апрел ойининг биринчи декадасига тўғри келди. Ѓўза майдонларида тарқалган қандалалар орасида энг кўпини ғўза қандаласи ташкил этиб, унинг миқдори учта тур орасида 93-98 % га тенг бўлди. Ѓўза қандаласи 2019 йил Қашқадарё вилояти Нишон туманидан ташқари Қарши туманида ҳам тарқалганлиги аниқланди. Ѓўза қандаласи кузга бориб такрорий экинлардан мош, ловия, беда, ерёнғок, маккажўхори, тарик ва бошқа экинларда кенг тарқалиб, ғўза ва дала атрофидаги бегона ўтларда кам миқдорда учраши кузатилди.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Хўжаев Ш.Т., Сағтаров Н., Мусаев Д. Ѓўзада ўсимликхўр қандалаларнинг зарари //Агро кимё химоя ва ўсимликлар карантини. – 2017. - №2. – Б. 35-37.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркуналалардан уйғунлашган химоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари.– Тошкент: “Наврўз”, 2015.– 551 б.
3. Хамраев О.Ш., Очилов Р.О., Кўчқоров А.Х., Нурмухамедов Д.Н. Ѓўзани сўқир қандалалардан химоя қилиш (тавсиялар) – Тошкент, 2006.–16 б.
4. Jafari, A., Fathipour Y. and Hosseini S.M. 2005. Sampling programme and spatial distribution of *Creontiades pallidus* (Heteroptera:Miridae). Iranian Journal of Agricultural Sciences 36: 295–303.
5. Hosseini, S. M., Asadi, H. B., Kaunail, K., Shojaii, M. and Hadi-ostvan, 2002, Study on bioecology of cotton shedder bug *Creontiades pallidus* Rambur. (Heteroptera:Miridae) in cotton fields of Khorassan. Iran J. Agric. Sci., 8(2): 9-10.

УЎК. 599.735.31

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ДАВЛАТ БИОСФЕРА РЕЗЕРВАТИ ХУДУДИДАГИ БУХОРО БУГУСИ ПОПУЛЯЦИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ****М.Ш. Торемуратов, таянч докторант, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент**

**Аннотация.** Ушбу мақолада, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати худудидаги Бухоро бугуси биологияси ва экологиясининг замонавий ҳолати бўйича йиллик мониторинг олиб борилди. Тадқиқот ишлари йилнинг ҳар фаслида, маълум вақт оралигида олиб борилди. Резерват худудида 2019 йилда 1300 га яқин бугулар қайд этилиб, 2020 йилда уларнинг умумий сони 1429 бошни ташкил этди. Улардан 24 % - эркак, 49 % - урғочи, 8 % - болалари ва 19 % жинси номаълум бугулардан иборат. Резерват худудидаги бугуларнинг ўртача йиллик ўсиши 2018-2020 йй. 21.31% га ортганини кузатиш мумкин.

**Калим сўзлар:** Бухоро бугуси, популяция, панта, гон, йиллик мониторинг, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Қорақалпоғистон.

**Аннотация.** В данной статье на основе ежегодного мониторинга изучено современное состояние биологии и экологии бухарского оленя в Нижне-амударыинском государственном биосферном резервате. Исследования проводились в разные сезоны года через определенные промежутки времени. В 2019 году в заповедной зоне зарегистрировано около 1300 особей оленей, в 2020 году их общая численность составила около 1429 особей, из которых 24 % - самцов, 49 % - самок, 8 % - годовалок и 19 % - особей неопределенного пола. Можно заметить, что среднегодовой прирост оленей в резервате увеличился на 21.31 % в 2018-2020 гг.

**Ключевые слова:** Бухарский олень, популяция, панта, гон, ежегодный мониторинг, Нижне-амударыинский государственный биосферный резерват, Каракалпакстан.

**Abstract.** In this article, on the basis of annual monitoring, the current state of the biology and ecology of the Bukhara deer in the Lower Amudarya State Biosphere Reserve is studied. The studies were carried out in different seasons of the year at regular intervals. In 2019, about 1,300 deer were registered in the protected area, in 2020 their total number was about 1,429, of which 24% were males, 49% were females, 8% were yearlings and 19% were individuals of indeterminate sex. It can be noted that the average annual growth of reindeer in the protected area increased by 21.31 % in 2018-2020.

It can be observed that the average annual growth of deer in the reserve area increased by 21.31% in 2018-2020

**Key words:** Bukhara deer, population, antler, rut, annual monitoring, Lower Amu Darya State Biosphere Reserve, Karakalpakstan.

**Кириш.** Мамлакатимизнинг муайян бир ҳудудларида табиий ҳолатда ёввойи ўсимлик ва ҳайвонот оламининг камайишини ҳамда ноёб турларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни комплекс ҳимоя қилиш ишлари катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, юртимизда турли хил йўналишдаги кўриқхоналар барпо қилиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистонда – Жанубий Орол минтақасида учта муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мавжуд: Қуйи Амударё давлат биосфера резервати (“Бадай-тўқай” давлат кўриқхонаси), Судоче кўли ва Устюрт платосидаги Сайгачий давлат кўриқхоналари [2].

“Бадай-тўқай” давлат кўриқхонаси Ўзбекистон ҳукуматининг 1971 йил 26 апрелдаги фармойишига асосан табиий тўқайзорлар ва унинг ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида барпо этилган [3]. Кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августдаги 243-сон қарорига кўра, “Бадай-тўқай” давлат кўриқхонаси тугатилиб, Қуйи Амударё биосфера резервати ташкил қилинди. Биосфера резервати ҳудуди 68717,8 гектардан иборат бўлиб, шундан 11568,3 гектари катъий режимдаги муҳофазаланадиган кўриқхона зонаси ҳисобланади. Иқлими ўта континентал, қуруқ, ёзи иссиқ, қиши совуқ ва кам ёғингарчилиги билан тавсифланади. Континенталлиги суткалик, ойлик, мавсумий ва йиллик ҳаво ҳароратининг кескинлиги, қуруқлиги – кам ёғингарчилиги билан ажралиб туради. Тупроқ қатлами резерват ҳудудига қараб уч хил кўринишда: ўтлоқ-қайир-аллювиал, ўтлоқ-аллювиал, шўрхок [3].

Қуйи Амударё биосфера резерватида (Бадай-тўқай) турли ўсимлик жамоалари бўлиб, жамоа таркибининг асосий қисмини бута ва ярим буталар, камсонда эса бир йиллик ўтлар ташкил этади. Бадай-тўқайнинг умумий флористик рўйхатида дарахт ва буталар – 17 % ни, кўп йиллик ўтлар – 45 % ни, вақти-вақти билан ва жуда кам миқдорда тўқайларда учровчи бир йиллик ўтлар – 32 % ни ташкил қилади. Тўқай ўсимликларининг ҳаётий шакллари бўйича бундай тақсимланиши Амударё дельтаси флорасидаги ҳаётий шакллари умуций тақсимотига тўлиқ мос келади [1].

Бухоро буғулари – Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Шимолий Афғонистондаги дарё, ўрмон ва чакалакзорларида яшовчи буғунинг эндемик шакли. Ўзбекистонда Сурхондарё, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида учрайди [4,5,11] (1-расм). Қизилқум кўриқхонасида (Бухоро) кам сонли, Зарафшон (Самарқанд) ва Қуйи Амударё давлат биосфера резерватида (Қорақалпоғистон Республикасида) катта популяциялари сақланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида, жуфт туёқлилар туркумининг йўқолиб кетиш ҳавфи остида қолган локал тарқалган кенжа тури сифатида киритилган [8]. Кўп йиллар давомида Бухоро буғуси қуйидаги номлар остида ноёб буғулар (*Cervus elaphus*) турининг кенжа тури сифатида қараб келинган: *Cervus elaphus bactrianus* Lydekker, 1900 [4].



1-расм. Бухоро буғулари популяциясининг ҳозирги тарқалиши. ● – тарқалган жойлар.

**Материал ва методика.** Тадқиқот материаллари 2019-2020 йиллар давомида қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудидан йилнинг турли мавсумларида айланмаларга бўлинган тўқай кварталларида буғу популяциясининг жинси, ёш таркиби ва ҳозирги ҳолати бўйича материаллар йиғилди. Асосан тадқиқот ишлари умум қабул қилинган биоэкологик тадқиқот методлари: визуал кузатиш, стационар, маршрут, пиёда юриб ҳисоблаш шунингдек, ҳайвон излари [6,7], фекалийлари [6,7] ва сўқмоқларини




аниқлаш орқали олиб борилди. Кузатиш ва уларни сонини ҳисобга олиш ишлари кун давомида, “Bushnell” (16x52) дурбини ёрдамида олиб борилди.

#### Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Бухоро буғуларининг ареали тарихда Амударё ва Сирдарё водийларида ҳамда Марказий Осиёдаги бир неча майда дарёларнинг бўйларида яшаган [12]. XIX ва XX асрларда уларнинг ареали ерларни ўзлаштириш (қишлоқ хўжалиги учун) ва браконерлик туфайли жуда камайди [9]. Бухоро буғулари 1900 йилга келиб Сирдарё бўйларидан йўқолиб кетди ва 60 – йилларнинг ўрталарида популяцияси умумий сони 350-500 бош буғуни ташкил қилди [9]. 1970 – йиллардан бошлаб Марказий Осиёда Бухоро буғуларини химоя қилиш учун махсус кўрикxonалар ташкил этилиб, популяциялар аввалги тарқалиш жойларининг айрим қисмларида қайта тикланди. 1989 йилга келиб Ўрта Осиёда буғуларнинг умумий сони бир бирдан ажратилган 10 дан ортиқ яшаш жойларида 900 бош тарқалган эди, лекин браконерлик қайта бошланиши натижасида популяция яна 350 бош буғуга камайди [12]. 2000 – йилдан буён олиб борилган қайта тиклаш ишларидан сўнг Бухоро буғуларининг сони 2011 йилга келиб Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистонда жами 1900 бошга кўпайган [12].

Қуйи Амударё биосфера резерватида Бухоро буғуларини реинтродукция қилиш 1976 йилда В.П. Лим томонидан амалга оширилган (3 бош буғу). Сўнг 1979 йилда яна 9 бош буғу (3 эркак ва 6 урғочи) олиб келинган [2]. 1982 йилга келиб Қуйи Амударё биосфера резерватида буғулар сони 24 бош бошга [2], 1999 йил 100дан 2011 йил 666 та бош буғуга органини кузатиш мумкин [12] (2-расм).

2019 йил биз олиб борган санок ишлари натижасида жами 1300 бош атрофида буғу бор эканлиги аниқланди. Уларнинг 64 % урғочи ва болалари, 25 % эркак ва 11 % жинси номаълум буғулардан ташкил топганлиги аниқланди.



2-расм. Бухоро буғусининг Қуйи Амударё биосфера резерватидаги ўсиш тенденцияси (\* - Жолдасова ва бошқ., 2005, \*\* - Переладова, 2013, \*\*\* - Қуйи Амударё биосфера резерватининг йиллик ҳисоботлари, \*\*\*\* - муаллиф маълумотлари)

2020 йилги санок ишлари натижасида эса, жами 1429 бош атрофида буғулар борлиги аниқланди. Кузатишлар натижасида 24% эркак, 49% урғочи, 8 % болалари ва 19% жинси номаълум буғулардан иборатлиги аниқланилди. Резерват ҳудудидаги буғуларнинг ўртача йиллик ўсиши 1982-1999 йй. 8,76 % га, 1999 – 2011 йй. 17,12 % га, 2011 – 2018 йй. 5,23 % га ва 2018 – 2020 йй. 21,31 % га органини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, Қуйи Амударё биосфера резерватининг парваришхонаси (вольери)да 19 дона, шундан 3 эркак, 12 урғочи ва 4 ёш буғулар сақланади (4-расм. А.).

Бундан кўришиб турибдики, 2010 йилдан бошлаб ҚАБРда Бухоро буғуларининг ўсиш тенденцияси яхшиланиб борган ва 2018-2020 йй.га келиб ўсиш меъридан ортиб, ҳудудий таксимланишдан буғулар сони ортиб кетган.

#### Буғуларнинг био-экологиясига доир маълумотлар

Буғуларнинг асосий озукасига тўқай ва унинг атрофидаги ҳудудларда ўсадиган эфемерлар, ўтлар, ярим бута ва буталар ҳамда йирик дарахтларнинг япроқлари, майда шохлари ва ташқи қобиклари киради. Йиллик мониторинг ишларида озикланиш учун буғуларнинг резерват территорияси ва унинг атрофлари бўйлаб кенг тарқалиб ўтлаш сабаблари аниқланди. Ҳатто, кўп ёмғирли эрта баҳорнинг айрим кунларида тўқай чегарасига яқин Султон-Вайс тоғ тизмалари ва Қизилқум чўлидаги эфемер ўсимликлар билан озикланиши кузатилди. Тадқиқот даврида сув танқислиги натижасида тўқай ерларининг қуриши билан



ўсимликлар биомассасининг камайиши натижасида, айрим ҳолатларда буғуларнинг агроценоз ҳудудларига ўтлаш учун ўтишлари кузатилди.

Буғулар одатда гуруҳ ҳосил қилиб яшайдилар лекин, айрим мавсумларда эркаклари тўпланиб, урғочиларидан алоҳида юришлари кузатилди. Улар асосан куз мавсумида, яъни жуфтлашиш даврда бирга аралашиб юриши аниқланди. Бу даврида эркак буғулар ўзига хос баланд товуш чиқариб, урғочиларга ўзининг келганлигини ва бошқа эркак буғуларга ўзининг устунлигини билдиради.



А



Б



В



Г



Д



Е

3-расм. А- эркак буғу(бахор фаслида.), Б – Янги туғилган буғу боласи, В – ботқоқликка ва сувга ботиб нобуд бўлган буғу, Г, Д – пўстлоғи арчилган дарахтлар, Е – 30-40 кунлик буғу боласи. Расмларни М.Ш. Торемуратов олган.

Биз эркак буғуларнинг 17-18-19-20-22 ва 23-кварталларида кўпроқ тарқалганлигини аниқладик. Уларнинг бу кварталларда кенг тарқалишига – дарахтларнинг камлиги, очик майдонлардан иборатлиги, душманларини узокдан кўриш имкониятларини ва улардан тўда аъзоларини муҳофаза қилиш чораларини кўриш ҳисобланади. Урғочилари ва болалари аксинча 7-8-9-10-11-12 ва 13-кварталларда, яъни тўқайнинг



қалин ва зич ўсган жойларида тарқалганлиги кузатилди. Бу жойларда душманларидан ҳимояланиш, озуканинг кўплиги ва тўқайнинг дарёга яқинлиги асосий хусусиятларидан биридир. Кечки вақтда улар резерватнинг буфер зонасига озикланиш учун тўда-тўда бўлиб ўтлашга чиқади. Ҳар бир тўда камида 1 та эркак, бир нечта урғочи ва болаларидан ташкил топган.

Бизнинг тадқиқот ишларимиз асосан, йилнинг ҳар бир фаслида мониторинг қилиш орқали олиб борилди.

**Баҳор.** Эрта баҳорда улар кўпроқ буфер зонада, Султан Вайс тоғ тизмаларида, Қизилкум чўлида ўсадиган эфемер ўсимликлар билан озикланиш учун тез-тез қатнайди. Сўнгра тўқай худудидаги камишзорлар, дарахт ва толларнинг новдалари, жийдазорлар томонга ҳаракатланади. Бу даврда толлар ва турангилларнинг ёш новдалари, япроқлари катта аҳамиятга эга.

Баҳор мавсумида эркак буғуларнинг янги шохлари ўсиши бошланади, баҳорнинг сўнгида шаклланиши тугайди. Бу вақтда шохи ҳали юмшоқ бўлади ва баҳмал қобиқ билан қопланган бўлиб, агар жароҳатланса ундан қон оқади. Бундай ёш шохларни “панта” деб номланган (2-расм. А)[13].

Апрель-май ойларида буғоз буғулар эркакларидан ажралиб, тўқайнинг қалин жойларига ҳаракатланади. Тўқайнинг ноқулай, ботқоқлик ва қалин ўсимликлар билан қопланган жойларда ўз наслини, яъни буғу боласини дунёга келтиради. Янги туғилган буғу боласи 3 - 4 соатдан кейин оёққа туради ва сут билан озиклана бошлайди. Дастлабки кунлари она буғу боласини кунига 1 марта эмизади. Она буғу боласидан 100 - 200 метрдан олисга кетмайди. Бу вақтда янги туғилган буғу боласи фақат бир жойда ётади (3-расм. Б). Бир – бир ярим ҳафтадан кейин буғу боласи яхши югуради, сакрай олади ва онасининг изидан эргашиб юради. Сўнгра боласини кунига 4 - 6 марта эмизадиган бўлади. Апрель ойида олдин катталари, сўнгра 2 ҳафтадан кейин ёш буғуларнинг майин ва қаттиқ дағал жунлари тушиб қолади. Кўпинча туллаш май ойида жадаллашади.

Баҳор ва ёзги сув тошқинлари вақтида буғулар кўпроқ қуруқ жойларга қўчиб юришга мажбур бўладилар. Шу вақтларда ёш буғулар кўпинча дарёдан ҳосил бўлган батқоқликларга ботиб, нобуд бўлади (3-расм. В).



А



Б



В



Г

4-расм. А – парваришхона (вольер) даги буғулар, Б – йиртқичлар ҳужумидан нобуд бўлган буғу, В – буғу подаси (гон даври), Г – эркак буғулар ўртасидаги жанг.

Расмларни М.Ш. Торемуратов олган

**Ёз.** Бу даврда буғулар қалин ўтли жойларда, тунда 2-3 соатга, айрим вақтлари эрталабгача ётади. Яйлов учун тўқайнинг чети ва очик жойларни танлайди, бир неча бор ётоқ жойларидан чиқиб, чўл худудига ёки тўғридан-тўғри резерват чегарасига тарқалиб озикланади. Шу йўл билан буғулар қон сўрувчи ҳашоратлардан сақланади. Ёзги овқатланиш рационада ўт ўсимликлардан бошқа, оқ терак, турангилларнинг япроқлари ва шохлари, кўпинча юлғун ва шўралар кирса, баъзида саксовуллар билан ҳам қўшимча озикланади.

Эрталаб соат 9-10 ларда овқатлангандан кейин, аввал сув ичишга, кейин тўқайдаги буталик ва ўтлар билан қопланган жойга келиб кундузги уйкуга кетади. Қалин тўқайда йирткичларнинг буғуларга ҳужум қилиши қийинлашади ва бундай жойларда қон сурувчи ҳашоратлар кам бўлади. Ётадиган жойи чуқур бўлмаган, қуруқ тўпроқли ўйик. Бу жойда улар кун бўйи ётади, баъзан жойларини ўзгартириб туради. Ҳавфли вазият юз берган пайтда подадаги ҳоҳлаган индивид ўзгача, баланд овоз чиқаради. Унинг бундай сигналидан сўнг, подадагилар ҳатарни сезиб қочади.

Ёзда туғилганидан кейин 1 ой ўтиб, буғу болалари ўсимликлар билан озиклана бошлайди, лекин асосий озиғи она сути ҳисобланади (3-расм. Е).

Эркаларида июль ойининг охирида шохлари шаклланиш ва суякланишга ўтади. Август ўрталарида шохли эркалари шохининг ўлган терисини туширади. Бунинг учун шохлари билан дарахтларнинг танасига ва буталарга ишқалайди. Натижада дарахтларнинг постлоқ қисмига зарар еткази (3-расм. Г,Д). Июн ойида туллаш жараёни тугайди.

**Куз.** Августнинг охиридан октябр ойининг ўрталаригача буғуларда жуфлашиш даври бўлади. Буни жараён «гон» деб аталади (4-расм. В). Кун ботишидан олдин эркалари баланд товуш чиқариб урғочисини ўзига жалб қилишга ҳаракат қилади. Улардан чиққан баланд товуш бир неча километрлардан эшитилиб туради. Урчиш даврида эркалари шохларини синдириб, дарахтларнинг пўстини арчийди. Агар 2 эркак буғу учрашиб қолса, улар орасида шафқатсиз жанг бўлади (4-расм. Г). Ушбу жанглар рақиби майдонни ташлаб кетмагунча давом этади. Гон вақтида катта буғулар ўз атрофига 2-3 урғочидан иборат ҳарам тузади. Эркалари бу даврда оз озикланади ва камида 30-40 кг гача озиб кетади. Урғочилари гон вақтида болаларини ўзидан ҳайдаб юборади. Октябрга келиб, уларнинг жунлари қалин ва зич бўлиши кузатилди.

**Қиш.** Бу давр буғулар ҳаёти қийин кечади. Озуқалари бирданга камайиб, дарахтларнинг қобиғи ва йўғон шохларини ейишга мажбур бўлади. Қишқи озикланишда жийда меваси катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари тушган барглари, қамишнинг новдаларини ҳам ейди. Йилнинг бу даврида буғулар сутканинг кўп вақтида озуқа излаб ёйилиб юради. Озуқа излаш вақтида улар тўқай бўйлаб кўп юришга мажбур бўлади ва броконьерлар, йирткич ҳайвонлардан яшириниши қийин кечади.

Урғочилари болаларини эмизмай кўяди, сабаби болалари эркин овқатлана бошлайди. Қишқи даврда буғулар 7-10 индивиддан ташкил топган гуруҳларни ҳосил қилади. Лекин эркак буғулар алоҳида яшайдилар. Қишнинг охирида буғуларнинг шохлари тушиб қолади.

**Хулоса.** Тадқиқотлар давомида Қуйи Амударё биосфера резервати ҳудудидаги Бухоро буғуси популяциясининг йилдан йилга ўсишини яхши натижа сифатида баҳолаш мумкин.

Уларнинг жинсий ва ёш нисбати аниқланди. Тўпланган маълумотлар асосида ҳайвонларнинг кўпайиши ва ривожланиши яхши кўрсаткичга эгаллиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, келажакда тўқай ҳудудининг доимийлиги ва биохилма хиллиги, буғулар бош сонининг ортиши билан озуқа манбалари танқислигига олиб келади. Натижада буғуларнинг резерват ҳудудидан ташқарида, яъни қишлоқ хўжалиги экин майдонларига чиқиб пайҳон қилишлари ва ҳосилга зиён келтириши мумкин. Ушбу жараён, ҳозирги кунда ҳам қисман кузатилмоқда. Шу сабабли, резерватда сақланаётган буғу популяциясининг маълум бир қисмини, дарё бўйлаб жойлашган бошқа табиий тўқайларнинг бирига интродукция қилиш кераклигини аниқлади. Ундан ташқари, резерват ҳудудидаги ҳар бир квартални камида 5 йил давомида темир панжарали тўсиқлар ўрнатиш ва дарахт қўчатларини экиш тавсия этилади. Шунингдек, тўқай ичида бўйи 2,5-3 метрли бетон ёки ёғоч столбалар қўйишни ва шу орқали дарахтлар пўстлоғига камроқ зиён етишининг олди олинади. Ушбу чора тадбирлар, тўқай экотизимининг мувозанатини, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бир бутунлигини сақлаш имконини беради. Бинобарин, юқорида қайд этилган фикрлар Ҳалқаро экспертлар (Франция) томонидан ҳам таъкидланган[10].

Таъкидлаш жоизки, резерватнинг ташкилий – хўжалик ва биотехник фаолиятида қатор масалалар, муоммолар мавжуд. Биринчидан, сўғориш системасини модернизация этиш талаб этилади. Иккинчидан, йирткичлар (чийбўри, ёввойилашган итлар) сонини бошқариш ва тартибга солиш, браконьерликни бартараф этиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш буғулар популяция миқдорини янада барқарорлаштишига олиб келиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баҳиев А.Б., Трешкин С.Е., Кузьмина Ж.В., Мамутов Н.К. Мониторинг тугайных экосистем заповедника Бадай-Тугай // Матер. Респуб. научно-практ. конф. "Проблемы сохранения биоразнообразия на охраняемых природных территориях Узбекистана". – Ташкент, 2008. – С. 28-31.
2. Жолдасова И.С., Асенов Г.А., Павловская Л.П., Темирбеков Р.О., Любимова С.К., Уразымбетова Б.К., Ли Т.П., Туремуратова Г.И. Заповедник «Бадай-Тугай» и Бухарский олень: на пути совместного выживания // Вестник «ТИНБО», Ташкент, 2005.-С. 7-10.
3. Лим В.П. ва бошқ. Қўриқхона ва миллий боғлар. – Тошкент: Chinor ENK, 2010. 128 с.
4. Мармазинская Н. В. Методическое руководство для работ по воспроизводству и расселению бухарского оленя в местах естественного обитания. – Москва, 2012. – 65 с.
5. МСОП 2021. Красный список МСОП видов, находящихся под угрозой исчезновения. Версия 2020-3. <https://www.iucnredlist.org>
6. Ошмарин П.Г., Пикунов Д.Г. Следы в природе. – Москва.: Наука, 1990. – 296 с.
7. Павлинов И. Я. Краткий определитель наземных зверей России. Москва.: МГУ, 2002. 167 с.
8. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Ҳайвонлар. – Тошкент: Chinor ENK, 2019.- 392 с.



9. Brook S. M., Donnithorne-Tait D., Lorenzini R., Lovari S., Masseti M., Pereladova O., et al., 2017. Cervus hangul (amended version of 2017 assessment). The IUCN Red List of Threatened Species 2017: e.T4261A120733024
10. Cornelis D., Kan E., Gond V., Cesaro J.D., Peltier R., 2020. Estimation of red deer population and impact on Tugay forest ecosystem in the Lower Amu Darya State Biosphere Reserve, Uzbekistan. Bois et Forêts des Tropiques, 346: 65-78.
11. IUCN Red List of Threatened Species. IUCN, Gland, Switzerland, 2007.
12. Pereladova O., 2013. Restoration of Bukhara deer (Cervus elaphus bactrianus Lydd.) in Central Asia in 2000-2011. Deer Specialist Group Newsletter, 25: 19-30.
13. www.dic.academic.ru

УЎК 596.599.73.5.

## ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ЖАЙРОН (*Gazella subgutturosa*) ПОПУЛЯЦИЯСИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

*М.Ш. Торемуратов, таянч докторант, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент*

**Аннотация.** Бу мақолада Шимоли-ғарбий Қизилқумда тарқалган жайронларнинг табиий шароитидаги ҳозирги ҳолати ёритиб берилган. Шимоли – ғарбий Қизилқум чўлининг Нукус, Акчадарё, Белтоғ ва Оқпеткей қисмларида, Ялтирбош кўли атрофларида, чўлда жойлашган 11 та табиий кўл, 46 та артезиан қудуқ ва ерости кранлар атрофидаги адир ва яйловда, умумий 1000 кмдан зиёд масофада олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот давомида жайронларнинг 121 та индивиди рўйхатга олинди ва уларнинг тарқалиш ареали белгиланди. Рўйхатга олинган жайронларнинг 26,45 % эркак, 58,67 % урғочи ва 14,87 % болалари ташиқил этди.

**Калим сўзлар:** *Gazella subgutturosa*, популяция, GPS-координатаси, Шимоли-ғарбий Қизилқум, Нукус, Акчадарё, Белтоғ, Оқпеткей, Жылтырбас кўли, Қорақолпоғистон.

**Аннотация.** В статье описывается современное состояние природной популяции джейрана северо-западных Кызылкумов. Результаты исследования были представлены в Нукусской, Акчадарьинской, Бельтауской и Акпеткейской частях северо-западной пустыни Кызылкум, вокруг озера Жылтырбас, 11 естественных озерах в пустыне, 46 кустарных колодцах и холмах и пастбищах вокруг подземных кранов, с общим расстоянием более 1000 км. В ходе исследования была зарегистрирована 121 особь джейрана и отмечены ареалы вида. Из зарегистрированных газелей 26,45% составляли самцы, 58,67% - самки и 14,87% - молодняка.

**Ключевые слова:** *Gazella subgutturosa*, популяция, GPS-координаты, Северо-Западный Кызылкум, Нукус, Акчадарья, Белтаг, Акпеткей, Озеро Жылтырбас, Каракалпакстан.

**Abstract.** The article describes the current state of natural populations of gazelles in the northwestern Kyzyl Kum. The results of the study were presented in the Nukus, Akchadarya, Beltau and Akpetkei parts of the northwestern Kyzylkum desert, around Lake Zhylytyrbas, 11 natural lakes in the desert, 46 artisanal wells and hills and pastures around underground cranes, with a total distance of more than 1000 km. In the course of the study, 121 gazelles were registered and the ranges of the species were marked. Of the registered gazelles, 26.45% were males, 58.67% were females and 14.87% were young.

**Key words:** *Gazella subgutturosa*, population, GPS coordinates, North-West Kyzylkum, Nukus, Akchadarya, Beltag, Akpetkei, Lake Zhylytyrbas, Karakalpakstan.

**Кириш.** Қизилқум Осиёнинг энг катта чўлларида бири бўлиб, Амударё ва Сирдарё оралиғида, Ўзбекистон, Қозоғистон ва қисман Туркманистон худудида жойлашган. Тахминан 300 минг км<sup>2</sup> (30 млн.га) майдонни ўз ичига олади [9].

Қорақалпоғистон худудидаги Қизилқум саҳроси ўзининг физик – географик характериға асосан Шимоли-ғарбий Қизилқум деб номланади ва 3,5 млн. га дан ортиқ майдонни эгаллайди [1].

Қизилқум чўлининг ҳайвонот дунёси хилма-хил бўлиб, жайрон популяциялари алоҳида ўринга эға.

Ушбу тур ареали Мўғулистон ва Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидан Марказий Осиё (Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва бироз Тожикистон ва Қирғизистонда) орқали Эрон, Афғонистон ва Покистонга қадар тарқалган, шунингдек, Жанубий Кавказда ҳам учрайди [8] (1 расм). Бугунги кунда уларнинг тарихий ареали жуда ҳам қисқариб кетган.

Ўзбекистонда ХХ асрнинг 50-80 йилларида қатор олимлар томонидан Шимоли-ғарбий Қизилқумдаги жайронларнинг сони 20-25 минг бош эканлиги ва уларнинг Амударё дельтасида, Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Қўнғирот, Қораўзак ва Нукус туманларидаги кум яйловларида яшаганлиги қайд этилган [3, 4]. 1971-1974 йилларда жайрон Орол денгизининг Жануби-шарқий қирғоғидаги Кабақли, Табесқум, Ержантоғ кумларида ва Белтоғ (Борше) баландликлари атрофида тарқалганлиги қайд этилган [5, 6, 7].


**Abstract.** The article provides a detailed analysis of the main factors that threaten the status of coenopopulations of rare species of the genus *Otostegia*. In recent years, there has been a transformational trend in vegetation cover. The constant increase in anthropogenic impact is accelerating such processes. All of the species studied during our study were found to be regressive. The main reasons for this are the growing needs of the farm from year to year, the unregulated feeding of livestock, the acceleration of the decontamination process and the intensification of pests in the area. The article emphasizes the need to establish protected areas and establish systematic monitoring as the most effective way to preserve the biodiversity of the studied area and the population of rare species.

**Keywords:** *Otostegia*, transformation, *in situ*, relic, ecotope, status of vitality of species.

Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши ҳамда табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада ўсимлик турларининг миқдори камайиб кетиш хавфи туғилмоқда. Республика кўриқхоналарида муҳофаза қилинаётган турларнинг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлишига қарамай, кўплаб ёввойи турларнинг табиий захиралари кескин равишда камайиб бормоқда [1].

Маълумки Сурхондарё вилоятининг кўпгина тоғ ва тоғолди худудларидан йил давомида маҳаллий аҳоли томонидан чорва моллари учун яйлов сифатида фойдаланилади. Табиатдан нооқилона фойдаланиш, чўлланиш жараёнининг кучайиши, иқлим ўзгаришлари, тупроқларнинг шўрланиши ва бошқа қатор омилларнинг таъсирини *Otostegia* туркуми ценопопуляцияларида яққол кузатишимиз мумкин.

*Otostegia* туркуми турлари ем-хашаклик нуктаи назаридан катта аҳамиятга эга эмас. Улар ҳатто чорва моллари энг кўп боқиладиган худудларда (Бойсун, Боботоғ) ҳам қимматли озубоқ ўсимликлар қаторига кирмайди. Аммо чорва ўтлайдиган даврда *Otostegia* туркуми турларининг яшил витаминга бой барглари кам миқдорда қўй ва эчкилар ейди. Бу эса йиллик новдаларнинг жиддий шикастланишига олиб келади. Помир-Олой тизмасининг тоғларида ва тоғ этакларидаги ҳар-хил ўтли шувоқзор, шувоқли-бутазор, эфемероидли-шувоқзор яйлов хиллари таркибида бошқа юмшоқ пояли ўтлар билан бирга баҳор ойларида у майда шохли чорва моллари томонидан истеъмол қилинади.

**Тадқиқот объекти ва методлари.** Тадқиқот объекти сифатида *Otostegia* туркумининг Помир-Олой тизмасида тарқалган 3 эндем тури олинди. Булар *Chartocalyx* секциясидан *O.bucharica* V.Fedtsch., *O.glabricalyx* Vved., *O.fedtschenkoana* Kudr. турларидир. *Otostegia* туркуми турларининг муҳофаза чораларини ишлаб чиқишда 2018-2020 йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили асосидаги натижалардан фойдаланилди. Отостегия туркуми турларини аниқлашда Кудряшев (1939) [5], Введенский (1961) [4] маълумотларидан фойдаланилди. Ценопопуляция ҳолатини мониторинг қилишда Заугольнова [11] методи қўлланилди. Туркум турларининг координатларини аниқлашда SASPlanet.191221, турларнинг виталитет ҳолати акс эттирилган харита ArcGIS 10.6.1 дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Отостегия турлари популяцияларига чорва молларининг истеъмол қилишидан кўра улар томонидан пайҳонланиши орқали кўпроқ зарар етказилади. Эрта баҳор ойларида яйловларда озубоқ етарли бўлмаган даврда чорва моллари емиш излаб кўп йўл босади ва шу пайтда ўсимлик, айниқса, ёш новдалари босилиб нобуд бўлади ва бу ўз навбатида уларнинг ценопопуляциялари структурасига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Ўзбекистонда туркум ценопопуляциясига чорва молларидан ташқари худудда кенг миқёсда олиб борилаётган йўл қурилиш ва геологик қидирув ишлари ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ўрганилган худудда тарқалган *O.bucharica* турининг энг юқори концентрацияси қайд этилган Дарбан-Шўрб қишлоқлари яқинида охириги йилларда қурилиш ва геологик қидирув ишлари авж олмақда. 2005 йилда худуддан темир йўл ўтказилиши натижасида шундоғам кам сонли таркибга эга *O.bucharica* популяциясининг бир қисми (95 туп) ЎзФА Ботаника институти ходимлари ташаббуси билан бошқа жойга (табиий популяциясидан 1 км узоқликка) кўчирилган ва турли йилларда (2006, 2018) мониторинг ишлари олиб борилган [7]. Мазкур худуддаги кончилик тадқиқотлари бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Тадқиқот худудларини географик жойлашувидан келиб чиқиб бир қатор табиий омиллар билан бирга рекреация, ўсимлик уруғларига хашаротларнинг зарар етказиши, чорва молларининг тизимсиз боқилиши, отостегия турларидан ўтин сифатида фойдаланилиши ва бошқа инсон омиллари ўрганилган турлар ценопопуляцияларининг замонавий ҳолатига ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кунга келиб туркумнинг жами ўрганилган 6 та ценопопуляциясидан барчаси кретик ҳолатдалиги, ёки бошқача айтганда


жами ценопопуляцияларнинг бирортаси ҳам оптимал ҳолатга яқин эмаслиги фикримиз исботи ҳисобланади.

Гап ўрганилган турлар ценопопуляцияларини муҳофаза қилиш тўғрисида борар экан, аввало қайси турлар ценопопуляцияларига асосий эътибор қаратилишига оидинлик киритиш зарур. *O.fedtschenkoana* ва *O. glabricalyx* табиатдаги тушлар миқдорига кўра, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” нашрларига киритилмаган. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра ушбу турлар табиатда анча кам тарқалган. Олинган натижаларнинг таҳлили *O. glabricalyx* нинг ўрганилган ценопопуляцияларида 1 м<sup>2</sup> да ўртача 1 та тупи, *O.fedtschenkoana* да 1,1 та тупи учрашини кўрсатди. Бу кўрсаткич ер сатҳининг ўсимликлар билан қопланиш даражаси ўртача 30-50% бўлган тоғ ва тоғолди ҳудуд шароити учун етарли ҳисобланмайди. Шу билан бир қаторда, охириги йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида (Олтинсой, Узун ва Сариосиё) юзага келган экологик вазият экотопларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Алюминий заводи фаолияти натижасида ҳавога тарқалаётган фторид бирикмалли газлар теварак атрофдаги биохилма-хиллик таркибига, уларнинг ҳолатига салбий таъсир этаётгани бир қатор тадқиқотларда ўз исботини топмоқда.

Йилдан-йилга кескин ўзгараётган иқлим омиллари ҳаттоки тоғли ҳудудда тарқалган кўплаб турлар-геофитлар, бир, икки, кўп йиллик ўтлар ва ҳатто бутасимон ўсимликлар жумладан, туркум популяцияларига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу таъсирлар, айниқса, уларнинг фенофазаларидаги айрим ўзгаришларда, ҳароратнинг кескин ўзгариши (Ўзбекистонда ҳар ўн йилда ўртача ҳаво ҳарорати 0.27°С га ортиб бормоқда) туфайли йиллик новдаларнинг совук уруши натижасида нобуд бўлишида ўз аксини топмоқда. Ана шундай вазиятларни эътиборга олган ҳолда *O. fedtschenkoana* ва *O. glabricalyx* турлари айни пайтда Республика Қизил китобининг кейинги нашрларига киритилишини ҳамда улар устида узок муддатли мониторинг олиб боришни тақазо этади.

*O.bucharica* Ўзбекистон ҳудудида туркумнинг энг кам тарқалган реликт эндем тури ҳисобланади. Унинг ареали узилган типда бўлиб, майдони 2 км<sup>2</sup> дан ошмайдиган гипсли тепаликларда сақланиб қолган. М.Г. Попов [8] қайд этишича гипсофил ўсимликлар, шу жумладан отостегиялар Ўрта Осиёда кенг тарқалган илгари мавжуд бўлган бошқа флоранинг қолдиғидир. Уларнинг бугунги тақдири катта хавф ёқасида қолмоқда. *O.bucharica* нинг Сурхондарё вилояти Шўроб, Дарбанд ва Гўрхожи қишлоқлари атрофларида бир-бирдан ажралган иккита популяцияси мавжуд. Шўроб ва Дарбанд атрофларидаги популяцияда тушлар сони 1980 йилларда 1 800 туп атрофида бўлган бўлса [2], бугунги кунда 400 тупдан ошмайди. Гўрхожидаги популяцияда илгари 3000 тупга яқин отостегия қайд этилган бўлса, бугунги кунда тушлар сони 200 тага ҳам етмаслиги аниқланди. Ценопопуляцияда тушлар сонининг камайиши ва ёш ниҳолларининг деярли йўқлиги ҳудудда чорва молларининг кўплаб боқилиши ҳамда ўсимлик уруғига турли ҳашаротларнинг зарар келтириши билан изоҳланади. Айниқса ўсимликнинг уруғи 90 % ҳолларда турли ҳашаротлар томонидан зарарланади ва ўсиш учун яроқсиз ҳолатга келади (1-расм). Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш ва ўсимлик уруғларини сақлаб қолиш мақсадида 2020 йилда тур популяциясига синов тариқасида Nurell-D препарати билан ишлов берилди.

Айни пайтда ўрганилган турлардан фақат *O.bucharica* Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган [3, 256 б., 276 б., 265 б.]. Муҳофаза чораларини кучайтириш мақсадида у ўсиб турган жойларда буюртмахона ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.



2-расм. *Otostegia* ценопопуляцияларининг тарқалиш харитаси

Турлар ценопопуляцияларининг юқорида қайд этилган замонавий ҳолатлари, глобал иқлим ўзгариши ва антропоген таъсирлар оқибатида юзага келган оғир экологик вазиятлар тадқиқот объектларини муҳофаза этишни тақазо этади.

Маълумки, биологик хилма хиллик ва турларни сақлаб қолишда энг самарали усуллардан бири “муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар” майдонларини ташкил этиш ҳисобланади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар деганда эса давлатнинг тегишли органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий мақсадлар учун ажратиб берилган ер майдонлари тушунилади. Мамлакатимизда 2005 йилнинг декабрида қабул қилинган “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунда қайд этилишича, ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Мазкур қонунда табиат ёдгорликларининг ҳуқуқий мақоми, турлари ва режими аниқ белгилаб берилган.



Охирги йилларда биотик ва абиотик омилларнинг биохилма-хилликка бўлган таъсири, табиатимизни ноёб элементларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Республикаимизнинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари майдонини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Дунё амалиётида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар давлат умумий майдонини 10-11 фоизини ташкил этади. Бизнинг республикаимизда бундай ҳудудлар умумий майдонимизни 2,0 фоизига яқин. Юқоридаги тенденциядан келиб чиқиб муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар чегарасини кўриб чиқишда вазиятга объектив ёндашув даркор. Айтмоқчимизки, маълум бир майдон кўриқланадиган ҳудудлар тизимига киритилиши учун айрим эндем турларнинг мавжудлигининг ўзи асосий меъзон бўлиши керак эмас, балки ҳудуд эндемизм ва камёб турлар нуктаи-назаридан муҳим ботаник ёки зоологик ҳудуд бўлмоғи (яъни бир қанча камёб, эндем, реликт турлар ўсадиган ноёб экотоп) ва шунинг билан бирга шундай мақомга эга турлар популяциялари муҳофазага муҳтож бўлмоғи лозим.

**Хулоса.** Биз юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда ва бизгача Ўзбекистонда камёб турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолашга қаратилган маълумотлар таҳлиliga таяниб Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий этаклари (Бойсунтоғнинг Дарбанд-Шўроб ва Гўрхожи қишлоқлари атрофларини, Хонтахтадоғнинг Ишкент қишлоғи атрофларини) ва Боботоғнинг Хўжа-кулсун ва Чаган қишлоқлари атрофларидаги ҳудудларини (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) республиканинг тадқиқотида этиладиган табиий ҳудудлари тизимига киритилишига тавсия этамиз. Мазкур тоғларда тадқиқотимиз объектларининг жами 6 ценопопуляцияси учрайди ва энг асосийси уларнинг бирортаси ҳам оптимал эко-фитоценотик шароитга яқин эмас, аксинча, уларнинг 95% кретик ҳолатдадир (2- расм).

Шу билан бир қаторда *O.glabricalyx* ва *O.fedtschenkoana* каби эндем турлар ценопопуляциялари умумий тушлар сонининг жуда камлиги (чорва молларининг узлуксиз боқилиши билан боғлиқ ҳолда) ва тур ареалининг Ўзбекистоннинг жанубий қисмида ўта торлиги мазкур тур популяцияларини муҳофаза қилиш кераклигини кўрсатади. Шу сабабли ушбу турларни Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” нинг навбатдаги нашри учун тавсия этамиз.

Камёб ва ноёб турлар популяцияларини сақлаб қолиш учун дунё амалиётида энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири *in situ* усули ҳисобланиб, унинг моҳияти камёб турларни ўзи ўсиб турган муҳитда сақлашдан иборат, яъни уруғ сепиш ва кўчат ўтказиш орқали ёки антропоген омил юқори бўлган ҳудуддан тушларни кўчириб ўтказиш йўли билан йўқолиб бораётган турнинг «сунъий популяцияси» ни яратишдан иборат. Бу усул *O.bucharica* ценопопуляциясини сақлаб қолишда ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураимов О.С. Қизилқумда тарқалган *Tulipa* L. туркуми турларининг биологик хусусиятлари ва ценотик популяцияларининг ҳолати Биология фанлари бўйича фалсафа доктор диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 44 б.
2. Белолипов И.В. Современное состояние редчайшего вида флоры Средней Азии Отостегии бухарской. Интродукция и акклиматизация растений. – Ташкент. Изд-во ФАН Узбекской ССР, 1980. вып.17. – С. 90-100.
3. Белолипов И.В. *O.bucharica* В.Fedtsch. Красная книга Республики Узбекистан. – Ташкент, ЭНК "Чинор", 1996. – С. 256.
4. Введенский А. И. Сем. Лабиагае. Флора Узбекистана. Т. 5. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961, – С. 263-416.
5. Кудряшев С. Фрагменты к монографии рода *Otostegia* Benth. // Труды бот. сект. ком. наук УССР. – Ташкент, 1939. – 1-60.
6. Определитель растений Средней Азии. –Ташкент: Фан Уз ССР, 1993. Т. XII. – С. 124-131.
7. Тожибаев К., Бешко Н., С. Волис Translocation of *Otostegia bucharica*, a highly threatened narrowly distributed relict shrub. *Plant Diversity*, 2019. 1-4 с.
8. Попов М. Г. Флора пестроцветных толщ (красно песчаниковых низкогорий) Бухары. Ташкент.1923.–3-43 с.
9. Тургинов О.Т. Бойсун ботаник-географик райони флораси: Дисс. ... канд. биол. наук.–Тошкент:2017.–296. б.
10. Хасанов Ф. О. Эндемичные растения Юго-западных отрогов Гиссарского хребта. *Узбекский биологический журнал*. 1991. 2: 41-45.
11. Заугольнова Л.Б., Смирнова О.В., Комаров А.С, Ханина П.Г. Мониторинг фитопопуляций. Успехи соврем. Биологии. 1993. 113, (4) – С. 402-414.

УДК:634.11,63421

### ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ИҚЛИМЛАШТИРИЛГАН УЗУМ НАВЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ

*И.Ю. Хайитов, Қарши давлат университети, Қарши*  
*М.А. Шаронова, Қарши давлат университети, Қарши*  
*М.Я. Ярашова, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қашқадарё илмий тажриба станциясида узумнинг маҳаллий ва четдан келтирилган навларининг биологияси, фенологияси, занглариининг ўсиш ритми ва ҳосилдорлиги ўрганилди. Қасалликларига қарши курашиш учун таклифлар киритилди, истиқболли бўлган навлар ажратилди ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** Узум меваси, пархезлик, озуқалилик, богдорчилик, тўйимли, шифобаҳи, майиз, истиқболли узум навлари, узум зарақунандалари.

**Аннотация.** В данной статье на Кашкадарьинской научно-опытной станции изучены биология, фенология, ритм роста и урожайность ржавчины отечественных и интродуцированных сортов винограда. Даны рекомендации по борьбе с заболеванием, определены перспективные сорта и даны рекомендации по производству.

**Ключевые слова:** Виноград, диетический, пищевой, садоводческий, питательный, лечебный, изюм, перспективные сорта винограда, вредители винограда.

**Abstract.** In this article, the biology, phenology, growth rhythm and yield of rust of domestic and imported varieties of grapes were studied at the Kashkadarya scientific Experimental Station. Recommendations for disease control were made promising varieties were identified and recommendations for production were given.

**Key words:** Grapes, dietary, nutritional, horticultural, nutritious, medicinal, raisins, promising grape varieties, grape pests.

**Кириш.** Мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилиб, бутунлай янги интенсив технологияга асосланган боғлар барпо этилмоқда. Муҳтарам Президентимиз бу масалага ўз эътиборларини қаратиб, қуйидагича фикр билдиради: “Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. 2017-2020 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди [1].

Узум меваси ўзининг пархезлик ва озиқалиги жиҳатидан инсон организми учун энг зарур маҳсулот ҳисобланади. Пишиб этилган узум таркибида, айниқса, кишмиш навларида 28-30 % гача организм томонидан тез ўзлаштирилаётган қандлар - глюкоза, фруктоза ва сахароза бор. Фруктоза - ошқозон ости безининг иштирокисиз тез сингади. Шу туфайли қанд касаллиги (қандли диабет) нинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, янги узилган узум таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган олма, вино, лимон, қахрабо, шавел, чумоли ва бошқа бир қанча органик кислоталар, калий, кальций, фосфор, натрий каби минерал тузлар, мева пўсти таркибида ранг берувчи моддалар (пигментлар), дубил моддалар сақлайди [2,3].

К.В.Смирнов ва бошқа олимларнинг маълумотларига қараганда 1 л янги узум шарбатининг қуввати таққосланганда 1,7 л сигир сутига, 650 г мол гўштига, 1 кг балиққа, 300 г бринзага, 500 г нонга, 3-5 дона тухумга, 1,2 кг картошкага, 3,5 кг помидорга, 1,5 кг олма, нок ёки шафтоли қувватига тенг келар экан. Маълумки, узумдан турли мақсадлар (истеъмол қилиш, қайта ишлаш ва ҳ.к) да фойдаланилади. Узум асосан, июль ойидан ноябрь ойигача янгилгича истеъмол қилинади. Махсус совитгичларда сақланганларини март-апрель ойларида ҳам тансиқ ва шифобахш мева сифатида истеъмол қилинади. Шунингдек, янги узумдан мураббо, компот, шарбатлар, шинни, концентратлар, юқори сифатли винолар ҳам тайёрланади. Майизбоп навлари қуритилганда ўта тўйимли, шифобахш маҳсулот беради. Майиз (кишмиш, гармиён ва ҳ.к.) қадимдан тўйимли ва шифобахш озиқ сифатида қадрланиб пархезлик хусусиятига эга бўлган. Узум майизи таркибида 80% гача қанд моддаси бўлиб, асосан у глюкоза ва фруктозадан иборат. Шунингдек, азотли ва ошловчи (дубил) моддалар, органик кислоталарга ҳам бой. Майизнинг қимматлиги яна шундаки, уни узоқ муддат сақлаш, олис жойларга олиб бориш ёки жўнатиш мумкин. Узоқ сафар (экспедиция) га борувчилар учун организмга қувват берувчи, толиқишдан асровчи бебаҳо озиқ ҳисобланади [4].

**Тадқиқот услуби** Тадқиқотлар жараёнида, меваларни навларга ажратиш Мичурин (1973), узум навларини ажратиш “Виноградство с основами ампелографии”(1978), Токларнинг ўсиш динамикаси ҳар 10 кунда В.В. Смирнова ва А.А. Молчанова (1964), математик статистикалар Н.Л. Удольская (1976) методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили** Республикада боғдорчилик ва узумчиликни ривожланиши натижасида академик М.М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти станциясида ҳам соҳани ривожланиши учун чора-тадбир Дастури ишлаб чиқилиб, ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, академик М.М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тажриба станцияси илмий ходимлари ҳам узумчиликни ривожлантириш мақсадида узумнинг 22 нави (ҳар бир наван 10 донадан 20 донагача) Самарқанд тажриба станциясидан 2010 йилда олиб келинди ва нав синаш майдончасида вилоят иқлим шароитида мосланувчанлиги ва ҳосилдорлигини ўрганиш учун 3,0 x 2,5 схемада экилди.

Шунга қўра, 2018-2020 йиллардаги олиб борилган кузатувларимизда, узум навларида барг куртакларнинг бўртиши 10 апрелдан 20 апрелгача давом этди. *Эртапишар* навида барг куртаклари 10 апрелдан, *кишмиш Мотрудий*, *тойфи*, *оқ кишмиш* ва *даройи* навларида куртак бўртиши 12 апрелдан ва қолган навларда 15 апрелдан 20 апрелгача, гуллаш муддати 20 апрелдан 30 апрелгача давом этди. *Даройи*, *эртапишар* навларида гуллаш 25 апрелдан, *ўртапишар оқ кишмиш*, *туятмиш*, *қора жанжал*, *қора кишмиш*, *Ботир кишмиш* навларида 25 апрелгача ва қолган навларда 30 апрелгача давом этди. Узумнинг тўлиқ пишиб этилиши *даройи*, *эртапишар* навларида 25 июндан, *оқ кишмиш*, *туятмиш*, *қора жанжал*, *қора кишмиш*, *Ботир кишмиш* ва *туятмиш* навларида 20 августгача, қолган навларда 20 сентябргача давом этди.

Ўрганилаётган узум навларининг ҳосили кузатув йилларида ҳар тупида 5 кгдан 10 кггача ташкил этди. *Хусайни*, *мускатний*, *эртапишар*, *даройи* ва *тойфи оч қизил* навларида ҳосилдорлик юқори эканлиги кузатилди. Ушбу навларнинг бир бошини ўртача оғирлиги 400 грамдан 610 граммни ташкил этди. Қолган навларда бир бош узумининг оғирлиги 580 грамдан 627 грамгача эканлиги қайд этилди.

М.Мирзаевнинг таъкидлашича, ерга кўпроқ калий ва фосфор ўғитлари берилса бундай ҳолатда узум меваси таркибида қанд моддасининг ортиши сезиларли даражада бўлади. Азотли ўғитлар меваларда қанд

моддасини камайтириши ва уларнинг пишиб етилиш муддатларини орқага суриши аниқланган. Фосфорли ўғитлар аксинча, пишиб етилиш муддатини тезлаштиради [5].

**Тавсия** Албатта тоқдан мўл-қўл ҳосил олиш учун унинг агротехникасига катта эътибор бериш керак. Ток кесиш муҳим агротехник усул бўлиб, токнинг ўсиши ва мева беришини тартибга солиди. Бу усул ёрдамида токни парваришлаш учун шакл берилиб, у тоқзорлардан фойдаланиш давомида сақлаб турилади. Ток тупларига тўғри шакл бериш ва оқилона ўстириш тизими тупдан узоқ вақт ва юқори ҳосил олинишини таъминлайди.

**Таклиф.** Қашқадарё вилояти шароитида ток ўсимлигига асосан зараркунандалардан узумхўр курт, ун ғуборли, ток курти тоғ олди минтақаларида кравчик кўнғизи; касалликлардан оидиум антракноз бактериал рак ва қисман хлороз касалликлари жиддий зарар етказиши мумкин. Токларни бу касалликлардан ҳимоя қилиш учун кузда ёки баҳорда куртақлар ёзишдан олдин 3% ли бордо суюқлиги (100 литр сувга 3 кг мис купораси ва 3 кг оҳак қўшиб тайёрланади) билан ишлов берилади. Баҳорда 5-6 дона чин барг чиқаргунга қадар бордо суюқлигининг 1% ли эритмаси билан ишлов берилади. Мобода май ойи ёғингарчилик билан келса бу ҳолат ҳар 7-10 кунда 2-3 маротаба такрорланади. Шундай тадбир амалга оширилганда токлардан юқори ҳосил олишга эришиш мумкинлиги тажрибаларда аниқланди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. 2018 йилда иқтисодийётимизда туб таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Темуров Ш. Узумчилик. Дарслик. Тошкент – 2002. 6-7 б.
3. Юсупов Ш.Т. Республикада интенсив боғ ва тоқзорларни ривожлантириш, ҳосилдорлигини ҳамда мева сифатини ошириш омиллари. М.М.Мирзаев номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий – тадқиқот институти. Илмий-амалий конференция маърузалар матни. Тошкент, 2013. 3–8 б.
4. Смирнов К.В. Бессемянность винограда и селекция бессемянных сортов в Узбекистане: Автореф.дисс.докт.с.х.наук. – Ереван. – 1977. – с. 36.
5. Мирзаев. М.М., Ризаев Р.М. Мева ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш. “Ижод дунёси” – 2003. 25–26 б.
6. Простосердов Н.Н. Технологическая характеристика винограда и продуктов его переработки// Амπεлография СССР. – М: Пищепромиздат. – 1946. – Т.1.
7. Смирнов В.В., Молчанов А.А. Сезонный рост главнейших древесных пород. М: Наука, 1964. 166 с.
8. Удольская Н.Л. Введение в биометрию. Алма-Ата: Наука, 1976. 28

УЎК 632.728

### ЗАРАРЛИ ТЕМИРЧАКЛАРНИ ТАРҚАЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ЗАРАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА, ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМҚОР БИОЛОГИК КУРАШ ЧОРАЛАРИ И.А.Ҳамроев, тадқиқотчи, к/х.ф.ф.д., Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Тошкент О.Ю. Отоев, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

**Аннотация.** Темирчақлар – ўсимликхўр ва аралаш озиқланувчи ҳашарот турларига мансуб бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида уларнинг 50 дан ортиқ турлари мавжуд ва уларнинг 5 тури экинларга жиддий зарар етказиши мумкин. Аммо, кейинги йилларда қишлоқ хўжалик экин майдонларида ва бу майдонларга туташ бўлган қаровсиз ерларда, хусусан канал бўйлари, зовурлар, таиландиқ ерларда, мевали боғлар, сабзавот экин майдонлари четларида тарқалаётган зарарли темирчақлар йил сайин Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари экин майдонларига сезиларли даражада зарар келтириб, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига ҳавф солмоқда.

**Калим сўзлар:** Темирчақлар, оқпешонали, кулранг, яшил, думли, вилоятлар, тарқалиши, экинлар, биопрепаратлар.

**Аннотация.** На территории Узбекистана зарегистрированы более 50 видов растительноядных и смешанно питающихся видов кузнечиков, из которых серьёзный вред с.х. культурам могут нанести 5 видов. В последние годы на полях, заброшенных землях вокруг полей и фруктовых садов, на берегах каналов и коллекторов и на обочинах дорог в Сурхандарьинской, Кашкарарьинской, Джизакской, Сирдарарьинской и Ташкентской областей наблюдается увеличение числа кузнечиков и наносимого ими вреда с.х. культурам.

**Ключевые слова:** Кузнечики, белолобый, серый, зеленый, хвостовой, регионы, распространение, посе́вы, биопрепараты.

**Abstract.** More than 50 grasshopper species that feed on plant and non-plant substrates are registered in Uzbekistan. Some 5 their species can cause significant damage to agricultural crops. During last years both a number increase and crop damage are observed on and around crop fields and orchards, on shores of irrigation and drainage canals and other wastelands in Surkhandarya, Kashkadarya, Jizzakh, Sirdarya and Tashkent regions.

**Key words:** Grasshoppers, white-fronted, gray, green, tail, regions, distribution, crops, biological products.

Республикада озиқ-овқат режасини бажаришда, экологик тоза ва органик маҳсулотлар етиштиришда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини зараркунанда ҳашаротлардан биологик ва агротехник ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги кунда барча ресурс ва усуллардан оқилона фойдаланиш, тежамқор технологияларни қишлоқ хўжалигига, хусусан ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида жорий этиш долзарб вазифалардан бири бўлмоқда.



Қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказиш хавфи туғдираётган зараркунандалардан бири зарарли чигиркасимонлардан зарарли темирчаклар ҳисобланади. Зарарли темирчакларни қишлоқ хўжалиги экинлари яйловлари ва дов-дарахтларга ёппасига ёпирилиб уларни еб битириши натижасида чорва моллари ва жонзотларни қирилиб кетиши, бутун бошли мамлакатларда ва катта ҳудудларда очарчилик юзага келган ҳолатлари тарихдан маълум.

Ҳозирги даврда ҳам чигирткасимонларни ёппасига кўпайиши ва тарқалиб зарар етказиши оқибатида Африка, Осиё ва Австралияда катта ҳудудларда деҳқонлар етиштираётган ҳосилни тўлиқ йўқ бўлиб кетиши ҳолатлари кузатилмоқда. Биргина 2020 йилда Африканинг 30 та давлатларида 16 млн. км<sup>2</sup> зарар берганлиги аниқланган ва зарари 500 млн. АҚШ доллар баҳоланган.

Суғориладиган экин майдонларининг катта қисмига бошоқли дон экинларини жойлаштириш, республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структурасининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Айнан ана шу масала, яъни инсонни табиатга аралашуви, аҳоли сони ортиб бориши билан озиқ-овқат масаласи глобал муаммога айланган шу даврдан қадимдан шаклланиб келган бирламчи биоценозларини ўзгартириб, иккиламчи биоценозларга ёки агроценозларнинг ўзгаришига туртки бўлди [1].

Темирчаклар одатда май ойининг охирига июн ойининг бошларида қанот чиқаради, қанот ёзгандан сўнг тунда фаоллиги ортада ва 5-8 кун ўтгач урчи бошлайди. Улар ҳар бир тухум учун алоҳида чуқур қазийди. Битта урғочи темирчак 100 дан ортик тухум кўяди. Темирчаклар личинкалари об-ҳавога боғлиқ ҳолда апрел ойида тухумдан чиқа бошлайди. Личинкалик даври 55-65 кун давом этади. Бу давр ичида личинкалар 5-6 маротаба пўст ташлаб етук зотга ўтади дастлаб темирчакларнинг кичик ёшдаги личинкалари бир жойда тўпланиб ҳаёт кечириб, ёши катталашган сари секин-аста экинзорларга ўта бошлайди. Личинкаларнинг ёши катталашган сари уларнинг эгаллаган майдонлари ҳам кенгайиб боради. Шу сабабли зарарли темирчаклар катта ёшга ўтмасдан кураш чораларини олиб бориш зарур. Биринчи ва иккинчи ёшдаги личинкалар асосан ўсимликларнинг ёш, майин юмшоқ қисмлари билан озиқланади, катта ёшдаги личинкалар ва етук зотлар темирчаклар эса турли ўсимликларнинг мева уруғлари билан озиқланади.

Темирчаклар (кузнечик)лар Республикамизда темирчакларнинг 50 тага яқин турлари бўлиб [2], булардан 5 та турлари зарар беради. Жумладан яшил, оқпешона, думли ва кулранг, зарарли темирчаклар кенг тарқалган бўлиб, завур, каналлар ёнлари бўш партов ерлар ва экин майдонлари атрофлари уларни ривожланиш ва тарқалиш маконлари ҳисобланади. Улар ёппасига кўпайган жойларда гўза, ғалла, мойли экинларни ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказиш хавфи пайдо бўлади.

Темирчаклар асосан ўсимликхўр бўлиб, улар ўсимликларни 15-20% гача ёппасига кўпайган йиллари эса деярли ернинг устки қисмида жойлашган борлик ўсимликларга зарар етказади. Темирчаклар галаси оммавий урчиган даврда Тошкент шаҳригача қириб келди. Бундай ҳолатлар асосан 2009, 2010, 2012, 2013, 2015, 2018, 2019, ва 2020 йиллари кузатилди. Турлари ўрганилганда улардан асосий қисми яшил, думли, кулранг ва оқ пешонали темирчаклар эканлиги маълум бўлди.

Тўда ҳосил қилмайдиган, яъни зарарли темирчаклар тўғри қанотлилар туркумига мансуб бўлиб, уларнинг сонини йил сайин кўпайиб айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар келтириши кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар айниқса ғалла ўриб бўлингандан сўнг Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кузатилмоқда.

Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатдики авваллари дала чети, коллектор, канал, ариқ бўйларида бегона ўтларга қарши ҳамда боғ ва сабзаёт экинлари экиладиган майдонларда доимий равишда кимёвий ишловлар ўтказилганлиги сабабли тўғриқанотлилар туркумига қириувчи темирчаклар тўда ҳосил қилиб экинларга зарар келтирмас эди. Бундан ташқари, чўл ва айрим ерларни қоқ ўртасида фермерлар томонидан режасиз қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши оқибатида ва қаровсиз бўш партов ерларнинг шаклланиши оқибатида темирчакларнинг айрим турлари хусусан, яшил, оқ пешонали, кулранг, думли темирчаклар йил сайин кўпайиб бормоқда. Темирчаклар ва тўда ҳосил қилмайдиган (маҳаллий чигиртка) чигиркасимонларни сонини йил сайин кўпайиши оқибатида биргина Сирдарё вилоятида ҳар йили қаровсиз дала четлари, зовур, коллектор атрофларида темирчакларга қарши 5-6 минг гектар, Тошкент вилоятида 8-10 минг гектар, Жиззах вилоятида 3-4 минг гектар майдонда кураш ишларини олиб боришга тўғри келмоқда.

Маълумки, темирчакларнинг турларини тарқалиши, яшаш тарзи, ривожланиши аксарият ўсимликлар дунёсига боғлиқ. Tettigonidae – оиласи мансуб темирчаклардан яшил, оқ пешонали кулранг, думли темирчаклар қир-адир ва тоғ оралиғидаги кенг водийларда нами юқори бўлган жойларда тарқалган бўлиб, севиб истеъмол қиладиган ўсимликлари ёввойи ва маданий бошоқли ўсимликларга, гулли ўсимликларга тўғри келади. Ўзбекистон дон мустақиллиги эга бўлгач, бошоқли дон экин майдони 350 минг гектардан қарайиб 1 300 000 гектарга ортди. Ҳозирги кунда Республикамизнинг барча туманларида бошоқли дон, яъни буғдой экилади. Авваллари мавсумий бир йиллик бегона ўтлар билан озиқланган бир турга мансуб темирчаклар, эндиликда ғаллазорларга ўтиб, ғалла ўрилганидан сўнг дала четларида тўда бўлиб, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига ҳам зарар етказмоқда.

Зарарли чигирткаларга ва темирчакларга қарши курашда ҳозирги кунда дунё миқёсида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам биологик кураш усули энг мақбул усул бўлиб қолмоқда. 2016-2020 йиллар давомида Ўзбекистон республикаси давлат кимё комиссияси рўйхатида чигирткаларга қарши тавсия этилган замонавий биопрепаратларни зарарли темирчакларнинг асосий зарарли турларига қарши илк бор

турли сарф-меъёрларда синовдан ўтказиб биологик самарадорлигини ўрганилди. Жумладан: *Metarhizium anisopline* var. *acidum* асосли (Грин гард с.э. 0,5 л/га, Килоака с.э. 1,5л/га), *Metarhizium acidum* strain *EVCH 077* асосли (Новакрид, н.кук. 0,05 л/га) биопрепаратларни синаб кўрилди ва юкори самара олинди.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда республикамиз қишлоқ хўжалигида экинлар структурасини ўзгариши, бўш-партов ерларни суғориш тармоқлари, зовур-коллекторлар қирғоқларини ишловсиз қолдирилиши натижасида чигирткасимонларнинг маҳаллий турлари ва улар билан бирга темирчакларни оммавий тарзда тарқалиб экин далаларига ўтиши кузатилмоқда. Хусусан, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилояти шароитида темирчакларнинг думли, оқ пешонали ва яшил темирчак турлари йил сайин кўпайиб, сабзавот-полиэ экинлари боғ-тоқзорларга (Олма мевасини) ҳамда мойли экинларга етказадиган жиддий зарари қайд этилди. Бу зараркундаларга қарши курашнинг биологик усуллари янада такомиллаштириш, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаби ортиб бориши, келажақда ўсимликларни химоя қилишнинг биологик усулига устуворлик беришни талаб этади.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Гаппоров Ф.А. ва бошқалар “Ўзбекистон худудларида тўғри қанотлилар туркумига кирувчи зарарли чигиртка ва чигирткасимонларнинг ривожланиши, ёппасига кўпайиш сабаблари, замонавий кураш чоралари”. Тошкент-2008.
2. Азимов Д.А., Бекузин А.А., Давлатшина А. Г., М. К. Кадырова Насекомые Узбекистана. Ташкент: «Фан», 1993. – с.36-38.

УДК 576.895.1:599.75

### Навоий вилояти уй эчкилари (*Capra hircus* Linn) Гельминтофаунаси

Э.Б.Шакарбоев, ЎзР ФА Зоология институти, Тошкент  
О.С.Улуғмуратова, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент  
Ж.Э.Жумамуратов, Урганч давлат университети, Урганч

**Аннотация.** Навоий вилоятининг турли фермер ва шахсий хўжаликларидида боқиладиган эчкилар организмидида *Trematoda* (4), *Cestoda* (5) ва *Nematoda* (29) синфларининг 9 та туркум, 15 та оила ва 22 та авлодига мансуб 38 тур гельминтлар паразитлик қилиши аниқланди. Эчкиларнинг умумий зарарланиши 43,3% ни ташкил этиб, инвазия интенсивлиги 2-128 нусхадан иборат. Зарарланиш мавсумга қараб ўзгариб туриб, асосан ассоциатив инвазия ҳолатида кузатилди.

**Калим сўзлар:** паразит, гельминт, эчкилар гельминтози, инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги.

**Аннотация.** В организме коз, содержащихся в различных фермерских и личных подсобных хозяйствах Навоийской области, зарегистрировано паразитирование 38 видов гельминтов, относящихся к 22 родам, 15 семействам и 9 отрядам классов *Trematoda* (4 вида), *Cestoda* (5) и *Nematoda* (29 видов). Общая зараженность коз составляет 43,3%, а интенсивность инвазии 2-128 экз. Инвазия встречается в ассоциативной форме и колеблется в зависимости от сезона года.

**Ключевые слова:** паразит, гельминт, гельминтозы коз, экстенсивность и интенсивность инвазии.

**Abstract.** Parasitizing 38 species of helminths belonging to 22 genera, 15 families and 9 orders of the *Trematoda* (4 species), *Cestoda* (5) and *Nematoda* (29 species) classes were registered in the body of goats kept in various farms and personal subsidiary plots of the Navoi region. The total infection rate in goats is 43.3%, and the intensity of invasion is 2-128 specimens. The invasion occurs in an associative form and fluctuates depending on the season of the year.

**Keywords:** parasite, helminth, helminthiasis of goats, extensiveness and intensity of invasion.

Эчкичилик республикамизда чорвачиликнинг сердаромад ва серпушт тармоғи ҳисобланиб, халқ хўжалиги учун қимматли тивит, гўшт, тери ва суг маҳсулотлари етиштириб беради.

Республика ҳукумати томонидан чорвачилик тармоқларини, шу жумладан эчкичиликни ҳам янада ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, халқ манфаатини қўллаб-қувватлаш мақсадида чоратадбирлар қўлланилмоқда. Ўзбекистоннинг барча худудларида эчкиларнинг турли зотлари урчитилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш шартларидан бири, хўжаликни гельминтозлардан барқарор соғломлигини таъминлаш ҳисобланади. Эчкичилик билан шуғунланадиган фермер ва бошқа хўжаликларда паразитар касалликларга қарши тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, эчкиларнинг гельминтлар билан юкори даражада зарарланиши, маҳсулдорлигининг пасайиши ва баъзан нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда эчкилар гельминтларини ўрганишга бағишланган махсус илмий-тадқиқот ишлари жуда кам бажарилган. М.А.Султанов ва б. [7] монографиясида айрим олимларнинг (*Скрябин, 1916; Верещагин, 1926; Сарымсаков, 1958; Иргашев, 1963; Кулмаматов, 1967; Кучкаров, 1968; Зимин, 1969*) шу соҳада тадқиқот ишлари олиб борганлигини таъкидланган. С.Дадаев [3] қавш қайтарувчи ҳайвонлар гельминтларини тадқиқ этиш жараёнида, эчкилар гельминтларини ҳам ўрганган.

Тадқиқот ишининг мақсади Навоий вилоятининг фермер ва шахсий хўжаликларда боқиладиган эчкиларнинг гельминтларини тақсономик таҳлил қилиш ва паразит чувалчанглар билан зарарланиш даражасини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот ишининг материаллари ва методлари**

Тадқиқот ишлари 2019-2021 йиллар давомида олиб борилди. Навоий вилоятининг Кармана, Навбахор, Нурота ва Хатирчи туманларига тегишли турли ёш ва жинсдаги 47 бош эчки К.И.Скрябиннинг [6] тўлик ва тўлик бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан текширилди. Ундан ташқари, 128 бош эчкилардан олинган фекалий намуналари гельминтокапрологик усуллар (Фюллеборн, Калантарян, Щербович, Дарлинг ва кетма-кет ювиш усуллари) ёрдамида тадқиқ этилди [5]. Гельминт тухумларини дифференциал диагностика қилиш учун уларнинг ўлчамларига эътибор берилди ва А.А.Черепанов ва б. [9] атласидаги расм ва тавсифлардан фойдаланилди.

Инвазия интенсивлиги 1 грамм фекалийда ВИГИС ҳисоблаш камераси орқали ўлчанди.

Ҳайвонларнинг зарарланиш даражаси 1 грамм фекалийда ВИГИС ҳисоблаш камераси орқали куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X = \frac{K}{3} \times 38$$

бу ерда, *K*-ҳисоблаш камераси катакчаларидаги тухумлар сони; 3- металл халқа орқали стакандаги суюқлик юзасидан олинган томчилар сони; 38 – стаканчадаги суюқлик юзасини қоплаши мумкин бўлган металл халқачалар сони.

Трематода ва цестода 70°C спиртда, нематодалар эса Барбагалло суюқлигида фиксация қилинди.

Трематода, цестода ва акантоцефалалар тур таркибини аниқлаш учун квасц кармин билан бўялган ва тайёрланган препаратлар бўйича амалга оширилди. Нематодалар тур таркибини аниқлаш учун уларга сут кислотаси ва глицериннинг 1:1 нисбатдаги аралашмаси билан ранг берилди. Гельминтларни аниқлашда Оупрус микроскопининг 20 ва 40 катталаштириш ўлчамларидан фойдаланилди. Тоталь ва вақтинчалик препаратларни тайёрлаш умумқабул қилинган методлар асосида амалга оширилди [2, 4, 8]. Паразит чувалчанглари морфолого-таксономик текширишлар учун МБИ-6, МБС – 10, ЛОМО микроскоплари ва турли хил биноклярлардан фойдаланилди. Гельминтларни ўлчаш даражаларга бўлинган окуляр линейка ёрдамида бажарилди.

Эчкилар гельминтларини, уларнинг тухум ва личинкаларини идентификация қилиш учун қатор аниқлагичлар ва монографиялардан фойдаланилди [2, 4, 7, 9].

Зарарланишнинг миқдорий кўрсаткичларини ва гельминтларнинг хўжайинда тақсимланишини куйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: инвазия экстенсивлиги (ИЭ), инвазия интенсивлиги (ИИ).

Инвазиянинг экстенсивлиги (инглиз тилидаги адабиётларда – *Prevalence*) текширилаётган организмлар орасидаги паразит билан зарарланганларининг фоиз ҳисобидаги кўрсатилган миқдори.

$$P = \frac{N_p}{n} \times 100\%$$

бу ерда, *N<sub>p</sub>* – зарарланган ҳайвонлар сони; *n* – умумий текширилган ҳайвонлар сони.

1 жадвал

**Навоий вилояти ўй эчкилари гельминтларининг таксономик структураси**

Синф	Туркум	Оила	Авлод	Турлар сони
<b>Trematoda</b>	Fasciolida	Fasciolidae	<i>Fasciola</i>	2
	Brachylaimida	Brachylaimidae	<i>Hasstilesia</i>	1
	Plagiorchiida	Dicrocoeliidae	<i>Dicrocoelium</i>	1
<b>Cestoda</b>	Cyclophyllidae	Anoplocephalidae	<i>Moniezia</i>	2
		Avitellinidae	<i>Thysaniezia</i>	1
		Taeniidae	<i>Taenia</i>	1
			<i>Echinococcus</i>	1
<b>Nematoda</b>	Strongylida	Ancylostomidae	<i>Bunostomum</i>	1
		Chabertidae	<i>Chabertia</i>	1
			<i>Oesophagostomum</i>	2
		Trichostrongylidae	<i>Trichostrongylus</i>	4
			<i>Haemonchus</i>	1
			<i>Marshallagia</i>	2
			<i>Nematodirus</i>	5
	Pseudaliida	Protostrongylidae	<i>Ostertagia</i>	4
			<i>Protostrongylus</i>	2
	Oxyurida	Dictyocaulidae	<i>Cystocaulus</i>	1
			<i>Dictyocaulus</i>	1
	Spirurida	Syphaciidae	<i>Skrjabinema</i>	1
		Gongylonematidae	<i>Gongylonema</i>	1
Trichocephalida	Trichocephalidae	<i>Parabronema</i>	1	
		<i>Trichocephalus</i>	2	
<b>3</b>	<b>9</b>	<b>15</b>	<b>22</b>	<b>38</b>

Инвазия интенсивлиги - хўжайиннинг у ёки бу паразит билан зарарланишининг сон билан ифодаланиши ва куйидаги формуладан фойдаланилади:




$$ИИ = \frac{Par}{N_p}$$

бу ерда, *Par* – топилган паразитлар миқдори; *N<sub>p</sub>* – топилган шу паразитлар билан зарарланган ҳайвон.

#### Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Навоий вилоятининг турли ҳудудларида эчкилар организмда 38 тур гельминтлар паразитлик қилиши аниқланган бўлиб, улар Trematoda (4), Cestoda (5) ва Nematoda (29) синфларининг 9 та туркум, 15 та оила ва 22 та авлодига мансуб ҳисобланади (1 жадвал).

Турлар хилма-хиллигини туркумлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 20 та тур Strongylida туркумига мансуб бўлиб, қайд этилган турларнинг 52,63 % ни ташкил этади. Кейинги ўринларни цестодаларнинг Cyclophyllidae ва нематодаларнинг Pseudaliida туркумлари эгаллаб, бу туркумлар 5 (13,15%) ва 4 (10,52%) турларни, мос равишда, ўз таркибларида бирлаштирган. Қолган 6 та туркум таркибида 1 ёки 2 тадан турлар қайд этилган (1-расм).



1-расм. Навоий вилояти уй эчкилари гельминтларининг туркумлар кесимида тақсимланиши

Эчкиларнинг умумий ўртача зарарланиши 43,3% ни ташкил этади. Инвазия интенсивлиги 2-128 нусхадан иборат. Бу кўрсаткич йил мавсумига боғлиқ равишда ўзгариб туриши аниқланди. Эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланиши ёз охири куз бошида кўтарилиб бориб, куз охирида максимал даражага (47,3%) этади. Қишдан баҳор мавсумига қараб зарарланиш даражаси камайиши (24,7 %) кузатилди. Ҳайвонлар жинсининг зарарланиш даражасига таъсир этиши қайд этилмади. Эчкиларда моноконвация ҳолати кузатилмади. Битта эчки организмда 3 тадан 10 тагача турлар қайд этилди. Ўтказилган тадқиқотларда эчкиларнинг асосан яйлов мавсуми даврида гельминтлар билан зарарланиши кузатилди.

Навоий вилояти эчкиларидан топилган паразит чувалчангларнинг 14 тури биогельминт, 24 - геогельминт ҳисобланади. Биогельминтлар уч гуруҳга бўлинади: моллюскалар, бўғимоёқлилар ва сутэмизувчилар иштирокида ривожланувчи турлар.

Олиб борилган тадқиқотлар ва адабиёт маълумотлари асосида [1-3, 7] қайд этилган турлар ичида эчкилар учун ўта патоген турларга қуйидагиларни киритиш мумкин: *Fasciola hepatica*, *F.gigantica*, *Dicrocoelium dendriticum*, *Moniezia expansa*, *M.benedeni*, *Thysaniezia giardi*, *Echinococcus granulosus*, *Dictyocaulus filaria*, *Protostrongylus railletii*, *P.skrjabinii*, *Haemonchus contortus* ва *Nematodirus* авлоди вакиллари. Қайд этилган турлар ичида *Skrjabinema caprae* нематодаси эчкилар учун специфик гельминт ҳисобланади [1, 3].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий вилоятининг Кармана, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларида эчкилар маълум даражада паразит чувалчанглар билан зарарланган. Қайд этилган турлар ичида ўта патоген турлар ҳам учрайди. Яйловлар эчкилар гельминтофаунистик комплексларининг шаклланишида гельминтозлар эпизоотологияси нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

#### ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. – Ташкент: Фан, 2015. -224 с.
2. Боев С.Н., Соколова И.Б., Панин В.Я. Гельминты копытных животных Казахстана. –Алма-Ата: Изд.АН КазССР, 1962. – 370 с.
3. Дадаев С. Гельминты позвоночных подотряда Ruminantia Scopoli, 1777 фауны Узбекистана.: Автореф.дис. ... докт.биол.наук. –Ташкент: ИЗ АН РУз, 1997а. -54 с.
4. Котельников Г.А. Гельминтологические исследования животных и окружающей среды. – Москва: Колос, 1984. – 208 с.
5. Красильников А.А. Методы лабораторной диагностики гельминтозов. - Москва, 1980. – 60 с.
6. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая и человека. – М.: Изд.1-го МГУ, 1928. – 45 с.
7. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975. – 186 с.
8. Хотенковский И.А. О применении методики, предложенной Чаббом (1962), для изготовления тотальных препаратов из трематод // Зоол. ж. – Москва, 1966. – Т.45. - №11. – С. 1161–1168.
9. Черепанов А.А., Москвин А.С., Котельников Г.А., Хренов В.М. Дифференциальная диагностика гельминтозов по морфологической структуре яиц и личинок возбудителей. – Москва. Колос, - 1999. – 76 с.

ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА  
(*GOSSYPIUM MUSTELINUM* MIERS EX WATT. X *GOSSYPIUM BARBADENSE* L.)

З.А. Эрназарова, стар.н.с., к.б.н., Институт Г и ЭБР, Ташкент

Д.К. Эрназарова, стар.н.с., к.б.н., Институт Г и ЭБР, Ташкент

Ф.У. Рафиева, стар.н.с., PhD., Институт Г и ЭБР, Ташкент

Ф.Н. Кушанов, стар.н.с., DsC, Институт Г и ЭБР, Ташкент

М.Т. Хидиров, докторант, Институт Г и ЭБР, Ташкент

У.И. Эргашев, бакалавр, ТашГАУ, Ташкент

Г.Х. Рахимова, магистрант, НУУз, Ташкент

А.А. Абдуллаев, академик, Институт Г и ЭБР, Ташкент

**Аннотация.** Турлараро  $F_1$  дурагайларнинг цитогенетик тахлили, ёввойи ва рудерал шаклларни чапиштириши натижасида олинган реципрок турлараро дурагайлар, хромосомаларнинг нормал бивалент конъюгацияси билан характерланишини кўрсатди. Маданий-тропик шакллар иштирокида олинган  $F_1 G. barbadense$  ssp.vitifolium f.brasilense x  $G. mustelinum$  Miers ex Watt. дурагай комбинациясида мейоз жараёнида хромосомаларнинг квадрилент ассоциациялари ( $25,93 \pm 0,03$ ;  $0,07 \pm 0,03$ ) учраши аниқланган. Бундай ҳолат, чапиштиришида иштирок этган шаклларда структуравий кариотипик гетерогенлик мавжудлигини, ҳамда филогенетик жиҳатдан нисбатан узоқлигини кўрсатади.

**Калим сўзлар:** турлараро дурагайлаш, цитогенетик таҳлил, хромосома, бивалент конъюгация, мейоз, квадрилент, кариотип, шакллар.

**Аннотация.** Цитогенетический анализ межвидовых гибридов первого поколения показал, что конъюгация хромосом у реципрокных межвидовых гибридов полученных при скрещивании диких, рудеральных форм характеризуются нормальной бивалентной конъюгацией хромосом. Выявлены нарушения в ходе мейоза у гибридной комбинации с участием культурно-тропической формы, т.е.  $F_1 G. barbadense$  ssp.vitifolium f.brasilense x  $G. mustelinum$  где отмечаются квадрилентные ассоциации хромосом ( $25,93 \pm 0,03$ ;  $0,07 \pm 0,03$ ), что свидетельствует о структурной кариотипической гетерогенности родительских форм и сравнительной филогенетической отдаленности.

**Ключевые слова:** межвидовые гибридизация, цитогенетический анализ, хромосома, бивалент конъюгация, мейоз, квадрилент, кариотип, формы.

**Abstract.** Cytogenetic analysis of first-generation interspecific hybrids showed that chromosome conjugation in reciprocal interspecific hybrids obtained by crossing wild, ruderal, and cultural-tropical forms is characterized by normal bivalent conjugation of chromosomes. Irregularities in the course of meiosis in the hybrid combination with the cultural-tropical form, i.e.  $F_1 G. barbadense$  ssp.vitifolium f.brasilense x  $G. mustelinum$  where there is a low quadrivalent chromosome associations ( $25.93 \pm 0.03$ ;  $0.07 \pm 0.03$ ), which indicates the structural karyotypic heterogeneity of the parental forms and comparative phylogenetic distance.

**Key words:** interspecies hybridization, cytogenetic analysis, chromosome, bivalent conjugation, meiosis, quadrivalent, karyotype, forms.

Широко известны, ряд работ отечественных и зарубежных ученых посвященных использованию ценной гермоплазмы дикорастущих сородичей хлопчатника на основе решения филогенетических вопросов, в деле улучшения культурных сортов и создания новых, отвечающих современным требованиям [2; 3; 6; 7; 11; 16; 21;].

Остаются спорными вопросы дифференциальной внутривидовой классификации полиморфных представителей рода *Gossypium* L. (*G. hirsutum* L., *G. barbadense* L.), филогенетические взаимоотношения их внутривидовых категорий с видами подрода *Karpas* Raf., как *G. tomentosum* Nutt. ex Seem., *G. darwinii* Watt. и *G. mustelinum* Miers ex Watt. и возможность успешного вовлечения в селекционные программы еще не использованных источников гермоплазмы.

Поэтому представляет большой интерес установление степени филогенетического родства, как между внутривидовыми категориями тетраплоидных полиморфных видов, так и между видами рода *Gossypium* L. Одним из слабо изученных звеньев, в филогенетическом отношении является *G. mustelinum* Miers ex Watt., представитель подрода *Karpas* Raf. рода *Gossypium* L. Слабо изучены его морфобиологические особенности, отсутствуют сведения о филогенетических взаимоотношениях с внутривидовыми разновидностями, таких полиморфных видов как *G. hirsutum* L., *G. barbadense* L. и *G. darwinii* Watt., также о генетико-селекционном потенциале, соответственно о процессе формообразования.

Существует несколько гипотез о происхождении и систематике данного вида. Если один автор [20], выделяет эту форму в самостоятельный вид и подчеркивает морфологическую схожесть с *G. tomentosum* Nutt. ex Seem., а другой [5] относит его к группе полиплоидных хлопчатников Нового Света, указывает на морфобиологическую обособленность *G. mustelinum* Miers ex Watt. к *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L. Такие авторы как, S.C. Harland (1933) [18] и J.B. Hutchinson (1939) [19] относят *G. mustelinum* Miers ex Watt. в синонимии к *G. barbadense* L. В более поздних классификациях *G. mustelinum* Miers ex Watt. характеризуется как, географически обособленный самостоятельный вид [1; 2; 17;].

На основе анализа электрофоретического состава водо- и буферорастворимых белков и изоферментов, И.Д.Курбанбаев (2017) составил филогенетическое дерево А, Д геномных и амфидиплоидных видов рода *Gossypium* L. и выявил близость *G.mustelinum* Miers ex Watt. к *G.tricuspidatum* ssp. *glabrum* var. *marie-galante* и var. *bogota* [4].

### БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МАККАЖЎХОРИ НАВЛАРИНИ КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

*Л.Б. Исаева, докторант, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*

*У.Ў. Тешаев, талаба, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*

*З.И. Насуллаев, талаба, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*

**Аннотация.** Маккажўхори энг қимматли, юқори ҳосилли дон экини ҳисобланиб озиқ – овқат, ем – хашиак, техник ва агротехник аҳамиятга эга. Озиқ-овқат сифатида маккажўхорининг дони ишлатилади. Унинг дони жуда ҳам тўйимли ҳисобланиб, таркибида ўртача 10,6% клетчатка, 1,4% кул моддалари бор. Лекин, маккажўхори донида оқсил миқдори кам бўлади. Шу сабабли маккажўхори унига 25-30% бугдой уни қўшиб нон ётилади. Маккажўхори дони таркибида ёғ моддаси (4,3-5,0%) кўп бўлганлиги учун унинг уни тез ачийди. Дон муртаги махсус машиналарда ажратиб олиниб, қолган қисмидан ун тайёрланади, чунки маккажўхорининг муртаги таркибида 25 – 40 % гача мой моддаси бўлиб, ундан озиқ – овқат учун ишлатиладиган мой тайёрланади.

**Калим сўзлар:** Маккажўхори, юқори ҳосил, ем – хашиак, тўйимли, маккажўхори дони, маккажўхори уни.

**Аннотация.** Кукуруза - ценнейшая, высокоурожайная зерновая культура, имеющая пищевое, кормовое, техническое и агротехническое значение. Зерна кукурузы употребляются в пищу. Его зерна очень питательны, содержат в среднем 10,6% клетчатки и 1,4% золы. Однако количество белка в зернах кукурузы невелико. Поэтому кукурузу покрывают хлебом, добавляя в нее 25-30% пшеничной муки. Благодаря высокому содержанию жира (4,3-5,0%) в зернах кукурузы, он быстро ферментируется. Лузга зерна отделяется на специальных машинах, а остальная часть идет на приготовление муки, поскольку в кукурузной шелухе содержится 25-40% жира, который используется для растительного масла.

**Ключевые слова:** Кукуруза, высокий урожай, фураж - кормовая, питательная, кукурузное зерно, кукурузная мука.

**Abstract.** Corn is the most valuable, high-yielding cereal crop with food, fodder, technical and agrotechnical significance. Corn kernels are used as food. Its grains are very nutritious, containing an average of 10.6% fiber and 1.4% ash. However, the amount of protein in corn kernels is low. That is why corn is covered with bread by adding 25-30% wheat flour to it. Due to the high content of fat (4.3-5.0%) in corn kernels, it makes it ferment quickly. Grain husks are separated on special machines and the rest is used to make flour, because corn husks contain 25-40% of fat, which is used for cooking oil.

**Keywords:** Corn, high yield, fodder - fodder, nutritious, corn grain, corn flour.

Ҳозирги кунда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳсида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликларининг суғориладиган майдонларига сувни етказиб беришда каналлар ва коллектор-зовурларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар билан бир қаторда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ресурстежамкор суғориш техника ва технологияларини такомиллаштиришни талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш» алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада экинларнинг ресурстежамкор

суғориш усуллари ва сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш ва қўллаш асосида ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда ер-сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва тупрокнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, суғориладиган майдонларда кенг миқёсда эрозияга қарши мақсадли йуналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш, ер-сув ресурсларини муҳофаза этиш техника ва технологияларини яратиш, экин экиладиган майдонларнинг таркибига тупроқни ҳимояловчи экинларни киритиш йули билан амалиётга тадбиқ этилиши соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларни етказишда чорава моллари учун ем-хашак захирасини кўпайтириш энг муҳим масалалардан биридир.

Маккажўхори – кўп тармоқли фойдаланишда қимматли, серҳосил, донли экин ҳисобланади. Маккажўхоридан яхши концентрат, кўк масса ва силос олиш мумкин. 1 кг донида 1,34 озуқа бирлиги мавжуд. Маккажўхори сўталари сут-мум пишиш даврига кирганда тайёрланган силос чорва моллари учун энг яхши озуқадир. 100 кг силосда 24 озуқа бирлиги мавжуд. Маккажўхори экиш учун ер тайёрлашда ҳайдов олдида НРУ-0,5 русумли ўғит сочадиган техника ёрдамида фосфорли (150–200 кг/га аммофос ёки 300–350 кг/га суприфос) ўғит берилади. Агар фермер хўжалигида етарли миқдорда чириган гўнг мавжуд бўлса, гўнг сочадиган техника ёрдамида тупроққа солинади. Ерни ҳайдаш 25–28 см чуқурликда амалга оширилади. Майдон юзаси текис бўлмаган ҳолларда, махсус техника билан текисланади. Кичик майдондаги нотекисликларни баргараф этиш ишларини тракторга осма текислагичлар осиб амалга ошириш мумкин. Шундан кейин дала мола-борона қилинади. Маккажўхорини баҳорда донга экиш (120 кунлик бўладиган маккажўхори учун, шу пайтда экилганда фермер хўжаликлари дон ҳосилидан 3–4 т/га юқори натижага эришадилар. Униб чиқиш вақти май ойига қолиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ҳосилдорлик камайиб кетади. Экиш муддати марказий минтақада жойлашган вилоятлар (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятлари) учун 10–15 апрель, жанубий минтақаларда бундан 2 ҳафта олдин (25–30 март), шимолий минтақаларда эса 2 ҳафта кейин (25–30 апрель) амалга оширилади. Баҳорги муддатда маккажўхорини силос учун экиш ва парваришдаги агротехника тадбирлари, хаттоки уруғ сарфи ҳам донга экилгани каби ўтказилади. Пишиш даврига қараб кўчат сони турлича бўлади (кечпишарлар учун – 50–55 минг туп/га; ўрта-кечпишарлар учун – 60–70 минг туп/га; ўрта-эртаги ва эртагилар учун – 80 минг туп/га).

Маккажўхорини силос учун баҳорда оралик экинлардан ёки ёзда бошоқли экинлардан (маккажўхорининг тезпишар дурагайлари шу муддатда экиш самарали ҳисобланади ва энг юқори дон массаси олинади. Агар маккажўхорининг тезпишар дурагайлари баҳорги муддатда экилса ҳосилдорлик 2–3 т/га кескин камайиб кетади) кейин экиш мумкин. Бошоқли экинлардан бўшаган майдонларга маккажўхорини республикамизнинг шимолий минтақаларида фақат силос учун экиш тавсия этилади. Баҳорда силос ва донга экишда маккажўхорининг кечпишар, ўрта-кечпишар, ўртапишар нав ва дурагайлари (“Ўзбекистон-601 ЕСВ”, “Ўзбекистон-420 ВЛ”), ёзда дон учун эрта-ўртапишар, эртапишар нав ва дурагайлари (“Қорасув-350 АМВ”, “Ўзбекистон-300 МВ”) тавсия этилади. Пневматик СПЧ-6 сеялқадан фойдаланилганда экиш чуқурлиги 5–6 см. ни ташкил этиб, гектарига 22–25 кг уруғ сарфланади. Бунда ҳар бир қаторнинг эни 60 см, 70 см ва 90 см. ли бўлади. 60 см. ли эгатларда эртапишарлар 21 см, ўртапишарлар 24 см ва кечпишарлар 30 см ораликда жойлаштирилади. 70 см. ли эгатларда эртапишарлар 18 см, ўртапишарлар 20 см ва кечпишарлар 26 см ораликда жойлаштирилади. 90 см. ли эгатларда эртапишарлар 14 см, ўртапишарлар 16 см ва кечпишарлар 20 см ораликда жойлаштирилади. Уруғлар экилгандан кейин униб чиқиши учун ерда намлик етишмаса, уруғ суви берилади. Баҳорда уруғлар ерга экилгандан сўнг ёгингарчилик кўп бўлиб, қатқалоқ ҳосил бўлган майдонлар культиваторлар ёрдамида юзаки культивация қилинади ёки махсус мосламалар билан қатқалоқ юмшатилади. Агар уруғлар экилгандан кейин ерда намлик юқори бўлиб ҳаво ҳарорати пасайиб кетса, уруғлар чириб кетади. Бундай ҳолатда қайтадан экиш ишлари амалга оширилади.

Экилган уруғ униб чиққандан кейин 3–4 барг бўлганда биринчи культивация қилинади, қўлда чопик ишлари олиб борилади, агар кўчат сони кўп бўлса яғана ишлари ўтказилади. Бегона ўтлар жуда кўп бўлганда махсус гербицидлар билан ишлов берилади. Маккажўхорида 5–6 та барг ҳосил бўлганда эгат олиш билан биргаликда гектарига 150–180 кг карбамид ёки 250–300 кг аммиакли селитра солиниб биринчи суғориш ўтказилади. Пояда 8–10 та барг бўлганда иккинчи культивация қилинади. Далани бегона ўт босган бўлса чопик ишлари ўтказилади, 10–12 та барг ҳосил бўлганда иккинчи озиқлантириш билан бирга иккинчи марта суғорилади. Маккажўхорининг рўваклари гуллашга келган даврда намликни меъёрида сақлаб туриш учун учинчи марта суғорилади. Бу суғориш бошқа суғоришларга нисбатан узокроқ давом этади. Агар мана шу даврда суғориш меъёрига эътибор қаратилмаса ҳосилдорлик (40–50%) кескин пасайиб кетади. Бу давр оралиги 7–10 кунни ташкил этади. Шу вақтда маккажўхори экинида чангланаш амалга ошади. Яхши чангланган ўсимликлар юқори даражада ҳосил бериши илмий тажрибалар асосида исботлаб берилган. Маккажўхорида тўртинчи суғориш донида сут-мум пишиш даври бўлганда амалга оширилади, бу вақтда донлар тўлишиб керакли озуқани ўзида жамлайди. Айни шу муддатда силосга ўрилса, энг юқори масса ва озуқага эришилади. Силосга ўришда сут-мум пишиш даврида Марал, КПИ-2,4, Е-280 русумли комбайнлардан фойдаланилади. Маккажўхорини донга ўриш олдида текшириб кўрилади, агар ўсимликда мумпишиш даврида бўлса, товарбон донларни ўришга рухсат берилади. Катта далаларда етиштириладиган

уруғликлар (элита, ў1 дурагайлари) тўлиқ пишиш бошланганда амалга оширилади. Бунда Херсон-7, Херсон-9 русумли комбайнлардан фойдаланилади. Маккажўхорини ёзда экиш олдида амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат: ҳайдовгача ерни фосфорли ўғит билан (150–200 кг/га аммофос ёки 300–350 кг/га суприфос) ўғитлаш, ерни ҳайдаш (25–28 см чуқурликда), текислаш, чизеллаш ва молалаш. Ёзги экишда баҳорда қўлланиладиган барча тadbirlar ва уруғ меъёри бир хил бўлиши тавсия этилади. Маккажўхорининг эртапишар (“Қорасув–350 АМВ” ва “Ўзбекистон–300 МВ”) дурагайларида тўлиқ пишиш дон олиш учун 20–25 июнгача ва силос олиш учун 15 июлгача экиш тавсия этилади. Маккажўхорини ёзда анғизда етиштириш агротехник тadbirlari баҳорги экиш каби амалга оширилади. Бунда шунини инобатга олиш лозимки, ёзда экилган маккажўхори жадал ўсиб боради. Шу туфайли фермерлар тезкорлик билан ўсимлик қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш ва суғоришни амалга ошириб боришлари тавсия этилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки маккажўхорини етиштириш ва ундан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, фармацевтика, қорамолчилик ва бошқа соҳалардаги аҳамиятлари ҳисобга олиниб Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида истиқболли маккажўхори навларининг сувтежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб турганлиги инобатга олиниб, илмий тadbirkot изланишлари Вобкент ва Бухоро туманлари даладарининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган маккажўхорининг “Ўзбекистон-2001”, Боржа”, “Пионер”навини етиштириш бўйича илмий-тadbirkot ишлари олиб борилиб дастлабки натижаларга еришилиб ва бу йўналишда илмий тadbirkot ишлари давом эттирилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2017 yil 27 noyabrdagi “2018-2019 yillarda irrigatsiyani rivojlantirish va sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash davlar dasturi to'g'risida”gi PQ-3405-son qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2018 yil 27 dekabrda “Paxta xom ashyosini yetishtirishda tomchilatib sug'orish texnologiyalaridan keng foydalanish uchun qulay shart-sharoitlar yaratishga oid kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-4087-son qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 9 oktabrdagi “Suv resurslarini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 4486-son qarori.
4. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 17 iyundagi “Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora tadbirlar to'g'risida”gi PQ-5742 sonli qarori.
5. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 25 oktyabrdagi PQ – 4499- sonli “Qishloq xo'jaligida suv tejavchi texnologiyalarni joriy etishni rag'batlantirish mexanizmlarini kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida” gi qarori
6. Sh.R. Xamrayev., B.M. Ahmadjanov., I.I. Fozilov., “Tomchilatib sug'orish tizimining afzalliklari” Toshkent 2019 y
7. Xamidov M.X., Shukrullayev X.I., Mamataliyev A.B., “Qishloq xo'jaligi gidrotexnik melioratsiyasi” Noshkent 2008
8. Norqulov U. Melioratsiya. Ma'ruzalar matni. T.: 2000.
9. Sheraliev H., Shodmonov M. Dehqonchilik. Ma'ruzalar matni. T.: 2004
10. Sarimsaqov M.M Takroriy ekinlarning tuproq unumdorligi va paxta hosildorligiga tasiri. “Tuproq unumdorligini oshirish, g'o'za majmuidagi ekinlarni parvarishlashda manba tejavchi agrotexnologiyalarni joriy etishning ahamiyati” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman ma'ruzalar to'plami.
11. <https://agro-olam.uz/melioratsiya/>
12. <http://oooagrotexchab/p>
13. <http://lexuz/prezident qarorlari/>
14. <http://lexuz/vazirlar mahkamasi qarorlari/>
15. Д.М.Чертоусов Гидравлика (спецкурс). Госэнергоиздат-1960, Москва 640 стр.

УЎТ: 633.18: 631.53.048, 631.816.1 (631.84)

#### ШОЛИНИНГ “ТАРОНА” НАВИНИ БАРГ САТҲИ, ҚУРУҚ МАССАСИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА УРУҒ ЭКИШ ВА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ

*Б.И. Қаландаров, қ.х.ф.ф.д., Шoличилик илмий-тadbirkot институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада шoлининг Тарона навини барг сатҳи ва қуруқ масса шаклланишига, ҳосилдорлигига турли уруғ экиш ва азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини таъсири баён этилган. Тажириба 4 хил уруғ экиш меъёри (гектарига 3,4,5,6 млн дона унувчан уруғ) ва  $P_{150}K_{150}$  фосфорли-калий ўғитлар фонида азотли ўғитлар билан 3 хил озиклантириш ( $N_{120}$ ,  $N_{150}$ ,  $N_{180}$  кг) меъёрларида олиб борилган. Уруғ экиш меъёри билан ўсимлик бўйи ( $r = 0,46$ ) тўғри корреляцияда, бир ўсимлик барг сатҳи ( $r = -0,72$ ) ва бир ўсимлик қуруқ массаси ( $r = -0,74$ ) тесқари корреляцияда, озиклантириш меъёри билан бир ўсимликни барг сатҳи ( $r = 0,55$ ), бир ўсимлик қуруқ массаси ( $r = 0,62$ ), ўсимлик бўйи ( $r = 0,88$ ) тўғри корреляцияда бўлиши аниқланган. 5 млн дона уруғ экилиб  $N_{150}P_{120}K_{150}$  меъёрда озиклантирилган вариантда бир ўсимлик барг сатҳи  $339,3 \text{ см}^2$  ва барг сатҳи индекси  $7,2 \text{ м}^2/\text{м}^2$  ни ташиқил этиб юқори ҳосилдорлик ( $85,5 \text{ ц/га}$ ) олинган.

**Таянч тушунчалар:** нав, барг сатҳи, қуруқ массаси, уруғ экиш меъёри, озиклантириш меъёри, ҳосилдорлик, корреляция коэффициенти.

**Аннотация.** В данной статье изложены влияния норм высева семян и азотных удобрений на площадь листьев, сухую массу и урожайность сорта риса Тарона. Опыт проводился при 4-х разных нормах высева семян (3,4,5,6 млн проросших семян на гектар) и 3-х разных нормах минерального питания



( $N_{120}$ ,  $N_{150}$ ,  $N_{180}$  кг) азотными удобрениями на фоне фосфорно-калийных удобрений  $P_{150}K_{150}$ . Выявлено, что высота растений ( $r=0,46$ ) положительно, площадь листьев ( $r= -0,72$ ), сухая масса растений ( $r= -0,74$ ) отрицательно коррелируют с нормой высева семян. Доза азотного питания имеет положительную связь с площадью листьев ( $r=0,55$ ), сухой массой растений ( $r=0,62$ ) и высотой растений ( $r=0,88$ ). Высокая урожайность (85,5 ц/га) получено в варианте, где было посеяно 5 млн семян в минеральном фоне



$N_{150}P_{120}K_{150}$ . В высокоурожайном варианте площадь листьев у одного растения составляла 339,3 см<sup>2</sup>, а индекс площадь листьев - 7,2 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup>.

**Ключевые слова:** сорт, норма высева семян, норма питания, площадь листьев, сухая масса, урожайность, коэффициент корреляции.

**Abstract.** This article describes the influence of the seeding rates of seeds and nitrogen fertilizers on the leaf area, dry mass and yield of the rice variety Tarona. The experiment was carried out at 4 different rates of sowing seeds (3,4,5,6 million germinated seeds per hectare) and 3 different rates of mineral nutrition ( $N_{120}$ ,  $N_{150}$ ,  $N_{180}$  kg) with nitrogen fertilizers against the background of phosphorus-potassium fertilizers  $P_{150}K_{150}$ . It was revealed that plant height ( $r = 0.46$ ) is positive, leaf area ( $r = -0.72$ ), dry weight of plants ( $r = -0.74$ ) negatively correlate with the seeding rate. The nitrogen nutrition dose has a positive relationship with leaf area ( $r = 0.55$ ), dry weight of plants ( $r = 0.62$ ) and plant height ( $r = 0.88$ ). High yield (8.55 t/ha) was obtained in the treatment where 5 million seeds were sown in the mineral background  $N_{150}P_{120}K_{150}$ . In the high-yielding treatment, the leaf area of one plant was 339.3 cm<sup>2</sup>, and the leaf area index was 7.2 m<sup>2</sup>/m<sup>2</sup>.

**Key words:** variety, seeding rate, nutritional rate, leaf area, dry mass, yield, correlation coefficient.

**Кириш.** Шоли навларини тупроқ-иқлим шароитларга мос етиштириш технологияларини илмий асосланган ҳолда қўллаш эвазига дунёдаги шоли етиштирувчи бир қатор ривожланган давлатларда юқори ҳосилдорлиги ортиб сифатли дон олинмоқда. Шу орқали ҳалқининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5303-сон Фармони ва 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4973-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, суғориладиган ерлардан ва сувлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш, танлаш, ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича вазифалар белгилаб берилган [1, 2]. Бу борада республиканинг тупроқ-иқлим-шароитларини ҳисобга олган ҳолда шоли навларини жойлаштириш, мақбул экиш меъёрлари ва озиклантириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Шолининг янги яратилган Тарона навини уруғ экиш ва унга мос равишда азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари таъсирида шоли ўсимлиги қуруқ массаси ва барг сатҳини шаклланиши, биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигини ўрганиш ҳамда мақбул агротехникани ишлаб чиқаришга тавсия бериш.

**Тадқиқот услублари.** Дала тажрибалари 2012-2014 йилларда шолчилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги далаларида олиб борилди. Тажрибада шолининг Тарона нави 4 хил меъёрда (гектарига 3,4,5,6 млн дона унувчан уруғ) экилиб  $P_{150}K_{150}$  фосфорли-калий ўғитлар фониди азотли ўғитлар билан 3 хил озиклантириш ( $N_{120}$ ,  $N_{150}$ ,  $N_{180}$  кг) меъёрларида экилди [3].

#### **Шолининг Тарона нави тавсифи**

173–90 х 1936–87 наъмуналарни чатиштириш ва дурагайдан танлов орқали шолчилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган. Муаллифлар: М.Э.Сайдахмедова, М.А.Саттаров, Б.И.Қаландаров, М.И.Хайитов, А.Қ.Абдуллаев, М.А.Эргашев, Ж.И.Маллаев.

Ботаник тури – италика. 2019 йилда реестрига киритилган ва патент олинган. Кечпишар нав, ўсув даври 135-137 кун. Ўсимлик бўйи 125-129 см, рўвак узунлиги 20-22 см, компакт, қилтиксиз. 1000 дона дон вазни 33-34 гр, шишасимонлиги 98-100%, қобиклиги 17,8-18,3%. Гуруч чиқиши 71-73%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 87%, амилоза миқдори 19-20%. Ётиб қолишга чидамлиги 5 балл ва тўкилишга чидамли.

Шоли ўсимлигини қуруқ масса тўплаши майсалаш, туплаш, рўваклаш ва пишиш фазаларида майдони 0,25 м<sup>2</sup> бўлган 3 та нуқтадан ўсимлик намуналари олиниб қуритиш йўли билан аниқланди.



Шоли ўсимлигини барг сатҳи шаклланиши туплаш, рўваклаш ва пишиш фазаларида майдони 0,25 м<sup>2</sup> бўлган 3 та нуқтадан ўсимлик намуналари олиниб лабораторияда намуналарнинг барглари ажратилди. Ажратилган барглarning ўлчамлари (бўйи ва эни) аниқланди ва олинган маълумотлар Vishnu M. Bhan ва H.K. Pande формуласи ёрдамида ҳисоблаб топилди [4].

$$S = L \times H \times 0,802 \text{ см}^2,$$

Бу ерда, S = барг сатҳи, (см<sup>2</sup>); L = барг узунлиги, (см); H = барг эни, (см); 0,802 = тузатиш коэффициентини.

#### Олинган натижалар.

**Барг сатҳи.** Уруғ экиш меъерини гектарига 3 млн. донадан 6 млн. донага кўпайтириб борилганда бир ўсимликни барг сатҳи Тарона навида 379,8 см<sup>2</sup> дан 338,6 см<sup>2</sup> гача, назорат УзРОС 7-13 навида 332,1 см<sup>2</sup> дан 283,7 см<sup>2</sup> гача камайди, умумий барг сатҳи эса Тарона навида 63,2 минг м<sup>2</sup>/га дан 79,9 минг м<sup>2</sup>/га гача ошган бўлса назорат УзРОС 7-13 навида 54,4 минг м<sup>2</sup>/га дан 67,5 минг м<sup>2</sup>/га гача ошди. Азотли ўғитлар меъерини ҳар N<sub>30</sub> микдорга ошириш пропорционал тарзда Тарона навида бир ўсимликдаги барг сатҳини 344,2 см<sup>2</sup> дан 368,9 см<sup>2</sup> гача, умумий барг сатҳини 68,7 минг м<sup>2</sup>/га дан 73,4 минг м<sup>2</sup>/га гача оширган бўлса, назорат УзРОС 7-13 навида бир ўсимликдаги барг сатҳини 292,4 см<sup>2</sup> дан 325,3 см<sup>2</sup> гача, умумий барг сатҳини 57,4 минг м<sup>2</sup>/га дан 64,5 минг м<sup>2</sup>/га гача ошишига олиб келди (1-жадвал).

1-жадвал

Уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларини бир ўсимликни барг сатҳи ва умумий барг сатҳини шаклланишига таъсири. (гуллаш фазаси)

Экиш меъери, млн. дона/га	Бир ўсимлик барг сатҳи, см <sup>2</sup> /ўсимлик				Умумий барг сатҳи, минг м <sup>2</sup> /га			
	Озиқлантириш меъери, кг/га			Экиш меъери бўйича ўртача	Озиқлантириш меъери, кг/га			Экиш меъери бўйича ўртача
	N <sub>150</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>180</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>210</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>		N <sub>150</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>180</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>210</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	
<b>УзРОС 7-13 st</b>								
3	319,1	331,4	345,8	<b>332,1</b>	51,8	54,2	57,1	<b>54,4</b>
4	306,1	318,2	329,8	<b>318,0</b>	56,9	59,5	62,0	<b>59,5</b>
5	283,4	304,8	318,5	<b>302,2</b>	59,0	63,5	65,8	<b>62,8</b>
6	260,9	283,2	307	<b>283,7</b>	61,9	67,4	73,2	<b>67,5</b>
<b>Озиқлантириш меъери бўйича ўртача</b>	<b>292,4</b>	<b>309,4</b>	<b>325,3</b>		<b>57,4</b>	<b>61,2</b>	<b>64,5</b>	
<b>Тарона</b>								
3	366,3	379,1	394,1	<b>379,8</b>	60,9	62,9	65,7	<b>63,2</b>
4	341,1	353,0	370,1	<b>354,7</b>	64,0	66,0	69,2	<b>66,4</b>
5	339,3	349,1	362,1	<b>350,2</b>	72,0	74,0	76,6	<b>74,2</b>
6	330,2	336,5	349,2	<b>338,6</b>	77,9	79,8	82,1	<b>79,9</b>
<b>Озиқлантириш меъери бўйича ўртача</b>	<b>344,2</b>	<b>354,4</b>	<b>368,9</b>		<b>68,7</b>	<b>70,7</b>	<b>73,4</b>	

2-жадвал

Уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларини бир ўсимлик қуруқ массаси ва умумий биомассасини шаклланишига таъсири (Пишиш фазаси)

Экиш меъери, млн. дона/га	Бир ўсимлик қуруқ массаси, г/ўсимлик				Умумий биомасса, ц/га			
	Озиқлантириш меъери, кг/га			Экиш меъери бўйича ўртача	Озиқлантириш меъери, кг/га			Экиш меъери бўйича ўртача
	N <sub>150</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>180</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>210</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>		N <sub>150</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>180</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	N <sub>210</sub> P <sub>150</sub> K <sub>150</sub>	
<b>УзРОС 7-13 st</b>								
3	10,3	11,47	12,17	<b>11,3</b>	167,2	187,7	200,8	<b>185,2</b>
4	9,57	10,17	11	<b>10,2</b>	177,9	190,1	206,8	<b>191,6</b>
5	8,33	9,53	10,4	<b>9,4</b>	173,6	198,6	214,9	<b>195,7</b>
6	7,6	8,53	9,27	<b>8,5</b>	180,4	203,1	220,9	<b>201,5</b>
<b>Озиқлантириш меъери бўйича ўртача</b>	<b>9,0</b>	<b>9,9</b>	<b>10,7</b>		<b>174,8</b>	<b>194,9</b>	<b>210,9</b>	
<b>Тарона</b>								
3	11,1	11,83	12,8	<b>11,9</b>	184,6	196,4	213,3	<b>198,1</b>
4	10	10,77	12	<b>10,9</b>	187,7	201,3	224,4	<b>204,5</b>
5	9,2	10,37	11,1	<b>10,2</b>	195,3	219,8	235	<b>216,7</b>
6	8,2	9,07	10,6	<b>9,3</b>	193,5	214,9	249,1	<b>219,2</b>
<b>Озиқлантириш меъери бўйича ўртача</b>	<b>9,6</b>	<b>10,5</b>	<b>11,6</b>		<b>190,3</b>	<b>208,1</b>	<b>230,5</b>	

**Қуруқ массаси.** 3 млн. дона/га меъерда уруғ экилганда бир ўсимликнинг қуруқ массаси пишиш фазасида Тарона навида 11,9 г бўлган бўлса, назорат УзРОС 7-13 навида 11,3 граммни ташкил этди. Экиш

меъерини ҳар 1 млн дона/га меъерга ортиб бориши ўсимликнинг қуруқ массасини камайишига олиб келди. 6 млн. дона/га меъерда уруғ экилганда Тарона навида 9,3 г, назорат УзРОС 7-13 навида 8,5 граммни ташкил этди (2-жадвал).

Азотли ўғитлар меъери ошириб борилганда бир ўсимликни қуруқ массаси ва экинзорнинг умумий биомассаси кўпайиб борди. Азотли ўғитлар меъери N<sub>90</sub> дан N<sub>150</sub> гача бўлган вариантларда пишиш фазасида Тарона навида бир ўсимликни қуруқ массаси 9,6 граммдан 11,6 граммгача, назорат УзРОС 7-13 навида 9,0 граммдан 10,7 граммгача; экинзорнинг умумий биомассаси Тарона навида 190,3 ц/га дан 230,5 ц/га гача, назорат УзРОС 7-13 навида 174,8 ц/га дан 210,9 ц/га гача ошганлиги маълум бўлди.


3-жадвал

Турли уруғ экиш ва азотли маъдан ўғитлар меъёрларида шолинининг Тарона навини ҳосилдорлиги, ц/га

Экиш меъери, млн. дона/га	Озиқлантириш меъери, кг/га	Йиллар			Ўртача	Йиллар			Ўртача
		2012	2013	2014		2012	2013	2014	
		УзРОС 7-13 st				Тарона			
3	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	66,9	68,2	63,0	66,0	71,3	69,4	69,8	70,2
	N <sub>180</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	65,7	67,9	60,3	64,6	69,0	65,7	67,3	67,3
	N <sub>210</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	64,9	65,9	57,1	62,6	65,3	65,9	64,7	65,3
4	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	76,9	78,2	71,2	75,4	76,5	79,3	74,7	76,8
	N <sub>180</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	76,6	78,0	72,7	75,8	73,2	77,5	71,8	74,2
	N <sub>210</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	72,6	76,5	70,4	73,2	69,9	74,6	68,2	70,9
5	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	81,0	85,4	82,7	83,0	86,1	87,0	83,4	85,5
	N <sub>180</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	82,8	86,0	82,6	83,8	83,4	83,8	82,8	83,3
	N <sub>210</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	78,0	80,7	77,0	78,6	79,0	79,7	79,1	79,3
6	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	80,8	81,7	79,5	80,7	77,8	80,0	77,6	78,5
	N <sub>180</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	79,5	77,7	75,4	77,5	75,9	75,0	73,3	74,7
	N <sub>210</sub> P <sub>120</sub> K <sub>150</sub>	75,6	72,9	71,0	73,2	72,3	71,2	68,2	70,6
ЭЖФ <sub>05</sub> , ц/га		2,93	2,93	2,59		2,6	2,73	2,69	
ЭЖФ <sub>05</sub> ,%		3,9	3,8	3,6		3,5	3,6	3,7	

**Ҳосилдорлиги.** Уч йиллик тажриба натижаларига кўра Тарона навида гектарига 65,3-85,5 ц/га ҳосилдорлик олиниб юқори кўрсаткич (85,5 ц/га) 5 млн дона уруғ экилиб N<sub>150</sub>P<sub>120</sub>K<sub>150</sub> меъерда озиқлантирилган вариантда (назорат УзРОС 7-13 навида нисбатан 2,5 ц/га юқори) аниқланди (3-жадвал). Энг кам ҳосилдорлик (65,3 ц/га) 3 млн дона уруғ экилиб юқори меъерда N билан озиқлантирилган вариантларда олинди. Бунга сабаб шуки, экиш меъери кам бўлган вариантларда кўчат қалинлиги оз бўлиб минерал озуқа меъердан кўпроқ бўлгани учун ўсимликнинг вегетация даври узайиб ўсимликнинг яшил биомассаси кўпайиб кетди ва дон ҳосили камайди. Юқори меъерларда озиқлантирилган вариантларда нисбатан кам меъерда озиқлантирилган вариантларга фарқли ўлароқ ҳосилдорлик паст бўлди. Тарона навида 3, 4, 5 ва 6 млн дона/га уруғ экиш меъёрларида экилиб N<sub>210</sub> меъерда озиқлантирилган вариантларда ҳосилдорлик 65,3, 70,9, 79,3, 70,6 ц/га бўлган бўлса, N<sub>150</sub> ва N<sub>180</sub> меъерда озиқлантирилган вариантларда мос равишда 70,2, 76,8, 85,5, 78,5 ц/га ва 67,3, 74,2, 83,3, 74,7 ц/га эканлигини кўрамыз.

Ҳосилдорликка бир ўсимликнинг ва экинзорнинг барг сатҳи боғлиқ бўлади. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бир ўсимлик барг сатҳи 339,3 см<sup>2</sup> ва барг сатҳи индекси 7,2 м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> бўлганда энг юқори ҳосилдорлик олиниб мос равишда 85,5 ц/га кўрсаткични ташкил этди.



1-расм. Уруғ экиш меъери ва азотли ўғитлар меъёрларини ҳосилдорликка таъсири, ц/га

Уруғ экиш меъери гектарига 3 млн донадан 5 млн донагача кўпайтириб борилганда ҳосилдорлик ортиб борди, 6 млн дона меъерда эса камайди (1-расм). Яъни, гектарига 3 млн дона меъерда уруғ экилганда ҳосилдорлик 67,6 ц/га бўлган бўлса уруғ экиш меъери 5 млн дона бўлганда 82,7 центнерни ташкил этди. Уруғ экиш меъери 6 млн донага етказилганда ҳосилдорлик 74,6 центнер бўлди.

Уч йиллик тажриба натижаларига кўра уруғ экиш меъёрлари бўйича гектарига 6 млн дона уруғ экилган назорат вариантларга нисбатан 5 млн дона уруғ экилган вариантларда 8,1 ц/га ёки 10,9% юқори ҳосилдорликка эришилди. Азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кўпайтириб бориш ҳосилдорликни камайишига олиб келди.  $N_{150}$  бўлганда 77,7 ц/га  $N_{210}$  бўлганда 71,5 центнерни ташкил этди.  $N_{150}$  меъёрда озиклантирилганда назорат  $N_{180}$  меъёрга нисбатан 2,8 ц/га ёки 3,8 % юқори ҳосилдорликка эришилди.

Демак, Тарона нави учун гектарига 5 млн дона уруғ ва  $N_{150}$  меъёрлари уруғ экиш меъёри ва азотли ўғитлар билан озиклантиришнинг мақбул нисбати ҳисобланади.

**Корреляция и детерминация коэффицентини.** Тадқиқотларимизда уруғ экиш меъёрлари ва азотли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини шолининг Тарона навини барг сатҳи ва куруқ масса шаклланишига ҳамда ўсимлик бўйига корреляцион боғлиқлиги ва таъсири ўрганилди (4-жадвал).

Уруғ экиш меъёри билан ўсимлик бўйи ( $r = 0,46$ ) ва дон шишасимонлиги ( $r = 0,85$ ) тўғри корреляцияда бўлиб, бир ўсимлик барг сатҳи ( $r = -0,72$ ), бир ўсимлик куруқ массаси ( $r = -0,74$ ), вегетация даври ( $r = -0,57$ ), тулланиш коэффицентини ( $r = -0,88$ ), рўвак массаси ( $r = -0,18$ ), рўвакдаги донлар сони ( $r = -0,97$ ), пучлилиги ( $r = -0,58$ ), 1000 дона дон массаси ( $r = -0,40$ ) ва қобиғ чиқиши ( $r = -0,08$ ) тескари корреляцияда эканлиги маълум бўлди. Уруғ экиш меъёрини ошириш ўсимлик бўйига 21%, шишасимонликка 72% ҳолатларда ошишига ижобий, барг сатҳини шаклланишига 52%, ўсимликни куруқ масса тўплашига 55%, тулланиш коэффицентига 77% ва рўвакдаги донлар сонини ошишига 94% ҳолатда салбий таъсир кўрсатди.

Озиклантириш меъёри билан бир ўсимликни барг сатҳи ( $r = 0,55$ ), бир ўсимлик куруқ массаси ( $r = 0,62$ ), ўсимлик бўйи ( $r = 0,88$ ), вегетация даври ( $r = 0,73$ ), тулланиш коэффицентини ( $r = 0,23$ ), пучлилиги ( $r = 0,73$ ), қобиғ чиқиши ( $r = 0,63$ ) тўғри боғлиқликда, рўвак массаси ( $r = -0,84$ ), рўвакдаги донлар сони ( $r = -0,66$ ), 1000 дона дон массаси ( $r = -0,66$ ), шишасимонлиги ( $r = -0,51$ ), гуруч чиқиши ( $r = -0,68$ ) ва бутун гуруч чиқиши ( $r = -0,63$ ) тескари боғлиқликда эканлиги аниқланди. Озиклантириш меъёрини  $N_{150}$  дан  $N_{210}$  гача ошириш асосий миқдорий кўрсаткичлар: рўвак массасига 70%, 1000 дона дон вазнига 43%, гуруч чиқиш миқдорига 47%, бутун гуруч чиқиш миқдорига 40% ҳолатларда салбий таъсири кузатилди.

4-жадвал

Уруғ экиш ва маъдан ўғитлар меъёрларида миқдорий ва сифат кўрсаткичларини корреляцион боғлиқлиги ва таъсири.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичлари	Уруғ экиш меъёри		Озиклантириш меъёри	
	r	R <sup>2</sup>	r	R <sup>2</sup>
Барг сатҳи	-0,72	0,52	0,55	0,31
Куруқ массаси	-0,74	0,55	0,62	0,39
Ўсимлик бўйи	0,46	0,21	0,88	0,77
Вегетация даври	-0,57	0,33	0,73	0,53
Тулланиш коэффицентини	-0,88	0,77	0,23	0,05
Рўвак массаси	-0,18	0,03	-0,84	0,7
Рўвакдаги донлар сони	-0,97	0,94	-0,12	0,01
Пучлилиги	-0,58	0,33	0,73	0,53
1000 дона дон массаси	-0,4	0,16	-0,66	0,43
Шишасимонлиги	0,85	0,72	-0,51	0,26
Қобиғ чиқиши	-0,08	0,01	0,63	0,4
Гуруч чиқиши	0,07		-0,68	0,47

#### Хулосалар.

1. Ўсимлик бўйи ( $r = 0,46$ ) уруғ экиш меъёрига тўғри корреляцияда, бир ўсимлик барг сатҳи ( $r = -0,72$ ) ва бир ўсимлик куруқ массаси ( $r = -0,74$ ) эса тескари корреляцияда бўлади.

2. Озиклантириш меъёри билан бир ўсимликни барг сатҳи ( $r = 0,55$ ), бир ўсимлик куруқ массаси ( $r = 0,62$ ), ўсимлик бўйи ( $r = 0,88$ ) тўғри корреляцияда бўлади.

3. Тошкент вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроклари шароитида Тарона нави учун гектарига 5 млн дона уруғ ва  $N_{150}$  меъёрлари мақбул ҳисобланиб 85,5 центнер ҳосил олиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5303-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4973-сонли Қарори.

3. М.А.Саттаров, М.А.Эргашев, Н.Ф.Отамирзаев, Б.И. Қаландаров, М.Хайитов “Ўзбекистонда шолдан юқори ҳосил олиш бўйича тавсиянома” //Тошкент, Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. 24 бет. ISBN 978-9943-55761-1

4. Vishnu M. Bhan and N.K. Pande. Measurement of leaf area of rice doi: 10.2134/agronj 1966.00021962005800040029 x Agronomy journal // 1966. P. 454.



УЎТ: 631.52. 633.16

**КОЛЛЕКЦИОН КЎЧАТЗОРДАН АРПАНИНГ ЭРТАПИШАР, ХОСИЛДОР, КАСАЛЛИКЛАРГА ЧИДАМЛИ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШ НАТИЖАЛАРИ****Т.Маматқулов, к.х.ф.н., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент****У.Э. Дўстқулов, стажёр-тадқиқотчи, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент**

**Аннотация.** Мақолада ICARDA ҳалқаро марказидан келтирилган арпанинг коллекция навуналарини ўрганиш натижалари келтириб ўтилган. Тадқиқот натижаларига кўра эртапишар, ҳосилдор, ётиб қолишга ва касалликларга чидамли намуналар селекциянинг кейинги босқичига ўтказилган.

**Калим сўзлар:** Арпа, навуна, навуналар, касаллик, зараркунанда, тизма, андоза, чидамлилиқ, авлод, селекция, танлаш, ҳосилдорлик.

**Аннотация.** В статье приведены результаты исследований изучения сортообразцов ячменя полученных из международного центра ИКАРДА. По результатам исследований отобранные скороспелые, устойчивые к болезням, к полеганию и высокоурожайные сортообразцы приведены к следующему селекционному этапу.

**Ключевые слова:** ячмень, сорт, сортообразцы, болезнь, вредитель, линия, стандарт, устойчивость, потомство, селекция, отбор, урожайность.

**Abstract.** The article presents the results of studies on the study of barley cultivars obtained from the ICARDA international center. According to the research results, selected early maturing, disease-resistant, lodging-resistant and high-yielding varieties were brought to the following breeding stages.

**Key words:** barley, cultivar, collection hybrid, disease, pest, crest, specimen, endurance, generation, selection, yield.

**Кириш.** Бугунги кунда арпа селекциясининг олдида турган долзарб муаммолардан бири арпанинг эртапишар, иссиқлик, қишлашга, гармсел, ола булут ва касалликларга чидамли ҳамда бир йилда икки марта ҳосил олишни таъминлайдиган арпа навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат. Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида янги навларни яратишга йўналтирилган селекцияда долзарб муаммоларни ечишда коллекциянинг аҳамияти ортиб боради [1].

Арпанинг эртапишар навларини яратиш селекционерлар олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўсимлик ўсув даврининг давомийлиги навнинг табиий ўзгарувчанлиги билан аниқланиб, ўстириш шароитига ҳам боғлиқ [2].

Маълумки, ҳозирда республикаимизнинг суғориладиган майдонларида экиш учун Давлат реестрига киритилган арпа навлари ўртапишар ва кечпишар навлар гуруҳига мансуб. Аввало, эртапишар хусусиятга эга бўлган бирламчи материалларни ўрганиш ва уларни частиштириш ишлариша жалб қилиш ҳамда бир нечта ота-она шаклларига хос бўлган ирсий белгиларини дурагайлаш орқали битта генотипда мужассамлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлади.

**Топшириқ олиб борилган шароит ва услублар** Тажрибалар 2018-2021 йилларда календар режа ва иш дастурларига асосан ДДЭИТИ нинг Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг Марказий тажриба хўжалигида олиб борилди. Тажрибаларни жойлаштириш, олинган маълумотларни жамлаш ва математик таҳлил қишлоқ хўжалиқ экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган услубий қўлланма [3] асосида олиб борилди.

Фенологик кузатувларда асосий даврлар (униб, чиқиш, туплаш, найчалаш, бошоқлаш, сут, мум, тўлиқ пишиш) қишлашга, ётиб қолишга, касалликларга чидамлилиқ дала шароитида Россия ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган Ҳалқаро классификатор [4] услубидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари:** ICARDA дан келтирилган (IBYT-W 50 та, IBON-W 65 та) блокларида жами 105 та навуналари маҳаллий (Ихтиёр) ва ҳалқаро (Pamir-009, Tokak, Bulbul, Atahualpa) навлар билан таққослаб ўрганилди. Навуналарнинг хусусият ва белгиларини гуруҳларга ажратиш ҳалқаро классификатор (1983) дан фойдаланилди.

**IBYT-W** (Ҳалқаро кузги арпанинг конкурс навунаси) блоки. Ўрганилган навуналарда униб чиқиш - бошоқлаш даври жуда эртапишар 121-126 кун – жуда кеч пишар 150 кун Ихтиёр навида кузатилди. Жумладан, жуда эртапишарлик (121-126) 3 та навунада IBYT-W 7, 12, 18 рақамларида жуда эртапишарлик хусусияти намоён қилди. Эртапишар бўлган 26 та ёки 24.0 % навуналари ўсув даври 127-132 кун оралиғида кузатилди. Жумладан: IBYT-W 11, 21, 33, 43, 44, 45 рақамли навуналар қолган навуналарга нисбатан эртапишарлик кўрсатди. Деярли шундай ҳолатни баҳорги арпа навуналарида ҳам кузатдик. Шунингдек 9 та навуна кечпишар, 3 та навуна жуда кечпишарлик қайд қилинди. Андоза навлар ҳам мазкур гуруҳга мансуб бўлиб, бу албатта кузги типга мансуб арпа навлари деб ҳисоблаймиз.

Ўрганилган 50 та навуналарда ўсув даври давомийлиги 3 та жуда эртапишар (121-126), 9 та ўртапишар. 3 та жуда кечпишар (145-150) навуналари оралиғида кузатилди (1-жадвал).

Баҳор ойларида ёгингарчилиқ микдорининг кўплиги, нисбий намлик ортиқ бўлиши касалликлардан зарарланиш бирмунча юқори бўлганлиги кузатилди. Тўқ-қўнғир билан 10-40 %, ринхоспориоз билан 10-30

%, ун-шудринг 10,0 %, йўл-йўл доғланиш билан 0-10 %, тўр-тўр доғланиш билан 10-30 %, пакана занг билан 0-10 % ташкил этди. Дала шароитида нисбатан юқори касалликка чидамли (0-10 %) ИВУТ-W блокада 6, 9, 18, 26 намуналарда аниқланди.

1-жадвал

ICARDA дан янги келтирилган арпа коллекцион нав намуналарининг ўсув даври давомийлиги бўйича тақсимланиши (Ғаллаорол-2018-2021)

Блоклар	Намуналар сони, дона	Ўсув даври давомийлиги бўйича гуруҳлар				
		Жуда эртапишар	Эртапишар	Ўртапишар	Ўрта кечпишар	Жуда кеч пишар
ИВУТ-W	50	3	26	9	9	3
IBON-W	65	6	10	16	17	16
жами	105	9	36	25	26	19

1000 дона дон вази белгиси 28,2 г (6) – 51,3 г ни ташкил этди. Жуда юқори кўрсаткич ( $\geq 50$  г) ИВУТ-W 5, 14, рақамли намуналар, юқори (45,1-50,0 г) ИВУТ-W 3, 11, 18, 35 рақамли намуналарида бўлганлиги аниқланди. Қолган барча намуналар ўртача (40,1 - 45,0 г), паст (36,1 – 40,0 г) белгиси кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал.

ICARDA дан янги келтирилган арпа коллекцион нав намуналарининг 1000 дона дон вази бўйича тақсимланиши (Ғаллаорол-2018-2021 й).

т/р	Блок	Намуналар сони, дона	1000 дона дон вази белгиси бўйича гуруҳларга тақсимланиши				
			жуда паст (<36.0)	паст (36.1-40.0)	ўртача (40.1-45.0)	юқори (45.1-50.0)	жуда юқори (>50.0)
1	ИВУТ-W	50	7	25	12	4	2
2	IBON-W	65	34	23	15	5	1
	Жами	103	36	28	27	9	3

Ҳосилдорлик кўрсаткичи 7 та намунада жуда паст ( $\leq 75.0$ ) 13,0 ц/га – 31,6 ц/га ни ташкил этди. Аксарият намуналар жуда паст 34,0 %, паст (75,1-95,0 %), 64,0 % ўрта (95,1-115 %), 2,0 % ни намуналар мансуб бўлди. Мазкур кўрсаткич андоза навлар Ихтиёр, Рамир-009, Токак, Bulbul навларига тегишлиси 51,6; 43,2; 45,7; 47,9 бўлди. Фақатгина ҳалқаро андоза навларга нисбатан юқори ҳосилдорлик ИВУТ-W 6 рақамли намунада қайд этилди. Бу албатта ота-она шаклларида интенсив типдаги навлар иштирок этмаганлигидан деб изоҳлаймиз (3-жадвал).

3-жадвал.

ICARDA дан янги келтирилган арпа коллекцион нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича тақсимланиши (Ғаллаорол-2016 й).

т/р	Блок	Намуналар сони, дона	Ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича гуруҳларга тақсимланиши				
			жуда паст (<75.0%)	паст (75.1-95.0%)	ўртача (95.1-115.0%)	юқори (115.1-135.0%)	жуда юқори (>135.0%)
1	ИВУТ-W	50	17	32	1	-	-
2	IBON	65	34	1	15	9	-
	Жами	103	51	44	16	9	-

**IBON-W** (ҳалқаро кузги арпанинг кузатув майдони). Изланишларимизда ўрганилган намуналарда униб чиқиш – бошоқлаш даври 134-150 кунлар оралиғида қайд этилди. Жуда эртапишарлик (134-136) хусусияти билан IBON-W 2, 13, 14, 34, 58, 59 рақамли нав намуналари ажралди. Қолган намуналарнинг 15,3 % эртапишар, 24,6 % ўртапишар, 26,1 % ўрта кеч, 24,5 % кечпишар хусусиятларини намоён қилди. Андоза Ихтиёр, Atahualpa навлари эртапишар нав гуруҳига мансуб бўлди (2 -жадвал).

Ётиб қолишга чидамлик паст (3) – жуда юқори (9) балл атрофида баҳоланди. Ушбу хусусият билан 6,94 % намуна паст (3), 11,1% намуна ўрта (5), 26,3 % намуна юқори (7) аксарият намуналар 55,5 % жуда юқори (9) чидамлик кўрсатди. Жуда чидамлик хусусияти билан 40 та намуна ажратилди. Жумладан: 9, 10, 13, 14, 17, 18, 21. Намуналар тадқиқот йилида асосан тўқ-кўнғир доғланиш 5-40 %, ринхоспориоз 5-30 %, ун-шудринг 5-20 %, йўл-йўл доғланиш 0-10 %, тўр-тўр доғланиш 5-30 %, пакана занг 30%, кўнғир занг 0-40 % атрофида кузатилди. Намуналар ичидан сугориладиган майдонлар шароитида маҳаллий андоза Ихтиёр навига мос равишда 30, 20, 10, 10, 20, 5,0 %, ҳалқаро андоза Atahualpa мос равишда 20, 10, 10, 0, 30, 0 % атрофида зарарланди. Андоза навларга ва бошқа намуналарга нисбатан IBON-W 15, 16, 58, 61, 65, 66, 69, 71 рақамли намуналар бардошлилиги билан яққол устунлик қилди. Ётиб қолишга чидамлик хусусияти билан намуналар 3-паст (19, 36, 45) – 9 жуда юқори (9) атрофида баҳоланди. Жуда юқори (9) чидамли рақамлар 55,5 % ёки 10 та ни ташкил этди. Жумладан: IBON-W 9, 10, 11, 13, 14, 17, 77, 78. Қолган 6,94 % намуналар паст (3), 11,1 % намуналар ўрта (5), 26,3 % намуналар юқори (7) балл билан баҳоланди. Тажрибада 1000 дона дон вази бўйича куйидаги натижа олинди:

1000 дона дон вази 27.1-43,7 г оралиғида бўлди. Ўрганилган 65 та намуналарда 15 та намуна ўрта (40,1-45,0 г) гуруҳга кирди. Жумладан IBON-W 1. 2, 12, 20, 28, 32, 33, 36, 44, 53, 67, 68. 69, 73 рақамлари юқори натижаларни кўрсатди (2-жадвал).

Ҳосилдорлик 13,2-221,2 г/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Юқори кўрсаткич IBON-W 2, 8, 9, 11, 29, 35, 41, 45, 49 рақамли намунада (221,2 г/м<sup>2</sup>) кузатилди. Андоза Ихтиёр навида 166,8 г/м<sup>2</sup> ва Atahualpa навида мос равишда; 102,6166,8 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди (3-жадвал).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ICARDA дан янги келтирилган арпа коллекцион намуналарида ўрганилган эртапишар, ҳосилдор. 1000 дон дон вази юқори, ётиб қолишга, касалликларга чидамлик белгилари бўйича танлаб олинган нав намуналари устида селекциянинг кейинги босқичларида тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбанов. Научные основы обновления семян пшеницы и ячменя. Вестник региональной сети по внедрению сортов пшеницы и семеноводству. № 2. Алматы, 2001. стр. 14.
2. Международный классификатор СЕВ рода *Hordeum* L. Ленинград 1983.
3. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” Вып. 2. «Зерновые, крупянные, зернобобовые, кукурузы и кормовых культур» М., 1989.
4. Сариев Б.С., Тохетова Л.А., Джумаханов Б.М. Результаты изучения ярового ячменя из Сирии в условиях Алматинской области Казахстана. Вестник региональной сети по внедрению сортов пшеницы и семеноводству. № 3 (9)-2004, Алматы, 78 с.

УЎТ: 631.52. 633.16

#### ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАР УЧУН АРПАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ “БАҲОРИКОР” НАВИ

*Т.Маматқулов, қ.х.ф.н., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент*

*А.А.Холдоров, қ.х.ф.ф.д, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент*

*З.И.Усаров, қ.х.ф.ф.д., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент*

*У.Э. Дўстқулов, стажёр-тадқиқотчи, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада “Баҳорикор” арпа навининг экиш муддати, экиш меъёри ва минерал озиклантириш тартиби келтириб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Дон натураси, нав, унувчанлик, уруғ, элита, экстракт модда, ҳосилдорлик, 1000 дон дон вази.

**Аннотация.** В статье представлены результаты воздействия на хозяйственно-ценные признаки сорта ячменя «Бахорикор», сроки посева, норму высева и минеральное питание.

**Ключевые слова:** Натура зерна, сорт, всхожесть, семена, элита, экстрактивная вещества, урожайность, масса 1000 зерен.

**Abstract.** The article presents the results of the effect on the economically valuable traits of the “Bahorikor” variety of barley, sowing time, seeding rate and mineral nutrition.

**Key words:** Grain nature, variety, germination, the seeds, elite, extractive substances, productivity, weight of 1000 grains.

Бугунги кунда лалмикор ҳудудларда арпа майдонларини янада кенгайтириш, яратилган янги арпа навларини жорий қилиш ҳисобига дон ҳосилдорлигини ошириш ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш унинг мустаҳкам озиқа базасини яратиш ҳисобига таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги лалмикор ерларда экилаётган арпа навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослашган бўлишига қарамадан, кейинги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари натижасида навларнинг қурқоччиликка, иссиқликка, кишлашга ва касалликларга етарлича бардошли эмаслиги кузатилмоқда.

Шунинг учун лалмикор майдонларда экишга мўлжалланган арпанинг ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган бошланғич манбаларини танлаб олиш, улардан дурагайлаш ишларида фойдаланиб қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитига мос келадиган юқори ҳосилли янги арпа навларини яратиш бугунги кунда жуда муҳимдир.

Арпанинг янги Баҳорикор нави “Суғориладиган ва лалми ерлар учун арпанинг касалликлар ва зарарқунандалар ҳамда юқори абиотик табиий шароитларга чидамли серҳосил, дони сифатли арпанинг ем-хашак ва озиқ-овқат учун мўлжалланган янги навларини яратиш” амалий илмий-техник тадқиқотлар дастури доирасида илмий изланишлар олиб борилди ва лойиҳа якуни билан Давлат нав синовига топширилди ва 2019 йилдан Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича лалмикор ерларда кузги муддатларда экиш учун Кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилди [1].

Баҳорикор нави арпанинг *Hordeum vulgare* L. авлодига Subsp *distichum* турига *A Trof Nutans* Schub (нутанс) тур ҳилига мансуб. Нав Лалмикор/Байшешек навларини чапиштириб, олинган дурагай авлодидан яқка танлаш йўли билан яратилган.





Дала ва лаборатория тажрибалари “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” [3], Ҳалқаро классификатор СЭВ рода *Hordeum L.* [4] услублар ва қўлламалар асосида олиб борилди. Дала тажрибалари Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида ишлаб чиқилган агротавсия [2] асосида олиб борилди.

Баҳорикор навининг морфологик белгилари: ўсиш тури ярим тўғри ўсувчи, пастки барг япроғи қини тукланган, ён барглари эгилганлиги ўртача, барг ён кулоқчаларинг антоциан ранги мавжуд, антоциан ранг жадаллиги ўртача, барг япроғи қинининг мумсимонлиги ўртача, бошоқлаш муддати ўрта, қилтиқ учи антоциан ранги мавжуд, антоциан ранг жадаллиги кучсиз, бошоқнинг мумсимонлиги кучсиз, бошоқ ҳолати ярим тўғри ўсувчи, бошоқ шакли пирамидасимон, бошоқ зичлиги жуда юмшоқ, қилтиғи бошоққа нисбатан узун, бошоқ биринчи бўғин узунлиги қисқа, бошоқ биринчи бўғин эгилганлиги ўрта, бўғиндаги дўнгалари кучсиз, бошоқча жойлашиши параллелдан бироз оғган, бошоқча гул косачабаргининг узунлиги қисқа, бошоқча учининг шакли бироз учли, ўрта бошоқча бошоқ косачабаргининг узунлиги ва қилтиғининг донга боғлиқлиги қисқароқ, дон асоси туксимон ўсимталарининг тукланиш тури қисқа, дон ташқи косачабарги сиртидаги антоциан ранги кучсиз, дон ташқи гулкосачабарги ички ён сиртининг тишсимонлиги кучли, дон арикчасининг туксимонлиги мавжуд, ривожланиш тури факультатив, кузги ва баҳорги муддатларда экишга мўлжалланган.

Ўсимлик бўйи 71,0-87,6 см, пояси мустаҳкам, ичи бўш, барг узунлиги ўртача 18,2 см, барг эни кенг ўртача 1,6 см.

Навнинг биологик хусусиятлари. Баҳорикор навининг ўсув даври қиш ойларида униб чиққанда ўртача 134 кун, кузда униб чиққанда ўртача 174 кун, қишга чидамлилиги 87,1-89,6%, ётиб қолишга чидамлилиги 7-9 балл, тўқилишга чидамлилиги 7 балл, гельминтоспориоз, ун-шудринг, ринхоспориоз касалликлари билан 5-20% атрофида касалланади, қаттиқ ва чанг қорақуя касалликларига чидамли.

Навнинг хўжалик белгилари. Маҳсулдор тулланиш 2,6-3,6 дона, бошоқдаги дон сони 20-21 дона, дони ярим чўзинчоқ шаклда, сарик, 1000 дона дон вазни 59,7-59,8 г, ҳосилдорлик имконияти юқори 32,8 ц/га. Тадқиқот йилларида Лалмикор навига нисбатан 3,0 ц/га юқори ҳосилдорликка эришди.



**Экиш меъёри.** Текислик минтақада гектарига 2,5 млн. дона, қир-адирлик минтақада 3,0 млн. дона, тоғ олди ва тоғли минтақаларда эса 3,5 млн. дона унвчан уруғ экиш тавсия этилади. Баҳорги муддатларда экиш меъёри худудлар учун белгиланган меъёрлардан 15% камайтирилади.

**Экиш муддати.** Қир-адир минтақада октябр ойининг 2-чи ярми, тоғ олди ва тоғли минтақада эса октябр ойининг биринчи ўн кунлиги мақбул ҳисобланади. Баҳорги муддатда экиш ишлари об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, қир-адирлик минтақасида феврал ойидан март ойи биринчи ўн кунлигигача, тоғ олди ва тоғли минтақаларда март ойи охиригача экиш мумкин.

**Озиқлантириш.** Кузда соф ҳолда шудгорлашдан олдиан фосфор қир-адир минтақада 40 кг/га, тоғ олди ва тоғли минтақаларда 40-60 кг/га тавсия этилади. Баҳорги озиқлантириш март ёки апрел ойи азот соф ҳолда қир-адир минтақада 40 кг/га, тоғ олди ҳамда тоғли минтақаларда 60 га/кгдан май ойи бошида озиқлантириш мақсадга мувофиқ.

#### ҲОИДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. - Тошкент, 2019. - 11 бет.
2. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича қўлланма // Тошкент. 2004 й, 31 бет
3. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” Вып. 2. «Зерновые, крупяные, зернобобовые, кукурузе и кормовых культур» М., 1989.
4. Ҳалқаро классификатор СЭВ рода *Hordeum L.* ВНИИР, Н.И.Вавилова (ВИР). Ленинград.1983.-54 б.

УЎК 330.133

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КЛАСТЕРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ Ф.Р. Садиқова, тадқиқотчи, Қўқон давлат педагогика институти, Қўқон

**Аннотация.** Мақолада ислохотларни амалга оширишида аввалги ривожланиши хусусиятлари ва мамлакат иқтисодийнинг ҳозирги ҳолати, аҳолининг миллий маданияти ва хулқ-атвори хусусиятлари, трансформация даври давомийлиги ва мамлакат тараққиётини шакллантирувчи бошиқа омиллар ва шароитлар тўғрисида таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** кластер, қишлоқ хўжалиги, иқтисодийнинг ўсиши, агросаноат мажмуаси, ислохот, стратегик режа.

**Аннотация.** В статье анализируются характеристики предшествующего развития и современного состояния экономики страны, национальной культуры и поведения населения, длительности периода трансформации и других факторов и условий, определяющих развитие страны.

**Ключевые слова:** кластер, сельское хозяйство, экономический рост, агропромышленный комплекс, реформа, стратегический план.

**Abstract.** *The article analyzes the characteristics of the previous development and the current state of the country's economy, the national culture and behavior of the population, the duration of the transformation period and other factors and conditions that determine the country's development.*

**Key words:** *cluster, agriculture, economic growth, agro-industrial complex, reform, strategic plan.*

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига қўшилишига ва унда муносиб ўрин эгаллашга қаратилган. Бунинг учун иккита асосий шартни кузатиш зарур: биринчидан, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида амал қиладиган тамойиллар ва механизмлар ислохотларнинг асоси бўлиши керак; иккинчидан, ислохотларни амалга оширишда аввалги ривожланиш хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, аҳолининг миллий маданияти ва хулқ-атвори хусусиятлари, трансформация даври давомийлиги ва мамлакат тараққиётини шакллантирувчи бошқа омиллар ва шароитлар ҳисобга олиниши керак.

Ушбу тамойиллар минтақаларнинг агросаноат комплексларини (АСК) янги бошқарув тизимини яратишда ҳам амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси, мустақил давлат сифатида, фуқароларининг фаровонлиги ва эркинлигини, мамлакат иқтисодий тикланишини, ички иқтисодиётнинг ўсиши ва фаровонлигини таъминлаши керак бўлган бозор ислохотлари йўлини танлади.

Ислохот жараёнида амалга оширилган бошқарув тизимини марказсизлаштириш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишни тўлиқ рад этишни англатмайди. Бундай ёндашувнинг зарурияти шундаки, бозорга ўтиш мураккаб жараён бўлиб, унда давлат ажралмас ва фаол иштирокчи бўлиши керак.

Маълумки, бозор бутун жамият эҳтиёжлари, мамлакатнинг ижтимоий ҳамжиҳатлиги, фундаментал илмий тадқиқотлар, узоқ муддатли дастурлар ва биринчи навбатда агросаноат мажмуасини ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас.

Ижтимоий-иқтисодий, валюта ва молия каби соҳаларда муайян сиёсатни амалга ошириш орқали бозорни тартибга солишнинг мақсадга мувофиқлиги таркибий инвестициялар ва илмий-техникавий ривожланиш барча ривожланган бозор мамлакатларида тан олинган.

Давлатнинг роли шундан иборатки, у қонунчилик, давлат буюртмалари, экспорт ва импортни лицензиялаш, кредит ставкаларини белгилаш, ҳар хил рағбатлантириш ва назорат қилиш каби аралашув шаклларида фойдаланган ҳолда бозор фаолияти учун умумий қоидаларни белгилаши ва ҳимоя қилиши керак.

Шунингдек, давлатга иқтисодий зоналарни тўлдириш вазифаси юклатилган, улар таркибига қуйидагилар киради: экологик хавфсизлик, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтлари, даромадларни қайта тақсимлаш, илмий-техник тараққиёт, таркибий ва минтақавий номустаносбликларни бартараф этиш, самарали халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланиш киради.

Ушбу функцияларни бажаришда давлат талаб ва таклифни макро даражада тартибга солиди, товар-пул айирбошлаш амалга ошириладиган ташкилотлар даражасида ўзини ўзи бошқариш механизмнинг ишлашига аралашмайди ёки чекламайди.

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари тартибга солиш воситаларига (солиқ, кредит, тариф сиёсати ва бошқалар) айланиб борадиган ҳукумат таъсирининг шакллари ҳам ҳар хил бўлиши керак.

Кўп укладли иқтисодий тизимга ўтиш барча даражаларда ўзини ўзи бошқариш ролининг сезиларли даражада ошишини таъминлаши керак. Ўзбекистон шароитида иқтисодий марказлар тобора кўпроқ иқтисодий мустақиллиги ўсиши керак бўлган минтақалар даражасига ўтмоқда. Бу, бир томондан, ҳудудларда ҳал қилинадиган вазифалар сони ва мураккаблигини кўпайишига олиб келади, иккинчидан, миллий иқтисодиётни бошқариш тизимини сезиларли даражада соддалаштиради.

Ҳозирги вақтда бозорни ислох қилишнинг янги босқичига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда ўзгаришлар юз бермоқда, бу минтақавий субъектларнинг ривожланишини бошқариш асосларига таъсир қиладди. Минтақавий субъектларнинг иқтисодиётдаги асосий вазифалари - анъанавий равишда ҳудудда фаолият кўрсатадиган кишлоқ хўжалиги хўжалик юритувчи субъектларининг барқарор иқтисодий ривожланиши учун шароит яратиш; минтақа аҳолисининг талаб қилинадиган турмуш даражасини ва ижтимоий таъминотини сақлаш; экологик муаммоларни ҳал қилишдан иборат.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ва атроф-муҳитни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бирлаштирилган тамойилларга бўйсунди ва қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базадан ва бошқарувдан (маъмурий, иқтисодий) иборат ўзаро боғлиқ тизимдир. Шу билан бирга, ушбу тизимнинг асосини режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш ва бошқариш функцияларини бажарадиган ягона бошқарув элементи бўлиши керак.

Бошқаришнинг муҳим стратегик воситаларидан бири бу кишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишдир.

Шу билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни тасдиқлайдики, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш кўплаб фаолият йўналишлари бўйича давлат томонидан аниқ амалга ошириладиган ёрдам чораларисиз аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг юқори даражасини таъминлай олмайди.

Кейинги вақтларда таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, арзон уй-жойлар қуриш бўйича устувор намунавий лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатнинг ушбу ижтимоий-иқтисодий соҳаларига катта ҳисса қўшди.

Кластерларнинг яратилиши бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, қайта ишлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчилар учун ҳам имтиёзларни беради, стратегик режада маркетинг сиёсатини шакллантириш учун шароит яратади.

Сўнгги йилларда озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиши мамлакатнинг кўплаб минтақаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини инвестиция жозибадорлиги учун шароит яратди. Шу муносабат билан минтақавий ва шаҳар қишлоқ хўжалиги кластерларини яратиш инвесторлар учун самарали лойиҳаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг минтақаларида иқтисодий шароитларнинг барқарорлашуви ва иқтисодий ўсиш кластерларни шакллантириш учун ҳақиқий шарт-шароитларни яратди. Ривожланган бозор мамлакатларида ўнлаб йиллар давомида корхоналар кластерлари яратилган. Кластернинг асосини малакали менежмент ва юқори корпоратив маданиятга эга кучли корхоналар ташкил этди. Кластерга бир ҳил корхоналарнинг қиритилиши асосий корхонанинг бошқарув тажрибаси ва корпоратив маданиятини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта корхоналарнинг кластерларини яратиш вазифаларидан бири бу рақобат муҳити ва бозор талабидаги доимий ўзгаришларга мослашиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилувчиларнинг бозор таъсирини камайтиришдир. Кластерларни яратиш янги хусусиятларга эга бўлган товарларни (хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини) ишлаб чиқаришни осонлаштириши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, кластерга бирлаштирилган кичик ва ўрта корхоналар рақобатбардошлигини ва маҳсулот бозоридаги мавқеини кучайтиради. Ривожланган бозор мамлакатларида товар бозорларида бир ҳил ишлаб чиқариш турига эга бўлган корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ушбу корхоналарнинг иқтисодий манфаатларига мос келиши асосида кластерлар яратилди. М. Э. Портер ўзининг “Рақобат” фундаментал ишида кластерни “маълум бир ҳудудда фаолият юритадиган ва умумий фаолият билан ажралиб турадиган ва бир-бирини тўлдирувчи географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳи” сифатида тақдим этади.

Шуни таъкидлаш керакки, “фаолият бирлашмаси” корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари бир-бирига мос келиши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, корхоналар кластерини рақобатбардошлиқни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва тижорат жараёнларини бирлаштириш мақсадида яратилган корхоналар бирлашмаси деб тушуниш керак.

Ҳар қандай мамлакатнинг етакчи товар бозорларидан бири бу қишлоқ хўжалиги кластерларининг фаол ривожланишини белгилайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес кластерлари ишлаб чиқаришнинг табиий интеграцияси ва кооперацияси натижасида ёки минтақавий ва шаҳар ҳокимиятлари ёрдамида ўзини ўзи ташкил этиш асосида шаклланиши мумкин.

Тадбиркорларнинг ўзини ўзи ташкил этиш, қоида тариқасида, тадбиркор-рахбарнинг ташаббуси билан амалга оширилади. Шуни ёдда тутиш керакки, корхоналар - мумкин бўлган кластернинг потенциал иштирокчилари, қоида тариқасида, ўхшаш турдаги товарларни (хизматларни) ишлаб чиқаради ва товар бозорларида бир-бирига нисбатан рақобатдош ҳисобланади. Шу муносабат билан, кластерга киришда, тадбиркорлар ўз бизнесларини йўқотиш (етақчи корхона томонидан эгаллаб олиниши сабабли) ҳақида хавотирга тушишади.

Бирламчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари қуйидаги сабабларга кўра сотилаётган маҳсулотларга воситачиларнинг юқори нархлари ва савдо белгиларидан манфаатдор эмаслар: 1) маҳсулотлар нархининг ошиши бозорда талабнинг пасайишига олиб келади, бу эса эртами-кечми ортиқча ишлаб чиқаришга олиб келиши мумкин; 2) юқори воситачилик маржалари ва савдо чегаралари қайта тақсимлаш жараёни орқали асосий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фойдасини олиб қўяди. Рўйхатда келтирилган омиллар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кластерларга киришига туртки беради.

Кластер яратишнинг иқтисодий манфаатларини бирлаштирувчи омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин: 1) товар бозорида ягона нарх сиёсатини олиб бориш; 2) унинг иштирокчилари томонидан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш; 3) ягона маркетинг сиёсатини олиб бориш; 4) инновацион технологияларни жорий этиш - маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни товар бозорларида сотиш интеграцияси ва кооперацияси ҳисобланади.

Мамлакат минтақаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластерлаш минтақаларнинг ихтисослашувини ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқ.

Шундай қилиб, менежмент макон ва вақт ичида динамик равишда ўзгариб турадиган, ўзаро боғлиқ бўлган бошқарув функциялари сифатида тақдим этилади, уларнинг мақсади корхонанинг вазифаларини ҳал қилишдир.



Демак, кишлок хўжалиги кластерларини ташкил қилишда ташкилот маданияти (корпоратив маданият), бошқарувни демократлаштиришнинг турли шакллари, ходимларнинг фойдани тақсимлашда иштирок этиши, эгаллик қилиш, бошқариш, етакчини танлаш каби омилларга эътибор қаратиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун етарли миқдордаги даромад олиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга, шунингдек самарали иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш орқали уларнинг ривожланиш барқарорлигини таъминлашга интилиши керак.

Бозор муносабатлари ўзини ўзи тартибга солувчи ва давлат томонидан тартибга солинадиган механизмларга асосланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурини амалга ошириш давлат органлари томонидан тегишли кўмиталар ва комиссиялар, инспекциялар, шунингдек тармоқ (тармоқлараро) тузилмалар орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат органларининг вазифалари стратегияни ишлаб чиқиш, агросаноат мажмуасини тартибга солишнинг аниқ йўналишлари, усуллари ва механизмларини аниқлаш, озиқ-овқат бозорларидаги вазиятни таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, таркибини сақлаб қолишдир. Миллий иқтисодиёт учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, ривожланиш, қабул қилинган дастурларни молиялаштириш ва амалга оширишни ташкил этишдан иборат бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги бошқармалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби ва назорат қилишнинг барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга ахборот ва маслаҳат хизматлари бўйича иш олиб бориши керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг асосий фондларини сақлаш ва ривожлантиришдир. Ушбу корхоналар хом ашё ишлаб чиқариш учун ер ресурсларидан фойдаланганлиги ва уни қисман қайта ишлашни ташкил қилганлиги сабабли, улар олдида бошқа вазифалар туради: керакли миқдордаги хом ашёни олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, уларни янада самарали ишлатиш учун ресурсларни қайта тақсимлаш, ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, ижтимоий ва маиший муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади.

Ҳаёт сифатига таъсир қилувчи асосий омиллар: аҳолининг реал даромадлари, уй-жой билан таъминлаш, овқатланиш баланси, соғлиқни сақлаш даражаси, мактабгача ва умумий таълим, маданият киради. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича юқори даражадаги хавфсизлик демографик вазиятга, руҳий ҳолатга, психологик иқлимга, ходимларнинг қониқишларига ижобий таъсир кўрсатади; меҳнатга виждонан муносабатни, унинг унумдорлигини оширишни таъминлайди. Етакчи фермер хўжаликларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақанинг ижтимоий ривожланиши даражаси қанчалик баланд бўлса, ундаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича кластерли ёндашув - бу худудий ва тармоқлараро бошқарув тамойилларининг махсус комбинацияси бўлиб, бу иқтисодиётнинг мезон даражасида интеграция жараёнини рағбатлантиришга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги кластерлари рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан муваффақиятли яратилганда, синергетик эффект квази-интеграл ассоциациядаги каби кластер иштирокчиларининг ўзаро таъсиридан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалиги кластерларида рақобат ва кооперациянинг мураккаб комбинацияси шаклланмоқда. Минтақавий бозорда қишлоқ хўжалиги кластерлари тармоқ ва рақобатнинг ягона агентлари сифатида иштирок этади, бу уларга тенг асосда ҳаракат қилиш ва глобал рақобатнинг бузғунчи тенденцияларига қарши туришга имкон беради.

Кластерларнинг афзаллиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг жойлашиши бўйича ажратилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан таққослаганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги инновацион ва меҳнат унумдорлигининг ўсишида кўринади. Кластердаги қишлоқ хўжалиги корхоналари бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг (шу жумладан шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари) концентрациясидан, шунингдек харидорларнинг эҳтиёжларини билишдан ва улар билан озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва савдо корхоналаридан алоқалар ўрнатишдан фойда кўришади.

Қишлоқ хўжалиги кластерида иштирок этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига янги технологиялар, ишлаш услубларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Кластерга киритилган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатдош устунликларини шакллантириш учун эгилувчанлик ва бозор соҳасидаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бериш қобилияти муҳимдир.

Кластерга ишлов бериш қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш рақобатдош устунликларини ишлаб чиқариш учун эгилувчанлик ва бозор соҳасидаги муносабатларга тезкорлик билан жавоб бериш қобилиятини таъминлайди.

Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида минтақавий стратегик менежмент учун ижтимоий, экологик ва иқтисодий таркибий қисмларни ҳисобга олиш керак, уларнинг охиригиси ҳал қилувчи ҳисобланади. У ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга оширадиган алоҳида корхоналарнинг минтақавий ишлаб чиқариш тизимлари мажмуаси фаолияти натижаларидан, шунингдек белгиланган мақсадларга мувофиқ минтақавий ресурсларни бошқариш механизмидан иборат. Шу билан бирга, фақат ҳар бир минтақа учун энг мақбул бўлган, белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган маълум бир минтақанинг

ресурсларидан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлигини таклиф қиладиган стратегик бошқарув воситасида ва минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Портер М. Э. 1. Рақобат. Москва: "Вильямс", 2001. С. 207.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь.
3. Khalmatjanova, G. D. (2020). Mechanisms of formation of agricultural clusters in the economy of Uzbekistan. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 847-852.
4. Халматжанова, Г. (2020). Кластеры-фактор, определяющий развитие аграрного сектора республики узбекистан. in *развитие регионального анк и сельских территорий: современные проблемы и перспективы* (pp. 319-322).

УЎТ: 633.11; 631.52

### СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН ҚАТТИҚ БУҒДОЙНИНГ ТЕХНОЛОГИК-СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВ ВА ТИЗМАЛАРИ Д.Х. Халиқулов, таянч докторант, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси

**Аннотация.** Мақолада Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг суғориладиган майдонлари тажриба даласининг рақобат нави синаш майдонида ўрганилган 14 та қаттиқ буғдой нави ва тизмаларнинг технологик кўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги баён этилган.

**Калим сўзлар:** Қаттиқ буғдой, нави, тизма, андоза, 1000 донна дон вази, дон натураси, шишасимонлик, клейковина.

**Аннотация.** В статье приводятся технологические показатели и урожайные данные изучаемых 14 сортов и линий твердой пшеницы в питомнике конкурсного сорта испытания на поливном участке Галляральская научно-опытная станция Научно-исследовательского института зерно и зернобобовых культур.

**Ключевые слова:** Твердой пшеница, сорта, линии, стандарт, масса 1000 зерен, натура зерна, стекловидность, клейковина.

**Abstract.** In the article wrote quality and yield indices of the 14 sorts and varieties of durum wheat studied in advanced yield trial of experimental field of irrigated areas of Gallaaral Research and Experimental Station of the Research Institute of Grain and Legume crops.

**Key words.** Durum wheat, sort, variety, standard, 1000 kernels weight, kernel capacity, vitreous, gluten.

**Кириш.** Қаттиқ буғдой асосан Туркия, АҚШ, Италия, Канада, Сурия, Марокко, Қозоғистонда кўплаб экилади. Дунёда 38,1 млн тонна қаттиқ буғдой дони етиштирилади [1]. Ўзбекистонда эса қаттиқ буғдой донига бўлган талаб қатор йиллардан бери қондирилмай келинмоқда. Республикамаизда қаттиқ буғдой донига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда, чунки макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат корхоналаридан ташқари хусусий ишлаб чиқариш цехлари ҳам кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам қаттиқ буғдой донига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимизнинг озиқ-овқат саноати учун бир йилда 120-150 минг тонна қаттиқ буғдой дони талаб этилади (Н.Ходжаева, Қ.Равшанов).

Қаттиқ буғдойнинг ҳосилдор ва дон сифати юқори бўлган, саноат талабига жавоб берадиган навларини яратиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Суғориладиган майдонлар учун қаттиқ буғдойнинг иссиқликка, занг касалликларига чидамли, дон сифати юқори бўлган нави намуналарини ўрганиш ва танлаш ҳамда маҳаллий навлар билан чапиштириб юқори ҳосилли навлар яратиш.

**Материал ва методлар.** Илмий тадқиқот ишлари Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг суғориладиган майдон тажриба даласининг 2019-2020 йилларда рақобат нави синови майдонида олиб борилди.

Рақобат нави синови майдонида 14 та нави ва тизмалар 25 м/кв майдончадан тўрт қайтариқда экилди. Андоза нави сифатида “Макуз-3” навидан фойдаланилди.

1000 донна дон вази – ГОСТ 12042-80;

Доннинг шишасимонлиги – ГОСТ 10987-76;


Клейковина – ГОСТ 13586.1-86;

Дон ҳажми ПХ-1 гост 7861-74 1983 йилда ишлаб чиқарилган мосламада аниқланди.

Технологик кўрсаткичларни баҳолашда Россия ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган классификатордан (1984 й.) фойдаланилди.

**Натижалар.** ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТСнинг суғориладиган тажриба майдонида 2019-2020 йилларда олиб борилган рақобат нави синови майдонида ўрганилган қаттиқ буғдойнинг 14 та нави ва тизмаларининг технологик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги ўрганилганда қуйидаги натижалар аниқланди.

Нави ва тизмаларнинг 1000 донна дон вази ҳосилдорликни белгилашда муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. 1000 донна дон вази йиллар бўйича ва ўсимлик ўстириладиган шароитга қараб 15 гча ошиши ёки камайиши мумкин маълумотлари бўйича 1000 донна дон вази турли буғдой навларида турлича бўлиб, ўтказилган тажрибаларда 20-69 гча ўзгариб турган [2; 18-19 б.].




Тадқиқот йилларида рақобат нав синов майдонидаги нав ва тизмаларнинг 1000 дон дон вазни ўртача 39-48,3 гни, андоза «Макуз-3» нави ўртача 43,8 гни, андоза навга нисбатан Mikki-3 (46,8 г), ICAMOR TA-04 (48,3 г), Mikki-3 (45 г), № 2012/7 (46,1 г), № 2012/77 (47,3 г) нав ва тизмалари 2,3-4,5 г юқори эканлиги аниқланди (1-диаграмма).

Дон натураси – бу бир литр ҳажидаги дон массаси бўлиб, буғдойда бу кўрсаткич 700 дан 840 ггача бўлади. Дон натураси бу доннинг тўлиқлигини, дон таркибига кирувчи моддалар синтези жараёнининг тугалланганлигини билдириб, дон қанчалик тўлиқ бўлса унинг ҳажми шунча юқори бўлади [3; 8-11 б. 4; 3991-3993].

Тажрибада қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг дон натураси ўрганилганда нав ва тизмаларнинг дон натураси ўртача 780,2-821 г/л бўлганлиги кузатилди. Андоза «Макуз-3» нави 800,5 г/л, андоза навга нисбатан Azeghar-3 (821 г/л), № 2012/7 (814,8 г/л), № 2012/77 (805,6 г/л) нав ва тизмалари 5,1-20,5 г юқори эканлиги аниқланди (Диаграмма-2).

Шишасимон қаттиқ буғдой донлари таркибидаги оксил миқдори шишасимонлиги бўлмаган донларга нисбатан юқори бўлади [5; 19-32- б.].

Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг дон шишасимонлиги ўртача 72,6-87 % ни ташкил этган бўлса, андоза «Макуз-3» навига (75,4 %) нисбатан Истикболли (84 %), Мингчинор (80,2 %), ICAMOR TA-04 (82,5 %), Azeghar-3 (81 %), Курант (87 %), Агат Донск (80 %), Кристалла (85,3 %), № 2012/7, (83,2 %), № 299 (80,3 %), № 586 (78,5 %) нав ва тизмалари 3,1-11,6 % юқори эканлиги аниқланди (3-диаграмма).



Доннинг муҳим технологик кўрсаткичларидан бири – дон таркибидаги клейковина ва унинг сифати ҳисобланади.





Нав ва тизмаларнинг клейковина миқдори ўртача 19-30,3 % ни ташкил этган бўлса, андоза «Макуз-3» нави (22,3 %) нисбатан Истиқболли (25,8 %), Мингчинор (27,5 %), Агат Донск (30,3 %), Курант (29,3 %), Кристалла (28,5 %), № 2012/7 (27,0 %), № 2012/77 (24,1 %), № 299 (24,3 %) нав ва тизмалари 1,8-8 % юқори эканлиги аниқланди (4-диаграмма).

2019-2020 йилларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра рақобат нав синов майдонида ўрганилган қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг ҳосилдорлиги ўртача 37,8-60,3 ц/га, ўртача ҳосилдорлик 47,3 ц/гани ташкил этди. Андоза «Макуз-3» нави нисбатан Истиқболли (50,3 ц/га), Мингчинор (53,2 ц/га), Микки-3 (58,4 ц/га), Azeghar-3 (49,5 ц/га), № 2012/7 (60,3 ц/га), № 2012/77 (50 ц/га) нав ва тизмалари 3,8-14,6 ц/га юқори эканлиги аниқланди (5-диаграмма).



Нав ва тизмаларнинг технологик кўрсаткичлари бўйича корреляцион таҳлил қилинганда, 1000 дон дон вазни билан дон натураси ўртасида  $r=0,83$  ижобий коррелятив, 1000 дон дон вазни билан шишасимонлик ўртасида  $r=0,91$  ижобий коррелятив, шишасимонлик ва клейковина даражаси ўртасида  $r=0,9$  ижобий коррелятив, 1000 дон дон вазни ҳамда ҳосилдорлик ўртасида ҳам  $r=0,9$  ижобий коррелятив боғлиқлик борлиги тажрибамиз натижасида аниқланди.

**Хулоса.** Суғориладиган майдонлар учун қаттиқ буғдойнинг рақобат нав синов майдонида 2019-2020 йилларида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 14 та нав ва тизмаларнинг технологик кўрсаткичлари (1000 дон дон вазни, дон натураси, шишасимонлиги, клейковина миқдори) ва ҳосилдорлиги бўйича № 2012/7 тизмаси андоза «Макуз-3» нави ҳамда бошқа нав ва тизмаларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Келгусида дон сифати ва ҳосилдорлиги юқори навлар яратиш мақсадида № 2012/7 тизмаси танлаб олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ioannis N. Xynias, Ioannis Mylonas, Evangelos G. Korpetis, Elissavet Ninou, Aphrodite Tsaballa, Ilias D. Avdikos, Athanasios G. Mavromatis. Durum Wheat Breeding in the Mediterranean Region: Current Status and Future Prospects. *Agronomy* 2020, 10, 432
2. Курбанов Г.К., Джумаханов Б.М., Тилляев Р.Ш. 2000. «Исходный материал для селекции зерновых культур». Вестник Региональной сети улучшению озимой пшеницы Центральной Азии и Закавказье. Алматы. №1. – С.18-19
3. S.Deivasigamani, C.Swaminathan. Evaluation of Seed Test Weight on Major Field Crops//International Journal of Resarch Studies in Agricultural Sciences (IJSAS) 2018, Volume 4, Issue 1, - P. 8-11.
4. Hossein Afshari, Mostafa Eftekhari, Miad Faraji, Abdol Ghaffar Ebadi and Abbas Ghanbarimalidare. Studying the effect of 1000 grain weight in the sprouting of different species of Salvia L. grown in Iran *Journal of Medicinal Plants Resarch*. 2011, Vol. 5(16), - P. 3991-3993.
5. J.E.Dexter, B.A.Marchylo, A.W.MacGregor, and R.Tkachuk. 1989. The structure and protein composition of vitreous, piebald and starchy durum wheat kernels. *J. Cereal Sci.* 10:19-32.

УЎК: 633.882.21: 631.8

#### МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ДОРИВОР ШИРИНМИЯ (*GLYCYRRHIZA GLABRA*) КЎЧАТЛАРИ БИОЛОГИК МАССАСИГА ТАЪСИРИ

**Ш.Ч.Холтўраев, қ.х.ф.ф.д (PhD), Навоий вилояти Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириши  
Илмий маркази, Навоий**

**Б.Т.Хофизов, қ.х.ф.н, к.и.х., Навоий вилояти Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириши  
Илмий маркази, Навоий**

**Қ.Б.Мухаммадиев, тадқиқотчи, Навоий вилояти Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириши  
Илмий маркази, Навоий**

**Аннотация.** Мақоллада доривор қизилмиya о'симликининг майdonи, ко'paytirish бо'yича hukumat qarorlari, shuningdek, dоривор қизилмиya о'симликини ildiz so'qmoqlaridan etishtirish va mineral o'g'itlarning о'симlik qismlariga ta'siri ko'rib chiqiladi. Navoiy viloyatida tashkil etilgan cho'l mintaqasida o'rmon xo'jaligini rivojlantirish ilmiy markazi dоривор қизилмиya madaniy plantatsiyalarini yaratish to'g'risida ma'lumot beradi.

**Kalit so'zlar:** yalang'och qizilmiya (*Glycyrrhiza glabra*), tuproq, unumdorligi, qishloq xo'jaligi texnologiyasi, o'g'itlar, barglar, poyalar, ildizlar, gramm.

**Аннотация.** В статье рассматриваются ареал лекарственного растения солодки голой. Указаны правительственные решения по её размножению, а также солодка путем использования корневых отпрысков с использованием черенкования и влияние минеральных удобрений на разные части растения.

Научный центр развития лесного хозяйства в пустынном регионе, созданный в Навоийской области, предоставляет информацию о создании плантаций лекарственной солодки.

**Ключевые слова:** Солодка голая (*Glycyrrhiza glabra*), почва, плодородие, агротехника, удобрения, листья, стебли, корни, грамм.

**Annotation.** The article examines the area of the medicinal licorice plant, government decisions on propagation, as well as the cultivation of the medicinal licorice plant from root cuttings and the effect of mineral fertilizers on plant parts. The scientific center for the development of forestry in the desert region, created in the Navoi region, provides information on the creation of cultural plantations of medicinal licorice.

**Key words:** Licorice naked (*Glycyrrhiza glabra*), soil, fertility, agricultural technology, fertilizers, leaves, stems, roots, gram.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 майдаги “Ўзбекистонда ширинмия илдизини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2970-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги 63-сонли “Ўзбекистон Республикасида ширинмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларида, ўрмон фонди ерларида ширинмия ўсимлиги экин майдонларини жадал тарзда кўпайтириш ва кўчатларини интенсив етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган [1].

Жаҳон бозорида ширинмия доривор ўсимлигининг илдизи жуда харидоргир ҳисобланади. Ширинмия илдизлари янги экилгандан сўнг 4-чи йил якунида қовлаб олиш мақсадга мувофиқ. Лекин 3-4 йиллик ширинмия илдизидан 40 тоннагача илдиз қаламчалари йиғиб олиш мумкинлиги ҳақида илмий манбаларда келтириб ўтилган.

Ширинмия ўсимлиги уруғидан кўпайтиришдан кўра илдиз қаламчасидан яхшироқ кўпаяди. Ширинмия доривор ўсимлигини уруғларини кўпайтириш жуда мураккаб жараён бўлмасда, лекин Республика миқёсида уруғидан кўпайтириш бўйича тадқиқотлар кам олиб борилган [5].

Ширинмия ўсимлиги ер юзида тарқалиш аралари жуда кенг бўлиб, собиқ итфоқ Республикаларининг Европа қисмида Кавказ, Қирим, Сибир, Кичик Осиёда, Афғонистон, Эронда кенг тарқалган. Юртимизда эса ширинмия ўсимлиги тўқай ўсимлиги ҳисобланиб асосан Сирдарё бўйларида Амударёнинг қўйи қисмида, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарёнинг дарё ўзанларида, Республикаимизнинг барча вилоятларда канал бўйларида учрайди.

Ширинмия ўсимлиги илдиз тизимининг яхши ривожланганлиги ва сувга талабчан бўлмаганлиги учун дарё ўзанларидан ташқари чўл ҳудудларида ҳам кўпайтириб чўлланишнинг олдини олиш мумкин [4; 139- б].

Ширинмия уруғи пишиб етилганда уруғли шингил ҳосил қилади. Шингил асосан поянинг ўрта ва бош қисмларида шингилли дуккакларда уруғ пишиб етилади. Ширинмия доривор ўсимлиги юртимизда махсус майдонларда кўпайтириш яхши ривожланмаган. Ширинмия шингилларидаги уруғлар август ойи охирида пишиб етилади ва қўл кучи ёрдамида пишган ширинмия уруғлари йиғиб олинади.

Барча турдаги уруғларнинг ўйғониш даври турлича бўлиб айримлари бир кунда униб чиқса, баъзи уруғлар икки йилда унади. Айрим ўсимликлар пишгандан кейин уруғи чуқур уйқу ҳолатида бўлади ва уруғлар экилгандан сўнг уларнинг бир қисми униб чиқади. Уруғларни стратификация қилишдан мақсад уруғнинг тиним даври ёки уйқу ҳолатидан ўйғотиш, уруғга ишлов бериш орқали бир текисда уруғларни ундириш ҳисобланади [2; 8- б].

Амударё ўзанида ўсувчи ширинмия ўсимлигида (*Glycyrrhiza glabra*-L.) глиссириза моддаси кўпроқ бўлиши илдизнинг қизиллигидан ҳам билиб олиш мумкин. Ширинмия доривор ўсимлигидан ер юзида Хитой давлати энг кўп фойдаланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб Навоий вилоятида ташкил этилган Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш Илмий марказида ширинмия ўсимлиги устида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тажриба майдонида экинларни экишдан олдин тупроқдаги озика моддалари миқдорини аниқлаш мақсадида тупроқ намуналари олиниб, кимёвий таҳлил қилинди [3; 144- б].

Тадқиқотда ширинмия етиштиришнинг мақбул агротехнологиясини ишлаб чиқишда минерал ўғитларнинг доривор ширинмия кўчатларидаги қуруқ ва ҳўл массасига таъсири ўрганилди.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқотда 4 та вариантда ширинмия илдизларини турли хил ўғит меъёри қўллаб ўрганилди, биринчи вариантда ширинмия табиий шароитда ҳам ўсиши ва юқори илдиз ҳосили олинишини ҳисобга олиб ўғитсиз вариант ўрганилди, иккинчи вариантда эса  $N_{20}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрида ўғитлар қўлланилиб ўрганилди, учинчи вариантда эса  $N_{40}P_{60}K_{40}$  кг/га меъёрида ўғитлар қўлланилди, тўртинчи вариантда эса  $N_{60}P_{60}K_{40}$  кг/га таъсир этувчи соф модда сифатида қўлланилиб ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Доривор ширинмия кўчатларининг ҳўл массаси ҳам худди қуруқ массасига ўхшаб минерал ўғитлар қўллаганда битта модел ўсимлик учун қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди. Минерал ўғитларни кам қўллаш натижасида ўсимликларнинг ҳўл оғирлиги ўғит меъёрларига мос равишда камайди.

Назорат (ўғитсиз) вариантда эса бу кўрсаткичлар баргда 19,18 грамм пояда 8,18 грамм ва илдизда эса 69,43 граммни ташкил қилди. Жами ҳўл массаси эса 96,79 грамм бўлиши кузатилди.

Минерал ўғитларнинг  $N_{20}P_{60}K_{40}$  меъёрлари билан қўлланилганда, иккинчи вариантда баргда 23,42 грамм пояда 9,13 грамм илдизда 74,99 грамм жами ҳўл массаси 107,54 граммни ташкил қилди. Учунчи

вариантда эса баргда 25,25 грамм пояда 10,16 грамм илдизда 81,21 грамм жами хўл массаси 116,62 граммни ташкил қилди.

1-жадвал.

**Минерал ўғитларнинг доривор ширинмия кўчатлари хўл массасига таъсири (грамм ҳисобида)**

Вариантлар	Битта модел ўсимлик учун хўл массаси, г.				
	барг	поя	илдиз	жами	
				г	%
(Назорат) ўғитсиз	19,18	8,18	69,43	96,79	100
N <sub>20</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	23,42	9,13	74,99	107,54	111,1
N <sub>40</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	25,25	10,16	81,21	116,62	120,4
N <sub>60</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	46,57	11,89	85,13	143,59	148,3

Бу кўрсаткичлар тўртинчи вариантда тегишли равишда баргда 46,57 грамм, пояда 11,89 грамм, илдизда 85,13 граммни ташкил этди. Жами хўл массаси эса битта модел ўсимлик учун 143,59 грамм яъни 148 % ни ташкил қилди.



**1-Расм. Ширинмиянинг бир туп модел ўсимлик учун (барг, поя, илдиз) хўл ва қуруқ массасига таъсирини аниқлаш жараёни**

Минерал ўғитларнинг доривор ширинмия кўчатининг қуруқ массасига таъсири ўрганилганда назорат (ўғитсиз) вариантда қуруқ массаси битта модел ўсимлик органлари учун баргда 10,50 грам, пояда 4,19 грамм, илдизда 41,47 грамм, жами қуруқ масса эса 56,16 граммни ташкил қилди; иккинчи вариантда эса мос равишда 11,80, 4,43, 47,08 граммни жами 63,31 грамм ташкил қилди; учинчи вариантда эса 12,07, 5,42, 48,92 граммни ташкил қилди; тўртинчи вариантда эса барг поя илдизда эса тегишли равишда 27,99; 6,26; 49,07 грамм ва жами қуруқ масса 83,32 граммни ташкил этди.

Бунда, тегишли равишда назорат вариантга нисбатан барг 2,6; поя 1,4; илдизда 1,18 баробарга, жами битта модел ўсимлик учун назорат вариантга нисбатан 148 % га ошириши кузатилди.

2-жадвал.

**Минерал ўғитларнинг доривор ширинмия кўчатининг қуруқ массасига таъсири (грамм ҳисобида)**

Вариантлар	Битта модел ўсимлик учун қуруқ массаси, г.				
	барг	поя	илдиз	жами	
				г	%
Назорат (ўғитсиз)	10,50	4,19	41,47	56,16	100
N <sub>20</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	11,80	4,43	47,08	63,31	112,8
N <sub>40</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	12,07	5,42	48,92	66,41	118,2
N <sub>60</sub> P <sub>60</sub> K <sub>40</sub>	27,99	6,26	49,07	83,32	148,3

Тадқиқот натижаларининг бир йиллик дастлабки хулосаларига кўра минерал ўғитларни N<sub>60</sub>P<sub>60</sub>K<sub>40</sub> кг/га меъёрда қўлланилганда битта модел ўсимликда бошқа вариантга нисбатан юқори натижалар олинди. Ширинмия ўсимлиги тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаши, таркибида энг кўп инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементлар тутиши, аксарият дамламаларга ширинмия илдизи кўшилиши ва озик овқат саноатида қўлланишини ҳисобга олиб бугунги кунда фойдаланилмай келинган мелиоратив ҳолати оғир бўлган тупроқларга илдиз поя қаламчаларидан экишни кўпайтириш лозим.

**ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017– йил 16- майдаги ПҚ- 2979- сон “Ўзбекистон Республикасида ширинмия илдизи етиштиришни ва уни саноатда қайта ишлашни кўпайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” қарори.

2. Ширинмия ўсимлигини тайёрлаш ва етиштириш бўйича йўриқнома. Шифобахш доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш маркази. Тошкент 2018, 8-бет.

3. Доривор ва озуқабоб ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом-ашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома. Тошкент-2015 йил, 144 бет

4. Э.Абдиназаров. Сурхондарёнинг доривор ўсимликлари. Термиз-2017 й 139 бет.

5. <https://agro-olam.uz/dorivor-shirinmiya-haqida>.



## ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЯЙЛОВ ЕРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

**Ф.Ш.Худойбердиев, в.б.доц., ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро**  
**Ф.Қурбонов, магистрант, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро**

**Аннотация.** Бухоро вилоятида деградацияга учраган яйловлар тупроқлари унумдорлигини ошириш, табиий яйловлар ўсимлик дунёси фауна ва флорасини сақлаш ва экологик барқарорлигини тиклаш ҳамда яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Калит сўзлар:** Деградация, чўл, ярим – чўл, яйлов, ўрмонзорлар.

**Аннотация.** В Бухарской области реализуются комплексные меры, направленные на повышение плодородия деградированных пастбищных почв, сохранение и восстановление экологической устойчивости фауны и флоры растительного мира естественных пастбищ, а также повышение эффективности использования пастбищ.

**Ключевые слова:** Деградация, пустыня, полупустыня, пастбище, лесные угодья.

**Abstract.** In the Bukhara region, comprehensive measures are being implemented to increase the fertility of degraded pasture soils, preserve and restore the ecological stability of the fauna and flora of the plant world of natural pastures, as well as increase the efficiency of pasture use.

**Key words:** Degradation, desert, semi-desert, pasture, forest land.

Жорий йилнинг 6 октябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 17.12.2020 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 791-сон қарори, 23.02.2021 йилдаги «Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 92-сон қарорлари қабул қилинган. Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда суғориладиган ерлардаги 22,1 минг гектар ва чўл худудлардаги 55,7 минг гектар (жами 77,8 минг гектар) ерларни қайта фойдаланишга киритиш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагиларга қарор қилинди:

Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи ташкилотларга ажратилган бюджет маблағларидан 300 млрд сўм маблағ Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл худудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш мақсадида амалга ошириладиган ишларга йўналтирилади.

2021–2022 йилларда Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл худудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар прогноз кўрсаткичлари тасдиқланган. Республикамизда кейинги йилларда деградацияга учраган яйловлар тупроқлари унумдорлигини ошириш, табиий яйловлар ўсимлик дунёси фауна ва флорасини сақлаш ва экологик барқарорлигини тиклаш ҳамда яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яйловларнинг агроэкологик ҳолатини яхшилаш, антропоген, техноген таъсир даражасини камайтириш шунингдек, озукабоб ўсимликларнинг маҳсулдор агрофитоценозларини яратиш ҳамда таназзулга учраган чўл ва ярим - чўл яйлов худудларнинг биоценозини соғломлаштириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда 20,2 миллион гектар ер қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилмаётган. Унинг 11 миллион гектари яйловларни ташкил этади. Самарқанд Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг маълумотига кўра, ушбу яйловларни 42 фоизи деградацияга учраган. Яйловлардан тартибсиз фойдаланишни олдини олиш мақсадида 2019 йил 2 апрелда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан “Яйловлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожланиши, аҳоли сонини ўсиб бориши, иқлимни ўзгариши ер юзида чўлланиш жараёнларини тезлаштирди. Ҳар йили ер юзи бўйича 13 миллион гектар ўрмон майдонлари йўқотилмоқда. Ерларни қурғоқчил худудларда доимий деградация ҳолатлари кузатилиши натижасида 3,6 миллиард гектар ерлар чўлланган худудларга айланди. Ер юзида 6 миллиард кишининг ҳаёти бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ, шу билан бирга, 52 фоиз қишлоқ хўжалиги ерлари турли даражада деградацияга учраган ва бутун ер юзи бўйича деградацияга учраган ерлар 1,5 миллиард кишини ҳаётига ҳавф туғдирмоқда.

Ерларни деградацияга учраши, чўлланган худудларни кўпайиб бориши бизни республикамизда ҳам кузатилмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриши натижасида 6 миллион гектар майдонда янги Орол кум чўли пайдо бўлди. Тоғли худудларда илгари ўрмонзорлар денгиз сатҳидан 700-800 метр баландликда бўлар эди. Эндиликда улар 900-1000 метр ва ундан баландроқдан бошланмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда республикамизда экологик муҳит бузилиб, тез-тез кучли шамол ва кум бўронлари кузатилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 14 июнь куни Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ва бир қатор туманларида кучли шамол эсиб, кум бўронлари кузатилди. Бунинг натижасида

бир неча кўпқаватли уйларнинг томи учиб кетди, бозорлардаги расталар бузилди. Худди шундай ҳолат 2018 йил 26-27 май кунлари ҳам юз берган эди. Бунда кучли шамол кун бўйи давом этиб, Орол денгизининг қуриган тубидаги қум ва туз заррачаларини ҳавога кўтариб, барча ҳудудларга туз ёғилди. Ўша пайтда Нукус шаҳридаги ҳаво таркибида чанг миқдори меъёрдан 5,9 баробар кўпайганлиги аниқланган эди.

Жорий йилнинг 27 апрель куни Бухоро вилоятида, айниқса, Олот ва Қорақўл туманларида жанубий-ғарбий йўналишда шамолнинг тезлиги секундига 15-25 метр тезликда бўлиб, ижтимоий соҳа объектларига, аҳоли яшаш хонадонларига ва дарахтларнинг ағдарилиши натижасида автотраспорт воситаларига жиддий зарар етказди.



Сурхондарё вилоятида «афғон шамоли» деб аталувчи иссиқ гармсел шамоли деярли ҳар йили жануб томондан эсиб, бизнинг республикамизга кириб, ноқулай об-ҳаво шароитини юзага келтирмоқда. Бунда шамол кўп миқдорда қум уюмларини кўчаларга, аҳоли яшайдиган ҳудудларга олиб киради. Бундай пайтларда аҳоли уйларида эшик ва деразаларни ёпиб, қум бўронидан паноҳ топади. Шунини таъкидлаш керакки, Оролбўйи регионидаги вилоятлар, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яшовчи маҳаллий аҳоли бундай кучли шамол ва қум, чанг бўронларидан руҳий, моддий, маънавий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан азият чекмоқда.

Ўрмон барпо қилиш орқали кўча қумларни мустаҳкамлаш, ернинг устки қисмида шамол тезлигини камайтириш, қум, чанг бўронларини тўхтатиш мумкин. 1 туп ўрта ёшли саксовул ўз илдизи билан 10 тонна қумни мустаҳкамлайди ва кўчишига йўл бермайди. 1 гектар саксовул ва черкездан иборат ўрмонзор йил давомида 1135 кг. карбонат ангидрид газини ютиб 835 кг. кислород ажратади. Бу эса ҳаво таркибини яхшилайтиди, атроф-муҳитни ифлосланишига чек қўяди.

Инсоннинг саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳит экологик ҳолатига боғлиқ. Экологик ҳолат қанча яхши бўлса, инсон соғлиғи ҳам шунча яхши бўлади. Кўп ҳудудларда чўллар саксовул ва бошқа буталарсиз қолган, қум эса тобора шаҳар ва туман марказларигача кириб бормоқда. Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва туманларнинг исталган ҳудудида қум уюмларини топиш мумкин. Бундай ҳолатлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз томонидан айни шу муаммолар ечимини излаш ва мавжуд вазиятни юмшатиш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 23 августдаги қарори асосида уларнинг салбий таъсирини камайтириш учун республикамизда ўрмон хўжаликлари томонидан 2020 йилдан бошлаб эрозия ва чўлланишга қарши 500 минг гектардан ортиқ майдонда ўрмонзорлар барпо этиш белгиланган. Бизнинг республикамиз кам ўрмонли минтақаларга киради. Жами ўрмон фонди ер майдони 12 миллион гектардан иборат бўлиб, шунинг атиги 3,2 миллион гектари ўрмон билан қопланган ерлардир.

Республикамизнинг ўрмон билан қопланганлик даражаси атиги 7,2 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 55 фоизни, Болтиқбўйи давлатлари, Грузия, Молдовада 34-38 фоиздир. Агар республика умумий ер майдонининг 80 фоизи чўл ва қургўқчил ҳудудлардан иборат эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу жуда кичик ҳажмдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этишни кўпайтириш мақсадлари учун 2019-2020 йилларда бир йўла «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан 100 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилиб, қўллаб-қувватлаши ҳисобига 1 миллион 200 минг гектар майдонда уруғдан ва кўчатдан ўрмон барпо этиш ишлари амалга оширилди ва улар яқин 4-5 йил ичида қуюқ ўрмонзорларга айланиб, заҳарли қум, чанг ва тузларни атмосферага кўтарилишини бутунлай тўхтатади.

Қонунда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари этиб – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси белгиланган.

Бугунги кунда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги Самарқанд Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти чўл-яйлов озукабоп ўсимликларини бирламчи уруғларини 263 гектар майдонда етиштирмоқда. Бундан ташқари, Бухоро чўл озукабоп экинлари уруғчилик маркази томонидан 2020 йилда Навоий вилоятида 1000 гектар, Қашқадарёда 200 гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 200 гектар ва Жиззахда 100 гектар майдонда чўл ва яйлов экинларни уруғларини тайёрлаш режалаштирилган.

Тайёрланган чўл озукабоп экинларни уруғларидан деградацияга учраган ерларга экиш учун фойдаланилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 17.12.2020 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 791-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 23.02.2021 йилдаги «Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 92-сон қарори.

4. Набиева Г.М., Авазов С. Чўл яйловлари тупроқлари унумдорлигига иқлим ўзгарининг таъсири. Тошкент - 2012йил. Б. 79-82.

5. Махмудов М.М., Хамидов А.А., Халилов Х.Р., Синдоров Ш.К., Махмудова Г.М., Ортиқова Л.С., Гафурова Л.А., Набиева Г.М., Шарипов О.Ш. Чўл ва адир минтақалари шароитида махсулдор яйловлар барпо этиш технологиялари. фермерлар учун тавсиялар, - Тошкент - 2014. 24 б.



## PAXTA MONOKULTURASINING FARG'ONA VODIYSI EKOLOGIYASIGA TA'SIRI

R.R. Abdullayev, mustaqil izlanuvchi, Namangan davlat universiteti, Namangan

**Annotatsiya.** XX- asrning ikkinchi yarmidan boshlab yurtimizda amalga oshirilgan paxta yakkahokimligi siyosati vaqt o'tishi bilan ko'plab salbiy holatlarni keltirib chiqara boshladi. Mana salbiy oqibatlar Farg'ona vodiysi ekologiyasida ham namoyon bo'ladi. Shu boisdan maqolada bu jitalarga to'xtalib o'tamiz. Jumladan bu muommolarga cho'l mintaqalari jadal ravishda paxta ekin maydonlariga aylantirilishi natijasida, cho'l ekotizimi nobud bo'lishi, noyob turdagi o'simliklar yo'q bo'lishi va hayvonot dunyosi qirilishiga olib kelgan. Shuningdek aholi salomatligiga ta'siri, tuproq sho'rlashuvi va hosildorligi kamayishi kabi omillarni keltirish mumkin.

**Kalit so'zlar:** Paxta monokulturasini, Ekotizim, Zaxarli o'g'itlar, Kollektor, Qizil kitob va paxtakorlar.

**Аннотация.** Политика хлопковой монополии в нашей стране со второй половины двадцатого века со временем привела ко многим негативным изменениям. Эти негативные последствия отражаются и на экологии Ферганской долины. Итак, в этой статье мы сосредоточимся на этих деталях. Эти проблемы включают быстрое превращение пустынных территорий в хлопковые поля, разрушение пустынных экосистем, исчезновение редких видов растений и исчезновение дикой природы. Также можно указать такие факторы, как воздействие на здоровье населения, засоление почвы и снижение продуктивности.

**Ключевые слова:** Хлопковая монокультура, экосистема, токсичные удобрения, сборщик, Красная книга и хлопкоробы.

**Abstract.** The policy of cotton monopoly in our country since the second half of the twentieth century has led to many negative developments over time. These negative consequences are also reflected in the ecology of the Fergana Valley. Therefore, in this article we will focus on these details. These problems include the rapid transformation of desert areas into cotton fields, the destruction of desert ecosystems, the extinction of rare species of plants, and the extinction of wildlife. Factors such as the impact on public health, soil salinity and reduced productivity can also be cited.

**Key words:** Cotton Monoculture, Ecosystem, Toxic Fertilizers, Collector, Red Book and Cotton Growers.

Ikkinchi jahon urushi yakunlangach, undan keyingi davr mobaynida O'zbekiston tarixida sodir bo'lgan muhim ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy jarayonlardan biri bu zaminiz bo'ylab yuritilgan paxta monokultira jarayonidir. Bu SSSR hukmron soicalari tomonidan O'zbekistonni paxta yetkazib beruvchi agrar davlat sifatida ko'rganligi natijasidir. XX-asrning 50-70 yillari davomida paxta monokulturasiga erishish maqsadida O'rra Osiyodagi ko'plab yangi qo'riq va bo'z yerlar o'zlashtirilib, bu o'zlashtirilgan yangi yerlarda asosan g'ozza ekildi. Sovet davrida o'zlashgan yangi yerlarning katta qismi O'zbekiston SSR hududiga to'g'ri keladi. 1956-yil 6 avgustdagi SSSR MIQ ning O'zbekiston va Qozog'iston SSR dagi Mirzacho'l cho'li yerlarini o'zlashtirish to'g'risudagi qarori va unda aytilgan qarshi, Surxon-Sherobod, Markaziy Farg'ona cho'li hududlari ham o'zlashtirilishi ko'zda tutildi. Farg'ona vodiysida cho'l hududlarini egallash urush yillarida boshlangan. 1943-1945 yillarda Yozyovon cho'li bir qismi o'zlashtirilib, paxta ekin maydonlariga aylantirilgan. 1946 yil 5-fevral kuni O'z SSR MQ da Respublikada 1946-1953- yillarda paxtachilikni rivojlantirish va uni kengaytirish asnosida yildan-yilga yangi yerlar o'zlashtirilishi avj oldi. O'zbekiston paxtakorlari 1945 yilda 850 ming paxta topshirgan bo'lsa, 1952 yilda bu raqam 2,2 mln tonnani va mos ravishda 1965 yil 3,5 tonna, 1975- yilda 4.8 mln tonnaga borib yetgan. Bunday yuqori samaradorlikka erishish uchun Markaz tomonidan Respublikadagi bor potesial imkontatlarda maksimal foydalanishga harakat qilingan.

SSSR O'zbekistonda yuritgan bu siyosat Farg'ona vodiysida ham namoyon bo'ldi. 1956-80 Yillarda bir yangi yerlar o'zlashtirildi. Bu yerlarni sug'orish maqsadida Katta Farg'ona kanali, Katta Andijon kanali, Bomba kanali, Shimoliy Farg'ona kanali kabi kanallar va ko'plab suv omborlari qurildi. Natijada ko'plab yangi qo'riq va bo'z yerlar ochildi.

Yangi ochilgan yerlarda qishloq va posyolkalar shakllanib, qsta-sekin ular vodiy viloyalari uchun Bo'z, Yozyovon, Ulug'nor va Mingbukoq tumanlari bo'lib qo'shildilar. Paxta monokultura davrida Farg'ona vodiysi respublika hami hosilini deyarli yarmini yetkazib turgan. Bu ommaviy paxta kompaniyalarida deyarli barcha resurslar ishga solingan. Bu bir qator salbiy iqibatlariga olib kelgan. Paxtachilik qishliq xo'jaligining muhim tarmog'i bo'lib, atrof-muhit bilan o'zaro bog'langanligi bois masalaning ekologik jihati dolzarb ahamiyat kasb etadi. Paxta monokultura siyosati vodiy ekotizimiga ta'sirini quyidagi omillarda ko'rish mumkin.

Birinchidan, paxtachilikni rivojlanishi uchun o'zlashtirilgan yerlarda antropogen omil oqibatida u yerlarning tabiiy holati qisqarib boradi. Hozirgi kunda Markaziy Farg'ona cho'lga kiruvchi yetlarda tabiiy qo'riqxonalar tashkil etilgan va bu maskanga 15 gektar yer kiradi xolos. Cho'l hududlari qisqarishi bilan cho'l hayvonlari va o'simliklari ham nobud bo'ladi. Qizil kitobga kiritilgan o'simlik va hayvonlar soni ortadi.

Ikkinchidan, yangi yerlarni sug'oeish tarmog'ini vujudga keltirishda voduy suv tizimlarida katta xatolik va kamchilik, shoshmashosharlikka yo'l qo'yilgan. Masalan vodiy bo'ylab qazilgan kanallar tag vayon qismlari beton va sement bilan qoplanmadi. Bu esa kanallarda oqayotgan suvlarni bir bir qismi kanalni shimoliy qism yerlatiga yerostidan sizib yetlarni zahlashuviga olib keldi. Zahli yerlar unumdorligi pasayadi. Ochilgan qo'riq yerlar sho'rini yuvishda ham vodiy suvlaridan keng foydalanilgan. Bu esa yerlar zaxlashuvi va botqoqlashuviga olib keladi. Buni

bartaraf etish uchun ko'plab zovurlar qazildi. Eng yomoni ayrim yerlarni sug'orishda zax suvli yoki sho'rli zovur suvlaridan ham ishlatilib kelindi. Shuningdek, paxta yerlarini sug'orishda egat oralab sug'orishdan keng ko'lamda foydalanildi. Bu usul ibtidoiy usullardan bieidir. Zero o'tgan asrda ham irrigatorlar tomonidan agrotexnik tadbirlarda tomchilab sug'orish, tuproq ostidan ssug'orish va latokli sug'orishlarda keng miqyosda samarali foydalanilmagan. Agar tuproq osti sug'orish texnologiyasi yo'lga qo'yilgana yvrlarni sug'orish uchun ishlatilayotgan suvlarni 50% i tejalgan bo'lar edi.

Uchinchidan, butun respublikada bo'lgani kabi Farg'ona vodiysida ham qariyb 20 yil mobaynidahavo orqali paxta dalalariga zaxarli kimyoviy moddalar ya'ni Butifos va DDT kabilar qo'llaniladi. Bu moddalar hosildorlikni oshirgan bo'lsada, aholi salomatligi va atrof-muhit uchun katta zarar keltirgan. O'z SSR rahbari Sharof Rashidovning bu mossalarni qo'llashni to'xtatish haqidagi murohati SSSR rahbarlari tomonidan javobsiz qoldirilgan.

Butun O'zbekiston SSR cho'l hududlari Mirzacho'l, Buxoro va Markaxiy Farg'ona cho'li yerlari sho'r yerlarni sho'rini yuvib tashlab, paxta ekiladigan maydonlarga aylantirish agrotexnik tadnirlati ham puxta ilmiy asoslar bo'lgani holda, ehtiyotsizlik va uzoqni o'ylamasdan turib amalga oshirilgan. Buni quyidagi misollarda hqm kuzatish mumkin. 1953 yili Markaziy Darg'ona cho'lidan 4 gektar yer maydonini o'zlashtirish uchun yer atrofiga 1,5 -2.5 metr chuqurlikda zovur qaziladi hamda yerning sho'rini ketkazish uchun 5- 4 m kub suv sarflanadi, ammo bu ish yerni sho'rlik darajasini yetarli darajada pasaytirmaydi. Shu sabqbli 1954 yili ham bu yerga yana 5 m kub suv bilan cho'ri yuviladi. Bu davrda agronomlar yer sho'rini yuvishda zovurlar chuqurligi yerlarning sho'rlik miqdori vayer osti suvlari joylashuviga qarab 2-6 metr chuqurlikda qazilishini ilmiy asoslafanlar, biroq yuqoridagi kabi yerlar ikki -uch yil ichida zovurlar yetarli miqdirda qazilmisligi va yerosti suvlari balabsi inobatga olinmasligi boisdan birinchidan sho'rlik darajasi yetarli miqdorda kamaymagan. Ikkinchidan suv miqdori ko'p sarflangan vq bu suvlar sho'r sifatsiz holatgq kelib qolgan. Yetosti suvlari yuqori bo'lgan hududlarda sayoz zaxkashlar vakollektor qqzilishi terlarni botqiqliklarga aylanishiga olib kegan. Bunday botqoq yetlar Mirzacho'l va Markaziy Farg'onq cho'li mintaqalarida ko'p uchraydi. Shuningdek olimlar kollektor zovurlarni bir-biriga yaqin va yer maydonlarini pastki qismigq qazishni maslat betganlar , chunki zovurlqr yaqin bo'lsa sho'rlanishni keskin kamqytiradi. u bilan birga yetosti suvlari yuqorida pastga qarab oqadi, leki zovurlar uxox va yon tomonlar ham qazilgan bu holatlar ham ekotizim tuzilishiga salbiy ta'sir etgan.

Sho'r yerlarni o'zlashtirishda turli ekinlardan foydalanish mumkin bo'lgan. Jumladan beda ekinidan, ammo oaxtachilik kuchayganda yangi yerlarga faqat pqxta ekildi. Bu ham yer agrotexnik holatiga salib ta'sir qildi. Shuningdek akmaslab ekish usuli ham 50-70 yillqrda amal qilmadi. Paxtachilik oqibatida vodiya iqlim ko'rsatkichlari ko'tarila boshlaganini ko'ramiz. Shuningdek, yer osti suvlari iflslanishi, o'simliklar yo'qolishi, gayvonlar qirilishi, tuproq ertoziyasi kabi zararli omillar kelib chiqqan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. A. Nobilsev Farg'ona vodiysi bo'ylab O'zbekiston 1976- yil.
2. G'. Fozilov Vodiyni olmos kamari Farg'ona 1996- yil
3. Alisher Bek Moziy-ul Yozyovon " Farg'ona" 1997- yil
4. F. Zohidova S Fayozova Ekologiya; Dalil va raqamlarda " Fan va Turmush " 1990-yil. 2-son
5. O.Altmishev F. Ergasheva " Gipotezalar-tadqiqotlar paxtadan yuqori hosil olmoqda" Ekologiya xabarnomasi T 2016- yil.

UO'T 338.48

### BUXORO DESTINATSIYASIDA INNOVATSION TURISTIK XIZMATLARNI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

*M.X. Kurbanova, o'qituvchi, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada innovatsion turistik xizmatlar nazariy jihatdan asoslanib, Buxoro destinatsiyasida mazkur xizmatlarni joriy etishda duch kelinadigan muammo va to'siqlar tadqiq qilinib, hududda potensial turistik xizmatlarni yo'lga qo'yish imkoniyatlari ilmiy jihatdan asoslangan, amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** turizm, innovatsiya, barqaror rivojlanish, innovatsion turistik xizmatlar, turistik xizmatlar diversifikatsiyasi

**Аннотация.** В статье обосновывается теория инновационных туристических услуг, исследуется проблемы и препятствия в процессе внедрения этих услуг в Бухарской дестинации, научно обоснованы возможности развития потенциальных туристических услуг в регионе, разработаны практические предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** туризм, инновация, устойчивое развитие, инновационные туристические услуги, диверсификация туристических услуг

**Abstract.** This article provides a theoretical basis for innovative tourism services, examines the problems and barriers to the introduction of these services in the Bukhara destination, approached scientifically on opportunities for the development of potential tourist services in the region, worked out practical proposals and recommendations.

**Keywords:** tourism, innovation, sustainable development, innovative tourism services, diversification of tourist services

### Kirish

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga ko'ra turizm infratuzilmasidagi mavjud muammolarni hal etish, taqdim etilayotgan xizmatlar sifatini oshirish va jahon bozorlarida milliy turizm mahsulotlarini faol targ'ib qilish maqsadida *turizm uchun innovatsion biznes g'oya va startaplar tashabbuskorlarini qo'llab quvvatlash asosiy etib belgilandi*. 2019 yil 21 sentabrda qabul qilingan "2019-2023 yillarda Buxoro viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori esa yuqoridagi Farmonning mantiqiy davomi bo'lib, *xalqaro darajadagi mehmonxonalarni jadal rivojlantirish, Buxoro shahri iqtisodiyotida turizm ulushini 50 foizga yetkazishni ta'minlaydigan zarur shart-sharoitlar yaratish, ... Buxoro xalqaro aeroportining transport logistikasini jadal rivojlantirish, ziyorat turizmi va viloyatdagi 7 ta muqaddas qadamjolarini bog'lovchi logistik transport yo'nalishlarini rivojlantirish, ... ziyorat turizmi hamda savdo-tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, Qorako'l tumanida turizmni rivojlantirish vazifalari belgilandi*. Ushbu ilmiy maqola Buxoro destinatsiyasida turistik xizmatlar diversifikatsiyasi, innovatsion turistik xizmatlar taklifini ishlab chiqish, hamda mavjudlarini takomillashtirish kabi masalalarning yechimiga bag'ishlangan.

### Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Zamonaviy iqtisodiy lug'atda *innovatsiya* "ilg'or tajriba va ilm-fan yutuqlaridan foydalanishga, shuningdek, turli sohalar va faoliyat sohalaridagi yangiliklardan foydalanishga asoslangan texnologiyalar, texnikalar, boshqaruv va mehnatni tashkil etish sohasidagi yangilik" deb tushuniladi [1].

Ko'pgina olimlar buni "yangilik kiritish" atamasi asosida izohlashadi. Masalan, S. N. Mazurenko *innovatsiya* deb "... yangi texnologiyani ishlab chiqishni va natijada bozorda raqobatbardosh bo'lgan yangi mahsulotni yaratishni o'z ichiga oladi", - deb hisoblaydi [4]. Iqtisodchi olimlar A.M. Kamalov va M.A. Fedotovanning fikriga ko'ra "innovatsiyalarda bozorda revolutsiyani amalga oshiradigan butunlay yangi mahsulot va texnologiyalar yaratiladi" [5]. Zamonaviy iqtisodiy adabiyotlarda, A.V. Kostin va G.G. Azgaldov, "innovatsiya" atamasini "jarayon – natija" nuqtai nazaridan talqin qilishda uchta asosiy yondashuv mavjudligini ta'kidlashadi [6].

Innovatsiyaga jarayon sifatida yondoshish G'arb olimlari orasida ham keng tarqalgan. B. Tvist innovatsiyani ixtiro g'oyasi iqtisodiy mazmun kasb etadigan jarayon sifatida belgilaydi. F. Niksonning ta'kidlashicha, innovatsiyalar - bu takomillashtirilgan va yangi sanoat jarayonlari va uskunalari bozorda paydo bo'lishiga olib keladigan tijorat, sanoat va texnik tadbirlar to'plami.

*Ammo turizmدا innovatsiya nima?* Ushbu sohada ham innovatsiyalar boshqa sohalar singari qo'llaniladi, innovatsiyalar - bu shunchaki narsalarning yangi kombinatsiyasi, masalan, Shvetsiyadagi muz mehmonxona yoki Afrikadagi antilopa parki.

Turizm sohasida, innovatsiya - bu turizmni barqaror rivojlanish tizimini shakllantirish va raqobatbardoshligini oshirishga imkon tug'diradigan yangiliklarni yaratish va ommalashtirish hamda novatorlik o'zgarishlarni amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan insonning turistik faoliyati natijasi, jarayoni va samarasining ajralmas majmuidir [2].

Innovatsiyalar o'zlarini yangi mahsulotlar, yangi xizmatlar va ushbu yangi kombinatsiyalarga olib keladigan yangi jarayonlarda namoyish etadi. Ammo, ushbu yangi kombinatsiyalarni yaratish uchun kimdir yangi g'oyalarga ega bo'lishi kerak. Turizm amaliyotidagi o'zgarishlar turistik taklif zanjiri va boshqa sohalarda barqarorlini oshirishga qaratilgan o'zgarishlarni rag'batlantirish orqali katta foyda keltirishi mumkin.

Turli xil sayyohlik yo'nalishlari, masalan, ko'ngil ochish va sarguzasht turizm kabi ko'plab qiziqarli yo'nalishlar tez sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Xususan, yashil innovatsiyalar ko'proq ish joylarini vujudga keltirish bilan birga atrof-muhitga zararli ta'sirni kamaytiradi, xarajatlarni pasaytiradi va kompaniyalar va destinatsiyalar uchun raqobatbardoshlikda ustunlikni keltirib chiqaradi. Turizmдаги innovatsiyaning bir necha ko'rinishlari bo'lib, quyidagilarni qamrab olishi mumkin [9]:



1-chizma. Turizmда innovatsiya ko'rinishlari

**Manba:** <https://insights.ehotelier.com/insights/2015/04/20/building-the-future-of-tourism-through-innovation/>

Innovatsion turizm - bu "nostandart fikrlash". Pittsburgdagi Marriott Renaissance mehmonxonasi o'z mijozlariga mehmonxonaga kelishi bilanoq o'zlarining raqamli moslamalarini berishadi, yoki Berlin Heart Break mehmonxonasi nafaqat yuragi "og'rigan" mijozlarga mo'ljallangan. Shuningdek, CorruptTour.com siyosiy korrupsiya bo'yicha ekskursiyalarni amalga oshiradi va Gollandiyaning WaarSchijntdeZonWel.nl ob-havo



tendensiyasi va prognozi asosida dam olish joylarini qidirishni taklif qiladi va boshqa shu kabi g'ayrioddiy xizmatlar, mahsulotlar innovatsiyasi sifatida e'tirof etiladi.

Innovatsiyaning yuqoridagi ta'rif va tavsiflaridan shunday xulosa chiqarish mumkinki, "innovatsiya" va "barqaror rivojlanish" tushunchalari bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ularning uyg'unligini ta'minlash evaziga iqtisodiyotda sinergetik samara yuzaga chiqadi. Barqaror innovatsion rivojlanish - bu taraqqiyotning strategik yo'lidirki, unda uzoq davr davomida innovatsiyalarni joriy qilish va ommalashtirish natijasida: jamiyatda - inson kapitalini rivojlantirishga; tabiatda - atrof-muhitni iflos qilmaslikka va iqtisodiyotda raqobatbardoshlikni oshirishga erishiladi [2].

Shunday qilib, turizmga innovatsiyalar - bu yangi sayyohlik loyihalarini, marshrutlarini yaratish va rivojlantirish bo'lib, ularni amalga oshirish aholi bandligi, uning daromadlarini oshiradi. Turizmga innovatsiya servis va xizmat ko'rsatish darajasini yuqoriga ko'tarishga imkon beradigan yangi g'oya, xizmatlar va mahsulotlarni bozorga olib chiqadi.

### Tadqiqot metodologiyasi

Rus olimi Novikov V.S. tomonidan ilmiy asoslangan turizmga innovatsion faoliyatning uch yo'nalishi [8], A.I. Prigojin [3] tomonidan mukammallashtirilgan turizmga innovatsiyaning tasniflanishi, Yakovenko E.V. [3] taklif etgan turizm sohasidagi innovatsion jarayon tashuvchisi mezoniga ko'ra quyidagi innovatsiyalar tasnifi Buxoro destinatsiyasida innovatsion turistik xizmatlarni ishlab chiqishda metodologik asos sifatida qo'llanilgan.

### Tahlil va natijalar

Buxoro viloyatida innovatsion dasturlarni amalga oshirishda quyidagi muammolarga duch kelinadi:

○ *moliyaviy*, rivojlanishning innovatsion yo'nalishlari uchun mablag' yetishmasligi, innovatsiyalarni amalga oshirish uchun ajratilgan mablag' uning mazmuniga nomuvofiqligi;

○ *menejment*, xodimlar motivatsiyasining yetishmasligi, xodimlarning yangi, g'ayrioddiy turlarni rivojlantirish tashabbuslari, xodimlarning malakasi, o'zgacha yangiliklarga talab kamligi, innovatsiyani yetarlicha ishlab chiqmaslikdan kelib chiqadigan loyihaning boshqarilmasligi;

○ sayyohlik agentliklari rahbariyatining yagona axborot resursini yaratish borasidagi sa'y-harakatlarni birlashtirish nuqtai nazaridan *tashkiliy*, tashabbuskorligi.

Ushbu muammolar nafaqat korxonalar darajasida, balki hudud darajasida ham hal qilinishi zarur. Innovatsion faoliyatni sifat jihatidan o'zgartirish uchun o'z va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, ishlab chiqarishni texnologik modernizatsiya qilish dasturlarini amalga oshirishni qo'llab-quvvatlash, korxonalarini tarkibiy qayta qurish, innovatsiyalarga yo'naltirilgan tadbirkorlikni rag'batlantirish dasturlari bo'lishi, qonunchilik bazasini kuzatish, rivojlantirish va to'ldirish uchun davlat innovatsiyalarni rivojlantirish maqsadida qulay sharoit yaratishi kerak, eng asosiysi uning bajarilishini nazorat qilinishi darkor. Shuningdek, mintaqada darajasida innovatsiyalarni joriy etish muammosini innovatsion infratuzilmani rivojlantirish orqali hal qilish mumkin. Innovatsion infratuzilma - bu innovatsiyalarni rivojlantirishga xizmat qiluvchi va qo'llab-quvvatlaydigan o'zaro bog'liq tuzilmalar birlashmasidir. Innovatsion markaz, biznes-inkubator, texnopark, ilmiy shahar, texnopolis kabilarning uning asosiy tarkibiy qismlari sanaladi.

"Smartchain" kompaniyasi tomonidan Samarqand, Xorazm, Buxoro viloyatlarida hamda Toshkent shahrida jami 22 tarixiy obida va muzeylarda innovatsion AR-texnologiyalar (Augmented reality — to'ldirilgan voqelik texnologiyasi) joriy etildi [11]. Muzey eksponatlari haqidagi ma'lumotlar NazzAR - innovatsion ilovasi yordamida real elementlar bilan boyitilgan. Smartfonni eksponat tasviri tushirilgan AR belgisi maxsus taxtachalarga yo'naltirib, eksponat haqidagi ma'lumotlarni o'zbek, rus, ingliz, fransuz, koreys tillaridagi audio-videogid yordamida olish mumkin.

Buxoro shahrida ham Ark qo'rg'oni hamda Sitorai Moxi Xossa muzeylarida ushbu texnologiyalardan keng foydalaniladi.



1-rasm. Ark qo'rg'oni Jome masjidining virtual gidi - NazzAR innovatsion texnologiyasi

Qadimdan ilm-ma'rifat o'chog'i bo'lgan Buxoro shahrida har yili O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligining tashabbusi bilan "Buxoro viloyatini innovatsion rivojlantirish: muammo va yechimlar" mavzusida hududning ilmiy va innovatsion salohiyatini rivojlantirishga qaratilgan respublika miqyosida ilmiy-amaliy anjuman va ko'rgazmalar tashkil etiladi.

Buxoro viloyatining Romitan tumanida 2020 yil sentabr oyida 10 gektar maydonni egallagan "BUKHARA DESERT Oasis & SPA" innovatsion turizm klasteri barpo etildi. Majmuada tarix va milliylikni aks ettiradigan o'tov, karvonsaroy, qo'shimcha 30 gektar maydonda agro-eko bog'lar va issiqxonalar qurilgan. Plyaj zonasi, 80 o'ringa mo'ljallangan o'tovlar, milliy va Yevropa taomlari restoranlari, tibbiyot burchagi, sog'lomlashtirish

maskani, sport o'yingohi, ot sporti maydoni, avtoturargoh, kvadrasikllar, ot va tuyalarda sayohat, elektromobil, yo'l tanlamas transportlari kabi turli qo'shimcha xizmatlarni ham o'z ichiga oladi.

1-jadval

Buxoro destinatsiyasi uchun taklif etiladigan innovatsion turistik xizmatlar

Asosiy turistik xizmatlar Innovatsiya turlari	Mehmonxona	Ovqatlanirish	Transport
<b>Mahsulot</b>	muayyan turdagi sayyohlar segmentiga mo'ljallangan mehmonxonalar faoliyatini yo'lga qo'yish; milliy uy mehmonxonalarni tashkil etish	3D taomlarni tayyorlash; muayyan segmentlar uchun restoran, kafe va barlar tashkil etish (vegetarianlar, sevishganlar, g'amgin insonlar, bolalar, yosh oilalar, qariyalar, sportchilar)	ekoturistik hududlarda, suv bo'ylarida mijoz o'zi yasab minadigan suv transportlarini joriy etish; shahar bo'ylab ot-ulovlarda harakatlanish; yangi turdagi turistik transport vositalarini hududga olib kirish
<b>Jarayon</b>	mehmonxonani buyurtma qilish uchun mahalliy yagona bronlash tizimini joriy etish; mijozning qayerdaligini aniqlaydigan ilovalar yaratish; xodimlarning professional qobiliyatini shakllantirishda kunlik treninglarni tashkil etish	mijoz oldida taomlarni pishirib berish; mijozning o'zi taom tayyorlab uni iste'mol qilish jarayonini yo'lga qo'yish; mahsulotlar logistikasini yo'lga qo'yish; tayyor taomlarni avtomatik ravishda yetkazib berish	transport vositasini ijaraga olish uchun mahalliy yagona ijaraga berish tizimini joriy etish; virtual konsyerj xizmatini yo'lga qo'yish
<b>Tashkiliy</b>	nazoratning progressiv usullarini qo'llash; avtomatik boshqaruv tizimlari; buyurtmalarni qabul qilish va boshqarishda mobil ilovalardan foydalanish	taomga buyurtma berishda e-menulardan, mobil ilovalardan foydalanish; ofitsiant-mijoz-boshqaruvchi muomalasida smart texnologiyalardan foydalanish	transport vosilarini GPS (Global Positioning System - global joylashishni aniqlash tizimi) bilan jihozlash; transport vositalarini xaritalar bilan jihozlash
<b>Marketing</b>	noodatij reklama vositalaridan foydalanish (maqsadli bozorning ijtimoiy tarmoqlariga kirish); narx diversifikatsiyasi	iste'molchilar sonini oshirish maqsadida imtiyozli aksiyalar tashkil etish (ishdan keyin, haftalik, bayram kunlari); tadbirlarda homiylik qilish	Transport vositasini boshqa bozorga yo'naltirish; narx diversifikatsiyasi

Manba: muallif ishlanmasi

Quyidagi 1-jadvalda Novikov, Prigojin, Yakovenkoning turizmida innovatsiyalarni tasniflash mezoniga asoslanib, Buxoro destinatsiyasida innovatsion turistik xizmatlarni joriy etishda to'rt turdagi, mahsulot, jarayon, tashkiliy va marketing, innovatsiyalar doirasida turizmning asosiy xizmatlari uchun potensial takliflari ishlab chiqilgan.

Destinatsiyada mehmonxonalar uchun innovatsiyalar nisbatan kam o'rganilgan. Bunday innovatsiyalarni joriy qilish orqali bozor ko'rsatkichlari, moliyaviy ko'rsatkichlar va xodimlar bilan mijozlar o'rtasidagi munosabatlar yaxshilanishiga erishiladi.

#### Xulosa va takliflar

Buxoro hududida sayyohlarga qulaylik yaratish maqsadida, ekskursiyalar uyushtirishda mehmonxonalar, restoranlar, transport xizmatlari kabi turmahsulot yoki xizmatlarda qulaylik, innovatsiyalar yaratilgan bo'lishi talab etiladi. Bunday sharoitlarni yaratishda davlatning yoki hududning barqaror rivojlanish konsepsiyasi ishlab chiqilgan bo'lishi kerak.

Bundan tashqari, innovatsiyalarning barcha darajalarida axborotni qo'llab-quvvatlash "Turizmida innovatsiyalar" maxsus axborot loyihasi shaklida amalga oshirilishi kerak, unda yillik katalog, jurnal va har chorakda turizm va mehmondo'stlik sohasida innovatsion texnologiyalarni joriy etishning amaliy misollari bo'yicha materiallar to'plami, shu jumladan, tematik va mintaqaviy dasturlar shaklida ham taqdim qilinishi kerak. Ushbu loyiha innovatsion faoliyatda ijobiy tajribani faol ravishda tarqatishni targ'ib qilishning samarali va o'z-o'zini ta'minlaydigan yo'nalishiga aylanishi mumkin.

Shuningdek, turizm va mehmondo'stlik sohasidagi eng innovatsion tashkilot uchun yillik mukofot ta'sis etish ham zarur. Sovrin quyidagi nominatsiyalar bo'yicha berilishi mumkin: innovatsion mehmonxona, transport kompaniyasi, turoperator, sayyohlik agentligi, muzey, restoran, sayyohlik byurosi, turizm haqidagi Internet resurs, innovatsion turistik paket va boshqa shu kabilar. Mukofot turistik tashkilotlarning innovatsiyalarga bo'lgan qiziqishini oshiradi, ijobiy tajribani ommalashtirishga yordam beradi va turistik sohada innovatsiya yetakchilarining obro'sini oshiradi.

Madaniy maqsadlar uchun eski binolarga yangi hayot berish va sayohatchilar uchun yangi faoliyatni yaratish, shuningdek, mahalliy madaniyat va an'analarni saqlab qolish maqsadida yo'qolib ketgan hunarmandchilik mahallalarini qayta tiklash, ularning eski nomlarini berish va qiziqish sub'ektlari bo'lgan hunarmandlar, tadqiqotchilar uchun innovatsion yo'nalish taklifini yo'lga qo'yish mumkin.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Райзберг Б. А. Современный экономический словарь. М.: ИНФРА-М, 2017. С. 173.
2. Navro'z-zoda B.N., Ibragimov N.S. Turistik hudud raqobatbardoshligining ko'p darajali modeli. Monografiya. - Buxoro: "Sadridin Salim Buxoriy". Durdona nashriyoti. 2018. - 160 b.
3. Яковенко В. Е. Сущность и типы инноваций в сфере туризма // Современные проблемы сервиса и туризма. 2014. №2(12) С. 102. <http://dspace.nbuv.gov.ua/bitstream/handle/123456789/36792/20-Yakovenko.pdf?sequence=1>
4. Мазуренко С. Инновации – это симбиоз государственной политики и рыночных отношений // Известия, 03.12.2008.
5. Федотова М. А., Камалов А.М. Методы оценки стоимости инновационно активных компаний. Становление, развитие и перспективы оценочной деятельности в России. Тез. докл. I-й междунар. конференции 25-26 ноября 2008 г. М.: 2013. С. 96.
6. Г.Г., Костин А.В. К вопросу о термине "инновация". [http://www.labrate.ru/articles/azgaldov-kostin\\_doklad\\_2009-2\\_about-innovation.htm](http://www.labrate.ru/articles/azgaldov-kostin_doklad_2009-2_about-innovation.htm)
7. Азгалдов Г. Г., Костин А. В. Интеллектуальная собственность, инновации и квалиметрия. Экономические стратегии, 2008. № 2(60)
8. Лукашевич В. А. Адаптивная кинезитерапия: технические инновации. Доклады Белорусского государственного университета информатики и радиоэлектроники. 2016. № 7(101). стр. 11.
9. <https://insights.ehotelier.com/insights/2015/04/20/building-the-future-of-tourism-through-innovation/>

УДК 33

### КОММУНИКАЦИИ, ПРОДВИЖЕНИЕ И БРЕНД В СЕЛЬСКОМ ТУРИЗМЕ

*М. Х. Аирапова, студент, Технический институт Ёджу, Ташкент*

*З.К. Курбонова, студент, Технический институт Ёджу, Ташкент*

*М.Х. Умаров, студент, Технический институт Ёджу, Ташкент*

**Аннотация.** *Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳудудларини ривожлантириши муаммолари тобора кучайиб бормоқда, қишлоқ ҳўжалиги имиджини яратиши усули ўз вақтида туризмнинг ривожланишидир. Қишлоқ туризми сайёҳлик саноатида жуда янгитенденция. Ушбу тадқиқот маркетингни реклама қилиши ва брендли ривожланишининг асосий омиллари бўлган ва шунингдек, янги потенция мижозларни жалб қилишида ва маркетинг харақати орқали янги даромдли бизнесни яратишига хизмат қиладиган қишлоқ туризми ривожланишида маркетинг соҳасининг роли ҳақида гоя беради.*

**Калит сўзлар:** *Товар белгиси; Алоқа ва тарғибот; Веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар; Реклама; Тадбир*

**Аннотация.** *В настоящее время все в большей степени обостряются проблемы развития сельских территорий, способом создания положительного имиджа сельской местности является развитие туризма. Сельский туризм является довольно новым направлением в тур индустрии. Данное исследование дает понятие о роли маркетинговой индустрии в развитии сельского туризма где продвижение, реклама, брендинг является ключевыми факторами развития а так же служит как для привлечения новых потенциальных клиентов так и для создания нового прибыльного бизнеса маркетинговым ходом.*

**Ключевые слова:** *Бренд; Коммуникации и продвижение; Сайты и социальные сети; Реклама; Мероприятие*

**Abstract.** *Nowadays, the problems of the development of rural areas are increasingly aggravated; the development of tourism is a way to create a positive image of the countryside. Rural tourism is a fairly new trend in the travel industry. This study gives an idea of the role of the marketing industry in the development of rural tourism where promotion, advertising, branding are key development factors and also serves both to attract new potential customers and to create a new profitable business through a marketing move.*

**Key words:** *Brand; Communication and promotion; Websites and social networks; Advertising; Event*

**Введение.** «В зарубежных странах сельский туризм выступает одним из основных направлений обеспечения устойчивого развития сельских территорий. В нашей стране данное направление туристической деятельности является относительно новым, поэтому важность приобретает рассмотрение условий и факторов, которые способны стимулировать или сдерживать развитие агротуризма» (Игоревич, 2016)

Любой продукт, созданный вами: будь это услуги, товары или туристические объекты, нуждаются в продвижении и рекламе. Нужно чтобы потенциальные клиенты узнали о вас заинтересовались и воспользовались вашим тур продуктом. Идеально если вас полюбят, запомнят, захотят вернуться и начнут рекомендовать своим друзьям и знакомым. Как всего этого достичь?

#### Методология

**1. Бренд.** Первым делом: ваш товар нужно упаковать, а потом сделать рекламу и продвижение. Что значит упаковать? Рассмотрим пример: «В России существует множество туристических маршрутов, в разных регионах есть свои достопримечательности, но маршрут золотое кольцо в России знают и в нашей



стране и далеко за ее пределами. Золотое кольцо России - это один из основных брендов российского туризма, идея создания маршрута пришло в голову московскому журналисту и писателю Юрий Александровичу Бычкову, который в ноябре 1967 года, проехал на своем автомобиле по 9 старинным русским городам, после чего опубликовал цикл очерков под общим названием «Золотое кольцо». Так журналист сам того не зная положил начало известному российскому туристическому бренду, а хороший рассказ профессионального журналиста эмоциональный и вдохновляющий, послужил отличной рекламой. На профессиональном языке сегодня это называется эмоциональный маркетинг»- говорила (Корнева). Упаковка ваших услуг или объекта, это и есть создание бренда на основе ожиданий потребностей и предпочтений вашей целевой аудитории и с учетом вашего представления о собственном продукте. Вы решаете каким будет ваш бренд, как будут представлены ваши услуги или объект. Как это воспримут ваши потенциальные клиенты, и так что такое бренд? Эта ассоциация с товаром, продуктом или компанией, которая возникает у потребителя. Это ментальная составляющая бренда, она зависит от сути того что вы производите. Физическая составляющая бренда совокупность все что можно увидеть, услышать и потрогать, это могут быть фирменные цвета, логотип, название компании или товара определенные звуки или слова, то есть все что используется компанией из того что мы можем заметить для создания необходимых ассоциаций в головах потенциальных потребителей. Что нужно сделать для создания бренда, придумать название и проверить не совпадает ли она с уже существующим, если название свободное и она вам нравится вы понимаете что точно не будете его менять, то лучше конечно запатентовать его. Однако это требует финансов и времени, главное избегайте одинаковых названий в вашей сфере деятельности и местности, то есть не дублируйте то что уже есть, с другой стороны есть вариант когда под одним названием могут объединяться несколько предпринимателей создавая комплексный продукт это помогает сэкономить ресурсы но требует внимательного составления договора о партнерстве. Бренд может быть у целого региона, есть бренды и у стран. Второе, ваша большая идея, та ценность, которая транслирует вашу услугу или товар это крючок который зацепит именно вашего клиента и выделит вас среди конкурентов. Ценности могут быть разными: здоровое питание, безопасный отдых, надежность, экологичность, помощь в хорошем деле и так далее. Часто большая идея или ценность формулируется в слогане, сформулируйте несколько коротких фраз максимально выражающих вашу большую идею, продумайте образы, которые лучше всего ее проиллюстрирует. Используйте их во всех ваших коммуникациях. Третье, важен дизайн. Всегда думайте о том, какое впечатление остается у ваших туристов, что они запомнят, какие ассоциации и эмоции пробудет в них ваш бренд, потому что туризм - это бизнес, которых эмоции и впечатления имеет порой решающее значение. Вызовите восторг, любопытство, сделайте людей счастливыми, удивите и пробудите чувство гордости, и вы как минимум запомнитесь. А как максимум ваши довольные гости, а вас расскажет другим. Пример создания удачного бренда вызывающего положительные эмоции «Коломенская пастила» предприниматель Елена Дмитриева и музейный работник Наталья Никитина, решили возродить производство пастилы по старинным рецептам. В 2008 году в Коломне они открыли небольшой цех и музей, но просто пастилу дорого не продашь, а вот если погрузить покупателя в атмосферу, вызвать у него положительные эмоции, создать приятное впечатление, то есть целую историю вокруг пастилы. То можно продать и пастилу и впечатление, а еще обеспечить бесплатную рекламу. Потому что когда людям что-то нравится, они хотят об этом рассказывать. И в созданном музее забытого вкуса стали проводить театрализованные экскурсии с полным погружением в 19 век. После которых и пастила разлетелась как горячие пирожки и музей стал приносить ежемесячную стабильную прибыль. Так с помощью удачного бренда эмоционального маркетинга культурная инициатива стало прибыльным бизнесом. «Важным вопросом комплексного развития туризма в сельской местности является формирование основной единицы бизнес-планирования. Практика показывает, что в качестве основной единицы мог бы стать административный район субъекта Федерации. Именно в его рамках должна проводиться специализация микрорайонов туристического обслуживания, включающих объекты экологического, детско-юношеского, лечебно-оздоровительного, спортивного и других видов аграрного туризма. Для взаимосвязи этих микрорайонов административного района должны составляться туристские маршруты водного, конного, пешеходного и других направлений».

**2. Коммуникации и продвижение.** Каналы коммуникации и продвижений, после упаковки вашего продукта следующая задача выбрать каналы коммуникации по которым информация вас быстрее всего дойдет именно до вашей целевой аудитории. Какие бывают каналы коммуникации: условно каналы коммуникации можно разделить на постоянные, они вам нужны всегда и могут подходить для нескольких целевых аудиторий. Например: сайт, навигация на объекте, ваши печатные материалы и избирательные, которые вы должны выбрать исходя из особенностей именно вашей целевой аудитории: социальные сети, тематические мероприятия, сообщества по интересам. Рассмотрим каналы коммуникации самые популярные и применимые в продвижении услуг и объектов сельского туризма. Печатная продукция – сейчас во время информационных технологий значения и объемы печатной продукции значительно уменьшились, но иногда печатные материалы могут быть актуальны, важно понимать где и кому вы планируете их раздавать. Визитки и флаеры (рекламные листы) можно сделать в небольшом количестве, и раздавать только действительно заинтересованным туристам или партнёрам на туристических выставках или мероприятиях. Часто люди предпочитают фотографировать вашу визитку, так проще и надежнее и экологичнее, также вы можете оставить флаер с информацией о своих услугах или объекте в

информационном туристическом центре. В вашем населенном пункте, районе или регионе презентации через свой сайт или на страницах социальных сетях более современно и экологично, но если ваша аудитория люди пожилого возраста возможно им будет привычнее печатная продукция. Очень полезным инструментом презентации и продаж может стать ваше портфолио, альбом или буклет с фотографиями, которые гости могут рассматривать. Можно сделать два экземпляра и один например возить с собой для демонстрации. Завидите у себя книгу отзывов, оформите ее фирменном стиле гости с удовольствием оставят запись о своем отдыхе, впечатлениях, а вы можете эти отзывы в дальнейшем использовать для продвижения в социальных сетях, для улучшения качества своей работы. Навигация–вывеска на здании самый простой и доступный вид внешней навигации, который обязательно должен быть на вашем объекте. Ваши гости должны вас как-то найти именно вывеска послужит ориентиром, а если подойти к ее изготовлению креативно, то оно может стать украшением или арт-объектом, рядом с которым туристы с удовольствием сфотографируются, а потом разместят на своих страницах социальных сетей. Если это уместно на своей территории вы можете установить информационный стенд с карты объекта и таблички указатели это удобно, если территория большая или информации много. Вся навигация должна быть выполнена в вашем фирменном стиле, креативность и фантазия помогут сделать это оригинально. Очень хорошо если у вас будет возможность установить дорожный указатель с информацией о вашем объекте за пределами собственной территории, у главных дорог, на развилках. Этот вопрос необходимо согласовывать с местной властью и государственной автоинспекцией. В некоторых региональных программах поддержки туризма, установка навигации предусмотрено за счет бюджетных средств. Уточнить это можно в региональном министерстве по туризму или в информационном туристическом центре.

**3. Сайт.** «Я посмотрю на вашем сайте»- именно такую фразу вы будете слышать очень часто во время общения с потенциальными туристами или партнерами. Возможно не в самом начале вашего бизнеса, а через некоторое время вы скорее всего придете к необходимости создания сайта. Это ваше электронное представительство, ваш виртуальный офис в интернете, где 24 часа в сутки доступна информация о вас и где можно организовать бронирование и продажи. Развитие технологий позволяет сегодня сделать сайт самостоятельно с использованием конструктора сайтов, например Тильда или Вики. Поэтому вы можете попробовать разобраться сами, если это сложно обратитесь к профессионалам, которые сделают это для вас, но на это придется выделить определенный бюджет. Независимо от того делаете вы сайт сами или обращаетесь к профессионалам, вы с самого начала должны сформулировать для какой конкретной цели вам нужен сайт. К примеру только реклама или и продажи тоже. Продумайте разделы, соберите необходимую информацию и фотографии. Функции сайта особенно на первых порах могут выполнять и страницы в социальных сетях, все зависит от ваших задач и выбранной целевой аудитории. Каждая социальная сеть активно развивается и все время добавляет новые возможности для создания удобных по функционалу страниц и даже интернет-магазинов. Однако, у полноценного сайта есть ряд преимуществ- это собственное название домен и возможность задать нужные именно вам разделы. Размещайте на сайте сведения, которые не требуют частого обновления, общую информацию о вашем объекте, контакты, схема проезда и так далее. Для анонсов новых туров и других часто обновляющихся данных лучше подойдут социальные сети, а на сайте дайте ссылку на вашей странице. Излагайте все коротко и ясно, четко по делу с простой и понятной логикой. Размещайте красивые фотографии и видео по теме- это сэкономит туристам время, заранее настроит их положительно по отношению к вам, а также избавит вас от необходимости отвечать на множество дополнительных вопросов. Прежде чем запускать сайт в открытый интернет, обязательно протестируйте его функционал на своих друзьях и знакомых: все ли им будет понятно, все ли работает. Если есть такая возможность, можно к созданию сайта привлекать студентов вузов изучающих туризм или технологии. Многим из них вполне по силам эта задача и для них это хорошая практика, а для вас экономия средств.

**4. Социальные сети.** На сегодняшний день социальные сети- это наиболее эффективный и недорогой способ продвижения объектов услуг и программ сельского туризма. Главное это выбрать правильную социальную сеть, то есть ту которой пользуется именно ваша целевая аудитория. На популярность той или иной социальной сети может влиять география проживания людей, возраст, характер увлечений, социальная активность и даже пол аудитории. Для эффективной работы с социальными сетями вам понадобится контент-план и календарный план ваших публикаций, а также умение рассказывать истории. Контент план-это содержательный план ваших публикаций, список тем, на которой вы будете писать и графиках выхода в эфир. Мы рекомендуем составить календарный план ваших публикаций, в социальных сетях они называются постами, на месяц. Обозначить дни и время выхода постов, распланировать, то есть встроить ваш контент план в календарный план. Запланируйте в контент плане примерно одинаковое количество информирующих, развлекательных и продающих публикаций. Полезный и интересный контент побуждает ваших подписчиков поделиться ими в своих страницах, а значит о вас могут узнать новые потенциальные клиенты. Если вы размещаете только рекламную информацию, вас перестанут читать даже настоящие поклонники вашего продукта. Социальные сети устроены так что у публикации, наиболее популярной среди читателей, большой охват аудитории, а это бесплатная дополнительная реклама для вас. Поэтому ваша задача вовлечь читателей в дискуссию, вызвать желание поделиться вашим постом и вообще как-то отреагировать. Ваши истории будут с удовольствием читать и

комментировать, если они понравятся подписчикам, эмоционально заденут. Используйте простой, но красивый язык. Шутите и приглашайте к общению, говорите с аудиторией на актуальной для нее темы, используйте больше ярких красивых фотографий и видео. Сейчас и на смартфон можно сделать потрясающие снимки, даже снять и смонтировать небольшое кино. Основам съемок и монтажа можно научиться самостоятельно или привлечь молодое поколение вашей семьи. Многие люди предпочитают смотреть видео, простые текстовые посты не работают. В любом случае, размещаемые вами визуальный контент должен быть качественным. Почему важно соблюдать график и размещать свои истории с определенной периодичностью? В основе социальных сетей заложены алгоритмы, которые определенным образом реагирует на чистоту и регулярность ваших публикаций люди тоже привыкают читать вас в определенное время. Соблюдение календарного и контент плана, позволит вам использовать социальные сети максимально системно и эффективно и постепенно расширит вашу аудиторию. Реклама в социальных сетях не приносит сразу быстрых продаж. Это должно стать частью вашей ежедневной постоянной работы, тогда со временем, в течение нескольких месяцев и может быть года, в вашей странице сформируется сообщество постоянных подписчиков, которых намного легче конвертировать в преданных клиентов.

### 7 видов контента, которые набирают больше всего репостов

1. Информация о конкурсах, специальных предложениях и акциях, которая может быть интересна широкой аудитории.
2. Полезные советы и другая образовательная информация.
3. Предупреждения.
4. Развлекательный контент.
5. Мотивирующий контент.
6. Необычная информация.
7. Посты, которые показывают ваше отношение к чему-либо или отражают ваше мнение относительно какой-либо темы.

**5. Рекламы на специализированных сайтах.** В интернете существуют сайты, на которых можно разместить информацию о вашем тур продукте. Бесплатно это можно сделать на официальных ресурсах региональной администрации, на сайтах муниципальных или региональных туристских информационных центров, если они предоставляют такую услугу в некоторых специализированных туристских каталогах, на Яндекс и Google картах. На сайтах онлайн-бронирования размещение бывает бесплатно, но в этом случае берется комиссия со всех совершенных сделок. При платном размещении на сайтах агрегаторах, комиссию с каждой заявки вы уже не платите, такие сайты очень хорошо продвигают себя и размещая информацию там вы получаете больше шансов попасть на глаза потенциальным клиентам

### 6. События и мероприятия

Чтобы показать товар лицом, можно организовать промо-тур для ваших партнеров, например для туристических компаний и экскурсоводов, которые готовы продавать ваши услуги. Увидев все своими глазами, они смогут разговаривать с клиентами уже на основе своего собственного опыта, дополняя факты личными эмоциональными историями. Участвуйте в профильных мероприятиях на туристических выставках, в специализированных встречах. Это всегда полезно для установления новых контактов и продвижения. Силами небольшой команды вы можете и сами организовать событийное мероприятие, которое привлечет к вам дополнительных туристов и партнеров.

Помните, нет смысла использовать все каналы. Нужно выбрать именно те, которые наиболее популярны среди вашей целевой аудитории. Спрашивайте ваших гостей о том, откуда они о вас узнали, посматривайте на конкурентов, где они размещают свою рекламу. Рекламную стратегию и план продвижения необходимо периодически пересматривать и корректировать. Делать это нужно на основе анализа эффективности, уже размещенной рекламы. Используя бесплатные инструменты, Яндекс метрику, Googleаналитику и другие.

**Результаты:** Диаграмма, составленная на основе проведенного опроса. В нем участвовали 100 человек. Опрос направлен на то, чтобы узнать возрастное распределение аудиторий социальных сетей. Эти данные играют огромную роль при продвижении в социальных сетях.





**Дискуссия:** Целью нашего опроса является то, чтобы узнать каким образом и через какую социальную сеть лучше продвигать и развивать сельский туризм. Выборка составила 100 человек, в возрасте до 25 лет, от 25 до 44 лет и старше 45 лет. Исходя из исследования можно определить, где именно более уместно размещать ту или иную рекламу, связанную с сельским туризмом. «В современных условиях формирование конкурентоспособного сельского туристского продукта возможно только на основе создания интегрального пакета туристских услуг, в том числе лечебного, спортивного, развлекательного и других видов туризма [1]».

**Заключение :** «Следует отметить, что развитие сельского туризма принесет пользу не только городскому населению, которое сможет, сменив обстановку, снять стресс, накопившийся за год работы, но и местным жителям и администрации района. Плюсы для местных жителей: сохранение традиционного уклада жизни, новые места работы, возможность открыть свое дело, развитие инфраструктуры в селе как следствие улучшение уровня жизни населения» [6].

Помните, нет смысла использовать все каналы. Нужно выбрать именно те, которые наиболее популярны среди вашей целевой аудитории. Спрашивайте ваших гостей о том, откуда они о вас узнали, посматривайте на конкурентов, где они размещают свою рекламу. Рекламную стратегию и план продвижения необходимо периодически пересматривать и корректировать. Делать это нужно на основе анализа эффективности, уже размещенной рекламы. Используя бесплатные инструменты, Яндекс метрику, Google аналитику и другие.

«В современных условиях конкурентной внешней среды целевые ориентиры развития данного сектора туризма должна быть направлена на внутренний рынок. Специалисты турбизнеса прогнозируют активный рост данного вида туризма, для которого в сельских поселениях есть огромные ресурсы» [4].

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Борисовна, К. Е. (2012). Развитие услуг сельского туризма в российских регионах.
2. Здоров, А. (б.д.). Комплексное развитие туризма в сельской местности. *Экономический портал*.
3. Игоревич, Ф. Я. (2016). Факторы Развития сельского туризма в Российской Федерации. *Социально экономические явления и процессы*, 100-107.
4. Комарова, М. Е. (2017). Развитие сельского туризма как фактор диверсификации региональной экономики. *Научный результат*.
5. Корнева, В. (б.д.). Академия сельского туризма. Калининград.
6. Ю.В.Рычкова. (2012). Сельский туризм как способ продвижения территории на примере Ульяновской области. 259-261.

УЎҚ 33

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Ш.А. Дехканов, мустақил изланувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада қурилиш материаллари соҳасининг ривожланишида иқтисодий тинч талабларини тўла қондириш учун шарт-шароитлар яратишни, биринчи навбатда, яқка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жойлар, инфратузилма ва ижтимоий объектларни қуришни таъминлаш борасида асосий тенденциялар ўрганиб чиқилган.*

**Калим сўзлар:** *Яқка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жойлар, инфратузилма ва ижтимоий объектлар, импорт-экспорт, қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари ва конструкциялари, тежамкор.*

**Аннотация.** *В статье рассматриваются основные тенденции развития отрасли строительных материалов для создания условий для полного удовлетворения потребностей экономики, в частности строительства индивидуального и многоэтажного жилья, объектов инфраструктуры и социальной сферы.*

**Ключевые слова:** *индивидуальное и многоэтажное жилье, объекты инфраструктуры и социальной сферы, импорт-экспорт, строительные материалы, строительные материалы и конструкции, рентабельность.*

**Abstract.** *The article discusses the main trends in the development of the building materials industry to create conditions for the full satisfaction of the needs of the economy, in particular, the construction of individual and multi-storey housing, infrastructure and social facilities.*

**Key words:** *individual and multi-storey housing, infrastructure and social facilities, import-export, building materials, building materials and structures, profitability.*

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар натижаси улароқ, бугунги кунда барча соҳа ва тармоқлар сингари қурилиш соҳасини ривожлантириш ва соҳани янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакат иқтисодий тинч модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш ва уларни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилишга йўналтирилган кенг кўламдаги иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда.

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими ва уй-

жой қурилишини ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш, шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Қурилиш саноати Ўзбекистон иқтисодиётнинг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиёт тармоқлари орасида барқарор ўсиш суръатларини қайд этаётган соҳалардан ҳисобланади.

Қурилиш материаллари саноатини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни рағбатлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ҳамда белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида муҳтарам юртбошимиз томонидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Жумладан, 2019 йил 20 февралда “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сонли, 2019 йил 23 майда “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли ҳамда 2018 йил 9 июлда “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3841-сонли қарорлари [1] нинг қабул қилиниши қурилиш саноати соҳасининг ҳуқуқий базасини шакллантирди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг амалий натижаси сифатида статистик маълумотларга эътибор қаратар эканмиз, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 87823,8 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 109,1 % ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

2020 йил январь-декабрь ойларида мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари [2]


	Жами, млрд. сўм	шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	87823,8	4,2	95,8
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	3785,9	5,4	94,6
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	4474,4	4,8	95,2
Бухоро	5387,2	4,3	95,7
Жиззах	2766,5	2,2	97,8
Қашқадарё	4928,2	4,9	95,1
Навоий	4392,9	20,5	79,5
Наманган	4491,8	4,7	95,3
Самарқанд	5665,9	5,7	94,3
Сурхондарё	4690,6	0,5	99,5
Сирдарё	2192,1	3,8	96,2
Тошкент	6930,6	2,1	97,9
Фарғона	5089,6	2,7	97,3
Хоразм	3032,0	5,6	94,4
Тошкент ш.	18758,9	3,8	95,2

Жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, амалга оширилган қурилиш ишларининг энг юкори улуши Тошкент шаҳри (18758,9 млрд.сўм), Тошкент вилояти (6930,6 млрд.сўм), Самарқанд (5665,9 млрд.сўм), Бухоро (5387,2 млрд.сўм) ва Фарғона (5089,6 млрд.сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Республикамизда мулкчилик шакллари бўйича бажарилган қурилиш ишларининг 4,2 %и давлат корхоналари ҳамда 95,8 %и нодавлат корхоналари улушига тенг.

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шаклланади. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 24208,9 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилга нисбатан 133,1 % га кўп бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 2019 йил кўрсаткич даражасидан 3,4 % пунктга кўпайиб, 27,6 % ни ташкил этди [3].

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 40,9 мингтани ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 4,7 минг бирликка ошди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бу ихтисослаштирилган қурилиш ишларининг 2019 йилга нисбатан 108,0 % га (жами корхоналарнинг 58,1 % ини ташкил этади), фуқаролик объектларини қуриш соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг сони 122,2 % га (жами сонидagi улуши 9,3 %), бино ва иншоотлар қурилиши соҳасида 120,8 % га (жами сонидagi улуши 32,6 %) ўсишидир [4] (1-расм).



1-расм. 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра фаолият юритаётган қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасидаги улуши, % да [5]

Ҳозирги кунда қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларни ривожлантириш мамлакатимиз миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Сўнги пайтларда, бу соҳада олиб борилган тизимли ислоҳатлар натижасида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар сони ҳам изчиллик билан ошиб бормоқда.

Статистик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони 40,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,7 мингтага ошганлигини кузатиш мумкин. Мазкур кўрсаткич 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан таққосланса, 19160 тага кўпайгани кўриш мумкин. Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 185,4 фоизга ошиб, республика миқёсида фаолият юритаётган корхоналар таркибида қурилиш корхоналарининг улуши 8,6 фоизни ташкил этди (2-расм).




2-расм. Қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар бўйича маълумот (бирликда)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатаётган корхоналар таркибида бино ва иншоотлар қуриш 58,0 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,0 фоиз), фуқаролик объектларини қуриш 9,3 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 122,2 фоиз) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 32,6 фоизни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 120,8 фоиз) ташкил этди.

Таъкидланганидек, қурилиш тармоғи Ўзбекистон Республикасидаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бирини ташкил этади. Республика иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот таркибида қурилиш тармоғи бўйича яратилган қўшилган қиймати 2016 йилда 6,0 % ни ташкил этган бўлса, токи бугунги кунга қадар бу кўрсаткичнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошиб келмоқда ҳамда 2020 йил январь-декабрь ойларига келиб қурилиш тармоғи 7,0 % ни ташкил этди. (3-расм).

Қурилиш ишлар ҳажмининг йиллар давомида юқори ўсиш суръатига эга бўлишида ва яқунда ЯИМ кўрсаткичидаги улуши ошиб боришига сабаб, мамлакатимизда қабул қилинган мақсадли давлат дастурлари доирасида белгиланган вазифалар ижросининг таъминланишидир.



3-расм. Қурилиш ишлар ҳажмини ЯИМ даги улуши йиллар кесимида [6]

Республикаимизда бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатадики, 2019 йилда жами 71156,5 млрд.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳудудлар миқёсида энг катта улуш Тошкент шаҳри (16256,9 млрд.сўм; 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 149,5 %),



Тошкент вилояти (5594,1 млрд.сўм; ўсиш суръати 186,0 %), Самарқанд (4527,2 млрд.сўм; ўсиш суръати 137,2 %), Бухоро (4368,1 млрд.сўм; ўсиш суръати 121,9 %), Қашқадарё (4365,3 млрд.сўм; ўсиш суръати 117,9 %) ва Фарғона (4162,8 млрд.сўм; 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 141,5 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри тўғри келмоқда. Шунингдек, республикамизнинг баъзи ҳудудларида бажарилган қурилиш ишлари кўрсаткичи қолган ҳудудларга нисбатан пасд дарадани бермоқда. Яъни, Сирдарё вилоятида 1926,2 млрд.сўмлик (2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 192,4 %), Хоразм 2496,8 млрд.сўмлик (ўсиш суръати 132,9 %) ва Жиззах вилоятларида 2510,6 млрд.сўмлик (ўсиш суръати 160,5 %) қурилиш ишлари бажарилган. Ушбу ҳудудларда қолган вилоятларга нисбатан кам ҳажмда қурилиш ишлари бажарилган бўлсада, 2018 йилга нисбатан қурилиш ишлари юқори кўрсаткичда амалга оширилган

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, соҳанинг тармоқлараро тузилмасини шакллантиришда инновацион ривожланиш муҳим рол ўйнайди ва бу икки асосий йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш, ишчи кучи мавжуд бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишчи кучини тақсимлаш технологияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг сезиларли яхшиланиши натижасида маълум бўлган истеъмол хусусиятлари ва параметрларига эга анъанавий қурилиш материаллари нархининг пасайиши билан боғлиқ. Ушбу серияли материалларнинг арзонлиги уларни ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсишига ёрдам беради, уларни янги материаллар, уларнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар билан рақобатбардош қилади. Иккинчи йўналиш, янги истеъмол хусусиятларига эга қурилиш материалларини яратиш билан ажралиб туради ва анъанавийларга нисбатан анча тежамкордир.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босиш ва республика эҳтиёжларини қондириш учун республиканинг минтақаларида ўз ишлаб чиқариши ҳисобига шиша, санитария буюмлари, цемент, чиплар, керамика ва чинни плиткалари, девор қоғози, гипсокартон буюмлари, куруқ пардозлаш аралашмалари, турли хил материаллар ва композитлардан тайёрланган қувурлар ҳамда фитинглар, бўёқлар ва лаклар материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва маҳаллий ташаббускорларнинг маблағлари жалб қилиниши кутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати молиявий, моддий-техник ва кадрлар захираларини чуқур эгаллашни талаб қиладиган кенг кўламли таркибий ва технологик ўзгаришлар арафасида турибди. Саноатни модернизация қилишнинг объектив зарурий жараёни ижобий синергетик самарага эришиш учун кластер усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни, кичик тармоқларни ва умуман саноатни янги инновацион асосда қайта ташкил этишни англатади. Саноатнинг бундай қурилиши саноат миқёсида ҳам, корхона даражасида ҳам янги ташкилий-иқтисодий шакл ва усулларни излашни талаб қилади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати мамлакат миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Инвестицион қурилиш жараёни самарадорлигини янада ошириш зарурияти, миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш бўйича масалалар куйидаги жабҳаларда соҳани кучайтиришни талаб қилади:

- бой хомашё салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва шу асосда маҳсулотлар турини кенгайтириш;
- ресурсларни тежаш ва биринчи навбатда, энергия тежаш даражасини ҳар томонлама ошириш;
- ишлаб чиқариш қувватларини концентрацияланган қурилиш марказларига мувофиқ янада оқилона логистика асосидаги тақсимлашни ва шу асосда қўшимча самарага эришишни таъминлаш;
- янги иш ўринлари яратиш орқали нафақат иқтисодий, балки экологик ва ижтимоий таъсирга ҳам эришадиган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда саноат ва кишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан тўлиқ фойдаланиш.

Соҳанинг ушбу ривожланишини таъминлаш унинг барқарор ва инновацион ривожланиши зарурлигини белгилайди. Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, амалга оширилган таркибий ўзгаришлар қурилиш материаллари саноатининг келгусидаги барқарор ўсишини, тармоқ корхоналари орасида кооперацион ва интеграцион фаолиятнинг чуқурлашишини, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни диверсификациялаш, унинг рақобатбардошлигини оширишни, энг асосийси мамлакатнинг иқтисодий ва инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашда муҳим омил бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хамидулин М. Корпоративное управление: подробнее по конкретным вопросам/Управление предприятием №5 (35), 2010. с.6.
2. Ходиев Б.Ю. и другие. Корпоративное управление. Методическое пособие. - Т.:ТДИУ, 2010.-210 с.
3. Ханкельдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Вестник науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
4. Ханкельдиева К., Маматкулова Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. В Науке сегодня: факты, тенденции, прогнозы (с. 36-37).
5. Ханкельдиева Г.Ш. Теоретические и экономические предпосылки развития региональных промышленных кластеров в экономике республики узбекистан // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). - 2020. - С. 234-240. <https://doi.org/10.36713/epra.4855>.

6. Ханкельдиева Г. Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Вестник науки и практики. Электрон. июн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Доступный режим: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g> (обращения данные 15.12.2017).

УДК 33

### ОСОБЕННОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО РЫНКА ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ

*Н.Н. Мукумова, самостоятельный соискатель, Международный университет туризма «Шелковый путь», Самарканд*

**Аннотация.** Муаллиф томонидан тақдим этилган мақолада чет эллик талабаларини турли мамлакатларга жалб қилиш орқали таълим хизматларининг ҳалқаро бозорининг шаклланиши кўриб чиқилган. Ушбу бозорнинг асосий иштирокчилари таъкидланган. Мақолада давлатнинг иқтисодий ривожланишида таълимнинг ўрни белгилаб берилган.

**Калит сўзлар:** чет эллик талабалар, таълим хизматларининг ҳалқаро бозори, таълим хизматлари экспорти.

**Аннотация.** В представленной автором статье рассматривается формирование международного рынка образовательных услуг за счет привлечения иностранных студентов в различные страны. Выделяются основные участники данного рынка. В статье определяется роль образования в экономическом развитии государства.

**Ключевые слова:** иностранные студенты, международный рынок образовательных услуг, экспорт образовательных услуг.

**Abstract.** The article presented by the author examines the formation of the international market for educational services by attracting foreign students to various countries. The main participants of this market are highlighted. The article defines the role of education in the economic development of the state.

**Keywords:** foreign students, the international market of educational services, export of educational services.

**Введение.** Услуги, поступающие на внешний рынок, образуют мировой рынок услуг. В основе мирового рынка услуг лежит такая важнейшая часть мирового хозяйства, как сфера услуг, удельный вес которой в экономике ведущих стран превышает удельный вес сферы материального производства.

Конец XX – начало XXI века ознаменовали собой эпоху важнейших перемен во многих сферах общественной жизни: экономике, политике, образовании, культуре. Не в последнюю очередь к их числу относится существенное увеличение значимости знаний информации, а вместе с ним и человеческого капитала. В этих условиях современное образование становится одним из наиболее интенсивно развивающихся секторов мировой торговли услугами.

Отправной точкой отчета этого явления можно считать принятый в 1995 г. Всемирной торговой организацией (ВТО) нормативно-правовой документ – Генеральное соглашение по торговле услугами (ГАТС), в котором образовательные услуги впервые были выделены в отдельный сектор. [3]

**Методология исследования.** Ведущие мировые державы начали рассматривать образование как часть своей внешней политики, преследующей геоэкономические и геополитические цели. И к концу прошлого века сформировалась целая отрасль мирового хозяйства — международный рынок образовательных услуг с ежегодным объемом продаж в несколько десятков миллиардов долларов США и объемом потребителей в несколько миллионов человек.

Это свидетельствует о том, что мировой рынок образовательных услуг сформировался как самостоятельный сегмент экономики, а также появились основные принципы его регулирования. Проблематике развития мирового рынка образовательных услуг приурочены труды В. А. Галичина, И.А. Айдруса, В. М. Филиппова, О. Л. Ксенофонтовой Б. Вахтер, В. А. Капранова, Ю. И. Сергеева, В. Ф. Байнев, О. Астафьева и других ученых.


По мнению исследователей И. А. Айдруса, В. М. Филиппова, мировой рынок образовательных услуг представляет собой «...совокупность образовательных услуг, потребляемых за рубежом гражданами разных стран, а также образовательных услуг, оказываемых иностранными учреждениями на внутренних рынках» [1].

По мнению, В.А.Галичина, «...международный рынок образования представляет собой систему отношений между производителями, поставщиками отношений и потребителями образовательных услуг, предоставляемых гражданам за пределами их стран, а также иностранными за пределами их стран, а также иностранными учреждениями на внутренних рынках, в том числе с использованием информационных и сетевых технологий».[2]

**Анализ и результаты.** Становление международного рынка образовательных услуг во многом является результатом развития и усиления роли системы высшего образования в современном мире. Помимо того, что она является ключевым фактором экономического развития государства, система образования также может стать и существенным источником доходов. По данным, объем мирового рынка образовательных услуг достигает 100 млрд долл. США. Эта цифра включает услуги международного высшего образования, дополнительного профессионального образования, языковых курсов, школьного образования и др. На международное высшее образование приходится половина объема данного рынка,

причем, к 2022 году он может возрасти до 250 млрд долл., что свидетельствует о значительном потенциале этого рынка.

По данным ОЭСР количество студентов, получающих образование за пределами своей страны, значительно возросло: с 2 млн. в 1999 г. до 8 млн. в 2018 [2]. Рынок международных образовательных услуг на сегодня можно поделить следующим образом: (Рис.1).



**Рис.1. Примерное деление международного рынка образовательных услуг**

Лидером в области экспорта образовательных услуг являются США. В 2016 г. из 3,5 млн. студентов, проходивших обучение в странах ОЭСР, 971 тысяча получала высшее образование в США. Стоит отметить, что важным фактором, способствующим эффективной интеграции образования США в международный рынок образовательных услуг, является наличие федеральной службы, которая занимается привлечением иностранных студентов и их сопровождением в течение обучения. Также работает Институт международного образования, который занимается исследованиями в области международных образовательных услуг. Таким образом, можно говорить об общесистемном подходе к организации экспорта образовательных услуг.

В силу исторических причин, а именно лидерства, прежде всего США и Великобритании в мировой экономике на протяжении столетий, английский язык превратился в язык делового и культурного общения, что позволяет всем англоязычным странам получать высокие доходы от обучения иностранных граждан английскому языку. На английском языке разговаривают более 1,5 млрд человек. Английский язык преподается на курсах в более чем 50 государствах мира. [4]

Благодаря высокой востребованности английского языка такие страны – лидеры сегмента языковых курсов, как Великобритания, Канада, США, Ирландия, Австралия, Мальта, Новая Зеландия, ЮАР привлекают колоссальное количество студентов и финансовых ресурсов. Так, численность обучающихся в вышеперечисленных странах составляет 1,3 млн долл. в год, а доход от обучения иностранцев английскому языку составляет около 10 млрд долл. США.

Последние годы существенно возросло участие стран Западной Европы на международном рынке образовательных услуг. Во многом это вызвано созданием единого образовательного пространства в рамках Болонского процесса. Одна из задач, которая решается в рамках Болонского процесса, – это привлечение иностранных студентов. Считается, что создание единого образовательного пространства усиливает международную конкурентоспособность европейской системы высшего образования.

На данный момент более половины всех иностранных студентов обучаются в четырех англоязычных странах: США, Великобритании, Австралии и Канаде.

Европа остается регионом, принимающим наибольшее количество иностранных студентов. Северная Америка, хотя и принимает меньшее число студентов в абсолютном выражении, занимает первое место по количеству стран-поставщиков, из которых азиатские страны составляют почти две трети.

Азия возглавляет список регионов, направляющих студентов за рубеж для получения высшего образования, и составляет почти половину (43 %) всех иностранных студентов, обучающихся на территории стран ОЭСР. Самыми крупными странами-донорами являются Китай, Индия и Республика Корея. Европа идет на втором месте (35 %), за ней следуют Африка (12 %), Северная Америка (7 %), Южная Америка (3 %) и Азиатско-Тихоокеанский регион (1 %).

Можно также представить рейтинг стран – крупнейших поставщиков и потребителей международных образовательных услуг (табл. 1).

**Таблица 1. Топ 10 стран происхождения и назначения мобильных студентов. [4]**

Страны происхождения	Страны назначения
Китай	1. Соединенные Штаты Америки
Индия	2. Соединенное Королевство
Республика Корея	3. Австралия
Германия	4. Франция
Саудовская Аравия	5. Германия
Франция	6. Россия
Соединенные Штаты Америки	7. Япония
Малайзия	8. Канада
Вьетнам	9. Китай
Иран	10. Италия



Из таблицы видно, что большая часть поставщиков образовательных услуг – это развитые страны, которые располагают качественной системой национального образования и давними традициями университетского образования. Потребителями же являются быстроразвивающиеся страны, которые осознали значимость квалифицированных кадров для экономического развития своих национальных экономик.

**Заключение и предложения.** Для многих государств международная торговля услугами образования превратилась в выгодный бизнес и стала частью внешнеэкономической политики. В сфере высшего образования экспорт образовательных услуг предоставляет большие возможности для расширения образовательной и научно-исследовательской деятельности вузов, совершенствования профессионального уровня профессорско-преподавательского состава, продвижения отдельных образовательных технологий и программ, повышения престижа национальной системы образования в целом [3].

Расширение экспорта образовательных услуг в последние десятилетия вошло в число наиболее важных приоритетов государственной политики многих развитых стран, к которым относятся США, Великобритания, Франция, Германия и др. страны по нескольким причинам:

1. подготовка специалистов для зарубежных стран становится одной из наиболее выгодных статей экспорта, подготовка специалистов для других стран – это содействие реализации геополитических и экономических интересов страны;

2. стремление привлечь иностранных студентов подталкивает вузы к реформированию системы подготовки специалистов с учетом требований мирового рынка труда, повышению качества обучения, разработке новых учебных программ и курсов с «включением международных компонент», обеспечивающих подготовленность выпускников к работе в условиях глобальной экономики, и, в конечном счете, – превращению национальных университетов в международные научно-образовательные комплексы.

3. стремление стран-экспортеров образования (особенно США, Германии и ряда других стран) использовать лучших иностранных выпускников для развития экономики и науки своих стран.

Таким образом, подытожив выше сказанное можно утверждать, что страны мира развивают свои системы образования в стратегических целях. Образование – это одна из крупнейших сфер мировой экономики и один из наиболее стремительно развивающихся секторов мировой торговли услугами. Уровень образования определяет развитие экономики в стране и ее конкурентоспособность в масштабах мира.

В современных условиях экспорт образовательных услуг – достаточно значимое направление в экономике страны. Качественное образование определяет конкурентоспособность страны на мировом образовательном рынке. Таким образом, наиболее важными приоритетами в государственной политике развитых стран выступают развитие и стимулирование экспорта образовательных услуг.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Айдрус И. А., Филиппов В. М. Мировой рынок образовательных услуг: Учеб. пособие. – М.: РУДН, 2008. – 194 с.
2. Галичин В. А. Международный рынок образовательных услуг: основные тенденции и перспективы развития // В. А. Галичин // Век глобализации. – 2013. – № 2. – С. 101–112.
3. Малашенкова О. Ф., Мовсесян А. С. Тенденции развития международного рынка образовательных услуг // София. 2018. № 1. С. 57–68.
4. Пацукевич О. В. Сравнительный анализ международного рынка образовательных услуг некоторых развитых стран / О. В. Пацукевич // XXI Международная конференция памяти профессора Л. Н. Когана «Культура, личность, общество в современном мире: методология, опыт эмпирического исследования», 22-23 марта 2018 г., Екатеринбург. — Екатеринбург: УрФУ, 2018. — С. 1012-1022.

УЎК 691.330.23

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР Д.А. Отамуродова, Тошкент давлат техника университети Термиз филиали, Термиз А.Р. Хурамова, Термиз давлат университети, Термиз

**Аннотация.** Тупроқ қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, ундан фойдаланишни тўғри ташкил этиши айнан тупроқ муҳофазасини экологик ва иқтисодий жиҳатдан таъминлаш зарур. Шуни инобатга олиб, ушбу илмий мақолада Сурхондарё вилоятида тарқалган тупроқларнинг унумдорлиги ва иқтисодий самардорлигига ҳар хил экологик омилларнинг салбий таъсири кўриб чиқилади. Ўтказилган тажрибалар асосида тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар:** тупроқ, қишлоқ хўжалиги, экология, унумдорлик, ер, чўлланиш, тажриба, суғориладиган тупроқ.

**Аннотация.** Почва является основным средством производства в сельском хозяйстве, и правильная организация ее использования необходима именно для обеспечения защиты почвы в экологическом и экономическом плане. Учитывая это, в данной научной статье рассматривается негативное влияние различных экологических факторов на плодородие и экономическую эффективность почв,

распространенных в Сурхандарьинской области. На основании проведенных опытов даются рекомендации.

**Ключевые слова:** почва, сельское хозяйство, экология, плодородие, земля, опустынивание, опыт, орошаемая земля.


**Abstract.** Soil is the main means of production in agriculture, and the correct organization of its use is necessary precisely to ensure the protection of the soil in ecological and economic terms. Taking this into account, this scientific article examines the negative impact of various environmental factors on the fertility and economic efficiency of soils common in the Surkhandarya region. Based on the conducted experiments, recommendations are given.

**Key words:** soil, agriculture, ecology, fertility, land, desertification, experience, irrigated land.

**Кириш.** Тупроқ - бу табиатнинг бебаҳо неъматиди, ернинг энг юқори ғовак ва унумдор қатлами бўлиб, табиатда кечадиган барча кимёвий, биокимёвий жараёнларда иштирок этади, ер сайёраси мувозанатини тартибга солиб туради, инсониятни озик-овқатга бўлган эҳтиёжларини салмоқли (90-95%) қисмини таъминлайди. Афсуски, XX асрда инсоният ўзининг тупроққа бўлган оқибатсизлиги билан унинг сифати ва унумдорлигининг пасайишига дондорлигини бузилишига ва унумдор ер майдонларнинг қисқаришига сабабчи бўлди. Ердан ноўрин фойдаланиш, нотўғри суғориш туфайли тупроқ ботқоқланди, чўлланди, ер ости (шўр) сизот сувлари ернинг юза қатламига чиқиб тупроқни шўрлади. Ушбу экологик муаммоларга тўхталиб Ўзбекистон президенти Ш.М.Мирзиёев Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технология бўйича биринчи саммитидаги бундай деган эдилар: Экологик омиллар туфайли аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормоқда, чўлланиш, сув тақчиллиги, курғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда. Оролбўйидаги экологик фалокатлар туфайли бу таҳдидлар бизнинг минтақамиз учун янада катта хавф туғдирмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчилар ихтиёрида бўлган ерлар майдони 1358,4 гектар бўлиб, шундан қишлоқ хўжалиги ерлари 1001,2 минг гектар, томарқа сифатида фойдаланадиган ерлар, боғ ва томарқа ер майдонлари 58,8 минг.га ва бошқалар 298,4 минг гектарни ташкил этади. Шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 277,1 гектар бўлиб, шундан суғориладигани 269,6 минг гектар.

Вилоят Ўзбекистон Республикасининг энг жанубида жойлашган бўлиб, ўзига хос тупроқ, ландшафт ва кескин континентал иқлимга эга. Шу сабабли бу вилоятда суғорма ва лалми деҳқончиликни, ўрмончиликни ва чорвачиликни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Айниқса саноат учун қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали пахтани экиш юқори иқтисодий самара беради.



1-расм. Сурхондарё вилояти тупроқларининг генетик гуруҳлари, %да

Чўл ҳудудларида суғориладиган сур тусли қўнғир, тақирли, тақир ўтлоқи асосий суғориладиган майдонларда чўл ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқлари тарқалган. Суғориладиган ерларда тупроқлар намланишининг гидрогеологик ҳолатига кўра автоморф, ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлар тарқалган бўлиб, гипсометрик баланд жойлашган ҳудудлар-бўз тупроқлар минтақасида суғориладиган тўқ тусли бўз, типик бўз, оч тусли бўз тупроқлари суғориш таъсирида сизот сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ ўтлоқи-бўз тупроқлар кенг тарқалган.

Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг 45,7% кучсиз, 34,0 ўртача ва 18,7% кучли даражада суғориш эрозиясига учраган. Айниқса ушбу ҳолат вилоятнинг Узун, Денов, Бойсун, Шўрчи, Олтинсой, Жарқўрғон, Қизирик туманларида кучли, Ангор, Шеробод, Музробод ва Термиз туманлари тупроқларида нисбатан камроқ учрайди.

**Таҷриба қисми.** Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини белгиловчи гумус типик бўз тупроқларда 0,8-1,6; ялли азот 0,04-0,08; фосфор 0,12-0,18; калий 1,4-2,4 ни, оч тусли бўз тупроқларда эса гумус 0,5-1,1%, азот 0,01-0,06; фосфор 0,10-0,16 ва ялли калий 1,4-2,2% ни ташкил этгани ҳолда вилоятнинг қуйи чўл ҳудудлари суғориладиган сур тусли қўнғир тақирли, тақир-ўтлоқи, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлардаги гумус ва озик элементлари (NPK) микдори (%) бўз тупроқлар минтақаси тупроқларига нисбатан сезиларли даражада кам. Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда гумус 0,2-0,5% дан тақир ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларда 0,6-1,0% гача, ялли азот 0,01-0,03 дан 0,04-0,09 гача, фосфор 0,05-0,08 дан 0,10-0,12% гача, калий 0,16-0,19% дан 1,5-1,8% гача бўлган оралиқда тебранди.

№	Туманлар	Таджиқот олиб борилган йиллар	Кадастр гуруҳлари										Жами	Ўртача бонитет балли		
			К/х Учун яроқсиз ер.	жуда ёмон	ёмон	ёмонроқ	Ўртачадан паст	Ўртача	Ўртачадан юқори	яхши	жуда яхши	юқори				
															I класс	II класс
			0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		2013 й.		
			Бонитет баллари													
1.	Ангор тумани	2013				2411	5167,2	5336,7	3025,6	552,7			16493,2	51,9		
2.	Төрmiş тумани	2013				2735,1	3064,8	4666,7	2332,7	1333,7			14133	52,7		
3.	Қумқўрғон тумани	2013				659,8	5655,85	8245,7	6112,5	1183,2	53,6		21910,65	56,3		
4.	Қазилқ тумани	2013				199,1	14141,3	11736,7	4790,8				37167,5	49,2		
5.	Шўрчи	2013				99,3	473,9	3184,9	4267,4	4341,3	2054,2	0	16272	66		
6.	Олгинсой	2013				151	843,8	2762,89	5227,99	3116,42	2790,81	1659,12	0	16552,03	60	
7.	Бойсун	2013				218,3	1405	1287,6	1149,5	438,3	12,3	0	4511	45		
8.	Денов	2013					1736,2	3881,9	5565,3	10205,5	4888,3	1238,8	27516	62		
9.	Жарқўрғон	2013					174,8	3411,1	9976,5	5774,5	2729,4	345,4	22458	49		
10.	Муработ	2013					366,6	7017,8	12625,4	11546,3	2470,2		34026,3	48		
11.	Сарисоё	2013					97,2	1640,8	4675,5	3596	1316,6	806,9	12133	61		
12.	Узн	2013					533,8	2184,8	3478,3	3980,3	1953,2	27	12157,4	62		
13.	Шаробод	2013					2383,3	6339,9	11493,1	9178,7	6310,6	55	35760,6	48,5		
	Вилоят бўйича						3592,4	33964,5	75733,1	79766,8	53375,7	18772,5	588592	0	271091	56

3-расм. Сурхондарё вилояти тулроқларининг сифатини баҳолаш маълумотлари  
суғориладиган жами К/х ерлари, майдони га. Ҳисобида 2014 йил 01 январ ҳолатига

Шу ўринда қайд этиш лозимки, тупроққа механизмлар билан ишлов беришда ҳалақит берувчи тупроқни сувни ушлаб қолувчи имкониятини чекловчи яна бир салбий омиллардан бири ернинг тошлоқлигидир. Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг 15% турли даражада тошлоқли бўлиб, шундан кам тош аралашган ерлар 66,5% ни, ўртача тош аралашган ерлар 27,76% ни ва кучли тош аралашган ерлар 5,65% ни ташкил этади.

Сурхондарё вилояти агросоҳа иқтисодий экологик омилларидан яна бири суғориладиган ерларнинг турли даражада шўрланганлигидир.




2-расм. Вилоят суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси


Вилоятдаги жами 325,7 минг гектар суғорилдиган ерлардан 99,5 минг гектари ёки 30,5% и шўрланган, шундан 21,3% и кучсиз, 8,9% и ўртача, 0,3% и кучли ва 69,5% ни шўрланмаган ерлар ташкил этади (2-расм). Демак биргина суғориладиган шўрланган ерларнинг ҳисобидан ўртача 35-40% ҳосил йўқотилганда иқтисодий зарар қанчалик салмоқли эканлигини ҳисоблаш унчалик ҳам қийин бўлмайди.

Вилоят ҳудудидаги мавжуд тупроқларнинг 19594 гектари мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлишига сабаб сув таъминоти етишмайдиган ва мелиорация тизимлари ишлаганлиги оқибатида яроқсиз ҳолга келган ерлар ҳисобланиб, бундан ташқари ер ости сизот сувлари кўтарилиб ботқоқлашган ерлар, шўрланиш даражаси юқори, иккиламчи шўрланган шамол, сув эрозиясига учраган нишаблиги юқори бўлган ерлар (365 га) ҳам мавжуд.

Вилоят ҳудудидаги тупроқларнинг ўртача бонитет балли 56 ни ташкил этгани ҳолда умумий ер майдонининг 13,8% суғориладиган ерларнинг бонитети 40 баллдан паст бўлиб, иқтисодий жиҳатдан энг кам маҳсулдор ерлар қаторига киради (3-4 расмлар). Бу ерларда етиштириладиган ғўзанинг норматив ҳосилдорлиги 12-15 ц/га, буғдойнинг норматив ҳосилдорлиги 18-20 ц/га га тенг бўлиб, бундай ерларда пахта ва бошоқли дон экинларини етиштириш рентабелликга эга эмас иқтисодий жиҳатдан сарф харажатларни қопламайди. Суғориладиган тупроқларнинг механик таркиби бўйича ер майдонларининг 2,8% ни, лойли механик таркибли тупроқлар, оғир қумоқлар 21,7% ни, ўрта қумоқлар 8,9% ни ва қумли механик таркибдаги тупроқлар майдони 3,7% ни ташкил этади (5-расм).



4-расм. Сурхондарё вилоятидаги унумдорлиги 40 баллгача бўлган қишлоқ хўжалик суғориладиган тупроқларнинг туманлар бўйича тақсимланиши, майдони % ҳисобида



5-расм. Сурхондарё вилояти суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг механик таркиби, %да



**Олинган натижалар асосида тавсиялар.** Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, зикр этилган салбий жараёнларнинг олдини олиш учун мелиоратив, агротехник ва эрозияга қарши тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

1. Суғорилдиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мукамал яхшилаш, коллектор-дренаж тармоқларнинг сифатли ишлашини таъминлаш.

2. Хўжалик (фермерлар) кесимида мавжудмерларнинг шўрланиш даражаси бўйича “Тупрок шўрланганлиги” даражасини билдирувчи харитасини ишлаб чиқиш. Хусусан, ушбу тадбирни Термиз, Ангор, Музrabод, Жарқўрғон, Шеробод, Қизирик, Бандихон туманларида зудлик билан ташкил этиш шу кун заруратидир.

3. Шўр ювиш тадбирларини сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида, тупроқнинг механик таркиби, сув ўтказувчанлиги, даланинг нишаблиги ва шўрланиш даражасига қараб кучсиз шўрланган ерлар гектарига 2500-3000 кубометр (1 марта), ўртача шўрланган ерлар гектарига 4000-4500 кубометр (2 марта), кучли шўрланган ерлар 6000-6560 кубометр (3 марта) меъёрда сув сарфлаб ювиш тавсия этилади.

4. Унумдорлик даражаси паст, турли даражада тошлоқ тоғолди адир ерларда сувни кам талаб қилувчи боғ ва тоқзорлар барпо қилиш масалаларига эътиборни кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

5. Эрозияга учраган ерларда унинг олдини олиш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш, суғориш эрозиясининг олдини олишда тупрок шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориш меъёрларига риоя қилиш, шамол эрозиясига қарши чора-тадбирларни амалга оширишда ихотазорлар барпо қилиш, оралик экинлар экиб тупрок юзасини ўсимликлар билан қопланишини таъминлаш.

6. Унумдорлиги паст, деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини оширишда илмий асосланган ресурстежамкор технологияларни, органоминарал ўғитлар, маҳаллий минерал хом-ашёлар (кимё саноати чиқиндилари, агрорудалар)ни қўллашни йўлга қўйиш лозим.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган тупроқлар чўл ва чала чўл тупроқлари бўлиб, унумдорлик даражаси паст, гумус миқдори етарли эмас, механик таркиб жиҳатдан аксарияти ўрта (40,8%) ва оғир (21,7%) қумоқли бўлганлигини инобатга олиб бу замин тупроқларидан етарлича ҳосил олиш учун юқорида санаб ўтилган тадбирларга катъий амал қилиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2017 йил 11 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Тошкент-2016.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Тошкент-2019.

5. Зокиров Х.Х. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Дарслик. Сурхон Нашр-2020.

6. Холмўминов Ж.Т. Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш. Тошкент-2018

УЎК 330. 338 (47). 656

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИ ВА БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**С.К. Салаев, проф., Урганч давлат университети, Урганч**  
**Д.Р. Саидов, тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч**

**Аннотация.** Ушбу мақолада 2010-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида автомобилсозлик саноати ва бизнесини ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиб ўтилади. Шунингдек, автомобил маркалари ва синфлари кесимида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари улар ўртасидаги боғлиқликлар қараб чиқилади.

**Калит сўзлар:** автомобил бизнеси, автомобил саноати, марка, синф, модел, баҳо, позиция, диверсификация.

**Аннотация.** В данной статье анализируется тенденции развития автомобильной промышленности и бизнеса в Узбекистане в 2010-2020 годы. Кроме того, рассматривается взаимосвязи производственных показателей в разрезе марок и классов автомобилей.

**Ключевые слова:** автомобильный бизнес, автомобильная промышленность, марка, класс, модель, цена, позиция, диверсификация.

**Abstract.** This article analyzes the trends in the development of the automotive industry and business in Uzbekistan in 2010-2020. In addition, the article considers the relationship of production indicators in the context of brands and classes of cars.

**Key words:** automotive business, automotive industry, brand, class, model, price, position, diversification.

Маълумки, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодийтни либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодийнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш,

унинг таркибида саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортнинг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ва саноатга соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланди [1].

Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик, металлургия ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш бошқа соҳаларга нисбатан салмоқли улушга эга бўлгани ҳолда асосий стратегик тармоқлардан бири сифатида шаклланди. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ, ушбу соҳаларнинг улуши 2010 йилда умумий саноат маҳсулотлари ҳажмининг 60,5 фоизини ва 2020 йилга келиб эса 62,9 фоизга етганлигини эътироф қилишимиз мумкин.


Ҳақиқатан ҳам, республикаимиз саноатининг ривожланишида автомобилсозлик соҳаси алоҳида устувор аҳамиятга эга бўлган истиқболли соҳалардан бири ҳисобланади. Хусусан, автомобилсозлик бизнеси ички бозорда аҳолининг автомобилларга бўлган талабини қондириш, мамлакатдан валюта чиқиб кетиш оқимини камайтириш ҳамда экспорт орқали давлатга валюта тушумини ошириш асосида тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашда сезиларли улушга эгадир. Шунингдек, соҳанинг ривожини бандлигини таъминлаш, реал даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади [2]. Бундан ташқари капитал талаб ва билимталаб соҳа сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим рол ўйнайди [3]. Автомобил созлик соҳасига муттасил қизиқиш ҳамда унинг инсоният ҳаёт тарзига сезиларли таъсири кўплаб тадқиқотларда ўз тасдиғини топган [4].

Автомобилсозликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг қатор йўналиш ва усуллари мавжуд бўлиб, улардан жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Биз бевосита Ўзбекистон автомобилсозлиги таҳлилига ўтишда олдин автомобил саноатини шакллантиришда қўлланилаётган йўналиш ва усулларга қисқача таъриф бериб ўтишни жоиз топдик. CKD (completely knocked down) яъни тўлиқ демонтаж қилинган машина тўпланини йиғиш усули бунда маҳсулотни қисмлар шаклида етказиб берилади ва манзилда йиғилишини билдиради. Ушбу термин автомобил саноатидан келиб чиққан бўлиб, турли компонентлар дунё бўйлаб етказиб берилади ва импорт қилинган давлатда йиғилади.

CKD усулидан ташқари (semi knocked-down) яъни ярим демонтаж қилинган машина тўпланини йиғиш усулидан фойдаланилиб келинмоқда.

Ушбу усул узок вақтдан бери дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан МДҲ мамлакатларида қўлланилади. SKD усулида автомобиллар йиғиш заводида шартли равишда ғилдираксиз, рул ва эшикларсиз етказиб берилади.

Бевосита Ўзбекистонда автомобил саноати ривожининг кейинги йиллардаги ривожланиш тенденцияларига тўхталиб ўтадиган бўласак, 2010-2020 йилларда саноатда автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш улуши 10 – 14 фоиз атрофида тебранганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010-2020 йилларда саноат ишлаб чиқаришида автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш улуши динамикаси [5]**

Бу давр оралиғида ишлаб чиқариш саноати номиналда 38119,0 млрд. сўмдан 367078,9 млрд.сўмга ўсган бўлса, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳажми 3562,3 млрд.сўмдан 33718,9 млрд.сўмга ўсган бўлиб, ишлаб чиқариш саноатининг 2010 йилга нисбатан реал ўсиш қиймати 2,1 баробарни, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш 2,6 баробарни ташкил этганлигини гувоҳи бўламиз (2-расм).

Таҳлил қилинаётган давр оралиғида асосий эътиборга молик бўлган давр сифатида, 2016 йилда соҳа ишлаб чиқариш ҳажмида кескин пасайиш кузатирилгани яъни 4,6 фоизни ташкил этганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. 2017 йилдан бошлаб соҳа фаолиятида ўсиш кузатила бошлаган ҳамда ўтган 2020 йилга келиб соҳанинг саноатдаги улуши 11,1 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистонда автомобил бизнеси ривожининг таҳлилига тўхталган ҳолда, соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг номинал қиймати ҳамда олдинги йилга нисбатан реал ўсиш даражалари кўрсаткичларидан фойдаланилганлигини қайд қилиб ўтишимиз лозим. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун


автомобилсозлик саноатини ривожланиш кўрсаткичларини кейинги 4 йилдаги тенденциясига эътибор қаратилди ҳамда қиёсий таҳлили амалга оширилди (3-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010-2020 йилларда саноат маҳсулотлари ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришнинг реал қийматдаги ўсиши динамикаси [6]

Таҳлил қилинаётган даврда иқтисодий ўсишнинг номинал коэффициенти 3,12 баробарга тенг бўлган бўлса, реал қиймат бўйича 2,1 баробарга ўсганлиги аниқланди. Ушбу натижалар сабабларини ўрганиш ва чуқурроқ таҳлилин аналга ошириш мақсадида автомобил бизнесида ишлаб чиқариш ҳажмини маҳсулотлар кесимида қараб чиқамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш соҳаси анча ривожланган соҳа бўлиб ҳозирда давлатимизда юк автомобиллари, автобуслар ва енгил автомобиллар ишлаб чиқилмоқда. Сўнгги 4 йилда бозордаги ривожланишга эътиборимизни қаратган ҳолда 1 - жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу давр оралиғида енгил автомобил ишлаб чиқариш 2020 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 99,7 % фоизга, юк автомобиллари ишлаб чиқариш 10,2 % га ошган бўлса, бу давр оралиғида автобусларни ишлаб чиқариш эса 39,3 % га камайганлигини кўришимиз мумкин.



3-расм. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобил бизнесида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари [7]

Демак, амалга оширган ҳисоб-китобларимиз натижаларига кўра, республикаимизда автомобил бозорида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш салмоғи юқори эканлиги аниқланди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларида енгил автомобиллар улуши 2017 йилда 96,7, автобуслар улуши 0,7, юк автомобиллари улуши 2,6 фозни ташкил қилган бўлса 2020 йилга келиб енгил автомобиллар улуши 98,3, автобуслар улуши 0,2, юк автомобиллари улуши 1,5 фозни ташкил қилди.

1- жадвал

2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг турлар кесимида тақсимланиши [8]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши % ҳисобида
1	Енгил автомобиллар	Дона.	140 247	220 667	271 113	280080	199,7
2	Автобуслар	Дона.	1 057	949	1534	642	60,7
3	Юк автомобиллар	Дона.	3 778	4 230	5 320	4 163	110,2
4	Жами ишлаб чиқарилган авто транспорт воситалари сони	Дона.	145 082	225 846	277 967	284885	196,4

Биз таҳлил қиладиган 2017 – 2020 йиллар оралиғида Ўзбекистонда 2 туркумга мансуб жами 10 та моделдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарилган бўлиб, булардан 6 таси СКД ва 4 таси SKD моделлари ҳисобланиб, улар асосан Хоразм ва Андижон вилоятларида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқарилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, SKD моделлари туркумига кирувчи Orlando модели 2019 йилда, Malibu, Tracker, Captiva моделларини эса 2020 йилга келиб ишлаб чиқариш тўхтатилган бўлса, CKD моделлари туркумига кирувчи Matiz моделини ишлаб чиқариш 2019 йилда тўхтатилган.

Хоразм вилоятининг Питнак туманида CKD моделлари туркумига кирувчи Damas моделини 3 хил вариантда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Spark моделининг, Nexia t - 250 моделининг 4 хил, Cobalt моделининг 2 хил ва Lacetti (Gentra) моделининг 3 хил вариант ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Spark, Damas, Nexia t - 250, Cobalt, Lacetti (Gentra) маркали енгил автомобиллар аҳоли орасида энг юқори талабга эга бўлган моделлар ҳисобланади. Шу билан бирга айнан ушбу синфга тегишли автомобиллар ишлаб чиқариш автомобил бозорида юқори улушни ташкил этмоқда.

2-жадвал маълумотларига кўра, ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг асосий қисми енгил автомобиллар, хусусан CKD моделлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда енгил автомобилларнинг 100 фоизини ушбу моделлар ташкил қилаётганини инобатга олган ҳолда тадқиқотимиз объекти сифатида CKD моделлари бозори танлаб олинган.

2- жадвал

Ўзбекистон Республикасида “Ўзавтосаноат” АЖ нинг 2017 – 2020 йилларда ҳажмининг маҳсулотлар кесимидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари динамикаси  
([https://stat.uz/images/uploads/docs/yanvar\\_dekabr\\_sanoat\\_2020\\_uz.pdf](https://stat.uz/images/uploads/docs/yanvar_dekabr_sanoat_2020_uz.pdf) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	Ўсиш суръати (%)
Енгил автомобиллар:	дона.	140 247	220 667	271 113	280080	99,7
<b>CKD моделлари:</b>	дона.	134 356	206 589	257 231	280080	108,4
Damas va Labo	дона.	27 272	42 000	59 112	60715	122,6
Nexia t – 250	дона.	34 544	59 343	73 151	66402	92,2
Cobalt	дона.	18 014	37 626	56 211	79908	343,6
Lacetti (Gentra)	дона.	19 164	33 314	44 508	50 052	161,2
Spark	дона.	22 360	29 092	24 249	23003	2,9
Matiz	дона.	13 002	5 214	X	X	X
<b>CKD моделларни жами енгил автомобиллардаги улуши</b>	%	<b>95,8</b>	<b>93,6</b>	<b>94,9</b>	<b>100</b>	
<b>SKD модели:</b>	дона.	5 891	14 078	13 882	0	X
Malibu	дона.	963	6 624	5 944	X	X
Tracker	дона.		2 189	7 930	X	X
Captiva	дона.	4 540	4 832	8	X	X
Orlando	дона.	388	433	X	X	X
<b>SKD моделларни жами енгил автомобиллардаги улуши</b>	%	<b>4,2</b>	<b>6,4</b>	<b>5,1</b>	<b>0</b>	

3-жадвал.

2020 йилдаги Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган CKD модели автомобиллар нархининг ўзгариши  
(Муаллиф ишланмаси)

Вариант	Позиция	2020 йилда ошган нарх	2020 йилдан олдинги нарх	Ўзгариш, %	Ўртача нарх ошиши %
Damas модели					
D2	пол люкс	78283000	64696586	121,0	17,7
D11	Грузавой	75928000	62750539	121,0	
Lb2 (labo)	Пикап	79198000	71349654	111,0	
M300 Spark модели					
M300M-125	2 позиция	73477000	66602502	110,3	15,9
m-optimum/plus	2 позиция	75402000	68070677	110,8	
m300m2/GC/A-125	3 позиция а/т	92821000	76745952	120,9	
M-ELEGANT/AT PLUS	3 позиция а/т	94249000	77591805	121,5	
Nexia t - 250 модели					
AV-GS16	2 позиция	87320000	75930613	115,0	17,2
AV-OPTIMUM PLUS	2 позиция+	89916000	78189036	115,0	
AV-GX16/AT	4 позиция	106429000	89062015	119,5	
AV-ELEGANT/AT PLUS	4 позиция+	109025000	91320438	119,4	
Cobalt модели					
GS/16MTB	2 позиция	95768000	87060777	110,0	12,3
GX/16ATB	4 позиция	115390000	100777630	114,5	
Lacetti модели					
L-COMFORT PLUS	1 позиция+	115607000	111701316	103,5	3,4
L-COMFORT/G PLUS	1 позиция ГБО+	124445000	120281586	103,5	
L-ELEGANT/AT PLUS	3 позиция+	138126000	133862552	103,2	




Мамлакатимизда энгил автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмини кейинг 4 йиллик маълумот асосида қисқача статистик таҳлилин қараб чиқамиз. Маълумотларга кўра, 2017 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар 140247 донани ташкил қилган бўлиб, шундан 134356 донаси, яъни 95,7 фоизи СКД моделлари ҳиссасига тўғри келган. Ушбу моделлар нархининг ҳамёмпблиги, шунингдек камҳаржлиги уларни бозорбплиги ушбу моделларга аҳоли талабини ўсиб боришини таъминламоқда. Натижада, 2020 йилга келиб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил автомобилларнинг барчаси, яъни 280 080 шу моделлар туркумига мансуб бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, аҳоли томонидан шаклланадиган автомобилларга талабнинг ўзгаришига аҳоли реал даромадларининг ошиши билан параллел равишда автомобил синфларининг ҳам сифат ҳам техник кўрсаткичларига эътибор ошиши, шунингдек 2020 йилда автомобил нархларининг нотекис оширилиши сабаб бўлган (3- жадвалга қаранг).

Айнан харидоргир ва нисбатан арзон автомобиллар нархининг юқори даражада оширилиши натижасида СКД моделларининг нархлари ўртасидаги тафовутнинг камайиши нисбатан юқори техник кўрсаткичларга эга моделлар туркумига талабнинг шаклланишига туртки бўлганлигини аҳоли томонидан талаб юқори бўлган моделларнинг улуши ўзгаришига сабаб бўлганлигини қайд қилиш лозим (4 – расмга қаранг).

4-расмдаги келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, кейинги даврда Cobalt моделига бўлган талаб кескин ўсгани ҳолда унинг улуши 2020 йилда 28.5 фоизни ташкил қилган ва 2017 йилга нисбатан 2.1 баробарга ошган. Шунингдек, Lacetti (Gentra) моделининг улуши ҳам 14.3 фоиздан 17.9 фоизгача кўтарилганини кўриш мумкин.



4-расм. 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Ренспубликасида аҳоли томонидан талаб юқори бўлган автотранспорт воситаларининг ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши (муаллиф ишланмаси)

Бунинг натижасида Spark моделига бўлган талабнинг икки баробардан ошироқ миқдорга пасайиши кузатилган, шу билан бирга Nexia t - 250 моделига бўлган талаб ҳам энгил автомобиллар бозорида бироз камайган, яъни 2018 йилда 28.7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 23.7 фоизни ташкил қилган.

Ушбу ўзгаришларнинг асосий сабаблари сифатида 2020 йилда автомобил маркалари нархларини дифференциялашган ҳолда кўтарилиши бўлди, яъни Damas, Spark, Nexia t - 250 автомобил маркалари нархлари мос равишда 17.7, 15.9 ва 17.2 фоизга оширилган бўлса, Cobalt моделининг нархи ўртача 12.3 фоизга, Lacetti (Gentra) моделининг нархи эса 3.4 фоизга пасайганлигини кўриш мумкин. Натижада Lacetti (Gentra) моделининг нархи билан Nexia t - 250 моделининг нархи орасидаги фарқнинг қисқариши кузатилди ва Nexia t - 250 моделига бўлган талабнинг камайишига сабаб бўлди. Бошқа томондан эса, Spark ва Cobalt моделларининг нархлари орасидаги фарқнинг қисқариши Cobalt моделига бўлган талабни кескин ошишига сабаб бўлди. Чунки, ҳар иккала марка ҳам аҳолининг ўрта қатлами даромадларига мосланганлиги ҳамда уларга бўлган талабнинг кескин равишда ўзгаришини таъминлаб берди.

Автомобил маркалари орасидаги боғлиқлик, яъни бирига талабнинг ўзгаришини бошқасига бўлган талабга қанчалик даражада юқори таъсирга эгаллигини баҳолаш мақсадида жуфт корреляция коэффициентидан фойдаланган ҳолда қараб чиқилди (4-жадвал).

4- жадвал

Жуфт корреляция коэффициентлари таҳлили (маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси)

	Damas	Nexia t - 250	Cobalt	Lacetti (Gentra)	Spark	Matiz
Damas	1,00					
Nexia t - 250	0,09	1,00				
Cobalt	0,60	-0,42	1,00			
Lacetti (Gentra)	0,73	-0,11	0,95	1,00		
Spark	-0,82	0,23	-0,95	-0,97	1,00	
Matiz	-0,71	-0,12	-0,85	-0,97	0,90	1,00

4-жадвалга кўра, Damas моделига талабнинг ўзгариши билан Spark моделига бўлган талаб орасида юқори тесқари боғлиқлик мавжуд, яъни Damas моделига бўлган талаб пасайса, Spark моделига бўлган талаб ошади.

Бошқа томондан эса, Spark моделига бўлган талаб билан Cobalt моделига бўлган талаб ўртасида ҳам юқори тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бу эса ўз навбатида Spark модели нархининг ошиши эвазига талабни камайиши натижасида Cobalt моделига бўлган талабнинг ошиши бўйича берилган хулосаларни тўғрилигини асослайди. Худди шу каби боғлиқликни Spark ва Lacetti (Gentra) маркалари орасида ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин. Nexia t - 250 моделига бўлган талаб билан Lacetti (Gentra) моделига бўлган талаб орасида заиф тескари корреляцион боғлиқлик мавжуд бу Nexia t - 250 модели нархининг ошиши маълум даражада Lacetti (Gentra) моделига бўлган талабнинг ошишини асослайди.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги даврда автомобил бозорида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатининг камайиш тенденцияси кузатилган ва 2020 йилга келиб олдинги йилга нисбатан физик ҳажм индекси 99.8 фоизни ташкил қилган. Бундан ташқари, автомобиллар нархининг табақалашган шаклда оширилиши ишлаб чиқаришда маркалар улушини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Чунки, бу моделлар нархи орасидаги фарқни қисқариши аҳоли ўртасида нисбатан юқори имкониятларга эга бўлган автотранспорт воситалари, яъни Cobalt ва Lacetti (Gentra) моделларига талабни ошишига сабаб бўлмоқда.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ueno, Hiroya and Muto, Hiromichi, the Automotive Industry of Japan, In Kazuo Sato, (ed), Industry and Business in Japan, M.E. Sharpe, Inc., New York, 1980, pp.139-190
3. Saberi, Behzad. The role of the automobile industry in the economy of developed countries. International Robotics & Automation Journal. 4. 10.15406/iratj.2018.04.00119.
4. Mutoh, Hiromichi, The Automotive Industry, In Ryutaro Komiyae et al.(eds), Industrial policy of Japan, Academic press Inc., Californiya, 1988, pp 307-331.
5. Smitka, Michael J, Competitive Ties: Subcontracting in the Japanese Automotive Industry, NewYork: Columbia University Press, 1991.
6. Law Christopher M, Motor vehicle Manufacturing: The Representative Industry, In Christopher M. Law, (ed), Restructuring the Global Automobile Industry: National and Regional Impacts, Routledge, London, 1991, pp. 1-18.
7. <https://uzavtosanoat.uz>
8. <https://stat.uz>

УЎК.: 338

### МИНТАҚАНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ Г.Дж. Халматжанова, и.ф.н., доцент, Фарғона давлат университети, Фарғона

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон агросаноат мажмуасида кластерларни яратиши анча қийин ва узоқ жараён бўлишига қарамай, бу агросаноат ишлаб чиқаришини инновацион ривожлантиришнинг ишончли усули эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** кластер, агросаноат мажмуаси, ишлаб чиқариши, инновацион ривожлантириши, кластер ташаббуслари, агробизнес, интеграция, инновация

**Аннотация.** В статье утверждается, что несмотря на то, что создание кластеров в агропромышленном комплексе Узбекистана - очень сложный и трудоемкий процесс, но это надежный способ развития инновационного агропромышленного производства.

**Ключевые слова:** кластер, агропромышленный комплекс, производство, инновационное развитие, кластерные инициативы, агробизнес, интеграция, инновации.

**Abstract.** The article argues that, despite the fact that the creation of clusters in the agro-industrial complex of Uzbekistan is a very complex and time-consuming process, it is a reliable way to develop innovative agro-industrial production.

**Key words:** cluster, agro-industrial complex, production, innovative development, cluster initiatives, agribusiness, integration, innovation.

Минтақавий иқтисодий кластерларни ривожлантириш глобаллашувнинг чуқурлашиши шароитида рақобатбардошликни оширишнинг самарали усули ҳисобланади. Дунёда жадал ривожланаётган тармоқ интеграцияси жараёнлари агросаноат мажмуасининг замонавий ривожланишида аниқ кузатилмоқда.

Минтақавий агросаноат кластерларининг шаклланиши жуда мураккаб ва кўп қиррали вертикал интеграция жараёнидир, бу жуда катта илмий, услубий ва амалий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, кластерлаш вертикал равишда бирлаштирилган шаклланишнинг мақсадли вазифаларига зид келмайди ва мавжуд агробизнес тузилмалари билан оқилона мослашишни назарда тутди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули жорий этилди.

Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга

тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмлар яратилмаган.

Ўзбекистон агросаноат мажмуасида кластерларни яратиш анча қийин ва узоқ жараён бўлишига қарамай, бу агросаноат ишлаб чиқаришини инновацион ривожлантиришнинг ишончли усули ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластери — бир ёки бир нечта мустақил юридик шахслар томонидан ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш ёки шартнома асосида сотиб олишдан уни дастлабки қайта ишлаш, ип-калава, мато тўқиш, бўйш ва тикиш, иккиламчи маҳсулотларни (чигит, линг ва бошқалар) қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига олган ҳамда ягона технологик занжирда бир нечта корхона ва ташкилотларни бирлаштирган ҳолда янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш усули ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ички интеграциянинг амалиётида минтақавий агросаноат кластерларини шакллантиришнинг ягона схемаси ва механизми мавжуд эмас.

Ўзбекистонда минтақавий агросаноат кластерларини шакллантиришнинг концептуал асослари - тизимли ёндашув бўлиб, уларни қўллаш минтақаларнинг иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардош устунликларини тўлиқ амалга оширишга имкон беради.

Бу нафақат эркин бозорнинг пойдевор тамойилларига ва пахта маҳсулотларига талаб ва таклифни мувозанатлашувига, пахта нархининг узоқ муддатли прогнозини шакллантиришга, нафақат сўнгги йилларда жаҳон молиявий инқирози туфайли жуда қийин бўлиб туюлмоқда. Бу ўзаро боғлиқ бўлган иккита компонент орқали рақобатбардош устунликларни ривожлантириш билан боғлиқ; биринчиси, пахтани моддий-техника ресурслари билан таъминлаш самарадорлиги туфайли пахтани ишлаб чиқариш ва дастлабки қайта ишлаш харажатларини камайтириш, шунингдек пахтанинг ҳосилдорлигини ва сифатини оширишдан иборат. Иккинчиси пахта маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали қиймат занжирини кучайтиришни ўз ичига олади.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерининг шаклланиши нафақат агросаноат мажмуасининг стратегик тармоқ вазибаларини ҳал қилишга имкон беради, балки янги инновацион детерминантларнинг пайдо бўлиши асосида минтақаларнинг ўсиш нуқталарини кўп қутбли қайта таксимланишига ҳисса қўшади. Пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаб чиқариш ва технологик занжирининг энг муҳим икки элементи унинг таркибий бўғинлари - етакчи тармоқлари бўлган пахтачилик ва тўқимачилик саноати ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластерини шакллантиришнинг долзарблиги саноат йўлига ўтиши билан боғлиқ ҳолда пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни янада такомиллаштиришнинг ташкилий ва иқтисодий омиллари сифатида изоҳланади.

Пахта-тўқимачилик кластерини яратишнинг энг муҳим шартларидан бири бу мувозанатли ва мақсадга мувофиқ кластер сиёсати бўлиб, у яқка тартибдаги кластерларни ривожлантириш бўйича стратегик дастурий ҳужжатларни қабул қилиш ва амалга ошириш механизмини таъминлайди.

Агросаноат мажмуасидаги кластер сиёсати агросаноат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга ва кластер аъзоларининг инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган минтақавий агросаноат кластерларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари ва механизмларини тизимини акс эттиради.

“Кластер ташаббуслари - бу маълум бир ҳудудда аниқ кластерларни шакллантиришга қаратилган ташкилий-иқтисодий ва институционал-ҳуқуқий фаолиятдир, бу ўсиш кўламини оширишга қаратилган кластер тузилмалари, ҳукумат, университетлар ва илмий тадқиқот ташкилотларининг индивидуал ва биргаликда уюшган ҳаракатларини ўз ичига олади”.

Кластер сиёсатида маълум бир корхоналар ва тармоқларни мақсадли қўллаб-қувватлаш учун амалга ошириладиган мавжуд тармоқ сиёсати”га альтернатив сифатида қараш керак. Асосий анъанавий ҳудудий-тармоқ шакллари билан таққослаганда кластер ёндашувининг ўзига хос механизмлари, ўзига хос воситалари ва ўзига хос мезонлари куйидагилар ташкил этади: қабул қилинадиган ривожланиш стратегиясини амалга ошириш; шаффоф муносабатлар давлат ва бизнес; қулай институционал ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш технологик ва бошқарув янгилекларини жорий этиш, адолатли рақобат элементларини кучайтириш; иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг устунлиги; тез ривожланаётган ички ва айниқса ташқи агросаноат бозорларига эътибор қаратиш; кластер аъзолари ўртасидаги алоқанинг афзал турини танлаш ҳисобланади.

Минтақавий агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг асосий йўналиши - минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида давлат кластер сиёсатининг стратегик ҳужжатларини ишлаб чиқишидан иборат.

Пахта толасини қайта ишлашнинг ошиши ҳисобига пахта маҳсулотларининг қўшимча қийматининг ошиши билан бир қаторда ушбу дастур инвестиция фаоллигининг ўсишига тўқимачилик ва тикувчилик саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор беради.

Республикада 2020 йилда жами 96 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари фаолият юритмокда.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари томонидан 2020 йилда 906313 гектар ер майдонида пахта хом ашёси етиштирилди. Бу Республикадаги пахта хом ашёси етиштирадиган умумий ер майдонинг 87,7 %, ташкил этади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта хом ашёси етиштириш даврида илғор замонавий инновацион технологияларни жалб этган ҳолда пахта ҳосилдорлигини кўшимча 10 центнерга оширади.

Жадвал-1.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари

№	Пахта тўқимачилик кластерлари	Туманлар номи	Пахта майдони, гектар, га
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>			
	“Beruniy Cluster” МЧЖ	Беруний	10 275,0
	“Bo’ston cluster” МЧЖ	Элликкальба	10 740,0
	“Amudaryo tex” МЧЖ	Амударё	15 250,0
	“Agro To’rtko’l tekstil cluster” МЧЖ	Тўрткўл	9 800,0
	“Taqiatas tex” МЧЖ	Тахياتош	2 600,0
	<b>Жами:</b>		<b>48 665,0</b>
<b>Андижон вилояти</b>			
	“Sayyora favvora” ХК	Бўз	5 169,0
	“Хо’jaobod fayz-M” ХК	Хўжаобод, Булокбоши	4 582,0
	“Vodiy sanoat faxri” МЧЖ	Улўғнор	8 534,0
	“Marxamattekstil” КК МЧЖ	Мархамат	4 927,0
	“Best textile international” МЧЖ	Избоскан	7 948,0
	«Sohib Omad Barakasi»	Андижон	4 620,0
	“Saxovat teks” ИСНВ	Шахрихон	7 132,0
	“Alyorteks” К К МЧЖ	Жалақудук	6 218,0
	“Khantex group” МЧЖ	Кўрғонтепа	8 136,0
	“Khantex Group” МЧЖ (“Tetratex” МЧЖ)	Балиқчи	10 309,0
	«Sayyora Favvorasi Plyus» ХК	Отинкўл	5 335,0
	<b>Жами:</b>		<b>79 391,0</b>
<b>Бухоро вилояти</b>			
	“WBM Romiteks” МЧЖ	Бухоро, Жондор, Ромитан	23 270,0
	“Bahor Chance Textile” МЧЖ	Когон	1 501,0
	“Merganteks” МЧЖ	Қорақўл	6 130,0
	“Qorakul Kumush Kalava” МЧЖ	Қорақўл	1 837,0
	“Parvoz Xumo Ravnaq trans” МЧЖ	Олот	7 915,0
	“BCT Cluster Agrokompleks” МЧЖ	Ромитан	7 303,0
	“Buxoro Zarxal Teks” МЧЖ	Шофиркон	2 680,0
	“Бухоро Агрокластер” МЧЖ	Қорақўл, Вобкент, Гиждувон, Қоровулбозор, Пешку, Когон, Шофиркон, Бухоро ш.	47 264,0
	<b>Жами:</b>		<b>97 900,0</b>
<b>Жиззах вилояти</b>			
	“Сангзор-текстиль” МЧЖ	Дўстлик, Мирзачўл	29 400,0
	“Жиззах индустриал тўқимачи” МЧЖ	Ш.Рашидов	9 300,0
	“Silverleafе BMB Trade Group” МЧЖ	Пахтакор	11 700,0
	“Жиззах кенттекс” МЧЖ	Зафаробод	8 100,0
	“Pahtakor Tex” МЧЖ	Зарбдор	11 200,0
	<b>Жами:</b>		<b>69 700,0</b>
<b>Қашқадарё вилояти</b>			
	“Bunyodkor” МЧЖ	Косон	7 000,0
	“Косон бахт текстиль” МЧЖ	Косон	14 700,0
	“Oqsaroy tekstil” МЧЖ	Шахрисабз, Яккабоғ	11 800,0
	“Mirshikor nur Cotton kluster” МЧЖ	Миршикор	10 000,0
	“LT Textile International” ХК (ХК “Litai Textile Overseas”)	Миршикор	9 050,0
	“Indorama Kokand tekstil” МЧЖ	Нишон, Касби	35 650,0



	“Chiroqchi-Klasterl” МЧЖ*	Чирокчи	8 200,0
	“Kitob ip yigiruv” МЧЖ	Ғузор	6 500,0
	“MT Amir tex” ҚК МЧЖ	Муборак	9 000,0
	<b>Жами:</b>		<b>111 900,0</b>
<b>Навий вилояти</b>			
	“Baxt Textilee” МЧЖ	Кармана, Қизилтепа, Хатирчи	24 484,0
	“Navbahor Textile” МЧЖ	Навбахор, Конимех	8 104,0
	<b>Жами:</b>		<b>32 588,0</b>
<b>Наманган вилояти</b>			
	“Namangan momiq sochiqlari” МЧЖ	Поп, Мингбулок	23 218,0
	“Тошбулок текстил” ҚК МЧЖ	Наманган	5 550,0
	“Uztex Uchkurgan” ҚК МЧЖ	Норин	6 038,0
	“Uchkurgan Textile” МЧЖ	Уйчи	5 869,0
	“Textile finance Namangan” МЧЖ	Учқўрғон	9 436,0
	“Namangan toqimachi” МЧЖ	Чуст, Чортоқ, Турақўрғон	9 340,0
	“Namangan paxta tekst” МЧЖ	Косонсой	3 955,0
	<b>Жами:</b>		<b>63 406,0</b>
<b>Самарқанд вилояти</b>			
	“Каттақўрғон кластер” МЧЖ	Каттақўрғон, Нуробод	4 611,0
	“Amina Gold Invest” МЧЖ	Каттақўрғон	6 413,0
	“Мароканд сифат” МЧЖ	Нарпай	10 717,0
	“Зиёвуддин текстил” МЧЖ	Пахтачи	1 162,0
	“Пахтачи Кластер” МЧЖ	Пахтачи	7 008,0
	“Мароканд сифат текстил” МЧЖ	Иштихон	8 595,0
	“Афросиёб джинс текстил” МЧЖ	Оқдарё	5 761,0
	“Самарқанд каттон кластер” МЧЖ	Пайариқ	3 286,0
	“Пайариқ кластер” МЧЖ	Пайариқ, Жомбой	10 573,0
	“Самарқанд камалак инвест текстил” МЧЖ	Пастдарғом, Нуробод	17 077,0
	“Амин инвест интернационал” ҚК МЧЖ	Пастдарғом	377,0
	<b>Жами:</b>		<b>75 580,0</b>
<b>Сурхондарё вилояти</b>			
	“Ангор Сурхон ғурури” МЧЖ	Ангор	6 700,0
	“Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ*	Бандихон, Қизирик, Шеробод	16 874,0
	“Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ	Бандихон, Жарқўрғон, Қумқўрғон	15 594,0
	“Surxon Sifat Tekstil” МЧЖ	Денов	10 288,0
	“Шошмакхашшоб” МЧЖ	Олтинсой, Узун, Сариосиё	8 372,0
	Indenim Cluster МЧЖ	Термиз	2 216,0
	<b>Жами:</b>		<b>60 044,0</b>
<b>Сирдарё вилояти</b>			
	“Bek cluster” МЧЖ	Мирзаобод, Ховос	16 357,0
	“Boyoovut techno cluster” МЧЖ	Боёвут	10 500,0
	“Poly tex Sirdarya” МЧЖ	Сайхунобод, Гулистон	14 200,0
	“АРК Оқ олтин” ХК МЧЖ	Околтин, Сардоба	10 500,0
	“Индорама” ХК МЧЖ (Сингапур)	Сардоба, Околтин	13 000,0
	“LT Textile Sirdaryo” МЧЖ	Сирдарё	8 000,0
	<b>Жами:</b>		<b>72 557,0</b>
<b>Тошкент вилояти</b>			
	“ABC Oqqo`rg`on Agro Cluster” МЧЖ	Оққўрғон	5 407,0
	“АРК Бекобод” МЧЖ	Бекобод	12 000,0
	“АРК Бўка” МЧЖ	Бўка	12 131,0
	“ТСТ Agro Cluster” МЧЖ	Қўйичирчиқ	10 000,0
	«Textile Technologies Group» ХК МЧЖ	Чиноз	6 200,0
	“Ko`kcha Tekstil” МЧЖ	Ўртачирчиқ, Янгийўл	9 270,0
	<b>Жами:</b>		<b>55 008,0</b>
<b>Фарғона вилояти</b>			

“Фарғона Spining” МЧЖ	Боғдод	5 200,0
“Bahodir logon Tekstile” МЧЖ	Ёзёвон, Кува	11 435,0
“Global Textile Solutions” МЧЖ КК	Кўштета	7 240,0
“Rus Uzbek Textil” МЧЖ	Риштон	5 950,0
“Expo Kollor Prin Tekst” МЧЖ	Тошлоқ	5 120,0
“Real Trans Logistics”	Учкўприк, Бувайда	10 840,0
“Fergana Oseana” МЧЖ	Фарғона	5 815,0
“Feuxan-Teks” МЧЖ	Фуркат	5 425,0
“Хамза Экспор арт текстил” ХК	Отлтиариқ	6 220,0
<b>Жами:</b>		<b>63 245,0</b>
<b>Хоразм вилояти</b>		
“Kobotex” МЧЖ	Боғот	6 435,0
“Great Cotton Export” МЧЖ	Хозарасп	2 030,0
“Хазорасп текс” МЧЖ	Хозарасп	6 213,0
“Xorazm tex” МЧЖ	Хонқа	10 065,0
“Khiva Cluster” МЧЖ *	Хива	5 688,0
“Textile Finance Khorezm” МЧЖ *	Шовот	8 975,0
“Shovot Tekstil” КК МЧЖ	Янгибозор	8 568,0
“Gurlan-Baraka Tekst” МЧЖ	Гурлан	11 259,0
“Ург текс” МЧЖ	Ургенч	8 385,0
“WBM Qoshkopir klaster” МЧЖ	Кўшкўпир	10 181,0
<b>Жами:</b>		<b>77 799,0</b>
Республика бўйича жами 96 та кластер:		<b>907 783,0</b>

Пахта-тўқимачилик кластерлари юқори унумли пахта ҳосили олиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

- чигит экиладиган ер майдонларини озиклантириш учун хориждан (Россия, Қозоғистон) фосфорли ўғитлар ҳамда агротехник ишловлар бериш даврида зараркунандаларга қарши курашда кимёвий препаратлар Хитой, Туркия, Россия, АҚШ, Австралия, Швеция ва бошқа давлатлардан харид қилинмоқда, чигит экиш учун Хитой, АҚШ, Туркия, Франция, Германия, Швеция давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий бўлган 6, 8, 10, 12 қаторли харид қилинган пневматик чигит экиш сеялкаларида амалга оширилмоқда.

- пахта экилган ер майдонларининг суғорилиши қийин бўлган жойларда замонавий томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган ҳолда суғориш ишлари амалга оширилмоқда ва гектирдан 50-60 центнердан пахта етиштиришга эришилмоқда.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта теришни замонавий усулларида фойдаланилмоқда, жумладан, АҚШ (John Deere), Германия (Case), Хитой ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарида териб олинмоқда.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерини шакллантириш учун институционал асосларни яратиш концептуал қоидаларнинг асосланиши учун асосий шартларнинг мавжудлигини, кластер ядросини аниқлашни, ягона мувофиқлаштирувчи институтни яратишни назарда тутди. Кластер сиёсати, кластер тузилмалари фаолиятини бошқариш механизминини шакллантиради.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерини яратишда принципларни асослаш ва минтақавий иқтисодийнинг элементларини аниқлаш, тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарини тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақанинг иқтисодий маконидаги саноат, пахта бизнеси иштирокчилари учун ахборот-маркетинг ва илмий-маслаҳат ёрдамини шакллантиришдан иборат.

Пахта-тўқимачилик кластерини шакллантириш концепциясини илмий асослаш билан бир қаторда кластер сиёсатини амалга ошириш бўйича ташкилий ва услубий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш зарур.

Фақатгина импорт ўрнини босиш стратегиясига асосланган минтақа иқтисодийтини чуқур модернизация қилиш ва ўзгартириш максимал иқтисодий ўсишини, ўзини ўзи таъминлашини ва инқирозга қарши барқарорлигини таъминлаши мумкин.

Фарғона вилояти импортини алмаштириш ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш стратегиясининг мақсадларини амалга ошириш учун кластер ёндашуви доирасида минтақада иқтисодий ўсишнинг потенциал нукталарини шакллантириш ва фаоллаштириш зарур.

Кластер концепцияси давлат саноат сиёсати тамойилларини тубдан ўзгартиради, бу иқтисодий ўтиш даври мамлакатлар учун айниқса муҳимдир. Бу давлат бошқаруви механизми ва усулларини сезиларли даражада қайта қуришни, минтақа иқтисодий тармоқлари ривожланиш параметрлари ва кўрсаткичларидан алоҳида бозорларнинг мезонлари ва кўрсаткичларини ҳамда ўзига хос тузилмани ўзгартиришни талаб қилади.

Кластер ташаббуслари ва давлат органларининг саъй-ҳаракатлари, шубҳасиз, инновация иқтисодий сиёсатига ижобий таъсир кўрсатади, чунки ушбу ёндашувдан минтақа иқтисодиёти соҳаларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, иқтисодий тизимларнинг замонавий рақобатбардош устунликлари асосан ноу-хау элементларига эга бўлган янги технологиялардаги устунлик туфайли таъминланади, тўғри рақобат стратегиясини танлаш, товарларни тарғиб қилишнинг стратегик жойлашуви ва маркетинги, шунинг учун рақобатбардошлик даражаси ошади минтақа кластеризация тамойиллари ва инновацияларни бошқаришда замонавий ёндашувлардан комплекс фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий кластерни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг саноат сиёсати концепцияси учун асос бўлиши мумкин. Ҳукумат саъй-ҳаракатлари алоҳида корхоналар ва тармоқларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки муносабатларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Пахта ва тўқимачилик мисолида агросаноат кластерлари ўсиш нуқталари ва минтақаларни ривожлантириш, кичик, ўрта ва йирик пахтачилик корхоналарининг самарали ўзаро ҳаракатлари сифатида амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерини шакллантириш концепцияси минтақавий даражадаги кластер сиёсатини амалга оширишда иккита асосий ёндашувни ўз ичига олади:

1) экспортга йўналтирилган пахта ва тўқимачилик кластерини яратиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш;

2) пахта ва тўқимачилик кластерининг асосий бўғинларини мақсадли рағбатлантириш.

Кластер сиёсатининг самарадорлиги дастурий мақсадли усуллар ва инновацион дизайн каби кенг воситалар ва бошқарув механизмларидан оқилона фойдаланиш имконияти билан белгиланади. Инновацион дизайн элементлари билан минтақавий пахтачилик ва тўқимачилик кластерларини яратиш бўйича мақсадли дастурлар пахта бизнесида манфаатдор томонларнинг кенг доирасини интеграциялашган ёндашув ва интеграция қилиш йўли билан минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлайди, рақобатни чекловчи омилларни ва уларнинг таъсирини камайтиради.

Агросаноат соҳасида минтақавий пахтачилик ва тўқимачилик кластерини ривожланишини рағбатлантиришнинг кластер сиёсатини таъсир чоралари хусусияти ва қўламига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин.

- “воситачилик” сиёсати - кластернинг потенциал субъектлари билан алоқа қилиш учун платформаларни шакллантириш;

- диверсификация сиёсати - давлат буюртмаларини минтақавий ишлаб чиқарувчиларга жойлаштириш асосида маҳаллий талабни шакллантириш;

- таълим сиёсати - кадрларни қайта тайёрлаш ва қўшимча таълим бўйича ҳудудий ресурс марказларини ташкил этиш орқали минтақавий ишчи кучининг малакаси даражасини ошириш;

- “товар”ни шакллантириш сиёсати - минтақавий саноат маҳсулотларини илгари суриш ва сотиш ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун минтақанинг минтақавий брендини шакллантиришни рағбатлантиришдан иборат.

Мақсадли кластер сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири солиқларни рағбатлантириш функциясини кучайтириш билан боғлиқ.

Масалан, Ҳиндистонда тикувчилик буюмлари экспорти фақат даромад солиғи ва ишчиларнинг иш ҳақи бўйича ижтимоий тўлов ижтимоий солиққа тортилади. ҚҚС каби бошқа солиқлар, агар тўланса, давлат томонидан қопланади. Ушбу солиқ режими ёрдамида корхоналар ўсишга сармоя киритишни рағбатлантиради, бу эса иш ўринларини яратиш ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради.

Пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантириш концепцияси жаҳон бозорининг ривожланиш тенденциялари ва шаклларини прогноз қилишни ҳисобга олган ҳолда, кейинчалик кластернинг экспорт салоҳиятини ошириш билан тўқимачилик пахта маҳсулотлари импорт ўрнини босишга қаратилган бўлиши керак.

Европа Иттифоқи мамлакатларида маҳаллий пахта маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш учун сектор ташаббусидан фойдаланиш ва “GSP+” имтиёзли тизимдан (божхона тўловларининг ноль ставкаси) кенг фойдаланиш рақобатдошликнинг қўшимча омили бўлиб хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи корхоналар тўқимачилик ва тикувчилик саноати корхоналарини минтақавий таъминот занжирларига бирлаштириш бўйича тажрибага эга.

Минтақавий пахта ва тўқимачилик кластерининг асосий хусусияти - бу мажбурий рақобат, инвестиция жозибадорлиги ва транзакция харажатларини камайтириш орқали синергетик эффект олиш учун инновацион йўналишни бирлаштиришдир.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерини яратишнинг асосий ғояси технологик занжирнинг барча бўғинларини босқичма-босқич, пахтани етиштиришдан то кийим тикишгача изчил тиклашдан иборат. Узоқ муддатли молиявий инқироз қўлаб корхоналарни тугатиш ва тикувчилик корхоналарини кулашга яқинлаштирди. Шу билан бирга, бу кийин, лекин уларни қайта тиклаш мумкин, аммо чет элда тайёр маҳсулотларга талабни таъминлаш анча мураккабдир.

Минтақавий пахтачилик соҳасини ривожлантириш учун кластер моделини қўллаш муҳим аҳамиятга эга, бу ерда қиймат занжирига алоқадор корхоналар бир-бири билан рақобатлашишни тўхтатадилар ва

импорт ўрнини босиш учун кучларни бирлаштирадиган ва кейинчалик рақобатдош пахта маҳсулотларини экспорт қилишга эътибор берадилар.

Минтақавий пахта ва тўқимачилик кластерини яратишнинг асосий мақсади

юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотни шакллантириш ва шу асосда қўлаб ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, бюджетни тўлдириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва бошқалардан иборат.

Пахта-тўқимачилик кластерининг тахмин қилинадиган технологик асослари қуйидагича: пахтачилик (пахта етиштириш), пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (тола ва пахта ипларини қайта ишлаш) ва кийим-кечак ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Фарғона минтақасида пахта-тўқимачилик кластерини яратиш мақсадга мувофиқлиги учун асосий шарт ва муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Минтақавий пахтачиликда яқин келажакда давлат ва тадбиркорлик ташаббуси билан ривожланиб бориши мумкин бўлган жиддий салоҳият ва барқарор анъаналарнинг мавжудлиги.

2. Минтақавий пахтачиликнинг рақобатдош афзалликлари - арзон иш кучи ва электр энергияси харажатлари ва маҳсулотларнинг қониқарли сифати туфайли пахтани ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга нисбатан арзон нархлар.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерини шакллантириш концепцияси доирасида устувор вазифа юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўлиши керак.

Кластернинг барча аъзоларининг барқарор ишлаши ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларини таъминлаш учун минтақадаги текстил ёки тикувчилик фабрикаларидан бири кластернинг асосий қисмига айланиши мумкин. Бинобарин, кластер марказий нуқтаси пахта хомашёси етиштирадиган фермер хўжалиқларидан тортиб, пахта тозалаш корхоналари, йиғирув, тўқимачилик ёки трикотаж маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича барча иштирокчиларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

Рақобатбардош юқори сифатли пировард маҳсулотларни (мато, кийим-кечак, пайпок) ишлаб чиқариш ва сотиш пахта хомашёсига талабни оширади, бу эса занжир бошида кластер аъзоларининг иш ҳажминини таъминлайди. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерининг ривожланиши иккиламчи хомашёдан саноат тармоқларини яратишга имкон беради. Масалан: ёғ, совун ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Кучли маркетинг, аниқроғи маркетинг тизими минтақавий пахта ва тўқимачилик кластерининг рақобатдош устунлиқларини таъминлашга ёрдам беради. Кластерда аниқ маркетинг стратегияси, тайёр маҳсулотни етказиб бериш режалаштириладиган мамлакатлар, мамлакатлар бўйича қутилаётган сотувлар, шу жумладан кириш учун асос бўлиши керак.

Минтақавий пахта-тўқимачилик кластерининг яратилиши асосан тайёр маҳсулот бозорининг ҳажмига боғлиқ. Бунинг учун қутилаётган савдо бозорларида ҳам ички, ҳам яқин ва узоқ хориж бозорларида яхши маркетинг ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Кластер иши асосан импорт ўрнини босиш соҳасида ички бозорга йўналтирилган бўлиши керак, бу ички ишлар идоралари учун кийимлар, мактаб ўқувчилари учун кийимлари ишлаб чиқариш, уларнинг ҳажми барқарор ишлаб чиқаришга имкон беради.

Экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга келсак, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари, нархлари ва етказиб бериш муддатлари муҳим мезондир. Бундан ташқари, таниқли жаҳон кийим-кечак брендлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун жалб қилиш ва руҳсат олиш минтақавий пахта ва тўқимачилик кластерининг барча иштирокчиларининг самарали ишлаши имкониятини оширади.

Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластери салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш учун пахтачиликнинг етакчи тармоқларини қуйидаги йўналишларда инновацион ва технологик янгилашда ютуқларни тезлаштириш зарур:

- биринчи навбатда, пахта толаси ҳосилдорлигини ошириш учун пахтани етиштиришнинг интенсив омиллари ва пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш ҳисобига пахтачилик самарадорлигини ошириш;

- иккинчидан, минтақанинг ўзида қайта ишланган пахта толасининг пахта ипидан пахта матосигача бўлган улушини ошириш;

- учинчидан, импорт ўрнини босиш ва ташқи бозорларга чиқиш мақсадида тайёр пахта маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерини шакллантиришнинг аҳамияти минтақавий ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада оширишнинг стратегик омилли сифатида ўзини оқлайди деган ҳулосага келиш мумкин.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28.12.2018 йил
2. Портер М. Э. 1. Рақобат. Москва: "Вильямс", 2001. С. 207.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 йил
4. Khalmatjanova, G. D. (2020). Mechanisms of formation of agricultural clusters in the economy of Uzbekistan. *Academia: an international multidisciplinary research journal*, 10(12), 847-852.
5. Халматжанова, Г. (2020). Кластеры-фактор, определяющий развитие аграрного сектора республики узбекистан. *in развитие регионального анк и сельских территорий: современные проблемы и перспективы* (pp. 319-322).
6. info@uzts.uz



**МАРКЕТИНГ ЛОГИСТИКАСИ – УЛГУРЖИ САВДО РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ***Д.Х. Холмаматов, доц. в.б., PhD, СамИСИ, Самарқанд*

**Аннотация.** Маркетинг ва логистиканинг функциялари, уларнинг замонавий бизнес юртишида интеграцияси, яъни, маркетинг логистикаси муҳим замонавий бизнес воситасига айланиб бормоқда. Мақолада маркетинг логистикасининг мазмуни, маркетинг логистикасининг таркибий қисмлари, улгуржи савдони ривожланишида маркетинг логистикасининг тутган ўрни ёритилган.

**Калим сўзлар:** маркетинг, логистика, маркетинг логистикаси, улгуржи савдо, товар ҳаракати, товар тарқатиш каналлари, рақобат устунлиги, таъминот.

**Аннотация.** Функции маркетинга и логистики, их интеграция в современное ведение бизнеса, то есть маркетинговая логистика становятся важным современным инструментом ведения бизнеса. В статье рассматривается содержание маркетинговой логистики, компоненты маркетинговой логистики, роль маркетинговой логистики в развитии оптовой торговли.

**Ключевые слова:** маркетинг, логистика, маркетинговая логистика, оптовая торговля, движение товара, каналы распространения товара, конкурентное преимущество, снабжение.

**Abstract.** The functions of marketing and logistics, their integration in modern business, that is, marketing logistics is becoming an important modern business tool. The article describes the content of marketing logistics, components of marketing logistics, the role of marketing logistics in the development of wholesale trade.

**Keywords:** marketing, logistics, marketing logistics, wholesale trade, product movement, product distribution channels, competitive advantage, supply.

**Кириш**

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг логистикаси товар ҳаракатини оптималлаштириш ва савдо тизимининг рақобатбардошлик даражасини оширишда тобора муҳим воситага айланиб бормоқда.

Товар ҳаракатини бошқаришда маркетинг логистикаси моддий оқимларни тарқоқ алоҳида элементларини ягона тизимга бирлаштиришга асосланган. Товар ҳаракатида улгуржи савдо муҳим аҳамиятга эга. Улгуржи савдо товарлар ҳаракатининг узлуксизлигини, интенсивлиги ва самарадорлигини оширади.

Улгуржи савдода харидорларга бир қатор хизматлар кўрсатилади. Кўрсатиладиган хизматларнинг юқори даражали бўлиши маркетинг логистикасига боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, маркетинг логистикасини улгуржи савдода ривожлантириш долзарб масалалар қаторига киради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Маркетинг бўйича етакчи мутахассис олим Ф.Котлер маркетинг логистикасини "... хом ашё, материалларнинг физик ҳаракатини режалаштириш, бажариш ва назорат қилиш, фойда олиш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойидан истеъмолчилар жойлашган жойгача етказиб бериш билан боғлиқ тегишли маълумотларни олиш" деб таърифлайди [3]. Улгуржи савдо муаммолари билан шуғулланадиган россиялик олим Голиков Е.А. улгуржи савдода маркетинг ва логистиканинг ўзаро боғлиқлигини, улгуржи савдо самарадорлигини ошириш маркетинг ва логистика функцияларини тўлиқ бажарилишига боғлиқлигини тадқиқ этган [2]. А.А.Трифилова ва А.Н.Воронковлар маркетинг логистикасини моддий оқимларни (хом ашё, эҳтиёт қисмлар, материаллар) бошланғич манбасидан бошлаб, ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни жисмоний тақсимотини режалаштириш, истеъмолчиларни эҳтиёжини самарали қондириш учун тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ва тезкор бошқариш фаолияти деб таърифлайди[6]. Маҳаллий олимларимиздан Р.Г.Ибрагимов охириги вақтларда маркетинг логистикаси атамаси тобора кенг қўлланилаётганини таъкидлаб, у товарларнинг нафақат товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракати жараёнини, балки товарлар ва материалларнинг таъминотчилардан корхоналарга етказиб берилишини ҳам ўзи ичига олишини ўз илмий тадқиқотларида кўрсатиб ўтган[4]. Ш.Ж.Эргашходжаева корхонада замонавий логистика маркетингини жорий қилиш натижасида рақобатли устунликларга эришиш имконини беришини ўз илмий ишларида тадқиқ қилган[7].

**Тадқиқот методологияси**

Мақолани ёзишда илмий мушоҳада, абстракт-манتيқий фикрлаш, таҳлил, синтез каби усуллардан фойдаланиб, муаммони очиб беришга ҳаракат қилинган. Тадқиқот учун зарур ахборотлар асосан хорижий адабиётлар, статистик ва меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар базасидан олинган.

**Таҳлил ва натижалар**

Маркетинг логистикаси концепциясини шакллантириш маркетинг методологияси ва амалиётига асосланган бўлиб, ишлаб чиқарувчиларнинг бозор шароитларига мослашишини таъминлайди. Маркетинг бозор муаммоларини ҳал қилиш, харидорларнинг талабини рағбатлантириш орқали самарали таъсир кўрсатадиган восита сифатида вужудга келди. Логистика эса 1980 йилларда маркетингдан янги йўналиш сифатида ажралиб чиқди. Логистика иқтисодиётда товар ҳаракати жараёнида оқимларни

оптималлаштириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг барча хўжалик фаолиятини қамраб оладиган йўналиш сифатида ривожланди.

Маркетинг логистикаси жараёнининг асосий босқичлари ва элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. истеъмолчилар талабларини ўрганиш ва прогноз қилиш, фирмаларнинг рақобат афзалликларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
2. сотиш ва товар айланмасини прогнозлаш;
3. товар тарқатишни режалаштириш;
4. юк ташиш, ишлаб чиқариш учун хом ашё ва материалларни сотиб олиш ва етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиш;
5. хом ашё ва материалларни қабул қилишни ташкил этиш;
6. хом ашё ва материаллар захираларини сақлаш ва назорат қилишни ташкил этиш;
7. савдо корхоналарининг буюртмаларини расмийлаштириш;
8. ишлаб чиқаришни режалаштириш;
9. маҳсулот ишлаб чиқариш;
10. маҳсулотни қадоқлаш;
11. ишлаб чиқариш корхонасининг ҳудудидаги омборларда тайёр маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш;
12. ишлаб чиқариш корхонасининг ҳудудидан ташқарида жойлашган омборларда тайёр маҳсулотларни сақлашни ташкил этиш;
13. таъминот ва тақсимот занжирларида харидорларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
14. сотиш.

Бундан кўриниб турибдики, маркетинг логистикасининг муҳим таркибий қисмлари товарлар ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ. Товар ҳаракати жараёнида товарларга буюртма бериш, сақлаш, навларга ажратиш, қадоқлаш, ўраб-жойлаш, етказиб бериш, ассортиментни шакллантириш каби функциялар улгуржи савдо томонидан амалга оширилади.

Шунинг учун товарлар ҳаракатини самарали бошқаришда улгуржи савдо корхоналари фаолияти алоҳида ўринга эга. Улгуржи савдо корхоналари улгуржи харид ва сотишни амалга оширишда харажатларни минималлаштириш, товарлар оқимини оптималлаштириш каби масалалар муҳим ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда улгуржи савдо корхоналари маркетинг ва логистика функцияларидан самарали фойдаланиши талаб қилинади.

Улгуржи товар сотишда логистика ва маркетинг ўзаро боғлиқдир. Логистика товарларни етказиб бериш билан шуғулланса, маркетинг товар сотиш усуллари билан шуғулланади. Товарларни керакли жойга ва керакли вақтда турли хил усуллар билан етказиб бериш мумкин. Бозор тадқиқотлари натижасида маркетинг томонидан истеъмолчиларнинг аниқланган эҳтиёжларини қондириш жараёнининг фаол иштирокчиси логистика ҳисобланади. Етказиб бериш муддати ва истеъмолчиларга сервис кўрсатиш даражаси танланган етказиб бериш услубига боғлиқ.

Рақобатли бозор шароитида улгуржи савдода маркетинг ва логистика функцияларини интеграциялаш лозим. Бу жараён маркетинг логистикаси асосида амалга оширилади.

Улгуржи савдо корхоналари маркетинг логистикаси тамойиллари асосида улгуржи товар харид қилиш ва сотишда маркетинг талабларини ҳисобга олган ҳолда транспорт ва омбор схемаларини ишлаб чиқмоқдалар. Ўзларининг касбий фаолиятида маркетинг ёндашувини қўллашга йўналтирилган бошқа компаниялар тузилмалари сингари, логистика хизматлари ҳам охириги истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари, чакана сотувчиларнинг талабаларини ҳисобга олган ҳолда улгуржи етказиб берувчилар фаолият юритади. Ушбу талаблар биринчи навбатда юкларнинг ҳажми ва етказиб бериш тезлиги билан боғлиқ. Кўпинча бундай талабларнинг илгари сурилиши улгуржи савдо компанияларига чакана савдо дўконларига яқин жойлашган савдо омборларини жойлаштириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Агар улгуржи савдо корхоналари ишлаб чиқарувчилардан катта миқдордаги товарларни сотиб олишга буюртма қилиши керак бўлса, у ҳолда марказий тақсимот омборидан ёки минтақавий омборлардан маҳсулотларни харид қилиш муаммоси мавжуд.

Маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш йўлини танлашни акс эттирувчи маркетинг каналларини танлаш товар тарқатиш сиёсатининг биринчи вазифаси ҳисобланади. Иккинчи муҳим вазифа маркетинг каналларида хизмат кўрсатишни оптималлаштириш йўллари ва воситаларини танлаш билан боғлиқ маркетинг логистикаси ёндашувларидан фойдаланиш. Товар тарқатиш тузилмасини шакллантиришда сотиш усуллари ва маркетинг логистикаси бирлашиб “тақсимот микс”ни ташкил этади.

Логистика моддий-техника ресурсларини тайёр товарга айлантиришнинг технологик занжирини ташкил этувчи барча бўғинларга таъсир этади. Маркетинг эса барча иқтисодий соҳаларга таъсир қилади. Бу икки йўналишни бирлашишидан маркетинг логистикаси концепцияси вужудга келди. Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш, самарали сотишда маркетинг функцияларини бажариш орқали маркетинг логистикаси бозор муваффақиятига эришишни таъминлайди. Улгуржи савдонинг бозор аҳамияти товар ишлаб чиқарувчиларнинг тақсимот-савдо функцияларини энгиллаштиради.

Улгуржи савдо корхоналари ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатадиган хизматларни тақдим этади. Товар ишлаб чиқарувчилар

улгуржи савдо хизматларидан фойдаланса, ўзининг бозор самарадорлигини ва рақобатбардошлигини оширади. Маркетинг логистикаси ишлаб чиқариш ва улгуржи-тақсимот функцияларини бозор вазиятидан келиб чиқиб тартибга солишга олиб келади.

#### **Хулоса**

Ҳозирги рақобатли бозор шароитида ҳар қандай корхона фақат товар, нарх ва коммуникация стратегиялари орқали рақобат устунлигига эриша олмайди. Улгуржи савдода рақобат устунлигига эришиш маркетинг логистикаси орқали амалга оширилади.

Улгуржи савдо фаолиятида маркетинг логистикасини ривожлантириш ва қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Улгуржи савдо корхоналарининг маркетинг стратегияси билан моддий ва ахборот оқимларини бошқаришни мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш.
2. Товарларни тарқатиш логистика тизими орқали охириги истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мослаштирилади.
3. Тақсимот марказ ва омборларни мақбул жойларга жойлаштириш, маҳсулотларни ташиш ва сақлашни оптималлаштириш, товар захираларини меъёрлаштиришда замонавий усулларни қўллаш орқали улгуржи савдо харажатларини камайтириш.
4. Ташқи ва ички истеъмолчиларнинг улгуржи буюртмалари ўз вақтида ва аниқ бажарилиши таъминланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Багиев Г.Л. Маркетинг: словарь и библиография. – СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 1998. – 74 с.
2. Голиков, Е. А. Оптовая торговля. Менеджмент. Маркетинг. Логистика. Финансы. Безопасность / Е. А. Голиков. - М.: Экзамен, 2010. - 352 с.,
3. Kotler, P. (1998) Marketing Management: Analysis, Planning, Implementation, and Control. 9th Edition, Prentice Hall, Upper Saddle River.
4. Ибрагимов Р.Г. Маркетинг. Тошкент. 2002 й. 172 б.
5. Ryszard Barcik, Marcin Jakubiec (2013). Marketing logistics. <https://docplayer.net/4272544-Marketing-logistics-bielsko-biala-poland-email-rbarcik-ath-bielsko-pl-bielsko-biala-poland-email-m-jakubiec-ath-bielsko-pl.html>
6. Трифилова А.А., Воронков А.Н. Маркетинговая логистика. Учебное пособие. Нижегород. гос. архит.-строит. ун-т – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 83 с.
7. Ergashxo'jayeva Sh.J. Innovation marketing. Darslik.-Т.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2014. – 176 b.

**BERUNIY “QADIMGI XALQLARDAN QOLGAN YODGORLIKLAR” ASARINING AHAMIYATI**  
**M.K. Beshimov, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti Buxoro tarixi kafedrası, Buxoro**

**Annotatsiya.** Maqolada Abu Rayhon Beruniyning “Osor al-boqiya” asari haqida so'z yuritilgan. Beruniyning asarda keltirilgan O'rta Osiyo, yunon, eron, hind, nasroniy, yahudiy va boshqa xalqlarning islomgacha bo'lgan tarixi, urf-odatları, bayramları va, asosan, vaqtni aniqlash to'g'risidagi ma'lumotlar va ularning ahamiyati ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Abu Rayhon Beruniy, “Osor al-boqiya”, Eduard Zaxau, yil hisoblari, turli xalqlar haqidagi tarixlar, marosimlar, tarixiy-etnografik asar, oy manzillari, jadvallar.

**Аннотация.** В статье рассказывается о произведении Абу Райхана Беруни “Осор аль-Бокия”. Раскрываются сведения об истории, обычаях, праздниках и, в основном, определение времени народов Средней Азии, Греции, Ирана, Индии, христианства, евреев и других народов до ислама в произведениях Беруни.

**Ключевые слова:** Абу Райхан Беруни, «Осор ал-бакия», Эдуард Захау, годовой счёт, истории разных народов, ритуалы, историко-этнографическое произведение, местоположение луны, таблицы.

**Abstract.** The article describes the work of Abu Raihan Biruni "Asar al-Bakiya". Information about the history, customs, holidays and basically, the definition of the time of the peoples of Central Asia, Greece, Iran, India, Christianity, Jews and other peoples before Islam in the works of Biruni is revealed.

**Key words:** Abu Raihan Biruni, "Asar al-bakiya", Eduard zahau, annual accounts, stories of different peoples, rituals, historical and ethnographic work, location of the moon, tables.

O'lkamiz tarixida o'tgan juda katta davr mobaynida nafaqat mahalliy, balki mamlakat tashqarisida ham qo'lyozma asarlarning saqlanishi, namoyish etilishi va o'rganilishi jiddiy tus olib bormoqda. Tariximizni yoritishda katta ahamiyatga ega bo'lgan qo'lyozma manbalarni saqlash va o'rganish borasida bugungi kunda hukumatimiz tomonidan ham yetarlicha e'tibor qaratib kelinmoqda, chunonchi, 2017 yil 24 may kuni “Qadimiy qo'lyozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ'ib qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari” to'g'risidagi qaror imzolandi. Yurtimizda asrlar davomida Markaziy Osiyo bo'yicha eng boy qo'lyozma meros jamlanganini etirof etish o'rinli. Ushbu qaror asosida turli maskanlarda saqlanayotgan noyob osori-atiqalar o'rganilishi davom ettirilishiga zamin tayyorlandi. Bu kabi noyob osori-atiqalar qatoriga shubhasiz Beruniyning “Osor al-boqiya” asarini ham kiritishimiz mumkin.

Abu Rayhon Beruniyning birinchi yirik asari “Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” kitobidir. Asarning arabcha nomi “Al-osor al-boqiya an al-quron al-xoliya” bo'lib, Yevropada “Xronologiya”, o'zbek sharqshunosligida “Osor al-boqiya” nomi bilan mashhurdir. Beruniy bu kitobni Jurjonda muhojirlik davrida yoza boshlagan va 1000-yili yozib tamomlagan. Bu vaqtda olim endi 27 yoshga to'lgan edi. “Osor al-boqiya” asari unga juda katta shuhrat keltirdi. Beruniy fanning hamma sohasiga qiziquvchi buyuk olim ekanini ko'rsatadi. Akademik I.Yu.Krachkovskiy ham buni qayd qilib o'tgan edi.

Beruniy qunt va matonat bilan turli xalqlar tarixi, madaniyati va tillarini o'rganadi. U yahudiy, yunon, fors, arab, sug'diy, qibtiiy va boshqa tillarni mukammal egallaydi. yahudiy va xristian dinlari tarixi, Tavrot va Injil singari muqaddas kitoblar bilan chuqur tanishadi. Ayrim asarlarida Tavrotning aslidan parchalar keltiradi. Arab tilini o'z ona tilidek o'rgangan olim arablarning islomgacha bo'lgan va undan keyingi tarixini sinchiklab va har tomonlama o'rganib chiqadi. Qur'on va shariatga oid boshqa kitoblarni qunt bilan mutoala qiladi. Ilm-fanga oid asarlar juda kam nusxada va qo'lyozma shaklda ayrim shaxsiy kishilar qo'lida bo'lgan bir davrda yosh olimning bunday asar yozishi uning nihoyatda zo'r va buyuk qobiliyat egasi bo'lganidan dalolat beradi.

“Osor al-boqiya” asari Beruniyning deyarli boshqa asarlari kabi arab tilida yozilgan. Bu kitobni birinchi marta Yevropa olimlariga tanishtirgan kishi mashhur nemis sharqshunos va beruniyshunos olimi Eduard Zaxau (1845-1930) bo'ldi. U 1876-1878 yillarda Leypsigda “Osor al-boqiya”ning arabcha nusxasini birinchi marta nashr etdi. Zaxau arabcha nusxani nashrga tayyorlash jarayonida o'sha vaqtda mavjud bo'lgan to'rtta qo'lyozmadan foydalangan. 1879-yil Zaxau “Osor al-boqiya”ning ingliz tilidagi tarjimasini nashrdan chiqardi. Tarjimaga Beruniyning mufassal tarjimai holi va izohlar ham ilova qilingan.

Zaxau tomonidan tayyorlangan arabcha nusxa asosida 1321quyosh yili (1943-yil) Tehronda “Osor al-boqiya”ning fors tilidagi tarjimai Akbar Dono Sirisht Sayrafiy tomonidan nashr etildi.

“Osor al-boqiya”ni 1957-yilda marhum arabshunos olim M.A.Sale birinchi marta rus tiliga tarjima qildi. Tarjima jarayonida u Zaxau nashr etgan arabcha va inglizcha nusxadan, Leningrad qo'lyozmasi va qisman Istanbul qo'lyozmasidan foydalangan. Shuni ham aytib o'tish kerakki, rus tiliga qilingan tarjima ayrim nuqson va kamchiliklardan xoli emas. Ba'zi o'rinlarda butun jumlar tushib qolgan, ba'zan esa chalkashtirib yuborilgan. Tarjimon qo'lida Istanbul qo'lyozmasining fotonusxasi mavjud bo'lishiga qaramay undan to'la foydalanmagan.

Ruscha tarjima S.P.Tolstov va V.P.Sheglavlarning so'zboshisi bilan boshlanadi. Tarjimaga M.A.Sale tuzgan ilmiy izohlar ham ilova qilingan. Rossiyada bu qimmatbaho asar bilan o'z vaqtida akademik I.Yu.Krachkovskiy qiziqqan edi. U o'zining “Arab qo'lyozmalari ustida” nomli mashhur asarida 1910-yillarda Petrograd Osiyo muzeyida sotib olingan XIII asrga oid qo'lyozma bilan qiziqqan, bundan Zaxau nusxasini to'ldiradigan o'rinlarini ko'chirib olgani va bularni nashrga tayyorlashni mo'ljal qilib qo'yganini eslatib o'tadi. Lekin buni amalga oshirish



I.Yu.Krachkovskiyga nasib etmaydi. U o'zining "Al-Beruniy va Sharqning XI asrdagi geograflari" nomli asarida "Yodgorliklar"ga juda yuksak baho beradi va bu kitob haqida qimmatli fikrlarni aytib o'tgan.

Sharqshunos olim S.P.Tolstov "Osor al-boqiya"ning ruscha tarjimasiga yozgan so'zboshisida bu asarning qadimgi Xorazm tarixini o'rganish va umuman ijtimoiy tarix va tabiiyot fani tarixidagi ahamiyati haqida mufassal to'xtab, unga juda yuksak baho beradi va Beruniy "Yodgorliklari"da keltirgan Xorazm haqidagi ma'lumot-larning ko'pchiligi arxeologik qazishlar natijasida isbot etilganini aytib o'tadi. Asarning astronomiya fani uchun qanchalik katta ahamiyatga ega ekani haqida V.P.Sheglov "Osor al-boqiya"ning ruscha tarjimasiga yozgan "Beruniyning astronomik nazariyasi" nomli so'zboshisida muhim fikrlar aytadi. "Yodgorliklar"ning hozirgi zamon uchun ahamiyati haqida sovet olimlari tomonidan Beruniyga bag'ishlab yozilgan ilmiy asarlarning hammasida to'xtab o'tilgan va bu asarga yuksak baho berilgan.

"Yodgorliklar"da Beruniy o'ziga ma'lum bo'lgan xalqlarning: yunonlar, rumliklar, eroniylar, sug'diylar, xorazmliklar, harroniylar (yulduzga topinuvchilar), qibtiylar, xristianlar, yahudiylar, islomgacha bo'lgan arablar va musulmonlarning yil hisoblari, hayitlari va mashhur kunlarini mufassal tasvirlab beradi. Asarda astronomiya va matematikaning ko'p masalalari yoritib berilgan. Beruniy musulmon olimlari ichida birinchi martayahudiylar kalendari haqida sistemali ma'lumot beradi. [2:252] "Osor al-boqiya" chulg'ab olgan masalalar bular bilan chegaralanib qolmaydi. Unda juda ko'p tarixiy voqealar, turli millat va dinlarga oid muhim ma'lumotlar, payg'ambarlar va soxta payg'ambarlar, podshohlar, mashhur tarixiy shaxslar va olimlar haqida ham axborot berilgan. Kitobning O'rta Osiyo xalqlari, ularning madaniyati va tarixiga doir ma'lumotlari juda muhim ahamiyatga egadir. Asarga bir qancha she'riy parchalar ham kiritilgan, so'g'd va xorazm tillaridan parchalar ham keltirilgan. Afsuski, til namunalari bo'lgan bu yodgorliklar keyingi qo'lyozmalarga buzib ko'chirilgan, shuning uchun ularning asl shaklini tiklash imkoni yo'q.

Beruniy bu asarni nima uchun yozganligi haqida shunday deydi: "Adiblardan biri mendan turli xalqlar haqidagi tarixlar, ularning boshlanishlari va shaxobchalari, ya'ni oylar va yillari ustida u tarix egalarining ixtiloflari va bu ixtilof sabablari, mashhur bayramlar, vaqtlar va yumushlar uchun belgilangan kunlar, millatlarining ba'zisi amal qilib, ba'zisi amal qilmaydigan boshqa marosimlar haqida so'radi va men imkon boricha ularni juda ravshan bayon etib, o'quvchi fahmlaydigan, turli kitoblarni axtarish va u kitob egalarini surishtirishga ehtiyoj qolmaydigan bir asar yozishga da'vat etdi" [1:40]

Buyuk olim o'z asarini yozishga kirishar ekan, bu ishning oson emasligini, qadimgi xalqlar, ularning yil hisoblari haqidagi rivoyatlar nihoyatda chalkashib ketgani, yolg'on afsonalar va asossiz ma'lumotlarga to'lib-toshib ketganligini ta'kidlaydi. Bunday yolg'on-yashiqlardan xoli bo'lish uchun rivoyatlarning o'z davrimizga eng yaqin va eng mashhurini, so'ngra yaqinroq va mashhurroq'ini birin-ketin olib borishimiz lozim, ularni o'z arboblardan qabul qilib, tuzatish mumkin bo'lganini tuzatamiz, boshqalarini o'z holicha qoldiramiz. Shunda biz keltirgan rivoyatlar haqiqatni qidiruvchi va hikmatni sezuvchining ulardan boshqa rivoyatlar ustida ish yurgizishiga yordamchi va bizga muyassar bo'lmagan narsalarga erishish uchun yo'lovchi bo'ladi", - deydi.

Qomusiy olim manbalarga tanqidiy nuqtai-nazardan yondashadi, o'zidan ilgari o'tgan olimlarning tarixiy asarlarini dadil va qo'rqmasdan tanqid qiladi. S.P.Tolstov Beruniyning haqqoniyligi uning ko'pchilik tarixiy asarlarining yo'qolib ketishiga sabab bo'lgan bo'lsa kerak, deb taxmin qiladi. [1:44]

Dastlab haqiqat singari ko'ringan, lekin tajriba bilan isbotlanmagan ma'lumotlarga Beruniy shubha bilan qaraydi va o'zi amalda tekshirib ko'rmaguncha bunday rivoyatlarga ishonmaydi. "Qarama-qarshiligi ravshan bo'lgan narsaga qanday ishonib bo'ladi" – deb yozadi olim. [1:44] U asarga kiritilgan ma'lumotlarni o'quvchiga imkon qadar oson yo'llar bilan tushuntirishga va ularni turli kitoblarni axtarish mashaqqatidan xalos etishga harakat qiladi.

"Yodgorliklar" podshohlar va mashhur shaxslarning tarixinigina yoritib beruvchi kompilyatsionasarlardan emas, balki xalqlar madaniyati, tarixi, ularning urf-odat va e'tiqodlari tarixi aks ettirilgan tarixiy-etnografik asardir. Beruniy o'z asarida turli xalqlardagi yil hisoblari, ularning urf-odatlar ustida to'xtalar ekan, O'rta Osiyo va Eron xalqlarining madaniyatini yuqori darajaga ko'taradi. Olim islomgacha bo'lgan arablarni madaniyatsiz deb ataydi, arab bosqinchisi Qutayba ibn Muslimni Xorazm madaniyatini oyoq osti qilgani uchun qattiq qoralab, "Qutayba Xorazm xatini yaxshi biladigan, ularning xabar va rivoyatlarini o'rgangan va bilimni boshqalarga o'rgatadigan kishilarni halok etib, butkul yo'q qilib yuborgan edi" – deb yozadi. [1:72] "Xorazmliklar oylaridagi hayitlar" to'g'risidagi bobda arablarning yulduzlar va oy manzillari haqidagi fikrlarini qattiq tanqid qiladi, ularni astronomiyani bilmaslikda ayblaydi. Arablarning astronomiya sohasidagi ilmlari dehqonlarning o'z qishloqlaridagi bilgan narsalari bilan barobar ekanligini ko'rsatadi. O'z xalqini eronliklardan yuqori qo'yib, eronliklarni kamsitgan IX asrdagi arabiynavis yozuvchi Abu Muhammad ibn Qutayba al-Jabaliy ustidan kuladi va uning fikrlari asossiz ekanligini ilmiy yo'l bilan isbotlab beradi. Beruniy haqiqatga ishonmagan kishilar bilan munozara qilib, ularni skeptisizmga ayblaydi va "bular qat'iy hujjatlarni qabul etishdan xuddi sherdan qo'rqib qochgan eshaklardek qochadilar", deydi.

S.P.Tolstovning Xorazmda olib borgan juda muhim arxeologik ishlari bu o'lkaning eramizdan ilgarigi IV-III mingyillardayoq qadimgi madaniyat markazlari Sharq va Shimol o'rtasida vositachilik rolini o'ynaganini ko'rsatdi. Arab istilosi arafasida esa Xorazm irrigatsiya, qurilish va savdoda rivoj topgan mamlakat edi. Bular Beruniyning Xorazm madaniyatining arab madaniyatidan ustunligi haqidagi fikrlarining yaqqol isbotidir

"Osor al-boqiya" da har xil davrda hukm surgan turli podshohliklar va sulolalarning juda ko'p jadvallari kiritilgan: makedoniyaliklar, batlimuslar (ptolomeylar), rum, xristian, qadimgi eron, sosoniylar sulolasi podshohlari, arab xalifalari (Ummaviylar va Abbosiylar) kabi. Mazkur jadvallar shunday aniq manbalardan

olinganki, podshohlarning hukmronlik qilgan davrlari deyarli to'g'ri ko'rsatilib, ular boshqa tarixiy kitoblar bilan solishtirish natijasida to'la isbot etildi. Beruniy tuzgan bu jadvallar tarix va etnografiya ilmi bilan shug'ullanuvchilar uchun juda katta ahamiyatga egadir.

Olim uzoq umr ko'rish masalalari haqida gapirar ekan, buni nasl-nasabga bog'liq deb taxmin qiladi va Farg'onani uzoq umr ko'ruvchilar joyi deb ko'rsatadi. Beruniy odamlarning tana tuzilishi va tillarning turlicha bo'lishi haqidagi afsonalar va asossiz rivoyatlarni qoralaydi va buni ilmiy asosda isbotlab, shunday deydi: "Chunki odamlar tuzilishlarining rang, surat, tabiat va axloqda turlicha bo'lishi faqatgina nasablarining turlichaligidan emas, balki tuproq, suv, havo va yerning odam yashaydigan joylarning turlichaligidan hamdir. Tillarning turlicha bo'lishiga sabab odamlarning guruhlariga ajralib ketishi, bir-biridan uzoq turishi, ularning har birida turli xohishlarni ifodalash uchun zarur bo'lgan so'zlarga ehtiyoj tug'ilishidir. Uzoq zamonlar o'tishi bilan haligi iboralar ko'payib, yodda saqlangan va takrorlanish natijasida tarkib topib, tartibga tushgan". [1:231]

Beruniy buloq va quduq suvlarining yuqoriga ko'tarilishi va favvora bo'lib otilishi fizikaviy hodisa ekanligini misollar bilan isbotlab beradi va bu masaladagi uydirma gaplarni inkor etadi.

Beruniy quyosh yili uzunligini aniq hisoblar bilan ko'rsatadi, Quyosh turishi va kecha-kunduz barobarligi haqida ma'lumotlar keltiradi. Keyin quyosh avji masalasiga to'xtalib uni izohlaydi. O'zidan oldingi astronomlarning quyosh yili uzunligini aniqlashdagi xatolarini ko'rsatib, ularni tanqid qiladi. Quyosh avjidan to bahorgi kecha-kunduz barobarligi nuqtasigacha bo'lgan masofani aniqlashda Beruniy qadimgi olimlardan Gipparx va Sharqning IX-X asr astronomlari va o'z ustozlari Abu Nasr ibn Iroq usullarini sinchiklab o'rganadi va bu masalada yangi metod ishlab chiqadi. Bu yo'l bilan Quyosh avji uzunligini hisoblab chiqadi va buni doiralarda ko'rsatadi.

O'sha vaqtda soxta fan – astrologiyaga ishonish juda kuchli edi. Munajjimlar (astrologlar) bo'lajak hodisalar va kishilar hayotidagi yuz berishi mumkin bo'lgan turli voqealarni osmondagi yulduzlarga qarab oldindan aytib beradilar. Podshohlar saroylarida munajjimlar bo'lib, ular katta mavqega ega edilar. Shuning uchun o'sha vaqtda astrologiyaga to'g'ridan-to'g'ri qarshi chiqish mumkin emas edi. Deyarli hamma astronomlar ozmi-ko'pmi munajjimlik bilan shug'ullanardilar. Beruniy ham atrofdagi muhit bilan murosa qilish uchungina astrologiyaga yon bosadi. Yerdagi hodisalarni yulduzlarning chiqish va botishiga qarab aniqlab bo'lmazligi, chunki yulduzlar doimo birday chiqib, birday botishlarini ta'kidlaydi. Uning Ray shahrida shuhrat qozongan bir munajjim bilan bahsi haqida yuqorida aytib o'tgan edik. Bu odam: "Oy manzillariga qarashli yulduzlarning oy bilan uchrashuvlarini hisob bilan aniqlab, manzillarning ribotlari va jafralaridan turli hukmlar chiqarar va bo'shliqdagi hodisalarni oldindan bilishni istardi", - deydi Beruniy va u munajjimni bunday soxta yo'ldan qaytarmoqchi hamda to'g'ri yo'lga solmoqchi bo'lganini, lekin u o'zining noto'g'ri fikrlarini ro'kach qilib turib olganini aytadi. Ana shunday haqiqatga ishonmovchilar haqidagi fikrini davom ettirib, ulardan dalil isbot talab qilsang, "masxara qilib kuladilar, kibrlanib lablarini cho'chchaytiradilar, o'z tushunchalariga xursand bo'lib va o'zlarini boshqalardan ortiq va avom xalqdan tashqari e'tiqod qilib burunlarini yuqori ko'taradilar", - deydi.

Beruniy o'z o'quvchilarini zeriktirmaslik maqsadida asarga tabiatda juda kam uchraydigan hodisalar, qiziq afsonalar va turli sarguzashtlarni ham kiritgan. Masalan, besh oyoqli sigir, qorinlari bilan bir-birlariga yopishgan egizaklar, tanasi bitta-yu boshi ikkita bola, echkinging odamsimon bolasi kabilar. [1:114] Lekin olim ko'pincha afsonalarga ishonmaydi. U eronliklarning olamning paydo bo'lishi va birinchi odam haqidagi afsonalarini keltirib, bular ustidan qattiq kuladi. Bunday afsonalarni eshitishdan dillar nafratlanib, quloqlar tortinadi va buni aql qabul etmaydi, deydi. Lekin u ayrim uydirmalarga e'tiroz bildirmaydi. Masalan, Abu Usmon al-Johizning Ukbaroda yarmi kalamushga aylangan, yarmi kesakligicha qolgan bir kesak haqidagi hikoyasini keltirib, bularga e'tiroz bildirmaydi. Bunday chekinishlarni asarning boshqa ba'zi bir o'rinlarida ham uchratish mumkin.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Beruniyning bu qimmatli asari o'rta asrlar O'rta Osiyo, shuningdek, asarda keltirilgan yana bir qancha xalqlarning tarixi, madaniyatini o'rganishda noyob manba hisoblanadi. Bizning vazifamiz ularni asrab-avaylash, ulardan foydalanish, ilmiy o'rganish va keyingi avlodga yetkazishdan iborat.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abu Rayhon Beruniy "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" -Toshkent: "Fan" 1968
2. И.Ю.Крачковский. Избранное сочинения т. IV,
3. Abu-l Fazl Bayhaqiy "Tarixi Ma'sudiy" -Toshkent: "Fan" 1952

UO'K 159.9(575.1)

### TURKISTON O'LKASIDA XAYRIYA JAMIYATLARINING O'RNI VA O'RGANILISH TARIXI (XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlari)

*A.F. O'tkirov, talaba, Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida Turkiston o'lkasida bo'lgan mahalliy va rus jamiyatlarining tuzilishi, faoliyati va jamiyatda bo'lgan siyosiy o'rni tadqiq etilgan. Shuningdek, mahalliy xayriya jamiyatlarining o'sha davrdagi siyosiy o'rni va harakatlari, mahalliy xayriya jamiyatlari har doim Rossiya imperiyasi tomonidan muntazam tekshiruvda bo'lganligi borasida batafsil ma'lumotlar bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** xayriya, Islom dini, Dar al-ajziyn, "Qizil xoch" - Rossiya jamiyatining Turkiston tuman boshqarmasi, Tarbiyai Atfal, Turon jamiyati, Ma'rifat kutubxonasi.

**Аннотация.** В данной статье исследованы структура, деятельность и политическая роль местных и русских обществ Туркестанского края во второй половине XIX и начале XX веков. В нем также подробно изложено политическое место и действия местных благотворительных обществ в то время, а

также то, что местные благотворительные общества всегда находились под постоянным контролем Российской империи.

**Ключевые слова:** благотворительность, исламская религия, Дар аль-ажизиин, Туркестанское районное управление российского общества Красного Креста, Тарбияи Атфал, общество Туран, библиотека Просвещения.

**Abstract.** This article examines the structure, activities and political role of local and Russian societies in the country of Turkestan in the second half of the XIX and early 20th centuries. Also detailed information on the political role and actions of local charitable societies at that time, as well as the fact that local charitable societies were always under regular scrutiny by the Russian Empire.

**Keywords:** charity, Islamic religion, Dar al-ajziin, Turkestan district Administration of the Russian Red Cross Society, Tarbiyai Atfal, Turan Society, Library of Enlightenment.

Barchamizga ayonki, siyosatshunoslikda "xayriya" - jamoat siyosatining elementi, milliy g'oya sifatida siyosiy elita vositasi kabi, jamiyatda ishonch va hamkorlikni mustahkamlashning bir usuli sifatida qaraladi. Sotsiologlar "xayriya" ni ijtimoiy harakat sifatida jamiyatda ijtimoiy keskinlikni kamaytirish mexanizmiddek o'rganadilar. Psixologlar xayriya jarayonida ishtirokchilarning qiymat sohasining xususiyatlarini tahlil qiladilar, xayr-ehsonchilarning motivatsion yondashuvlarini ko'rib chiqadilar. Tarixchilar uchun "xayriya" - viloyat tarixi, o'rganilayotgan yerda xayriya tizimi, bu xayriya sovg'alar bo'lgan binolar, madaniy yodgorliklar, san'at asarlari tarixi, bularning barchasi xayriya faoliyati tarixining bir qismidir [1]. Oxirgi yo'nalish ushbu tadqiqotni o'rganish mavzusiga aylandi. Bundan tashqari, bugungi kunda davlat, tadbirkorlik tuzilmalari va xayriya tashkilotlarining ijtimoiy muammolari hal qilishda o'zaro hamkorligi: vakolatlarni taqsimlash, harakatlarni tartibga solish va muvofiqlashtirish, ijtimoiy institutlarning jamiyat oldidagi ma'suliyat darajasi va boshqalar dolzarb ahamiyatga ega. N.Xanashvilin tadqiqotlarida yuqorida aytib o'tilgan "Jamiyatlarning turli kuchlarining o'zaro hamkorligi" jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida "ijtimoiy sheriklik" deb ataladi, bu "ijtimoiy ahamiyatga ega muammolarni (qashshoqlik, uysizlik, ishsizlik, yetimlik, yolg'izlik, oiladagi zo'ravonlik va h.k.) hal qilishda har qanday jamiyatning (davlat, tijorat va notijorat) uchta sektori vakillarining konstruktiv hamkorligini" anglatadi [2].

Zamonaviy Mustaqil davlatlar hamdo'stligi jamiyatlarida inqilobdan oldingi an'analarni qayta tiklash, tarixiy merosga qiziqish va jamiyatdagi ma'naviy ideallarga bo'lgan ehtiyoj tendentsiyalari ham mavjud. Shuningdek, qadimda xalqimiz hayotida ro'y bergan insonparvarlik, mehr-oqibat, xayr-saxovat g'oyalari va an'analari O'zbekistonda navbatdagi xayriya jarayonining o'ziga xos axloqiy poydevoriga aylandi. Bunda tarixchi olimlarni o'rni katta.

Musulmon xayriya tashkiloti (uning mazmuni, yo'nalishlari va tashkiliy shakllari) bugungi kunda islomshunoslar va tarixchilar tomonidan – mahalliy va xorijiy davlatlar tomonidan faol o'rganilayotgani sababli, ushbu hodisaning mintaqaviy jihatlarini o'rganish juda dolzarbdir. XIX–XX asrlarning o'z navbatida O'rta Osiyo, xususan, Turkiston o'lkasining musulmon aholisi mintaqadagi birinchi demografik guruh edi. 1911-yilgi ma'lumotlarga ko'ra, O'rta Osiyoda umumiy hisobda 8.223.982 musulmon bo'lgan [3].

XIX asrning oxirida butun musulmon dunyosida va Rossiya imperiyasining ko'pgina hududlarida XIX–XX asrlarda jamoat xayr-ehsonining ahamiyati juda katta o'rin egalladi. Turkistonda homiylar va xayriya jamiyatlarining paydo bo'lishi nafaqat mintaqaviy, ijtimoiy-iqtisodiy va etno-konfessional jarayonlar, balki butun musulmon jamoat harakatining natijasi bo'lib, bu davrda musulmon aholisining katta qismi bo'lgan barcha hududlarni qamrab olgan edi.

XIX asrning oxirida musulmonlarning xayriya tizimini tahlil qilishdan avval, Rossiya imperiyasidagi xayriya va qonunchiliklar bilan tanishib chiqish lozim. Hammamizga ma'lumki, Rossiya imperiyasi O'rta Osiyo hududini bosib olgandan so'ng o'zining odatlari va bayramlarini olib kirishdan tashqari xayriya va homiylik va saxovatko'mak kabi ezgu ishlarini ham olib kirdi, chunki Rossiya imperiyasi bosib olgunga qadar O'rta Osiyo xalqlari muqaddas Islom dinida yozilgan qoidalarga qat'iy amal qilganlar, muhtojlarga zakot va sadaqa ko'rinishida yordam ko'rsatganlar [4]. Rossiya imperiyaasi xayriya tashkilotlari faoliyatini tartibga soluvchi muhim qonunlardan biri 10-iyun 1897-yilgi akti bo'lib, ichki ishlar vazirligi tomonidan tasdiqlangan "kambag'allarga yordam jamiyatlarining namunaviy nizomi" [5] hisoblanadi. Aynan shu nizom qabul qilinganidan keyin, bir qator xayriya jamiyatlari ochila boshladi, lekin bu degani undan oldin yo'q jamiyatlar bo'lmagan degani emas. Masalan, "Qizil xoch" - Rossiya jamiyatining Turkiston tuman boshqarmasi. Jamiyat bo'limining paydo bo'lishi 1867-yilga tegishli bo'lib, u kasal va yarador jangchilar uchun vasiylik jamiyatining bo'linmasini ochish uchun mablag' to'plashni boshlash kerak edi. 1868-yil oxiriga borib 1039 rubl 65 kopeyka, yig'ildi va ko'pchilik bu ishning asoschilari bo'lish istagini bildirdilar. 25-sentyabr 1868-yil, bo'lim o'z faoliyatini boshladi. 1879-yilda kasal va yarador askarlarga g'amxo'rlik jamiyati Rossiya qizil xoch jamiyati deb o'zgartirildi va shuning uchun mahalliy bo'lim nomi Rossiya qizil xoch jamiyatining Turkiston tuman boshqarmasi deb o'zgartirildi. Tuman boshqarmasi bir necha bor Turkiston o'lkasida va rus-yapon urushida, hamda 1902-yilda zilziladan zarar ko'rgan boshqa falokatlarda azob chekayotganlarga bir necha bor yordam berdi, masalan, Andijonda, vabo paytida ham [6]. 1896-yildan boshqarma tasarrufiga mehr-shavqatli opasingillar jamiyati va 1903-yildan kasalxonasi kirgan edi [7]. Bu yerda 1910-yilda 1 nafar shifokor, 15 nafar hamshira va 10 nafar o'quvchi qiz ishlagan. 1911-yil 1-yanvar hisobotiga ko'ra, okrug boshqarmasi mablag'i 101899 rubl 82 kopeykani tashkil etgan [8].

Shuningdek, o'lkada "Turkiston jamiyatining qishloq xo'jalik koloniyalari va voyaga yetmaganlar uchun hunarmandchilik boshpanalari" faoliyat ko'rsatgan. Muassasa nizomi Adliya vaziri tomonidan 1902-yil 20-iyunda



tasdiqlangan bo'lib, uning mablag'lari a'zolik badallari, ehsonlar, voyaga yetmaganlarni ta'minlash uchun g'azna to'lovlari, chegirmalari va jarimalar hisoblari, xo'jalik va koloniya ustaxonalari, boshpanalar, mahsulotlarni sotishdan, konsertlar, spektakllar hamda to'garak yig'imlaridan to'plangan [9]. Ma'lumki, O'rta Osiyoda Rossiya xayriya tashkilotlarining umumiy soni 64 ta edi. Ulardan 32 tasi xayriya jamiyatlari, 19 tasi xayriya muassasalari va 3 ta cherkov xayriya jamiyatlari mavjud edi [10]. Turkistonda rus jamiyatining bunday harakatlari mahalliy aholi o'rtasida jamoat xayriya institutining shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

O'zbekistonda xayriya qadriyati tarixiy ildizlari uzoq o'tmishga borib taqalib, bugungi kun jamiyatida ham o'zining o'ziga xos tuzilmasiga ega. Xayriya inson fenomenini tashkil etuvchi xarakterga ega bo'lib, Islom dinining vujudga kelishi natijasida o'zbek davlatchiligi tarixida mustahkamlangan. O'zbekiston hududlarida xayriya ishlari keng ko'lamda xilma-xil va o'ziga xos shakllarga ko'ra, tariximizning turli davrlarida rivojlanib kelgan. Masalan, Rossiya imperiyasi tomonidan O'rta Osiyo xonliklari bosib olingungacha bo'lgan davrda ham xayriya an'analari va ko'rinishlari mavjud bo'lgan. Rossiya imperiyasi bosib olgandan keyingi davrda esa xayriya tizimida islohotlar amalga oshirilib o'z navbatida Rossiya imperiyasi tomonidan amalga oshirilgan xayriya ishlari mahalliy aholi vakillari uchun emas, balki Turkiston o'lkasiga ko'chirib keltirilgan rus xalqi vakillari manfaati uchun xizmat qilgan edi. Qo'qon xonligi davrida Toshkent shahrida yashovchi Nazarbiy tomonidan o'z yerlarining bir qismini kambag'allar foydasiga vasiyat qilib, vaqfning daromadlari hukumatning ixtiyoriga ko'ra, xudojo'y ishlarga borishi uchun ta'sis etilgan - Vaqf fondi edi. Vaqfning yana bir maqsadlaridan biri shaxsiy mehnat bilan yashash uchun pul topish qobiliyatidan mahrum bo'lgan shaxslar uchun yordam berish bo'lgan. Ammo, Turkiston general-gebnatori Konstantin fon Kaufman, bu vaqf va ta'sischi vasiyatnomasining mavjudligi haqida bilib qoladi so'ng, vaqfning tushumi yiliga 1200 rubldan kam bo'lgani uchun, fon Kaufman vaqfni va undan 1868-1872 yillar oralig'ida hosil bo'lgan kichik sarmoyani 5000 rublni vaqf daromadidan Turkiston xayriya jamiyati fondiga o'tkazdi [11]. Muxtasar qilib aytadigan bo'lsak, fon Kaufman yuqoridagi jamiyatni yopilishiga sababkor bo'ldi desak adashmagan bo'lamiz. Balki bu hodisa, keyinchalik bir vaqt jamiyatlarni ochilishiga salbiy tasir ko'rsatgan, homiyar va hamkorlarda esa hukumatga bo'lgan ishonchni yoqotishga olib keldi.

XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab Rossiya imperiyasi O'rta Osiyo hududida xayriya jamiyatlarini tuzishga javoban Turkiston o'lkasi mahalliy ziyolilari va jadidlari tomonidan turli ko'rinishdagi jamiyatlar tuzish tashabbusi ilgari surilgan edi. Masalan, Turkiston hududida birinchi xayriya jamiyati Samarqand shahrida 1894-yilda, so'ng 1896-yilda esa O'sh shahrida "Dar al-ajziyn" (Mehribonlik uyi) tashkil etilgan. 1897-yilda esa xuddi shunday tashkilot Buxoroda ham tashkil etilgan edi [12]. Ammo, O'shdagi jamiyatning moliyalashtirish mahalliy ziyolilar tomonidan, Buxorodagi jamiyat esa, shaxsan Buhoro amiri tomonidan moliyalashtirilgan. Afsuski, bu ikkala jamiyat omma orasida ham, siyosat olamida ham keng ovoza bo'la olmadi. Ularni o'rniqa vaqt o'tgach keng qamrovli va takomillashtirilgan jamiyatlar tuzilgan. Turkiston musulmon keng qamrovli xayriya jamiyatlarini tashkil etish masalasi ilk bor keng muhokamaga, 1906-yilda "Taraqqiyot" gazetasi tomonidan jamoatchilikka taqdim etildi [13]. Yana bir misol, 1908-yilda "Vaqt" gazetasida Toshkentdan kelgan xat chop etiladi, muallif Turkistonda hech qanday xayriya jamiyati yo'qligini afsus bilan yozgani ma'lum qilingan. Jamiyatlarni tashkil etish, maktablarni ochish, kambag'allarga yordam berish o'rniga, yoshlarimiz mayxonalardan tashqariga chiqmaydi, to'ylarda boylar quvonadi, isrof qiladi", Toshkentdan bo'layotgan voqealarni shunday deb yozadi maqola muallifi [14]. 1906-yilgi xayriya to'risidagi jamoatchilikka taqdim etilgan masalalar va Toshkentdan kelgan xat, keng qamrovli jamiyatlardan biri "Jamiyati Imdodiya" ochilishiga turtki bo'lgan edi. Mazkur jamiyatning Nizomi 1909-yil 12-mayda tasdiqlangan. 10-avgust 1909-yil jamiyat o'z faoliyatini boshladi. Jamiyatning vazifasi Sirdaryo viloyati doirasida Musulmon dinidagi muhtoj shaxslarning ma'naviy va moddiy ahvolini yaxshilashga ko'maklashish edi. Ushbu maqsadga erishish uchun jamiyat yetim, keksa odamlar, nogironlar, shifoxonalar, ambulatoriya, ovqatlanish joylari va choyxonalar, tungi boshpanalar uchun ochishi mumkin, umuman muhtojlarga, shu jumladan, barcha turdagi o'quvchilarga yordam berishga maqsad qilgan [15]. 1-iyul 1910-yil hisobiga ko'ra, jamiyat a'zolari 300 taga yaqin edi. Jamiyatning kapitali bir vaqtning o'zida 4000 rubldan ziyodroq edi (500 rublgacha bo'lgan dastlabki sarf-xarajatlar va kambag'allarga 200 rublgacha bo'lgan imtiyozlar berilgan. Yordam nafaqasi 2-5 rublgacha bo'lgan, va o'quvchilarga 50 kopeyka o'quv joyi uchun berilgan [16]. Jamiyat kengashi raisi sifatida dastlab 4 oy davomida Abdulla Avloniy faoliyat yuritgan va keyinchalik nufuzli Toshkentlik boylardan biri taniqli Saidkarim Saidazimboyev rais bo'lgan [17]. Shuningdek, 1913-yil Abdulla Avloniy va Munavvarqorilar "Jamiyati Imdodiya" qoshida "Turon" jamiyatini ochishdi. "Turon" jamiyati keyingi ikki yilda Toshkentda o'qish zali (kutubxona), teatr, nashriyot va gazeta ochdi [18]. Avloniy ushbu jamiyat doirasida o'z maktabining birinchi bolalar ovozini plastinkaga yozdirdi. Ushbu yozuvni sotishdan olingan daromad "Turon jamiyati" hisobiga tushgan [19]. Tashkil etilgan "Turon" drama truppasi jamiyat tomonidan Toshkentda va Farg'ona vodiysi bo'ylab spektakllar namoyishi etdi. Namoyishdagi chiqishlardan olingan mablag'lar yangi maktablarni qo'llab-quvvatlashga sarflangan.

"Tarbiyai Atfal" 1910-yil 1-dekabrda tashkil etilgan bo'lib, uning ta'sischilari Mirzo Abdulvohid Munzim, Homidxo'ja Mehri, Ahmadjon mahdum Hamdi, Hoji Rafe' va Mukammil Burxonzoda edilar [20]. Ular har doim taqib ostida bo'lganlar. Mazkur, jamiyat bir qator ijtimoiy-siyosiy vazifalarni o'zining ustuvor maqsadlari deb belilagan edi. Sadridin Ayni ta'rifiga ko'ra, jamiyatning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat edi: 1) xalqni o'qitish va har qanday sharoitda turli xil adabiyotlarni tarqatish; 2) oddiy odamlarning an'anaviy isrofchiliklariga va yomon urf-odatlariga qarshi kurashish (motam, to'y, "ko'pkari" va boshqa bayramlar), ijtimoiy va madaniy yordam; 3) hukumatga qarshi tashviqot (Amirga, Qushbegi, Beklar, Qozi va ulamolarga qarshi edi) [21]. Bundan tashqari, Turkiston taniqli siyosatshunoslaridan biri Fayzulla Xo'jayevning ma'lumotlariga ko'ra, jamiyatning to'liq dasturi quyidagi besh bandedan iborat edi. Bu esa, jamiyatning asosi va maqsadini to'liq anglatadi: 1) aholini tashkil



etilgan o'qitish maktablari va matbuot orqali, kitoblarni umumiy ko'paytirish bilan ta'minlash; 2) konservativ ulamolarga madrasa islohoti orqali qarshi kurash, musulmon ommasini isloh qilish; 3) hukumatdagi korrupsiyaga qarshi kurash; 4) Buxoroni zamonaviy davlatga aylantirishga ko'maklashish. Shu bilan birga, birinchi navbatda, davlatning moliyaviy tizimi isloh qilinishi kerak edi, bu jamiyatning va hukmdorning xususiy xazina o'rtasida aniq bo'linishini ta'minlaydi; 5) diniy jamiyatlar o'rtasida dushmanlikni tugatish edi [22]. Jamiyat a'zolari Buxoroda yangi maktablarni tashkil etishdan tashqari, 1912-yilda Buxoroda chop etilgan "Buxorai Sharif" va "Turon" gazetalarida ham faol ishtirok etishgan. 1914-yilda esa, Buxoro viloyatlarida Markaziy jamoalardan tashqari maxfiy jamiyatlar paydo bo'lib boshlagan. Jamiyat a'zolari ochiqdan ochiq "Ma'rifat" kutubxonasini va "Baraka" kooperativasini ta'sis qilishgan [23]. Bu esa o'z-o'zidan, albatta, amir mulozimlarini, ulamolarni va rossiya siyosiy agentlik vakillarini xavotirga soldi va 1913-yilda hukumat musulmon ta'lim muassasalari to'g'risidagi yangi qonunni tayyorlay boshlagan va bu yangi Jadid maktablarining faoliyatini shariat orqali qonuniy ravishda to'xtatishga qaror qildi [24]. Yangi qonunda shuningdek, maktab o'quv jarayonlarini tartibga solish va qaysi fanlar shariat bo'yicha o'rganishga taqiqlanganligi haqida qonun bandi mavjud edi.

Shunday qilib, O'rta Osiyo va Turkiston hududida, rus xayriya jamiyatlarini faoliyati va ularning mahalliy xayriya jamiyatlarini tashkil topishida muhim o'rin egallaganligini ko'rishimiz mumkin. Shuningdek, mahalliy xayriya jamiyatlarini har doim Rossiya imperiyasi tomonidan muntazam tekshiruvda bo'lganligi masalalari ham turli muhokamlarga sabab bo'ladi. Shuningdek, Musulmonlarning xayriya tashkilotlari siyosiy partiyalar sifatida faoliyat yuritib, yangi siyosiy kuch va elitani shakllantirishga yordam bergan. Bu Turkiston xayriya tashkilotlari faoliyatida ham kuzatilgan. Kam miqdordagi mablag'larga ega bo'lgan mahalliy musulmon jamiyatlarining aholining eng kambag'al a'zolariga yordam berishga qaratilgan bir qator xayriya tadbirlarini tashkil etishga harakat qilgan. Xayriya jamiyatlarini faoliyati, bizning fikrimizcha, Turkiston musulmon jamoasining madaniy va axloqiy-estetik asoslarini rivojlantirishga yordam bergan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Клещина А.А., Орлова А.В. Современные социальные исследования благотворительности в России: трактовки и подходы. Благотворительность в России: социальные и исторические исследования. – Санкт-Петербург.: Лики России, 2001. – Б. 13-14.
2. Хананашвили Н.Л., Якимец В.Н. Межсекторные взаимодействия в России. Настольная Книга – 1999. Российский благотворительный фонд «Нет алкоголизму и наркомании» (Фонд «НАН»). Москва. 2000. – Б. 13.
3. Любимов. П. П. Религии и вероисповедный состав Азиатской России. Петроград, 1914 г. Б. 236.
4. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент "INNOVATSIYA-ZIYO" 2019. –Б. 67.
5. Вестник благотворительности. 1897. №9.
6. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т.: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – Б.418-419.
7. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг "янги шаҳар" қисми тарихи. – Т.: "Fan va texnologiya", 2004. – Б. 128.
8. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т.: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – Б.419.
9. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент "INNOVATSIYA-ZIYO" 2019. –Б. 74.
10. Абдирашидов. З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние Тошкент. «Академнашр». 2011. - Б. 250.
11. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т.: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – Б.420.
12. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент "INNOVATSIYA-ZIYO" 2019. – Б. 54.
13. Taraqiy. 27.07; 3.08; 12.08. 1906.
14. Абдирашидов. З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние Тошкент. «Академнашр». 2011 -Б. 263.
15. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т.: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – Б. 432.
16. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т.: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – Б. 412-413.
17. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент "INNOVATSIYA-ZIYO" 2019. –Б. 57.
18. Долимов. У. Туркестонда жадид мактаблари. Тошкент. "Университет", 2006. –Б 54.
19. Мунавварқари. Ташкентда мусулман жами'ати // Самарканд . 1913. №37.
20. Садриддин А. Таърихи инқилоби... –Б. 97.
21. Садриддин А. Таърихи инқилоби... – Б. 99 – 100., Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние Ташкент. «Академнашр». 2011, -Б. 274.
22. Ходжаев Ф. Избранные труды в трех томах. – Ташкент: Фан, 1970. Т.І. – Б. 91.
23. Абдирашидов. З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние Тошкент. «Академнашр». 2011. -Б. 276.
24. Важный вопрос // Гаржуман. 1913. №227.

**XORAZM VOHASIDA JOYLASHGAN HAZORASP TARIXINING MANBALARDA AKS ETISHI VA U BILAN BOG'LIQ AFSONA VA RIVOYATLAR**

*M.Q. Rajapov, kichik ilmiy xodimi, Xorazm Ma'mun Akademiyasi, Xiva*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Xorazm vohasida joylashgan Hazorasping vujudga kelish tarixi, tarixiy manbashunosligi va ayrim afsona va rivoyatlarning tarixiy tarixiy ildizlari haqida bayon etiladi.

**Kalit so'zlar:** "Dev solgan" qal'a, "Sulaymon qal'a", "ming ot", "Pitnak", To'rabekxonim, sajeng, Jo'yobdi, obi duzd, Sulaymon payg'ambar.

**Аннотация.** В статье описывается история образования Хазараспа, расположенного в Хорезмском оазисе, его исторические истоки и исторические корни некоторых мифов и легенд.

**Ключевые слова:** крепость «Дев Солган», «Крепость Сулаймон», «Тысяча коней», «Питнак», Турабехоним, садженг, Джойобди, оби дузд, Пророк Сулейман.

**Abstract.** This article describes the history of the formation of Hazarasp, located in the Khorezm oasis, its historical sources and the historical roots of some myths and legends.

**Keywords:** "Dev Solgan" fortress, "Sulaymon fortress", "thousand horses", "Pitnak", Turabekhonim, sajeng, Joyobdi, obi duzd, Prophet Suleiman.

Hazorasp haqidagi dastlabki yozma ma'lumotlar Abu Rayhon Beruniyning "O'tmish avlodlardan qolgan yodgorliklar" asarida keltirilgan [1]. Mashhur tarixchi at-Tabariy 712 -yilda arablar istilosiga uchragan Xorazmda uchta yirik shahar — Qot, Gurganj va Hazorasp bo'lganligini ta'kidlagan. Yana bir yirik arab tarixchisi al-Istahriy qal'a yaqidan bir nechta ariqlar oqib o'tadi va ulardan birining nomi Hazorasp ekanligini ta'kidlagan. Hazorasp qal'si Xorazmning janubiy davrozasi bo'libgina qolmasdan harbiy-strategik istehkom ham hisoblangan. Vohaning janubidan kelayotgan har qanday yovga dastavval shu qal'a qarshilik ko'rsatgan va juda ko'p hollarda Xorazmni qilishga kuchi yetarli emasligini bilgan dushman shu yerdan orqaga qaytishga majbur bo'lgan. "Tarixi Jahongo'sha" nomli katta asar muallifi bo'lgan Juvayniy: "G'aznaviylar davlati boshlig'i Sulton Mahmud o'zining Xorazmga qilgan uchinchi yurishi vaqtida mustahkam Hazorasp qal'asini ikki oylik og'ir qamaldan keyingina bo'ysundirgan», — deb yozadi. 1219-1221-yillarda O'rta Osiyoni mo'g'ul-tatarlar istilo etib, bu yerda mavjud xorazmshoh anushtaginiylar imperiyasini tor-mor qildilar. Ana shu bosqin arafasida Hazoraspa bo'lgan arab sayyohi Ibrohim ibn Yoqut quyidagilarni yozgandi: "Bu olib bo'lmaydigan qal'a va juda chiroyli shahar. Uning atrofini orol kabi suv o'rab turadi. Qal'aga kirish uchun birgina yo'lak bor va u ham Xorazm tarafdan qilingan. Ularning orasidagi yo'l uch kunlik. U tekis yerda joylashgan, bozorlari va savdogarlari ko'p. Aholisi boy-badavlat". Yuqorida tilga olingan Juvayniy mo'g'ullar bosqinidan keyingi shaharning ahvoli haqida to'xtalib, uning Xorazmning boshqa shaharlari qatorida vayron etilgani va suvga bostirilganini ko'rsatgan. Shundan so'ng, Hazoraspdagi hayot bir necha o'n yillar davomida osoyishta izga tushmagan. XIV asr boshlarida Xorazm vohasi iqtisodiy va ijtimoiy hayotida bizoz jonlanish kuzatilgan. Oltin O'rda noibi Qutlug' Temur va uning rafiqasi To'rabekxonim Urganchda bir necha yirik maqbara va minoralar qurdiradi. Bu vaqtda Hazorasp chig'atoy ulusi tarkibidagi janubiy Xorazmning yirik shahri hisoblansada, taxt uchun kurashni kuchaytirayotgan amaldorlar uni tiklash va mustahkamlash ishiga o'ta kam e'tibor berganlar. 1371-1372 va 1388-yillarda esa Hazorasp Amir Temurning harbiy yurishlariga duch keldi. Urganch kabi Hazorasp vayron qilindi va aholisining anchagina qismi Samarqand, SHahrisabz kabi shaharlarga haydab ketildi. 1405-yilda sohibqiron Amir Temurning vafoti oqibatida Oltin O'rda lashkarboshisi Yedigey (Idiqu o'zbek) Xorazmning ko'pgina qismini istilo qildi. SHimoldan kelgan mo'g'ullar bu vaqtda Hazoraspga xuruj qila olmadilar. SHuningdek, Shohruh Mirzo va Ulug'bekning 1412-yilda Xorazmga yuborgan qo'shinlari ham zafarsiz orqaga qaytdilar. Bu davrda Hazorasping Xorazm vohasini mudofaa qilishdagi roli ulkan bo'lgan. Oradan yarim asr o'tib, 1463-1464-yillarda temurzoda Husayn Bayqaroning Xorazmga yurishlari vaqtida Hazorasp qal'asi voha aholisini himoya qilishda muhim rol o'ynadi (Mirxond). SHahar aholisining bunday jasorati Muhammad SHayboniyxonning 1505-yilgi harbiy xurujlari vaqtida ham ko'rsatilgan. 1511-1512-yillarda Xorazm xonligining shakllanishi jarayonida Hazorasp davlatning yirik iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy markazlaridan biri sifatida o'z mavqeni yo'qotmadi. Vohadagi yirik bekklik ekanligini hisobga olgan holda xonning eng ishonchli og'a-inilaridan biri bu yerga hokim qilib tayinlanardi. 1620- yilda shaharga kelgan hamda bozorlar va ulardagi savdogarlarning ko'pligini ko'rgan rus elchisi Ivan Xoxlov bu yerdagi hayot ancha osoyishta holatga o'tganligini ta'kidlagan. O'tgan asrda Xiva shahri xonlik poytaxti sifatida qancha shuxrat topgan bo'lsa, Hazorasp vohada madaniy va xo'jalik an'analari tufayli o'z o'rniga ega bo'lgan. Tarixiy manbalarda Hazorasp tarixiga doir ko'plab aniq va ishonarli ma'lumotlarni uchratamiz. Ayniqsa, shahar paydo bo'lishi haqidagi etnografik va folklor materiallari nafaqat tarixchilar, balki fanning boshqa soha vakillari uchun ham hozirga qadar yechimi murakkab jumboqlardandir. Sayyoh kuzatuvchilar nazarida "Hazorasp qal'asi poytaxt Xivadan 57 verst uzoqda Xorazmning sharqiy qismida Polvon yopdan oqib keladigan Xosa arig'ining chap qirg'og'ida joylashib loydan paxsa devor bilan o'ralgan, to'rt burchak shaklida bo'lib, janub qismida g'ishtdan qilingan darvoza mavjud. Qal'a devorining har bir tomoni 185 sajen uzunlikda, balandligi 2 sajenga teng" [2].

Shuni ta'kidlash joizki, bekklik markazi bo'lgan Hazorasp siyosiy hayotda ham faol ishtirok etgan. Boshqaruvning sulolaviy tizimi o'laroq oliy martaba egasi bo'lgan Xiva xonining akasi Amirulumaro unvonida taxt vorisi shahzodaga Hazoraspa otaliq qilgan. Merosxo'r Hazoraspa Amirulumaro otalig'ida tarbiya olib, kamolatga yetgan. Mavjud siyosiy zaruriyat tufayli saroyga davlat boshqaruviga taklif qilingan. SHu bois "Hazorasp

inoqlarning doimiy qarorgohi, shahar va uning atroflari Inoq qaramog'i, Amirul-Umaroga qarashli yerlarni devonbegi boshqaradi. SHahardagi chiroyli ilmgoh Qutlimurod inoq madrasasi bo'lib, uni Rahmon quli inoq 1827-yili qurdirgan." Shuni ta'kidlash joizki qal'ada chiroyli va hashamatli bino inoq uyi bo'lib, u pishiq g'ishtdan qurilgani holda atrofi loydan paxsa devor bilan o'ralgan" [3]. Xorazmga 1842-yili kelgan rus karvoni vakili falsafa doktori F. Baziner taxt vorisi Rahmonquli bilan uchrashib shahzodaga soat sovg'a qilgan [4]. Tadqiqotchi M. Ivanin Hazorasping xonlik shaharlari va qal'alari orasidagi o'rni va ahamiyatini ta'kidlar ekan "Hazorasp xonning katta akasining doimiy qarorgohi, Xivadan kichikroq, lekin bu yurt shaharlari ichida eng yirigi. Qal'a atrofi o'zining olmalari bilan mashhur" bog'u-roq'lar bilan o'ralgan. Hazoraspeda bo'lgan sayyohu-kuzatuvchi uning qadimgi va o'rta asrlardagi mashhur hunarmandchiligi an'analari butunlay yo'qolib yangi davr uchun zamonaviy ahamiyat kasb etuvchi yangi tarmoqlari shakllanayotganini ta'kidlaydi.

"Xivada qurolsozlik hunarmandchilikning yangi tarmog'i sifatida shuhrat topib, o'zlari miltiq, qilich va boshqa qurollarni yasaydilar, 1838-yilda xonlikda ikki nafar qurolsoz usta bo'lib, birisi Yangi Urganchda, ikkinchisi Hazoraspeda yashaydi," deyilgan. XIX asr o'rtalarida qal'ada 10 ta masjid va 1ta madrasa faoliyat ko'rsatgan. SHahar bozori xonlikning yirik bozori qatorida ko'rsatilgan ekan, savdo qatorlarida 150 dan 400 gacha do'konlar joylashgan. XX asr boshiga doir manbalarda "Qal'ada 180 nafar hovli bo'lib, ularda 900 kishi atrofida aholi yashagan. 1910-1911-yillarda Hazorasp bekligini hokim Ismoilxo'ja boshqargan" [5]. Shunday qilib Hazorasp XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshida xonlikning siyosiy hayotida muhim o'rin tutgani holda, beklilik markazi sifatida iqtisodiy va madaniy jihatdan muhim ahamiyat kasb etgan.

Hazarospning rivojlanishida yangi bosqich — XVIII asrning 70-yillaridan boshlandi. Shahar hokimi Muhammad Niyoz inoq tashabbusi bilan qal'aning devorlari qayta ta'mirlandi. 1825-1826-yillarda Hazorasping yangi hokimi Rahimquli inoq buyrug'i bilan qal'ada qasr qurildi. Buxorolik ustalar va eronlik qullar barpo etgan ushbu imoratni o'z ko'zi bilan ko'rgan etnograf A.Kun saroy xonalarning ganch bilan ishlangani, shaharda 8 ta masjid, yana shuncha maktab va madrasa, 400 ga yaqin katta-kichik do'kon-rastalar borligi, juma va yakshanba kunlari bozor bo'lib turishi haqida yozgandi. 1842-yilda Xorazmda bo'lgan rus diplomati G.I.Danilevskiy Hazorasping Polvon kanalidan olingan Hoson arig'i bo'yida joylashgani, hokim Rahmonquli inoq davrida qal'a devorlarining buzilgan joylari tiklangani haqida ma'lumot beradi. 1842-yilda Xiva xonligi taxtiga o'tirgan Rahimqulixon buyrug'i bilan Hazorasp qal'asi devorlari yana bir marta mustahkamlangan. Keyingi yillarda devonbegilar Muhammad Amin va Ibrohim vaqtida Hazorasp qal'asi atrofida yangi devor ko'tarildi. Endilikda shaharning shimoliy devorida 7 ta, janubida — 6 ta, g'arbida — 4 ta va sharqida — 1 ta himoya minoralari ko'rinib turadigan bo'ldi. Janubiy devorning o'rtasida balandligi 16 va e'ni 8 metr bo'lgan hamda pishgan g'ishtdan qurilgan darvoza bor edi [1]. Darvoza yaqinida madrasa binosi turardi. Yangi qal'a ichida qolib ketgan eski qo'rg'on yaqinida mavjud bo'lgan bozor ko'p hollarda shahar tashqarisigacha cho'zilib ketardi.

Hazarosp qal'asi hokimining layoqatsizligi oqibatida 1873-yilgi ruslarning bosqini vaqtida aholi dushmanga yetarli darajada qarshilik ko'rsata olmadi. Xiva xonligining Rossiyaga bo'ysundirilishi va tashqaridan bo'ladigan xurujlarga chek qo'yilganligi natijasida Hazorasp qal'asining harbiy-strategik ahamiyati biroz bo'lsada pasaydi. Endilikda u vohaning janubiy qismidagi yerlarning muhim ma'muriy markazi sifatida iqtisodiy va siyosiy hayotda juda katta ishlarni amalga oshirishga imkon yaratdi.

Hazarosp bozorlarida o'lgan ko'plab hududlaridan keltirilgan mollarni va savdogarlarni ko'rish mumkin edi. Shahar aholisining soni ortib bordi va nazoratning susayganligi oqibatida "Dev solgan"ning ichkari qismida juda ko'plab imoratlar qurila boshlandi. Natijada ko'p ming yillik ko'hna tarix guvohi bo'lgan ashyoviy dalillar imoratlar ostida, aniqlab bo'lmaydigan darajada qolib ketdi.

Hazarosp to'g'risida afsonalar juda ko'p. Shulardan birida bu qal'ani bahaybat dev solgan emish. Avvallari bu qal'a o'rinda beshta buloq mavjud bo'lgan ekan. Shu buloqlardan suv ichgani qanotli otlar doimo kelib turgan. Dev aldash bilan bu yerga suv ichgani keladigan mingta qanotli otni qo'lga kiritadi. Shundan so'ng ularning qanotini kesib, ularni o'ziga o'rgatadi. Shu otlarning nihoyatda yaxshi avlodlari tufayli shuhrat qazongan bu qal'ani "Hazorasp" deb atay boshlagan ekanlar (xazar-ming, asp-ot). Toponimning etimologiyasi haqida turli qarashlar mavjud. Bu fikrlarning aksariyat ko'pchiligida nomni ikki qismga bo'lib, (ya'ni "hazar" va "asp") shu asosda toponimning kelib chiqishini izohlaydilar. Toponim haqida Yu. Jumanazarov shunday fikrni ilgari suradi: Hazorasp nomi asosida qabila nomi yotadi, ya'ni bu Hazara-os bo'lib, "os qabilasi" degan ma'noni anglatadi. Hazorasp shakli esa "ming ot" afsonasi asosida vujudga kelgan (Beruniy va Xorazmiy tili/O'zbek tili va adabiyoti. T: 1973, №5, 22-23 bet). Z. Do'simov Hazorasp toponimi ikki qismdan Hazoris (us) Hazar-halq nomi, is-us ko'plik qo'shimchasi shaklida yasalgan. Hazar so'zining etimologiyasi haqida biror aniq fikr aytish qiyin. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, osetin tilidagi xussar "janub, janubiy" so'zi bilan ma'lum darajada aloqador bo'lishi mumkinligini ta'kidlaydi. Etnograf va o'lkashunos tadqiqotchilar shaharning nomi afsonaviy otlar bilan emas, balki shu yerda qachonlardir yashagan "hazar" va "os" qabilalarining nomi bilan bog'liq degan fikrni ilgari surmoqdalar [6]. Professor M. Ishoqov Hazorasp toponimi Zardushtiyarning muqaddas olovi saqlanadigan joy ekanligini ta'kidlab, toponim aslida Aturaspant-muqaddas olov manzili, ibodat manzili bo'lganligini aytib o'tadi [7]. Bu talqin haqiqatga yaqin. Demak, Hazorasp nomi "ming ot" emas, balki "muqaddas olov saqlanadigan joy" ekanligi ayon bo'ldi. Pitnak-Xorazm vohasining eng qadimiy va obod go'shalaridan biri. "Pitnak vohasi, - deb yozgan edi akademik Ya. G'ulomov, - boshqa yerlardan ajrab qolgan. U Xorazm vohasidan baland Toshsaqa tepaliklari bilan ajratib qo'yilgan. Janubda va janubi-g'arbda u Qoraqum bilan tutashgan. Pitnak uncha katta bo'lmagan Xonyop kanali bilan sug'oriladi. Rivoyatlarga qaraganda, bu kanal Xiva xoni Muhammad Rahimxon (1806-1825-yy) tamonidan qazdirilgan" [8].



Pitnak so'zining paydo bo'lishi to'g'risida xalq o'rtasida juda ko'p rivoyat va xikoyatlar mavjud. Ulardan biri Chingizxon nomi bilan bog'liq. Hikoyada Chingizxon Xorazmni egallab, uni vayron etganligi, aholini ko'p qismini qirib tashlaganligi, hunarmand-ustalarning qul qilib olib ketilishi xikoya qilinadi. Keyinchalik olib ketilgan odamlarning ajdodlari yashagan shaharlar va qishloqlar xaroba holda ekanligi, ayon bo'ladi. Ular yangi yer so'rab, Xiva xoni xuzuriga yo'l olishadi. Xon qayerdan vatan tutishlarini ularning o'zlariga havola etadi. Sobiq vatandoshlar yurtiga qaytishayotganlarida yo'lda "pittakkina" yer ko'rganliklarini aytib, xondan shu yerni so'rashadi. Xon rozi bo'lib, o'sha "pittakkina" yerni ularga in'om etadi. Odamlar "pittakkina" yerni obod qilib bog'u-bo'stonga aylantirishadi va o'sha "pittakkina" yer keyinchalik Pitnak nomini oladi.

Pitnak so'zining lug'aviy ma'nosiga kelsak, uni olimlar kichik qirli yer, kichik voha deb ta'riflaydilar. Tilshunos olim Yusuf Jumanazarov Pitnak etimologiyasini Pishkanak, Karvak so'zlariday qadimiy bo'lib, "kichik voha" ma'nosini bildirishini aytgan. N. Polvonov, etnograf olim I. Jobborovlar ham Pitnak so'zi qadimiy xorazmiy tilidan qolgan nom bo'lib, kichik yer, kichik makondan iborat ekanligini ta'kidlaydilar. X. Abdullaev, Z. Do'simov, S. Ro'zimboev, N. Qobulov va O. Botirovlar Pitnak nomi bugun o'lik tilga aylangan qadimiy Xorazm tilining bizgacha yetib kelgan qoldiqlaridan biri ekanligini, so'zning ma'nosi ham toponomik qonunlarga mos kelishini, u "shaharcha", "qo'rg'on", "qal'a" ma'nosini bildiradi [9]. Bizningcha ham, Pitnak toponimi aslida "Badnak" bo'lib, "qo'rg'oncha, shaharcha" degan ma'noni bildiradi.

Hazorasp tumanida qadimgi joy nomlari juda ko'p. Shulardan biri Juvondir qishlog'idir. Toponim to'g'risida halq orasida afsonalar saqlanib qolgan. Rivoyatlarga ko'ra, Saljuqiylar podshosi Sulton Sanjar Xorazmshohning qizi To'rabekxonimga oshiq bo'lib, sovchi qo'yadi. Sulton Sanjarning oshiqligi tagida Xorazmni egallash niyati borligini sezib qolgan To'rabekxonim unga tegmasligin otasiga aytadi. Xorazmni kuch bilan egallab bo'lmasligin bilgan Sulton Sanjar Amudaryoni bo'g'ib, suv yo'lini to'sib qo'yadi. Suvsizlikdan yerlar kovjirab ekinlar quriy boshladi. Bunga toqat qilolmagan To'rabekxonim Sulton Sanjar oldiga bitta o'zi kelib, shartini aytdi. Shart bundoq edi. Sulton avval suvni ochadi, so'ng otida malikani quvlaydi. Quvlab tutsa, bas, malika uniki bo'ladi. Sulton darhol rozi bo'ldi-yu, to'g'onni buzishga amr etgan. Xon uni quvlashga tushdi. Tez orada malika ko'zdan g'oyib bo'ldi. Malika yangi bolalagan uchqur boytallarni tanlab, toychoqlarini birin-ketin qishloqlarda qoldirib kelganidan Sulton bexabar edi. Malika o'z toychoq'iga yetgan otni qoldirib, yangisini minib ketardi. Ming-ming lashkari turib bitta juvondan yengilgan xon qo'shinini olib ortga qaytishga majbur bo'lgan. Xalq afsonasida Juvondir qishlog'ining nomi ham shu rivoyat bilan bog'liq ekanligini aytishadi. Xon To'rabekxonimni quvlab kelayotganida juvon, dur (to'xta), deb baqirgan joyning nomi Juvondir bo'lib qolgan.

Bizningcha, bu nom "Jo'yobdi" bo'lgan bo'lsa kerak, ya'ni suvning saqasi shu qishloqda bo'lib, quyidagi qishloqlarga suv shu joydan yetib boradigan bo'lgan. Jo'yobdi toponimi suv boshi, saqa boshidagi qishloq degan ma'noni anglatadi. Demak, Juvondir aslida Jo'yobdi bo'lib, "saqa boshidagi qishloq" degan ma'noni bildirgan. Hazorasp tarixini o'rganishda arxeologik, etnografik-afsona rivoyatlar ham muhim ahamiyatga ega. Barchamizga ma'lumki, Hazorasp tub aholisi orasida, o'nga yaqin qal'a tarixiga oid afsona va rivoyatlar yuradi. Misol uchun «Hazorasp» - «ming ot» yoki «ming otlilar diyori» sifatida talqin etiladi. Yana bir rivoyatga ko'ra, Hazoraspning nomini «Hazorasp-barnd», ya'ni ming ot jilovlangan joy ma'nosini anglatadi [10]. Shulardan «Qal'ayi sulaymon» afsonasi: Sulaymon payg'ambar o'ziga yaqin bo'lgan parilardan birini jazolash maqsadida hech kim yashamaydigan uzoqdagi cho'lu-biyobonlardan biriga olib borib tashlashni amr etibdi. Sulaymon devlaridan biri bu buyruqni bajarishi lozim ekan. Dev yelkasiga parini mindirib uzoq vaqt uchib yurgandan so'ng qum sahrosidan o'tib changalzor, botqoqlik, ko'llardan iborat joyni tanlabdi. Bu o'lka Xorazm ekan. Parini yelkasida olib ketayotgan dev, parini sevib qoladi va u bilan oila quradi. Ulardan farzandlar tug'iladi va ular Xorazmliklar deb yuritiladi. SHuning uchun bo'lsa kerak, tarixiy asarlarda Xorazm yigitlari-dev sifat, pahlavon qizlari esa parisifat oqila deya ta'riflanadi. Ancha vaqt o'tgach, Sulaymon amr qilgan devidan sado (yo'q bo'lib ketganiga) chiqmagach, dev va parini topishga amr qiladi. Dev iziga tushgan ayg'oqchilar, bo'lgan voqeani Sulaymonga yetkazishadi. Sulaymon g'azablanib o'z ko'zi bilan ko'rish uchun o'lkaga keladi va dehqonchilik, chorvachilik va baliqchilik bilan shug'ullanib yurgan xalqni ko'radi. Sulaymon ularni ishga solib qal'a qurishni amr qiladi [11].

Umuman olganda, Hazorasp qal'asining paydo bo'lishi haqida yuqoridagi afsona bilan mazmunan bir bo'lgan, faqat talqin qilinishida farq qiluvchi boshqacha hikoyalar ham mavjud. Masalan, Sulaymon Alayhissalom parilardan birini olis sahroga eltib tashlashni devga buyurdi. Yo'lda dev parini sevib qoladi. Ular biri-birisiz yasholmaydigan oshiq-ma'shuqqa aylanadilar va murod hosil etadilar. Dev o'z sevikli yoriga atab sahroda ulkan qasr bunyod etadi. Ular ko'payib ketishgach, o'zlariga mahobatli qal'a qurib oladilar. O'zining shamol ustiga qurilgan taxtida sayr aylagan Sulaymon payg'ambar qal'ani ko'rgach, jazolashga buyurilgan parini va devni avf qilib, ularni va ulardan tarqalgan ko'p sonli avlodlarni bunyodkorlik ishlari uchun oqlagani sabab bu go'zal maskanga Sulaymon qal'asi nomi beriladi. Qal'aning eng baland joyiga qurilgan dev solgan saroyining ayrim hujra-bandlari hamon savlat to'kib turibdi. Mahalliy aholi o'rtasida tarqalgan afsonalarning birida umuman boshqacha ma'lumotlar ko'rsatiladi. Masalan, afsonaga ko'ra, qal'a Amudaryodan yer ostiga suv olishga mo'ljallab qurilgan bo'lib, daryo bilan u «maxfiy yo'l» (obi duzd) orqali bog'langan [8]. Shuning uchun, qal'a suv bilan, ichidagi quduqlar orqali ta'minlangan. Shu suvning o'zi qal'a atrofida yer ustiga ham chiqadi. Haqiqatdan ham qal'aning ichki atrofidagi uni o'rab turgan joyga qaraganda 5-6 sm baland, lekin quduqlardagi suvning sathi qal'a sathiga juda yaqin turadi [12]. Boshqa bir afsonada Sulaymon payg'ambar o'zining shamol ustiga qurilgan taxtida Xorazmga uchib kelibdi va bazmi jamshid uyushtiribdi. Ziyofatga mehmon bo'lib kelgan pari qizlar qanotli tulporlarini muqaddas giyoh-isiriq tomiriga boylabdilar. Ziyofat uzoq davom etibdi. Otlarga esa hech kim qaramabdi. Natijada otlarning qorni ochib isiriqlarni yegan va oqibatda mast bo'lib qolishgan. Buni ko'rgan Sulaymon payg'ambar



darhol otlarni yashirishga, parilarni esa shu makonda qoldirib erga berishga hamda qal'a qurishga amr qilindi. Buni ilmiy asoslantiruvchi fikrlarini izlashdan oldin boshqa bir shunga yaqinroq hikoyani aytib o'tish joiz. Unga ko'ra qal'ani bahaybat dev qurgan emish. Dev suv ichgani keluvchi mingta qanotli otlarni hiyla bilan qo'lga kiritadi. Shundan bo'lsa kerak, Hazorasp - «Ming otiqlar» diyori deb ham noto'g'ri talqin qilinadi [13]. Agarda biz bu (Hazorasp - «Ming otiqlar» diyori) fikrga asoslansak, Sosoniylar davrida shakllangan fors tilida uchrovchi so'z deb qarashimiz kerak, vaholanki fors tilining to'liq shakllanish davri milodiy III-V asrga taalluqli deyish bilan kifoyalanamiz. Bu hol haqqoniy tarixni bilishga to'siq bo'lib qoldi. Hazorasp so'zi «Avesto» bilan tengdosh ekanligi har jihatdan ilmiy asoslarga ega ekanligini tarix ko'rsatmoqda. Hech ikkilanmay aytish mumkinki bundan 2700 yil oldin yozilgan «Avesto» da tilga olingan qal'a, aholi markaziga aylanguncha ham kamida I-III asr kerak bo'ladi. Chunki kichik aholi markazlari bunday kitobda kamdan-kam kiritilish ehtimoli bor. Demak, qal'a ham yirik aholi markazlaridan biri bo'lgan bo'lsa ajab emas.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Абдулла Балтаев. Хоразм тарихига доир материаллар. Ўзбекистон Шарқшунослик институти. № 9320. 90-бет.
2. Данилевский Г. Описание Хивинского ханства. ЗРГО.кн V. 1851. Спб. С.110
3. Иванин. М. Хива и река Амударья. Москва 1873 г. С.173
4. Базилер Ф. Путешествие через киргизские стены в Хиву. 1842-1843 гг доктора философии. Турк.вед. 1873. С. 31.
5. Кун А.Л. Культурный оазис Хивинского ханства. Туркестанские ведомости. 1874. 8-январь.
6. Махмудов М.М. Хоразм тарихидан лавҳалар, Урганч, 1998, 15-бет.
7. Исхоков М. “Хазорасп “минг от” ми, ЕКИ...?” // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 72-75 б.
8. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959, 148-бет.
9. Р.Жуманазаров, А.Собиров, Туямўйин ва туямўйинликлар, Урганч, 2003, 31-бет.
10. Хоразм Маъмур академияси: тарихи, бугуни ва келажаги. / МИКМ. – Хива, 2005. - 129-130 б.
11. Нуржанов К., Рахмонов Х., Ёкубов Х. Хазорасп тарихи. – Урганч, 1998. - 32 б.
12. Мақсудий. Китоб Ахсан ат тақосим фи маърифат ал ақолим. III б. - Т., 1872. - 289 б.
13. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958 – 1960 гг. – МХЭ, вып. 6. М., 1963, 22 – бет.

УЎҚ 93/94

### ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ МАРОСИМ ТАОМЛАРИДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР ВА ЗАРДУШТИЙЛИК АНЪАНАЛАРИНИ АКС ЭТИШИ

У.М. Абдалов, PhD, Урганч Давлат Университети, Урганч

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзида мавжуд бўлган маросимларда тайёрланадиган таомларнинг ўзига хослиги, уни тайёрлаш жараёнида бажариладиган афсунлар ва одатлардаги қадимий диний тасаввурлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Маросим, таом, урф-одат, анъана, ҳалим, қайнатма шўрва, шавла, “қорма”, бўғирсоқ, патир, нон, қатлама, марака, палов, садақа, “қўқин оши”, “ун оши”.

**Аннотация.** В статье анализируется уникальность блюд, приготовленных в обрядах традиционного быта узбеков Хорезмского оазиса, заклинаниях и древних религиозных представлениях в процессе их приготовления.

**Ключевые слова:** Ритуал, еда, обычай, традиция, халим, вареный суп, тушеное мясо, “карма”, бурсак, патир, хлеб, наслаивание, марака, плов, садака, “коқун оши”, “ун ош”.

**Abstract.** This article analyzes the uniqueness of the dishes prepared in the ceremonies of the traditional way of life of the Uzbeks of the Khorezm oasis, the spells and ancient religious ideas in the process of its preparation.

**Key words:** Rituals, food, customs, traditions, meek, boiled soup, stew, “karma”, boursak, patir, bread, fold, maraka, pilaf, sadaqa, “koqin oshi”, “un oshi”.

Ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзида моддий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Моддий маданият ўз навбатида, бир неча турларга бўлиниб, анъанавий турар-жойлар, миллий кийимлар ва халқ таомлари кўринишида намоён бўлади.

Маросимий таомларнинг кундалик таомлардан фарқи шундаки, аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одат ва маросимнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик объектига айланиб боради [1, б. 195-196]. Таомлар турли халқларга дахлдор этномаданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Маросимий таомларнинг кундалик таомлардан фарқи аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одат ва маросимнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик объектига айланиб боради. Эътиборли томони шундаки, маросим таомлари нафақат инсонларнинг биологик эҳтиёжини қондиради, балки уни таёрлаш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик, таёрланган таомни биргаликда истеъмол қилиш орқали одамлар орасидаги дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик алоқалари жадаллашувига, айрим ҳолларда таомни ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган [1, б. 197]. Хоразм воҳасида зиёратгоҳларда асосан қурбонлик, дарвешона ва садақа маросимларда ритуал таом қорма (шавла), Бухорода халиса, Тошкентда халиса ёки ҳалим, Қашқадарёда шўрва, тўғрама дарвешонада гуруч ош, Фарғона водийсида ҳалим тайёрланади [1, б. 132]. Уйда ўтказиладиган садақа ва тўй маросимларида палов пиширилади.

Кўриб чиқилганидек, қадим замондан бери инсонлар марҳумга нисбатан ачиниш баробарида кучли хурматда ҳам бўлганлар. Шу сабабли марҳумнинг рухига бағишлаб махсус таомлар тайёрланган. Шундай экан, маросим таомлари ва унинг тайёрлаш сабаблари ҳамда усуллари ҳақида тўхталамиз.

Хоразмда тайёрланадиган маросим таомлари жуда узоқ тарихга эга бўлиб, “Авеста”да “Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудот емак билан тирикдир, емаксиз ўликдир” дейилган [2, б. 115]. Шунингдек, ушбу муқаддас китобда инсон истеъмол қиладиган таомларнинг даражаси ва сифати келтирилганки, бунда улардан баъзи бирлари улуғланган, уларнинг тозалигига жиддий эътибор қаратилган.

Зардуштийлар гўшт, сут, олов, туз ҳаққига қасам ичганлар [2, б. 193–241]. Маъбудларга Ахура Маздага эҳсон қилинадиган таомлар гўшт, хаома, сут ва дрвана (нон) эканлиги “Авеста”да таъкидланган [2, б. 193–241]. Демак, зардуштийлар жамоасида қадрланган озиқ-овқат маҳсулотлари халқимиз дастурхонининг ҳам асосий неъматларидан бўлиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Дастурхонни қандай таом билан безаш одати ҳам турли халқларда турлича. Масалан, русларда марҳум вафот этган куни уни ёд этиб, охирати обод бўлишини тилаб, спиртли ичимликлар ичилади ва нон истеъмол қилинади. Бу уларнинг диний ақидаси билан боғлиқ бўлиб, “вино” – “қон”, “нон” – “жон” рамзи ҳисобланади. Шунингдек, кўпгина мусулмон мамлакатлари, жумладан, Ироқ, Саудия Арабистони, Эрон, Иордания ва Мисрда таъзия маросимларида хонтахта устига қора дастурхон тўшалиб, унга чилим қўйилади. Келган ҳар бир киши Курбон тиловат қилади. Уларга шакар солинган кофе ва чилим берилади ҳамда атир суви сепилади [3, б. 22].

Хоразмда дафн маросимида пишириладиган таомлар ўз хусусияти ва моҳиятига кўра бошқа ҳудудлардан фарқ қилади. Жумладан, Хоразм учун ноодатий бўлган маросим таоми борки, у фақатгина бир жойда, Урганч тумани Қоромон қишлоғидаги Шайх Шароф Бобо қабристониди, фақат Рўза ва Курбон ҳайити кунлари тайёрланади. Уни маҳаллий аҳоли “ҳалиса” деб атайдди. Ушбу таом Бухорода ҳалиса, Тошкентда ҳалим, Қашқадарёда шўрва, тўғрама, дарвешона, гуруч ош, Фарғона водийсида ҳалим деб аталади [1, б. 132].

Воҳада ҳалиса таомини тайёрлаш учун қўй гўшти, туз, сув ва бугдой ёрмасидан фойдаланилади. Ушбу таомни қозон остидан ўт ёқиб тайёрлаш учун 12–14 соат вақт талаб қилинади. Хоразмда ҳалиса тайёрлаш билан машҳур бўлган ягона ошпаз Шарифбой Отажоновнинг таъкидлашича, ушбу таом илк бор XIV асрда яшаган диний уламо Саид Аҳмад ибн Саид Муайяд Хожаи Маккий (Маккада туғилиб, 1370 йилгача Хоразмда яшаган уламо) шарафига пиширилган. Ахборотчининг маълумот беришича, мазкур таом Шайх Шароф бобога назр қилинган.

Худди Самарқанд нони бошқа ҳудудда ёпилса аслига ўхшамаганидек, ҳалисани ҳам Хоразмнинг бошқа ҳудудларида бир неча маротаба пишириб кўришган, аммо айтишларича, улар шу қабристонда тайёрланган ҳалисага ўхшамаган. Ушбу таомни тайёрлашнинг яна бир энг асосий хусусияти, уни фақат эркакларгина пишириши шарт бўлган. Ҳалиса тайёрлаш сумалак пишириш жараёнига ўхшаб, тўхтамасдан капгир ёрдамида қозонни кавлаб туриш шарт бўлган. Ахборотчимиз мазкур таомнинг шифобахш эканлигини ҳамда унинг пири Шайх Шароф бобо: “ўзимнинг яхши кўрганамга шифо бераман” деганлигини таъкидлайди [4, 2020 йил].

Таом тайёр бўлганидан кейин уни истеъмол қилиш ва олиб кетишга келган ҳар бир кишига бир қошиқдан бўлса-да, улашилиши шарт. Ошпазнинг қайд этишича, бундай тақсимот устадан шогирдга мерос тариқасида ўтган [4, 2020 йил]. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, ҳалиса Наврўз арафасида тайёрланадиган маросим таомларининг ислом дини кириб келгандан кейинги трансформациялашган шакли эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Бундан ташқари воҳа ўзбеклари хонадониди бирон киши вафот этса, майит уйида бир кун “меҳмон” қилинади (яъни, эртасига дафн этилади) [5, б. 37] ва аздор хонадонда уч кунгача таом пиширилмайди. Лекин, марҳумнинг жасади уйдан чиқиши арафасида унинг руҳи овқатланади, деган ақидага кўра, “пўссик” пиширилади. “Пўссик” муқаддас таом ҳисобланиб, ҳатто ушбу таом тўғрисида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Хоразмликлар арвоҳларга бағишлаб таом пиширадилар ва мозорларга олиб борадилар” [6, б. 420].

Ҳозирги кунда ҳам бирор фожеали ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлса, “пўссик” пиширилади ва маҳаллий шевада ушбу маросим “ис чиқариш”, яъни оч руҳларга садақа қилиш деб аталади. Мазкур удумлар халққона бўлганлиги учун қадимдан сақланиб қолган. Албатта, буларнинг барчаси тирикларнинг кўнглини таскин топтириш учун қилинади. Юқорида таъкидланганидек, исломда марҳумнинг хотирасига фақат уч кун аза тутишга руҳсат этилган. Бироқ, халқимиз турмушида исломий кўрсатмалар қадимий эътиқодий анъаналар билан қоришиб кетган.

Пайғамбаримиз бошига мусибат тушган хонадонга кўни-кўшни ва яқинлари уч кун таом олиб чиқиб туришлари хайрли амал эканлигини айтганлар. Чунки, мотам ҳолатида таом тайёрлаб, истеъмол қилиш аздорларнинг кўнглига сифмаслиги мумкин. Айни кунларда эса марҳумнинг хонадондагилар уч кун давомида таъзия қабул қилиб, мусибат билан таом тайёрлашга қодир эмаслар. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз бошига мусибат тушган хонадон соҳибларини уч кун давомида овқат билан таъминлашни тавсия қилганлар. Имом Бухорий томонидан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи вассаллам: “Аллоҳга ва охират кунига ишонган аёлнинг ўлик учун 3 кундан ортиқ аза

тутиши ҳаромдир, фақат ўлган эри учун 4 ой 10 кун аза тутати” деганлар [7, <https://azon.uz>]. Бошига мусибат тушган хонадонга яқин қариндошлари ва қўшнилари уч кун овқат олиб бориши шундан далолат беради.

Хонқа ва Урганч туманларида марҳум жанозаси ўқилиб, дафн учун қабристонга олиб кетилганидан кейин марҳумнинг хонадониди қўй ёки қўчқор сўйилади ва ушбу удум “жонга жонлик” деб аталади. Унинг гўштидан марҳумнинг “уч оши” ва бошқа маъракаларида шўрва пиширилиб, элга тарқатилади. Сўйилган жонликнинг калласи қайнатилиб, “уч оши” кунни мулланинг олдига қўйилади [8, 2019 йил].

Нон ёпиш ва пўссиқ пишириш удумлари ҳам ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналардан ҳисобланади. Пўссиқ марҳум ўлган кунни ирим қилиб, 7 та пиширилади, буни марҳумнинг яқинларидан бири бажаради ва шундан бошлаб ҳар кунни пўссиқлар сони биттага камайтириб борилади. Мазкур одат марҳумнинг “еттиси” кунни охириги битта пўссиқ пишириш билан ниҳоясига етади. Нон ва патирлар эса марҳум вафот этган кунни ёпилади.

“Йил тўлди” маросими марҳум вафотига 9 ой тўлиши муносабати билан ўтказилади. Ушбу маросим бошқа маъракаларга ўхшамайдиган хусусиятлари билан ажралиб туради. “Йил тўлди” маросимининг 9 ойда ўтказилишида рамзий маъно бор. Бунда инсоннинг онадан 9 ойда туғилиши эътиборга олинади, ушбу маросимда имкониятларига қараб яна битта қўй сўйилади, барча қариндошлар, қўшниларга хабар берилиб, ош дамланади. Маросимдан бир кун олдин масалликлар тайёрланиб, сабзилари тўғралади, эртасига дошқозонда ош дамланади. Дастурхонга барча ноз-неъматлар ва ширинликлар тортилади. Ушбу маросимда “йил маъракасининг охири тўйларга улансин”, деб дуо қилинади.

Умуман олганда ҳулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин-ки, Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзида зардуштийлик излари сақланиб қолган маросимлар турли даврларда диний ва сиёсий таъйиқлар остида шаклан ўзгарган ёки объектив ва субъектив омиллар таъсирида воҳа ўзбекларининг анъанавий таомлари тайёрланиш услублари трансформацияга учраган бўлишига қарамай, кундалик турмушда ҳозирга қадар сақланиб келаётганлигининг ўзи илм-фан нуқтаи назаридан эътиборга молик ҳодиса бўлиб, айнан мазкур жиҳат ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзининг ўзига хослиги ва тарихий асосларини тадқиқ қилишда муҳим илмий-амалий аҳамият қасб этиши билан қимматлидир.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 195–196.
2. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик/Аскар Маҳкам таржимаси... – Б. 115.
3. Орифжонов М. Хорижий Шарқ ва биз // Дунё. – 1993. – №1. – Б. 22.
4. Дала ёзувлари, Хоразм вилояти Қоромон қишлоғи, 2020 йил.
5. Пайзиева М. Ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари. – Тошкент: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 37
6. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.... – Б. 420.
7. <https://azon.uz/content/views/aza-marosimidagi-bidatlar>.
8. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Сарапоён қишлоғи. 2019 йил.

УЎК 93/94

### СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИДА МУСУЛМОНЛАР БЮРОСИНИНГ ЎРНИ

*З.Дж. Акбаева, PhD, Самарқанд давлат университети, Самарқанд*

**Аннотация.** Маълумки, Туркистон ўлкасида советлар томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсатига қарши туриш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ишларида миллий коммунистларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг фаолияти натижасида Мусулмонлар бюроси маҳаллий аҳоли ўртасида катта нуфузга эга бўлди. Мазкур мақолада Мусулмонлар бюроси фаолиятида миллий коммунистларнинг ўрни ва роли таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Совет режими, миллий зиёлилар, Туркистондаги ижтимоий ва сиёсий вазият, большевиклар партияси, Турор Рисқулов, миллий сиёсат, рус коммунистлари.

**Аннотация.** Хорошо известно, что деятельность национал-коммунистов сыграла важную роль в сопротивлении колониальной политике, проводимой Советами в Туркестане, и защите национальных интересов. В результате своей деятельности Мусульманское бюро приобрело большой авторитет среди местного населения. В статье анализируются роль и место национал-коммунистов в деятельности Мусульманского бюро.

**Ключевые слова:** советский режим, национальная интеллигенция, социально-политическая ситуация в Туркестане, партия большевиков, Турор Рискюлов, национальная политика, российские коммунисты.

**Abstract.** It is well known that the activities of the national communists played an important role in resisting the colonial policy pursued by the Soviets in Turkestan and defending national interests. As a result of their activities, the Muslim Bureau gained great prestige among the local population. This article analyzes the place and role of national communists in the activities of the Muslim Bureau.

**Keywords:** Soviet regime, national intellectuals, social and political situation in Turkistan, Bolshevik party, Turor Riskulov, national politics, Russian communists.



Совет ҳокимиятининг Туркистон АССРдаги мустамлакачилик сиёсати маҳаллий аҳолининг кучли норозилигига сабаб бўлди. Бу ҳолат Туркистон жамиятининг барча қатламлари ва тоифалари ўртасида катта акс-садо уйғотди. Бир томондан, совет ҳокимиятига қарши норозилик билдирганларнинг кескин кайфиятдаги радикал қисми қўлга қурол олиб, Туркистон мустақиллиги учун совет режимига қарши қуролли кураш бошладилар. Иккинчи томондан, Туркистондаги большевиклар партияси сафига кирган миллий коммунистлар совет идораларида турли масъул лавозимларда ишлаган ҳолатда миллий манфаатларни имконият доирасида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдилар.

1919 йил бошларига келганда Туркистондаги ижтимоий ва сиёсий вазият кескинлаша бошлади. Қизил армияга қарши ҳарбий ҳаракатларнинг кучайиши ҳамда иктисодий танглик бу жараёнларни яна ҳам чуқурлаштирди. Туркистонда совет ҳокимияти олиб борган мустамлакачилик сиёсати Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР)[1] бошқарув органларида фаолият кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Миллий коммунистлар даставвал большевизм ғояларидан ўз халқлари бахт-саодати йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар. Улар бу ғояларни Туркистоннинг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга ҳаракат қилган эдилар.

Ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз халқларидан большевиклар партиясига 1918-1920 йилларда аъзо бўлганлар ўша даврга оид расмий ҳужжатлар ва тарихий адабиётларда миллий коммунистлар деб айтилган. Ўзбек ва қозоқ халқларининг вакиллари Низомиддин Хўжаев (1885-1942) ва Турор Рискулов (1894-1938) маҳаллий халқлардан чиққан дастлабки миллий коммунистлардир[2, 4-15]. Бу даврда Туркистон АССРдан ташқари Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) раҳбарларининг аксарияти ҳам миллий коммунистлар эди.

Миллий коммунистлар ёхуд миллий раҳбар ходимлардан Туркистон АССРда Турор Рискулов, Низомиддин Хўжаев, Қайғисиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Санжар Асфандиёров, Назир Тўракулов, Иномжон Хидиралиев, Султонбек Хўжанов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Абдулла Авлоний, БХСРда Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Порсо Хўжаев, Муинжон Аминов, Абдулвоҳид Бурхонов, ХХСРда Полвонниёз Юсупов, Бобоохун Салимов, Назир Шоликоров, Жуманиёз Султонмуродов, Бекжон Раҳмонов каби миллий арбоблар ўз халқи ва ватани учун жон фидо қилишга тайёр инсонлар эди.

Айнан улар Совет ҳокимияти йилларида, хусусан, совет режимининг дастлабки даври бўлган 1918-1920 йилларда ўз фаолиятлари билан икки ўт орасида яшашларига қарамасдан ўз халқига хизмат қилиш намунасини кўрсатдилар. Кейинчалик катта террор йилларида жисмоний жиҳатдан маҳв этилган бу шахслар шароит тақозоси билан совет ҳокимияти идораларида ишлаб, туб халқларнинг манфаати учун Марказ вакиллари ва шовинистик кайфиятдаги большевикларга қарши курашдилар. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 1919-1920 йилларда Туркистон ўлкасида миллий сиёсат борасида муайян натижаларга эришилди.

Таниқли давлат ва партия арбоби Турор Рискулов Мусулмонлар бюросининг қисқа муддатли фаолиятига баҳо берар экан, сал кейинроқ бундай ёзган эди: “Совет ҳокимиятининг Туркистондаги фаолиятини тахминан учта босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич – Туркистон Советларининг VII съездигача бўлган давр, бу пайтда ҳокимият тепасида кўпчилик рус коммунистлари ўтирди; иккинчи босқич – коммунистик ташкилотларнинг Мусулмонлар бюроси фаолият кўрсатган давр; учинчи босқич – Туркистонни Марказ билан қўшилиши ва Марказдан бу ерга РКП(б) МК ва Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг Туркистон комиссияси келгандан сўнгги давр”[3,1].

Туркистондаги совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг дастлабки раҳбарлари бўлган Фёдор Колесов, Иван Тоболин, Александр Казаков, Пётр Кобозев ва бошқалар нафақат миллий сиёсатда, балки совет ҳокимияти томонидан юритилган барча сиёсатни амалга оширишда жиддий хатоларга йўл қўйишди. Уларнинг ўзбошимчилиги ва маҳаллий аҳолига нисбатан шовинистик сиёсати хатто Марказдан келган айрим коммунистларнинг ҳам норозилигига сабаб бўлди.

Советларнинг VII фавкулудда съезди Туркистон АССР ва республика ҳукуматининг янги таркибини сайлади. Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси қилиб А.А.Казаков, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси К.Е.Сорокин тайинланди[4,361].

Бутун съезд иши давомида маҳаллий аҳолига нисбатан бўлган ҳурматсизлик аниқ кўриниб турди. Съезднинг Фарғонадаги аҳвол муҳокама қилинган ёпиқ мажлисида нутқ сўзлаган А.Казаков (у бу съездда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимига сайланди) мақтанчоқлик билан шундай деган эди: “Сафонов отряди икки ҳафтадан сўнг қатъий ҳаракатлар қилиши ҳақида хабар юборди. Сафонов отряди ўзини тартибга келтирган кунийёқ Фарғона вилояти бўйича солиб юриши ўтказилади”[5,15].

Мазкур съезднинг 8 мартда бўлган ёпиқ мажлисида сўзга чиққан Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Т.Рискулов қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Руслар ҳеч қандай асосга эга бўлишмаса ҳам мусулмон меҳнаткашлари ва мусулмон раҳбарларига ишончсизлик билдиришмоқда. Менинг ўзим очарчиликка қарши кураш комиссиясида ишлаганимда бўлиб ўтган воқеаларга асосланиб мусулмон йўқсилларининг раҳбари сифатида бизга ишончсизлик билан қарашаётганликларини биламан”[6,9]. Т.Рискуловнинг бундай ҳақли талабларига ашаддий шовинист К.Успенский беписандлик билан шундай жавоб беради: “Озиқ-овқат директорияси билан бирга очарчиликка қарши кураш комиссиясини ҳам судга бериш керак. Ишончсизлик масаласига келсак,



коммунистик қурилишда ишлашни билиш керак, мусулмонлар орасида эса ҳали онгли ишчилар ва раҳбарлар кам”[7,10].

Съезд қатнашчиларидан бўлган миллий коммунистлардан бири Ю.Алиев ўз нутқида таъкидлашича, туркий тилни рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон қилинган билан аслида унга амал қилинмапти. Маҳаллий тилда гапирилса, залда шовқин кўтарилмоқда, мабодо аҳвол шундай давом этса мусулмон делегатлари норозилик билдирадилар ва съездни ташлаб кетадилар, деб пировардида огоҳлантиради нотик[8,12].

Хуллас, Туркистон ўлка Советлари IV фавкулода съездининг Миллий ишлар секцияси мажлисларида кўтарилган масалалар партия конференциясида махсус қараб чиқилди. Конференция ўз қарорларида республика партия ташкилотлари ва ўлка партия комитети маҳаллий халқлар меҳнаткашлари ўртасида кенг иш олиб бормаганлигини, Туркистон Компартияси II съездининг маҳаллий ишчилар, камбағал деҳқонлар ва батраклари Советлар ва бошқа давлат органларидаги ишларга фаол жалб этиш тўғрисидаги қарорини бажаришда етарли даражада қатъият билан иш тутмаганлигини кўрсатиб ўтди.

Конференция Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси тузиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Бу бюро зиммасига туб аҳоли ўртасида иш олиб боришни ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Ўлка партия комитетига Мусулмонлар бюросининг функциялари ва вазифалари тўғрисида махсус Низом ишлаб чиқиш таклиф қилинди. 1919 йил 30 март куни РКП(б) Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси (қисқача Мусбюро) таркибига Турор Рискулов раис, Низомиддин Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Йўлдош Иброҳимов ва М.Алиев аъзолар қилиб сайланди[4,362]. Тошкент жадиждарининг йирик намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов ва Абдулла Авлоний ҳам Мусулмонлар бюроси ишида фаол қатнашдилар[9,2].

1919 йил 1 ва 6 апрелда Туркистон Компартиясининг ўлка Комитети кўшимча равишда махсус қарор қабул қилиб, унда Мусулмонлар бюросининг вазифа ва функцияларини белгилаб берди. Кўшимча қарорда Мусулмонлар бюроси ўлка партия комитетининг бўлими сифатида, унинг раҳбарлиги ва назорати остида мусулмон аҳолига нисбатан ўлка партия комитети зиммасида бўлган барча ишларни бажариши ва шу тарихида унинг ёрдамчи органи бўлиши лозим деб кўрсатилди[10,24]. Мусулмонлар бюросига эски ўзбек тилида араб ёзувида 1918 йил июндан бошлаб чиқаётган “Иштирокион” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасига муҳаррирлик қилиш вазифаси ҳам юклатилди[11,63].

Ўлка комитети ҳузурида Мусулмонлар бюроси тузишни Туркистоннинг ўзига хос шароити тақозо этар эди. Бироқ бу ҳолат коммунистик партия тарихига оид турли тадқиқотларда зўр мамнуният билан қуйидагича таъкидланади: “Партияни маҳаллий аҳолининг меҳнаткаш оммаси билан яқинлаштириш йўлини топиш учун партия ўз ишини ўлканинг социал-маиший шароити ва тил хусусиятларига мослаб қуриши лозим эди. Интернационал партия ташкилоти ичида Мусулмонлар бюроси ва Мусулмонлар секцияларининг тузилиши совет Шарқидаги миллий республикалар ва областлар нокапиталистик йўлдан ривожланиб бораётган шароитдаги партия қурилиши процессида РКП(б) амал қилган ўтиш формаларидан бири эди”[4,363].

Шундай қилиб, Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг ташкил топиши минтақа сиёсий ва ижтимоий ҳаётида катта акс-садо берди. Маҳаллий миллат вакиллари бўлган мусулмон миллий коммунистлар Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти йилларида илк марта ўзларининг мустақил партия ва давлат органларига эга бўлишди. Бу ҳолат 1919-1920 йилларда Туркистонда юз берган мураккаб сиёсий, ижтимоий, ҳарбий ўзгаришлар ҳамда миллатлараро ва синфий муносабатларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистоннинг совет даврига оид тадқиқотларда асосан Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) қўлланилади. Бироқ 1918-1924 йилларда Тошкент ва Москвада нашр қилинган кўплаб китоблар ва даврий матбуот ҳамда расмий ҳужжатларда Туркистон ўлкасининг номи дастлаб Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси (1918-1920 й.), сўнгра Туркистон Совет Социалистик Республикаси (1920-1924 й.) деб номланган.
2. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА), 86-фонд, 1-рўйхат, 1525-иш, 4-15-варақлар.
3. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1,2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова. – Ташкент: Туркестанское государственное издательство, 1922. – С.1.
4. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969.
5. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 15-варақ.
6. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 9-варақ.
7. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 10-варақ.
8. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 12-варақ.
9. Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 200-иш, 2-варақ.
10. Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 24-варақ.
11. Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.). – Тошкент: Университет, 2002. – 168 б.

## МУҲАММАД РАҲИМХОН II “ФЕРУЗ” (1864-1910йй)

*Д.К.Бабожонов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива**М. Джуманиёзова, катта илмий ходим, “Ичан-Қалъа” давлат музей-кўриқхонаси, Хива*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг ҳаёт фаолияти ва ижоди, Хива хонлигининг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва адабий ҳаёти ёритилади.

**Калим сўзлар:** Хива хонлиги, Бобожон тўра, Муҳаммад Раҳимхон, тош босма, Иброҳим Султон, савдо-сотик, Нуруллабек, Тозабог, Нуруллабой саройлари.

**Аннотация.** В этой статье освещается жизнедеятельность и творчество хивинского хана Мухаммед Рахимхана II, и социально-политическая история и культурная жизнь хивинского ханства XIX века.

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, Бабажан туре, Мухаммед Рахимхан, литография, Ибрахим Султан, торговля, дворец Нуруллабека, Тазабаг, Нуруллабай.

**Abstract.** This article describes the life and work of Khivan khan Muhammad Rahimkhan The second, socio-political history and literary life of Khivan khanate in the 19th century.

**Keywords:** Khiva khanate, Babajan tora, Muhammad Rahimkhan, lithography, Ibrahim Sultan, trade, Nurullabek, Tozabogh, Nurullaboy palaces

Муҳаммад Раҳимхон II Саййид Муҳаммадхоннинг тўнғич ўғли, 1844 йилнинг баҳорида Хива шаҳрининг Қўҳна Арк саройида туғилган. Отаси унга бобосидек буюк инсон бўлсин деб Бобожон тўра деб исм қўйган. Шаҳзода ёшлигида саройдаги муаллимлардан сабоқ олиб, мадраса ёшига етганда мадрасада ўқиган, отасини ўлими туфайли мадрасани тугата олмаган, шундай бўлса ҳам туркий, форсийда ўқиб, ёзиб, гапириб билган, арабчани оз билган. Ўсмирлик пайтларида мироб, шоир ва сарой тарихчиси Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳидан сабоқ олиб комил инсон бўлиб етишган.

Муҳаммад Раҳим тўра 1864 йил 22 сентябрда 19 ёшида отаси ўрнига тахтга ўтирган.

Хоразм санъатининг сайқал топиши, абадийликка юз тутиши, бугунги авлодларга бой ва туганмас хазина сифатида етиб келиши бевосита Муҳаммад Раҳимхон Феруз номи билан чамбарчас боғлиқ. Муҳаммад Раҳимхоннинг доимий ҳомийлиги туфайли ўнлаб созанда, гўяндалар етишиб чиққан. Матякуб позачи, Матякуб Девон, Абдулла, Оллаберган сўта, Муҳаммад Амин межана, Худайберган Мухрон, Бобожон дўст, Абу Шариф Махсум, Машариф тўрғай, Бобожон Буломончи, Оташ Кал, Полли дўзчи, Қуржи ота, Девонбобо, Мадрахим Шерозий, Бола бахши, Мутриб, Сафо Муғанний каби истеъдодли санъаткорлар шулар жумласидандир. Ферузнинг адабиёт ва санъат аҳлига ғамхўр фидойилигига яна бир мисол: 1882 йилда Муҳаммад Раҳимхон Соний “Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин” дея махсус фармон чиқарган. “Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!” деб алоҳида таъкидлаган. Муҳаммад Раҳимхон II томонидан саройга йиғилган шоирлар, хонанда ва гўяндалар тўғрисида Ходим, яъни Бобожон Тарроҳ Азизов ўзининг “Хоразм новозандалари” асарида Хоразмда яшаган шоирлар тўғрисида қисқа лекин мукамал маълумотлар берган. Масалан: Шоир Муҳаммад Раҳимхон II нинг баёни:

Хоразмнинг подшоши бўлиб, номи Муҳаммад Раҳим иккинчи, отасининг номи Саййид Муҳаммадхон бўлгон, Муҳаммад Раҳимнинг адабий номи Феруз (бахтли, толеъли деган маънони беради) эди. Бу тахаллусни Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи танлоган. Лекин бунда Полвон Мирзобошининг ҳам иштироки бўлгон...”

Қўқон хонлиги ва Бухора амирлигини босиб олган Россия империяси 1873 йилда Хива хонлигини ҳам босиб олди. 1873 йил 12 августда Россия ва Хива ўртасида сулҳ шарномаси имзоланди. “Гандимён шартномаси” номи билан тарихда из қолдирган ва 18 моддadan иборат мазкур ҳужжат Хива хонлигини ярим мустамлака ва қарам (вассал) давлатга айлантирди. Шартноманинг 1 моддасида хон мустақил ташқи сиёсат ва савдо-сотик амалга ошириш, ҳарбий юришлар қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Гандимён шартномаси Хоразмнинг табиий ва нотабиий бойликлари (пахта, пилла, жун, балиқ, олтин захиралари, нозик санъат асарлари) таланишига, меҳнаткаш оммани маҳаллий бойлар қатори рус амалдорлари томонидан эксплуатация қилинишига, завод ва фабрикаларнинг қурилиши натижасида воҳадаги айрим хунармандчилик (мискарлик, кўнчилик, кулолчилик) соҳаларининг инқирозга юз тутишига кенг йўл очиб берди.

Хивага 1873 йилги юриш давомида қўшин таркибида қатнашган шарқшунос олим А.Л.Кунга (1840–1888) Петербург кутубхонаси ва музейлари учун илмий аҳамиятга молик ҳамма нарсаларни синчиқлаб текшириш ҳамда тўплаш топширилган эди. Натижада хон кутубхонасидан 300 га яқин қўлёзма-китоблар мусодара қилинган. Хива хонларининг танга пул зарб қиладиган 200 нусха қолипи, бир қанча муҳр, хоннинг тахти, 172 нусха мўғуллар даври тангалари, кўнғиротлар сулолаларига оид тангалардан 3 нусхадан, кўплаб этнографик буюмларни тўплаб империя пойтахтига жўнатилган [1]. Бу тўғрида Хива юришида қатнашган М.Алиханов–Аварский ўз эсдаликларида қуйидагиларни ёзиб қолдирганди: Амир тўра буйруғи билан очилган Ҳазорасп дарвозасидан соат 14.00 да ҳарбий мусиқа садолари остида Ичан қалъага кирган рус қўшинларни қўмондон фон–Кауфман зафар билан табриклади. Кейин у буюк князь Николай Константинович, шаҳзода Южин ҳамроҳлигида Аркка кириб, хон тахтига ўтирди. Икки соатдан

кейин генерал Н.И.Головачевга саройни сақлаш тўғрисида 100 аскар тайинлаш ҳақида кўрсатма берган кўмондон Шовот дарвозасидан чиқиб, генерал Н.И.Веревкиндан хабар олиш учун кетди. *Н.И.Головачев эса хон хазинасига кириб, у ердаги нарсаларни назоратдан ўтказди. У билан бирга хазинага кирган шарқшунос А.Л.Кун бор нарсаларни рўйхатга олди.*

“Хон саройини мусодара қилишда 300 жилдан иборат Шарқ кўлэзма намуналарини йиғиштириб олганман,— деб ёзганди А.Л.Кун. — Уларнинг каттагина қисмини тарихий асарлар ташкил қилади. Кўпчилиги ҳозирги хон, яъни кўнғиротлар сулоласи даврида форс тилидан Хива, турк лаҳжасига таржима қилинган. Бу асарларнинг форс тилидаги асл нусхаси билан бирга сақланаётганлиги, уларнинг кадр-қимматини янада оширади” [2]. Хазинадан олинган ва Рус императори кутубхонасига жўнатилган тарихий ёдгорликлар орасида 129 та ноёб китоб ва 140 та боғлам тарихий кўлэзмалар, 30 жилддан иборат шарқ шоирларининг девонлари, 50 томлик 40 та ҳуқуқ ва динга оид асарлар, 18 та "Куръон" ва 50 та дарслик китоблари бор эди. Улар орасида Алишер Навоий, Мирхонд, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Абулғозий Баҳодирхон каби алломаларнинг "Ҳамса", "Равзат ус-сафо", "Қиссаи-ул анбиё", "Тавсифи Куръон", "Шарҳи даламлюл ҳайрат", "Миратти каннот", "Китоби-рамль", "Фирдавс ул-икбол", "Дастони Қосим ва Гўрўгли", "Масави Шариф", "Баҳром Ҳамсаи Нарвон", "Китоби Саййид", "Тавсифи Кабир", "Шажараи турк" каби китоблар бор эди. Ушбу халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ёдгорликлар ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонаси ва Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Хазинадаги сандикларнинг аксарияти бўш бўлиб, фақат биттасининг ичи тўла танга эди. Улар орасида 20 та тилла ва 5 та кумуш муҳрлар, теурийлар даврига мансуб 172 та ва Хива хонлари зарб қилдирган кўплаб олтин тангалар, кўшотар милтик, тўпонча, олтин ва зумрад билан безалган қилич, ханжар, совут, дубулғалар, танга зарб қилинадиган 200 та қолиплар бор эди [3]. Саройдаги харам хоналаридан олинган нарсалар ҳақида Мак Гахан шундай деб ёзганди: “Кашмир шалилар (рўмоллари) дан ташқари бизнинг кўлимизга тушган қимматли нарсалар орасида 1000 дан ортиқ қадимги хитой чинилари эди. Улар орасида кичик чойнаклардан тортиб, каттароқ косалар, пиёлалар, 10 литргача суюқлик сиғадиган кўзалар бор эди. Уларнинг кўплари оқ ва қўқ рангда бўлсада, яшил, пути ва қизил ранглилари ҳам бор эди. Бир неча авлодлар томонидан йиғилган нодир чинни буюмлар синдириб–бузиб юборига қодир солдатлар томонидан ағдар–тўнтар қилинган. Айримлари эса уларнинг баҳосини биладиган офицерлар қўлига тушганди” [4] Хива усталарининг кандакорлик санъати намунаси бўлган тахт 1874 йил нодир ашёлар тўплами қурол-аслаҳалар палатасига юборилган. Хивадан олиб кетилган аёллар ва болалар кийимлари, олтин ва кумуш заргарлик буюмлари, Царское село кўриқхонаси, Петербург бадий рағбатлантириш жамияти музейи, Москва политехника музейларига тақсимлаб берилган. Хива хонлигидан таланган қимматбаҳо буюмларнинг катта қисми Россия Давлат Эрмитажи, Этнография музейларига ҳам олиб кетилган [5]. Шундан кейинги Муҳаммад Раҳимхон II нинг 37 йиллик ҳукмдорлик даври Россияга қарамликда ўтди. Бу даврда Россия бутун Марказий Осиё хонликларини босиб олган эди. Шундан кейин хонликлар ўртасидаги ўзаро уришлар тўхтади, куллик тизими тугатилди.



Тинчлик билан давлат ишларини бошқариш ва бунёдкорлик ишлари бошланди. Хон саройидан ва Хива шаҳридан талаб олиб кетилган китобларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида хон 1874 йилда Хива шаҳрида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб тош босмани ишга туширди, Эрондан Иброҳим Султон исмли устани чақиртирди ва Хива тошбосмахонасини ишга туширди, натижада жуда кўплаб нодир китоблар чоп қилинди, устани ишини кейинчалик хивалик шогирди Отажон Обдал ўғли давом қилдириб, уни санъат даражасига олиб чиқди. Кейинчалик Худойберган Девонов сураткашликни машқ қилиб, Хивада Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб фото-кино санъатига асос солди, уни Муҳаммад Раҳимхон ўз ҳимоясига олиб ҳомийлик қилди.

Ҳадисларида айтилганки: - “Мўмин кишига вафотидан сўнг савоби етадиган амали: - Тарқатган илми, қолдирган солиҳ фарзанди, мерос қолдирган иморатидир”. Қурилган иморатдан фойдаланган халқдан “раҳмат” эшитиш, бу катта савоб шудир. Ҳар ким имкониятига қараб, биров мадраса ё масжид, яна биров кудук қаздирса, биров дарахт ўтказган. Қурилган иморат ёки қаздирилган ариқ шу кишининг номи билан номланган. Хивада бундай ишларга Ферузхоннинг ўзи бош-қош бўлиб унинг ҳиссаси жуда каттадир. Унинг даврида қурилган иморатлардан 30 тадан зиёди ҳозиргача сақланган. Хоннинг ўзи Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида ёзги масжид ва айвон қурдирди. Хон Нуруллабекда Тозабоғда кўп кишиларни ватанли қилиб, уларга масжидлар қуриб берди. Узига Нуруллобойда ва Қибла Тоза боғда ёз кунлари халқнинг арзини тинглайдиган арзхона ва яшайдиган уйларни қурдирган. Шохимардон дарвозаси жануби-ғарбида битта қорихона ва масжид қурдирди. Қишлоқларда янги ариқлар қаздирди ва боғлар барпо қилди. Хон Кўҳна Арк қаршида 76 хужрали қилиб, катта мадраса қурдирди. Мадрасани олдинги қисми



икки қават ичкари қисми бир қават бўлиб ҳовлисидаги тўрт пештоқда Огаҳийнинг шеърлари кошнпаз усталар томонидан битилган. Муҳаммад Раҳимхон II даврида Матниёз девонбеги, Матмурод девонбеги, Иброҳимхўжа, Юсуп ясовулбоши, Хусайин Муҳаммадбой, Дўст Алъам, қозикалон Салим охун, Ислон хўжа, Муҳаммадпанобой, Матрасул мирзабоши ва бир қанча амалдорлар хондан ўрнак олиб кўплаб мадрасаларни қурдилар. Хивадаги саройлар ва қасрлар орасида энг машҳурларидан бири Муҳаммад Раҳимхон II томонидан 1897-1910 йиллари қурилган Қибла Тоза боғ ва Нуруллабой қасрларидир. Қасрлар кенглиги, меъморий услуби, Хива айвонларининг турли-туманлиги, техникасининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Қаср саройда – бир қанча ҳовлилар хон ва сарой аҳли, хизматкорлари учун, Хон ва унинг оила аъзолари учун бир неча айвон, ҳамда Европа услубида қурилган айвон ва катта хоналардан иборат, ўртасида катта ҳовуз ва гулзорлар бор. Қасрларнинг гир атрофи боғ билан ўраб олинган. Хон бундан ташқари Кўҳна Арқда жойлашган ҳарам ҳовлисини ҳам қайта қурдирган.

1870 йилда Хива шаҳрида тахминан 700 дан ортиқ майда хунарманд касибларнинг устахонаси бўлган. Шу жумладан, шаҳардаги 54 бўёқчилик, 37 та этикдўзлик, 33 маҳси-кавушдўзлик, 16 та кўнчилик устахоналари хон буюртмаси ва аҳолининг кундалик заруратини қондириш учун ишларди. Шаҳарда дўконлари бор 200 дан ортиқ савдогарларнинг 56 нафари баққолик, 38 таси базозлик, 32 таси чой ва тамакифурушлик, 15 таси чопонфурушлик қиларди. 1882 йилда Муҳаммад Раҳимхон илк бор Русияга сафар қилди ва император Александр III дан хонлиқнинг иқтисодиёти учун зарур завод ва фабрикаларни қуриш, савдо-сотик алоқаларини мустаҳкамлаш, бир вақтлар сиёсий маҳбус сифатида ҳибсга олинган амалдорларни озод қилишни сўради. Вазиятнинг ўзгарганлиги ва хоннинг итоатгўйлиги боис юқоридаги илтимосларнинг айримлари қондирилди. Хива ва Россия ўртасидаги салкам чорак асрлик иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар XX асрда амалга ошириладиган тадбирлар учун кенг йўл очиб, янги имкониятларни яратди.

Ўрта Осиёнинг истило қилиниши давомида тартибли ва уюшган ҳолда коллекциялар тўплашга асос солинган. Бу жараён расмий тарзда амалга оширилган. Бундан ташқари Ўрта Осиё халқлари маданиятига оид осори-атиқаларни арзон-гаровга сотиб олиб, хусусий бойлик орттириш пайида бўлган кишилар ҳам кам эмасди. Улар қаторида Зарафшон округи бошлиғи генерал А.Абрамов, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал Н.Головачев, Амударё бўлими бошлиғи А.Галкин ва бошқалар бўлиб, улар тўплаган коллекциялар ҳам ушбу даврга оид [6].

Рус олимларининг турли коллекциялар тўплаш фаолияти бир томондан Петербург, Москва музейлари, кутубхоналари, кўргазма заллар захираларини Ўрта Осиё буюмлари ва қўлёмалари билан тўлдиришга йўналтирилган бўлса-да, иккинчи томондан маълум вақт ўтиб, маҳаллий музейлар ташкил этиш ҳамда илмий жамиятларни ривожлантириш ишига ёрдам берди. Ўз ишларининг фидойилари бўлган олим, ўлкашунос, шифокор маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда Туркистонда европача тамойилдаги музейлар тўпламлари, қўлёмалар коллекцияларини йиғиш, оммавий кутубхоналарни ташкил этиш ишларини бошладилар. Жумладан, рус тадқиқодчиси Н. И. Веселовский бошчилик қилган археологик комиссия аъзолари Амударё бўлим бошлиғига мурожат қилиб, Хива хонлигидаги қадимий ёдгорликларни йиғиш ва сақлаш ишига эътибор беришни тавсия этади, Амударё бўлим бошлиғи бу тавсияни тўғри деб топиб, 1896 йил 18-январда Хива хонига қуйидаги мазмунда мактуб ёзадики: “Туркистон мамлакатидоғи ҳар турли нарсаларни сақлайтурғон саргоҳлар ўзларининг ишларини равшан муайян қилибдурлар. Мазкурларнинг муддаолари бурунғи замонлардан қолғон ҳар турлик иморат ва ҳар турлик нарсаларни барҳам бермай сақламоқдур. Ушбуни жаноби олийга маълум қилиб, ўтиниб тилайманким, мамлакатингиздоғи фуқораларигизга буюруб, бурунғи замонлардан қолғон ҳар турлик ажносларни барҳам ўлмослиғига амр этсангиз”.

Муҳаммад Раҳимхон II Амударё бўлим бошлиғининг фикрини маъқул топиб, бу ҳақда махсус фармонлар чиқаради. Жумладан, 1898 йил 12 апрелда Кўҳна Урганч, Хўжайли, Қўнғирот ҳокимларига: “**Қадимдан қолгон ёдгор нимарсаларни йўқ қилмасунлар, ҳар бир тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлгонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлса борлаб топиб мунда юборсун**” [7], деб буйруқ беради.

Хонлиқда ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалик ва хунармандчилик маҳсулотлари, осори-атиқалар ҳамда архитектура ёдгорликлари фотосуратлари Бутунроссия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиши натижасида Россия ва жаҳон халқлари Хоразм аҳолиси ҳаёти билан танишди.

1890 йили Тошкентда, 1895 йили Нижний Новгородда Бутунроссия кўргазмаси, 1900 йили Парижда, 1904 йили Американинг Миссури штатининг Сент-Луис [8] шаҳрида(олдинги манбаларда 1904 йилда Миссури штатининг Олои шаҳрида деб ёзилган экан лекин Миссури штатида Олои шаҳри йўқлиги ва ярмарка Сент-Луис шаҳрида 1904 йилда бўлиб ўтканлиги учун) ўтган халқаро ярмаркаларда Хива хонлигидан 16 соҳа бўйича ҳар бирдан учтадан хунармандчилик намуналари юборилган.

Амударё бўлим бошлиғининг 1899 йил 26 мартда Хива хонига йўллаган мактубида Париж кўргазмасига юбориладиган ашёлар рўйхати илова қилинган: Пахтадан тўқилган мато, туркман гилами, кигиз, палос, гилам ва палос, поёндози, чиройли бостирик( от ёпиғи), ҳар хил хуржунлар, ёстик, от тўрва, тўқилган турма( хотин-қизларнинг безакли ёпинчиғи), рўмол, айил қорчин (от қорнига тортиладиган, чармдан ишланган айил), туя устига ёпиладиган ва уйга осиб қўйиладиган нақш гулли чувоқлар( юнгдан тўқилган чойшаб, дорпеч), туркман ва ўзбек либослари, келиннинг бош оёқ сарпоси, чақолоқларнинг бош оёқ кийими, бешик ва бешик асбоблари, фил суягидан ишланган дастали пичоқлар, қиличлар, олтин ҳал



берилган қимматбаҳо тошлар билан безатилган ғилоблар, зотли туя ва яхши туркман отлари ҳамда уларнинг тақинчок ва эгар жабдуклари, ўтов тикишда фойдаланувчи юнгдан тайёрланган чизимча, турли рангдаги кошинли ғиштлар, ёғ соладиган хумча, қўл тегирмони, Хоразм обидаларидан 143 бинонинг Босмачинский томонидан олинган фотосуратлари кўргазмада намойиш қилиш учун юборилган.

Хоразмда XIX асрнинг охирида музей ташкил қилиш учун ҳаракат бошланган. Бунга Хива хонлигида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик маҳсулотлари, осори-атиқалар ҳамда архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари Россия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиши ҳам сабаб бўлган. Хива хонлигида архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш ишлари қадимдан одат тусига кирган бўлса, осори-атиқаларни йиғиш ва ажойибхона ташкил қилишга XIX аср охирида Феруз тахаллуси билан машҳур бўлган Муҳаммад Раҳимхон II даврида киришилган. Лекин, тўпланган буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг ўзида музей очилиши орқага сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилади.

1910 йил 16 августда хон 66 ёшида дунёдан ўтди Унинг жасади Саййид Моҳи Рўйи жаҳон мақбарасига дафн қилинди. Тахтда 47 йил 15 кун ўтирган Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон шубҳасиз Хива хонлиги тарихида ўчмас из қолдирган давлат арбобларидан бири эди.

Муҳаммад Раҳимхон ўзининг узоқ йиллар давомидаги хонлик даврида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди. *“Маълум бўлсинким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқ фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар”*-деб ёзганди Баёний.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 114-120.
2. Туркестанские ведомости, 1873, № 50.
3. Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // Туркестанский сборник. Т. 83. — С. 187.
4. Мак-Гахан. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. — М., 1875. — С. 199. // www:Kungrad.com.
5. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 353-401.
6. Содикова Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, - 1981. – Б. 34-35.
7. Омонбек Жалилов “Кўрғошин тахта” Фан ва Турмуш журнали. 10/1986 й. 31-бет.
8. Д.Бабожонов, Ш.Матёкубов “Ичан-Қалъа сирлари”// Тошкент-2020 й.

УЎК. 336.02

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ СОВЕТ ДАВЛАТИДА МАВЖУД СОЛИҚЛАР ВА УЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБЛАР

*Р.Р. Дусчанов, ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент*

**Аннотация.** *Иккинчи жаҳон уруши йиллари совет давлати бюджетни қўшимча маблағларга эҳтиёж сезди. Натижада уруш йиллари давлат бюджетидида солиқларни ошириши, тўловларни ундириши ишлари амалга оширилди. Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида жорий қилинган солиқлар турли адабиётлар ва архив манбалари асосида таҳлил қилиб берилди.*

**Калит сўзлар:** *Даромад олувчи, солиқ ставкаси, ҳарбий солиқ, солиқ суммаси, тушим, маҳаллий солиқ, йиғим, ер рентаси, транспорт, яхта.*

**Аннотация:** *Во время Второй мировой войны государственный бюджет советского государства нуждался в дополнительном финансировании. В статье анализируются налоги, введенные во время Второй мировой войны на основе различных литературных и архивных источников.*

**Ключевые слова:** *Получатель дохода, налоговая ставка, военный налог, сумма налога, доход, местный налог, сбор, арендная плата за землю, транспорт, яхта.*

**Abstract.** *During World War II, the state budget of the Soviet state needed additional funding. As a result, during the war years, measures were taken to increase taxes and their collection. The article analyzes the taxes introduced during the Second World War on the basis of various literary and archival sources.*

**Key words:** *Recipient of income, tax rate, military tax, tax amount, income, local tax, levy, rent for land, transport, yacht.*

Солиқларнинг илмий назариялари кўплаб давлатлар иқтисодини кўтарилиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Шундай бўлсада, дунёнинг деярли барча давлатларида солиқ сиёсатида ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ баъзи давлатларда ўзгаришлар амалдаги солиқ ундирилиш тизимининг асосларига даҳл қилмаган бўлса, бошқа давлатларда жамият тараққиётининг амалда ўзгарган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шартлари билан солиқ муносабатлари ўртасида юзага келган номуносаблик сабабли солиқ сиёсатининг принципиал асослари қайта кўриб чиқилди. Жумладан, социалистик давлатларнинг барчасида, Шарқий Германияда ҳам даромад солиғи ставкалари камайтирилди, баъзилари бекор қилинди, хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва хориж капиталларини жалб қилиш бўйича солиқ имтиёзлари киритилди. Бироқ имтиёзли солиқ ундириш тизими чинакам капиталлар киритилишини тўлиқ рағбатлантира олмади.

СССРда солиқ сиёсати икки мақсадни: молиявий – урушлар натижасида барбод бўлган иқтисодни кўтариш учун молиявий базани шакллантириш ҳамда кучли бозор муносабатларига асосланган давлатларнинг шаҳар ва қишлоқларида ўша давлатлар моддий позициясини кучсизлантириш, солиқ

солишнинг максимал оғирлигини аҳолининг ўзига тўқ қатламга юклаш, параллел равишда пролетариат, камбағал деҳқонлар, ёлланиб ишловчилар учун солиқ юкломаларини минималлаштириш вазифаларини бажариши лозим эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан давлат қўшимча маблағларга эҳтиёж сеза бошлади. Уруш йиллари мамлакат давлат бюджети ва молия соҳасида улкан қийинчиликлар юзага келди. Давлат бюджети мамлакатнинг кирим ва чиқимининг асосий кўрсаткичи бўлиши билан бирга маблағларни қайта тақсимловчи улкан молиявий механизм бўлиб, совет давлатида давлат бюджети куйидаги поғоналардан иборат бўлди: Биринчи поғона – иттифоқ бюджети, иккинчи поғона – иттифоқдош республикалар бюджети, учинчи поғона – маҳаллий бюджетлар. Ушбу тизимда даромадлар куйидан юқорига, тақсимот эса юқоридан куйига қараб амалга оширилди[1]. Уруш йиллари бўлса давлат бюджетидagi ҳолат солиқларни ошириш, тўловларни ундириш эҳтиёжларини келтириб чиқарди. Масалан, маҳаллий бюджетлар солиқ ва даромадлардан маълум қисмини ўзларига олиб қолиб, қолганини республикалар бюджетига ўтказганлар. 1942 йил Ўзбекистонда бу куйидагича кўри-нишда бўлган. Аҳоли даромад солиғидан-2,5 фоиз, давлат заёми суммасидан-1,5 фоиз, МТСлар даромадларидан-10 фоиз, колхозчи деҳқонлар солиғидан 2,5 фоиз қабилар маҳаллий бюджет даромадаларига олиб қолинган[2]. Бюджет харажатлари бўлса йилдан - йилга ошиб борди. Давлат бюджети 180 млрд. рублдан 1940 йилда 165 млрд. рублга, 1942 йилда ишлаб чиқаришдан келадиган даромаднинг камайиши билан 158 млрд.рублдан 108 млрд рублга тушиб қолди[3]. Давлат бюджети харажати ошиб фақат 1941 йилда 174,3 млрд.дан 1942 йилда 182,8 млрд.га ўсди, Ҳарбий харажатлар ҳам 56,7 млрд.дан 108,4 млрд.га ўсди. 1944 йилга келиб бюджет харажатлари 1940 йилга нисбатан 2,4 бараварга ўсди[4]. Юзага келган бундай мураккаб вазият бюджет тушумларини кўпайтириш заруратини келтириб чиқарди. Натижада харажатлар қаттиқ назорат остига олинди[5].

Уруш даврининг мураккаб молиявий шароитида иқтисод қилиш даражаси майда ҳалатларгача бориб етди. Масалан, 1942 йилдан республика бўйича телеграф жўнатмаларига харажатларни қисқартиришга қарор қилинди. Ҳукумат ва бошқа марказий бошқарув органлари телеграммалари 100 сўзгача бўлиши, бошқа орган ва ташкилотлар телеграммаларида сўз миқдори 50 сўздан ошмаслиги белгиланди.

Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда асосий ҳисобланмайдиган штат бирликлари тугатилди. Қисқартиришлар бутун ташкилотларга ҳам таалукли бўлди. Бундай қисқартиришлар рўйхатида турли ташкилот ва муассасалар, савдо шахобча-лар ҳам киритилди. Биргина 1942 йил 17 октябрдаги Ўзбекистон ССР ХКК ва КП(б) МҚнинг 1390-сонли қўшма қарори асосида республикада ойлик маош фонди 191906 сўмни ташкил этувчи, 501 штат бирлигига эга 29 та ташкилот ва муассасалар тугатилди[6]. Маданий-маърифий муассасалар тармоғи ҳам кескин қисқарди. 1940 йилдан Ўзбекистонда 2859 маданий муассаса ишлаб турган бўлса, 1943 йилда 1940 йилдагига нисбатан маданий-маърифий муассасалар 500 тага қисқарди, қишлоқларда 221 та кутубхона ёпилди[6].

1941 йил 21 ноябрда СССР Олий Советининг “СССРдаги бўйдоқ, ёлғиз ва кам кишилик оилаларга солинган солиқлар тўғрисида”ги[7] Фармонида кўра бўйдоқ, ёлғиз, кам кишилик оиласи бўлган СССР фуқароларининг солиқ тўлаши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эркаклар учун 20 ёшдан 50 ёшгача, аёллар учун 20 ёшдан 45 ёшгача қилиб белгиланди. 50 ёш ва ундан юқори ёшда бўлган эркаклар ва 45 ёш ва ундан юқори ёшда бўлган аёллар солиқдан озод қилинди.

1941 йил 29 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг “Ҳарбий солиқ тўғрисида”ги Фармони чиқди. Бу солиқни 18 ёшга тўлган СССР фуқаролари тўлади. Унга кўра минтақаларга қараб 150 рублдан 600 рублгача бўлган миқдорда қатъий белгиланган ҳарбий солиқ жорий қилинди[8]. Ҳарбий солиқ қандай ставка бўйича тўланиши тўловчиларнинг тоифаси ва улар оладиган даромадларга боғлиқ бўлди[9]. Даромад олувчи хунарманд, қосиблар ишчи ва хизматчиларга белгиланган солиқ ставкасидан уч баробар кўп солиқ тўладилар[10]. Ёш бўйича ҳарбий хизматга чақирилиши ёки сафарбар қилиниши лозим бўлган, аммо сафарбар қилинмаган ёки ҳарбий хизматдан озод қилинган фуқаролар улар учун махсус белгиланган ставкалар бўйича, ҳисобланган солиқ суммасини 50 фоизга кўпайтирилган тартибда тўланди. Ҳарбий солиқдан Қизил Армия аскарлари, офицерлар таркиби, ҳаракатдаги армияда хизматда бўлганлар, ҳарбий хизматчилар оилалари, давлатдан ёрдам пул (пособия) оладиганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари солиқдан озод қилинди. Ҳарбий солиқ 1946 йил 1 январдан бекор қилинди. Республика бўйича олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент вилоятида ҳар битта хўжалик аъзоси учун тўланадиган ҳарбий солиқ 370 рублни ташкил этган бўлса, бу Андижон вилоятида 480 рублни, Сурхондарё вилоятида 420 рублни, Хоразмда 350 рублни, Самарқандда 460 рублни, Фарғона вилоятида 360 рублни, Наманган вилоятида 460 рублни, Бухоро вилоятида 470 рублни, Қорақалпоғистон АССРда 390 рублни ташкил этган[11]. Бу солиқ амал қилиш даврида ҳарбий солиқ бўйича тушимлар 7,2 млрд. рублни ташкил қилган[12].

СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 апрелда “Маҳаллий солиқ ва йиғимлар тўғрисида”ги Фармони чиқди. Унга мувофиқ куйидаги – куриллишлардан ундириладиган солиқлар; ер ренти; транспорт эгаларидан олинадиган йиғим; ҳайвонлардан олинадиган йиғим қабилар белгиланди. Жумладан, Ушбу меъёрий-ҳуқуқий актга мувофиқ транспорт воситалари эгаларига дифференцияланган ставкалар бириктирилган эди (30 б.). Транспорт воситаларига куйидагилар киритилган: автомобиллар, мотоцикллар, велосипедлар, яхталар, қайиқлар, яликлар (икки ёки тўрт эшакли қайиқлар), паромлар (солсимон ясси кема), от-арава транспорти (халқ саноатида ишлатиладиган отлар ва бошқа ҳайвонлар). 28 б.га асосан йиғимлар қайд этилган (рўйхатда кўрсатилган) транспорт воситаларига эга ва шахарларда,

ишчи, дала ҳовли ва курорт поселкаларда яшовчи фуқаролар тўлаши шарт бўлган[13]. Маҳаллий ҳокимиятга маҳаллий солиқларни тушириш ёки қўшимча қўшиш ваколати берилган.

Уруш йиллари колхоз бозорларида нархлар ошиб борганлиги, оммавий ҳужумга учраган шаҳар аҳолисининг қишлоқларга қўчиши, улар билан мол –мулкнинг қўчирилиши сабабли “Мулк солиғи”, “Қишлоқ хўжалик солиғи”, “Даромад солиғи” каби солиқлар қўтарилди. СССР Олий Комиссариати Президиумининг 1942-йил 10-сентябрь Қарори билан ов итларини рўйхатдан ўтказиш йиғими ва томошалар учун ягона солиқлар жорий қилинди. СССР Олий Комиссариати Президиумининг 1942-йил 10-апрель қарори билан эса шаҳар ва посёлкаларда (шаҳарчаларда) маҳаллий Советлар томонидан чорва эгаларидан йиғимлар ташкил қилинди. Давлат бюджетига йиғиладиган баъзи тўловлар бошқасига алмаштирилади ёки бошқалари билан бирлаштириб юборилди.

Маҳаллий бюджетларни тўлдириш мақсадида СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 сентябрда “Томошалардан олинадиган солиқ тўғрисида”ги Қарори чиқди. Унга асосан томошалардан тўланадиган ягона солиқ ҳам киритилди. Ушбу солиқни давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотлари пуллик киносеанслар, цирк томошалари ва спорт мусобақаларини ўтказишдан олган ялпи даромадларидан турли хил ставкалар бўйича тўлди.

Ундан ташқари давлат божлари ҳам бўлиб, улар махсус ваколатга эга ташкилотлар - суд, давлат арбитражи, нотариал идоралар, милиция, ФХДЁ бўлимлари, молия тизими органлари, Халқ депутатлари Кенгашларининг ижро қўмиталари томонидан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар манфаатларидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни топшириш, даъво ва шикоят аризаларини кўриб чиқиш, битимлар, васиятномалар ва ишонч қоғозларини тасдиқлаш, фуқаролик ҳолатини ёки ЗАГС қайд қилиш, ҳунармандчилик билан шуғулланиш учун гувоҳнома бериш) учун олинган пул маблағлари эди[15]. Уруш йиллари турли соҳаларда қисқартириш ишлари бўлиб ўтди. Ҳатто, ҳукумат ва марказий органларнинг ўртасидаги турли телеграмма ёзишларининг сўзлари сони ҳам қисқартирилди.

Васиятнома, автомобиль ва мотоциклларни ҳадя қилиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлатиш ҳамда меросга эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиш учун тўланадиган давлат божлари СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 9 январдаги Қарорига биноан бекор қилинди. 1931-1942 йилларда жисмоний шахслардан, колхоз хўжаликлари ва яқка тартибдаги деҳқон хўжа-ликларидан олинган турар жой ва маданий-маиший қурилишлар учун тўлов 1943 йилда бекор қилиниб, даромад солиғига қўшилди[16]. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941-1945) ихтиёрий бадаллар тўлаш яъни, аҳоли маблағларини Мудофаа Фонди ва Қизил Армия Фондига жалб қилиш кенг тарқалди. 1941-1945 йиллар мобайнида бюджетга 111,7 млрд. рубл маблағ жалб қилиниб, улардан давлат ва кооператив корхоналардан тушган тўловлар (социалистик хўжалиқдан олинган даромадлар) 84,7 млрд. рублни ташкил этди[17].

1943 йил 30 апрелда СССР Олий Совети Президиумининг “Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида”ги Қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб 40 йил давомида даромад солиқнинг асосларини аниқлаштириб турди[18]. Бу қарорга кўра даромад солиғи тўлайдиганлар уч тоифага СССР фуқаролари, хориж фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга бўлинди[19]. Бу фуқаролар солиқни ойлик маошларидан, хусусий даромаддан, муаллифлик мукофотларидан, асосий иш жойидан ташқари олинган маошлардан тўлаганлар ва уларнинг солиқ ставкаси ҳам белгилаб қўйилган[20]. Масалан, маоши ойига 70 рублдан ошмаса, белгиланган маблағни, 71 рублдан ошса 25 коп. (35 фоиз), 101 рублдан ошса 8 рубль 20 коп. яна қўшимча 13 фоиз (100 рублдан ошганлиги учун) ҳаммаси бўлиб 8 рубль 33 коп. тўлаганлар. Энг юқори солиқ 90 фоизлик бўлиб, 15.000 рублдан ошиқ санъатда, адабиётда, илм-фанда муаллифлик ҳуқуқи учун мукофот олганлар тўлаган. Бу қонунга кўра ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, 3 даражали Шон-шухрат ордени билан мукофотланганлар, Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, бошқа ҳарбий хизмат вақтида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, Даромад солиғига давлат томонидан ҳомиладорлиги учун вақтинчалик ногиронлиги (ишсизлиги) учун, бола парваришида бўлганлиги учун, боқувчисини йўқотганлар, шунингдек иш вақтида жароҳат олганларга тўланадиган маблағлар киритилмаган. Бу қонун баъзи ўзгаришлар киритиб келиниши билан 1990 йилга қадар кучда бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, уруш бошланиши билан турли солиқ мажбуриятларидан ташқари ихтиёрий фондалар ҳам ташкил этилди. Жумладан, давлат банкининг барча бўлимларида Мудофаа фонди ҳам ташкил этилди. Халқ ўзининг қимматбаҳо буюмлари ва пулларини мана шу банкка ҳам топширдилар. Урушдан аввалги йилларда аҳолидан солиқлар ундирилган бўлса уруш йиллари маҳаллий аҳоли ўз ихтиёри билан маблағларни олиб келиб топширди. Уруш йиллари Мудофаа фондига 17,6 млрд. руб нақд пул, 13,2 кг. платина, 131,4 кг олтин, 9.519 кг. кумуш, 1,7 млрд рублик қимматбаҳо тақинчоқлар келиб тушди[21]. Ўзбекистонда ҳам урушнинг дастлабки кунларидан мудофаа жамғармасини ташкил этиш мақсадида ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, коммунистик шанбаликлардан ишлаб топилган пулларни, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлар, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топширдилар. Умуман, республика аҳолисидан 30 млн. рублик миқдорда пул Урушнинг дастлабки кунларининг ўзидаёқ республика аҳолисидан 30 млн. рублик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо бойликлар тушди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йиллари мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн. рубль пул, 22 кг. олтин ва кумуш топширди[22].



Шундай қилиб, турли хил ислохотлар сингари, солиқ ислохотлари ҳам, солиқ тўловларини йиғиш ва бюджетга тушириш тизими ҳам ўзгартирилди. Ушбу ислохотлар нафақат солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилди, балки уларда иттифоқ республикаларининг мустақил-лиги истагининг элементлари ҳам кузатилган эди. Қайта қуриш олдида СССРда амалда солиқ тизими мавжуд эмас эди, аммо унинг алоҳида элемент-лари бор эди. Солиқ тизимини шакллантиришнинг дастлабки белгилари фақат 80-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган деб айтиш мумкин.

Уруш йилларидаги қийинчиликларга қармасдан уруш йиллари совет давлати молия тизимида маълум ютуқларга эришди, бироқ, бу урушни молиялаштириш ва давлат бюджетини тўлдиришга сарфланди. Уруш туфайли қисқарган бюджет аҳолига солиқ ва бошқа иқтисодий мажбуриятларни кўпайтириш орқали қопланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда аҳолидан олинadиган солиқлар пасайишда давом этди, аммо қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самара бермади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоҷонов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих.фан.бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... – Тошкент. 2018. - 104 бет.
2. ЎзР МА Р- 837, рўйхат-32, йиғма жилд- 3270, -64 варақ.
4. <http://www.oboznik.ru/?p=43261>. Мурожат қилинган сана 20 декабрь 2019 йил.
5. Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва. Госполитиздат, - С.131.
6. Гладков И.А. История социалистической экономики СССР. В 7 т.-Москва. Наука, 1976-1980.- Т.5.-С.504.
7. Бобоҷонов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих.фан.бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ... – Тошкент. 2018. - 102-103 бетлар.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет (ст.сб.). – Ташкент. Узбекистан, 1967. – С.226-227.
9. Григорьев В.В. Эволюция имущественного налогообложения физических лиц в России в XX веке // Евразийская адвокатура. -№1, 2018. - С.11.
10. Ушак Н.В. Теория и история налогообложения. Учеб.пособ. / Н.В.Ушак.-Москва. Кнорус, 2009. – с.57.
11. Тарасова В.Ф. Семькина Л.Н., Сапрыкина Т.В. Налоги и налогообложение. – Москва. КНОРУС, 2007. - с.48.
12. Гритчина М.Н. Налоговая полтика в годы Великой отечественной войны // Региональная экономика: теория и практика. 2015. -№40, - С.58.
13. ЎзР МА Р-837, рўйхат -32, йиғма жилд-3747, 265 варақ.
14. ЎзР МА Р-837, рўйхат-33, йиғма жилд-6190, 4 варақ.
15. Раманова Л.С. Транспортное налогообложение: история развития и направления совершенствования // Вестник Бурятского государственного университета 2015. -№2, - С.88.
16. ЎзР МА Р-837, рўйхат-33, йиғма жилд-6190, 4 варақ.
17. ЎзР МА Р-837, рўйхат-32, йиғма жилд-3260, 7 варақ.
18. Толкушин А.В. История налогов в России. ... – с. 253.
19. Едронova В.Н., Телегус А.В. Элементы подоходного налогообложения физических лиц в налоговое политике советского периода // Финансы и кредит. – Москва. 2015. -№5, - С.55.
20. Толкушина А.В. История налогов в России. – Москва. Юристь, 2001.
21. Петухова Н.Е. История налогообложения в России IX-XX вв. Учеб.пособ / Н.Е.Петухова. – Москва. Вузовский учебник, 2008. – С. 360-361.
22. Гритчина М.Н. Налоговая полтика в годы Великой отечественной войны // Региональная экономика: теория и практика. 2015. -№40, - С.63.
23. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. – Тошкент. О'zbekiston, 2019. - 12 бет.

УЎТ 297.17(575.146)

### Б.А.КАЗАКОВ ИЛМИЙ МЕРОСИДА АБУ ХАФС КАБИР БУХОРИЙ ШАХСИ ВА МАҚБАРАСИ. МЕЪМОРИЙ МАЖМУАНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ

*Ш.Ф. Жўраев, илмий ходим, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, Бухоро*  
*А.И. Исқандаров, илмий ходим, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, Бухоро*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг шахси ва мақбараси ҳақида Бухоро музейида ишлаган шарқиунос Б.А.Казаковнинг илмий мақолалари асосида маълумот берилди. Материаллар қиёсий таҳлил асосида ўрганилган бўлиб, улуг шайх ҳамда унинг мақбарасининг халқ орасидаги обрў-эътибори тарихий манбалар асосида далилланади.

**Калим сўзлар:** Китоби Муллазода, Абу Ҳафс Кабир, Бухоро музейи, зиёратгоҳ, эпитафия, Куббат ул-ислом

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о личности и мавзолее Абу Хафса Кабира Бухари на основе научных статей, работавшего в Бухарском музее - востоковеда Б.А.Казакова. Материалы были изучены на основе сравнительного анализа, а авторитет великого шейха и его мавзолея среди народа подтверждается историческими источниками.

**Ключевые слова:** Китаби Муллазода, Абу Хафс Кабир, Бухарский музей, место паломничества, эпитафия, Куббат уль-ислам (купол религии ислам)

**Abstract.** This article describes the personality and the mausoleum of Abu Hafsa Kabir Bukhari based on the scientific articles of the orientalist B. A. Kazakov, who worked in the Bukhara Museum. The materials were studied



*by comparative analysis, and the authority of the great sheikh and his mausoleum among the people is confirmed by historical sources*

**Keywords:** *Kitabi Mullazoda, Abu Hafis Kabir, Bukhara Museum, place of pilgrimage, epitaph, Kubbat ul-Islam (Dome of the religion of Islam)*

Ҳазрати Имом – асл исми Абу Ҳафс Ахмад ибн Ҳафс ибн аз-Зиркон ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий бўлиб, бу тарихий шахс мусулмон оламининг етук намоёндаси, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган зот ҳақида илк ва ўрта асрлар тарихий манбаларида кўплаб маълумотлар келтирилган. Масалан, Сомонийлар даври сарой тарихчиси Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи асарида у ҳақида тўлиқ маълумот беради. [8] Ҳазрати Имом мажмуаси эса Бухоронинг қадим мусулмон қабристонларидан бири бўлиб, арабларнинг Бухорони фатҳ этганидан сўнг шаҳар намозгоҳининг шимол тарафида бунёд этилган. [2:67] XX аср бошларида Ҳазрати Имом ёхуд Ҳожатбарор мажмуаси жуда чиройли кўринишга эга бўлган. Унинг шимолий қисмида 3 та туғ, ҳазира ва “Мовароуннаҳр олимларининг устози” деган эпитафик ёзув мавжуд бўлган. [3:392]

Абу Ҳафс Кабир Бухорий тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, мақолалар ёзилган. Жумладан, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Араб ёзувидаги кўлёмаларни ўрганиш илмий маркази раҳбари, шарқшунос олим Баходир Абдушукурович Казаков томонидан ҳам бир неча махсус мақолалар эълон қилинган ёки мақолаларда у ҳақида кўшимча маълумот бериб ўтилган. Мақолалар илмий жиҳатдан фактларга бойлиги, маълумотларнинг аниқлиги билан ажралиб туради.

Олим томонидан ўтган асрнинг 90-йилларида даврий матбуотда эълон қилинган ишлар орасида Бухоро шаҳридаги қадимги қабристонлар ҳақида давомли мақолалар эълон қилинади. Уларнинг бирида Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳи ҳақида ҳам маълумот бор. [7:4] Мақолада муаллиф маълумотлар Муъин ал-Фуқаро Ахмад (Бухорийзода)нинг “Китоби Муллазода” асарида учрашини таъкидлайди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг шимолий дарвозасидан у(Абу Ҳафс Кабир)нинг зиёратига олиб борадиган йўлни маҳаллий аҳоли “Ҳақиқат” (“Ҳақрах”) йўли деб атайдди. [5:36] Муаллиф форс-тожик тилини мукамал билганлиги учун мақола тожик тилида нашр қилинган. Яна бир мақолада шу китобдаги қимматли маълумотлар сирасига Абу Ҳафс Кабирнинг улуғ қаромат соҳиби сифатида тилга олинishi ва замонавий олимлар уни ислом ҳуқуқшунослиги ханафия мазҳабининг Мовароуннаҳр ва Хуросон йўналиши асосчиларидан бири сифатида деб ҳисоблашларини таъкидлайди. [6:3]

“Китоби Муллазода”нинг муаллифи ўз асарини айнан Ҳожатбарор – Абу Ҳафс Кабир номи билан бошлаши ҳам бежиз эмас, зеро Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилган маълумотга қараганда, у Бухоронинг фахри ҳисобланиб, у туфайли шаҳар Қуббат ул-ислом номини олган, Абу Ҳафс Кабир шариатнинг назарий асосларини мукамал ўзлаштирган олим эди. [5:37] Шунингдек, шарқшунос олим асарни Наршахийнинг “Бухоро тарихи” ва “Тухфат уз-зоирин” асарларидаги маълумотлар билан таққослаб, ўзининг шахсий ҳулосасини ҳам бера олади. Жумладан мақола муаллифи “Тухфат уз-зоирин”да “Китоби Муллазода” асарида учрамайдиган жой ва шахс номлари мавжудлигига ишора қилади. [6:3] Аммо, шу ернинг ўзида Абу Ҳафс Кабир ҳақидаги маълумотни келтиришдан чекланади. Тарихий манбаларда Абу Ҳафс Кабир номининг келтирилиши ҳақида ёзар экан, муаллиф у ҳақида асарларда учрайдиган назмий ижод намуналаридан парчалар келтиради. Масалан, Мухлис Намангонийнинг “Тухфат ул-обидин” асаридаги шеърини байтни ҳам мисол тариқасида келтиради. [5:37] Унинг маъносига эътибор қаратсак, улуғ зотнинг шарафига ўқилган мактов юзага чиқади ва Бухоронинг доғруғи баландлиги, унинг (Имом ал-муслимин) ҳурмати юзасидан то қиёматгача шаҳардан файз кетмаслигини таъкидлайди. Абу Ҳафс Кабир шахсиятига доир таърифларни келтирар экан шарқшунос олим Наршахий асарида учрайдиган маълумотни ҳам иқтибос сифатида келтиради, яъни Ироқ олимларининг масалага ечим топмай Имом ал-муслиминнинг олдига ёрдам сўраб келганлиги ходисаси ҳам олимнинг қаламидан четда қолмайди. “Китоби Муллазода”да келтирилган Бухоро фарзандининг ўз шогирдларига қилган насиҳатини: “Илм ўрган ва илмдан таълим бер” деган шиорни алоҳида таъкидлар экан Б.А.Казаков улуғ зотнинг илм ўрганиш ва илмни таълим беришнинг бугунги кундаги аҳамиятига алоҳида урғу беради. Қолаверса, айнан шу китобда Абу Ҳафс Кабирни уч сифат билан аталганлиги: олим, омил ва зоҳид[5:36] ва уларнинг ҳар бирининг маъносига алоҳида тўхталганлиги музей ходимининг бу ишга юзаки ёндашмаган, балки чуқур илмий таҳлил ва асосли манбаларга таянганлигини кўрсатади. Шарқшунос томонидан бу уч атаманинг бир-биридан фарқли жиҳати тушунтирилган экан, унда уларнинг ўхшашликлари, шунингдек омил – ҳуқуқшуносликнинг бир тармоғи бўлиб, назарий ва амалий масалаларни мусулмонларга тушунтирувчилар сифатида талқин қилинади.

Б.А.Казаков Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳи ҳақида маълумот беради экан, бу зиёратгоҳнинг ўрнини батафсил тушунтиради. Ҳазрати Имом Бухоронинг шимол томонида дафн этилган. Вафот саналари тарихий манбаларда ва асарларда келтирилганидек, 217 ҳижрий йилдир. Шунингдек, муаллиф зиёратгоҳга олиб борадиган йўналишларни санаб, унинг бугунги кунда Ҳожатбарор дейилиши сабабини ҳам тушунтиради. [5:36] айрим манбаларга қараганда Бухорода яшаган кишилар, Кааба (қибла) томонини топишга қийналсалар, Абу Ҳафс Кабирнинг қабри бунга ёрдам беради. Яъни инсон тик турган ҳолатда қиблани топиш учун юзланса мақбара унинг ўнг томонида бўлиши шарт деб кўрсатилган. Муаллиф буни тожик тилида ёзилган мақоласида ҳам келтириб, маълумот “Китоби Муллазода”дан олинган дея таъкидлайди.

Мустақилликка эришилгач бу маскан яна ҳам обод зиёратгоҳга айлантирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу қабристон тарихий даврлардан буён шаҳар аҳолиси дафн этиб келинаётган ва бугунги кунда ҳам вазифасини бажараётган қабристон саналади. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган зиёратгоҳда масжид, хонақо, ҳовуз, минора ва бошқа тарихий ёдгорликлар мавжуд. Мажмуанинг шимолий қисмида жойлашган Ҳазрати Имом ҳазираси, зиёратхона ва бошқа иншоотлар 2009-2011 йиллар давомида қайтадан мукамал таъмирланди. Бу ишларга хаттот А.Раззоқов, сангтарош усталар Д.Сафаров, М.Аҳмедовлар бошчилик қилишди. Улар томонидан қадимги нақшинкорлик усулларидадан фойдаланган ҳолда қабртошлар зийнатланди.

Қабристондаги асосий иншоот бу Ҳазрати Имом ҳазираси саналади. Мазкур иншоотнинг гумбази ҳам нақшинкор ғиштлар билан безатилган. Кириш эшиклари янгидан барпо этилган бўлиб, бунда асосан қайрағоч дарахти, Сурхандарёдан келтирилган ёнғоқ дарахти, Австралиядан келтирилган қизил дарахт сингари материаллардан фойдаланилган ва уларнинг таркибига туя суяклари ҳам қўшилган. [2:71]

Мажмуада олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган қабртош бўлаклари тарихнинг ўқилмаган саҳифалари учун янгилик бўлиб хизмат қилди. Зеро бу эпитафиялар уларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлатади. Гарчи узилишлари бўлса-да улардан бири фақиҳ олимлардан бири Абу Ҳафс ас-Сағирга тегишлидир. [2:71]

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шарқшунос томонидан ёзилган мақолаларда Бухоройи шарифнинг фарзанди, шаҳарнинг Куббат-ул ислом мақомини олишга сазовор қилган етук олими, фақиҳи Хожатбарор, Ҳазрати Имом – Абу Ҳафс Кабир меъморий иншооти бугунги кунда гўзал масканга айлантирилган ва у ерда бир қатор таъмирлаш ишлари олиб борилган. Унинг меросини кенг жамоатчиликка маълум қилиш ва ўша давр муҳити ҳақида маҳаллий ва хорижий сайёҳларга маълумот бериш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, аммо шаҳарнинг номини шу даражага етишишига сабаб бўлган улуғ зотнинг зиёратгоҳи сайёҳлик йўналиши (туристик маршрут)дан тушиб қолганлиги бироз ачинарли.

Сўнги сўз ўрнида Мухлис Намангонийнинг “Тухфат ул-обидин” асаридagi шеърини байтнини келтиришни лозим топдик.

Ул кеча қўйдинг Бухорога қадам, эй поки нур,  
Бехузур эрди халойик, топдилар ул дам хузур,  
Хоки пойинг тўтиё айлаб, очилмиш чашми кўр,  
Шоми мотам мухтафий эрди, етишгач субҳи сур,  
Топти Исо жон дамингдин, балки амвоти қубур,  
Хурматингдин то қиёмат кетмагай андин футур,  
Ё Имом ал-Муслимин, ё Хожа бу Хафси Кабир  
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Альмеев Р. Бухара – божья прелесть. // Бухарский вестник. – 2007.- 20 янв. –Б.3
2. Архитектурная эпиграфика Узбекистана: Бухара. Ташкент: «Uzbekistan Today», 2016. -296 с
3. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан. С.Петербург: империя академия наук, 1904 г. 280 с.
4. Казаков Б. Буюк ипак йули чоррахаси. // Бухоро ҳақиқати. 1998. - 20.май. -С.5
5. Казаков Б. Ҳазрати Имам – Абу Ҳафс Кабир Бухари. // Бухоро мавжлари. 2007.- №4. - С.36-37.
6. Казаков Б., Ақобирова М. Бухоронинг тошбосма китоблари. // Бухоро ҳақиқати. – 1992. – 3 дек.
7. Казаков Б., Иброхимов Б. Мозороти шаҳри Бухоро// Бухоро ҳақиқати. -1991. - 4 окт.
8. Наршахий Бухоро тарихи. Тошкент: “Шарқ баёзи”. 1993 й, 126-с

УЎК 392.51

## НИКОҲ ТҮЙИ МАРОСИМЛАРИДАГИ ОВҚАТЛАНИШ ВА ТАОМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИНОНЧЛАР

*Н.М. Маткаримова, PhD, Урганч Давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада хоразмлик ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимларида тановвул қилинадиган таомлари ва улар билан боғлиқ ирим-сиримларнинг айрим кўринишлари таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** Никоҳ тўйи, ирим-сиримлар, миллий маросимлар, расм-русмлар, қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, ишонч-эътиқод, сеҳр-жоду, овқатланиш, озиқ-овқатлар.

**Аннотация.** В этой статье анализировано традиционные блюда хорезмских узбеков в свадебных обрядах, а также некоторые поверия связанные с ними.

**Ключевые слова:** Свадьба, поверия, национальные обряды и приметы, церемонии, традиции, реликты, магия, питания, традиционные блюда.

**Abstract.** The article analyzes different types of food served at wedding parties of those who live in Khorezm and some forms at local superstition.

**Keywords:** Wedding, superstition, national ceremonics, customs and traditions, religion, magic, eating, food.

Кишилар ўзларининг оила аъзоларини ва бошқа яқин инсонларини ҳар хил бало-қазолардан, ҳар турли ёмон кўзлардан асраш учун турли хил инончлар ва ирим-сиримларга амал қилишади. Кишилар орасида ирим-сиримларга ишонувчилар, амал қилувчилар билан бирга, унга эътибор бермайдиганлар ҳам

топилади. Аммо кундалик ҳаётимизда никоҳ тўйи билан боғлиқ инонч-эътиқодлар ҳам анчагина бўлиб, кўпинча одамлар унга беихтиёр амал қилишади. Чунки, тўйлардаги инонч ва табулар урф-одат ва маросимлар таркибига сингиб кетган ва анъана тарзида авлодлар орасида такрорланаверади.

Хоразм никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ иримлар-сиримлар орасида овқатланиш ва таомлар алоҳида ўрин тутаяди. Жумладан, овқатни шўр қилиб қўйган келинлар турмуш ўртоғини қаттиқ севар экан, деб изоҳланса, овқат энди сузилаётган ёки дастурхонга тортилаётганда кимдир эшикдан кириб келса, қайнонаси жуда ҳам суяр экан, деб инонч билдиришади [4,50]. Паловнинг иссиқ гўштини қўлда тўғраган кишига яхши келин тушади, дейишади кўришади [дала ёзувлари №1].

Совчилар келганда, фотиҳа тўйида ва умуман тўй билан боғлиқ барча маросимларда (асосий никоҳ тўйидан ташқари) дастурхонга аччиқ пиёз, мурч, гармдори, ва спиртли ичимликлар каби аччиқ нарсалар қўйилмайди [4,56]. Чунки, икки хонадон ўртасида янги ришта боғланаётган пайтда аччиқ таомлар муносабатларга салбий таъсир ўтказаяди, деб ўйлашади. Шунинг учун ҳам совчиликда ҳам, фотиҳа тўйида ҳам куёв тарафдан келин хонадонига фақат ширинликлар олиб келинади [дала ёзувлари №2]. Қуда бўлиб келган меҳмонларнинг пешонасига ун суртилиб, ширинлик тарқатилади. Пешоналари оқ юзлари ёруғ бўлсин, тиллари ширин бўлсин, деган ниятда шундай қилинади [1,225]. Келин келганда оқлик деб, сариёғ солинган қатиқ ёки сут тортишади. Бунинг маъноси, янги қудалар бу хонадонга пок ният-у, ҳалимдай юмшоқ бўлиб келишларини англатади. Куёв кўрар маросимида сутбурунч таоми тортилади. Сутбурунч таоми халқ орасида пайғамбар оши дея, эътироф этилади. Пайғамбарлар ҳам куёвини сийлаган деб, куёвларга сутбурунч таоми едирилади. Меҳмонларга сутбурунчи овқати оқлик, яхшилик сифатида ҳам бериледи. Қудалар ёки куёв бола сутбурунч тановул қилган лаганда ортиб қолган таомдан “бизларни ҳам етказсин”, – деб ният қилиб бошқалар ҳам татиб кўришади [дала ёзувлари №3].

Аммо никоҳ тўйи куни келин-куёв хонасига совуқ сув киргизилмайди. Бу билан уларнинг орасига совуқлик тушмаслигини тилайдилар [1,225]. Келинга ҳам совуқ сув ичирилмайди. Совуқ сув рамзий маънода муносабатларнинг салбий бўлишига ишора бўлса, келиннинг соғлиги ҳақидаги ғамхўрлик унинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Яна бир инончга кўра, никоҳ тўйи куни куёв хонадонига элга ош бериледи. Бу ошдан келин ва унинг қариндошлари ҳам баҳраманд бўлишади. Ана шу ошнинг ёғини келин ўзининг турмушга чиқмаган қариндоши ёки дугонасининг пешонасига суртса, ўша қизнинг тўйи бўлади, деган ирим мавжуд. Аҳамиятли томони шундаки, бажариладиган барча амаллар қутилмаганда, эгасига сездирмасдан, огоҳлантирмасдан қилинсагина амалга ошар экан [дала ёзувлари №4].

Ҳаётлари ширин бўлсин деб чимилдикда келин-куёвларга новвотли ширин сув ичирадилар. [3,47] Тўй куни куёв ва келин ичган новвот сувидан ёки келин хўплаган идишдан қатиқ ва сутни ичган қизларнинг тез орада тўйлари бўларкан [дала ёзувлари №5].

Фотиҳа ва никоҳ тўйларида дастурхонга қўйиладиган ҳамма нозу-неъматлар, нондан тортиб, ўртага қўйиладиган ликопчаларнинг сони ҳам санаб, жуфт-жуфт қилиб қўйилади. Асло тоқ қўйилмайди [дала ёзувлари №6]. Келин-куёвнинг доимо жуфт бўлиб яшашлари учун шундай ирим қилинади.

Никоҳ тўйи маросимидаги барча инонч ва табулар оила мустаҳкамлиги ва наслининг соғлом ва бардавом бўлишига қаратилган. Маросимлар таркибида мева-чевалар билан боғлиқ жудаям кўплаб иримлар ҳам мавжуд. Масалан, келин қўшянасининг (гўшанга, чимилдик) икки тарафига мевали дарахт шохларидан (асосан илгиштирик, олма, жийда, тут) кесиб, боғич боғланади. Ана шу дарахт меваларидай авлодлари кўпайсин дея, ният қилинади. Ҳеч қачон мевасиз дарахтдан боғич ясалмайди. Қўшянага боғич бўлган дарахт шохларини келин асраб қўяди ва фарзандли бўлганда бешик-ўртик (бешик-ўртик – бешикнинг устига ёпиладиган ёпинчиғи) нинг боғичи сифатида фойдаланади. Г.П.Снесарев бу ҳолатни, “мевали дарахтларнинг сеҳрли аҳамияти унинг манتيқий якунигача давом этади” [2,76], –деб изоҳлайди. Диний тусдаги сеҳргарлик элементлари ҳам келин-куёвларнинг серпуштлигини тилаб, уларни турли ёвузликлардан ва ёмон кўздан сақлашга қаратилган амаллардан иборат [1,88].

Ҳазорасида эса никоҳ тўйи куни “олма отиш” маросими ўтказилади. Маросимга кўра, куёв келиннинг орқасидан олма отади. Бу ҳам серфарзандликка, авлодлар давомийлигига қилинган ишорадир. Келин келган пайтда қудаларнинг пешонасига суртиладиган оқ ун солинган идишга ширинликлар, қанд-курс билан биргаликда жийда, майиз, ўрик қоқидан ҳам солинади. Чунки, жийда, тут, ўрик дарахтлари ҳам ҳосилдорлик рамзи ҳисобланади.

Бундан ташқари қовуннинг ҳам сирли хусусияти эътироф этилади. Хоразмда илгарилари йигит-қизлар ўртасида ўйналадиган “Ширинновот” ўйини мавжуд бўлганлиги ҳам қовун образи рамзий маънода балоғат ёши билан, севги, оила, ҳосилдорлик, фарзанд ғоялари билан алоқадорлигини кўрсатади [6,37]. Маълумки, қовун серуруғ, кўп ҳосил берадиган, ширин неъматлардан бири. Шунинг учун ҳам “ширинновот”га эга бўлиш орқали бамисоли қовундай серпушт, яъни серфарзанд бўлишга истак билдирилади.

Халқ орасида шундай ақидалар ҳам борки, фикримизча улар ҳақиқатдан бирмунча йирик. Чунки, пиширилган сутнинг қозондаги юқини ёки қозондаги овқатнинг қирғичини севиб истеъмол қиладиган қизларнинг тўйида қор ёки ёмғир ёғади дейишади. Яна паловни тўкиб еган қизнинг бўлғуси умр йўлдоши пиёниста бўлади, деган гаплар ҳам бор [дала ёзувлари № 7]. Бундай ақида ва иримлар асосан, тўғри овқатланиш тартиби ва гигиена талабларини таъсирли ва самарали ўргатиш билан изоҳланса керак. Чунки,



инсон психологиясида келажакда у билан боғлиқ бирон салбий ҳолат содир бўлишидан хавотирланиш ва ундан ҳимояланиш инстинкти юқори даражада шаклланган бўлади.

Турли хил инонч-этиқодлар халқ турмушига минг-минг йиллардан буён ҳамроҳлик қилиб, сингиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам бундай иримчилик одатини ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиш, унинг моҳиятини англаш, ҳаётий жиҳатдан далилланганларига амал қилиш, инсоният тажрибасидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И. Жобборов. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Ўқув қўлланма.– Т.: “Ўқитувчи”, 2003, 71-бет.
2. Г.П. Снесарев. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. 2018, 84-бет.
3. Т. Мирзаев, О. Сафаров, Д. Ҳраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. “Алоқачи” – 2008, 225-бет.
4. Хоразм фольклори. XI том. Урганч-2010
5. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., “Фан”, 1993, 224-бет.
6. Жумабой Юсупов. Эпик анъаналар генезиси. Урганч. 2008, 37-бет.
7. Дала ёзувлари №1. Маткаримова Садоқат. Урганч шаҳри Миришкор кўча, 2019 йил.
8. Дала ёзувлари №2. Жуманиёзова Пошшажон, Урганч тумани, Дўрман қишлоғи, 2018 й.
9. Дала ёзувлари №3. Ибрагимова Аноргул. Қўшқўпир тумани, Қатағон қишлоғи, 2019 й.
10. Дала ёзувлари №4. Қутлимуратова Гулчехра, Урганч тумани, Бегобод қишлоғи, 2018 й.
11. Дала ёзувлари №5. Маткаримова Нилуфар, Урганч шаҳри, 2019 йил.
12. Дала ёзувлари №6. Матқубова Зулхумор. Урганч тумани, Дўрман қишлоғи, 2018 й.
13. Дала ёзувлари №7. Аллаберганова Садоқат. Урганч тумани, Мевазор кўча, 2020 йил.

УЎК 398.316

### ХОРАЗМ ВОҲАСИ НИКОҲ ТҶЙЛАРИДА ОЛОВ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР

*Н.М. Маткаримова, PhD, Урганч Давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** *Ўзбек урф-одат ва маросимларини ўрганиш бугунги илмий жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада хоразмлик ўзбекларнинг никоҳ тўйларида олов култи билан боғлиқ маросимларнинг айрим кўринишлари таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** *Никоҳ тўйи маросими, зардуштийлик, диний тасаввурлар, олов култи, чироқ ёқиш, ўчоқ, исирик тутатмоқ, ирим-сиримлар, оила мустаҳкамлиги, ишонч-этиқод, сеҳр-жоду, кўз тегиши, инс-жинслардан ҳимоя.*

**Аннотация.** *Изучение узбекские обычаи, традиции и проведение мероприятий, уделяет особое внимание в современном, научном процессе. В статье анализируются некоторые аспекты ритуалов, связанных с культом огня на свадьбах хорезмских узбеков.*

**Ключевые слова:** *Свадьба, зароастризм, религиозное воображения, культ огня, зажечь лампу, очаг, возжечь гармалу, обычаи и привычки, обряды и примет, церемония, традиция, доверие, убеждение, заколдовать, сглазить.*

**Abstract.** *The study of Uzbek customs and traditions plays an important role in today's scientific process. This article analyzes some of the rituals related to firefighting in the Khorezmian Uzbek weddings.*

**Keywords:** *Weddings, wedding ceremonies, religious scenes, fireworks, burning lanterns, ovens, incense, sorrows, family fortitude, faith, beliefs, magic, eye contact, protection from anthropics.*

Ўзбек оилавий-маиший маросимлари тизимидаги анъанавий урф-одат ва удумларнинг тарихий асослари бевосита зардуштийлик ритуаллари ҳамда «Авесто» мифологиясида ўз ифодасини топган олов култи билан боғлиқ этиқодий инончлар тизимида боғланади. Олов култига ишониш билан алоқадор қадимги тасаввурлар ҳамда урф-одатлар Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг оилавий-маиший маросимларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Тарихий манбаларда қайд этилган материаллар ҳамда биз томонимиздан олиб борилган этносоциологик кузатишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг, айниқса хоразмликларнинг никоҳ тўйи маросимларида олов култи билан алоқадор қадимги тасаввурлар таъсирида юзага келган кўплаб удумлар сақланиб қолган.

Маълумки, Зардуштийлик динида олов жуда муқаддас ҳодиса ҳисобланган. Шу сабабли бўлса керак, Хоразмда ҳозир ҳам оила ва никоҳ масалаларида олов билан алоқадор инончлар фаол қўлланилади. Келин минган уловни олов устидан ўтказиш, куёв хонадонига келиннинг чироқ ёққан ҳолда келиши ва шу орқали инс-жинслардан ҳимояланиш, исирик тутатиш каби одатлар шулар жумласидандир [1]. Олов култининг маросим талқини никоҳ тўйи маросими таркибидаги қадимий удумлардан бири – келин минган уловни куёв хонадонига яқинлашганида олов устидан ўтказиш одатидир. Қадим айёмдан Хоразмда никоҳ тўйида келин келадиган йўлнинг икки томонида гулхан ёққанлар ва келин тушган «бўлиш арава» ана шу олов орасидан ўтгач, куёвнинг уйи томон йўл олган. Г.П.Снесарев бу удум «Ўрта Осиё халқларининг олов билан покланиш маросими асосида келиб чиққан» [2] деб таъкидлайди. Кейинчалик, келин минган машина куёв хонадонига яқинлашганда, ёниб турган оловнинг устидан ўтадиган бўлди. Сўнги пайтларда енгил автомобилларнинг кўпчилиги суултирилган газ билан тўлдирилганлиги боис, хавфсизлик нуктаи-назаридан олдин олов ёқиб, ўчирилади ва кейин келиннинг машинаси ўтиб, куёвнинг хонадони олдида тўхтади [3]. Бугунги кунда буни янада ихчамлаштириб, кичик қоғоз парчаси ёқилади ва келиннинг ўзи



унинг устидан ўтади. Келиннинг ўзини ёки у минган уловни олов устидан ўтказишда моҳият битта, яъни сеҳр-жоду билан боғлиқ ғайриоддий инс-жинс ёки шунга ўхшаш нарсаларни куёв хонадонига яқинлаштирмаслик. Олинган маълумотларга кўра, келин келганда ўтнинг устидан ўтказилса, инс-жинслар ёниб кетармиш [4].

Келин ота уйини тарк этар экан, ўзи билан отаси ёқиб берган чирокни олиб кетади ва келин дугоналаридан бири чирокни кўтариб олади. Келин машинага миндирилади ва келин янгаси машинанинг олдида чирокни тутиб ўтиради ва уни ўчирмасдан куёвнинг уйига олиб борадилар. Шундай қилинса, келин-куёв оиласининг чироғи сираям ўчмайди, ҳаёт йўли ёруғ бўлади, деб яхши ният қиладилар [5]. Чирок билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам учрайди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ҳам келин уйдан чиққанда чирок ёқтириб, ўзи билан бирга олиб чиқади ва куёвнинг уйига ҳам ёқилган ҳолда киритилади [6]. Шунда келиннинг йўли ёруғ бўлармиш. Бу чирок келиннинг отаси томонидан ёқиб берилган ва то куёвнинг уйига етиб боргунча чирокни ўчиб қолмаслигига ҳаракат қилинган ва уч кундан кейин ўчирилган [7]. Бу ҳам олов билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, зардуштийлик таълимотига кўра оловнинг ўчиб қолиши яхшилик аломати эмас. Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳризабз шаҳарларида никоҳ кечаси куёв ва келиннинг турмуши ёруғ бўлсин, деган мақсадда уларга чирок кўрсатишган, булунғурликлар “куёв билан қиз иккови иссиқ юзли бўлсин” деб никоҳ тўйида уларга чирок кўрсатишар экан [8].

Хоразмда шунингдек, ўчоқдаги оловга сув сепиб ўчириш ҳам мумкин бўлмаган, чунки олов ўзи ўчиши керак деб ўйлаганлар. Сабаби ўчоқдаги ўт атайлаб ўчирилса, ўша оилада ҳам бирор фалокат рўй беради, деб қўрққанлар. “Ўчоғинга сув қуйилгур”, деган қарғиш ҳам шундан келиб чиққан [9]. Халқ қарашларига кўра, ўчоқдаги ўтда – шу хонадон аҳли ота-боболарининг руҳи намоён бўлар эмиш. Ўчоқдаги оловни ўчириш – аждодлар руҳининг рамзий мадади ва руҳий ҳомийлигидан маҳрум бўлишни англатган.

Кўз тегишига қарши тутатиладиган исирик энг оммавий ҳимоя воситаларидан бири ҳисобланади. Исирик ёвуз руҳларни қувади. Бу ўсимлик энг қадимги авестовий воситалардан бўлиб, форсча “сипенд”, Авестода “спента” номи билан юритилади. К.А.Иностранцевнинг ёзишича, қадимги Эрон инончларига қараганда, исирик ибтидоий муқаддас омиллардан биридир [10]. Демак, ўзбек оилавий-маиший маросимлар тизимидаги бу каби анъанавий урф-одат ва удумларнинг тарихий асослари бевосита зардуштийлик ритуаллари ҳамда «Авесто» мифологиясида ўз ифодасини топган олов култи билан боғлиқ эътиқодий инончлар тизимида боғланади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.82.
2. Г.П. Снесарев. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. 2018, 84 бет.
3. Иностранцев К.А. Санидские этюды. СПб., 1909, с.97; Снесарев.35 бет.
4. Сапарбой Рўзимбоев, Нодира Собирова. Авесто Мифологияси ва Хоразм фольклори. Урганч-2001 йил, 10-бет.
5. Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари. Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2002, 78-бет.
6. Хоразм фольклори. XI том. Урганч-2010, 44-49 бетлар.
7. Дала ёзувлари. Ибрагимова Аноргул. Кўшкўпир тумани, Қотоғон қишлоғи, 2017 й.
8. Дала ёзувлари. Қутлимуратова Гулчеҳра, Урганч тумани, Бегобод қишлоғи, 2018 й.
9. Дала ёзувлари. Қутлиева Сўнажон, Урганч шаҳри, 2018 й.
10. Дала ёзувлари. Матёкубова Зулхумор. Урганч тумани, Дўрман қишлоғи, 2017 й.

УЎК 39 (392)

#### ХОРАЗМ ХАЛҚ АНЪАНАВИЙ ЎЙИНИ - “ПАЧИЗ” ЎЙИНИ ХУСУСИДА

У.Б. Маҳмудов, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм халқ ўйинларидан бири бўлган, лекин бугунги кунга келиб унутилиб кетган “Пачиз” ўйининг тарихий илдизлари, ўйналиш услублари ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Пачиз, пачоз, ду, се, чор, чакка, даст, бора, пикка, талак, илон бош, пачиз “дастурхони”

**Аннотация.** В данной статье рассказывается об одной из забытых народных игр Хорезма называвшийся “Пачиз”, о ее исторических корнях, стилях и особенностях игры.

**Ключевые слова:** Пачиз, пачоз, ду, се, чор, чакка, даст, бора, пикка, талак, змеиная голова, пачиз “стол”

**Abstract.** This article gives information about one of the forgotten folk games of Khorezm up to this days called “Pachiz”, its historical roots, playing styles and traits.

**Key words:** Pachiz, pachoz, du, se, chor, chakka, dast, bora, pikka, talak, snake head, pachiz “table”

Ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари ўзининг узоқ ўтмишга эгаллиги, ўзига хос қизиқарли ва жозибадорлиги билан аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маънавий бойлигимиз, кадрятларимиздан саналади. Халқ ўйинлари тараққиётнинг барча босқичларида ўз даври одамларининг ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнат шароити, миллати, дини ва бошқа ўзига хос белгиларини ўзида мужассам этиб

келган ва иштирокчиларда чакқонлик, чидамлилик, ижодий топағонлик, ғайратлилик, кучлилик сифатларини тарбиялашга хизмат қилган.

Пачиз ўйини халқ ўйинларидан бири бўлиб, лекин ўтган асрнинг 60-70 йилларига қадар ўйналиб келинган ва ҳозирги даврда унутилиб бораётган ўйинлардан биридир.

Пачиз ўйини одатда зиёфатларда ўсмир йигитлар томонидан ўйналган. Хоразмда эркаклар зиёфат ўтказишининг тартиб-қоидалари мавжуд бўлган. Эркаклар зиёфатлари ўйин-кулгу, шод-у хуррамликда ўтиши учун турли хил ўйинлар ўйналган. Пачиз ўйини шундай зиёфатларга кўтаринки кайфият улашувчи ўйин сифатида алоҳида ўринга эга бўлган.

Ушбу ўйин ўйналиш услуби ва ўйин элементлари жиҳатдан нарди ўйинига ўхшаб кетган.

Этнограф олим Г.Снесарев маълумотларига кўра, пачиз ўйини республикаимизнинг фақат Хоразм худудида ўйналган [5, С. 82.].


Пачиз ўйини зиёфат ўтказилиб турган хонада, маълум бир вақтда (одатда таом тортилгандан сўнг) ўтказилган. Ўйинда одат бўйича ё иккита, ё тўртта ўйинчи иштирок этган. Уларнинг ҳар бириги тўрттадан от (пиёда) берилган ва ушбу отларнинг барчаси ўйинда бир хил қийматга эга бўлган. Ўйинни бошқариб бориш учун зиёфат иштирокчилари томонидан оғабий (дастурхончи) танланган. У ўйинни тўғри ташкил қилишни, ўйин иштирокчилари ўйин қоидаларига амал қилишларини назорат қилган [3].

Ўйин махсус ўйин дастурхонида (уни маҳаллий халқ “пачиз дастурхони” деб юритган) ўтказилган (**1-расм**). Ушбу дастурхон одатда оддий қора ёки қўқ бахмал матосига мос ишлардан тикилган. Одатда уларни аёллар ёки хунармаңд эркаклар (пўстиндўз, кейинчалик тикувчилар) тикишган. Дастурхон орқа томонига астар тикилган. Ўйин тугаганидан сўнг дастурхоннинг тўртта қаноти букланиб, пиёдalar дастурхон марказидаги чўнтакка солиниб олиб қўйилган. Дастурхон гилам устига ёйилган ва гилам устига ўйин чиганокларини ташашган. Ўйинда чиганокларни барча ўйинчи ташлаган, лекин пиёдани фақат битта, яъни томонларнинг бош ўйинчиси юрган [4].



**1-расм. Пачиз дастурхони. Хива Ичанқалъа музей-қўриқхонаси амалий санъат музейида сақланаётган экспонат**


Дастурхон 96 катакчадан иборат бўлган. Ушбу катакчалар бўйлаб отлар ҳаракатланади. Ҳар бир от ўйин доскасининг марказий қисмидан (у “талак” деб номланган) ҳаракатланиб, доскада периметр бўйлаб айланиб яна марказга қайтиб келган (**2-расм**). Ҳар бир юриш етти қобиқдан иборат ўйин суяги (чиганок)ни ўйин майдонида ташлашдан қўлга киритилган ҳисоб орқали амалга оширилади. Бу жараёнда рақиб пиёдасини мағлуб қилиб уни қайтадан марказий нуқтадан ўйин бошлашга мажбур этилган. Ўйинда ким биринчи бўлиб тўртта отини марказга киритса, ўша ғолибликни қўлга киритган [5, С. 83.].



**2-расм. Пачиз дастурхонида от (пиёдани) ҳаракатланиши**

Ўйинда ўйин суяклари – илон бошига ўхшаган чиганоклардан танланган бўлиб, улар Хоразмда “илон бош” деб юритилган (**3-расм**). “Илон бош”лар майда-чуйда ашёлар сотиладиган бозорлардан топиш мумкин бўлган ёки ўйинчилар томонидан чиганокларга керакли шакл ва вазн берилиб ясалган. Унинг орқа томони кесилиб, қирралари текисланиб, тешики қўрғошин ёки мис билан тўлдирилади. Солинган металл

устки қисми мум билан мустаҳкамланади. Шундан сўнг чиғаноқлар отишда керакли шакл ва оғирликка эга бўлган. Табиий ёрилган томони “пикка”, мум билан қопланган тарафи эса “чикка” деб юритилган. Етти чиғаноқнинг аралаш “пикка” ёки “чикка” тушиши орқали ҳисоб (очко) аниқланган. Бундай ҳисобларнинг 8 та усули бор ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга: 2 дона пикка ва 5 дона чикка тушса - 2 очко, уни “ду”, 3 дона пикка ва 4 дона чикка тушса - 3 очко, уни “се”, 4 дона пикка ва 3 дона чикка тушса - 4 очко, уни “чор”, 7 дона чикка тушса - 6 очко, уни “чакка”, 1 дона пикка ва 6 дона чикка тушса - 10 очко, уни “дас”, 7 дона чикка тушса - 12 очко, уни “бора”, 5 дона пикка ва 2 дона чикка тушса 25 очко, уни “пачиз”, 6 дона пикка ва 1 дона чикка тушса - 30 очко, уни “пачоз” каби номлар билан аталган [4].



3-расм. Пачиз ўйин чиғаноқлари – илон бошлар

Ўйин дастурхонида махсус катакчалар бўлиб, у “чирахона” деб номланган, бу хона дахлсиз бўлган. Бу хона бошқа катаклардан ажралиб туриши учун махсус белгилари мавжуд бўлган (масалан биз келтирилган расмларда катакча бошқасидан “X” белгиси билан ажратилган). Бошқа хоналарда турган отни рақиб ўз оти билан уриб чиқарган, чирахонада турса дахлсиз ҳисобланган [4].

Ўйин жуда ҳам қизгин, баҳсли билан ўтган. Ўйин қизик кечганлиги боис вақт қандай тез ўтишганини билишмаган. Чиғаноқларни баландга отиш, турли хил нидолар (“гал пачиз”, “ё пирим” ва бошқа), атрофдаги томошабинлар ўйинчиларга омадлар тилаб туришган. Айниқса, ўйин охирида эҳтирослар авжига чиққан, унда томошабинлар ким ютишига қизиқиб ўйинчилар атрофини ўраб олишган. Ўйинчиларда ҳам ҳаяжон кучайган [3].

Гурланлик ахборотчиларидан бирининг эслашича, унинг отасининг ёш батрак (хизматкор)лари бўлишган. Улар ҳаминша зиёфат бўладиган хоналарни тартибга келтиришга маъсул бўлишган. Бўш пайтлари пачиз ўйнашган. Ҳар йил баҳорда, яъни зиёфатлар мавсуми тугагач пачиз ўйналадиган хона гиламлари (кигиз) алмаштирилган. Сабаби ўйинчилар чиғаноқ отишлари, шунингдек, ҳаяжондан ўйинчилар кигизларнинг буклашлари натижасида кигизга шикаст етказилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган [2].

Чиғаноқ отиш натижасида айрим ҳисоблар қўлга киритилганда ўзига хос тартиблар ҳам бўлган, яъни чиғаноқларни улоқтирганда 6, 12 очко тушганда рақиб жамоа вакили яноқларни шишириб турилган, рақиб томонидан яноқларга қўл кучи билан урилган [5, С. 85.].

Пачиз ўйинининг ўзига тортувчи томони рақибни тиз чўктириш бўлиб, ўйин охирида ғолиб мағлуб томонга турли хил шартларни буюради. Бу ўйиннинг асосий қисми саналади. Чунки буни ўйинчилар ҳам, тамошабинлар ҳам бирдек кутишади. Пачиз ўйинида жазо турлари хилма-хилдир. Ўйин олдида жазони ким тайинлаш бўйича келишув бўлади. Айрим ўйинларда оғабий жазо турини танласа, айримларида ғолиблар томонидан белгиланган. Албатта, жазо турлари ўйин иштирокчиларининг фантазияси натижасида ўйлаб топилган. Уларнинг айримлари тўғрисида маълумот берамиз:

- “**Эшак**” – мағлуб эшакка ўхшаб тўрт оёқда туради ва устига ғолиб бўлган кишини миндиради. Ғолиб бўлган киши уни уради, давра бўйлаб айлантриб масхара қилади.

- “**Маймун**” – мағлуб маймун қиёфасига киради, уни урадилар, рақсга тушади.

- “**Девона**” – мағлуб бўлган киши юзига қора куя суртилади, бўйнига тўрва осилади, қўлларига ҳасса берилади ва ғолиб уни ёлвориб мажбур қилади.

- “**Қабутар**” – мағлуб бўлганнинг бошига қўл билан урилади, у эса қўлларини қанот қилиб қоқиб куш образини гавдалантиради.

- “**Сартарош**” – ғолиб сартарош қиёфасида мағлуб бўлган кишини уялтириш учун (Хоразмда “изза” деб юритилади) бошига совун суртилган. Шу орқали мағлуб бўлган киши изза қилинган.

- “**Кўчқор уруш**” – мағлуб бўлган томондан икки киши тўрт оёқда кўчқорга ўхшаб туради ва улар ортидан кураш деб урилади, сўнгра улар бир-бири билан бошини уриштирадилар.

- “**Арава**” – мағлуб ҳақиқий аравага боғланади ва унга ҳовли бўйлаб айланиш буюрилади.

- “**Тандир**” – мағлуб оёқ ва қўллари билан тандирга ўхшаб ерга таяниб турган, қолганлар ҳар томондан келиб унга нон ёпишган, яъни қорнидан уришган [5, С. 87.:].

Келтирилган жазо турларидан кўринадикки, бу жазолар кишидан жисмоний бакуватлилик, кучли сабр ва чидамликни талаб қилади. Шу боис ўйинда фақат ўсмир йигитлар қатнашган, қайсидир маънода ўйин орқали уларнинг куч-қуввати синалган. Одатда ўйинлар маҳаллалар ва қишлоқлар ўртасида ўтказилган, шу сабабли ҳар бир ҳудуднинг махсус ўйинчилари бўлишган. Ўйинда танланган ўйинчилар ўз ҳудудининг шарафи учун курашганлар. Шу жиҳатдан ҳам ўйин ишқибозлари кўпчиликини ташкил этган ва кизиқарли кечган.

Лекин ҳар доим ҳам ўйин жазолари қийин бўлмаган. Жазо турлари орасида эркаларнинг сабрини, иродаси ва жисмоний кучини синовчи жазолар ҳам мавжуд бўлган.

Ўйиннинг келиб чиқиш тарихи бўйича қимматли маълумотларни Г.Снесарев [5, С. 89.] тадқиқотларида учратдик. Жумладан, этнограф олим ўйиннинг асл ватани Ҳиндистон эканлигини ўйинда қўлланилган терминлар асосида куйидагича шарҳлаган:

Хисоб (очко)	Хоразмча термин	Ҳинд тилида
2	Ду	До
3	Се	Ти
4	Чор	Чар
6	Чакка	Чха
10	Даст	Дас
12	Бора	Барах
25	Пачиз	Пачис
30	Пачоз	Тис

Юқоридан кўришимиз мумкинки, ўйин келиб чиқиш Ҳиндистонга бориб тақалади. Тадқиқотлар натижасида Ҳиндистонда мазкур ўйин бугунги кунгача ўйналиб келиниши аниқланди. Бу ўйин Ҳиндистоннинг айрим ерларида “пачис”, айрим ерларида “чаусер” бошқа жойларда эса “тайам” деб юритилган. (М.У.). Фақат битта термин, яъни “пачоз” термини Хоразмда 30 очкони билдирса, “пачоз” хинд тилида эллик деганни билдирган [1, С. 1262.].

Ҳинд тилидаги “чха” – олти деганидир, у хинд тилида “чхакка” деб айтилади, бу кейинчалик “чакка” деб ўзгариб кетган ва кўплаган ўйинларнинг ўйин терминларида қўлланилган. “Пикка” – сўзи тамил тилида “паккам” деган сўзга яқин бўлиб, бирор нарсанинг орқаси билан тушиш ҳолатини билдирган. Панжобда пачиз пиёдаларини ёғочдан ясашиб, уни турли хил рангларда буяганлар ва уни “тот” деб юритишган. Худди Хоразмдаги “от” терминига ўхшаб кетган [5, 89.].

“Илон бош” деб номланган чиғаноқларни – узоқ даврлардан бери тумор сифатида, кийим ва дўшиларга безак сифатида фойдаланишган.

“Илон бош” чиғаноқлардан ўйинда фойдаланиш Ҳиндистонда узоқ даврдан бошланган. Хусусан, олимлар томонидан м.авв. IV-III асрларга оид қилиб белгиланган “Артхашастра” номли китобнинг учинчи бўлими “Суд жараёнлари тўғрисида” шундай ёзилган: “Назоратчилар ҳалол бўлиши ва ўйинчиларга суяк ва чиғаноқ бериши керак. Агар бошқа ортикча чиғаноқ ва суяклар бўлса жарима қўлланилган”. Ушбу китобнинг “Тўсиқларни йўқ қилиш” деб номланган тўртинчи бўлимида: “Агар ким ўйин пайтида сохта ўйин суяклар ва чиғаноқлар билан алдаса, бир қўли кесилган” дейилган. Ҳиндистонда ўйин чиғаноқлари маълум бир ўлчамга эга бўлган [5, С. 90.].

Хоразмда амалга оширилган археологик-этнографик экспедициялар натижасида кўплаган безак сифатида ишлатилган чиғаноқлар топилган. Улар нозик дид билан силлиқланиб, текисланиб ишланган. Чиғаноқларнинг тешиклари катта овалсимон сунъий тарзда ҳосил қилинган бўлиб, биз назарда тутаятган пачиз ўйинидаги чиғаноқларни эслатади. Сабаби юқорида қайд этилганидек, пачиз ўйинида ҳам сунъий тарзда овалсимон тешиклар ҳосил қилиниб, унинг ичи металл билан тўлдирилган. Ўрта асрларга оид овал тешикка эга чиғаноқлар кўп топилган. Агар бу чиғаноқлар ўйин суяклари деб қабул қилсак, демек бу ўйин X-XIII асрларда ўйналган деб ҳулоса қилишимиз мумкин. Лекин антик даврга оид чиғаноқларни ҳам инобатга олсак, бу ўйин Хоразмга қадимдан бери маълум бўлгани ва унинг асоси сифатида Кушон империяси даврида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон алоқалари натижасида вужудга келган дейишимиз мумкин [5, С. 91.].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бу ўйин тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши, ўйин ватани асли Ҳиндистон эканлиги, бу эса аждодларимизнинг қадимдан бери бошқа халқлар билан савдо ва маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади.

Ўйинда асосан мард ва жасур йигитлар иштирок этиб, ҳар бир иштирокчи жанг майдонида курашгани каби пухта ва мукамал режа (тактика) асосида ўйин олиб бориши лозим бўлиб, ёшларни ҳар бир ишни пухта, самарали амалга ошириш қобилиятларини шаклланишига хизмат қилган. Пачиз ўйини ҳам бошқа миллий ўйинлар каби йигитларни маънан, ҳам жисмонан етук бўлиб етишишида, ҳақиқий эр йигитларга хос хислатларни шакллантириш ва юзага чиқаришда муҳим ўрин тутган.

Пачиз ўйини ҳақиқий эр йигитлар ўйини бўлганлиги боис уни шартларига ҳамма ҳам чидай олмаган. Чунки ўйин шартлари оғирлиги, ўйинчи мағлубиятга учрайдиган бўлса рақиб жамоанинг ҳар қандай шартини мардонавар бажариши ва унга чидаши керак бўлгани боис ўйинни кам сонли одамлар ўйнашган.

Ҳозирги кунда кўпгина ўзбек миллий ўйинлари билан фольклор байрамларида танишиш мумкин. Пачиз ўйини ёшларни ёрқин фикрлашга, ўз халқининг маънавий, ахлокий кадриятларини ўзлаштиришига, тажриба тўплашига ўргатган.



Айниқса, кейинги даврларда ахборот технологияларнинг ривожланиши, ўз навбатида кўп вақтимиз асосан ушбу технологияларга боғланиб қолганлиги сабабли нафақат пачиз ўйини, балки кўплаган ҳалқимизнинг анъанавий ўйинлари унутилиб бораётир.

Айни шу жиҳатлари билан анъанавий ўйинлар нафақат ҳалқимизнинг моддий ва маънавий мероси, балки бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бир даврда ёшларимизни ҳақиқий мард, жасур, сабр-қанотли, чидамли ва айниқса, ватанпарвар йигит сифатида улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бескровный В.М. Хинди-Русский словарь. Москва, 1959. - 1320 с.
2. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Гурлан тумани. 2020 йил.
3. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Кўшкўпир тумани. 2020 йил.
4. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хива шаҳри. 2020 йил.
5. Снесарев Г. Пачиз. Советская Этнография. Том 5, Москва, 1962. – 178 с.

УЎК 93/94

### АБУ АББОС ЖАЪФАР ИБН МУҲАММАД МУСТАҒФИРИЙ НАСАФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА У ЯШАГАН ДАВР

*Б.М. Мирзаев, илмий ходим, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд*

**Аннотация.** Мақолада насафлик муҳаддис, фақиҳ, хатиб ва тарихчи аллома Абу Аббос Мустағфирий Насафийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, насаби ва таржимаи ҳоли келтирилган.

**Калим сўзлар:** Мустағфирий, муҳаддис, ҳофиз, фақиҳ, Самъоний, Нахшаб, Жайхун, Абу Зар.

**Аннотация.** В статье рассказывается о жизни, научной деятельности, генеалогии и биографии Абу Аббаса Мустағфири Насафи, мухаддита, юриста, проповедника и историка.

**Ключевые слова:** Мустағфири, мухаддис, хафиз, фақиҳ, Самани, Нахшаб, Джайхун, Абу Зар.

**Abstract.** The article describes the life, scientific activity, genealogy and biography of Abu Abbas Mustaghfir Nasafy, a Nasaf hadith scholar, jurist, preacher and historian.

**Keywords:** Mustaghfiriy, muhaddith, hafiz, faqih, Samani, Nakhshab, Jaihun, Abu Zar.

Қашқадарёда ўтмиш адабий ҳаётининг шаклланиши ҳалқимиз маданиятининг умумий тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. IX-X асрлардаёқ Насафда ёзма адабиёт намуналари вужудга кела бошлаган эди.

Сомонийлар ўрнига ҳокимиятга келган туркий сулола-қорахонийлар даврида, В.В. Бартольд таъбири билан айтганда, Марказий Осиё маданий ҳаётида бирон-бир нарса ўзгармади. Мамлакатнинг туркийлар томонидан эгалланиши, бу босиб олишнинг маданий ҳаётнинг умумий шароити учун оқибати қандай бўлишидан қатъий назар тараққиётнинг табиий жараёнини тўхтата олмади [4:322].

Насаф қадимда Насафий алломаларни етиштириб берган кўплаб оилалари билан машҳур бўлган. Шулардан бири – Мустағфирийлар, Насафдаги зиёли, илм ва хатиблик борасида машҳур оилалардан бўлган.

Бу оиладан чиққан биринчи машҳур киши – Абу Бакр Мустағфирий бўлиб, у киши Ҳофиз Абу Аббос Мустағфирийнинг боболари ҳисобланади. Илм ва илм аҳлига муҳаббатли эди. У кишининг уйи уламоларга тураргоҳ ҳам бўлган, айниқса уларнинг мусофир ва камбағал олимларга. Алломанинг ўзи уламолар бобосининг уйига келишларини зикр қилган.

Самарқанд раисларидан Абу Бакр Аҳмад ибн Исмоил ибн Омирнинг таржимаи ҳолида шундай деган: “Бобом Абу Бакр ибн Мустағфирий бизнинг уйимизда бўлганида бизникига келарди, шу ерда ҳадис айтиб берарди. Жуда кўп ҳадис билар эди” [5:280].

Абу Аббоснинг отаси, Муҳаммад ибн Муътаз ҳам Насафнинг машҳур уламоларидан бири эди. У кишидан ўғиллари Ҳофиз Абу Аббос ҳадис ривоят қилган. Мустағфирийлар оиласидан чиққан олимларнинг энг машҳури Абу Аббос Мустағфирийдир. Ундан кейин Абу Зарр ибн Абу Аббос Мустағфирий ҳам ҳадис ҳофизларидан ҳисобланади. Отасидан ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Отасидан сўнг унинг ўрнида хатиб бўлган.

Тарихчи аллома Самъоний ўзининг “Ал-Ансоб” асарида бу муборак оиланинг барча аъзолари ҳақида маълумотлар келтирган:

“Мустағфирий нисбати шу исмдаги бобосига нисбатан қўйилган, йаъни, Мустағфирийлар оиласи маъносида. Унинг тўлиқ исми Абу Али Муҳаммад ибн Муътаз ибн Муҳаммад ибн Мустағфир ибн Фатҳ ибн Идрис Мутоввиий Жаллоб Мустағфирийдир бўлиб, насафлик аллома. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад Ажалийдан ҳадис эшитган.

Ундан ўғли ҳадис ривоят қилган. У 318-ҳижрий йилда туғилиб, 374-йилнинг Робиус сони ойида вафот этган”.

Сўнг унинг ўғли Абу Аббоснинг таржимаи ҳоли ҳақида шундай ёзади:

Унинг ўғли Абу Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн муътаз ибн Муҳаммад ибн Мустағфир Насафий Мустағфирий. Насаф хатиби бўлган. У фазилатли фақиҳ, кўп ҳадис билувчи, ишончли, фаҳми, маърифати ва баркамоллиги аниқ эди. Кўплаб билимларни эгаллаган, ажойиб асарлар ёзган. Хуросонга сафар қилган, Марв ва Сарахсда бир муддат турган.

Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсийга узоқ вақт шогирдлик қилган, ундан бошқа устозларга кам мурожаат қилган.

Насафда Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад Астрободий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Зар Розийдан ҳадис тинглаган. Бухорода Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмаддан, Марвда Абу Ҳайсам Муҳаммад ибн Маккий ва кўплаб муҳаддислардан ҳадис тинглаган.

Ундан катта бобом қози Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор Самъоний, қози Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий ва кўплаб шогирдлари ҳадис тинглаган.

У яшаган асрда Мовароуннаҳрда кўплаб илмлар, китоб ёзиш ва ҳадисни тушунишда унга тенг келадигани йўқ эди. У 350-ҳижрий йилда туғилган, 432-ҳижрий йилда, Жумодул аввал ойининг сўнги кунларида вафот этган. Қабри Насафнинг водий тарафида, мен уни зиёрат қилганман.

Кейин алломанинг ўғли Абу Зар ҳақида ёзган:

Унинг ўғли Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар Мустағфирий. Аллома ўғлини ўзи биргаликда ҳадис тинглаган муҳаддислар ҳузурига олиб ориб ҳадис дарсларига қўшган. Абу Зар отасидан кейин унинг ўрнида хатиблик қилди. У олим ва яхши кишилардан эди. У ҳақида Ҳофиз Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшабий ўзининг устозлари қаторида зикр қилиб: “Абу Зар Мустағфирий шайхимиз Имом Абу Аббоснинг ўғли”, деган.

У Абу Фазл Яъқуб ибн Исҳоқ Суллайий, Абу Муҳаммад ибн Марвон ибн Иброҳим ибн Рофеъ Майдонийдан ҳадис тинглаган. Отаси уни Абу Али Ҳожибийнинг ҳузурига олиб бориб, ундан Саҳихул Бухорийни ўрганишини таъминлаган [2:241].

Абу Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Муътаз ибн Муҳаммад ибн Мустағфир ибн Фатҳ ибн Идрис Мутоввийий Мустағфирий Насафий Нахшабий.

Мустағфирий боболаридан бирининг исмига ишора. Буни Самъоний, Ибн Асир ва бошқалар буни зикр қилган.

Насафий нисбаси Насаф шаҳрига атаб қўйилган. Нахшабий нисбаси Нахшаб шаҳрига қўйилган. Ёкут Ҳамавий айтиди: Нахшаб Жайхун (Амударё) ва Самарқанд оралигида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳри бўлган. У Бухоро йўлида эмас [1:276].

Абу Аббос илм талабида турли шаҳарларга сафарга чиққан. Жумладан, Хуросон, Марв ва Сарахсда маълум муддат истиқомат қилган. Аллома бу шаҳарларда ҳадис ва фикҳни ўрганган. Кейин Насафга қайтиб шу ернинг муфтиси ва хатиби бўлган. Абу Аббос Мустағфирий юқорида саналган шаҳарлардан бошқа – Ирок, Шом, Ҳижоз каби жойларга сафар қилмаган.

Имом Заҳабий ўз китобида: “Мендаги маълумотларга қўра у Ирокқа бормаган”, деган. [3:564].

Абу Аббос кўплаб шайхлардан ҳадис ривоят қилган, уларнинг энг машҳурлари сифатида:

Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсий, Иброҳим ибн Луқмон, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Розий, Жаъфар ибн Муҳаммад Бухорий, Ҳорун ибн Аҳмад Астрободий ва Мовароуннаҳрнинг катта муҳаддисларидан Ҳофиз Аҳмад ибн Али Сулаймоний каби алломаларни келтиришимиз мумкин.

Абу Аббос Мустағфирийдан жуда кўплаб муҳаддислар ҳадис тинглаган, ривоят қилган: ўғли Абу Зар, Ҳасан ибн Абдулмалик Насфий, Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар Косоний, Ҳофиз Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий, Муҳаммад ибн Абдулжаббор Самъоний, Ҳофиз Абдулазиз ибн Муҳаммад Нахшаби, Исмоил ибн Тоҳир ибн Юсуф Насафий ва бошқа кўплаб муҳаддис алломаларни келтиришимиз мумкин.

Аллома Насаф ва Кеш тарихи, Самарқанд тарихи, “Фазоилул Куръон” (Куръон фазилатлари), “Китобул вафо” (Вафо ҳақида китоб), “Далоилун нубувва” (Пайғамбарлик далиллари), “Китобуд даъавот” (Дуолар китоби), “Китоб хутабун набий” (Пайғамбар хутбалари китоби), “Китоб тиббун набий” (Пайғамбар табобати китоби), “Китобуш шеър ваш шуаро” (Шеърят ва шоирлар ҳақидаги китоб), “Маърифатус саҳоба” (Саҳобаларни билиш) ва яна бир қатор асарлар муаллифи ҳисобланади.

Асарларидан “Тиббун Набий”, “Фазоилул Куръон” ва “Далоилун нубувва” асарлари тадқиқ қилиниб, замонавий нашрдан чиққан ва ҳозирги кунда ўқувчилар томонидан ўрганилмоқда. Аллома қолдирган катта илмий мерос ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёкут Ҳамавий. Муъжамул булдон. Дору содр. Байрут. 5 жилд
2. Имом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. Ал-Ансоб. Дарул кутубил илмийя. Байрут 1998 й. 12 жилд
3. Имом Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру аъламин нубало. Муассасатур рисала. Байрут. 1983 й. 17 жилд
4. Поён Равшанов. Қарши тарихи. Янги аср авлоди. Тошкент. 2006 й.
5. Тақийиддин ибн Абдулқодир. Ат-табақотус суннийя фи тарожимил ханафийя. Дорур рифоий. Риёд. 1983 й.

УЎК 93/94

#### ШАЙБОНИЙ МАЛИКА МЕҲРИ СУЛТОН ХОНИМ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Б.Н. Мирзаев, стажёр-ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах*

*Аннотация. Ушбу мақола моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхон ва шайбоний ҳукмдорлар билан бир қаторда бунёдкорлик ва*

ободончилик соҳасида фаолият юритган маликалардан бири Мехри Султон хоним хусусида тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

**Калим сўзлар:** мадраса, вақф, мударис, Мехр Султон хоним, Пўлод султон

**Аннотация.** Статъя основана на исторических письменных источниках о Мехри Султане Бегиме, талантливом политическом деятеле и полководце, государственном деятеле, создателе и покровителе науки, а также одном из князей в области созидания и благоустройства, правителях Мухаммада Шайбанихана и Шайбани.

**Ключевые слова:** медресе, вақф, мударис, Мехр Султан хоним, Полат Султан

**Abstract.** This article is based on historical written sources about Mrs. Mehri Sultan, a talented politician and commander, statesman, creator and patron of science, as well as one of the princes in the field of creation and beautification, Muhammad Shaybanikhan and Shaybani rulers.

**Keywords:** madrasa, foundation, muddaris, Mrs. Mehr Sultan, Polat Sultan

Маълумки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам тараннум этиб келингани гувоҳи бўламиз. Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, суҳандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиққан. Чунончи, массагетлар ҳукмдори Тўмарис, қадимий Пальмиранинг ҳукмдори Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етук сиёсатдон ҳукмдорлари бўлганлар. Гарчи бундай ҳукмдор, олим, шоира ва донишманд аёллар Ғарбда бармоқ билан саналса-да, Шарқ мамлакатларида уларни қўллаб учратиш мумкин. Биргина Маълумки, теурийлар салтанатидан сўнг, Шайбонийхон даврига келиб, Мовароуннаҳр тарихидаги аёллар ҳам катта ўрин эгаллагани манбалардан яхши маълум. Жумладан, Мухаммад Шайбонийхоннинг (1451—1510) рафикаси — Ойша Султон хоним (Мўғул хоним номи билан машҳур бўлиб, саройда таъсири катта бўлган), Темур Султоннинг рафикаси — Мехри Султон хоним, Абулғози Убайдулло Баҳодирхоннинг (1484—1540) суюкли хотини — Ойсулув (Суюнчхўжа ибн Абулхайрхон қизи) каби шулар жумласидандир. Бу маликалар ҳақида кўпгина қўлёзма ва тошбосма асарларда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Масалан, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг (1433—1530) «Бобурнома», Ғиёсиддин Мухаммад Хондамирнинг (1475—1535) «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон хабарларида дўстларнинг таржимаи ҳоли»), Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Мухаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод», Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», «Тазкират ул-хавотун» («Хотинлар тазкираси») ва «Машоҳир ун-нисвон» (Машҳур хотинлар) каби асарларда шу кимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Ушбу мақола мохир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Мухаммад Шайбонийхон ва шайбоний ҳукмдорлар билан бир қаторда бунёдкорлик ва ободончилик соҳасида фаолият юритган маликалардан бири Мехри Султон Бегим хусусида тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Мехр Султон хоним Мухаммад Шайбонийхонхоннинг тўнғич ўғли Мухаммад Темур Султоннинг сеvimли аёлларидан бири бўлган. Унинг отаси Бурундукхон ўша йиллари кўнгилли қўшинларнинг бошлиқларидан бири сифатида Мухаммад Шайбонийхон билан Сирдарё бўйи шаҳарлари учун бўлган жангларда бир неча марта тўкнаш келган. Муаллифи ноъмалум тарихчининг ўзбек тилидаги «Таворихи гуздайи нусратнома» асари (1502-1504 йилларда ёзилган)да ёзилишича, Мухаммад Шайбонийхон билан тўкнашувлардан бирида навбатдаги мағлубиятга учраган Бурундукхон, Мухаммад Шайбонийхон билан курашиш фойдасизлигини англаб, бошқача йўл тутди: қизини Мухаммад Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга никоҳлаб беради [1]. Шу орқали шайбонийлар яқиндан қариндошлик ришталарини боғлаганлиги ва ўзаро урушга барҳам берганлигини англаш мумкин. Бундан ташқари, Самарқанд заbt этилгач, Мухаммад Темур Султон Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзонинг синглисига ва Ахсида мағлубиятга учраган мўғул хонларининг асирга олинишидан сўнг эса, яъни, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмудларнинг опаларига, яъни, Юнусхон (1467-1487 йй.)нинг қизига уйланиш орқали теурий ҳукмдорлар билан ҳам яқин алоқалар ўрнатганлиги манбаларда ўз ифодасини топади [2].

Мухаммад Темур Султон – шайбоний тарихчиларининг эътироф этишича, уни Мухаммад Темур Баҳодирхон номи билан атайдилар, у амакиси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон (1533-1539 йилларда ўзбекларнинг олий хони) билан бирга ўзбек қўшинларининг кўп юришларига бошчилик қилган. Мухаммад Темур Султонни замондошлари яъни, ўша давр шайбоний ёзувчилари ортиқча бўртирмасдан, унинг «қахрамонликлари» ҳақида таъриф беришган [3]. У бошқа ўзбек султонлари қаторида Қоракум исёнини бостиришда фаол иштирок этган. Исёнчиларнинг кўпчилигини қатл эттиришда қатнашган ва исёнчиларнинг бошларидан маҳаллий аҳолини кўрқитиш мақсадида Бухородаги от бозорда одамлар калласидан минора курдирган [4,22] ва ҳамда Самарқанд ҳокими билан бирга Самарқанддаги ишларни тартибга келтиришда махсус топшириқ олган [5]. Бундан фойдаланиб, у Самарқанд худудида ўзига ерлар, уй-жойлар, савдо ва уларнинг масканларини ўз қўлига олган ва унинг вафотидан кейин, бу мулкларнинг бир қисмини Шайбонийхон мадрасасининг қурилишига турмуш ўртоғи Мехр Султон хоним томонидан вақф мулки сифатида тортиқ қилинган.

Дарҳақиқат, Шайбонийхоннинг бунёдкорлик соҳасидаги фаолиятини тўнғич ўғли Мухаммад Темур Султондан ворис қолган Пўлод Султон давом эттиради. Айни шу маънода унга онаси Мехр Султон хоним ёрдам беради ва биргаликда бобоси ва отаси даврида қурила бошланган мадрасани охирига етказдилар.



Малика чала қолган мадрасани битказиш билан бирга ўзи ҳам шу мадрасанинг шимолий қисмида мадраса барао этади ва икки мадрасани бир-бирига туташтиради. Шу боис, бу мадрасалар халқ орасида “қўш мадраса” ёки “мадрасай хуржун” деб номланган. Қўш мадрасанинг кириш эшиги устидаги иккинчи қаватда ноёб китоблар тўпланадиган кутубхона ҳам бўлган. Меҳр Султон хоним нафақат ушбу мадраса биносининг ташқи қиёфаси ва таълим жараёнини назорат қилибгина қолмай, балки унинг моддий таъминотига ҳам катта эътибор қаратган [6, 81-82]. Бу ҳақда атрофлича маълумотларни маликанинг буйруғи билан тузилиб, бизгача етиб келган вақф ҳужжатларидир. Бу ҳужжат тарихчи олима Р.Мукминова томонидан ўрганилиб, илмий муомилага киритилган.

Меҳри Султон хоним “Вақфнома” ва бошқа манбаларда Маҳди Улия [7] ва яна Меҳрибонхоним ҳамда Меҳрхоним ҳам деб аташган.

“Вақфнома” га киритилган мадраса таъминотига оид жуда катта мулк янги олий ҳукмдор Суюнч Ходжахон (1510 й.) томонидан Муҳаммад Темур Султонга Жанубдаги Кеш, Насаф, Хузор, Дарбанд ва уларга ёндош ерларни, яъни, Амударё соҳилларигача бўлган ерларни инъом этган. Кейинчалик, унинг вафотидан сўнг, Меҳри Султон хоним томонидан вақфга киритилади. Шундан кўринадики, ушбу мулклар мадраса таъминоти учун инъом қилганлиги мамлакатда тартиб ўрнатиш ва ободонлаштириш мақсадида амалга оширилганлигидан дарак беради.

Ана шу мадрасалар Регистондан тортиб, Оҳанин дарвозасигача чўзилиб кетган улугвор қурилиш (унинг бир чеккасида катта-катта мадрасалар, хонақолар ва Улуғбек қарвон саройи, иккинчи чеккасида эса Темурнинг Жоме масжиди ва Сарой Мулкхоним мадрасаси қад кўтариб турган) таркибига кирганини назарда тутилса, ўша вақтда бунёд этилган Шайбонийхон ва Меҳри Султон хоним мадрасаларини яхлит бир меъморий иншоот сифатида тасаввур қилиш қийин эмас [8, 298-299].

Вақф ҳужжатларида келтирилган мадраса билан боғлиқ харажатлар дастлабки йилларда малика Меҳри Султон хоним назоратида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, вақф мулкларни белгилашда ҳам, азалий удумга таянган иш кўрилганлиги табиийдир. Шу ўринда яна бир маълумотни қайд этиш жоизки, Шайбонийхон авлодларининг кейинчалик Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобур Мирзо билан алоқаларида Шайбонийхоннинг маърифатпарвар ва бунёдкор келини бўлган Меҳри Султон хоним ва унинг набираси Пўлод Султоннинг иштирок этганлиги манбаларда ўз ифодасини топади. Бу ҳақда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг мемуар асари “Бобурнома”нинг бир бобида қайд этишича, “ҳижрий 935 (1582-1529 йй.) йилги сана”да бир базм таърифланади. Ушбу базмда Аграга ташриф бурган элчилар қаторида “ўзбеклар” (Шайбонийлар), “қизилбошлар” (Эрон шоҳларидан Таҳмаспдан) ва “ҳиндистонликлар” (Ҳиндистоннинг алоҳида ўлкалар рожалари) ҳақида маълумотлар учрайди.

Ўзбек элчилари ичида: Кўчумхон (Кўчкунчихон – 1510-1530 йй.)нинг элчиси – Амин Мирзо; Абу Сайид Султон (1530-1533 йй.)нинг элчиси ва – Мулла Тоғай ҳамда Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султон (исми сақланмаган) ҳақида маълумотлар учрайди. Шунингдек, ўзбек элчилари таркибида Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор авлодларидан – Хожа Калон ва Хожа Абдушаҳидлар ҳам бўлган. Лекин қайси ўзбек султонида келганлиги қайд этилмаган. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг хабар беришича, хожа Калон ўзбек хонларидан келган элчи ва “балки хожилар ўзбекларга элчилик қилган бўлиши мумкин”. Базмда уларнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобурга яқинроқ жойда ўтирганлиги ва Бобур томонидан ўзига яқин олинганлигини кўрсатади ва уларни элчиларнинг орасида юксак ҳурмати бўлганлигини англатади [2]. Хожаларни Самарқанддан келган муллалар ва қорилар қузатиб борган. Сўнгра элчиларга улар тортиқ қилган совғаларга жавобан берилган совғалар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. “Абу Сайид Султон, Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султон, шунингдек, Шоҳ Ҳусайн элчиларига биз (яъни, Бобур Мирзо) тугмали чакмон ва шойи чопонлар совға қилдук” [9]. Бир қанча вақтдан кейин, Бобурнинг яна ёзишича: “Якшанба куни ўзбек элчиларига қайтишга ижозат берилди. Кўчумхон (Кўчкунчихон – 1510-1530 йй.)нинг элчиси – Амин Мирзога биз камари билан бирга ханжар, телпак ва 70 минг танга инъом этдук; Абу Сайид Султон (1530-1533 йй.)нинг элчиси ва – Мулла Тоғай ва унинг навқарларига, Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султонларга тугмали чакмон (қимматбаҳо буюмлар билан) ва шойи чопонлар, шунингдек, элчиларнинг тутган мавқеига қараб пул мукофоти билан тақдирладук” [2]. Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан эслатилган ёдномда “Меҳри Султон хоним” ва “унинг ўғли Пўлат Султон”лар вақф мулкининг таъсисчилари бўлганлигини билдиради. Бизнинг назаримизда, бу шу билан асосланадики, Муҳаммад Темур Султоннинг учта ўғли бўлган. Унинг каттаси Пўлатхон (турли ёзма манбаларда Пулат, Булат ва Фулад Султон-Пулат-султондан бир ўғил — Кўк Бўри-султон. Бошқа ўғли бўлмаган бир неча бор Сафавийларнинг қўшинига қарши жангларда иштирокчиси сифатида ўша даврнинг тарихий асарларида эслатиб ўтилади. Бизнинг фикримизча, айнан Пўлат Султонни З.М.Бобур ҳам назарда тутган.

1519 йилда Пўлат Султонга Ҳиндистондан Самарқандга Бобур томонидан юборган девонида айнан шу Пўлат назарда тутилганлиги ҳақида сўз боради.

Ватандан йироқда бўлган З.М.Бобур ушбу девоннинг муқовасида икки қатордан иборат мисра ёзиб, уни ўзининг ёдномасида келтиради:

“О шамол, агар сен менинг ибодатхонам томларидан эсиб ўтсанг,  
Келтир, юрагимдаги хотираларимни, юракдаги айрилиқдан халос эт” [2].



Ваҳоланки, бу ҳолатдан шуни англаш мумкинки, З.М.Бобур ўзининг хавфли рақиби, Шайбонийхоннинг набираси Пулат Султон ўрталарида элчиликка қараганда жуда яқин алоқалар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Меҳри Султон хоним 1558 йилдаги Жўйбор шайхларининг ҳужжатларидан бирида эсга олиниб, унда “Бобурнома”даги каби Меҳрибонхоним номи билан тилга олинади. Ер олди-сотдисига бағишланган ушбу ҳужжатда: “... Сотилаётган ернинг чегара қисми Ғубдин қишлоғидаги ерга туташган бўлиб, ушбу вақф Меҳрибонхонимга тегишлидир”[9]. Ғубдин қишлоғи мулклари “Вақфнома” рўйхатида киритилган. Уша давр манбаларида бошқа Меҳрибонхоним номи учрамайди[4].

Шунингдек, Шайбонийхон ва Меҳри Султон хоним мадрасаси шайбонийлар даҳмаси вазифасини ҳам ўтаган. 1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан кечган жангда ҳалок бўлган Шайбонийхоннинг бошсиз танаси ҳам келтирилиб, шу мадраса сатҳидаги даҳмага қўйилган. Бу даҳмада дафн этилган ўндан ортиқ шайбоний султон ва маликалар қаторида Меҳри Султон хоним, унинг турмуш ўртоғи айбонийхонхоннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Темур Султон ҳам дафн этилганлигини кўриш мумкин.

Тарихий манбаларда ёзилишича, XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Самарқанддаги бир қатор меъморий обидалар ўзаро урушлар ёки қаровсизлик туфайли вайрон бўлган. Аммо амир Шохмурод (1785-1800) мадрасани қайта таъмирлашга фармон беради. Бу таъмирлаш ишларидан сўнг, мадраса ўзининг асл салобати ва мухташам кўринишини йўқотади. Кейинчалик, 1874 йилда йўл қурилиши туфайли ушбу кўш мадрасанинг бир қисми бузиб юборилиши натижасида бугунга қадар тамомила йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Фақатгина Шайбонийлар даҳмаси кўринишида сақланиб қолган.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкинки, теурийлар давлатининг мағлубияти ва парчаланиши натижасида маданий-маърифий юксалиш инкирозга юз тута бошлади. Олиму фузалолар турли ўлкаларга тарқалиб кетдилар. Қурила бошланган иншоотлар тўхтаб, таълим ва маърифат масканларига эътибор қаратилмай қолди. Ана шу вазиятда тарих сахнасида шайбонийлар сулоласи пайдо бўлди. Бу даврда ҳам ўзаро низолар, ҳокимият учун курашлар давом этишига қарамай, қисман бўлсада Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби Мовароуннаҳр шаҳарларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган деб ҳисоблаш мумкин. Аини шулардан бири бу Муҳаммад Шайбонийхон томонидан барпо этилган мадрасадир. Бирок, нотинчлик туфайли, тугалланмай қолади ва бу мадраса қурилишини унинг маърифатпарвар келини Меҳри Султон хоним ниҳосига етказди ва фаолиятини давом эттириш учун унга ҳомийликни ўз қўлига олган. Бундан англашиладики, Меҳри Султон хоним вақф мулклари хўжалиги таъсисчисидир деб ҳисоблаш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Таварихи гузида – Нусрат-наме. Исследование, критические текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акрамова. Ташкент «Фан». 1967., л. 111 а.
2. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. Б. 22.
3. См. напр., Шади, Фатх-наме, стр. 376, 377, 379; А б д у л л а б. Муҳаммед, Зубдат ал-асар, л. 4686, 469а; Таварихи гузиде, л. 82а, 886, 91а. Эти восхваления активно поддерживались Муҳаммед Шейбани-ханом. Одно из сочинений, в создании которого он принимал активное участие, кончается следующими словами: «...Мой сын [т. е. сын Шейбани-хана] — Муҳаммед Тимур отправился, взяв [в руки] топор шариата, и жестоко сражался». (Таварихи гузиде, л. 113а). Подробнее см.: Р. Г. Мукминова, О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в., стр. 124—126.
4. Р.Г. Мукминова. К Истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «ВАКФ-НАМЕ» (Ўзбекистонда XVI аср аграр муносабатлари тарихига доир “ВАКФНОМА” материаллари). Тошент, Ўзбекистон ССР “Фан”, 1966. 61-66-б.
5. Хофиз Таньш, Абдулла-наме, ркп. ИВ АН УзССР, № 2207, л. 276.
6. Турсуной Маҳкамова. Мадраса барпо этган маликалар. – Тошкент, “Зилол-булоқ”, 2019. Б. 81-82.
7. АбуТахир Ходжа, Самария, стр. 171; Вақф-наме, стр. 228.
8. Самарқанд тарихи. 2-томлик. Масъул муҳаррир И.Мўминов. таҳрир хайъати В.Абдуллаев ва б. 1-том. Тошкент, “Фан”, 1971. Б. 298-299.
9. П. П. Иванов. Хозяйство джуйбарских шейхов, Док. № 379.

УЎК 93/94

### XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ҚИЗИЛ ЧОЙХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ

(Самарқанд вилояти мисолида)

**Ф.А. Нарманов, Самарқанд давлат университети, Самарқанд**

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқандда ташиқил қилинган маданий-маърифий муассасалар фаолияти хусусан қизил чойхоналарнинг ташиқил қилиниши уларнинг фаолияти илмий адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Маълумки, 20-йиллардан бошлаб совет ҳокимияти “маданий инқилоб” сиёсатини олиб бора бошлаган эди. Мазкур жараёнда қизил чойхоналарнинг иштироки Самарқанд вилояти мисолида ўрганилган.

**Калит сўзлар:** маданий-маърифий муассаса, қизил чойхона, маданий инқилоб, ижара солиғи, Регистон, ташиқот, дин, мафкура, маданият.

**Аннотация:** В данной научной статье на основе научной литературы и архивных материалов анализировано образование культурно-просветительских учреждений, в частности образование красный чайханы в 20-30 годах XX века в Самарканде. Как известно, с 20- годов советская власть проводило

политика “культурная революция”. Изучена участие красный чайханы в этом процесс в Самаркандском области.

**Ключевые слова:** культурно-просветительских учреждение, красный чайханы, культурная революция, арендная плата, Регистан, пропаганда, религия, идеология, культура.

**Abstract:** In the given scientific article analyzed on the basis of the scientific literature and archival materials formation cultural-educational organizations, in particular formation red teahouse in 20-30 years of the XX-th century in Samarkand. As is known, with 20th years the Soviet government spent the politician “cultural revolution”. Here is studied participation red teahouse in this process in Samarkand region.

**Key words:** Cultural-educational organizations, red teahouse, a cultural revolution, a rent, Registan, propagation, religion, ideology, culture.

Маълумки, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб совет ҳукумати сиёсий ғояларини тарғиб қилиш мақсадида жойларда совет андозаси типигаги маданий-маърифий муассасаларни ташкил эта бошлади. Маданий-маърифий муассасалар фаолияти билан боғлиқ масала Самарқанд ижтимоий тарихида ҳам муҳим туттади. Зеро, ўтган асрнинг 20-30 йиллардаги Самарқанд тарихи ўлканинг бошқа ҳудудларига нисбатан тутган мавқиега кўра ўзига аҳамиятга эга эди. Тарихдан яхши маълумки, совет ҳукумати томонидан амалга оширилган миллий ҳудудий чегараланиш сиёсати ўтказганидан сўнг Самарқанд янги ташкил этилган Ўзбекистоннинг пойтахтига айлантирилган эди. Бу даврда совет ҳукумати томонидан маҳаллий аҳоли орасида большевистик тузум ғояларини тарғиб қилиш учун олиб борилган бир қатор сиёсий ва ижтимоий кампаниялар Самарқандда ҳам ҳукмрон мафкура ташаббуси билан амалга оширишга киришилди.

Бундай тадбирлар маданий-маърифий муассасалар орасида айнан шу даврдан нуфузи ўса бошлаган қизил чойхоналарда олиб борилди. Самарқандда ташкил этилган қизил чойхоналар фаолиятига доир маълумотлар XX асрда яратилган “Самарқанд тарихи”[1.496] ва бир қатор илмий тадқиқот ишларида[2.250] келтириб ўтилган. Яқин йиллар ичида айнан Самарқанддаги қизил чойхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар кўзга ташланмайди.

Қизил чойхоналар совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган большевистик мафкурани маҳаллий аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб бутун Туркистон ўлкасида ташкил этила бошлади. Совет даврида ишлаб чиқилган резолюция ва йўриқномаларга кўра қизил чойхоналар қишлоқ ҳудудларида клуб вазифасини бажариши керак бўлган маърифий муассасаларнинг бошланғич бўғинини ташкил этиши лозим эди[3.241]. Яъни қизил чойхона ўз ҳудудида кенг дехқонлар оммасини жалб этиш орқали маърузалар, баланд овозда газета ва журналлар ўқиш, деворий газеталар чиқариш каби машғулотларни амалга оширган. Қишлоқ ҳудудларида қизил чойхона ишини юритиб борувчи асосий куч ўқитувчилардан иборат эди[4.70].

Архив ҳужжатларида келтирилган Маориф бошқармаси ҳисоботларига кўра вилоятдаги қизил чойхоналарнинг умумий сони йиллар давомида республикадаги маданий-маърифий муассасалар таркибида ўсиб борганлигининг гувоҳи бўламан. Масалан, 1923 йилги маълумотларга кўра, вилоятнинг ўша йиллардаги йирик туманларидан бири бўлган Каттақўрғон уездида 3 та қизил чойхона бўлиб, улар Янгиқўрғон, Пайшанба ва Митан уездларида жойлашган эди. Каттақўрғон шаҳрида эса 2 та бири бозор яқинида ва пахта тозалаш заводида ташкил қилинган[5.57]. 1924 йил 1 январь ҳолатига кўра, Самарқандда 19 та шундан Самарқанд уездида 9та, Жиззахда 4 та, Каттақўрғонда 5та, Хўжандда 1 та қизил чойхона ишлаган[6.163].

1927 йилнинг май ҳолатига кўра Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани Челак шаҳрида иккита, Ургутда 3 та (Ургут ва Қайроқли қишлоқларида), Оқдарёда 2 та (Даҳбет ва Янгиқўрғон қишлоқларида), Юқори Дарғом туманида 3 та (Хожа Ахрор, Жумабозор маҳаллаларида), Самарқанд шаҳрида иккита қизил чойхона ишлаб турган[7.34]. 1928 йилда бутун республикада мавжуд бўлган жами 336 қизил чойхонанинг 28 таси Самарқанд ҳудудига тўғри келиб, уларнинг 7 таси шаҳарда, 21 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган эди[8.54А]. 30-йилларга келиб вилоят миқёсида қизил чойхоналар сони ўсиб бориши 1936 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра айрим туманлар кўринишида қуйидаги жадвалда акс этирилган[9.100-102].

№	Туманлар	шаҳарда	Қишлоқ ҳудудида	Умумий сони	Қизил чойхона ишчилари сони
1.	Оқдарё		7	7	7
2.	Булунгур		5	5	8
3.	Жомбой		17	17	17
4.	Каттақўрғон	6	3	9	13
5.	Митан		3	3	3
6.	Нарпай		2	2	2
7.	Пайариқ		19	19	19
8.	Самарқанд ш	14		14	16
9.	Ургут	15	25	40	40
10	Самарқанд т		64	64	64

Вилоят миқёсидаги қизил чойхоналар турли аҳоли ўринларида ташкил қилинган. Бу каби муассасаларнинг очилган ўрни ҳам совет ҳокимияти илгари сурган мафкуравий сиёсатни ўзида акс эттиради. Яъни, маҳаллий аҳолининг анъанавий чойхоналари тортиб олиниб қизил чойхоналар учун

бўштиб берилган бўлса, айрим ўринларда динга қарши курашнинг ўзига хос усули сифатида масжидлар ўрнида ҳам қизил чойхоналар ташкил этилган. Шунингдек, вилоятдаги қизил чойхоналар ижара шартномаларини тузиш асосида тузилган. Аммо бундай муассасалар маданий-маърифий ишлар билан эмас балки, савдо-сотиқ билан шуғулланган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Регистон кўчасида жойлашган бир қанча қизил чойхоналар ўз ижара ҳақларининг ниҳоятда юқорилиги боис уни камайтириш масаласида шаҳар молия бошқармасига илтимоснома жўнатган[10.74]. Бу даврда шаҳар хўжалик бошқармасининг қизил чойхоналар учун ижара солиғи жуда юқори бўлиб, барча қизил чойхоналар ҳам уни тўлаш имкониятига эга бўлмаган. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол қисмидаги маҳаллий аҳоли вакиллари Юлчибоев ва Мансуровлар ҳам ўз даврида бино ижарасининг юқорилиги масаласида юқоридаги ҳолатга дуч келади. Бу даврда қизил чойхона ижарасига берилган бино учун ижара ҳақи чойхоналар ва Темирийўл тумани ўртасидаги тузилган шартнома миқдоридан ошиб кетмаслиги керак бўлган. Касаба уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги бўлими шаҳарнинг эски шаҳар қисмида касаба уюшмаларининг 160 нафар аъзоси хизмат қиладиган қизил чойхоналарнинг ижара ҳақларини камайтириш масаласида молия бошқармасига бир неча бор мурожаат қилган[10.75].

Худди шу даврда Самарқанднинг Қози Абдурасул гузари Сўзангарон кўчасида жойлашган чиройли нақшлар билан ишланган масжиднинг катта қисми қизил чойхонага айлантирилган[11.108]. Шунингдек маҳаллий аҳолининг чойхоналари ҳам қизил чойхоналарга бўшатиб берилди. Умумий кўриниш ҳолатига кўра совет даври қизил чойхонаси одатда 2-3 хонадан иборат тунд биноларни эслатиб юборар эди. Чирок билан таъминлашнинг имкони йўқлиги боис чойхоналар фақат кундузлари ишларди[12.168]. Шунинг билан бирга қизил чойхоналар барпо этилиши жараёнида Самарқанд шаҳри марказидаги Янги растада бир-бирига яқин бўлган Хожа Рофеъ ва Боғи Майдон гузарларида (ҳозирги Регистон кўчасининг Айний уй-музейи атрофи) иккита катта чойхона иккита катта қизил чойхона жойлашган эди[11.87].

Самарқанддаги қизил чойхоналар ҳам 20-30 йилларда ўтказилган маданий жараёнлар тарғибот ишларига жалб қилинган эди. Масалан, 1927 йилнинг 8 март куни ўтказилган “Хужум” ҳаракати шаҳардаги Кўкмасжид маҳалласида қизил чойхонада кечган учрашув жараёнида партия тарғиботчиларидан бири бўлган Мухтор Файзулла қизи кўплаб аёлларнинг паранжисини мажбуран юлиб ташлаган бўлса, маҳаллий ҳукумат аъзолари кимда ким юзини очмаса солиққа тортилиши билан таҳдид қилган[13.177].

Динга қарши кураш даврида 1923 йил 5 апрелда бўлиб ўтган Самарқанд вилояти партия конференциясида “Динга қарши ташвиқот” масаласи муҳокама этилиб, унда динга қарши ташвиқотни эҳтиёткорлик билан барча шаҳарларда, фабрика- заводларда, кишлоқларда олиб бориш, бунда аҳоли орасида катта нуфузга эга бўлган кучлардан кенг фойдаланиш муҳокама қилинган эди[14.14]. Рамазон ойи муносабати билан мактаб ўқувчилари иштирокида уларнинг ота-оналарига таъсир ўтказиш ишлари янада кучайтирилди. Рўза янги мафкуралари жамият куришдаги энг катта хавфлардан бири сифатида баҳоланиб, унинг сўнгги кундаги арафа ва ҳайит байрамларида болаларнинг иштирок этиши ман қилиниб, мактабларда ўқув жараёни давом эттирилган. Бу жараён кейинги уч кун давомида узлуксиз олиб борилган[15.176]. Ақсарият қизил чойхоналардаги ишлар тўхтаб қолган ёки мутлақо олиб борилмаган. Самарқанд шаҳрининг Нуробод маҳалласидаги камбағаллар қизил чойхонасида маҳаллий аҳоли динга қарши курашда ҳам, “Худосизлар” жамияти ишида ҳам мутлақо иштирок этмаган. Шаҳарнинг эски шаҳар қисмидаги Қораоқсоқол маҳалласидаги қизил чойхонасидаги “Худосизлар” ташкилотига дастлабки даврда 40 киши аъзо бўлган ҳолда, ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳеч ким англамаслиги натижасида тарқалиб кетган. Қизил чойхона раҳбари бу жараённи комсомол ташкилоти ва шаҳар “Худосизлар” жамиятидаги раҳбарлик ишларининг етарли бўлмаганлигида деб кўрсатади[16.№2].

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандда фаолият олиб борган қизил чойхоналар ҳам совет даври мафкуравий курашдаги тарғибот ишлари объекти сифатида маҳаллий аҳоли орасида коммунистик мафкура хизмати учун сафарбар этилди. Қизил чойхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ўринларда қироатхона, тўғарақлар, саводсизликни тугатиш курсларида маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётида “маданий инқилоб” ғояларини сингдириш ишлари олиб борилди. Маҳаллий аҳолига таниш бўлмаган бундай сиёсат натижасида кўпчилик ҳолларда қизил чойхона ишлари фақатгина расмийлик учунгина ташкил этилди. Шунингдек, совет ҳокимияти томонидан олиб борилган маданий жараёнлардаги сиёсати маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Самарқанд тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан, Масъул муҳаррир. И.М.Мўминов. 1970. – 496 с.2.
2. Самибаев К.Х. Культурное строительство в Самаркандской области в 1925-1941 гг. : Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – 250 с.
3. ЎзРМДА. 94-фонд. 1-рўйхат. 223-иш. 241-варақ.
4. Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарқанд: Издательство Узбекского государственного университета, 1959. – 92 с.
5. ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1999-иш, 57-варақ орқаси
6. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1774-иш, 163-варақ
7. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 562-иш, 34-варақ.
8. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 314-иш, 54А-варақ.
9. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 1872-иш, 100-102 варақлар.
10. ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 338-иш, 74-варақ
11. Ҳодизода Р. Самарқанднома. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 392 б.



12. ЎзРМДА. 23-фонд.1-рўйхат.2-иш.168-варак.  
 13. Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. – Seattle: University of Washington Press, 2006. – 332 p.  
 14. Самарқанд вилоят ҳокимияти архиви. 31-жамғарма, 1-А-рўйхат, 782-йиғма жилд, 14-варак.  
 15. Самарқанд вилоят давлат архиви. 152-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 176-варак.  
 16. Худосиз газетаси. 1931 йил 22-январь №2.

УЎК 93/94

## МАНБАЛАРДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*Ш.Р. Равшанов, ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти, Навоий*

**Аннотация.** *Мазкур мақола да тарихиунослик нуқтаи назаридан Россия империяси томонидан Фарғонани ўз мустамлакасига айлантириш мақсадида амалга оширилган аҳолини кўчириб келтириш сиёсатининг ўрнини тадқиқ қилиш муносабати билан чоризмнинг стратегик мақсадлари ва кўчирувчилик сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти очиб берилган.*

**Калим сўзлар:** *сиёсат, ўтмиш, мустамлака, минтақа, долзарб, тарихиунослик, тадқиқотлар, адабиётлар, манбалар, материаллар, фундаментал асарлар.*

**Аннотация.** *В данной статье рассматриваются стратегические цели царского режима и колониальный характер политики переселения в связи с изучением места политики переселения, проводимой Российской империей для колонизации Ферганы области с исторической точки зрения.*

**Ключевые слова:** *политика, прошлое, колониальность, регион, течение, историография, исследования, литература, источники, материалы, фундаментальные труды.*

**Abstract.** *This article discusses the strategic goals of the tsarist regime and the colonial nature of the resettlement policy in connection with the study of the place of the resettlement policy conducted by the Russian Empire to colonize the Ferghana region from a historical point of view.*

**Keywords:** *politics, past, colonialism, region, course, historiography, research, literature, sources, materials, fundamental works.*

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, тарих фанига доир тадқиқотларни ҳар тарафлама такомиллаштириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги туб йўналишлардан бири чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва бу ердаги ҳукмронлиги билан боғлиқ мураккаб тарихий даврни ҳолисона ёритиш ҳамда мустамлака режимининг ўлка халқлари ижтимоий тузуми ва ҳаёт тарзига ўтказган кўп тарафлама таъсири масаласини системали ўрганишдир.

Бугунги кунда шу нарса маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар айнан ана шу давр жуда сохталаштирилган. Мустамлака даврининг расмий тарих фанида Россия давлатининг «цивилизаторлик миссияси» ҳақидаги концепция ҳукмронлик қилиб келди, унга кўра ўлкамизнинг аввал чор, сўнгра Совет империяси таркибида зўрлик билан ушлаб турилиши, мустамлакачиликнинг барча зиён-заҳматларини узоқ муддатга хизмат қиладиган натижалар бемалол қоплар эмиш. Бу натижалар Ўрта Осиё халқларининг жадал иқтисодий тараққиёти, уларнинг «асрий қолоқлик»дан «тарихий тараққиёт чўққиларига» чиқиши каби ҳолларда намоён бўлар экан. Ана шундай концептуал ёндашувларнинг таъсири ҳозирги замон чет эл тарихшунослигининг баъзи қисмида, жумладан, Россия тарихчилигида намоён бўлмақда. Бунинг натижасида мустамлака Туркистонининг тутқунликдаги ҳаёти объектив манзараларнинг қайта тиклаш эҳтиёжи даврнинг долзарб талаби сифатида намоён бўлади. Ўлкани мустамлакага айлантириш билан боғлиқ ҳолда юз берган ва ички қарама-қаршиликларга эга ўзгаришлар жамининг мазмун ва моҳиятини янги методологик позициялардан туриб очиб бериш, объектив равишда диққатга сазовор ўзгаришлар билан мустамлака ҳукмронлигининг салбий оқибатлари нисбатини аниқ-равшан белгилаш муҳимдир.

Чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсати мафқураси ва амалиётининг кенг доирадаги масалаларини махсус танқидий-таҳлилий текшириш: биринчидан, кўчириб келганларнинг кўпсонли армияси тимсолида мустамлака режимининг ижтимоий таянчини шакллантириш ва мустаҳкамлаш механизмларини тўлароқ тушиниб олишга; иккинчидан, аҳолини кўчириш сиёсатининг узоқ муддат таъсир ўтказувчи оқибатлари, жумладан, унинг миллий-демографик томонлари хусусидаги билимларини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Маълумки, ўзбек халқи ҳамда бошқа Ўрта Осиё халқларига нисбатан мустамлака даври давомида ўзлигини унуттириш, миллий камситиш, минг йиллик анъанавий меросдан бегоналаштириш йўли тугилди. Мазкур стратегик йўлнинг муҳим ҳалқаларидан бири сифатида рус тилида сўзлашувчи аҳолини кўчириб келтириш сиёсати эди; мазкур сиёсатнинг мафқураси метрополиядаги ортиқча аҳоли ресурсларига муаммосини ҳал этишдан ташқари ушбу ўлка аҳолиси таркибини сунъий равишда кўп миллатли қилиш билан уни империяга мустаҳкамроқ боғлаш, бу ердаги аҳолининг туркий-этник бир хиллигини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда камайтириш ҳамда уни этник-маданий жиҳатдан Россия билан яқинлаштиришга ҳам қаратилган эди. Жумладан, бу хусусда йирик подшо амалдори, рус сенатори



К.К.Пален қуйидагича ёзган: «.. рус аҳолиси Туркистонда ўлкада империя ҳукмронлигини тўла ўрнатиш ва уни Россияга абадий, маҳкам боғламоқ учун иложи борича кўпроқ бўлиши лозим»[1.408, 504].

Чоризм ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган ушбу жараён совет тоталитаризми йилларида янада мустаҳкамланди. Бу йўл мазкур даврда турли хил мафкуравий ниқоблар билан ўтказилган бўлса-да, унинг дастурий моҳияти ўзгармасдан қолаверди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида авж олган ўлкани кенг миқёсда мустамлакага айлантириш жараёни Сирдарё жамияти ҳаётининг барча соҳаларида юз берган чуқур ўзгаришлар билан бирга борди. Улардан баъзилари пишиб етилган характерга эга эди. Аммо мустамлакачилик асосида амалга оширилгани учун улар деформацион ривожланиш механизмларининг шаклланишига олиб келдилар, бу ҳол совет тоталитаризми шароитида янада кучайди.

Кўриб чиқилаётган даврда иқтисодий, сиёсий, миллий-маънавий, соҳаларда юз берган мураккаб ўзгаришларни Россиядан аҳолини кўчириб келтириш мафкураси ва амалиёти призмаси орқали илмий тафаккур қилиш тарихий ҳақиқатни тиклаш, Ўзбекистоннинг мустамлака ўтмиши хусусидаги илмий тасаввурларнинг бойишига ёрдам беради.

Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган мавзунинг баъзи йўналишлари бўйича ҳозирга қадар маълум бир миқдорда адабиётлар мавжуддир. Концептуал-услубий ёндашувлар мазмунидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) Ўрта Осиёни чор ҳукумати томонидан мустамлакага айлантириш даврига оид нашрлар; 2) совет даврига доир нашрлар; 3) Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтказилган тадқиқотлар; 4) чет эллик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга хос тадқиқотларнинг ўзига хос тарафини чор режимининг сиёсатини хаспўшлаб кўрсатиш ташкил этади. Россия мустамлакачилик тарихшунослигини ўзида ифода этган бу асарлар чор Россиясининг ҳудудий экспансияси мафкурасига таянган, улар асосан чор маъмурияти буюртмасига кўра ёзилган ҳамда Ўрта Осиё минтақасида ҳокими мутлақлик тузуми ўрнатиш бўйича кўрилган чораларнинг қонунийлигини асослаш учун хизмат қиларди. Шунга қарамай, бу асарларда тарихий билимларнинг юксалишига хизмат қилувчи ва қисман чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсатини акс эттирувчи қимматли фактик материаллар мавжуд эди.

Чоризм даврида яратилган тарихий адабиётларнинг тавсифига киришар эканмиз, шуни қайд этиш керакки, XIX асрнинг 60-80-йилларини қамраб олган биринчи босқичда аҳолини кўчириш сиёсати масалаларига бевосита бағишланган ишлар мавжуд эмас эди. Ушбу йўналиш кейинги даврда ҳам давом этди. Бунга мисол сифатида М.А.Терентьевнинг уч жилддан иборат асарини келтириш мумкин[2], бу асар кенг оммани чоризм Ўрта Осиёга гўё «маданият» олиб келганлигига ишонтиришга тўла йўналтирилган эди. Шу билан бирга, XIX аср охиридан бошлаб расмий тарихшунослик доирасида Россиядан аҳолини кўчириб келтириш ҳолларини таҳлил этишга уриниш акс этган тадқиқотлар ҳам вужудга кела бошлади[3.11-12]. XX аср бошида, Россияда ўтказилган аграр ислохотлар жараёнида «деҳқонларни мустамлакаларга кўчириш» авж олган бир пайтда аҳолини кўчириш сиёсати масалалари билан алоқадор асарларнинг миқдори, айниқса ошди[4.].

Ўша даврдаги муаллифлар, улар асосан давлат амалдорлари эдилар, аҳолини кўчириш ҳаракатини илмий ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эдилар. Улар яратган асарларда фактик материалларни баён қилиш уларни назарий таҳлил қилишга кўра устун эдилар. Тамойил жиҳатдан уларнинг асосий куч-ғайрати Сирдарё аҳолиси ўртасида Россиядан кўчириб келтирилган, насронийлик динига эътиқодли кўчкнларнинг салмоғини оширишни асослашга қаратилганди, бу кўчкнлар эса залворли кредитлар, йирик ер участкаларидан, мустамлака маъмурлари мададидан фойдаланган ҳолда ерли аҳоли кўз ўнгида ўзининг устунлигини намойиш этиши ва чор режимининг таянчи бўлишлари лозим эди. Дарвоқе, империянинг бошқарув доиралари бўлсин, тадқиқотчилар бўлсин, Россиядан кўчириб келтирилганларнинг асосий қисми, айниқса, дастлабки босқичда, суғориладиган ерларда ишлаш учун на маблағи ва на тажрибаси бўлган деҳқонлар эканлиги хусусида, шунингдек, кўчириб келинганларнинг манзилгоҳлари ва казак станицалари туб жой аҳолидан зўрлик билан тортиб олинган ерларда қурилгани ҳақида лом-мим демайдилар.

Чор мустамлакаси даври тарихшунослигининг кўпгина нуқсонларни совет тарих фани ҳам ўзига сингдириб олган эди. Булар жумласига сўнгги ҳулосалар ва баҳоларни олдиндан расмий доиралар фикрига мослаш, тенденциозлик, империяча тафаккур анъаналарини киритиш мумкин. Бу хусусиятлар тоталитар режимнинг тарихни ўта сиёсийлаштириш, уни коммунистик таълимот мафкура схемаларига тикиштириш, синфий-партиявий ёндашувларни қабул қилдириш каби зўрлик амалиёти туфайли кўпайиб борарди. Натижада тарихий тафаккур жуда бузук бир асосга таяниб ривожланди. Бугунги кунда совет даври тарих фанининг назарий ҳулосалари ва умумлашмалари тубдан қайта кўриб чиқилишга муҳтождир.

Шу билан бирга, қайд қилиш лозимки, тарих фанини сиёсийлаштириш ва тарихни сохталаштириш жараёнлари бир қанча босқичларни босиб ўтди. Бу борада ўтган асрнинг 20-йилларини қамраб оладиган дастлабки босқич алоҳида ажралиб туради. Бу даврнинг ўзига хос тарафлари совет тарихшунослиги фанининг ўша даврда эндигина туғилиб келаётгани, марказиятчи ва бир партияли установакалар ижтимоий-сиёсий тафаккурда ҳали устунликка эришмагани каби хусусиятлар эди, шу сабабли маълум бир даражада дунёқарашлар плюрализми, шу жумладан, чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг оқибатларини ёритиш масаласида ҳам кўринади [5].

Жумладан, С.Муравейский, П.Г.Галузо ва Е.Федоров туб жой аҳолининг мустамлакачиларча эзиш масалаларини кўриб чиқар эканлар, ўлкани тўла мустамлакага айлантиришнинг шаклларида бири аҳолини кўчириш сиёсати эканлигини кўрсатиб ўтадилар. В.П.Вошинин кўчиб келганлар тарафидан маҳаллий деҳқонлар ва кўчманчи аҳолининг ерлари тортиб олганини қисман тадқиқ этди. В.Лаврентьев аҳолини кўчириш ҳаракатининг Сирдарё иқтисодиёти «буржуача тадрижи»га таъсирининг баъзи қирраларини очиб берди. Аммо, умуман олганда, уларнинг хулосалари октябрь тўнтаринининг «объектив» шарт-шароитларини асослаш, ўша пайтда шаклланаётган пролетар ва миллий-озодлик ҳаракатининг большевикларнинг «социалистик тузумни қарор топтириш учун» олиб бораётган кураши билан «органик бирлиги» ҳақидаги концепцияни хужжатларга асосан тасдиқлашга қаратилган эди.

Ўзбекистонда илмий тадқиқотларнинг характери ва услубиятидаги кескин ўзгаришлар мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг майдонга келди. Давлат мустақиллиги эълон қилинган, Ватан тарихини ўрганиш йўлида яратилган сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Натижада тарихий тафаккурни поклаш, мустамлака ўтмишининг ҳақиқий аҳолини ёритиб беришнинг кучли жараёнлари бошланди.

Мустақиллик йилларида республикада кўпгина кизиқарли илмий ишлар вужудга келди, улардан сифат жиҳатидан янги назарий-услубий нуқтаи назарлардан, миллий мафкура ва илмий билишнинг умумжаҳон тамойиллари асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистонни чоризм томонидан мустамлакага айлантиришнинг энг муҳим кўринишлари қайта кўриб чиқилди.

Сирдарёнинг босиб олиниш тарзи ва мустамлакачилик сиёсати моҳияти ҳақида янги тасаввурларнинг шаклланишига Г.А.Ҳидоят, Г.А.Аҳмеджонов, Ф.Б.Исҳоқов, Ҳ.З.Зиёев, Н.А.Абдурахимова, Н.У.Мусаев, Д.Ҳ.Зиёева, ва бошқалар[6] сезиларли улуш қўшдилар. Жумладан, Г.А.Аҳмеджоновнинг салмоқли монографиясида Ўрта Осиёнинг Россия империяси таркибига зўрлик билан киритилиши ва Сирдарёни мустамлакага айлантириш масаласи бўйича Марказий Осиёда энг янги тарихшуносликнинг вужудга келиши ва ривожланиши тасвирлаб берилди. Монографияда ўлканинг босиб олиниши ва унда чоризм мустамлакачилик ҳукмронлигининг ўрнатилишига доир турли ёндашув ва нуқтаи назарларни ижодий равишда қайта тафаккур қилиш ва қиёслашга мувофиқ бўлинган.

Г.А.Аҳмеджонов тадқиқотларининг мантикий давоми сифатида Д.Ҳ.Зиёевнинг ишлари намоён бўлади, уларда мамлакатимиз тарихшунослигида биринчи марта Туркистон халқларининг XX аср бошида мустамлакачилик зулмига қарши кураши хусусидаги илмий билимларнинг вужудга келиб ҳамда кенгайиб бориши тарихи батафсил таҳлил этилади ҳамда Ватанимиз ва чет эл тарихий адабиётларида масаланинг мунозаралари ва кам ўрганилган жиҳатлари очиб берилди.

Ҳ.Зиёевнинг кенг қўламли ишида Марказий Осиё ва Россия манбаларидан фойдаланган ҳолда умумтарихий планда Ўрта Осиё хонликлари устидан империя ҳукмронлиги ўрнатилишининг фожиали саҳифалари, шунингдек, Сирдарё халқларининг 1916 йилгача бўлган даврдаги миллий-озодлик ҳаракати масалалари батафсил ёритиб берилган.

Н. Абдурахимова ва Г.Рустамоваларнинг монографиясида Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлакачи ҳокимият тизимининг моҳияти, таянган унсурлари ва хусусиятлари тавсифлаб берилган. Н.У.Мусаев чор мустақиллиги шароитида ўлкада саноат ишлаб чиқариши шаклланишининг мустамлакачилик моҳиятини очиб берди. Ф.Б.Исҳоқов чоризм миллий сиёсатининг Сирдарёдаги асорат остидаги халқлар турмушига ўтказган салбий таъсирини унинг яққол кўриниши – кўчирувчилик сиёсати намунасида кўрсатиб берди. Г.А.Ҳидоят бу сиёсатнинг узок муддатли оқибатларини ва унинг совет режими тарафидан давом эттирилганини очиб ташлади.

Ўлкамизнинг мустамлака ўтмиши ҳақидаги илмий билимларнинг кенгайишида уч жилдлик «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг биринчи жилди[7] ва «XX аср бошида Сирдарё: миллий мустақилликнинг тамаллари тарихига доир» номли умумлаштирилган монография[8] салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Чоризмнинг мустамлакачилик амалиёти ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайишига Н.А.Абдурахимова, Р.А.Йўлдошев, А.М.Худойқулов, Х.Ш.Авазова, А.Суёнова, З.У.Чориев, Г.К.Рустамова, А.Э.Кураҳмедов, Т.В.Коткокова, Н.Ю.Потапова, Ж.Х.Исмоилов, Ш.С.Ғафоровларнинг диссертацион тадқиқотлари ҳам ёрдам берди[9].

Ушбу мақолада келтирилган мустақил Ўзбекистонда эълон қилинган ва юқорида кўрсатиб ўтилган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсати ҳамда унинг ўлка туб жой аҳолиси ижтимоий-иқтисодий аҳолига таъсири билан боғлиқ баъзи ҳолларгина ўз аксини топгандир, бироқ бу тарихий жараённинг тўла таъриф-тавсифи ҳозирга қадар мавжуд эмас. Бу ишни амалга оширишга россиялик тадқиқотчи А.И.Гинзбург ҳаракат қилган[10], аммо, афсуски, у империяча тафаккур қолипларини четлаб ўта олмаган ва унинг тадқиқотида асосий эътибор чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсатининг «прогрессив» оқибатларини очиб беришга қаратилган.

Совет тарих фанининг ҳолатига унинг жаҳон тарих фанидан ажралиб қолгани ҳам сезиларли салбий таъсир ўтказди. Тоталитар ўтмиш шароитида, маълумки, эркин дунё тадқиқотчиларнинг ишлари гўё тарихий воқеликни сохталаштириб келган «буржуа тарихшунослиги» умумий тушунчаси билан ифода этилди. Чет эллардаги тарихга доир адабиётлар ёппасига танқид қилинди ва улар мамлакатдаги (Совет Иттифоқи) тадқиқотчиларга етиб келмасди ҳам. Аслида чет эллардаги тарих фани чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва Сирдарёни мустамлакага айлантириш билан боғлиқ жараёнларни систем таҳлил қилиш бўйича бой тажриба тўпланганди. Хорижий олимлар чор ва айниқса совет давридаги расмий

тарихшунослигида ёритилмай қолиб кетган муаммоларга ўз ёндашувларини баён қилгандилар. Аммо чет эллик муаллифларнинг барча тадқиқотлари ўз концептуал ёндашувлари жиҳатидан бир хил деб бўлмайди. Уларда фикрлар ва ёндашувларнинг баъзан бир-бирига зид бўлгани қадар хилма-хиллиги кузатилади.

Муаммонинг шубҳасиз катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги, унинг долзарблиги, шунингдек, масаланинг тарихий жараёнларга замонавий қарашлар нуқтаи назаридан ишланмагани ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига олиб келди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пален К.К. Приложение к отчету ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. Ч. 1, отд. 4. – СПб., 1911. – С. 408, 504.

2. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. – СПб., 1906.

3. Исаев А.А. Переселение в Русском народном хозяйстве. – СПб., 1891; Гейер И. Крестьянская колонизация Сыр-Дарьинской области. – Т., 1892; Григорьев В. Крестьянская колонизация. //Русская мысль. – 1893. - № 2. – С. 11-12 ва бошқ.

4. Кауфман А.А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. – СПб., 1903; Он же. Переселение и колонизация. – СПб., 1905; Витте С.Ю. Записка по крестьянскому делу. – СПб., 1905; Скрыплев П.А. Материалы по обследованию переселенческого хозяйства в Туркестане. – Т., 1909; Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Переселенческое дело в Туркестане. – СПб., 1910; Турчанинов Н. Итоги переселенческого движения за время с 1896 по 1909 гг. – СПб., 1910; Гаврилов Н.А. Переселенческое дело в Туркестанском крае (области: Сырдарьинская, Самаркандская и Ферганская). Чиновника особых поручений при Переселенческом управлении Отчет по служебной поездке в Туркестан осенью 1910 г. – СПб., 1911; Ямзин И.Л. Переселенческое движение в России с момента освобождения крестьян. – Киев, 1912; Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912. Приложение к всеподданнейшему докладу. СПб., 1912; Вошинин В. Очерки нового Туркестана. Свет и тени колонизации. – СПб., 1914; Турчанинов Н., Домрачев А. Итоги переселенческого движения за время с 1910 по 1914 гг. – Пг., 1916 ва бошқ.

5. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – М., 1921; Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. – Т., 1922; Вошинин В.П. О термине «колонизация». // О земле. – Пгр., 1922. – Вып II; Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. – Т., 1925; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана: Сборник главнейших статей, докладов и речей. – Ч.1. 1917-1919 гг. – Ташкент, 1926; Галузо П.Г. Туркестан – колония: Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 г. – М., 1926; Шу муаллиф. Вооружение русских переселенцев // Коммунистическая мысль. – 1926; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. Буржуазная колонизация Средней Азии. – Л., 1930 и др.

6. Хидоятов Г.А. Национальный вопрос в СССР. – Т., 1991; Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Т., 1995; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). – Т., 1997; Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш (XVIII – XX аср бошлари). – Т., 1998; Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. – Т., 1999; Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства Туркестане (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. ... доктора исторических наук. – Т., 1999; Зиёева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Т., 2000 ва бошқалар.

7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида). – Т., 2000.

8. Туркестон в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000.

9. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.). Автореф. дисс.... докт. ист. наук.– Т., 1994; Юлдашев Р.А. Формирование национальной буржуазии в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1994; Худайкулов А.М. К просветительской деятельности джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1995; Авазова Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1997; Суюнова А. Национально-освободительная борьба 1916 года в Туркестане (на примере Сырдарьинской области): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1997; Чариев З.У. Усиление колониальной политики в Туркестане в начале XX века (на примере мобилизации на тыловые работы): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 1999; Рустамова Г.К. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867-1924 гг.). Автореф. дисс....канд. ист. наук.–Т.,1999; Курахмедов А.Э. Экономическая и культурная жизнь Самаркандской области второй половины XIX – начала XX вв. (по материалам «Туркестанского сборника»): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 2001; Котюкова Т.В. Проблемы Туркестана в центральных законодательных органах власти Российской империи (1905-1917 гг.) Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т.,2001; Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв). Автореф. дисс...канд. ист. наук.–Т.,2002; Исмаилова Ж.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века.(на примере восстания 1916 года в Ферганской долине): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 2002; Гаффаров Ш.С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX веков): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 2003.

10. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М., 1991.

УЎК 93/94

#### 1839 ЙИЛ “ХИВА ЭКСПЕДИЯСИ”ГА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

*Ш.Ж. Саидов, доценти, т.ф.н., Тошкент Давлат Шарқишунослик университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақола XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги ва Россия империяси ўртасида муносабаларга бағишланган. Муаллиф архив ҳужжатлари асосида Россия ҳукмрон доираларининг Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Хива хонлигига нисбатан олиб борган сиёсатининг геостратегик мақсад ва вазифаларини очиб беришига ҳаракат қилган.



**Калим сўзлар:** Хива хонлиги, Россия империяси, Марказий Осиё, геополитика, ҳарбий авантюра, ўзаро муносабатлар, дипломатия

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу истории взаимоотношения Хивинского ханства с Российской империей в первой половине XIX века. Автор используя первоисточники, старается осветить геополитические цели и задачи Российского руководства в отношении в целом к региону Центральной Азии, в том числе Хивинского ханства.

**Ключевые слова:** Хивинская ханства, Российская империя, Центральная Азия, геополитика, взаимоотношения, военная авантюра, дипломатия

**Abstract.** The purpose of this article is to analyze the history of relations between the Khanate of Khiva and Russian Empire in the first half of 19th century. Author by using the primary sources tries to highlight geopolitical goals and tasks of Russian administration related to the Central Asian Region in general, and to the Khanate of Khiva in particular.

**Key words:** Khanate of Khiva, Russian Empire, Central Asia, geopolitics, interrelations, diplomacy, military avventure

**Кириш:** XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империяси Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Хива хонлигига нисбатан геостратегик мақсадларни амалга оширишни кўзлаб ҳаракат олиб борди. Ўлканинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, аҳолининг турмуш тарзи, машғулоти, савдо йўллари, шаҳарлари, минтақанинг географияси, табиатига оид маълумотлар тўплаш мақсадида Хива хонлигига Россия империясидан ташриф буюрган турли дипломатик миссиялар, ҳарбий, илмий-экспедициялар қатнашчиларнинг эсдаликлари, асарлари ва ҳисоботлари Туркистон ўлкасининг барча қирралари ақс этган нодир ҳужжатлар, маълумотлар базасидан ташкил топганлиги билан кўрсатилган давр тарихини ўрганишда ўта муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу борада ўзбек тадқиқотчилари кейинги йилларда салмоқли илмий изланишларни амалга оширдилар. Тарих фанлар доктори, профессор Зияева Д.Х бошчилигидаги ЎзР ФА Тарих институти ва айрим ОТМининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланиб нашр қилинган “Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари)” номли монография ушбу соҳада олиб борилган илмий изланишларнинг йирик натижаларидан бири бўлди. Маълумки, ушбу илмий экспедицияларнинг ташаббускорлари асосан, ҳарбийлар бўлиб, улар Россия империясининг ҳарбий - стратегик ва иқтисодий манфаатларини кўзлаб амалга оширилган эди.

#### 1839 йил “Хива экспедицияси”га оид янги маълумотлар

Россия императори Пётр - I(1682-1725йй) даврдан Хива хонлигини бўйсундиришни мақсад қилган рус ҳарбийлари XIX асрнинг биринчи ярмида ушбу ҳаракатни бир неча марта такрорлашган. Баёний бу ҳақда:“ ... Русия аскарлари .....мундин бурун беш навбат келиб асло зафар топа олгон эрмасдурлар”- деб ёзиб қолдирган [Баёний, варақ,234]

Россия империясининг Хива хонлигига нисбатан энг катта тажовузи 1839 йилда Оренбург генерал – губернатори, генерал А.Перовский томонидан уюштирилган. Ушбу ҳарбий экспедиция тарихи у ёки даражада рус, совет ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан ёритилган. Албатта, бу етарли эмас. Бу борада ҳали ўрганилмаган, изланувчиларни кутаётган архив ҳужжатлари ва манбалар ниҳоятда кўпдир.

Туркистоннинг истило қилиниши тарихи асосан, Россия империяси даврида ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштроқ этган, ёки Ҳарбий вазирлик, Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасида хизмат қилган рус ҳарбийларининг эсдаликлари, асарлари ва улар томонидан нашр қилинган тўпламларда ёритиб берилган. Шундай тўпламлардан бири полковник А. Г.Серебранниковъ томонидан 1906 йилда Тошкентда нашр қилинган. Унинг фикрича, “... рус ҳарбий курули кучининг ва ғалабаларининг шонли саҳифаси сифатида из қолдирган Туркистоннинг истило қилиниши тарихи” га оид маълумотларни тўплаш ва нашр қилинишига Россия империясининг Ҳарбий вазири генерал А.Н. Куропаткин ва Туркистон генерал-губернатори Н.А.Ивановлар бош-қош бўлишган [Серебранниковъ.С.3] Тўшам, “Сборник материалов для истории завоевания Туркистанского края”, деб номланиб, 2 - жилддан иборат бўлган[Серебранниковъ.С.255]. Тўшамга, 1835 йилдан - 1876 йилгача бўлган даврда Туркистонни истило қилиниши билан боғлиқ тарихий жараёни ақс эттирувчи архив ҳужжатларининг бевосита асладан олинган нусхалар киритилган. Бунда, нафақат Тошкент шаҳари ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларидаги архивлар, балки, Россия империяси Бош штабининг асосий архиви, Оренбург, Омск, Тифлис\*каби империя шаҳарлари архивларидан, шунингдек, Ҳарбий вазирлик, Бош муҳандислик бошқармаси, Денгиз вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг С.Петербург шаҳрида жойлашган асосий архиви, Россия империяси Бош Штаби умумий архивининг Москвадаги бўлими жамғармаларидан олинган ҳужжатлар ҳам тўшамга киритилган бўлиб, тарих фани учун нодир ва фойдали маълумотлар ҳисобланади [Серебранниковъ.С.3]. Муаллифнинг таъкидлашича, мазкур материаллар биринчи манбада қандай сақланган бўлса, тўшамда ҳам шундай ҳолатда берилган. Бунда, Туркистонда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар даврида, Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатлар, савдо алоқалари ва йўллари ҳақидаги маълумотлар, кўчманчи халқларга нисбатан юритган сиёсатларига оид, Россия императори Николай – I(1825-1855йй) ва масъул амалдорларининг кўрсатмалари, бўйруқлари, ҳисоботлари ва уларга қўйилган резолюциялар ҳам ҳеч қандай ўзгаришларсиз, аслича берилганлиги билан ҳам ўта қимматли манба ҳисобланади[Серебранниковъ.С.4]



Тўпلامга киритилган хужжатлар Россия империясининг ҳукмрон доиралари томонидан уюштирилган 1839 йилдаги ҳарбий авантюрага тайёргарлик кўриш ишлари 1835 йилдаёқ бошланганлигини кўрсатиб турибди. Масалан, Россия империясининг Ҳарбий вазири граф А.Чернишев 1835 йилнинг 14-январь куни Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовскийга ёзган хатида, император Николай – I, унинг Хива хонлигига қарши ҳарбий юриш қилиш тўғрисидаги таклифини маъқулланганлигини, мазкур экспедицияни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни топширганлигини маълум қилади [Серебранниковъ.С.39-40]

Умуман, мазкур тўпلامнинг биринчи жилдига 154-та хужжат киритилган бўлиб, 4таси 1835 йилга, қолган 150 та хужжат 1838, 1839 йилларга оид маълумотлардир. Хужжатлар, асосан, 1838 йилнинг ноябрь ойидан, 1839 йилнинг 31-декабригача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни қамраб олган ёзишмалар, бўйруқлар, билдиришномалар, маълумотлар, ҳисоботлар, режалардан иборат бўлиб, улар хронологик тартибда берилган. Хужжатларни, мазмун моҳиятига кўра, асосан, 4-та гуруҳга ажратиш мумкин:

1-чи гуруҳга, Россия империясининг турли маҳкамалари ўртасидаги ёзишмалар бўлиб, Хива хонлигига қарши ҳарбий юришни ташкилий қисми билан боғлиқ хужжатлар киради. Улар, кўшин таркиби, таъминоти, ишлаб чиқилган ҳарбий режалар ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар акс этган маълумотлардан ташкил топган.

2 -чи гуруҳга, Оренбург генерал-губернаторлигидан, Хива хонлигига бориш йўлларини, қозоқ уруғлари истикомат қиладиган чўллар тавсифи, сув ва озиқ овқат заҳираларини тўплаш ва фойдаланиш имкониятлари, кўчманчи аҳолининг ҳарбий юриш даврида бўлажак муносабатини ўрганишга оид хужжатлар акс эттирилган. Бу ерда, қозоқ уруғларининг Россия империясига қарши олиб борган курашлари, раҳбарлари, уларнинг Хива хонлиги билан муносабатлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

3-чи гуруҳ маълумотларига Россия империяси ҳарбийлари, инженер-тадқиқотчилар томонидан Хива хонлиги ҳудудларини батафсил картографик тасвирини чизиш, жумладан, Орол денгизи, Амударё ва Каспий денгизи қирғоқларини, гидро-транзит имкониятларини, қаьлалар, истехкомлар қуриш мумкин бўлган қўлтиқлар, кўшин ўтиши мумкин бўлган саёз жойларни ўрганиш билан боғлиқ хужжатларни киритиш мумкин.

4-чи гуруҳ маълумотлари, империя ҳарбийлари томонидан Хива хонлигига борадиган савдо йўлларининг йўналишлари, мамлакат аҳолиси машғулотлари, Россия – империясининг Хива хонлиги билан муносабатлари тарихи, ўзаро алоқалардаги зиддиятларнинг сабабларига доир хужжатлардан ташкил топган. XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империяси ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар томонидан шу пайтгача илмий муаммолага киритилмаган жуда бой фактик хужжатлар мавжудлиги билан ҳам тўплам нодир манба ҳисобланади.

1839 йилнинг 7-февраль куни Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский Россия империяси Ҳарбий вазирлигига ёзган маълумотномасида, бўлажак ҳарбий юришга тайёргарлик кўришга доир ўз таклифларини батафсил баён қилган[Серебранниковъ.С.22-40]. Хужжат, 20 бетдан иборат бўлиб, уч қисмдан ташкил топган. 1-қисм “Хива экспедицияси режаси”, - деб номланиб, унда В.А.Перовский Хива хонлигига қарши уюштирилаётган бўлажак ҳарбий ҳаракатнинг батафсил режасини баён қилган [Серебранниковъ.С.22-29]. Маълумотда, Россия империясидан Хива хонлигига келадиган йўллар, аҳоли пунктлари, шаҳарлар, улар ўртасидаги масофалар жуда ҳам аниқлик, синчковлик билан таҳлил қилиниб, батафсил асослаб берилган. Хужжатнинг иккинчи қисми “Отряд таркиби”- деб номланиб, Хива хонлигига қарши юришда иштрок қиладиган кўшиннинг сони, таркиби, қуроллари, таъминоти, кўшин бошлиқлари, ҳаракат даврида кўшинда амал қиладиган қоидалар ҳақида муфассал маълумотлар берилган[Серебранниковъ.С.29-36]. Хужжатнинг учинчи қисми “Россиянинг Хива хонлиги билан муносабатлари ҳақида ёзув”- деб номланиб, бу ерда генерал Перовский XVII асрнинг бошларидан XIX аср бошларигача Россия империяси ва Хива хонликлари ўртасида рўй берган алоқалар, дипломатик муносабатлар тарихи ни изчил баён қилган [Серебранниковъ.С.36-40].

Россия империяси Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё департаментида Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё хонликлари билан муносабатларни бошқариб, йўналтириб туришни амалга ошириш мақсадида Махсус кўмита ташкил қилинган эди. Кўмитанинг йиғилишларида Ташқи ишлар, Ҳарбий, Денгиз, Савдо вазирлиги, Бош штаб ва турли кўмондонликларнинг вакиллари иштрок этиб, унда Ўрта Осиё хонликлари билан амалга ошириладиган муносабатлар билан боғлиқ масалалар кўриб борилган. Йиғилишларнинг баённомалари Кўмитанинг алоҳида журналида қайд қилиниб борилган бўлиб, баъзилари ушбу тўпламга ҳам киритилган. 1839 йил 11 март куни Россия императори Николай-I(1825-1855йй) розилиги билан ўтказилган кўмитанинг йиғилишида Россия империяси Ҳукуматининг вице-канцлери, граф Нессельроде, Ҳарбий вазир А.Чернышев, Оренбург генерал-губернатори В.Перовский ва бошқа машъул шахслар иштрок этишган[Серебранниковъ.С.44-48]. Йиғилишда В. Перовскийнинг Хива хонлигига қарши ҳарбий юриш қилишга доир батафсил тайёрлаган доклади эшитилади. Унинг фикрича, ҳарбий юришнинг мақсади, Хива хонлигида мавжуд асирларимизни озод қилиш, минтақага бораётган савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш ва “бўйсунмас” хиваликларни жазолашдан иборат бўлиши керак. Аммо, В.Перовскийнинг доклади билан танишар эканмиз, Россия империясининг Марказий Осиёга нисбатан геостратегик мақсадларини асл моҳиятини англаб етасиз. Перовскийнинг фикрича, ҳарбий юришдан кўзланган *асосий ва энг муҳим вазифа:*“... Россиянинг Ўрта Осиёдаги устунлиги ва таъсирини тиклаш ва ўрнатиш, саноатимиз ва савдомиз манфаатларига зарар бериш учун минтақага

кириб келишга уринаётган инглиз ҳукуматининг сайи-ҳаракатларини йўққа чиқаришдан” [Серебранниковъ.С.45]- иборат бўлмоғи керак. В.Перовскийнинг ҳарбий ва геостарегик мақсадлари Россия императори Николай-Іга (1825-1855йй) шунчалик маъқул келганки, йиғилишнинг эртаси куни, ҳарбий режа матнига “БАЖАРИЛСИН.С.Петербург 12 март 1839 йил” [Серебранниковъ.С.46] –деб имзо чекади. Шу билан Перовскийнинг Хива хонлигига ҳарбий юришига олий даражада рухсат берилади.

Россия империясининг ҳукмрон доиралари Хива хонлигини босиб олиб, ғайратли ва тадбиркор ҳукмдорлардан ҳисобланган Оллоқулихонни (1825-1842йй) тахтадан ағдариб, ўрнига русларга хайрихоҳ шахсни тахтга чиқариб, хонликда Россия империясига содиқ бўлган кўғирчоқ ҳокимиятни ўрнатиб, шу йўл билан Ўрта Осиёда устун мавқеини қўлга киритиш режасини ишлаб чиққанлар. Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский Хива хонлигига бошланадиган ҳарбий юриш арафасида, 1839 йилнинг 10 октябрь куни Россия империяси Ташки ишлар вазирлиги Осиё департаментининг Махсус кўмитаси йиғилишида ушбу сиёсий-ҳарбий режанинг моҳиятини батафсил баён қилган[Серебранниковъ.С.169-178]. Унга кўра, Хива хонлиги эгаллангач, Оллоқулихон ҳокимиятдан четлаштирилиб, ўрнига Россия империясига содиқ ва хайрихоҳ кайфиятда бўлган қозоқ уруғлари султонларидан бўлган Боймуҳаммад Ойчуваковни тахтга чиқариш таклиф қилинган. Аммо, у бу таклифни рад қилган[Серебранниковъ.С.170]. Шундан кейин Перовский Хива хонлиги тахтига Оллоқулихоннинг укаси Инонхонни чиқаришни таклиф қилади. Оллоқулихон эса қамоққа олиниб, рс маъмурлари томонидан амалга оширилиши кўзланётган сиёсий – ҳарбий режаларга ҳалақит бермаслиги учун Россия империясига сургун қилиниши тўғрисида қарор қилинади[Серебранниковъ.С.169-170]. Янги хонга Россия империяси манфаатларига хизмат қилувчи “Мажбуриятлар акти” деб номланувчи битимни имзолатиш билан минтақада Россия империясининг мавқеини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга эришиш ушбу стратегик режанинг бир қисми ҳисобланган[Серебранниковъ.Уша жойда]. Умуман, тасдиқланган режага кўра, ҳарбий ҳаракатлар 1839 йилнинг кузида бошланиб, 1840 йилнинг киш ойларида Хива шаҳри эгалланиши билан ниҳоясига етиши керак эди. Аммо, маълумки ушбу ҳарбий авантюра муваффақиятсизликка учрайди.

Тарихий илмий адабиётларда, айниқса, рус тадқиқотчиларининг асарларида, В.А.Перовскийнинг 1839 йилги Хива хонлигига нисбатан уюштирган ҳарбий экспедицияси ва унинг фожиявий яқунлари тўғрисида маълумотлар берилган. Рус тадқиқотчиларининг аксарият кўпчилиги бунинг асосий сабаби сифатида ҳарбий ҳаракатлар қаҳратон киш, ноқулай чўл шароити амалга оширилганлиги туфайли қўшин орасида касаллик ва йўқотишларнинг кўпайиб кетганлиги билан изоҳлашади. Хива хонлигига чегара ҳудудларида хиваликлар билан бўлиб ўтган жанглар тўғрисида эса лом-лим дейилмайди. Фақат, рус генералларидан Тереньтевь В.А 1906 йилда, С.Петербург шаҳрида нашр қилган жуда катта ҳажмдаги “История завоевания Средний Азии” номли монографик тадқиқотида Россия империяси томонидан Туркистонни босиб олиниши жараёнида рўй берган тарихий воқеалар нисбатан ҳолис баён қилиниши билан тарихчилар эътиборини тортади. У ўз асарида Хива хонлиги таъсир доирасида бўлган Кичик Жуз қозоқлари яшайдиган Эмба дарёси атрофларида хиваликлар кўшини Перовскийнинг ҳарбий отряди билан бир неча бор тўқнашганлиги, ўзаро жиддий жанглар бўлиб ўтганлигини қайд қилиб ўтади[Тереньтевь.С.98]. Ҳатто, хиваликларнинг ботирилиги, кўркмаслиги, жанг қилиш тактикаси ҳақида ҳам маълумотлар берган. Ушбу ҳарбий отряд охир-оқибат, сахро ва жазирамадаги кўплаб йўқотишлар туфайли орқага қайтишга мажбур бўлади [Тереньтевь.С.98].

В.А.Перовскийнинг Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракати даврида Хива хонлиги қўшини билан рўй берган жанглар ҳақида маълумотлар А. Г.Серебранниковнинг тўпламида ҳам берилган. 1839 йилнинг 31 декабрида В.А.Перовскийнинг Россия империясининг Ҳарбий вазирига ёзган махфий маълумотномасида, 18 декабрь куни эрталаб соат 7-ларда ҳарбий қўшинининг олд қисми(**авангард-С.Ш.**) ўрнашган, Хива хонлиги чегарасига яқин, унинг таъсир ҳудудига кирувчи Эмба дарёсига яқинида жойлашган Оти - Яхши қаъласига хиваликларнинг 2000-3000 кишидан иборат қўшини ҳумум бошлаган ва тўқнашув икки кун давом этган. Ҳарбий қуроли яроғ жиҳатидан рус аскарларининг устунлигига қарамасдан, хиваликлар жасурлик билан жанг қилган, фақат тўшларнинг кўчи билангина ҳужумни тухтатишга муваффақ бўлинган [Серебранниковъ. С.245]. Ҳужжатда, хиваликларнинг ҳужумлари натижасида рус қўшинининг шахсий таркиби ва моддий таъминотига етказилган зарар билан боғлиқ маълумотлар батафсил берилган. Шу фактларнинг ўзиёқ Хива хонлиги қўшини жанговар руҳда бўлганлигини, ўз ери ва озодлиги учун душман қўшини билан жанг қилишга шай бўлганлигини кўрсатади. Мазкур жанглар, Хива хонлигининг марказидан анча узоқда, камида 1000 км ортиқроқ масофада жойлашган ҳудудларда рўй берганлигини эътиборга олсак, рақиб армияси мамлакат ичкарасига кириб келган сайин қандай қаршилиқка дуч келиши мумкинлиги ҳам Перовский ўз қўшинини орқага қайтаришга мажбур қилган сабабларидан бўлган деб ҳисоблашга тўла асосимиз бор.

**Хулоса:** Шундай қилиб, полковник А. Г.Серебранниковъ томонидан 1906 йилда Тошкентда нашр қилинган “Сборник материалов для истории завоевания Туркистанского края” тўпламига киритилган архив ҳужжатларини ўрганиш, XIX асрнинг биринчи ярмида Россия империясининг Марказий Осиё минтақасига нисбатан олиб борган улў давлатчилик, экспансив сиёсатининг асл моҳиятини тушуниш ва англашга яна бир бор имкон беради. Рус маъмурлари ўзларининг геостратегик сиёсатида Хива хонлигининг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу мамлакатни бўйсундириб, кейинчалик бутун Марказий Осиё ҳудудини эгаллашда плацдарм, таянч нуқта сифатида фойдаланишни кўзлаганлар. Аммо,

гайратли ва қобилатли хукмдор Оллоқулихон бошчилигида Хива қўшини Россия империяси ҳарбийларининг режаларини амалга оширишга йўл қўймаганлар.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон худудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари) лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир т.ф.д., проф. Д.Х.Зияева. Т-2019й.4146
2. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажара-и Хоразмшоҳий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси №9596, варақ, 234
3. Терентьев В.А. История завоевания Средней Азии. Т.1, М., 1906г;
4. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края. Томь I. 1839 годъ. Зимняя экспедиция въ Хиву ген. адъют. Перовского и дѣйствиі отрядовъ, высланныхъ въ киргизскую степь с Сибирской и Оренбургской линій для усмирения Кенисары Касимова и другихъ- мятежниковъ. Составитель полковникъ А.Г. Серебrenниковъ. Ташкентъ. Тип. шт. Туркестанскаго воен. округа. 1908 г.

УЎК: 9(с52)

### ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН: ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

*Б.Д. Сайфуллаев, мустақил тадқиқотчи, ТДТУ, Тошкент*

**Аннотация.** *Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари икки халқ ўртасидаги ҳар томонлама дўстона илдизларнинг кўп асрлик тарихига асосланган юқори даражадаги ҳамкорлиги билан ажралиб туради. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичда ривожланиб бориши тарихийлик нуқтаи назардан ўрганилиб, таҳлил этилган.*

**Калим сўзлар:** *Ўзбекистон, Ҳиндистон, ташиқи сиёсат, дипломатия, савдо-иқтисодий, маданий, тиббиёт, таълим ва спорт.*

**Аннотация.** *Узбекско-Индийские отношения характеризуются высоким уровнем сотрудничества двух народов, имеющее многовековую историю. В данной статье с исторической точки зрения исследуется и анализируется новый этап развития отношений между Узбекистаном и Индией.*

**Ключевые слова:** *Узбекистан, Индия, внешняя политика, дипломатия, торгово-экономический, культурный, медицинский, образовательный и спортивный.*

**Abstract.** *Uzbek-Indian relations are characterized by a high level of cooperation between the two countries, based on centuries-old history of comprehensive friendly roots. This article is learned and analyzed the development of relations between Uzbekistan and India at a new stage from a historical point of view.*

**Keywords:** *Uzbekistan, India, trade-economic, foreign policy, diplomacy, trade and economics, culture, medicine, education and sports.*

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида дунёнинг ривожланган, халқаро муносабатларнинг муҳим субъектлари бўлган давлатлар билан алоқаларни янада ривожлантиришга ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шундай давлатлардан бири - бу Ҳиндистон давлатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳиндистон бугунги кунда жадал ривожланиб, жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини мустақамлаб бораётган глобал давлат. Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз”[1].

Дарҳақиқат, Ҳиндистон узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда бой тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакат сифатида яхши танилган, ўзбек халқи билан кўп асрлик маданий, савдо-иқтисодий алоқалар, энг аввало, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакатдир. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичда ривожланиб бораётганлигини илмий жиҳатдан ўрганиш - янги Ўзбекистон тарихини яратишда ва унинг ташқи алоқаларга доир саҳифаларини ёритишда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь – 1 октябр кунлари амалга оширган биринчи давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди [2]. Давлатимиз раҳбари ҳинд анъаналарига хос тарзда “Раштрапати Бхаван” саройида расмий кутиб олинди. Ташрифнинг асосий воқеалари 1-октябрда бўлиб, давлатимиз раҳбари “Раштрапати Бхаван” саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди. Шундан сўнг, Ҳайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди [3]. Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон – Ҳиндистон мулоқоти якунида дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларида 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди[4].



Шунингдек, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фарматсевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилиниб, Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди. Давлатимиз раҳбари ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилдли асарлар тўпламини совға қилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифига тайёргарлик кўришда Свараж хонимнинг хизматлари катта эканлигини, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади[5].

Тадқиқот жараёнидаги мавзу доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқаларининг тарихи, бугунги ҳолати ва ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақида бир қатор ҳинд экспертларининг фикрлари ҳам келтириб ўтиш жоиз. Жумладан, Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти эксперти Мина Сингх Рой икки томонлама алоқаларга тўхталиб: “Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар анъанавий равишда самимий ва дўстона характери ва тарихий мустаҳкам асослари билан ажралиб туради. Ҳозирги кунга келиб ушбу алоқалар ўзининг юқори чўққисига етмоқда. Бунинг энг асосий омилларидан бири икки давлат раҳбарлари орасида очик, самимий ва мунтазам мулоқотларнинг йўлга қўйилганлигидир. Сўнгги йилларда ташкил этилган олий ва юқори даражадаги ташрифлар бунинг яққол мисолидир”, - дея таъкидлайди[6].

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонаси маслаҳатчиси Шипра Гош Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга ўз муносабатини билдирар экан: “2017 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистонда фаолият олиб борар эканман, ўтган вақт мобайнида мамлакатдаги барча соҳаларда амалга оширилаётган самарали ислохотларнинг гувоҳи бўлаяпман. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган ташаббус”, - дея қайд этиб ўтади [7].

Ташқи ишлар вазирликлари даражасида Афғонистон иштирокида “Ҳиндистон-Марказий Осиё” мулоқотининг яратилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қўшма ташаббуси бўлиб, Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан алоқаларида янги саҳифа очди. Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришга мақсидида 2019-йилнинг 12-13-январь кунлари Самарқанд шаҳрида Афғонистон иштирокидаги “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб, форумга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов ва Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж раислик қилдилар.

Форумда икки ва кўп томонлама шаклларда ўзаро савдо ўсишига кўмаклашиш чоралари, минтақа мамлакатлари иқтисодийётига сармоя, инновация, технологияларни жалб қилиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари, Марказий Осиё давлатларининг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш, туристик сафарларни ошириш, шунингдек, илм-фан, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларида муайян қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Таъсис саммити якунларига кўра Қўшма баёнот қабул қилиниб, унда ташқи ишлар вазирлари даражасида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти жорий этилганлиги тўғрисида маълум қилинди[8].

Ушбу мулоқот учрашувидан қисқа вақт ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 2019-йилнинг 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда бўлиб, “Жўшқин Гужарат – 2019” IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари 18 январь куни Гандинагар шаҳрида халқаро саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модига билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йили октябр ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар, шунингдек, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Саммит арафасида Гужаратда Ўзбекистон-Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб, тадбирда икки мамлакат компаниялари ўртасида саноат кооперацияларини янада ривожлантириш, ҳинд компанияларини Ўзбекистонга жалб қилиш, ҳамкорликда бизнес форум ва кўрғазмалар ташкил қилиш, Тошкентда Ҳиндистон саноат конфедерациясининг доимий ишлайдиган офисини очиб масалаларда келишиб олинди[9].

Ҳиндистон Эксимбанки билан Ўзбекистонда ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун 200 миллион долларга тенг кредит ажратиш тўғрисида, шунингдек, 2019-йил янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртлари Амита ва Шарда унверситетларини фаолиятини бошлаши бўйича келишувларга эришилди[10]. Давлат раҳбарлари ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, заргарлик саноати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфратузулмасини модернизация қилиш каби йўналишлардаги устувор лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларининг амалий ижросини жадаллаштириш зарурлигини қайд этдилар[11].

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, халқаро



саммитда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун қуйидаги таклиф ва ташаббусларни илгари сурди:

– Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникациялар тармоғида Транс-афғон темир йўли лойиҳасини амалга ошириш ҳар қачонгидан долзарбдир. Истикболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради;

– ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;

– Гужаратнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шоҳ Бобур туғилган ва улўғ Акбаршоҳ аجدодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон – Ҳиндистон минтақалари бизнес-форумини шу йили ўтказиш;

– 2020 йилда Ҳиндистонда “Ўзбекистон маданияти йили”ни ҳамда Ўзбекистонда “Ҳиндистон маданияти йили”ни нишонлаш, жорий йилда юртимизда Ўзбекистон – Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил қилиш.[12]. Президентимиз илгари сурган ушбу таклифлар ва саммит доирасидаги келишувларда имзоланган битим ҳамда шартномалар кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим қадамлардан бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда дунёда коронавирус пандемияси туфайли вужудга келган эпидимологик вазият даврида ҳам алоқаларни ривожлантириб бориш ва пандемияга қарши курашишда ўзаро тажрибаларни ўрганиб бориш мақсадида икки мамлакат ўртасида онлайн видео конференциялар, саммитлар ташкил қилиб борилмоқда. 2020-йилнинг 11-декабрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди видео анжуман тарзда учрашув ўтказилди.

Онлайн даражадаги музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилиб иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий техник қўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, кибер хавфсизлик, рақамли технологиялар ва қайта тикланадиган энергетика бўйича тўққизта шартнома имзоланди[13].

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан амалдаги ташқи сиёсат концепцияси негизида юритилаётган очиқ прагматик сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузи янада ортиб, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидан бири - Ҳиндистон билан стратегик шерикчилик даражасидаги дўстона муносабатлар янги босқичда ривожланиб бормоқда. 2020-йил 29-декабрда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда устувор вазифалардан бири сифатида Ҳиндистон давлати билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлат билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарурлиги белгилаб берилди. Ҳеч шубҳа йўқки, буларнинг барчаси мамлакатларимиз ўртасида тобора юксалиб бораётган ўзаро алоқаларимизнинг қадимий ришталарини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш Мирзиёев. Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз / [https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-uzbekiston-va-indiston-munosabatlaring-bugungi suratini-yu-ori-ba-olay](https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-uzbekiston-va-indiston-munosabatlaring-bugungi-suratini-yu-ori-ba-olay). (18.12.2020)
2. On the forthcoming state visit of the President of Uzbekistan to India / <http://www.uzbekembassy.in/on-the-forthcoming-state-visit-of-the-president-of-uzbekistan-to-india>. (22.12.2020)
3. Tarixiy mushtaraklikka ega munosabatlarning yangi boshqichi // Xalq so'zi, 2018-yil 1-oktabr.
4. O'zbekiston – Hindiston strategik sherikligi yangi, yanada yuksak bosqichga ko'tarilmoqda / <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-hindiston-strategik-sherikligi-yangi-yanada-yuksak-bosqichga-kotarilmoqda>. (2.01.2021)
5. O'zbekiston – Hindiston strategik sherikligi yangi, yanada yuksak bosqichga ko'tarilmoqda / <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-hindiston-strategik-sherikligi-yangi-yanada-yuksak-bosqichga-kotarilmoqda>. (12.01.2021)
6. O'zbekiston-Hindiston munosabatlaring bugungi holati va istiqbollari tahlil etildi / <https://uwed.uz/uz/news/fulltext/1366>. (13.01.2021)
7. O'zbekiston-Hindiston munosabatlaring bugungi holati va istiqbollari tahlil etildi / <https://uwed.uz/uz/news/fulltext/1366>. (13.01.2021)
8. Samarqandda birinchi vazirlar uchrashuvi yakunlandi/ <https://m.mfa.uz/uz/press/news/2019/01/17363/?INVERT=Y>. (12.11.2020)
9. O'zbekiston – Hindiston ishbilarmonlar kengashi majlisi // Xalq so'zi, 2019-yil 18-yanvar.
10. O'zbekiston – Hindiston: ko'p qirrali hamkorlikni yanada mustahkamlash yo'lida // Xalq so'zi, 2019-yil 19-yanvar.
11. O'zbekiston – Hindiston: ko'p qirrali hamkorlikni yanada mustahkamlash yo'lida / <http://www.uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/3892>. (13.01.2021).
12. O'zbekiston – Hindiston: ko'p qirrali hamkorlikni yanada mustahkamlash yo'lida // Xalq so'zi, 2019-yil 19-yanvar.
13. The potential for transformative India-Uzbekistan bilateral relations / <https://www.orfonline.org/expert-speak/the-potential-for-transformative-invlavt-dia-uzbekistan-bilateral-relations/> (15.01.2021).

**“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МАТЕРИАЛЛАРИДА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ТАРИХИГА ОИД  
ТАДҚИҚОТЛАР**

**Х.Т. Сайфуллаев, ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Туркистон тўплами яратилиши тарихи ва унинг босқичлари ёритилган. Шунингдек, Тўпланда Цин империяси ва Россия империяси ўртасидаги Шарқий Туркистон учун рақобат, минтақанинг географик ўрни, иқтисодий, сиёсий тарихига оид маълумотлар ҳам атрофлича муҳокама қилинган.

**Калим сўзлар:** Шарқий Туркистон, Туркистон тўплами, Е.П.Ковалевский, Чугучак кўзғолони, А.К.Гейнс, А.Фон-Гейер, А.В. Каулбарс.

**Аннотация.** В статье рассказывается об истории туркестанской коллекции и ее этапах. В сборнике также обсуждается конкуренция между Империей Цин и Российской Империей за Восточный Туркестан, географическое положение, экономическая и политическая история региона.

**Ключевые слова:** Восточный Туркестан, Туркестанская коллекция, Е.П. Ковалевский, Чугучакское восстание, А.К. Гейнс, А.Фон-Гейер, А.В. Каульбарс.

**Abstract.** This article describes the history of the Turkestan collection and its stages. The collection also discusses the competition between the Qing Empire and the Russian Empire for East Turkestan, the geographical location, economic and political history of the region.

**Keywords:** East Turkestan, Turkestan Collection, E.P. Kovalevsky, Chuguchak Uprising, A.K. Gaines, A.Fon-Geyer, A.V. Kaulbars.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва янги ҳудудларни босиб олиши натижасида ушбу минтақада мустамлакачилик тизимига асосланган бошқарув тизимини ўзида акс эттирган Туркистон генерал губернаторлиги ташкил топди. Унинг биринчи генерал-губернатори Фон Кауфманнинг молиявий қўллаб-қувватлаши ва библограф В.И.Межов ташаббуси билан ўзида турли илмий маълумотларни жамлаган “Туркистон тўплами” тузиш бўйича амалий ишлар бошланди. Ушбу тўпландан кўзланган мақсад нафақат Рус ҳукмрон доираларининг Туркистон ўлкасини чуқурроқ ўрганиш, балки минтақанинг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенг ва атрофлича тадқиқ қилиш эди. Туркистон тўпламида Туркистон ва унга қўшни минтақалар, шунингдек, Осиё мамлакатлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди [1]. Жумладан, тўпланин материалларида Туркистон ўлкаси ва унга қўшни бўлган Афғонистон, Эрон ва Хитой (Ғарбий Хитой ёки Шарқий Туркистон) давлатлари ҳақидаги умумий маълумотлар ҳамда ушбу давлатларнинг Туркистон ўлкаси билан савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқалари ҳақидаги материаллар ўрин олган. Айниқса, Хитой билан Россия империяси ўртасидаги Шарқий Туркистон ҳудудлари учун бир неча йиллик рақобат ушбу минтақани атрофлича ўрганишни талаб қиларди.

Шарқий Туркистон тарихи тўғрисидаги турфа материаллар таркиби, тузилиши, вақтига қараб Туркистон тўпламига киритиб борилган. Бу материалларни қуйидагича туркумлаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, 1864-1866 йиллардаги кўзғолон муносабати билан тўпланган материаллар. Шарқий Туркистонда ушбу кўзғолондан кейин мустамлакачи кучлар эътибори минтақага қаратилиб, рус ва хорижий тиллардаги кўплаб нашр ва хабарлар, китоб, памфлет, мақолалар "Тўпланин"га киритилиб, нашр эттирилди. Аммо Цин империяси томонидан Шарқий Туркистон иккинчи марта босиб олинган, "Туркистон тўплами" даги сиёсий масалалар бўйича маълумотлар оқими кескин камайди.

Иккинчидан, 1871 йилда Россия империяси томонидан Или водийси босиб олингандан кейинги шу воқеани акс эттирувчи маълумотлар “Туркистон тўплами”да муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ушбу босқин рус олимлари томонидан минтақани батафсил ўрганиш имконини берарди. 1871 йилдан 1881 йилгача бўлган даврда Туркистон тўпламида нафақат Ғулжа райони, балки Шарқий Туркистон тарихига оид кўплаб хабарлар газета ва журналларда чоп этилди. Лекин, 1881 йилда Ғулжа тумани Хитойга қайтарилгандан сўнг, ушбу минтақа тўғрисида кам эътибор қаратилади.

Учинчидан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистонга ташриф буюрган сайёҳ ва тадқиқотчилар маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, 1876-1878, 1883-1885 йилларда ўлкага ташриф буюрган Н.М.Прежевалский, 1876 йилда келган А.Н.Куропаткин, 1868-1873 йилларда келган Р.Шоу, 1871-1872 йилларда келган Каулбарс раҳбарлигидаги йирик экспедициялар ҳақида ҳар куни даврий нашрлар саҳифаларида турли тиллардаги маълумотлар нашр этиб туриларди. Лекин библограф В.И.Межов томонидан “Туркистон тўплами”га саёҳатчилар томонидан ёзилган ҳамма мақолалар ҳам тўлик киритилмаган.

Тўртинчидан, 1888 йилдан 1907 йилгача бўлган даврда Тўпланин тузиш ишлари вақтинча тўхтатилди. Шуни таъкидлаш лозимки, қисқа вақт ичида таҳрир ҳайъати томонидан улкан илмий материаллар тўплашга муваффақ бўлинди. Яъни 594 томдан иборат ушбу тўпланиннинг 1-416 томлари 1867-1887-йилларда библографлар томонидан йиғилган. 1907 йилга келиб Тўпланин тузиш ишлари қайта бошланди. Тўпланин яратишни давом эттириш учун қўмита бир неча кишидан иборат ишчи гуруҳ тузди. Таркибда библограф Н.В.Дмитровский бошчилигида, этнограф А.А. Диваев ва Туркистон бадий кутубхонаси директор ўринбосари И.П.Зыков ва шарқшунос Ю.Ф. Бонч – Осмоловскийлар бор эди [2].

Тўплам тузилишининг янги босқичида асосан газета, журналлар ва рисоалардан олинган парчалар йиғилганини кўриш мумкин. Чунки XX аср бошига келиб маълумотлар оқими кескин даражада ортганди. Лекин тўпламнинг сўнги томларида Шарқий Туркистон ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Шунингдек, «Тўпламда» умумий 10710 номдаги мақолалар мавжуд [3]. Шулардан, Шарқий Туркистон минтақасига оид 700 дан ортиқ китоблар, рисоалар ва мақолаларни учратиш мумкин. Баъзи мақолалар мазмуни жихатдан бир-бирига ўхшаш, лекин, улар бошқа муаллиф ва нашриёт газеталарида нашр қилинган.

Ғарбий Хитой яъни Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда “Туркистон тўплами” даги муҳим манбалардан бири рус сайёҳи Е.П.Ковалевскийнинг (1809-1868) “Қуруклик ва денгизлар оша саёхатчи” номли асари ҳисобланади [4]. Ушбу асар муаллиф томонидан 1840 йилда Ғулжа ва Чугучакка қилинган сафари мобайнида ёзилган. Мазкур китобда савдо-сотик алоқалари ва қарвон йўллари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди [5]. Асар нафақат Шарқий Туркистон балки Ўрта Осиё минтақаси ҳақида ҳам маълумот беради. Е.П.Ковалевский Чугучакка келишидан олдин Россиядан мусулмон савдогарлари ўзларининг оқсоқолларини сайлаб, рус товарлари савдосини олиб боришган ва Шарқий Туркистондан Хитой товарлари ёки Шарқий Туркистон хунармандларининг маҳсулотларини олиб чиқишган. Цин маъмурияти рус савдогарларини келишига ҳар томонлама тўсқинлик қилган. Шунинг учун Э.П.Ковалевский Чугучакка татар савдогари никоби остида кириб келди. Ғулжа ва Чугучак шаҳарлари руслар билан савдо-сотик қилиш учун очиб қўйилди. 1835 йилда Россия товарларининг ҳажми 281 минг рублдан ташкил қилди. XIX асрнинг 40-йилларида рус товарлари миқдори 500-700 минг рублга ортди [6]. Юқорида такидланганидек, бу ерда Е. П. Ковалевскийнинг миссияси катта рол ўйнади ва 1851 йилда Хитой билан шартнома тузилди [7]. Савдога оид энг аниқ маълумотлар унинг “Ғулжа сафари” мақоласининг иккинчи қисмида берилган [8]. Муаллиф ўз маълумотларида Ғулжа ва Тарбағатой округлари аҳолиси ва армияси ҳақида ҳам алоҳида тўхталганини кўриш мумкин. Ғулжада 3000 дан ортиқ уй-жой мавжуд бўлган. Шунинг учун, аҳолининг сонини ўртача 30000 кишидан иборат деб ҳисоблаш мумкин [9]. Шунингдек, шаҳар ҳарбий гарнизонида 5000 га яқин манжур ҳарбийлар мавжудлиги аниқланган. Лекин ҳарбий кўмондон буйруғи билан қисқа муддатда 30000 гача мўғул ва қорақирғиз аҳолисидан иборат аскарлари тўпланиши мумкинлиги қайд этади [10]. Бу эса XIX асрнинг бошларида Цин ҳукуматининг шимолий чегаралар мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратганини кўришимиз мумкин. Жумладан, Чугучак ва Тарбағатой 600 хонадондан иборат кичик шаҳар эканлиги ҳақида маълумот бериб ўтади [8]. Е.П.Ковалевский Савдо-сотик муносабатлари ҳақида қуйидагича маълумот беради: “ Ғулжа шаҳрида жуда бой савдогарлар йўқ, лекин савдо ишлари ишончли савдогарлар томонидан амалга оширилади. Шаҳарга Хитойнинг айрим вилоятларидан, Ўрта Осиё хонликларида ва ҳинд савдогарларини, шунингдек, Европа товарларини буюртма асосида олиши мумкин бўлган [10]. Шунингдек, муаллиф Тарбағатой тоғларидаги олтин қонлари ва уларнинг жойлашуви ҳақида маълумотлар бериб ўтади [9]. Бундай қазилма ва табиий ресурсларни ўзлаштириш ишлари XIX асрнинг 60-80-йилларида анча фаол ўрганилди ва қазилма ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилди. Бу ҳақда Туркистон тўплами материалларида Ғулжада кўмир қони, қазиб олиниши ва ишчилари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди [11]. Кўриб ўтганимиздек, асли муҳандис бўлган Е.П.Ковалевский ташрифи минтақанинг табиий ресурсларини ўрганиш ва ўзлаштиришни ҳам мақсад қилиб қўйганди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Шарқий Туркистон минтақасини Рус тадқиқотчилари томонидан фаол ва амалий ўрганилиши XIX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида бошланди. Бу албатта рус ҳукмрон доираларнинг анча илгари сурилган ғоялари асосида амалга оширилаётганди. Жумладан, Рус императори Пётр I томонидан, ташкил этилган 1713-1714 йилларда ташкил этилган Иван Бухгольц экспедициясидир. Ушбу экспедиция Тоболдан Иртиш дарёси бўйлаб Ёркендга яъни Шарқий Туркистонга йўналтирилганди. Лекин, ушбу экспедиция қалмоқлар ҳужуми туфайли муваффақиятсизлик билан тугаганди. Албатта ушбу омиллар минтақани атрофлича ўрганишни талаб қиларди. Шу сабабли XIX асрнинг бошларидан минтақа фаол ўрганила бошланди. Ушбу экспедициялар албатта Туркистон тўплами материалларидан мунтазам ўрин олиб турди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sayfullayev X. The history of the Asian countries in the Turkestan collection. rejuvenating silkroad: past, present and future of turkey-Uzbekistan relations. ISTANBUL JULY 2019. Pp.188-191.
2. Отчет Туркестанской Публичной библиотеки и музея за 1907 года. – Т., 1908, - Б.3.
3. Касымова А.Г. Туркестанский сборник Ташкент: Ўзбекистан. 1985. –С. 12
4. Ковалевский Е.П. Странствователь по суше и морям. – Типография Н.Н.Богорова. СПб.1843 -Кн.1. -219.; - Кн.2.- 183 с. (Поездка в Кулджа кн 2. С.111-167)
- 5.Скачков П.Е. Очерки истории русского китаеведения // М.: Наука, 1977. -стр 510
6. Гуревич Б.И. Международные отношения в Центральной Азии в XVII первой половине XIX в. – М.,1983 - 252 стр.
7. Бартольд В.В. История Изучения Востока в Европе ив России//Соч -Т.9. -М.1977. -249 стр
8. Ковалевский Е.П. Странствователь по суше и морям. – Типография Н.Н.Богорова. СПб.1843 -Кн.1. -с 178-206.;
9. Ковалевский Е.П. Странствователь по суше и морям. – Типография Н.Н.Богорова. СПб.1843 -Кн.1. -с 194
10. Ковалевский Е.П. Странствователь по суше и морям. – Типография Н.Н.Богорова. СПб.1843 -Кн.1. -с 193



11. Заметка о Кульджинских каменноугольных копях в окрестностях укр. Баяндая. [Ежегодник Туркестанского края. 1873/ Фабиан, К.] Туркестанский сборник . Т. 60. -стр. 222-225; О горнозаводской промышленности Кульджинского ханства. Т. 60 -стр. 226-231

УЎК 93/94

## АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ТАКТИКАСИ ВА СТРАТЕГИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1379-1404)

*Х.Я. Сориев, ўқитувчи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаси, бевосита қўшин ва унинг тузилиши ҳақида, қўшин тузилиши, унинг таркибий жойлашуви, тактик усулларига киритган янгиликлари, ҳарбий тактик жиҳатдан қўшиннинг жойлашуви ва бошқа ҳарбий уруш усуллари, умуман, Амир Темур Осиёда 40 йил давомида олиб борган урушлари даврида ҳарбий тактикаси ва стратегиясида бўлган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди.

**Калим сўзлар:** Тактика, стратегия, кунбул, хабаргир, жавонгир, барангар, чагдавул, чоповул, шиқовул, марказ, хировул, қўмондон, манглай, сипоҳий фавжи, ўғруқ.

**Аннотация.** Эта статья о великом государственном деятеле, вкладе Сахибкيران Амира Темура в развитие боевых искусств, непосредственной армии и ее структуре, структуре армии, ее составе, нововведениях в тактических методах, военно-тактическом развертывании и других методах ведения боевых действий в России. Общие сведения об изменениях в военной тактике и стратегии за 40 лет войны.

**Ключевые слова:** Тактика, стратегия, кунбул, хабаргир, джавонгир, барангар, чагдавул, чоповул, шиқавул, центр, хировул, командир, манглай, сипохи фавджи, вор.

**Abstract.** This article is about the great statesman, Sahibkiran Amir Temur's contribution to the development of martial arts, the direct army and its structure, the structure of the army, its composition, innovations in tactical methods, military tactical deployment and other methods of military warfare in general. It provides information on changes in military tactics and strategy during the 40-year wars.

**Keywords.** Tactics, strategy, kunbul, habergir, javongir, barangar, chagdavul, chapovul, shikavul, center, hirovul, commander, manglay, sipohi favji, thief.

Ҳарбий санъат тарихи Соҳибқирон Амир Темурни ҳақли равишда жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида эътироф этади. Буюк бобомизнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатида ёрқин намоён бўлган.

Бутун онгли умрини «Ҳақ бўлсанг, нажот топасан», «Куч адолатдадир» сингари шиорларга суянган ҳолда сиёсат юргизган бобокалонимиз сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий адолат, маданий ривожланиш, давлат бошқаруви соҳалари билан бир қаторда жаҳон ҳарбий санъати ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Амир Темур авваламбор, ҳарбий қўшиннинг ижтимоий ҳолатини қонунийлаштириб қўйди ва асосий жангни ютиб чиқувчи омил сифатида фақатгина мардлик ёки жанговарлик эмас, шунингдек, аскарга нисбатан давлат томонидан бўлган ижтимоий эътибор тушунчасини киритди.

Амир Темур оддий сипоҳийларни бешинчи тоифага киритиб, уларга кўрсатган марҳаматини ва эътиборини таъкидлаш билан бир қаторда: «Сипоҳийларимни ҳамини жангга тайёр ҳолда тутдим, ойлик ҳақларини сўратгирмай вақтида бердим. Чунончи, Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келажакда қиладиган хизматлари етти йиллик озуқаларини бирваракайига бердим» деб таъкидлайди Ва яна ёзади: «Амирлар, сарҳанглар-сипоҳсолорларга мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Улар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлар олдим» дейди ва сипоҳ бошлиқларини тўртинчи тоифага киритади [1, 83 б.].

Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, Амир Темур барпо этган кудратли армиянинг турли-туман қисм ва бўлинмаларига 313 нафар бек сардорлик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси мингбегилик мансабларига эгалик қилган. Амир Темурнинг лашкарбошилари ва саркардалари Соҳибқирон сиёсат майдонига илк бор келгандан буён унга ишонч билдирган вафоли, моҳир кишилар, яъни дўстлари, ёру биродарлари ҳамда турли жангларда матонат, ақл-заковатини намойиш этган топилмас иқтидор эгалари ва ўзининг ўғил-набираларидан иборат бўлган. Бу ҳақда Амир Темур ўз “Тузук”ларида шундай деб ёзади: “Уч юз ўн уч амиримнинг бариси ақл-хуш эгалари, маҳоратли саркарда, ғаним лашкари тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди. Жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади”.

Бевосита қўшин ва унинг тузилиши ҳақида маълумот берадиган бўлсак, буюк лашкарбошининг қўшинида қуйидаги қисмлар фаолият кўрсатган: кунбул/кумбул–хировул, манглай, раъдандозлар, сонсиз, талол, тахшандозлар, хабаргирлар, язак, чағдовул, қувгунчи, ортдан зарба берувчи, отлик қисм, илғор қисм, разведка ишларини жанг билан олиб борувчи илғор қисм, тўпчилар, шахсий гвардия, тунги сокчи гуруҳ, арбалет (хум ва кўзалар порох билан тўлдирлиб, оғзимаҳкамланади ва пилиги ёндирилиб, палахмон



ёрдамида душман томонга отилган) отувчилар гуруҳи, жосус, разведкачилар, кундузги соқчи отлик гуруҳ, заҳирадаги мадакдор қисм, таъқиб учун ишлатиладиган отлик қисм.

Соҳибқирон Чингизхон қўшини тузилиши тартибини қайта ташкил этишга бел боғлади. Қўшин тузилиши, унинг таркибий жойлашуви, тактик усуллари янгиликлар киритишга ҳаракат қилди. Тактика жиҳатидан Амир Темур қўшини 7 қисм ёки 7 қўлга ажратилган эди. Қўшиннинг ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга бўлиниши жанг олиб боришдаги белгиланган вазифаларни бажаришда қўл келарди. Қўшинни 7 қисм (қўлга) бўлиб жанг олиб бориш усулини Амир Темур машҳур «Жанги лойдан» кейин (1365) ишлаб чиқди. Соҳибқирон асрлар давомида турк-мўғул қўшинларининг беш қисмга бўлиб жанг қилиш усулини такомиллаштириши айнан шу жангдан сўнг қайта кўриб чиқилди ва ён томондан муҳофаза қилувчи, керакли пайтда ҳужум қилувчи отлик аскарлар билан тўлдирилди. 1391 йил июнида ҳозирги Волга дарёсининг бўйида жойлашган Кундузча деган жойдаги мўғул хони Тўхтамишхон билан бўлган жангдан жанговар тартибнинг янги усулини қўллайди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Тўхтамишхон қўшини Амир Темурникидан анча кўп бўлган.

Амир Темур қўшинни анъанавий тартиб — марказ, сўл ва ўнг қанот ҳолидан ўзгача тартибда тузишга аҳд қилади ва жанговар тартибнинг янги усулини қўллайди, қўшин 7 қўлга тақсим этилади. Марказдаги қўлга амалда амир Сулаймоншоҳ қўмондон бўлган. Унинг ортидан Муҳаммад Султон бош бўлган қўл жойлашган, бу қўл кетидан Соҳибқирон қўл остида бўлган 20 қўшин (бўлук) заҳирадаги қисм сифатида борган. Баронғорга Мироншоҳ мирзо, кунбул (қанот)га амир Хожи Сайфуддин барлос, жавонғорга Умаршайх мирзо, унга кунбул сифатида амир Бердибек, Сарибуго қўллари жойлашган. Заҳира қисмларга ва ўғрукга қўмондонликни Амир Темур ўз зиммасига олган. Унинг мақоми марказ ортида бўлиб, ким ёрдамга муҳтож бўлса, ўшанга қўмак юборишга тайёр турган. Кейинчалик маълум бўлишича жанг тақдирини ушбу ҳарбий қисм ҳал этган[2, 169 б.].

Тўхтамишхон қўшинини 5 қўлга тақсимлаб, уларга Жўжи хонадонига мансуб шахзодалар ҳамда энг олий даражадаги амирларни қўмондон қилиб тайинлайди. Икки томон қўшини бир-бирини кўра оладиган масофага келганда Амир Темур душман кўз ўнгида ўтов, чодирлар ўрнатишни, гиламлар ёзишни набираси Мирзо Абубакир қўмондонлик қилаётган бўлинмага буюради. Бундай намоёишқорона совуққонлик душман руҳиятига салбий таъсир этиб, уни эсанкиратиб қўйиши лозим эди[2, 169 б.]. Жанг уч кун давом этган ва Амир Темурнинг тўлиқ ғалабаси билан тугаган.

Соҳибқирон қўшиннинг умумий сони 800 минг суворий ва пиёдадан иборат бўлишига қарамай, йирик юришларда иштирок этадиган лашкар сони 100 минг билан 250 минг атрофида бўлган. 1404 йил охирида Хитой сафарига 272612 кишидан иборат бўлган[3, 163 б.]. Муаррих Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, сафар тартибига биноан ҳар бир туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ўз даражаси, мавқеи ва сафда эгаллаган ўрнига караб қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган[4, 159 б.]. Тартибни бузган шахс Соҳибқирон томонидан қаттиқ жазоланган. Қўшин дам олишга тўхтаганда ёки жанггоҳга тушганида, лашкаргоҳ атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган аравалар билан ҳақкам ўралган, шох-шаббаллар билан тўсилган, гирдига четан-чапар қўйилган, ичига мўнду ўрнатилган ҳандаклар билан ихота қилинган. Истеҳком кундузи -язак ва тунги - талоя соқчи бўлинмалар ёрдамида кўриқлаб турилган. Душман кўриниши билан лашкар ҳандакдан чиққан ҳамда жанговар саф тузган ҳолда унга қарши юзланган. Юриш ёки муҳораба чоғида бошболдоқлик ҳамда парокандаликка йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир бўлинма, гуруҳ, қисмнинг ўз паролли (ўрон) бўлган.

Аксарият ҳолларда душман қўшинини жангга киритиш мақсадида Амир Темур ўзини заиф қилиб кўрсатар эди. “Амр қилдимки, душман уруш очмагунча ўзларича жангга кирмасинлар” деб ёзади ўз Тузукларида Соҳибқирон[1, 127 б.]. Бу стратегик ҳийла (савқул-жайш) кўп ҳолларда яхши самара берар эди.

Муҳолифатчи лашкар билан дастлабки тўқнашувни разведка вазифалари билан машғул бўлган энгил суворийлар, яъни, қоровул томонидан бошлаб бериларди. Шундан сўнг, ўнг ва чап қанот илғор қисмлари - баронғор ҳировули ва жавонғор ҳировули мададида асосий илғор қисм- манглай жангга қадам қўйган. Манглай ортидан баронғор ҳамда жавонғорнинг қолган икки бўлаги, яъни чоповул ва шиқовул пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо, ушбу куч душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош қўмондон - амирул-ул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар - қўл (ғўл) ҳал қилувчи жангга ташланган. “Шундан сўнг Аллоҳнинг мададу иноятига таяниб, лашкарбошининг ўзи ҳам жангга кирсин. Мени ҳам уруш майдонида ҳозир деб билсинлар. Аллоҳнинг ёрдами билан ғанимга саккиз зарба етгандан сўнг, тўққизинчи зарбада душман энгилиб, фатху нусрат насиб бўлади”[1, 127 б.].

Душманда қочиб белгилари ва мағлубият аломатлари аён бўлиб қолганда, уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилган қувғунчи тайин этилган. Душман қалъаси деворлари яқинида тошотар замбараклар (манжаник) қурилиб, ғалтаклар устига ўрнатилган арродалар тикланиб, қамалдагиларга қарата ҳар гарафдан тошлар ирғитилган, раъдлар ишга солинган. Борулар остида нақблар қовланган. Деворларда очилган раҳналар орқали аскарлар селдай ичкарига ёпирилиб кира бошлаган. Аскарлар арқон, нарвон, турли халқалар ёрдамида юқорига кўтарилганлар. Амир Темур қўшинида ичига ёнувчи модда - нефт (нефть) солинган кўзачалар, ирғитувчи ўт сочиш қуроли - раъдни узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар - раъдандозлар мавжуд бўлган. Бундай тўпчиларнинг сони Низомиддин Шомийнинг ёзишига кўра, 10 минг нафарга етган[5].

Кўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилиниб, унинг жанговар тартиби жангдан-жангга такомиллашиб борган, армия энг илғор қурол-аслаҳалар билан қуролланган, қисмлар бир-биридан кийим-боши, байроғи ва туғи билан фарқланган. Бундай фарқланиш жанг пайтида кўшинни бошқаришда қўл келган. Кўшиннинг қисм, бўлукларга тақсимланиши, ҳар бири учун маълум бир турдаги аскарый кийимларининг жорий этилиши каби янгиликлар кейинчалик европалик халқлар томонидан ўзлаштирилди. Амир Темур мўғуллардан фарқли равишда узоқ юришлар вақтида пиёдаларни ҳам от билан таъминлаган. Қайд этиш керакки, аниқ нишонга ўқ отиш лозим бўлган пайтларда отлик кўшини ҳам отларидан тушиб, яёв ҳолда ҳаракатланган, кўшинида асосий ролга эга бўлган отлик кўшин тез ҳаракат қилувчи сафарбар енгил суворийларга ва оғир қуролли отликларга бўлинган. Оғир қуролланган отлик кўшиннинг вазифаси душманга ҳал қилувчи зарбани беришдан иборат эди. Агар мўғулларда оғир қуроллардан қўриқлаш мақсадида фойдаланган бўлса, Соҳибқирон жангда уларнинг ролини янада орттирди.

Кўшинда ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилган отлик аскарлар билан бир қаторда пиёдалар ҳам хизмат қилган. Соҳибқирон Шарқда биринчилардан бўлиб армияга ўт сочар қурол — (тўпрад)ни олиб кирган. Тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи махсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил қилинган.

Душман муҳофаасини турли усуллар билан барбод этиш, рақибнинг йирик шаҳарларига кўкқисдан зарба бериш, қалъа, кўрғон ва ҳисорларнинг узоқ муддат муҳосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг кўламда қуршаб олиб, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларни бирин-кетин забт этиш, душманни батамом яқсон этгунгача таъқиб қилиш, таслим бўлган мамлакатларни бошқаришга ишончли кишиларни тайинлаш сингари амалиётлар Амир Темурга кўплаб зафарлар олиб келган. Тактика жиҳатдан Амир Темур армияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанггоҳда ёки жанговар сафда талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва чоралар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида тезкорлик билан бошқаришга алоҳида диққат қаратилган.

Соҳибқироннинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — жанг вақтида кўшин қанотларини душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва ўз навбатида, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ордан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм — кунбулнинг жорий этилиши бўлган[6, 95 б.]. Бундай янги ҳарбий қисм Александр, Ганнибал, Чингизхон, Людвик XIV, Буюк Фридрих каби атоқли саркардалар кўшинида бўлмаган. Шайбонийхон армиясида бундай қисм мавжуд эди ва у тўлғам атамаси билан номланган. Ҳарбий мутахассисларнинг қайд этишича, Наполеон Бонапарт Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Амир Темур армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларни ўзлаштирган[7, 163 б.].

Армия сафар чоғида қуйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган: Бош кучлардан анча олдинда қоровул (аванпост), ундан кейин манғлай(ҳировул), (авангард), баронғор, жавонғор, (қўлмарказ), чағдавул(арьергард) юрган. Кўшин кетидан ўғрук(обоз) пешма-пеш келган[6, 100б.].

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темурнинг 12 минг кишилиқ кўшини жангга мана бундай тартибда кирган: Душман билан дастлабки тўқнашувни айқоқчилик билан машғул бўлган қоровул бошлаб берган. Шундан сўнг ўнг ва чап қанот илғор қисмлари — баронғор ҳировули ва жавонғор ҳировули мададида асосий илғор қисм — манғлай жангга кирган. Манғлай ортидан баронғор ҳамда жавонғорнинг қолган 2 бўлаги — чоповул ва шиқовул кетма-кет ҳаракатга келган. Ушбу кучлар душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, бош қўмондон (амир ул-умаро) бошчилигидаги етакчи кучлар- марказ (қўл)-(ғўл) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган.

Соҳибқирон армияси қатнашган улкан жангларнинг тактик бориш манзараси қуйидагича бўлган: кўшин маркази 40 бўлук — полкка тақсимланган ва Олий бош қўмондонга итоат қилган. Ушбу бўлукларнинг сара жангчилардан ташкил топган 12 бўлуки сафнинг 1-чи қаторида, қолган 28 бўлуки 2-чи ва 3-чи қаторларда жойлашган. Қирқ бўлукнинг ўнг тарафи олдида амирзодалар қисмлари, сўл тарафи олдида қариндошлар ва иттифоқчилар қисмлари саф торган. 2-чи қаторнинг баронғорида 6 бўлук ўз илғори — ҳировул билан ўрин эгаллаган. Айни шу миқдордаги бўлук ва ҳировулга жавонғор ҳам эга бўлган.

2-чи қатор баронғори ва жавонғори олдида юқоридаги тартибда бир қатор қисмлари жойлашган. Унинг олдида бош илғор — манғлай (ёки ҳировули бузург) ҳаракатда бўлган. Енгил суворийлардан иборат 2 бўлук армия кўкқисдан бўладиган ҳамладан муҳофаза қилиш, душман кучлари ҳаракатини кузатиш билан банд бўлган.

Ҳарбий тактик жиҳатдан эса кўшиннинг жойлашуви ҳам «Темур тузуклари» да белгилаб берилган. Жангнинг бориши, унинг муддати, қатнашиши керак бўлган аскарлар сони шахсан Амир Темурнинг ўзи томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Амир Темур тактикасига кўра, жанг бўладиган ерни танлашда қуйидагилар эътиборга олинishi керак эди: сув, лашқарни жойлаш ва сақлаш учун қулай жой, жанг учун танланган ерда душман устидан устунлик қилиш мумкин бўлиши ва айниқса, юз ва кўзга куёш тушмаслиги, шунингдек, жанг майдони кенг ва текис бўлиши[1, 126 б.].

Жанг олдида амир кўшинлари текис ҳаракатланишлари учун ҳар бир сафнинг жойи тайин қилинган. Кўшин ўз отларини ўнгга ҳам, сўлга ҳам бурмасдан, тўғри бориши, душман билан тўқнашганда,

шиддат билан унга ташланишлари керак эди. Бу тадбир сафда турган қўшинларнинг беҳуда отишма билан шуғулланмасдан, шиддатли хужум қилишларига қаратилган эди.

Тажрибага эга ва моҳир саркарда жанг олдидан жанг майдонини синчиклаб кўздан кечириши, душманнинг қайси тарафдан устун эканлигини ўрганиши, ўз нуқсонларини тез орада йўқота олиши, душман алоҳида ажратилган қисмлар билан хужумга ўтаётгани ёки бор қўшинларини бирваракайига жангга киритганини кузатиши, махфий режалари бор-йўқлигини билиши керак эди.

XIX аср рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванин бу хусусда «Ҳали биронта ҳам халқ қўшинини тўғри сафлашни билмай, тартибсиз ва тактик ҳаракатларсиз, фақат ўзидаги жасорат даражаси билан узун-юлуқ жанг қилаётган бир пайтда Темурнинг тўғри сафланган, бир неча йўналишдан иборат мунтазам тартиб билан жангга кирувчи, кучли захирага эга бўлган кучли армияси бор эди», дея ўзининг юкори ва холис баҳосини берган эди. «Ҳарбий санъатда эгаллаган бекиёс маҳорати ва ботирлиги унга жангларда деярли ҳамини ғалабалар келтирди» [7, 120 б.]. Шарофуддин Али Яздий ҳам «Зафарнома» асарида «ҳали ҳеч ким ўйлаб топмаган услубни Соҳибқирон ўйлаб топиб, қўллаганлигини» алоҳида қайд этган эди.

Душман қўшини сони 40 мингдан кўпроқ бўлганда, унга қарши Амир Темурнинг ўзи борган. Бундай пайтда қўшин жангга қуйидагича тайёрланган: 40 та бўлинма бевосита Амир Темур ихтиёрида бўлган. Энг сараланган 12 та бўлинма 1-қаторни, қолган 28 таси 2- ва 3-қаторларни эгаллаган. Ўғли ва набиралари бошчилик қиладиган қўшинлар кўрсатилган 40 та бўлинма ўнг томонининг олд қисмида, қариндошлари ва иттифоқчилари бошчилик қиладиган қўшинлар эса унинг чап томони олд қисмида жойлашган. Кейин қанот, қатор ва бошқа бўлинмалар бўлган.

Амир Темурдан ҳарбий тактикани ўрганган турк жангчилари душман хужумига бас кела олмаган тақдирда отда қоча туриб, ёйларидан ўқ отишар, 60-100 қадам масофадан нишонга беҳато ура олишарди. Изларни йўқотиш учун тўрт томонга юришар, 5 қақиримдан кейин ҳар бир бўлинма 3 қисмга бўлиниб, 3 қақирим юргандан сўнг яна 3 қисмга бўлинар, кейин эса келишилган ерда, бошланган нуқтадан 40-50 қақирим узоқликдаги бирор жарда тўпланишар эди. Тарқаб қочиш от чоптириш йўли билан бор-йўғи бир ярим соат орасида амалга оширилган.

Соҳибқирон Амир Темур душман ҳақида қанча кўп билсанг, зафар кучишинг шунча осон бўлади, деб ҳисоблаган ва қўшиннинг айғоқчилик билан шуғулланувчи бўлими (хабаргир, жосуслар)га ҳам алоҳида эътибор қаратган. Қайд этилишича, чегарадош давлатлар тўғрисидаги керакли маълумотларни Амир Темур 1000 кишилик энгил бўлинмалар воситасида тўпларди. Бу бўлинмалар сувсиз чўл ерларда туя миниб, бошқа жойларда эса отлик ва пиёда ҳолда ҳаракат қиларди. Шунингдек, саёхатчиларга, савдогар ва қарвонбошиларга алоҳида ҳомийлик қилар, улардан ўзлари кўрган мамлакатларининг ҳолати ҳақида муҳим маълумотларни билиб оларди.

Соҳибқирон Амир Темур ана шу тарзда ўз замонининг кучли ва энг жанговар лашкарини ташкил қилишга муваффақ бўлганди. Душман мудофаасини моҳирона яқсон қилиш, ғанимларнинг йирик шаҳарларига кўққисдан зарба бериш, мустаҳкам қалъа, кўрғон ва ҳисорларни узоқ муддат камал қилиш, ёв кучларини иложи борица кенг кўламда қуршовга олиш, рақибни таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юришти Соҳибқиронга фақат ғалаба олиб келарди. Қўшин таркибида тоғли худудларда самарали ва тезкор жанг олиб борувчи махсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил этилган.

Амир Темур жангларда турли ҳарбий ҳийлалардан ҳам фойдаланган. Шулардан бири — у душман кўнглига ваҳима солиш мақсадида отларга шох-шабба боғлаб, кам сонли қўшинини жанг майдонидан четроқда қайта-қайта югуртиради. У ерда кўтарилган ваҳимали шовқин-сурон, қуюқ чанг-тўзондан эса душман аскарларининг ақли шошган.

Испан қироли элчиси Руи Гонсалесде Клавихо ўз «Кундалик»ларида шундай деб ёзади: «Ҳарбий ишларда катта тажрибага эга Темурбек оз фурсатда қўшин тўплаб, Эрондан шошилинич Туркияга йўл олади ва Арзинжон ерларидан ўтиб, Сабастрия шаҳрига етиб келади. Темурбекнинг бу ерга етиб келганини эшитган Боязид ўз йўлини ўзгартириб, юк ортилган барча от-араваларини мустаҳкам Ангури қасрида қолдириб, қўшинини Темурбекка қарши қўяди. Унинг бу ишидан хабар тошган Темурбек ҳам ўз йўлини ўзгартириб, баланд тоғлар томон юради. Темурбек ўз йўлини ўзгартирганини кўрган Боязид эса, қочиб кетяпти деб ўйлаб, уни қувишга тушади. Темурбек тоғлар оралаб саккиз кун йўл юриб, текис йўлга тушади ва Боязиднинг от-аравалари қолган Ангури қасрига келиб, бу ердаги барча нарсаларни қўлга киритади. Буни эшитган Боязид шошилинич Ангурига қайтишга ҳаракат қилади. Афсус, қасрга етиб келган турк қўшини ҳолдан тойганди. Боязидни чалғитиш мақсадида атайин айланма йўллар билан юрган Темурбек шу ердаги жангда Боязидни энгиб, уни асирга олди» [8].

Амир Темур кўмондонлар таркибининг ҳарбий ишда талаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган истеъдод соҳибларидан шаклланишига катта эътибор қаратган. «Унинг қўшинида ҳар бир жангчи ирки, эътиқоди ва жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги билан қадрланади» деб ёзади Франциялик олим Люсьен Кэрэн «Амир Темур салтанати» китобида [9, 36 б.]. Ҳарбий қобилияти бор муайян бир шахс, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, лашкарбошилик рутбасини қўлга киритган. Соҳибқироннинг «Темур тузуклари» асарида келтирилган маълумотлар ва фикр-мулоҳазалардан у кишининг нақадар доно инсон, моҳир саркарда бўлганини англаш қийин эмас. Хусусан, асардаги: «...ишбилармон лашкарбоши ўзини ва тўққиз сипоҳий фавжини бир тандек кўриб, уларни қўл-оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб қурашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин. Шундагина ғаним сипоҳи фавжлари устига кетма-кет урилган тўққизта қилич зарбасидан кейин, тўққизинчи зарбада, албатта,



енгилишига умид қилса бўлади» ёки «шундай қилиб, сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шошма-шошарлик қилмасин, чунки шошқалоклик шайтоннинг ишидир. Чораси бўлмаган ишга киришмасин, чунки ундан қутулиб бўлмайди» каби фикрлар нафақат жангчи, балки ҳар бир раҳбар, инсон амал қилиши зарур бўлган доно сўзлардир.

Умуман олганда, Амир Темур Осиёда 40 йил давомида олиб борган урушлари даврида ўз ҳарбий тактикаси ва стратегиясини моҳир саркарда сифатида намоён этган. Жаҳон тарихида илк мунтазам армияни Амир Темур ҳазратлари тузган. Ҳозир «авангард» деган атама ишлатилади ҳарбийларда. Соҳибқирон кўшинининг олдинги сафларида борувчи махсус қисмини шундай – «овонғорт» деб атагани маълум. Жаҳон тарихида биринчи ҳарбий парадни ҳам жаҳонгир бобомиз ўтказган. Ўз лашкарида мустаҳкам темир интизом ўрнатган.

Шубҳасиз, бизнинг бугунги армиямиз — Ватанимиз ҳимоячилари учун ҳам буюк бобомиз яратган армия кўшинларининг ёвқурлиги, баҳодир жангчиларнинг довураклиги чинакам ибрат тимсолидир. Бир сўз билан айтганда, бобокалонимизнинг ҳаёт йўли, давлатчилик сиёсати ва ёки жанг санъатини ўргансак ҳам, албатта, иш фаолиятимиз, ҳаётимизда қўл келадиган фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодиса ва маълумотларга эга бўламиз. Зеро, бу кишининг қилган ишлари ўрнатган ҳар бир сўзи дуру гавҳарларга тенг.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темур тузуклари. Т, “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
2. Усманов Ф.Х, Курганбеков М,М.Угай Ч.Д. Истории войн и военного искусства. Издательство “Talqin”, 2006.
3. Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Темурлане.-СПб., 1985.
4. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой орды // Акад. наук СССР, Ин-т востоковедения. М;Л. 1941.
5. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”, Тошкент, “Ўзбекистон” 1996.
6. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан.Т., “Sharq”, 2012.
7. Михаил Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур.Т., “Ҳазина”, 1994.
8. Руи Гонсалес де Клавихо.Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. М.1990.
9. Люсьен Кэрэн “Амир Темур салтанати”. Т., “Маънавият”, 1999.

УЎК 93/94

### ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2016 йй)

*Д.Э. Тўхтабоева, катта ўқитувчи, PhD, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли сони зич, демографик салоҳияти юқори, урбанизация ривожланган Фарғона водийси шаҳарларининг демографик қиёфасидаги ўзгаришлар, аҳоли сонининг ортиб бориши ҳамда камайиб бориши, уларнинг сабаблари демографик нуқтаи назардан илмий жиҳатдан ўрганилганлиги ҳақида.

**Калит сўзлар:** урбанизация, демография, демографик салоҳият, аҳоли зичлиги, аҳоли ўсиши, промилле, аҳоли сонининг умумий миқдори.

**Аннотация.** В статье рассказывается об изменениях демографического облика городов Ферганской долины за годы независимости, плотности населения, высоком демографическом потенциале, урбанизации, приросте и убыли населения, причины которых были научно изучены на демографическом уровне. точка зрения .

**Ключевые слова:** урбанизация, демография, демографический потенциал, плотность населения, прирост населения, промилле, общая численность населения.

**Аннотация.** The article is about the changes in the demographic appearance of the cities of the Fergana Valley during the years of independence, population density, high demographic potential, urbanization, population growth and decline, the causes of which have been scientifically studied from a demographic point of view .

**Keywords:** urbanization, demography, demographic potential, population density, population growth, promille, total population.

Ўзбекистон урбанизация ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Мустақилликка эришгандан кейин республикада барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга оширилган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Айти пайтда эркин бозор муносабатларига ўтиш давомида республика шаҳарларини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш, янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига шаҳар типидagi кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш...” алоҳида таъкидлаб ўтилган.



1.1-жадвал [2]

## Водий кичик ва ўрта шаҳарларида аҳоли сонининг ўсиши (минг киши) (1991-2016 йй)

№	Шаҳарлар номи	1991	2001	2011	2016	1991 йилга нисбатан 2016 йилда ўсиш (марта)
1	Хонобод	22,9	25,4	26,2	28,1	1,1
2	Асака	44,5	52,5	61,0	65,3	1,5
3	Қорасув	22,9	25,9	32,2	34,3	1,5
4	Шаҳрихон	47,0	59,1	69,4	75,6	1,6
5	Жалақудук	11,4	19,8	23,6	24,8	2,2
6	Пойтуғ	20,1	24,2	25,7	27,2	1,4
7	Кўрғонтепа	19,8	25,5	30,1	32,3	1,6
8	Марҳамат	11,1	11,8	13,4	14,4	1,3
9	Пахтабод	19,6	22,3	33,8	35,5	1,8
10	Хўжабод	13,6	16,4	19,8	20,8	1,5
11	Косонсой	32,5	41,5	49,9	52,2	1,6
12	Учқўрғон	24,2	29,5	39,2	41,0	1,7
13	Чортоқ	37,1	46,5	52,8	54,7	1,5
14	Чуст	48,8	61,5	68,0	71,3	1,5
15	Ҳаққулбод	20,7	25,7	26,6	28,0	1,4
16	Поп	16,1	20,7	26,3	28,1	1,7
17	Тўрақўрғон	19,0	22,9	29,4	32,2	1,7
18	Қува	26,8	36,7	45,6	48,3	1,8
19	Қувасой	23,4	24,7	43,1	46,8	2,0
20	Тинчлик	10,4	12,5	14,4	15,4	1,5
21	Бешариқ	17,2	20,7	22,3	23,7	1,4
22	Риштон	24,3	30,0	34,0	36,4	1,5
23	Яйпан	15,8	20,0	24,1	26,1	1,6

Мамлакатимизда Фарғона водийси урбанизация ривожланган, демографик салоҳияти юқори ҳудудлардан биридир. Мустақилликнинг ўтган чорак асри мобайнида водийнинг шаҳар манзилгоҳлари таркибида кичик ва ўрта шаҳарлар улуши ҳам ўзгариб борди. Масалан, 1991 йилда кичик ва ўрта шаҳарларда Андижон вилоятининг 13,1 %, Наманган вилоятининг 12,7 %, Фарғона вилоятининг 5,3 % аҳолиси яшаган бўлса, 2016 йилга келиб 12,3 %, 11,8 %; 5,6 % кетма-кетликни ташкил этган ҳолда Андижон ва Наманган вилоятларида кичик ва ўрта шаҳарларда аҳоли улуши 0,9 мартага камайиб, Фарғона вилоятида аксинча 1 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Аҳолининг умумий миқдори ошиб боришида унинг ўсиш даражаси муҳим ўрин тутди. Аҳоли сонининг ўсиши унинг у ёки бу ҳудудда, тадрижий ўзгаришидир. Жорж Барклэйнинг фикрича, аҳоли сонининг ўзгариши, яъни унинг кўпайиши ҳам, камайиши ҳам “аҳолининг ўсиши” деб аталади[1]. Тадқиқот йилларида барча кичик ва ўрта шаҳарларда аҳоли сони ўсиб борди. Бунда баъзи шаҳарларда жуда кўп миқдорда ортган бўлса, бошқаларида катта тафовут бўлмади (1.1-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан тадқиқот йилларида аҳоли сонининг ўсиши қайси шаҳарларда юқори ва паст бўлганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1991 йилга нисбатан 2016 йилга келиб аҳоли сони ўсишининг юқориси Андижон вилоятининг Жалақудук (2,2 марта), Пахтабод (1,8 марта), Шаҳрихон ва Кўрғонтепа (1,6 марта), Наманган вилоятининг Учқўрғон, Поп, Тўрақўрғон (1,7 марта), Фарғона вилоятининг Қувасой (2,2 марта), Қува (1,8 марта), энг паст Хонобод (1,1 марта) ва Марҳамат (1,3 марта) кичик ва ўрта шаҳарларида кузатилди.

Умуман олганда, 1991 йилга нисбатан 2016 йилга келиб Фарғона водийси кичик ва ўрта шаҳарлари аҳоли сонининг ўсишига кўра 4 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга ўсиш суръати энг юқори бўлган (2,2–2 баравар) Жалақудук ва Қувасой; иккинчи гуруҳга ўсиш суръати юқори бўлган (1,8–1,7 баравар) Қува, Пахтабод, Учқўрғон, Поп, Тўрақўрғон; учинчи гуруҳга ўсиш суръати ўртача бўлган (1,6–1,5 баравар) Шаҳрихон, Кўрғонтепа, Косонсой, Яйпан, Асака, Қорасув, Хўжабод, Чортоқ, Чуст, Тинчлик,

Риштон; тўртинчи гуруҳни ўсиш суръати нисбатан паст бўлган (1,4–1,1 баравар) шаҳарлар ташкил этади. Булар: Пойтуғ, Ҳаққулобод, Бешариқ, Марҳамат, Хонобод (1.2-жадвал).

1.2-жадвал[3]

**Фарғона водийси кичик ва ўрта шаҳарлари аҳоли сонининг ўсишининг гуруҳларга бўлиниши (2016 йил)**

Гуруҳлар рақами	Гуруҳлар номи	Шаҳарлар номи	1991 йилга нисбатан 2016 йилда ўсиш (марта)
I	Ўсиш суръати энг юқори бўлган шаҳарлар (2,2–2 баравар)	Жалақудук	2,2
		Қувасой	2,0
II	Ўсиш суръати юқори бўлган шаҳарлар (1,8–1,7 баравар)	Қува	1,8
		Пахтаобод	1,8
		Учқўрғон	1,7
		Поп	1,7
		Тўрақўрғон	1,7
III	Ўсиш суръати ўртача бўлган шаҳарлар (1,6–1,5 баравар)	Шаҳрихон	1,6
		Қўрғонтепа	1,6
		Косонсой	1,6
		Яйпан	1,6
		Асака	1,5
		Қорасув	1,5
		Хўжаобод	1,5
		Чортоқ	1,5
		Чуст	1,5
		Тинчлик	1,5
IV	Ўсиш суръати паст бўлган шаҳарлар (1,4–1,1 баравар)	Риштон	1,5
		Пойтуғ	1,4
		Ҳаққулобод	1,4
		Бешариқ	1,4
		Марҳамат	1,3
		Хонобод	1,1

Юқорида кўриб ўтилганидек ўтган 25 йил давомида кичик ва ўрта шаҳарларнинг барчасида аҳоли сони ортган. Мазкур шаҳарларнинг ҳар йили ўртача неча фоиздан ортиб борганлиги ушбу ҳолатга янада аниқлик киритади. Бунинг учун тадқиқот олиб борилаётган охириги йилни 100 га кўлайтириб, дастлабки йилга бўлинади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Емберганов Н. Қорақалпоғистон аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. Дис...геог.рафия фанлари номзоди. – Тошкент, 2011. – Б. 12.
2. Мазкур жадвал Давлат статистика қўмитасининг 2017 йилдаги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди.
3. Давлат статистика қўмитасининг 2017 йилдаги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

УЎК 93/94

**ЎЗУВНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИНING АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТГА ТАЪСИРИ  
(XX асрнинг биринчи ярмида Хоразм мисолида)**

*Г.М. Хусаинбекова, катта ўқитувчи, Хоразм вилояти ХТХҚТМОХМ, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзунинг ўзгариши натижасида аҳолининг анъанавий маданиятига салбий таъсири тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** ўзув, алифбо, анъана, маданият, шўролар ҳукумати, сиёсат, араб алифбоси, лотин алифбоси, кирилл алифбоси, мустамлака, мактаб, қурултой, мафкура.

**Аннотация.** В статье анализируются отзывы о негативном влиянии изменения письменности на традиционную культуру населения.

**Ключевые слова:** письмо, алфавит, традиция, культура, советское правительство, политика, арабский алфавит, латинский алфавит, кириллица, колониальный, школа, конгресс, идеология.

**Abstract.** The article analyzes the reviews about the negative impact of changes in writing on the traditional culture of the population.

**Key words:** writing, alphabet, tradition, culture, Soviet government, politics, Arabic alphabet, Latin alphabet, Cyrillic, colonial, school, congress, ideology.

Маълумки, совет ҳукумати қарор топгач, Ўрта Осиё республикаларининг моддий бойликларини, маданий салоҳиятини ўз манфаатлари йўлида олиб бориладиган янгича мустамлакачилик сиёсатига бўйсундиришга ҳаракат қилган. Бундай сиёсат ўз вақтида чор ҳукумати томонидан ҳам зўр бериб юргизилган эди. Лекин чор ҳукуматидан фарқли равишда совет ҳукумати ўз сиёсатини ўта эҳтиёткорлик билан олиб борди. Қадимдан маълумки, аҳолининг ўтроқ яшайдиган қисми кўчманчи аҳолига нисбатан иқтисодий ва маданий жиҳатдан бойроқ бўлади. Ўзбекистон худудида ўз даврида машҳур бўлган катта академиялар, мадрасалар ташкил этилганким, буларнинг барчаси аҳоли саводхонлигини оширибгина

қолмасдан, уларнинг дунёқарашини кенгайтирар, ватанпарварлик туйғуларини кучайтирар эди. Ўрта Осиё халқларини чор Россияси зулмидан озод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жаҳидчилик ҳаракатининг таянчи ҳисобланган янги усул жаҳид мактаблари ҳам айнан Туркистонда очилган эди. Турган гапки бу саъй ҳаракатларнинг барчаси совет мустамлакачилари эътиборини жалб қилмасдан қолмади. Совет ҳукумати курашнинг янги йўлига ўтиб олдилар. Улар чеккадан туриб эмас, балки миллатнинг ички томонидан туриб курашиш ва шу йўл билан миллатни емириш сиёсатини илгари сурдилар. Улар маҳаллий зиёлиларни турли йўллар билан ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилишар, бу ҳам ўз натижасини бермаса, зиёлиларни жисмонан йўқ қилишар эди. Юқорида тилга олиб ўтилганидек маҳаллий аҳоли орасидан совет ҳокимиятига хизмат қилиш тарафдорлари ҳам йўқ эмас эди. Ана шундай кадрлардан бири Акмал Икромовдир. А.Икромов ўз вақтида машҳур «Чигатой гурунги»да фаол иштирок этган, «Элхон» тахаллуси билан матбуотда шеърлари билан чиқиб турган. Лекин кейинчалик Ўзбекистон коммунистик партиясининг раҳбарларидан бири бўлгач, фикрлари ҳам, дунёқарашлари ҳам ўзгаради. У маҳаллий аҳолини ёппасига қолоқ, бесавод, диний хурофотларга берилган деб, ўз миллати учун қайғурган етук зиёлиларни эса феодал ўтмишни қўмсаётган миллатчи исломпарастлар деб таърифлайди. Москвада шарқ адабиёти таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган Н.Тўрақулов араб алифбосини лотин алифбоси билан алмаштиришни таклиф этган. Бу таклиф марказий ҳукмрон доираларнинг мақсадларига тўла мос келар эди. Улар ана шу йўл билан «Ўзиники ўзагини кесади» қабилида иш тутиб, ўзбек зиёлиси оғзи билан ана шу машъум таклифни илгари суради. Бу таклифнинг ташаббускори Марказ бўлгани ҳолда маҳаллий аҳоли кўз ўнгида эса маҳаллий зиёли таклифи сифатида гавдалантирилди [1].

Марказ бу таклифни амалга оширишдан ниҳоятда манфаатдор эди. Чунки, совет ҳукумати исломга қарши бир услуб сифатида ва Россия, Кавказорти, Туркистон худудларида яшовчи мусулмон халқларни араб ёзувидаги бой маданий –маънавий меросидан ҳамда бутун мусулмон олаmidан ажратиш мақсадида араб алифбосини кирилл ёки ҳозир иложи бўлмаса лотин алифбоси билан алмаштиришга интилган. Аслида лотин алифбосига ўтиш масаласи 1921 йилда пайдо бўлган эди. Бунда Махмуд Ходиев –Боту, Е. Д. Поливанов каби зиёлилар ташаббускор бўлганлар. Улар лотин ва лотин-рус ёзувлари асосидаги ўзбек алифбосини тузганлар ва илмий жамоатчиликка тақдим этганлар. 1921 йилда январ ойида бўлган тил ва имло қурултойида маъруза қилган М. Ходиев араб алифбосини ислоҳ қилиш билан кифояланмай, уни лотин графикаси асосидаги янги алифбо билан алмаштириш масаласини қўйди. У куйидаги фикрни билдиради: «Бутунлай ҳозирги араб алифбосини ташлаб, кўп миллатлар томонидан қабул қилинган лотин ёзувини тилимиздаги товушларга мослаб, бир ҳолга келтириб қабул қилиш керакдир» [2]. Лотин алифбосига ўтиш юқорида айтганимиздек бирданига амалга ошмади. Бу борада ўз даврининг зиёли кишилари анжуманлар, йиғилишлар ўтказиб, ушбу масала юзасидан жуда кўплаб фикрлар билдирганлар. 1926 йилнинг 26 февралда Боқуда собиқ иттифокдаги туркшуносларнинг биринчи қурултойи иш бошлади. Бу қурултойда 150 нафар мутахассис иштирок этган. Ўзбекистондан Раҳим Инъомов (Мориф комиссари), Назир Тўрақулов (маъруза қилган), Аширвали Зоҳирий, Шокиржон Раҳимий, Хоразмдан Бекжон Раҳмон расмий вакил сифатида катнашганлар. Туркий халқлар тарихи, тили ва адабиёти масалалари муҳокама қилинган ушбу қурултой материаллари турлича нуқтаи назардан таҳлил қилинган [3]. Собиқ иттифок худудидаги матбуот нашрларида қурултой ўтказилишининг туркий халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа бўлганлигини таърифлаб ёзилган жуда кўп мақолалар чоп қилинди [4]. Хорижлик мутахассислар тадқиқотларида ушбу тадбир бутун туркий халқларни большевистик мафкура асосида шакллантиришга қаратилган катта бир муҳим тадбир эканлиги қайд қилинади [5]. Туркиядан Истанбул дорилфунуни мударриси Меҳмед Фуод ҳам катнашиб, араб ёзувидан воз кечиб, лотин ёзувига ўтишга қаттиқ эътироз билдирган. Қурултойда Бекжон Раҳмон ўғли сўзга чиқиб, бундай деган эди: «Ўзбекистон, Озарбайжон ҳукуматини янги турк алифбосини амалий суратда вужудга келтириш ишида кўрган мувафакиятлари билан қизғин равишда саломлайдилар ва ўша билан баробар Ўзбекистон давлати ичида янги турк алифбосини амалга қўйишга чора ва тадбирлар кўришга сўз берадир» [6]. Ёзувнинг ўзгартирилиши ҳақида ўз даврининг даврий нашри ҳисобланган газета ва журналларда қайд қилиб борилган. 1926 йил 3 июнда босилиб чиққан «Озод Бухоро» газетасида фикрлар билдирилган [7]. XX аср бошлари зиёкори Фитрат ҳам 1926 йил 19-21 майда Самарқанд шаҳрида тил масалалари бўйича ўтказилган жумҳурият мутахассисларининг лотин алифбосига ўтиш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуманида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашиб, маърузалар қилган ва газета сонларида унинг мақолалари босилиб чиққан [8]. 1926 йилда ўзбек ёзувини араб алифбосидан лотин алифбосига ўтказиш ишини бошқариш учун махсус марказий қўмита тузилган эди, унинг раиси қилиб Йўлдош Охунбобоев тайинланган эди. Лекин Ўзбекистонда лотин ёзувига ўтишга рози, қарши ва бетараф бўлган зиёлилар бор эди. Шунини қайд қилиш керакки, 20 йилларнинг бошида «Янги имлочилар» («Чигатой гурунги» катнашчилари) билан, «эски имлочилар» (М.Абдурашидхонов бошчилигида), «Ўрта имлочилар» ўртасида илмий баҳс-кураш бўлган. «Лотинчилар» янги лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини яратувчилар (Махмуд Ходиев-Боту раҳбарлигида) пайдо бўлдилар ва бу курашга қўшилдилар. 1927 йилда эса янги алифбонинг Ўрта Осиё ва Озарбайжонда жорий этилишига раҳбарлик қилиш мақсадида Бутуниттифок марказий Қўмитаси ташкил этилди [9].

Хоразм округи комсомол ташкилоти 1928-1930 йиллар учун икки йиллик округ комсомоллари учун саводсизликни тугатиш режасини ишлаб чиқадилар. 1929 йил 10 октябр куни ЎзССР ХКК «1929-1930 йилида саводсизликни тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорга кўра бутун Ўзбекистонда 350

минг кишида саводсизликни тугатиш режалаштирилган эди [10]. Республика «Маданий юриш» штаби президиумининг биринчи йиғилишида Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитаси ва республика ҳукуматининг меҳнаткашларга муружаатномаси қабул қилинган эди. Иккинчи кенгашда эса округ, шаҳар штаблари, район учликлари ва ёрдамчи учликлардаги аҳвол аниқланади. Бу кенгашда шунингдек «Дарсликлар ҳақида», «Жойлар билан алоқалар тўғрисида», «Маданий юришларнинг бориши тўғрисида» каби масалалар кўриб чиқилади. 1929 йил 6 декабр йиғилишида саводсизликни тугатиш бўйича қилинган ишлар натижалари муҳокама қилинди, аниқ масалалар, шу жумладан алоҳида округларда маданий юришлар ўтказиш қабилар кўриб чиқилди. Лотин алифбосига ўтиш, яъни ўзбеклаштириш сиёсати Хоразм воҳасида жадаллик билан олиб борилди. 1929 йилда Хоразм округ қошида ўзбеклаштириш комиссияси ташкил этилди.

1929 йил 2 декабрда Хоразм округи «маданий штаби» президиумининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Урганч шаҳри ва Урганч туманида саводсизликни тугатиш ишлари бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Баҳс-мунозаралар жараёнида округдаги саводсизликни тугатиш ишларидаги бир қанча камчиликлар очиб ташланди. Хоразм округи маданий юриш штаби президиуми йиғилиши қарор қабул қилди ва унда округда саводсизликни тугатиш ишлари учун қуйидаги вазифалар аниқ кўрсатиб берилди ва қарорда хусусан шундай дейилади: «Саводсизликни тугатиш ишларига асосий масала деб қаралсин ва бу ишда жамоат ва совет ташкилотлари, айниқса қасаба уюшмаларининг иштироки ва ёрдами етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилсин, маданий қурилишга партия, комсомол, Госпром ва кооперация аъзоларини жалб қилиш бўйича берилган кўрсатмалар тўлиқ бажарилмаган. Бу ишлар айниқса ишчилар орасида қониқарли бажарилмаган» [11]. Бундан ташқари округ маданий юриш штаби йиғилишида маданий юришлар учун восита ва маблағлар, йиғилишларнинг ёмон ўтказилаётганлиги ва маданий юришларга аёлларнинг кам жалб қилинаётганлиги қайд қилиб ўтилади, махсус аёллар мактаблари, артеллар қошида саводсизликни битириш мактаблари ташкил қилишга қарор қилинади. Халқ таълимини ривожлантиришда эришилган ютуқларга қарамадан то 1931 йилнинг охиригача, баъзи жойларда ҳатто 1932 йилгача совет ва жамоат ташкилотларида ҳужжатлар ҳали ҳам эски ўзбек алфавитида расмийлаштирилган. Барча идораларда, давлат ташкилотларида 1929 йил 1 декабргача иш юритиш лотин алифбосига, 1930 йил 7 ноябргача ўзбек ёзувининг бу алифбосига ўтказилиши яқунланиши зарур, деб белгиланган эди [12]. Лекин айрим манбаларда Қуйи Амударё ҳудудларида то 1930-1931 ўқув йилигача араб графикасидан фойдаланар эдилар, янги алифбога ўтиш фақатгина 1931 йилда тугалланди, деб маълумот берилди. 1932 йилда Хоразмда 288 мактабда 30422 та ўқувчи, 10087 та ўқитувчи ўқиган ва ишлаган. Саводсизликни тугатиш курсларида 50000 киши, кам саводлилар курсларида 18000 киши таълим олган [13]. 1932 йил Хоразм округида фақат маҳаллий бюджетдан халқ таълими учун 6057 минг рубль, 1933 йилда 6697 минг рубль, 1934 йилда эса 8330 минг рубль ажратилган, бу маблағ округ умумий бюджетининг 35-40 % ни ташкил қилган [14]. 1934-35 йилларда Урганч ва Хивада 7 йиллик мажбурий политехник ўқув юртлири ташкил қилинди. 1934-1938 йилларда Хоразмда 1100 ўқитувчи ишлар эди. Улар қўлида 30046 ўқувчи таълим олмақда эди [15].

30 –йилларда совет ҳукумати маънавий меросимиз бўлган араб ёзувидаги битилган китобларни ёқиб, йўқ қилиб юборишга жадаллик билан киришдилар. 1937 йилда араб ёзувидаги китобларни Хоразм воҳаси Амударё соҳилидаги «Чолиш» майдонларига тўплаганда бир кичик тоғ бунёд бўлган. Форсийлардан, араблардан, мўғуллардан, рус босқинчиларидан асраб қолинган тарихий, бадиий, диний ва бошқа фанларга оид миллионлаб китобларга ўт қўйилди [16]. Хоразм воҳасида ҳозирги Эллиққалъа туманининг Сарибий қишлоғида яшовчи 100 ёшдаги кекса ўқитувчи Отахон Пўлат Каримов қуйидагича хотирлайди: «Ўша қирғин-сурғун йилларида араб ёзувидаги китобларни топиб, уларни ёқиб, йўқ қилиб юборишаётган эди. Китобларни сақлаб қолиш учун битта хонага китобларни киргизиб, шу хонани эшигини ҳам сувоқ билан суваб ташладим. Қанча китобни сақлаб қолганимни билмайман, анчагинани асраб қолганман», -деб хотирлайди [17]. Тарихдан биламизки, ислом дини ва араб имлоси юртимизга кириб келгандан кейин халқимиз араб ёзувига ўтиб, минг йиллар давомида қанча-қанча даҳоларнинг асарларидан баҳраманд бўлиб, назм ва насрдаги ашорларини ёдлаб, ўқиб, ўрганиб келганлар. Халқимиз қанча қийинчиликлар билан лотин ёзувини ўрганишга вақт ва куч сарфлаган. Энди лотин ёзувини ўзлаштирганларида 1940 йилда рус графикаси асосидаги ўзбек (кирилл) ёзувига ўтишга мажбур этилган. Бу ёзувга ўтишдан мақсад собиқ СССР ҳудудида яшовчи барча миллатларни ягона коммунистик мафкурага бўйсундириш ва ягона совет халқини вужудга келтириш эди. Лотин ёзувига ўтишдан олдин ҳам янги ҳокимият тил сиёсатининг измида бўлган олимлар туркий алифболар тўғрисидаги баҳсларда бир неча марта рус ёзувининг афзалликлари тўғрисида фикр билдирган эдилар. Чор Россияси даврида Россия ҳудудида яшовчи кам сонли аҳолини христианлаштириш мақсадида рус алифбоси жорий қилинган эди. Шундан кейин лотин алфавитини рус алфавити билан алмаштириш учун ҳаракат бошланди. Натижада, халқларнинг ҳоҳиши билан ҳисоблашмасдан рус алфавитига 1940 йилда тўлиқ ўтилди. Шундай қилиб, 12-13 йил мобайнида бир қанча халқлар жуда қийин аҳволга солиб қўйилди [18]. Эндигина лотин алифбосида савод чиқарган халқимиз, яна янги ёзувни ўрганиши шарт қилиб қўйилди. Бунинг натижасида халқимизнинг дунёқараши ва маданияти маълум бир даражада орқага кетди.

Хуллас, юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, алифбони қайта-қайта ўзгартириш аҳолини маълум бир қатламни саводсизлигига олиб келади. Ҳозирги сиёсатимизда ҳам қайта алифбони ўзгартирадиган бўлсак, бу ёш авлод учун ҳам катта ёшли авлодлар учун ҳам бирдай салбий таъсир қилади.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Й. Ҳамроҳим. -Тошкент, 2003. -Б. 9.
2. Arnold I. Toynsbee The Adoption of the Latin in turkey and in the Turkish States members of the U.S.S.R. (1918-1928)/ Surey of international Affairs.1928. –London, 1929., Castagne J. Latinisation de I Alpabet Turk dans les.
3. Богданова М. Лотин асосида тузилган ўзбек лойиҳаларининг тарихига бир қараш. //Аланга. -Тошкент, 1930. №2;
4. Иномов Р. Лотин алифбоси учун кураш. // Маориф ва ўқитувчи, -Тошкент, 1926, №3;
5. Лотин ҳарфларига кўчамиз. // Озод Бухоро, 1926, 3 июнь.
6. Маориф ва ўқитувчи, 1926, 3-сон. -Б.31.
7. Матниёзов М. Хоразм тарихи. II жилд. –Урганч. 1997. –Б. 60.
8. Машарипов Р. Мозий садолари ва сабоқлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б-209.
9. Отахон Пўлат Каримов- Қоарқалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани Сарибий қишлоғида яшаган. Совет даврида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Тадқиқотчининг дала дафтари. -Б.16.
- 10.Первый Всесоюзный тюркологический съезд . 26 февраля-5 марта 1926г. (Стенографический отчет). -Баку. 1926.
11. Первый Всесоюзный тюркологический съезд. НВ. -Москва, 1926, №12. –С.334-341.
12. Қари-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры Советского Узбекистана. -Москва, 1955. -С.261.
- 13.Собиров О. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1941гг. - Нукус: Карақалпақстан, 1984. –С.33.
- 14.Тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Тошкент: Шарқ, 2001. -Б 414-415.
- 15.Усмон М. Туркийт қурултойида алифбо масаласи. // Маориф ва ўқитувчи, -Тошкент, 1926, №3;
- 16.Хоразм вилоят давлат архиви, 2-фонд, 4-рўйхат, 48-иш, 117-118 варақлар.
17. Хоразм вилоят давлат архиви, 9-фонд,10-иш, 214-варақ.
18. Хоразм вилоят давлат архиви, 9-фонд, 81-иш, 82-варақ.
- 19.ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 518-иш, 11-варақ.

УЎК 93/94

**СОВЕТ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АРХИВ ИШИ ШАКЛЛАНИШИ  
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БАЎЗИ МАСАЛАЛАРИ**

*Ю.Х.Юлдашев, таянч докторант, Хоразм Маъмур академияси, Хива*

*Аннотация. Ушбу мақолада собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон архив тизими доирасида Хоразм вилоятида архив ишининг шаклланиши жараёнлари таҳлил қилинган.*

*Калим сўзлар: тарих, архив ишини бошқариш, ҳужжатларни сақлаш, жамғарма, экспедиция.*

*Аннотация. В статье анализируются процессы становления архивного дела Хорезмской области в рамках архивной системы Узбекистана в советский период.*

*Ключевые слова: история, архивное дело, хранение документов, фонд, экспедиция.*

*Abstract. This article analyzes the processes of the formation of archival affairs in the Khorezm region in the archival system of Uzbekistan during the Soviet period.*

*Key words: archiving, history of keeping documents, fund, expedition.*

Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, уни ҳолис баҳолашда халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланган архив ҳужжатларининг ўрни ва роли катта. Шу жиҳатдан, юртимиз тарихини мукамал ўрганишда айнан архивларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда архив ишининг тубдан ислоҳ этилиши натижасида, архивларнинг турланиши янги ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилди. Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди.

Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган мажмуи - Миллий архив фонди (МАФ) ҳужжатлари ҳисобланади. Архивларни асосий вазифаси МАФ ҳужжатларини йиғиш ҳисобга олиш ва сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини такомиллаштириш, қоғоз шаклидаги, кино, фото ва фоно ҳужжатларини рақамлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида, шунингдек 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ташкил этилди [2].

Бугун Ўзбекистон Республикасидаги архивлар тизимини архив ишини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат архивлари, хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари ҳамда идоравий архивлар ташкил этади. Ушбу тизимда Хоразм вилоятидаги архив тузилмаларининг ҳам роли катта.

Маълумки, 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказилди. Натижада собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР,

Қозоғистон АССР ва Қирғизистон автоном вилояти ташкил қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистон ССРнинг ўз архив ташкилотлари вужудга келди. 1924 йил 28 декабрда махсус қарор билан ЎзССР МИК хузурида ЎзССР архив ишлари Марказий бошқармаси ташкил қилинди. Ўзбекистон ҳудудида ташкил бўлган барча архивлар, масалан, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларда вужудга келган архив жамғармалари ЎзССР архив ишлари Марказий бошқармасига топширилди.

1926 йилда Хоразм вилояти архив бюроси ташкил этилди [4] ва 1927 йилдан Хоразм округи архиви деб ўзгартирилди. Архив бюросининг биринчи галдаги вазифаси миллий чегараланиш натижасида тугатилган барча идоралар ҳужжатларини, Хива хонлиги ва Хоразм совет республикасида шаклланган ҳужжатларни йиғиб олиб, сақловга қабул қилиб олишдан иборат эди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1925 йил 24 октябрдаги Президиумида Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида архив ташкил қилиш учун мутахассислар ажратиш Марказий архив бошқармасига топширилди.

Хоразм вилоятида ташкил қилинган илк архив бюросига Рогожкин мудирлик қилган. Хоразмда илк архив бюросини бошқарган, архив ишини олиб борган кадрларнинг марказдан юборилганлиги, вилоятнинг ўзида бу янги соҳада янгича ёндашув билан ишлайдиган мутахассисларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Рогожкин 1926 йил апрел ойидан сентябрь ойигача ишлаган. Хоразм област масъул котиби Абу – Бакиров ҳамда Рогожкиннинг 1926 йил 26 майдаги Ўзбекистон ССР Архив ишлари Марказий бошқармасига ёзган 1623-сонли маърузаси архив бюросининг илк йилдаги фаолиятини ёритишга ёрдам беради. Рогожкин ўз ҳисоботида архив мавжуд бўлсада фаолият олиб бормасдан тўхтаб турганлиги, 1926 йил апрель ойига келибгина архив бюроси ўз фаолиятини бошлаганлиги, архив ишини олиб бориш у ёқда турсин, ҳужжатларни қабул қилишга ҳам ҳеч қандай шароит йўқлигини баён қилади. Архив сақловхонаси ажратилганлиги, иккита штат бирлиги - архив бюро мудир ва архивариус штат бирликлари мавжудлиги, 21-муассасанинг 1920-1925 йилларга оид архив ҳужжатлари, шунингдек Хива хонлиги архив ҳужжатларининг бир қисми, жами 1178 сақлов бирлик сақланаётганлиги, ҳужжатлар йўриқномага асосан тартибга келтирилган ҳолатда сақланаётганлиги билдирилган ].

Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгашининг 1926 йил 9 январдаги қарорига биноан муассасалар архивларини ташкил этиш ва уларни вилоят архиви сақловига тайёрлаш учун, бюро архиви ходимлари барча вилоят муассасаларига ва 4 та ижроия қўмиталарига юборилди.

Маълумки, 1920-1924 йилларга таалуқли Хоразм халқ республикасига оид ҳужжатларнинг барчаси Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивига берилган.

Хоразм област ижроия комитетининг 1926 йил 5 сентябрдаги буйруғига асосан Константин Розанчугов мудир қилиб тайинланган. 1927 йилда Розанчугов Хоразм округи барча муассасаларига архив ишини ташкил қилиш бўйича тавсиявий ҳусусиятга эга хат чиқаради. Хатда муассасаларда ҳужжатларнинг сақланиш шароитлари қониқарли эмаслиги, ҳужжатларнинг рўйхатлари мавжуд эмаслиги, олдинги йилда қанча ҳужжат шакллантирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги баён қилинади.

1934 йилдан Ўзбекистон ССР Марказий архив бошқармаси янги Урганч бўлими сифатида тузилиб, 1935 йилдан Хоразм округи архиви деб қайта ўзгартирилади. 1939 йилдан Хоразм вилоят Архив бошқармаси вилоят Ички ишлар халқ комиссарлиги тасарруфига ўтказилди ва Архив бошқармаси уни бўлимига айланди [8].

1934 йилда янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССР Марказий архив бошқармаси Янги Урганч бўлими мудир бўлиб ишлаган Алексей Гаврилиннинг Янги Урганч округ ижроия комитети Президиумига йўллаган 1934 йил 1 ноябрдаги хатида, куйидагиларни баён қилади: “Мен Округ ижроия комитетининг 3 та хонасидаги тугатилган собиқ округ ташкилотлари ва муассасалари ҳужжатлари билан танишдим. Архив фондлари ўта бузилиб кетган, аралашиб кетган, кўп ҳолатларда баъзи ҳужжатлар бузиб ташланган, кўплаб архивлар тарқаб кетган. Юқорида айтиб ўтилган фондларни ва ҳужжатларни мавжуд ташкилотлардан тўплаш учун сиздан яқин кунларда бўлимни тегишли хоналар билан таъминлаш ва жиҳозлашда ёрдам беришингизни сўрайман.”

However, many English vocabulary units came from technical speech. Sports played an important role in the life of the foggy inhabitants of Albion. The British are proud that so many games started in their homeland and then spread around the world. English national sports are football, cricket, horse racing, billiards. Many word units are associated with horse racing, cock jumping, boxing. They are the embodiment of humor, the wisdom of the world, the content of our world, the environment and the atmosphere are intelligent, stable, loveless common sense. The emphasis is on luck and money. The satisfaction brought by wealth and success is reflected in many words. Albion's foggy climate affects locals. Therefore, there is no need to visit England to get an idea of its climate. All this can be said in word units.

National character traits such as tolerance, purposefulness, efficiency are also reflected in the language. English phraseological units can therefore give us the key to the national character, culture, history and political life of the people of Great Britain. Phraseologism or phraseological unit is also an idiom - a stable term that performs the function of a separate word, is used as a whole, is not subject to further decomposition and often does not allow rearrangement of its parts within itself. The meaning of an idiomatic unit cannot be deduced from the meanings of its components (for example, "return" - kickback, "railway" is a special type of communication with *train tracks*, *sleepers*, etc., and only *the railway line*). Often, idiomatic units are a feature of only one language.

Phraseologisms are similar to proverbs, but unlike them, they are not perfect sentences. The aesthetic aspect of language develops through idiomatic expressions that are not literally translated but perceived with consideration. However, the use of idioms and idioms with equal success makes it difficult to understand and translate from a foreign language. The semantic combination of phraseological units can vary considerably: from the fact that the meaning of a phraseological unit does not derive from its constituent words in idiomatic constructions (idioms), to idiomatic combinations with a meaning derived from the meanings of constituent constituents. combination. National character is the most stable psychological trait formed by its representatives in certain natural, historical, economic and socio-cultural conditions of the nation's development.

According to the methods of analysis, interpretation and collection of materials used in the work, we distinguish the national character: cultural-historical, ethnographic and psychological approach. The leader among them is considered to be the first to defend the principle of cultural or social determinism, according to which



differences in the national character of different peoples are the result of the influence of the cultural environment. The British live on the island of Great Britain.

The British are the result of a mixture of many ethnic groups - the oldest Iberian population with peoples of Indo-European origin: the Celts, the Germanic tribes of the English, Saxons, Frisians, Juts, to some extent - Scandinavians and later Franco - Normans. The national character is stubborn among all nations. But this is true of none other than the English, who evidently hold something like a patent for the vitality of their nature. Therefore, the first and most characteristic feature of this nation is the stability and immutability of the character of the individuals who make it up. They are less sensitive than others to the influence of fashion time. British curiosity allowed them to recognize the best of what other nations had, but they still remained true to their tradition. The Englishman admires French cuisine, but does not imitate it at home. The British also retain their individuality as a symbol of harmony.

It cannot be argued that the British never changed. Changes happen all the time, but these differences, which are very visible from the outside, do not affect the nation. The principles of "lordly conduct" were elevated to a cult during the reign of Queen Victoria. And they overcame the sharp temperament of "old England". Modern English believe that self-control is a major virtue of human character. From childhood, Englishmen are taught to calmly endure cold and hunger, to overcome pain and fear, and to retain attachment and trouble.

The British are distinguished by moderation, which they do not forget both at work and with pleasure. There is hardly anything dazzling about the Englishman. Above all, he lives for himself. His nature is characterized by a love of order, a desire for comfort, mental activity. He likes good transportation, new clothes, a rich library. The British of the common class are extremely kind and helpful. The Englishman will take the stranger who answers any question from his shoulder and start repeating the same thing to him several times with different visual techniques, and then he will deal with it for a long time without believing the stranger will come. Very quickly he understood everything that questioned him. Not only can the British avoid all obstacles, they can avoid breakdowns, but the work itself is completely calm, so that even the nearest neighbor often has no idea that a huge company is boiling around him.

Every Englishman, wherever he lives, bears the stamp of his nationality. Wherever he appears, he will bring his traditions, manners everywhere, and no one will change his habits, everywhere - at home. It is a unique, recognizable, very holistic character. The British are very arrogant. He is convinced that everything is going better in his country than others. Therefore, he looks at the stranger arrogantly, with regret and often with complete contempt. This shortage among the British developed due to their lack of sociability and excessive awareness of their superiority over others. The British idol is money. No one has such an honor because of wealth.

The British have an innate talent for finding adventures. Phlegmatic by nature, passionate about everything beautiful, new, original. The British have greatness and originality in art above all. Second, there are mostly huge bridges, monuments, parks, and so on. The ideal of the British is independence, education, dignity, honesty and devotion, tact, grace manners, sophisticated courtesy, the ability to sacrifice time and money for a good cause, the ability to lead and obey perseverance in achieving a certain goal, lack of arrogance. The study examined the relationship between idiomatic units of the English language and the mentality of people, their reflection in the national character, and difficulties in overcoming difficulties in translating idiomatic units into mother tongue. After studying the subject of research - phraseological units and achieving the set goal, we performed all the tasks that were in front of us.

We have found that phraseology is the most precious heritage of any nation. Phraseologism reflects and conveys the way of life and way of thinking that are characteristic of a particular society. The idiom we follow in our English-style courses is an invaluable key to understanding the culture and mindset of a particular nation. Traditions and traditions, connection, characteristics of the image of thinking and history of people are considered to be the silent founders of the phenomenon of phraseological units in speech and are taken into account when translating phraseological units into their mother tongue.

#### REFERENCE:

1. Abaev V.I. The concept of ideosemantics // Language and thinking. Issue 11. Moscow-Leningrad, 1948.
2. Kunin A.V. Phraseology of modern English. M., 1972.
3. Logan P. Smith Phraseology of the English language. M., 1959.

UDC 81-13

### DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE POTENTIAL WITH THE HELP OF INTERNET-PROJECT *Sh.Sh. Jumayeva, teacher, Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers Bukhara branch, Bukhara*

*Annotasiya.* Maqolada talabalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda xalqaro Internet-loyihalarda ishtirok etish masalalari yoritilgan, loyiha faoliyatida ishtirok etishning maqsad va vazifalari, talaba yoshlarning faol hayotiy pozitsiyasini shakllantirish haqida so'z yuritilgan.

*Kalit so'zlar:* Internet-loyiha, Internet-konferentsiya, tematik suhbatlar, forumlar, flesh-aksiyalar, tadqiqot loyihalari.

*Аннотация.* Статья посвящена вопросам участия студентов в международных Интернет-проектах с использованием информационно-коммуникационных технологий, говорится о целях и задачах

участия в проектной деятельности, о формировании активной жизненной позиции студенческой молодежи.

**Ключевые слова:** Интернет-проект, интернет-конференция, тематические чаты, форумы, флэш-акции, исследовательские проекты.

**Abstract.** The article defines the issues of participation of students in the international Internet-projects using information and communication technologies, the goals and objectives of participation in project activities, the formation of an active life position of students.

**Key words:** Internet-project, Internet-conference, thematic chats, forums, flash-actions, research projects.

With the continuously increasing possibilities of real access to information from any country in the world and in any language by means of global telecommunication systems, it becomes necessary for everyone to be able to independently develop a rational strategy for finding meaningful information out of the multitude of existing ones. And in this case, learning involves the development of information competence of the subjects of the pedagogical process.

Education and employment remain the country's key youth issues, according to a report prepared by UNICEF, the Nationwide Yuksalish Movement and the Youth Union of Uzbekistan, according to a report released December 11.

The report "Youth of Uzbekistan: Challenges and Prospects" provides an overview of the situation of young people in Uzbekistan in such areas of their lives as education and training, professional life and economic opportunities, digital life and the Internet, family and civic engagement.

The study, conducted between 2018 and 2020, covered young people aged 14 to 30 across Uzbekistan. A quantitative survey with 4458 respondents and a qualitative survey with 24 focus groups were used, the report said.

According to the survey results, education (77 per cent of respondents) and employment (61.8 per cent of respondents) are the main problems facing young people in Uzbekistan. The report also found that a significant proportion of young people (54.6 per cent) are not in education, employment or vocational training after completing compulsory secondary education. This figure rises sharply for women after the age of 18 and is 74% for women aged 25-30. Among men, the figure is lower and falls to 24.8% with age.

The report also identifies key skills and knowledge that young people feel are particularly valuable. These include knowledge of foreign languages as well as business and entrepreneurship skills. Young people stressed the need for so-called 'social' skills such as leadership and flexibility.

Gender inequality is also evident in access to the Internet and IT skills. The proportion of girls who have never used the Internet is 68.1%, double that of men (34.3%). The study also found that girls and young women are often stigmatised as the Internet is seen as a space that is harmful to their behaviour.

The report makes recommendations that focus on enhancing young people's life, technical, innovation and entrepreneurial skills. One of the main recommendations is to promote the active participation of young women in the economic, social and political life of society by providing equal opportunities and promoting behaviour change.

Understanding the importance of higher education reforms in Uzbekistan aimed at modernizing the education system and integrating it into the world educational space is conditioned by the Programme of Comprehensive Development of Higher Education System for 2017-2021, adopted by the President of our country Sh.M.Mirziyoyev on April 20, 2017.

In this sphere, participation in Internet projects using information and communication technologies not only enlivens and diversifies the learning process, but also opens up great opportunities for expanding the educational framework and provides each student with a unique opportunity to "work" in situations of real communication with their peers from other countries on various language and thematic material.

When analyzing their work, each teacher tries to make learning activities interesting and varied, to include relevant person-centered tasks that contribute to the development of the students' creative potential, the expansion of the active learning zone, the culture of thinking and the improvement of speech activity in Russian and in a foreign language.

There is no need to say that information technology is increasingly penetrating our daily lives. Students sometimes make better use of the Internet, e-mail, and information technology as a common means of searching for, processing, and presenting information than teachers. At the same time, students' educational use of the Internet is often limited to searching for information for their essays and simply copying them from the Web, or, at best, becomes an occasion for aimless pastime, so-called information surfing, whereas the Internet can be used creatively, to the benefit of developing the student's creative potential.

Demonstrating the possibilities of the active creative potential of Internet technologies is therefore an important task of educating the younger generation today. One of the ways to expand the creative educational environment on the Internet is to involve students in educational international Internet projects. Here it is appropriate to quote Henry Ford: "To get together is only the beginning. Staying together is progress. But only by working together do you know success." Consequently, students can participate in the following types of Internet projects:

- Internet conferences, thematic chats, forums. An example is the internet conference of the project "The world we live in."

- Flash actions. One-off actions, which are carried out at precisely defined times by all participants. For example, in the ENO-Project environmental project on the same day all over the world.

- Research projects. These are collaborative work between several groups of students on a topic. An example of this would be the project "My Hero."

The aim of participation in project activities is to develop students' competence in successful socialization through international cooperation with peers and competence in the use of ICT technologies.

During project work the tasks of improving foreign language communicative and informational competence, development of communication culture, ability to work in cooperation with foreign students, formation of active life position of a citizen and patriot, subject of intercultural interaction are solved.

Active work in forums and chat rooms gives students with different levels of Russian and foreign language proficiency an opportunity to apply their knowledge on practically all the topics studied at the university, get acquainted with the culture of other nations, compare their customs and traditions, talk about their university, city, country; introduce representatives of other countries to their culture and national customs; reassess some of their views. Communication of students through Internet projects is the best way to promote tolerance and understanding of other people. On the practical side, they learn to collate and analyse information, explain their findings; to input and edit information, use telecommunications technology, databases, printer, scanner, log on to network, write and send email, transfer information from network to hard or floppy disk and vice versa; structure their email; log on to electronic conferences, post their information there and read it, with the assistance of the Internet. In doing so, of course, the main objective - to develop the language competence of the students - is carried out to a greater or lesser extent.

International Internet projects are also important for teachers of Russian and foreign languages, as they make it possible to create a real language environment in the classroom and in extracurricular activities, increasing the motivation to use Russian and foreign language. No other technical means make it possible to form such an environment. Organization of international computer-based project activities contributes to the professional growth and development of teachers, and also imposes a number of requirements on them.

Analysis of the forms of implementation of Internet projects shows that they are practically the same forms and activities used in the classroom or in the organization of extracurricular activities. At the same time, Internet technologies make it possible to facilitate communication and information exchange between partners, to establish contacts, to find like-minded people all over the world who are willing to work together and at any convenient time.

The finished project is available for viewing by anyone with access to the Internet. The students' activities will not be confined to a university or a course. What they do can find resonance, continuation, development, adaptation to another culture. Moreover, joint activity in itself is stimulating, creating the certainty that someone needs it and is interested.

#### REFERENCES:

1. Mirziyoyev Sh.M. Program of complex development of higher education system for the period 2017-2021. 20 April 2017.
2. Akhmedova L.T. The Role and Place of Pedagogical Technologies in Professional Training of Students. - Tashkent; 2009. - 159 c.
3. Guzeyev V.V. Planning the results of education and educational technology. Moscow; Narodnoe Obrazovanie, 2000. - c. 194-197.
4. Kropotova L.A. Designing and Analyzing a Modern Lesson: Educational and Methodological Handbook // L.A. Kropotova Ed. - Novokuznetsk, Izd vo IPK. 2002. - 65 c.
5. Sariev A.B. The organization of educational process by Russian language with the use of strategic receptions // In the collection of scientific works on the materials of the international practical conference "56-th Evseevsky readings", 19-20 March 2020. - Saransk.; 2020. p.134-137.
6. Shokirovna, J. S. (2020). Distributional formulas of subordinative compounds//International Engineering Journal For Research & Development, 5(7), 4-4.

UO'K 808.5

### KODEKS KUMANIKUSDA LOTIN TILDAGI FE'LLAR LEKSIKASI

*D.A. Kuliyeva, tayanch doktorant, NamDU, Namangan*

**Annotatsiya.** Ushbu maqola XIII-XIV-asrlarda Lotin yozuvida yozilgan turkiy xalqlarga tarixi bilan bevosita bog'liq bo'lgan "Kodeks Kumanikus" qo'lyozmasi va uning dastlabki 4 ta sahifasida 10 ta zamon va boshqa grammatik shakllarda tushlangan lotincha *audire fe'li* va uning tushlanish shakllarini tahlil qiladi.

**Kalit so'zlar:** Kodeks Kumanikus; mayl ; nominative case; imperfect zamoni; *audire*; qipchoq; shart-istak mayli;

**Аннотация.** Данная статья представляет собой рукопись Codex Cumanicus, написанного на латыни в XIII-XIV веках, который имеет прямое отношение к истории тюркских народов, и на первых 4-х его страницах есть латинский глагол *audire* в 10 временах и другие грамматические формы. анализирует его перцептивные формы.

**Ключевые слова:** Codex Cumanicus; Модус; именительный падеж; несовершенное время; *audire*; полостей; *subjunctivus modo*;

**Abstract.** This article analyzes manuscript "Codex Cumanicus" written in Latin in the XIII-XIV centuries, which is directly related to the history of the Turkic peoples, and also discusses the Latin verb *audire* in 10 tenses and other grammatical forms given at the beginning pages of the manuscript.



**Keywords:** *Codex Cumanicus; mode; nominative case; imperfect tense; audire; coman; subjunctivus modo*

Adabiyot bu millat ravnaqi va uning kelajagi bilan chambarchas bog'liqdir. O'z o'tmishini bilmagan xalqning kelajagi ham yo'qdir degan edi O'zbekistonning birinchi prezidenti I.A. Karimov. Shunday ekan nafaqat bugungi kundagi adabiy asarlar, balki, shu kungacha ajdodlarimiz tomonidan yozilgan yoki toshlarga bitilgan bitiklarni ham o'rganish bizga ana shu o'tmishimizni bilishga, va o'zligimizni anglashga yordam beradi. Prezidentimiz SH. Mirziyoyevning 2017-yil 24-maydagi "Qadimiy yozma manbalarni saqlash tadqiq va targ'ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Пк 2995-sonli qarori (Mirziyoyev, 2017.24-may) ana shu yodgorliklarni keng ko'lamli tarzda o'rganishga yana bir turtki bo'ldi desak mubolag'a bo'lmaydi. Turkiy qo'lyozmalar ichida lotin yozuvida yozilgan yagona qo'lyozma bor bo'lib, bu "Kodeks Kumanikus" qo'lyozmasidir. Adabiyotimizdagi boshqa bitiklardan farqi, bu qo'lyozma qog'ozga yozilgan birinchi lotin yozuvidagi qo'lyozma ekani bilan ham e'tiborga sazovordir. "Kodeks Kumanikus", ya'ni "Kumanlar kitobi" bevosita turkiy xalqlar tarixida yaratilgan nodir yodgorliklar sirasiga kiradi. Bu qavm barcha turkiy xalqlar qatorida bugungi o'zbeklar uchun ham bevosita aloqadordir (Jafarov, 2017).

Kumanlar lotin manbalarida cuman, coman, rus manbalarida polovestlar, turkiy manbalarda esa qipchoqlar nomi bilan mashxur bo'lgan, Dashti qipchoqning sharqiy o'lkalarida XIII-XIV asrlarda yashagan qabilalar orasida bo'lgan. Bu haqda O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasidagi mana bu mulohazalarni umumiy asos sifatida qabul qilish mumkin: "Qipchoqlar –turkiy xalqlarning eng yirik qabilalaridan biri; o'zbek xalqi etnik tarkibidagi asosiy komponentlardan biri. Qipchoqlar nafaqat o'zbek xalqi etnogenezida, balki qator boshqa turkiy xalqlar qozoqlar, qirg'izlar, qoraqalpoqlar, turkmanlar, tatarlar, boshqirdlar, oltoyliklar va shimoliy Kavkazdagi ayrim xalqlar shakllanishida muhim rol o'ynagan." (O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2005) Biz ta'qiq etayotgan ushbu qo'lyozma ana shu davrda yaratilganini takidlash joiz. U XIV asr boshlarida lotincha-forscha-kumancha va kumancha-nemischa, kumancha-lotincha so'zlarni o'zida mujassam etgan lug'at hamda xristian monaxlari tomonidan kuman tiliga tarjima qilingan diniy madxiya va duolar, eng qadimgi turkiy topishmoqlardan tarkib topgan qo'lyozma sifatida yuzaga kelgan (Jafarov, 2017). Qo'lyozmaning asl nusxasi bugungi kunda Venetsiyadagi Marchana milliy kutubxonasida DXLIX (№549) katalog raqami bilan ro'yxatga olingan, u №1597 xona raqami bilan saqlanadi. Ushbu qo'lyozma ustida ko'plab olimlar ish olib borishgan. Qo'lyozmaning boshqa qo'lyozmalardan farqi shundaki, u yagona tuzatish va to'ldirishlar amalga oshirilgan nusxadir. Ushbu maqolani yozishda bevosita dunyo olimlari yozgan monografiya va tadqiqot ishlaridan foydalanildi.

Qo'lyozma ustida dastlabki ish olib borgan olimlarimizdan biri bu Klaprot Yulius bo'lib, u 1828-yilda kumancha so'zlarni fransuzcha izohlar va arabcha transkripsiya va to'ldirishlar bilan nashr ettiradi. Shundan keyin ushbu qo'lyozmani tadqiq qilgan olim bu Geza Kuun edi. U o'z tadqiqotini lotin tilida amalga oshirish bilan birgalikda, qo'lyozmaning har ikkala qismini o'rgangani ham ahamiyatga molikdir. Shuningdek uning tadqiqoti ilk bora "Codex Cumanikus" (Kuun, 1880) nomi bilan nashr etilgan. Kuundan so'ng Radlov qo'lyozmaning fonetik va fonologik xususiyatlari haqida va "Codex Cumanikus"dagi unlilar gormoniyasi va uning o'ziga xos jixatlari yoritilgan asar muallifiga aylandi (Rodloff, 1887). 2000-yilda ruminiyalik olim V.Drinba tomonidan "Kodeks Kumanikus" (Drinba, 2000) nomli asar nashr qilingan bo'lib, u fransuz tilidagi 2-monografiya xisoblanadi, ammo Klaprot monografiyasidan farqi Drinba qo'lyozmaning ikkala qismini ham qamrab olgan va topishmoqlarning dastlabki fransuzcha tarjimasini bergan. 1981-yilda L.Ligeti Kuunning tadqiqotiga mukammal darajadagi ingliz tilidagi muqaddima qo'shgan. Ukrainalik olim Garkaves qo'lyozmani har tomonlama o'rganib 4 ta kitob nashr ettirgan va har bir kitobda alohida qismlar tadqiq qilingan. Bu kitoblar I) "Половецкие Молитвы, Гимны, Проповеди И Загадки XIII-XIV Веков", II) "Codex Cumanicus. Факсимиле И Построчная Транслитерация", III) "Codex Cumanicus. Построчная Транскрипция И Пословный Перевод", IV) "Codex Cumanicus. Словари" deb nomlangan. O'zbekistonlik filologlarimizdan biri Botir Sattarovich Jafarov ham ushbu qo'lyozma ustida ish olib borgan va qo'lyozmaning 1-qismi "Tarjimonlar kitobi" dagi kumancha so'zlarning o'zbek tilidagi tarjima va izohlarini yaratgan monografiya va ushbu qo'lyozma tadqiqiga bag'ishlangan dissertatsiya ishlarini amalga oshirgan. Bundan tashqari qo'lyozma tadqiqiga bag'ishlangan bir nechta maqolalari o'zbek va turkiyaning nufuzli jurnallarida chop etilgan. Qo'lyozma birinchi sahifasida lotin-fors-kuman tillaridagi lug'at bilan boshlanadi. Dastlab fe'l so'z turkumidagi so'zlarning tarjimasini berilgan bo'lib, lotin tilidagi audire-eshitmoq fe'li bilan boshlanadi. Bu fe'lining hamma shaxs-son va zamonda tuslangan bo'lib, boshqa hech qaysi fe'l bu tarzda to'liq tuslanmagan. Ushbu maqolada *audire* fe'lining tuslanish shakllari va lotin tili grammatikasiga oid ba'zi bir qonuniyatlar bilan tanishamiz.

Qo'lyozmaning 1a sahifasida lotin tilidagi audire fe'lini 18 ta turli shaxs-son va zamonlarda tuslangan shakli berilgan. 1a sahifasining kumancha variantida birinchi so'zning birinchi harfiga tuzatish kirgizilgan. Bundan tashqari ko'plik shaklida tuslashdan avval uning ko'pligi ekanligi *et pr* (=et plurale-ko'plik shakli) qisqartmalari bilan aytib ketilgan. Natijada shu sahifaning o'zida yana 5 ta lotincha so'z berilgan, lekin ularning forscha va kumancha tarjimalari yo'q. Ushbu so'zlar zamon va shaxs-sonni ko'rsatish uchun ishlatilgan. 1b sahifada 21 ta so'zlar uchta tilda berilgan bo'lsa, yana 7 ta lotincha so'zning forscha va kumancha tarjimalari yo'q va bu 7 ta so'zlar zamon va ko'plik shakllarni ko'rsatish uchun ishlatilgan. Ushbu sahifadagi 1-2-3- qatordagi va 16- dan 22- qatorgacha bo'lgan so'zlarning bosh harflari ko'rinmas holatga kelgan, bundan tashqari, kumancha so'zlar qatoridagi 9-10-13-14-19 qatordagi so'zlarga keyinchalik boshqa siyoh bilan tuzatishlar kirgizilgan. 2a sahifada 28 ta lotincha so'z berilgan bo'lib, 1-qatordagi so'zning tepasiga tuzatish kirgizilgan, lekin bu ishni aynan bitta xattot tomonidan amalga oshirilgan bo'lishi kuchli ehtimol, chunki siyoh va dastxat bir xil. 25-qatordagi so'zga



keyinchalik bitta -a harfi boshqa siyoh bilan yozilgan, 21 ta forscha so'zlar qatori bo'lib, hammasining oldida **agar** ma'nosini beruvchi old qo'shimcha bor. Bu yerda ham 7 ta zamon va ko'plik shaklini ko'rsatish uchun berilgan lotincha so'zlarning forscha va kumancha tarjimalari berilmagan. Kumancha so'zlar qatori ham 21 ta bo'lib, faqat oxirgi uchta qatordagi so'zlardan farqli tarzda, yuqoridagi so'zlar hammasi oldida **agar** va **koshki** kabi ma'nolarni beruvchi old qo'shimchalari ham bor. 2-qatordagi so'z yoniga keyinchalik boshqa dastxat va siyoh bilan yana bir so'z yozilgan. 5-qatordagi so'zning oldiga bosh harf yozilib keyin hattot tomonidan o'chirilgan. 7-qatordagi so'zga ham keyinchalik boshqa siyoh bilan shaxs-son qo'shimchasi tagiga yozib qo'yilgan. 9-10-12-13-qatordagi so'zlarga bittadan -y harfi keyinchalik yozib qo'yilgan. Bu tuzatishlar ham boshqa siyoh va dastxat bilan yozilgan. 2b sahifada 28 ta lotincha so'z berilgan bo'lib, shundan 6 ta so'zning forscha va kumancha tarjimalari berilgan xolos. 22-qatordagi 4- kumancha so'z xattot tomonidan ustiga chizib, yoniga to'g'rilab yozilgan. Bu sahifada ham 8 ta lotincha so'z zamon va ko'plik shaklini ko'rsatish uchun ishlatilgan. 1- va 2- qatordagi so'zlarning bosh harflari o'chib ketgan. Yuqoridagi 8 ta lotincha so'zdan tashqari yana 14 lotincha so'zlarning tarjimai berilmagan, buning sababi, o'ylashimizcha xattot tomonidan bu so'zlar qayta yozib qo'yilgan. Lotin tilida har qanday fe'lining 4 ta asosiy shakli mavjud bo'ladi. **Asosiy shakllari esa quyidagilar: Audio, Audire, Audivi/Audii, Auditus.**

Audire- fe'li IV – guruh fe'li hisoblanadi. Ushbu fe'lining quyidagi zamon shakllari berilgan. Ushbu maqolada faqatgina birlikda shaxs-sonda tuslangan shakli berilgan.

1) Hozirgi zamon - Present indicative active

I) audi-o — Men eshitaman/ II) audi-s — sen eshitasan/ III) audi-t — u eshitadi

2) **Preterito imperfecto**[8]-o'tgan davomli zamon fe'li

I)bam-audiebam/eshitayotgan edim II)bas/ audiebas/ eshitayotgan eding III)bat-audiebat/ eshitayotgan edi

3) **Pluperfect – Preterito plus quam perfecto**-ya'ni uzoq o'tgan zamon fe'li

Pluperfect zamoni uzoq o'tgan zamon bo'lib, u fe'lining uchinchi asosiy shaklidan -i harfini olib tashlab quyidagi qo'shimchalarni qo'shish orqali yasaladi.

I) -eram/ audiveram-eshitgan edim/ II)-eras/ audiverās-eshitgan eding / III) -erat/ audiverat-eshitgan edi

4) **Pteito p fcto -Preterito perfecto-o'tgan zamon natijali fe'li**

I)-i/Audivi -eshitdim/ II)-isti Audivisti-eshitding/III)-it Audivit-eshitdi

5)**Futuro-kelasi zamon.** Audire- ikkinchi principal partga yoki infinitive shakl va shaxs-son qo'shimchalarining mosini qo'yib tuslaymiz.

I)-am - Audiam -eshitaman II) –es audies -eshitasan III) – et audiet -eshitadi

6) mpat o m -**Imperatiuo modo-Buyruq mayli Audire-infinitive shakli.**

I)-sh. -re olish. Audi- eshit. /II)-sh.-teAudite-eshitanglar. III)-ant. Audiant- eshitsinlar

7) optat o m° Vtnā- **Optatiuo modo utinam**

I) audirem - eshitsam edi II) audires- eshitsang edi III)audiret- eshitsaydi

8) pterito pfc 7o t pls q-**Preterito perfecto et plus quam-uzoq o'tgan zamon shart istak mayli**

I) audi vissem-eshitgan bo'lsaydim/ II) audi visses-eshitgan bo'lsayding/ III)audi visset-eshitgan bo'lsaydi

9)**Futuro Vtnā-Futuro Utinam:** Shart istak maylining kelasi zamon uchun shakli oddiy kelasi zamon tuslanishi bilan bir xil.

10) Subiūct o m-**Subiunctiuo modo cum**-Shart istak mayli optative modo imperfect bilan bir xil.

11) pte 7to pfc 7o - **Preterito perfecto cum-o'tgan zamon natijali fe'lining subjunctive modo shakli.**

Oddiy o'tgan zamon subjunctive modo shakli lotin tilida quyidagicha tuslanadi. I)-erim/ audiverim-eshitanimda -II)-eris/ audiveris-eshitganingda III)-erit / audiverit-eshitganida

12) *Infinit o m -Infinito*

**Audire-eshitmoq**

13) Gerūdia-**gerundia**

**Audiendum-eshitish**

14)**Supina-Auditum**-eshitish uchun

15)Nto 7m -**nominatiuo m**

**Audiens-eshitayotgan**

**Auditurus-eshitmoqchi bo'lgan** tarzida tarjima qilsak maqsadga muvofiq bo'ladi.

Yuqorida “Codex Cumanikus” qo'lyozmasining birinchi qismi ya'ni “Tarjimonlar kitobi” dan 1a;1b;2a;2b; sahifalarida berilgan audire fe'lining 10 ta zamonda shulardan 5 tasi indicative-oddiy va qolgan 5 tasi shart-istak mayli zamon shakllarida hamda, buyruq mayli, infinitive, gerundiya, supina va nominative case shakllarida tuslangan holatlarini ko'rib o'tildi. Qo'lyozmaning lotin tilida yozilishiga sabab o'sha XIII-XIV asrlarda aynan lotin tilini ko'pchilik bilgani va u taraqqiy etib, gullab yashaganidir. Shu bilan birgalikda g'arbni turkiy xalqlar bilan savdo-sotiq va boshqa o'zaro aloqalarida lotin tili bilan bir qatorda berilayotgan kuman-qipchoq tilining roli va ahamiyati katta ekanini va o'sha davrda O'rta Osiyoda bu tilni biluvchilar yetarlicha bo'lganini va shu bilan birgalikda kuchli ehtimol bilan asosiy tillardan biri hisoblanganini ko'rsatadi. Bundan tashqari fors tili ham o'zining maqomi jihatidan bu ikki tildan kam bo'lmagan. Fors tilining yozuvi g'arbliliklar uchun qiyin bo'lgani uchunmi forsiy so'zlarni ham qo'lyozmada lotin harflarida o'qilishi berilgan. Hozirgacha bo'lgan tadqiqotlarda forsiy tilda berilgan fe'l shakllari va ularning talaffuzi asliga qay darajada to'g'ri kelishi, qipchoq tilidagi tarjimalari bilan qanchalik mos kelishini o'rganilmagan. Demak bu keyingi tadqiqotlar uchun yangi savol va albatta bu savollar ham o'z javobini topadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev, S. M. (2017.24-may). ПҚ-2995-сонли "Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ'ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qarori. Toshkent.
2. Jafarov, B. S. (2017). Kodeks Kumanikus dissertatsiya. Toshkent: Bayoz.
3. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. (2005). Toshkent: Davlat ilmiy nashriyoti.
4. Kuun, G. (1880). Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. Budapestini: Editio scient. Academiaehung.
5. Rodloff, W. (1887). Das turkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. Moskva: SPb.
6. Drinba, V. (2000). Codex Cumanicus. Bucarest: Editura Enciclopedica.
7. Erk, K. (2015). Codex cumanicus temelinde kipçak türkçesinin tarihi-karşılaştırmalı söz varlığı. Izmir: University.
8. Monoscritto Codice Cumanico. Venetsiya, Marchana. (1597).
9. Allen, & Greenough. (1903). New Latin Grammar. Geen company.
10. Harrington, M. (2016). Ancient Latin Grammar. Tufst University.

UO'K: 811.512.133'373.2:254.2-24 (043.3)

## OGAHİY TARIXİY ASARLARIDA MUARRABLAR

R. Maxmudov, katta ilmiy xodim, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Ogahiy tarixiy asarlaridagi arabiy qatlamga oid muarrab o'zlashmalar tadqiq va tahlil qilingan. Ularning tarqalish areali aniqlashtirilgan hamda ma'no taraqqiyoti, fonetik o'zgarishlari o'rganilgan. Arab tili orqali o'zlashgan o'zlashmalar qaysi davrda o'zbek tiliga kirib kelgani, qanday so'zlarning yasalishiga asos bo'lgani ilmiy dalillar orqali isbotlangan.

**Kalit so'zlar:** o'zlashma, arabiy qatlam, arab tili orqali o'zlashgan so'z, tarixiy asar, substrat qatlam, o'z qatlam, genetik tahlil, tarkibiy tahlil.

**Аннотация.** В данной статье исследуется и анализируется заимствование через арабского слоя в исторических трудах Огахи. Определен их диапазон, изучено семантическое развитие и фонетические изменения. Научно доказано, что арабский язык был внесен в узбекский язык и стал основой для образования слов.

**Ключевые слова:** заимствование, арабский слой, слово, заимствование через арабский язык, исторический труд, слой субстрата, собственный слой, генетический анализ, структурный анализ.

**Abstract.** This article examines and analyzes the muarrab assimilations of the Arabic in Ogahi's historical works. Their range has been determined, and semantic development and phonetic changes have been studied. It has been scientifically proven that the Arabic was introduced into the Uzbek language and the basis for the formation of words.

**Key words:** borrowing, arabic layer, word learned in arabic language, historical work, substrate layer, own layer, genetic analysis, structural analysis.

Har qanday til o'z rivojlanish davrida bir necha tillar bilan aloqada bo'ladi. Bu shu tilda gaplashuvchi xalqning ijtimoiy-siyosiy, harbiy, madaniy-ma'rifiy va boshqa sohalarida ko'plab xalqlar bilan munosabatda bo'lishi bilan aloqador ekanligi ma'lum. Bu qonuniyatdan arab tili ham mustasno emasligi shubhasiz. Shu nuqatayi nazardan arab tilida ham ko'pgina o'zlashmalar mavjud. O'rta Osiyoga arablar bosqini natijasida bu hududlarga arab tili va madaniyati keng quloq yozgan bo'lsa, arab tili orqali ayni biz ta'kidlayotgan o'zlashmalar ham mahalliy xalqlar tiliga, xususan, turkiy tillarga ham kirib keldi. Demak, ushbu o'rinda biz bunday o'zlashmalarni arab tili orqali kirib kelgan o'zlashmalar yoki muarrablar deyishimiz mantiqan to'g'ri bo'ladi. Turkiy tillar leksikonida muarrablar ham katta o'rin tutadi. Ayniqsa, eski o'zbek adabiy tili davrida sof arabiy o'zlashmalar va muarrablar yuqori tabaqa vakillari – shohlar, beklar, sarkardalar va boshqalarga bag'ishlab yozilgan asarlarda ko'plab uchraydi. Bu asarning jimjimadorligi, musajja' usulining yanada jozibali bo'lishiga, tavzi', tanosub, ta'did kabi badiiy san'atlarning betakror bo'lishiga, va ayniqsa, shohona shukuh paydo bo'lishiga katta xizmat qilgan. Bu hol Ogahiy tarixiy asarlarida yaqqol namoyon bo'ladi. Ogahiyning ma'lum tarixiy asari so'zligiga e'tibor qaratsak, unda muarrablar ham anchagina ekanligiga amin bo'lamiz. Shu sababli biz arabiy o'zlashmalar qatorida turkiy tillarga kirib kelishida arab tili tranzit vazifasini o'tagan so'zlar – muarrablarni ham tahlil qilishni joiz deb bildik. Muarrablarni qo'llanishiga ko'ra ikki guruhga ajratishimiz mumkin: 1) arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilgan muarrablar; 2) arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilmagan muarrablar. Arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilgan muarrablar arabiy so'z yasash qoliplari asosida bir necha so'zlar yasalishiga asos vazifasini o'tay olgan, sof arabiy so'zlar kabi o'zagi o'zgarish xususiyatiga ega bo'lgan muarrablardir, ular o'zlashma bo'lsa-da, arabiy so'z kabi erkin o'zgaradi. Arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilmagan muarrablar bunday xususiyatga ega emas. Ular qay holda o'zlashgan bo'lsa, shu holda qo'llanadi, o'zagi o'zgarmaydi, bu so'z asosida arabiy qoliplarga solinib yangi so'zlar yasalmagan. Xususan, hikmat, jannat, tijorat kabi muarrablar arab tili qoidalariga bo'ysunsa, Odam, Ismoil, havoriy, injil kabi muarrablar arab tili qoidalariga bo'ysunmaydi. Ko'rinib turganidek, arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilmagan muarrablar, asosan, atoqli ot sifatida kirib kelgan yoki paydo bo'lishiga atoqli ot sabab bo'lgan.

Muarrablarning mavzu ko'lamini katta bo'lganligi uchun tematik nuqatayi nazardan tahlil qilish alohida masala sifatida qaralgani ma'qul. Shu sababdan quyida Ogahiy tarixiy asarlarida uchraydigan bir qancha muarrablarning geniologik tahlillarini amalga oshiramiz.

**Jannat.** Eski o'zbek tiliga arab tili orqali o'zlashgan muarrablardan biridir. Qur'oni Karimning bir necha suralarida bog' ma'nosida qo'llanadi. Bog'dan murod ham yerga oid bog', ham ilohiy mukofotga sazovor bo'lgan solih bandalargina kiritiluvchi bog'. Ogahiy tarixiy asarlarida anchayin faol qo'llangan so'z. Xususan, "Shohidu-l-iqbol"da o'qiymiz: ... *Va huzuri sharafidin hamul qasrning binoyi dilkushosin falak ayvonig'a hamsar va vusuli fayzidin fazoyi musaffosin jannat gulistonig'a barobar qildi* [21, 220.]. Qolaversa, bu so'z asosida hosil qilingan *jannatjoygoh, jannatmakon, jannatoso, jannatnamudor, jannatishtiboh, jannatsarir, jannatmanzara* kabi o'nlab so'zlar Ogahiy tarixiy asarlarida juda faol qo'llangan. Hozirgi o'zbek tilida *jannat* so'zi 1) begunoh, taqvodor kishilar u dunyoda yashaydigan rohat-farog'atli joy, behisht, bo'ston, serdaraxt bog'; 2) ko'chma ma'noda hamma narsa muhayyo bo'lgan, obod, rohatbaxsh, xushmanzara joy [26, 72.] ma'nolarida qo'llanadi va *jannati, jannatmakon, jannatmonand, jannatsimon* kabi so'zlarning yasalishiga asos vazifasini o'taydi.

Ushbu so'zning dastlabki ma'nosi *devor, to'siq* bo'lgan, *bog'* esa shu so'zning ma'no kengayishi asosida paydo bo'lgan. *Jannat* semit tilidan arab tiliga meros bo'lib o'tgan so'zlardan biri ekanligi shubhasiz. Garchi bu so'z shimoliy semit tillarining bir qanchasida uchrasa-da, uning genezisi akkad tilidagi *gannatu* [33, 40.] – *bog'* bilan bog'lanadi. Keyingi davrlarda bu so'z ibroniyda גַּנְתַּי tarzida qo'llanib, *bog'* ma'nosini ifodalagan bo'lsa, oromiy tiliga ܢܢܝܢ, ܢܢܝܢ shaklida, suryoniyga ܢܢܝܢ, finikiyga ܢܢܝܢ, efiop tiliga ܢܢܝܢ shaklida kirib borgan. Arabiy جنة va efiop tilidagi ܢܢܝܢ shimoliy semit tillari orqali kirib kelgan [23, 42.], shimoliy semit tillariga esa bu so'z oromiy orqali kirib borgan. Bu haqda Fischer [6, 22.] va Ahrens [1, 27.] kabi arabshunos olimlar ham alohida ta'kidlab o'tgan. Har qanday holatda ham *jannat* arab tiliga oromiydan kirib kelganligi aniq. Muarrab *jannat*ning biz tahlil qilayotgan *ilohiy bog'* ma'nosini kasb qilishi suryoniy tili bilan bog'liq bo'lsa ajab emas. As-Suyutiy kabi ba'zi arab tadqiqotchilari bu so'zni tahlil qilib, Ibn Jubayrning etimologiyasini haqiqat deb biladilar. Ibn Jubayrning ta'kidicha, جنة yunoncha so'z. Itqonda ta'kidlanishicha, Ka'abdan *jannat* so'zi haqida so'rganlarida u bu so'zni suryoniyda *uzum* va *uzum sharbati* ma'nosini anglatishini aytgan [3, 51.].

جنة qadimgi arab she'riyatida ham *bog'* ma'nosida tez-tez uchrab turadi. Lekin *ilohiy bog'* ma'nosidagi جنة faqat islomdan keyingi she'riyatda, Qur'oni Karim va tasavvuf bilan bog'liq hamd, na't mavzusidagi g'azaliyot va ruboiyotlarda ko'p qo'llana boshlagan. Ayrim tadqiqotchilar جنةning bu ma'nosi paydo bo'lishida aynan payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ga nozil bo'lgan qur'oniy oyatlar va shu mavzuga bog'liq hadislar sabab bo'lganligini ta'kidlashadi [9, 196-197].

**Odam.** Ogahiy tarixiy asarlarida ko'p hollarda "hamd" qismida qo'llanadi va ilk payg'ambar – Odam alayhissalom nazarda tutiladi: "...*Odami bogiy va hazinning farqi mazallatin xoksor va notavonlig' sifatidin "va laqad karramna bani adama"* [37.] *takrimig'a munosib ko'rub, xilofat iqlili bila tojdor etti...*" [19, 13.]. yuqorida ta'kidlanganidek, Ogahiy tarixiy asarlarida *Odam* payg'ambar nomi sifatida (antropomim) qo'llanadi. Hozirgi o'zbek tilida esa quyidagi ma'nolarni ifodalaydi: 1) ilk payg'ambar nomi Odam (a.s.) yoki Odamoto shaklida; 2) fikrlash, so'zlash va mehnat qilish qobiliyatiga ega bo'lgan, shu tufayli boshqa hamma mahluqotdan ustun turuvchi jonli zot; kishi, inson. *Ibtidoiy odam*. 3) kishilik jamiyatining ayrim bir a'zosi, shaxs. *Yaxshi odam, halol odam* [27, 83.].

Ko'plab manbalarda *Odam* atoli ot – antopomim sifatida tilga olingan. Kamdan-kam hollarda u turdosh sifatida qo'llangan. Qur'oni Karimning bir necha suralarida بني آدم – *bani Odam* birikmasi qo'llanib, insoniyat, odamizod, Odam farzandlari, Odam avlodlari kabi ma'nolarini ifodalaydi. Bunday o'rinlarda, aytish mumkinki, turdosh otga yaqinlashadi [24, 242.]. Ayni shu holatdan o'zbek tilidagi shaxs, kishilik jamiyatining a'zosi ma'nosi o'sib chiqqan degan fikr mantiqan to'g'ri. Ushbu so'zni Javoluqiy kabi ayrim tadqiqotchilar sof arabiy so'z deb tahlil qilgan bo'lsalar-da [2, 8.], bu fikr anchayin tahlil va isbot talab qiladi. Chunki bu nom "Injil"da ham mavjudligi fikrimizni tasdiqlaydi. Ismning kelib chiqishi haqida turli xil nazariyalar mavjud, ularning ayrimlarini Rog'ibning "Al-Mufradot fiy G'arib al-Qur'on" asarida [30, 12.], ammo ularning barchasida ilmiy isbotlar oz va ayrim fikrlar izohtalabdir. Ba'zi tadqiqotchilar bu so'z arab tiliga boshqa tildan o'zlashganligini ta'kidlaganlar. Xususan Mahmud Az-Zamaxshariy "Tafsir"ida va Baidaviy "Tafsir"ida *Odam* arab tiliga boshqa tildan o'zlashganligiga ishora bor. Xususan, Zamaxshariy *Odam* so'zining *adim* so'zidan va adimu-l-ardifa ketma-ketligidagi *adim* harakatidan kelib chiqishi, ularning Ya'qubni *aqib* so'zidan, Idrisni *dars* so'zidan va Iblisni *ablis* so'zidan hosil qilishlariga o'xshashdir. Biroq, *Odam* o'zlashma ismdir. Ehtimol, bu so'z ham *Ozar, Azer, Aber, Solih, Faleg* so'zlari singari fa'al vaznidadir [17, 344.].

Ular bu nomni اسم أعجمي deya ta'kidlaganlar. Bu so'zning kelib chiqishi ibroniy אדם so'zi bilan bog'liqdir va bu ism yahudiylik dini kitobi "Tavrot"da ham tilga olinishi fikrimizga isbot bo'la oladi. Arab tiliga bu so'z so'z suryoniy tili orqali kirib kelgan qarashlar mavjud. Har holda bu nom Safayt toshbitklarida ham uchraydi [10, 85.] va Muhammad (s.a.v.)ning zamondoshi shoir Adi bin Zaydga ham ma'lum bo'lgan [14, 50-51.].

**Tobut.** Kema yoki sandiq. Hozirgi o'zbek tiliga arab tili orqali kirib kelgan. Biz tahlil qilayotgan muarrablar qatoriga ushbu so'zni ham kiritishimiz mumkin. Bu so'z o'zbek tiliga *sandiq, quti, tobut, qabr* ma'nolarini ifodalagan holda kirib kelgan. Ammo hozirgi kunda ushbu so'z, asosan, dafn marosimida o'likni solib, mozorga yelkama-yelka ko'tarib boriladigan to'rt dastali moslama ma'nosida istifoda etiladi [28, 127]. Ogahiy tarixiy asarlarida bu so'zni ko'plab o'rinlarda ayni ma'noda qo'llanganini kuzatamiz. Xususan, ...*Otsizxon maliki ma'dalatshior va voliyi sutuvvatosor erdi. Otasidin so'ng mutasaddiyi saltanat bo'lub, bir necha yillar yovni yovlab, ovni ovlab, oxirilamr hayot taxtidin taxtayi tobutg'a naql qildi* [31, 79] jumlasida ham xuddi shu ma'noda kelganini ta'kidlash lozim.

"Qur'oni Karim"ning bir necha suralarida ushbu so'z tilga olingan. Xususan, "Baqara" surasi 248-oyatda, ushbu so'z ibroniy Shomuil va Shoul (Samuel va Saul) davridagi אריון – Ahd sandig'i degan ma'noni anglatadi.



Qolaversa, “Toho” surasining 39-oyatida ushbu soʻz yosh chaqaloq Musoning onasi solib suvga oqizib yuborgan papirus sandigʻi maʼnosini ifodalaydi. Musulmon olimlari, tadqiqotchilari va islomshunoslar, filologlar, ushbu soʻzni doimo arabcha soʻz deb tahlil tahlil qiladilar. Baʼzi tadqiqotchilar uning maʼnosini chayqalib *turgan dengiz* bilan bogʻlasalar, baʼzilari uni **تاب** bilan bogʻliq holda paydo boʻlgan deyidilar [15, 227.]. Ayrim tilshunoslar uning etimologiyasini **تبت** bilan bogʻlaydilar [15, 322.]. Ibn Sida kabi boshqa olimlar uni **تبه** negizida paydo boʻlgan boʻlishi mumkinligini ham qayd etib oʻtganlar [13, 381.].

Albatta, soʻzning arab tilida paydo boʻlishi ibroniy tili va qadim Misr madaniyati bilan bogʻlanadi. Ibroniylar tilidagi **תבה** soʻzi qadimgi misr tiliga **db3.t** shaklida oʻzlashgan hamda Nuh (a.s.)ning kemasi maʼnosini anglatgan. Keyinchalik va qadimgi yunon tiliga **κυβωτός** shaklida, qadimgi gruzin tiliga oʻzlashgan. Yunon tilida, shuningdek, **θίβη** soʻzi ayni biz tahlil qilayotgan tobut asosida paydo boʻlgan va Muso (a.s.) solingan sandiq maʼnosini ifodalagan holda istifoda etilgan [33, 45.]. Qadimgi yahudiy manbalardan biri boʻlgan Mishnada **תבה** Ahd sandigʻi maʼnosini ifodalash uchun ishlatiladi, ayniqsa, ushbu manbada ibodat uchun “Arkning oldiga kelish” iborasi koʻp qoʻllanadi. Chunonchi, **עבר דפני התיבה** - 44 yoshli yoshli Mishna Berak va shu zaminda tugʻilgan Geyger Aramdan tobut minib chiqadi. Mishna Berak Targums va Rabbin adabiyotida doimiy ravishda foydalaniladiganligi uchun keyingi davr adabiyotshunos va tilshunos olimlari u haqida maʼlumot toʻplashga harakat qilishgan [32, 226.]. Ushbu oʻrinda tobutni H.Hübschmann arab tiliga fors tilidan oʻzlashgan deb bilganini taʼkidlash joiz [11, 260.]. Fraenkel oʻz qaydnomalarida *tobut* soʻzini Efiop tilidagi **ታቡት** bilan yanada yaqinroq ekanligini taʼkidlaydi [7.]. Nöldeke garchi bu soʻzni oromiy tilidan kelib chiqish imkoniyatini tan olsa-da, Fraenkelning fikriga maʼlum darajada qoʻshiladi [23, 49.]. Tadqiqotchilarning bu soʻzni efiop tilidan kelib chiqqan deyishlariga asosiy sabab shuki, bu soʻz nafaqat qadimgi yunon tilidagi **κυβωτός** soʻzining ushbu tildagi tarjimai sifatida qoʻllanadi, balki shuningdek, Ahd sandigʻi maʼnosini ifodalash uchun odatda ushbu soʻz istifoda etiladi va hanuzgacha habashiy masjidlarda muqaddas kitoblar va idishlarni solib qoʻyiladigan quti xuddi shu nom bilan ataladi [5, 88.]. Demak, arab tilidagi *tobut* soʻzi kema, sandiq, quti maʼnolarini ifodalaydi, arab tilidan oʻzbek tiliga oʻzlashgan ushbu soʻz yuqoridagi maʼnolari asosida maʼno kengayishi yuz berib, mayit solinadigan quti – tobut maʼnosi oʻsib chiqqan. Agar bu soʻzning geniologik tahlili haqida fikr yuritadigan boʻlsak, bu soʻzning ildizi akkad tilidagi **ṭēbītu** – idish, quti, sandiq maʼnosidagi soʻz bilan bogʻlanadi. Qadimgi misr va ibroniy tillaridagi soʻz ham **ṭēbītu** bilan bogʻlanishi shubhasiz [33, 45.]. Keyinchalik bu soʻz arab tiliga kirib kelgan va u orqali fors tiliga oʻzlashgan. Fors tilidagi **تابوت** asosida qadimgi arman tilidagi **թափոտ** soʻzi paydo boʻlganligi haqida fikr yuritish mumkin [12, 153.].

**Tijorat.** **تجارة** – arab tilida ushbu soʻz savdo yoki savdo mahsulotlari maʼnosini ifodalagan holda qoʻllanadi. Bu soʻz eski oʻzbek adabiy tili davrida arab tilidan oʻzlashgan va hozirgi oʻzbek tilida *savdogarlik*, *oldi-sotdi ishi*, *savdo-sotiq*, *savdo ishlari* [28, 82.] maʼnolarini ifodalagan holda istifoda etiladi. Ogahiy tarixiy asarlarida ham tahlil qilinayotgan soʻz ayni maʼnoda bir necha oʻrinlarda qoʻllanganini kuzatish mumkin. Xususan, “Firdavsul-i-igbol”da qozoq xonlaridan boʻlgan tojir Tavkaxon shunday taʼriflanadi: “*Tavkaxon. Laqabi Xudoydoddur va ul qazoq xonlaridindur. Va tijorat rasmi bila Xivaqʻa kelib, korvonsaroyda iqomat qilib erdi. Temurgʻozixon oʻlgan kuni ani korvonsaroydin chiqarib, taxtgʻa mindurdilar*” [31, 166.]. Ushbu soʻz asosida tojir, tujjor, tijoratxona, tijoratchi, tijoriy kabi soʻzlar paydo boʻlgan va ular bugun ham *tijorat* oʻzlashmasi bilan birgalikda oʻzbek tilida qoʻllanib kelinadi. Shuni taʼkidlash kerakki, bu soʻz Qurʼoni Karimning faqat keyingi nozil boʻlgan qismlaridagina uchraydi. *Tijorat* soʻzini yuqorida savdo yoki savdo mahsulotlari (tovar) maʼnosida qoʻllanadi deya taʼkidlagan boʻlsak-da, uch surada (II, 16; IV, 29; XXIV, 37) ushbu soʻz savdo mahsulotlari (tovar) maʼnosida emas, balki ayni savdo maʼnosida qoʻllanganini kuzatish mumkin. Fikrimizcha, *tijorat* soʻzining bosh maʼnosi savdo, ikkinchisi esa uning koʻchma maʼnosidir.

*Tijorat* soʻzi asosida turli arabiy qoliplarga solinib, turli maʼno ifodalashi barchamizga maʼlum. Xususan, tojir soʻzi shular jumlasidan. Tojir, yaʼni savdogar soʻzi Qurʼonda uchramaydi. Hatto biror feʼl bilan yondosh holda ham qoʻllanmagan. Shu sababli ayrim olimlar uni oromiy tilidan oʻzlashgan deb qaraydilar [8, 182.]. Ushbu oʻrinda shuni taʼkidlash lozimki, **تجارة** soʻzi **تجر** feʼlining boshqa qolipga solingan shaklidir. Ayni damda ushbu feʼl **تاجر** shaxs otiga asos boʻlganligini ham eʼtirof etish joiz. Demak, tojir shaxs oti oromiy tilidan oʻzlashgan degan fikrga bir necha qoʻshimcha fikr va izohlar zarur. Chunki arab tilida soʻz yasashiga feʼl asos boʻlishi maʼlum. Lekin oromiydagi **תַּגְרָא** va suryoniy tilidagi **ܬܝܓܪܐ** soʻzlarining har ikkisi ham savdo-sotiq maʼnosini ifodalaydi. Ushbu soʻzlarning asosi toʻgʻridan-toʻgʻri oromiy tilidagi **تجارة** ekanini rad etish uchun hech qanday sabab yoʻqday koʻrinadi. Frenkel oʻz munozarasida koʻrsatganidek [8, 181.] oromiydan kirib kelgan deya taʼkidlanayotgan **تاجر**ning oromiydagi asosini topish biroz mushkul. Tadqiqotchi *tojimi* oromiydagi **תַּגְרָא** va suryoniydagi **ܬܝܓܪܐ** soʻzlarining arab soʻzlashuv tilidagi shakli deb qaraydi. Nöldeke esa muammoni hal etish uchun ushbu soʻzning dilektal varianti **תַּגְרָא** ni taklif qiladi. Ammo agar oromiydagi **تجارة** ning asl shaklidan paydo boʻlgan boʻlsa va unga **تجر** feʼli asos soʻz boʻlsa, **تاجر** yaʼni “savdogar” bu feʼldan qanday qilib yasama soʻz sifatida hosil boʻlishini tushunish oson.

Yuqoridagilardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki, arab tilidagi **تجارة** soʻzi oromiy tilidan oʻzlashgan va uning negizi akkad tilidagi *tamkāru* yoki *tamgāruga* borib taqaladi. Akkad tilida bu soʻz *savdogar* maʼnosini ifodalaydi [33, 16.]. Bu soʻz keyinchalik qadimgi arman tiliga ham oʻzlashgan va **թանգար** yoki **թանգար** shaklida qadimgi arman tilida keng isteʼmolda boʻlgan [12, 303.]. Demak, oromiydagi **תַּגְרָא** qoʻsh holda qoʻllangan 1 asl holda 1 ni ifodalaydi. Mandeylik taʼlimoti matnlarida bu tovush hali hamon assimillatsiya boʻlmagan holda



qo'llanganini kuzatish mumkin. Bu so'z islomgacha bo'lgan davrda ham arablarga juda yaxshi tanish bo'lgan va keng qo'llangan. Bu fikrimizga arabiston yarimorolining shimoliy hududlaridagi arablarning yozma yodgorliklarida qo'llangan *xaridor*, *tijorat* ma'nosidagi *tijorat*, *tojir*, *tujjor* so'zlari isbot bo'ladi. Ayniqsa, bu so'z qadim arab she'riyatida, xususan, uzum sharbati – musallas savdosi bilan bog'liq bo'lgan hududlar she'riyatida (hatto shu mavzudagi she'rlarda ham) ko'p qo'llangan [14, 91.].

**Handasa.** Eski o'zbek tiliga arab tilidan o'zlashgan so'z bo'lib, geometriya [29, 504.] ma'nosini anglatadi. Ushbu so'z XX asrgacha o'zbek tilida faol qo'llangan. Handasaviy so'zi yasalishiga asos bo'lgan. Ogahiy tarixiy asarlarida ham ayrim o'rinlarda uchraydi. Xususan, "Firdavu-l-iqbol"da Odam (a.s.) "...*Va mo'jizoti ko'bdur. Handasa va tib va musiqiy ilmi andin yodgor qoldi. Laqabi "safu'lloh"dur va kuniyati Abulmuhammad va Abulbashardur...*" [31, 66.] tarzida ta'riflanadi. Ushbu o'rindagi handasadan murod uy qurish ilmidir. Aytish mumkinki, arabiy *handasa* biz tahlil qilayotgan muarrablardan biridir. Ushbu so'z forsiy اندازه – *andoze* so'zining arab tilidagi variant. اندازه – *andoze* o'zbek tiliga andaza (andoza) shaklida o'zlashgan va har ikki shakl ham o'zbek tilida keng iste'molda bo'lib, quyidagi ma'nolarni ifodalaydi: 1) kiyim-bosh, poyabzal va shu kabilarni bichish, tayyorlash uchun qalin qog'oz, karton va boshqalardan yasalgan nusxa-qolip – *etik andazasi*; 2) tayyor qolip, namuna – *Sharqning havo darvozasi biz, Yangilikning andazasi biz*; 3) o'lchov, me'yor – *mamlakat rahbarining farmoni... milliy hayotimizni eng yuqori zamonaviy andazalarda qurishga chaqiryapti* [25, 84.].

Andoza so'zini geniologik tahlil qilsak, u forsiy tildagi انداختن – *andoxtan*, fe'l bilan bog'lanishini anglash qiyin emas. Bu fe'l forsiy tilda keng iste'molda bo'lib, 1) *shoshilmoq, hujum qilmoq, otmoq, yiqitmoq* [36, 168.]; 2) *otmoq, tashlamoq, uloqtirmoq*; 3) *qulatmoq*; 4) *boltalamoq, qiymalamoq, yormoq*; 5) *yoymoq, yozmoq*; 6) *yopmoq, qoplamoq*; 7) *almashtirmoq, ter tashlamoq*; 8) *yiqitmoq, taxtdan ag'darmoq* [35, 388.]; 9) *taajjublantirmoq, hayratlantirmoq*; 10) *o'tkazmoq (og'zaki nutqda)*; 11) *irg'itmoq (og'zaki nutqda)* kabi ma'nolarni ifodalaydi. Ko'rinib turganidek, bu so'zning mazmun plani keng, hatto ayrim birikmalarda qo'llanib, boshqa ma'nolarni ham ifodalay oladi [34, 133.]. Bu fe'l pahlaviydagi *handāxtan* fe'li bilan bog'lanadi. Ushbu so'z tarixan ikki qismdan tashkil topgan bo'lib, avvalgi qism *handāc* va ikkinchi qism *tan* masdarining qo'shilishidan hosil bo'lgan hamda *shoshilmoq, hujum qilmoq, otmoq, yiqitmoq* ma'nolarini ifodalagan. *Handāc* so'zining o'zi ham tarixan ikki qismdan tashkil topgan: avvalgisi *ham*, ikkinchi qism *tac*. Sanskritda *ham-tac* fe'li qo'llangan bo'lib, *yugurmoq, chopmoq, shoshilmoq, tezlashmoq, izidan quvmoq* kabi ma'nolarni ifodalagan. Keyingi davrlarda bu so'z pahlaviyda *handāxtan* shaklida qo'llanib, *andoza olmoq, hisob qilmoq* ma'nolarini ifodalagan. So'ngra bu so'z qadimgi arman tiliga o'zlashib *andac-em* shaklida qo'llangan va *taftish* ma'nosini anglatgan. Qadimgi eroniyda *ham-tācayati* so'zi qo'llangan bo'lib, *yugurmoq, chopmoq, shoshilmoq* ma'nolarini ifodalagan. Shu o'rinda yana bir holatga e'tibor qaratish zarur, pahlaviydagi *handāxtan* [16, 42.] fe'li asosida hosil qilingan *handācac* so'zi mavjud bo'lib, u *reja, andoza, ajratmoq, sudya* kabi ma'nolarni ifodalagan. Bu biz tahlil qilayotgan muarrab *handasaning* paydo bo'lishiga asos bo'lgan so'zdir [36, 169.].

Yuqoridagilardan shuni xulosa qilish mumkinki, انداختن – *andoxtan* fe'lining hozirgi zamon shakli انداز ekanligi ma'lum. Bu shakl ham o'zbek tiliga ayrim qo'shma so'zlar orqali kirib kelgan. Xususan, *yoyandoz, tiyrandoz, xokandoz* shular jumlasidandir. اندازه – *andoze* esa ayni shu fe'lning sifatdosh shakliga o'tgan shaklidir.

**Javhar.** Eski o'zbek tiliga arab tilining ta'siri natijasida kirib kelgan. Ko'pligi *javohir*. Forsiy *gavhar* so'zi bilan yondosh tarzda sinonim holatda qo'llanadi. Arab tilidan o'zlashgan ushbu so'z eski o'zbek tilida, ayni damda, hozirgi o'zbek adabiy tilida ham quyidagi ma'nolarni ifodalaydi: 1) qimmatbaho toshlarning umumiy nomi; 2) eng qimmatbaho, bebaho narsa; 3) shaxs nomi (antroponim); 4) mumtoz she'riyatda mohiyat, mazmun [26, 63.]. Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu so'z antroponim sifatida qo'llanmagan bo'lsa-da, yuqorida ta'kidlangan qolgan barcha ma'nolarda qo'llanishini kuzatish mumkin:

*Safarda chun qila olman tanimni gardi javloning,*

*Hazarda maqdamingg'a javhari jonim nisor o'lsun* [20, 167.].

"Zubtatu-t-tavorix"da o'qiyimiz: ...*Va yana haddin afzun iltifot ko'rguzub, guharbor tilin mundoq javharfishonliqg'a evurdikim, jahoni bebunyodning ayvoni xarobobodida iqomat masnadin solmoq, xususan, saltanat amri xatirin zimmai himmatg'a olmoqdin g'araz uldurkim, kishidin zikri jamil yodgor qolsa* [18, 33]. Ogahiy tarixiy asarlarida *javharfishon, zafarjavhar, javharmisl, mujavhar* kabi **javhar** so'zi asosidagi bir qancha so'zlarni uchratish mumkinki, bu ham badiiy asarning lug'at qatlamini yanada boyitishga xizmat qilgan.

Javhar so'zi ham tahlil qilinayotgan muarrablardan biri bo'lib, arab tiliga ushbu so'z eroniy tillardan o'zlashgani shubhasiz. Ushbu so'zning kelib chiqishi pahlaviydagi *gohar* yoki *gohr* so'zi bilan bog'lanadi. Pahlaviyda *gohar* yoki *gohr gavhar, modda* ma'nolarini ifodalagan. Badiiy adabiyotda *asl, sof, farzand, zot* [36, 1862.] kabi ko'chma ma'nolarni ifodalagan holda ham uchraydi. Bu so'z arab tiliga fors tili orqali o'tgan.

**Hikmat.** Eski o'zbek tiliga arab tilidan o'zlashgan muarrablardan. *Hikmat, hikma* shakllarida qo'llangan. Ogahiy tarixiy asarlarida birmuncha faol qo'llangan. Xususan, "Riyozu-d-davla"da o'qiyimiz: ...*Va bir oydin so'ng dorushshifoyi hikmati ilohiydin doruyi sihhah etib, za'fi kasal quvvatg'a mubaddal bo'ldi* [19, 303.]. Qolaversa, Ogahiy asarlarida ushbu so'z *hikmatnishon, hikmatoyin, hikmatmaob, hikmattaxmir, hikmatnamoy* kabi bir qancha so'zlar hosil qilinishiga asos vazifasini o'tagan.

Hozirgi o'zbek adabiy tilida hikmat 1) aql-zakovat, donolik va uning ifodasi bo'lgan, uni aks ettiruvchi narsa – gap-so'z, fikr va shu kabilar, donolik belgisi: *Nodonning kulfati ko'p, dononing – hikmati*; 2) tagini anglash qiyin bo'lgan, yashirin bir ma'no, yashirin bir sabab; sir: *Bu oynada qanday hikmatni ko'rding?* 3) qam qo'llanuvchi ma'no – foydali tomon; naf, foyda (ish-harakat haqida): *To'g'ri, sholikorlikda hikmat ko'p bo'ladi*; 4) hikmati bor narsa, hikmat bildiruvchi fikr, gap: ...*qo'chqor yog'i yeb, endi hikmat ko'rsatmoqchimidilar!* [29, 528.] kabi

ma'nolarni ifodalash uchun istifoda etiladi. Qolaversa, hozirgi o'zbek tilida bu so'z *hikmatli*, *hikmatomuz* kabi so'zlarning yasalishiga asos bo'ladi.

Ushbu so'zning genezisini tahlil qilganimizda quyidagi ilmiy xulosalarga keldik: bu so'z Qur'oni Karimning bir necha suralarida turli ma'nolarda qo'llanadi. Xususan, *hikmat* ma'nosida "Baqara" surasining 269-oyatida, Luqmonga ishora sifatida "Luqmon" surasining 12-oyatida, Dovud (a.s.)ga ishora sifatida "Baqara" surasining 251-oyatida va "Sod" surasining 20-oyatida, Qur'oni Karimga ishora sifatida "Baqara" surasining 231-oyati, "Niso" surasining 113-oyati va boshqa bir necha suralarda qo'llanadi hamda *ochiq isbot*, *aniq dalil*, *ilohiy kitob* kabi ma'nolar bilan Qur'oni Karimga sinonim tarzda qo'llanadi. Shu o'rinda *hakim*, *hukm*, *hokim*, *ahkom*, *hakam*, *hukamo* kabi so'zlar ham *hikmat* bilan bog'liq holda, uning o'zagini arabiy qoliplarga solish asosida hosil qilinganini ta'kidlash joiz. Demak, *hikmat* arab tili qonun-qoidalariga bo'ysundirilgan muarrablardan biridir.

**حكمة** asosi semit tilida keng qo'llanadi. Lekin **حكمة** so'zining *donolik*, *donishmandlik* ma'nolarini kasb qilishi shimoliy semit tillari bilan bog'liq [33, 29.]. Chunki janubiy semit tillarida bu so'z asosan *boshqaruv* ma'nosi bilan bog'liq holda qo'llanadi. Shimoliy semit tillaridagi **حكمة** so'zining *donolik*, *donishmandlik* ma'nolarini ifodalashi ayni akkad tilidagi *hakamu* – *bilim* bilan bog'liq. Bu so'z keyinchalik ibroniy tilida **חכמה** shaklida, oromiy tilida **חכמה**

shaklida, suryoniyda **حكمة** shaklida qo'llana boshlangan va *donishman bo'lmoq* ma'nosini ifodalagan. Zanjirli toshbitigida **חכמה** so'zi qo'llangan bo'lib, *donishmandlik* ma'nosida istifoda etilgan. Yuqoridagi fikrlardan shunday xulosa chiqadiki, arabiy **حكمة** va **حکيم** shubhasiz oromiy tili ta'sirida paydo bo'lgan. **حكمة** ibroniy **חכמה**; oromiy

**חכמה**; suryoniy **حكمة** va Zanjirli **חכמה** bilan; **حکيم** esa oromiy **חכيم** hamda suryoniy **حكمة** bilan bog'liq holda paydo bo'lgan deyishimiz mumkin. Ushbu so'zlar ilk oromiy davrida faol iste'molda bo'lgan [10, 72.]. Ushbu so'zning arab tilida paydo bo'lishiga janubiy arab tillari sabab bo'lgan bo'lishi mumkin. Chunki Derenburg nashr ettirgan Qatoboniy bitigida biz **حكمة** so'ziga duch kelamizki [4, 177.], buni Nielson oy ilohasi epiteti bo'lgan [22, 592.] deya tahmin qiladi. Bunda ma'lum haqiqat ham bor, chunki qadimdan oy ilohasi donishmandlik ilohasi deb tasavvur qilingani barchamizga ma'lum.

Yuqoridagi tahlillardan shuni xulosa qilish mumkinki, Ogahiy tarixiy asarlarida muarrablar juda faol qo'llangan. Muarrablar asarning badiiy qimmatini oshirishda, ko'tarinkilik, musajja' usulini ta'minlashda, qolaversa asarga shohona ruh bag'ishlashda muhim ahamiyat kasb qilgan. Muarrablarni qo'llanishiga ko'ra ikki guruhga bo'lish mumkin: 1) arab tili qoidalariga bo'ysundirilgan muarrablar; 2) arab tili qoidalariga bo'ysundirilmagan muarrablar. Ularning har biri bugungi kungacha arab tili va arab tili ta'sir etgan boshqa o'nlab tillarda o'ziga xos taraqqiyot yo'lini bosib o'tgan

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

- Ahrens, K. Christliches im Quran. In ZDMG, lxxxiv (1930), pp. 15–68 and 148–190. –P. 27.
- Al-Jawālīqī. Al-Mu'arrab, ed. Sachau. Leipzig, 1867. –P. 8.
- As-Suyuti. Al-Mutawakkil, ed. Wm. Y. Bell. Cairo, 1926. –P. 51.
- Derenbourg H. Nouveaux textes yéménites inédits. In Rev. Ass, 1902, p. 117 ff.
- Dufton, Narrative of a Journey through Abyssinia, London, 1867. –P. 88.
- Fischer, A. Glossar to Brünnow's Arabische Chrestomathie. Berlin, 1928. –P. 22.
- Fraenkel, S. De Vocabulis in antiquis Arabum carminibus et in Corano peregrinis. Leiden, 1880.
- Fraenkel, S. Die Aramäischen Fremdwörter im Arabischen. Leiden, 1886. –P. 182.
- Horovitz, J. Jewish Proper Names and Derivatives in the Koran. In the Hebrew Union College Annual, II. Cincinnati, 1925. –P.196, 197.
- Horovitz, J. Koranische Untersuchungen. Berlin, 1926. –P. 72.
- Hübschmann, H. "Die semitischen Lehnwörter im Altarmenischen," in ZDMG, XLVI. –P. 260.
- Hübschmann, H. Armenische Grammatik. Theil i, "Etymologie." V. I. Leipzig, 1897. 153.
- Ibn Sida. Tāj al-'Arūs. Arabic Lexicon of as-Sayyid Murlada, 10 vols. Cairo, 1307. I. –P. 381.
- Jeffery A. The foreign vocabulary of the Qur'an. Leiden-Boston. 2007. –P. 50-51.
- Lisān al-'Arab. Arabic Lexicon of Ibn Manzūr, 20 vols. Cairo, 1308. I. –P. 227.
- MacKenzie D.N. A concise Pahlavi dictionary. –L., 1971. –P. 42.
- Mahmūd ez-Zemahşerī El-Keşşāf 'an hakā'iki ġavāmidī't-tenzīl ve 'uyūni'l-ekāvil fi vucūhi't-te'vīl. Keşşāf tefsiri. Çeviri: Muhammed Coşkun, Ömer Çelik, Necdet Çağıl, Adil Bebek. 1. Cilt; (6 Cilt). İstanbul. 2016. –S. 344.
- Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtatu-t-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent: 2019. – B. 33.
- Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozu-d-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboyev. Toshkent: 2020. – B. 13.
- Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. VI jild. Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi A.O'rozboyev. Toshkent: 2019. – B. 167.
- Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. VII jild. Shohidu-l-iqbol. Nashrga tayyorlovchi N.Shodmonov. Toshkent: 2019. – B. 220.
- Nielsen D. Die äthiopischen Götter. In ZDMG. Bd. 66. 1912. –P. 592.
- Nöldeke, Th. Neue Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft. Strassburg, 1910. –P. 42.
- Nöldeke-Schwally. Geschichte des Qorans, 2nd ed, vol. i. Leipzig, 1909. –P. 242.
- O'zbek tilining izohli lug'ati. I tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 84.
- O'zbek tilining izohli lug'ati. II tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 72.
- O'zbek tilining izohli lug'ati. III tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 83.
- O'zbek tilining izohli lug'ati. IV tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. –B. 127.
- O'zbek tilining izohli lug'ati. V tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. –B. 504.

30. Rāghib. Al Mufradāt fī Gharīb al-Qur'ān, of Rāghib al-Isfahānī. Cairo, 1324. –P. 12.  
 31. Shermuhammad Avazbiy mirob o'g'li Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavsul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent: 2019. – B. 79.  
 32. Von Kremer. Ideen, 226 n.; Sprenger, Leben, II, 257 n.; Fleicher, Kleinere Schriften, I, 176 n.  
 33. Zimmern, H. Akkadische Fremdwörter als Beweis für babylonischen Kultureinfluss. Leipzig, 1917. –P. 40.  
 34. Персидско-русский словарь. М., Русский язык. 1983. Том I. – С. 133.  
 35. Русско-узбекский словарь. В двух томах. –Т.: Главная редакция УзСЭ. 1983. Том II. – С. 388.  
 36. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . در جلد اول ص. ۱۶۸  
 37. “Darhaqiqat, (Biz) Odam farzandlarini (aziz va) mukarram qildik”. (“al-Isro surasi 70-oyat). Qur’oni Karim ma’nolarining tarjiması. Tarjima va izohlar muallifi: Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2001.

UO’K: 811.512.133’373.2:254.2-24(043.3)

## OGAHIY TARIXIY ASARLARIDA MUTLAQ HUKMDOR TUSHUNCHASINI IFODALOVCHI O’ZLASHMALAR

*R.Maxmudov, katta ilmiy xodim, Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Ogahiy tarixiy asarlaridagi mutlaq hukmdor tushunchasini ifodalovchi o'zlashmalar tahlil qilingan. Ularning genezisi, tarqalish areali oydinlashtirilgan.

**Kalit so'zlar:** monarx, tarixiy asar, o'zlashma, o'z qatlam, substrat qatlam, ilk o'zlashma, unvon.

**Аннотация.** В статье анализируются концепции абсолютного правителя в исторических трудах Огахи. Уточнены их генезис, ареал распространения.

**Ключевые слова:** монарх, историческое произведение, заимствования, собственный слой, слой субстрата, начальная заимствование, титул.

**Abstract.** The article analyzes the concept of the absolute ruler in the historical works of Ogahi. Specified their genesis, distribution area.

**Key words:** monarch, historical work, borrowings, own layer, substrate layer, initial borrowing, title.

Ogahiy tarixiy asarlarida mutlaq hukmdor tushunchasini ifodalovchi bir necha o'zlashmalar qo'llangan bo'lib, ular tarixiy asar bayon uslubi, muallifning xos (individual) uslubi, voqea bayon qilinayotgan davr va boshqa omillarni hisobga olgan holda o'zaro sinonim yoki farqlangan tarzda qo'llangan. Ushbu sohaga oid o'zlashmalarning eski o'zbek adabiy tilida, xususan, Ogahiy tarixiy asarlarida ko'p uchrashiga quyidagi bir qancha omillar sabab bo'lganligini alohida ta'kidlash joiz: 1) qadimdan o'zbek yurtidagi xonlar, podshohlar arab va fors mamlakatlari xalifa, xon va sultonlari bilan kuchli ijtimoiy-siyosiy aloqalar o'rnatganligi; 2) arab, fors tillari bilan turkiy, xususan, o'zbek tilining chuqur aloqasi; 3) arab va fors tarixnavisligining ta'siri; 4) tarixiy asarga shohona salobat va shukuh berish uchun arabiy va forsiy so'zlarning ko'p qo'llanishi; 5) musajja' usulida bitish an'anasi; 6) so'nggi davrlarda rus imperiyasi bilan aloqalar va rus tilining ta'siri kabi omillar shular jumlasidan.

Ogahiy tarixiy asarlaridagi mutlaq hukmdor ma'nosini anglatuvchi so'zlar tilshunos olimlar [21, 63-71.], etnograf [22, 36.] va tarixchi olimlar [5, 28; 2, 19.] tomonidan maxsus o'rganilgan bo'lsa-da, mansab va unvonni anglatuvchi o'zlashmalar qatlami alohida tadqiq qilinmagan. Ogahiy tarixiy asarlaridagi mansab va unvonni anglatuvchi o'zlashmalar qatorida *shoh, shahanshoh, shahriyor, sulton, podshoh, amir, voliy, hukmdor, imperatur, kadxudo, hokim, xusrav, qaysar, tojdor, vazir, mahram, navvob, marzbon, shayx, murid* kabi so'zlarni sanashimiz mumkin. Ayni damda mansab va unvonni anglatuvchi so'zlarni ham bir necha mazmuniy guruhlariga ajratish mumkin:

**Imperator.** Hukmdor, qo'mondon. Qadimgi Rim respublikasi va imperiyasida podshoh, sarkarda, qo'mondonning faxriy unvoni yoki ayrim yirik, ko'p millatli davlatlarda podshohlarga berilgan unvon va shu unvonga ega bo'lgan shaxs [13, 204.]. Ogahiy tarixiy asarlarida *imperator* 'r shaklida "Gulshani davlat" da bir o'rinda uchraydi: *Va O'rus podshohining otig'akim, nasoro lug'atida "imperator" derlar, muvolafat mazmuni bila bir maktub yozdurub, mazkur elchig'a topshurub, ramazonu-l-muborak oyining yigirma uchida, shnba kuni Xorazm korvonidin bir guruhni anga hamroh qilib, O'rus yurtig'a yibordi* [9, 97.]. Shuningdek, ushbu o'zlashma "Riyozu-d-davla" da *impirotur* shaklida bir o'rinda uchraydi: *O'rus poytaxti Fetirburx podshohi impirotur binni Nikuloy Povlufichning qo'shg'an elchisi Prukufiy Andriich binni Nikiqirusining hamrohlig'i bila kelib, u oston sharafig'a musharraf bo'ldilar* [7, 331.].

**Qaysar.** Podshoh, imperator. Mumtoz adabiyotimiz vakillari asarlarida asosan Rim va Vizantiya mamlakatlari imperatorlariga nisbatan qo'llangan xon, xoqon, podshoh, imperator so'zlarining sinonimi. Rim imperatori Gay Yuliy Sezar nomi asosida paydo bo'lgan [14, 218.] Rum podshohlariga nisbatan qo'llanuvchi so'z. Ushbu so'z yunon tilidan oromiy tiliga va u orqali arab tiliga hamda arab tili vositasida eski o'zbek adabiy tiliga o'zlashgan o'zlashma. Ogahiy tarixiy asarlarida ham xon, xoqon so'zlariga sinonim so'z sifatida qo'llangan. Chunonchi "Riyozu-d-davla" da o'qiymiz: *Chun Sulton Hoji Ahmadxon baxt irshodi va qaysar imdodi bila davlati benazir va iqboli rivojpazirga dast topti* [7, 227.].

So'zning genezisi lotin tilidagi *coedere – kesmoq, qirqmoq* so'ziga bog'lanadi. U asosida *Caesar* oti paydo bo'lgan. Lotin tili ta'sirida va Sezar shuhrati natijasida butun yevropa tillariga ushbu so'zning tarqalganini kuzatish mumkin. Chunonchi, fransuz tilida *césar*, ingliz tilida *Caesar*, olmoniyda *Kaiser* tarzida ushbu so'zning istifoda etilganini kuzatdik. Keyinchalik tovush o'zgarishi asosida rus tiliga *Caesar* so'zi *царь* tarzida kirib kelgan. Litva



va latish va boshqa tillarda ham ushbu soʻz *czar*, *tzar* shaklida qoʻllanadi. Demak, oʻzbek tiliga rus tili taʼsirida kirib kelgan *chor* soʻzining asosi lotin tilidagi *Caesar* bilan bogʻlanadi.

**Shoh.** Eski oʻzbek adabiy tilidagi fonetik varianti shah. Podshoh. Eski oʻzbek adabiy tiliga fors tilidan oʻzlashgan oʻzlashma. Asli podshoh [16, 599.]. Shu asosda oʻzbekda *shohanshoh*, *shohbayt*, *shohiy*, *shohona*, *shohboz*, *shohin*, *shohvor*, *shahriyor* kabi soʻzlar hosil qilingan. Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu soʻz juda faol qoʻllanadi. Xususan, “Zubdatu-t-tavorix”da oʻqiyimiz:

*Shoheki kelibdur ongo zot,*

*Shahlar aro mujibi mubohot* [6, 35-36.].

*Shohning* asosi pahlaviydagi *shah* bilan bogʻlanadi. Qadimgi fors tilida u *xshäyathiya* [1, 553.], janubiy gʻarbiy eron shevalarida *shathr*, pozandda *shah* [25, 1231.] tarzida qoʻllanadi. Ushbu soʻz yevropa tillariga ham kirib borgan. Xususan, fransuz tilida *chah*, *schah*, ingliz tilida *shah*, rus tilida *uax* tarzida qoʻllanadi. Shoh *shahar* soʻzi bilan bir oʻzakdan hosil boʻlgan.

**Xusrav.** Shoh, tojdor, podshoh soʻzlariga sinonim tarzida eski oʻzbek adabiy tilida keng qoʻllangan. Xususan, badiiy adabiyotda *xusrav* podshoh soʻziga sinonim tarzda hamda Eron podshohi *Xusrav Parviz kabi hukmdor*, *badavlat shoh* maʼnosida qoʻllangan. Eski oʻzbek adabiy tiliga fors tili orqali kirib kelgan oʻzlashma soʻz. Navoiy asarlarida va Navoiydan keyingi davr turkiy adabiyotda Navoiy taʼsirida *mutakabbir*, *mol dunyoga berilgan*, *xudbin*, *ishq-muhabbatda soxta* maʼnosini ifodalagan holda qoʻllangan. Ogahiy tarixiy asarlarida *xusrav* soʻzi asosan *shoh*, *badavlat shoh* maʼnolarida qoʻllangan hamda *xusravona*, *xusravoniy*, *xusraviy* kabi soʻzlarning, *xusravi zarrinkuloh*, *xusravi anjumsipoh*, *xusravi magʻfur* kabi oʻnlab izofiy birikmalar hosil boʻlishida ishtirok etgan. Xususan, “Firdavsu-l-iqbol”da oʻqiyimiz:

*Shohi qaviy toelʼu feruzbaxt,*

*Xusravi laʼlafsaru feruztaxt* [17, 52.].

Soʻzning asosi “Avesto”dagi *hu\_sravah* – *mashhur nom*, *shuhrat* soʻzi bilan bogʻlanadi. Pahlaviyda bu soʻz *husrûv*, sanskritda *súshravas*, pozandda *xosrau* shaklida qoʻllangan. Muarrab shakli *Kisro* [25, 748.]. Ushbu nom haqida Abu Abdulloh Xorazmiy alohida toʻxtalib, *husravning* arabilashgan shakli (muarrab) *kisro* ekanligini aytadi [24, 77.]. Qolaversa, paygʻambarimiz (s.a.v.) oʻz nubuvvati avvalida Eron shohi Kisroga maktub yoʻllagan deyiladi. Keyinchalik fors tilida ham, eski oʻzbek tilida ham bu soʻz *Eron shohi* maʼnosidan *yakka hukmdor*, *davlati bepoyon shoh* tushunchasini ifodalashga xoslangan. Ogahiy tarixiy asarlarida qoʻllangan *xusrav* podshoh soʻziga sinonim tarzda qoʻllansa-da, bu soʻzda *taʼzim*, *ulugʻlash*, *kuchli madh etish* maʼno ottenkalari mavjud [12, 36]. Chunonchi, “Riyozu-d-davla”da oʻqiyimiz:

*Dedilarkim: “Ey xusravi komron,*

*Na amr aylasang jonimizgʻa ravon”* [7, 54.].

**Sulton.** Eski oʻzbek tiliga arab tili orqali kirib kelgan oʻzlashma soʻz. Muarrab. Arabiy siniq koʻpligi *salotin*. Demak, ushbu soʻzni arab tili qonun-qoidalariga boʻysundirilgan muarrablar qatorida sanashimiz mumkin. Oliy hukmdor, podshoh, musulmon davlatlarida amir, xon, shohlar unvoni. Koʻchma maʼnoda oʻzgalar ichida eng oldingisi, sarasi, shohi [15, 585.]. Ushbu soʻz hozirgi oʻzbek adabiy tilida asosan arab mamlakatlari boshqaruvchisi maʼnosida qoʻllanmoqda: xususan Ummon sultoni, Maskat sultoni, Bruney sultoni kabi. Eski oʻzbek adabiy tilida juda faol qoʻllangan. Chunki X asrda musulmon mamlakatlari boshqaruvchisi *sulton* deyilgan. Keyinchalik saljuqiylar hukmdorlardan boshlab arab xalifaligidan mustaqil davlatlar hukmdorlari ushbu unvonni olgan. Moʻgʻul imperiyasi inqirozidan soʻng podshohlik qilmagan chingiziylar *sulton* deb yuritilgan [23, 54.]. Xususan, Ogahiy tarixiy asarlarida *sulton* quyidagi maʼnolarda istifoda etilgan:

1) Muayyan istilohiy mazmun – oʻzini chingiziylardan hisoblovchi koʻchmanchi xonlar maʼnosida: “*chingziya xonadonining podshohi pafeʼul-makoni shavkatu izzatnishop sulton Temurxon...*” [7, 48.].

2) Xon soʻzining maʼnodoshi sifatida: “*Ul hazratning valodati lozimu-sh-sharofati jaddi buzurgvori sultoni firdavsmakon Muhammad Rahim Bahodirxonning...*” [6, 38.].

3) Valiahdga nisbatan ham qoʻllanish holatlari kuzatiladi [12, 38.]:

*Shahzodai Rahmonquli sulton*

*Nomi maymuni oʻst dar xotam* [6, 61.].

*Sulton* soʻzi arab tiliga efiop tilidagi **سلطان** – *kuchli boʻlmoq* [11, 39.] soʻzi orqali kirib kelgan. **سلط** – *kuchli*, *qattiq boʻlmoq* feʼli islomdan oldingi arab sheʼriyatida koʻp uchraydi. Lekin Qurʼoni Karimda *sulton* tez-tez qoʻllanib tursa-da, bu maʼnoda qoʻllanmagan, deyarli barcha oʻrinlarda *hukmron* maʼnosida kelgan. Efiop tilidan shimoliy semit tillariga oʻzlashgan ushbu soʻz keyinchalik maʼno kengayishi tufayli *hukm yuritish*, *nimanidir ustidan hukmronlik qilish* maʼnolarini kasb qilgan. Ushbu maʼnosi orqali uning negizi qaysi tilga borib taqalishi maʼlum boʻladi. Chunonchi, akkad tilida *šalātu* feʼli mavjud boʻlib, u *kuchli boʻlmoq* maʼnosini anglatadi [20, 7.].

Ibroniydagi **שָׁלַט** – *yetakchilik qilmoq*, *nimanidir xoʻjayini boʻlmoq*, oromiydagi **שָׁלַט**, suryoniydagi **שָׁלַט** – *nimagadir egalik qilmoq* feʼllari ham akkad tilidagi *šalātu* feʼli bilan bogʻlanishi shubhasiz. Ushbu soʻz oromiy tili orqali efiop tiliga kirib borgan.

**Xadiv (xadev).** Ushbu oʻzlashma eski oʻzbek adabiy tiliga fors tilidan oʻzlashgan va dastlab *yakka*, *yagona*, *sohib*, *ega* kabi maʼnolarni ifodalagan. Keyinchalik ushbu soʻz ham podshoh soʻziga sinonim holatda qoʻllana boshlangan. Ogahiy tarixiy asarlarida nofaol tarzda qoʻllangan: *Muhammadjon ibn Mavlomberdi uydachikim*, *bagʻoyat daler va mutahhvir yigit erdi va faqirgʻa qarobat va qaynotaligʻ nisbati bor erdi*, *hazrat xadivi komkorning farmoni qazojarayoni bila baʼzi dilovarlarni otashandozligʻgʻa targʻibu tahrir qilur erdi* [17, 300.].



**Voliy (voli).** Hokim, hokimiyat vakili ma'nosini anglatuvchi ushbu so'z eski o'zbek tiliga arab tilidan o'zlashgan. Arab tilidagi وَلى (valiyya) fe'lining *egalik qilmoq* ma'nosi asosida hosil qilingan ism. Eski o'zbek tilida *viloyat hukmdori* yoki *podshoh* so'ziga sinonim holda qo'llangan. Ogahiy tarixiy asarlarida asosan podshoh so'ziga ma'nodosh holda qo'llangan: *Qutlug' Murodxon vafotining ifhomi va ba'zi badi' voqealar vuqu'i payg'omig'a mush'ir muhabbatnoma topshurub, Xo'qand diyorining voliyi voloshoni Xudoyorxong'a irsol qildi* [9, 49.].

**Shahriyor.** Eski o'zbek adabiy tiliga fors tilidan o'zlashgan. Mumtoz adabiyot namunalari asosan podshoh so'ziga sinonim holda qo'llangan. Ogahiy tarixiy asarlarida ham podshoh, ulug' xoqon ma'nosida istifoda etilgan: *Hazrati shahriyori karamshorning iltifoti shohonasi oning inisi Bobo Udaychining holig'a shomil bo'lib, biylik mansabi bila agroni ashbohi orasida sarafrozlig' topdi* [8, 80.].

**Xalifa خليفه .** O'rinbosar, noib. Hozirgi o'zbek adabiy tilida ushbu so'zning quyidagi ma'nolari mavjud: 1) musulmonlar jamoasi va musulmon davlatining diniy, ayni bir paytda dunyoviy boshlig'i; ruhoniy hukmdor; payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.)ning vorisi, Allohning yerdagi noibi; 2) Buxoro xonligida: shariat aqidalarining bajarilishini tekshirib turuvchi mansabdor shaxs [15, 39.]. Ogahiy tarixiy asarlarida ushbu so'z a) Allohning yerdagi noibi ma'nosida: *Hakimekim, hikmati komilasi bila maloyikayi muqarrabning xalifayi sohibizzatin ibo-u nafaronlig' jihatidin* [7, 17.]; b) mamlakat, imperiya boshqaruvchisi, hukmdori ma'nosida: *... ittifoq bila mashvarad qilib, andoq maslahat ko'rdilarkim, bir kishini saforati rasmiy bila yiborib, Xorazm podshohi va Rum xalifasidin madad va ko'mak tilagaylar* [10, 38-39.]; c) shariat hukmlariga qat'iy rioya qiluvchi hukmdor (xon ta'rifida) ma'nosida: *...xalifatu-z-zamon, sultoni sohibqiron al-muayad, bi inoyat al-malik al-mannon Abu-l-muzaffar va-l-mansur Muhammad Rahim Bahodirxon...*[17, 195.] d) xon tomonidan maxsus topshiriq olgan vakil, elchi ma'nosida: *Va hamul kun qadimiy xizmatkorlardan ixlosnison Mirzoxon xalifani Hirot viloyatining voliyi voloshoni shoh Komrong'akim...*[6, 66-67.]; e) yordamchi ma'nosida: *Abdurrahmon eshonkim, hazrati shayxu-l-islomi shahidning xalifa va noyibi manobi erdi* [7, 149.] qo'llanishini kuzatdik. Ushbu so'z eski o'zbek tiliga arab tilidan o'zlashgan o'zlashma. Arab tilida ushbu so'z *kimningdir orqasida bo'lmoq, kimningdir izidan yurmoq, ergashmoq* ma'nosidagi خالف uch o'zakli fe'li asosida hosil qilingan. Biz ushbu o'zak asosida hosil qilingan so'zlarni Qur'oni Karimda, islomgacha bo'lgan arab she'riyatida ham uchratishimiz mumkin. Xususan, ushbu o'zak asosida hosil qilingan *xalifa* Qur'oni Karimning bir necha o'rinlarida *Allohning yerdagi noibi* (Odam a.s. haqida) ma'nosida tilga olingan. Ushbu o'zak semit tilida *háylaf (yählōf)* shaklida, qadimiy arab toshbitiklarida *hēlf* shaklida *izidan kelmoq, kimning ortidan joy olmoq* ma'nosini ifodalagan holda qo'llangan. *hōlaf* esa *kimdandir so'ng kelmoq* ma'nosini ifodalagan holda qadimiy arab bitiklarida istifoda etilgan. Ibroniya *hālāf* [3, 439-440.] – *ergashmoq, kechroq yurmoq* ma'nosida qo'llanadi. Efiosemitda *halafa (yählāf)* – *yo'lni bo'shatmoq, chetga chiqmoq, tigreda halfa*, harsusiyda *huluf*, argobbada *hallāfā* – *yo'l bermoq* ma'nosida qo'llanadi. Ushbu so'zlarni biz akkad tilidagi *halāp-u* – *ichkariga siljimoq* [18, 35.] asosi bilan bog'lashimiz mumkin. Finikiydagi *hlp* – *yo'lga tushib ketmoq, kimnidir izidan tushmoq* [19, 165.], oromiydagi *halap* – *yonidan o'tmoq, o'rini egallamoq, suryoniydagi hēlap* – *o'zgartirmoq, aralashtirmoq* so'zlarini ham akkad tilidagi ayni o'zak bilan bog'lashimiz mumkin [4, 260.].

Yuqoridagi tahlillardan xulosa qilish mumkinki, Ogahiy tarixiy asarlarida mutlaq hukmdor ma'nosini anglatuvchi ko'plab o'zlashmalar uchraydi. Ularning qo'llanishida muarrixning xos (individual) uslubi alohida ko'zga tashlanadi. Bu ijodkorning tarixnavislik an'analari chuqur ehtirom bilan yondashib, ushbu an'analarni izchil davom ettirishga bo'lgan intilishida, ayni damda, zamona talabi bilan o'z tarixiy asarlariga yangiliklarni ham olib kirishga chanqoqligida ayniqsa yaqqol seziladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Bartholomae Chr. Altiranisches Werterbuch. Strassburg, 1904 (repr.: Berlin-NewYork, 1979). –P. 553.
2. Ismoil Mirpanjiy. Asirlikdagi xotiralar. Fors tilidan N.Hasanov tarjimai. Urganch. Xorazm. 1997.
3. Johnston T.M. Mehri Lexicon. London, 1987. –P. 439-440.
4. Leslau W. Comparative Dictionary of Ge'ez. Weisbaden, 1987. –P. 260.
5. Muhammad Alixon G'ofur. Xiva safari. Fors tilidan I.Bekchon tarjimai. Toshkent. Xalq merosi. 2005.
6. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. III jild. Zubtatu-t-tavorix. Nashrga tayyorlovchi va izohlar muallifi N.Jabborov. Toshkent: 2019. – B. 35-36.
7. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozu-d-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboyev. Toshkent: 2020. – B. 17.
8. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. V jild. Jome'u-l-voqeoti sultoni. Nashrga tayyorlovchi I.Ismoilov. Toshkent: 2021. – B. 80.
9. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. VI jild. Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchi A.O'rozboyev. Toshkent: 2019. – B. 49.
10. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. VII jild. Shohidu-l-iqbol. Nashrga tayyorlovchi N.Shodmonov. Toshkent: 2019. – B. 38-39.
11. Nöldeke Th. Neue Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft. Strassburg, 1910. –P. 39.
12. O'razboyev A. Ogahiy tarixiy asarlari leksikasi. Filologiya fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. T.: 2018.
13. O'zbek tilining izohli lug'ati. II tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 204.
14. O'zbek tilining izohli lug'ati. III tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2006. –B. 218.
15. O'zbek tilining izohli lug'ati. IV tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. –B. 585.
16. O'zbek tilining izohli lug'ati. V tom. –T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2008. –B. 599.
17. Shermuhammad Avazbiy mirob o'g'li Munis, Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy. Asarlar. II jild. 1-kitob. Firdavsul-iqbol. Nashrga tayyorlovchi I.Bekchonov, N.Polvonov. Toshkent: 2019. – B. 300.

18. The Assyrian Dictionary of the Oriental Institute of the University of Chicago. Chicago, 1956. –P. 35.
19. Zammit M.R. Comparative Lexical Study of Qur'anic Arabic. Leiden – Boston – Köln, Brill, 2002. –P. 165.
20. Zimmern H. Akkadische Fremdwörter als Beweis für babylonischen Kultureinfluss. Leipzig, 1917. –P. 7.
21. Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.63-71.
22. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. Исследование документов с введением, с предисловием. И.Ю.Крачковского. – Л., 1940.
23. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 54.
24. أبو عبدالله محمد احمد بن يوسف خوارزمي. مفاتيح العلوم. الناشر كمال الدين الادهمي. مصر. 1349. ص. 77.
25. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. 1386. در جلد دوم. ص. 748.

UO'K 811.131.1

## VIRTUAL KOMMUNIKATIV MUHITDA ITALYAN ISMLARINING LEKSIK VA SEMANTIKA TABIATI

*Sh. Mustafayev, magistrant, Samarqand davlat chet tillari instituti, Samarqand*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada, italyan tili misolida, virtual lisoniy shaxs virtual kommunikativ muhitda qo'llaydigan taxalluslarning (niklar) asosiy turlari ko'rib chiqiladi. Tahlillar asosida virtual taxalluslarning leksik va semantik tabiati hamda xususiyatlari ochib beriladi.

**Kalit so'zlar:** virtual kommunikativ muhit, virtual lisoniy shaxs, virtual taxallus, italyan tilida niklar, niklar, onomastika, virtual kommunikativ muhit, karnavalizatsiya

**Аннотация.** В статье рассматриваются основные типы псевдонимов (виртуальных ников), которые виртуальный лингвист использует в виртуальной коммуникативной среде, на примере итальянского языка. На основе анализа выявлена лексико-семантическая природа и особенности виртуальных ников.

**Ключевые слова:** виртуальная коммуникативная среда, виртуальная языковая личность, виртуальный псевдоним, ники на итальянском языке, ники, ономастика, виртуальный коммуникатив, карнавализация

**Abstract.** The article discusses the main types of aliases (virtual nicknames) that a virtual linguist uses in a virtual communication environment, using the example of the Italian language. On the basis of the analysis, the lexical and semantic nature and features of virtual nicknames are revealed.

**Keywords:** virtual communication environment, virtual linguistic personality, virtual pseudonym, nicknames in italian, nicknames, onomastics, virtual communicant, carnivalization

Virtual olamda inson, voqelikdan farqli ravishda kommunikatsiya qilmasdan o'zini ovoza qilolmaydi, tanitolmaydi, shu sababli ham virtual makonda lisoniy shaxsning o'zini tanishtirishning asosiy vositasi bu uning kommunikativ xulq-atvordir. Faqatgina muloqot qilish orqaligina virtual shaxs boshqa foydalanuvchilar tomonidan tan olinadi va baholanadi. Kommunikatsiya jarayonida o'zini yanada namoyon qilish uchun, ya'ni "ochilish" uchun virtual muloqot qatnashchilari o'zlariga boshqa kommunikativ jarayon qatnashchilarini qarata bilishlari kerak, boshqacha qilib aytganda o'zlarini "reklama" qilishlari kerak. Bu maqsadga erishish vositalari esa: 1) nik yoki foydalanuvchi ismi; 2) avatar, ya'ni foydalanuvchining ma'lum sahifa, forumdagi surati; 3) imzo, ya'ni foydalanuvchi tomonidan yoziladigan o'zi haqidagi qisqa ma'lumot. Nik – bu virtual makonda lisoniy shaxs tomonidan karnavallik yaratish, ya'ni yuziga niqob taqib kommunikatsiyaga kirishish vositasidir. Ushbu bo'limda italyan niklarining o'ziga xos xususiyatlarini va o'z-o'zini tanishtirish vositasi sifatida ko'rib chiqamiz.

Ismlarni o'rganish onomastika sohasi doirasiga kiradi. Taxallus kategoriyasini o'rganish bo'yicha Vinogradov, Dmitreyev, Masanov, Suslova, Ungebaun kabi olimlar tadqiqot olib borishgan. Taxallu adabiyotshunoslikda o'rganilib to'qib chiqarilgan nom degan ma'noni beradi. N.V. Podolskaya taxallu deganda "insonning ijtimoiy hayotida uning haqiqiy ismi bilan birga yoki alohida mavjud bo'lgan o'ylab chiqarilgan ism"ni tushunadi [1, B.40-53].

Ma'lumki, hozirda o'ylab chiqarilgan ism ma'nosini beruvchi taxallus, laqab, nik so'zlari mavjud. O'zbek tilining izohli lug'atida ularga quyidagicha izoh beriladi: 1. Taxallus — Biror ijodkor (shoir, yozuvchi, rassom, olim va sh.k.) yoki siyosiy arbobning o'zi uchun tanlab olgan boshqa, ikkinchi nomi; 2. Laqab — Biror xususiyatiga ko'ra, kishiga hazil qilib yoki masxaralab berilgan qo'shimcha nom; shuningdek, ma'lum maqsadda o'zgartirib olingan nom [2]. Izohli lug'atga hozirda deyarli baynalmilal so'zga aylangan **nik** so'zi kiritilmagan. Italyan onlayn lug'atida nikga quyidagicha izoh berilgan: "Nome abbreviato (o di fantasia), col quale un utente si collega a determinati servizi Internet" (foydalanuvchi ma'lum internet xizmatlariga ulanishi mumkin bo'lgan qisqartma (yoki to'qima) nom) [3]. Bundan kelib chiqadiki, umumiy ma'no beruvchi yuqorida keltirilgan so'zlar bir-biridan ajralib turadi.

Tushunarliki, hozirgi vaqtda internet foydalanuvchilarining virtual makonda o'zini tanishtirish vositasi – internet-nom kerak. Ushbu nomlarni ifodalash uchun hozirda turli so'zlar ishlatiladi: nik, veb-nom, internet-nom, tarmoq nomi, virtual nik va b. Niklar hozirda to'liq o'rganilmagan, shu sababli ham hozirda niklarning lingvistik o'ziga xos xususiyatlari va tabiati ustidagi tadqiqotlar olib borilmoqda (Belinskaya, Yaskina, Klerk, Chabanenko). K. Klerk tomonidan olib borilgan tadqiqotga ko'ra foydalanuvchilar yangi internet nomining yorqin va esda qolarli bo'lishi uchun affiksalar kombinatsiyasini, orfografik xatolarni qisqartmalarni, raqam va turli belgilarni qo'llashgan.

N. Asmus niklarni tahallus kategoriyasiga kiritadi, chunki nik “virtual jamiyatda muloqot qilish uchun kommunikant tomonidan to’qib chiqariladigan yoki mavjud nomlardan (“yulduz”lar ismlari, ertak qahramonlari, mashhur shaxlar) tanlab olinadigan to’qima asosiy bo’lmagan ismdir [4]. Har bir nik, har bir taxallus kabi inson tomonidan u yoki bu maqsadda tanlanadi. Shu o’rinda biz D. Kristall fikriga qo’shilamiz, ya’ni “kop’chilik insonlar haqiqiy ismidan farqli bo’lgan nomlarni ma’lum maqsad uchun, ehtimol, qandaydir obrazni yetkazish, ba’zi bir yoqimsiz assotsiatsiyalardan qochish, o’zligini yanada esda qolarli qilish, shaxsini yashirish yoki shunchaki, ismini talaffuzda yanada osonroq va jarangliroq qilish uchun qabul qiladilar [5]. V. Dmitriyevaning tavsifi bo’yicha nik “yozuvda haqiqiy ismning o’rnida qo’llaniluvchi to’qilgan yoki o’zgartirilgan ism va familiyalar uchun umumiy nom” [6].

Muallif virtual jamoaga qanday ko’rinishi lozimligi o’zi hal qiladi va tanlagan rakursidan o’zini tanitadi. Nik tanlash bu foydalanuvchining muloqot oldi ruhiy holati, kelajakka umidi yoki xohishlari natijasi bo’lishi mumkin. Tanlangan nik shunchaki xomxayol mahsuli bo’lishi mumkin. Misol uchun, “**orasta qiz**” voqelikda kekxa odam bo’lishi mumkin.

Niklarni leksik va semantik tabiatini tadqiq etish uchun ijtimoiy tarmoqlar (facebook), veb-forumlar (www.valenciaforum.it, www.entomologiitaliani.net, forum.astrofili.org, linguistica.forumfree.it), veb-chatlar (chatt-gratis.net, italia-chat) doirasidagi 350 ga yaqin niklar olindi. Tahlil davomida niklarni tematik belgisiga ko’ra quyidagi guruhlariga bo’lib chiqdik: 1) atoqli otlarni bildiruvchi 2) inson ruhiy holatini bildiruvchi 3) inson xarakterini bildiruvchi 4) kasbiy faoliyatni bildiruvchi 5) inson qiziqishlari, xohishlarini bildiruvchi 6) flora va fauna 7) oilaviy ahvolini bildiruvchi 8) yosh bildiruvchi 9) geografik nomlar 10) jinsni bildiruvchi 11) inson tashqi ko’rinishini bildiruvchi 12) xomxayol mahsuli 13) anonim niklar.

**1. Atoqli otlarni bildiruvchi** niklar foydalanuvchilar orasida eng keng tarqalgan niklar turkumiga kiradi. Virtual dunyoda o’z nomida foydalanuvchi lisoniy shaxslar o’z “men”iga sodiq yoki virtuallikda o’zgacha bo’lishni xohlamasligi natijasidir. Kelib chiqishiga ko’ra atoqli otlar ikki guruhga bo’linadi: asl italyan ismlari va chet el ismlari. Birinchi guruhdagi niklar to’liq holatda (*Cinzia Borsani, Cristina Bessone, Pietro Porcella, Lega Salvini Agostino, Mara Proietti, Anna Violante, Claudio Sannicola, Francesca Gennaro, Sabrina Lopetuso, Roberto Unniemi, Fabio de Luca*) yoki faqat ism ko’rsatilgan holatda (*Cinzia, Andrea, Alberto, Mimma, Maria, Gianpiro, Angelo*) uchrashi mumkin. Chet el ismlari (*Charly Braun, Andrew Boll, Sam Labo*) asosan faqat ism ko’rsatilgan holatda (*Bob, Sam, Joe, Elisa*) uchraydi.

**2. Inson ruhiy holatini bildiruvchi** niklar virtual lisoniy shaxsning muloqot oldi ruhiy holati yoki doimiy ruhiy holatini ifodalashi mumkin. Misol uchun, italyan foydalanuvchilari orasida quyidagi niklar uchrab turadi: *meravigliosagiornata, soledinverno, sempresole, sadMM, contentissimo*.

Foydalanuvchining nik tanlashi ruhiy holatining turli faktorlar asosida o’zgarishi bilan bog’liqdir, ammo bu kabi niklar faqat personal ma’lumot (ism, kelib chiqish, yosh, jins, kasb) tashuvchi niklarga qaraganda anchayin qiziqarli.

**3. Inson xarakterini bildiruvchi** niklarga misollar: *creativo, DolceRagazza, dolceserio55enne, donna fedele, DolceIntrigo, fissato, ossessionato\_1, cattivo51, piccanteEcarino, sonoirresistibile, Allegra2\_21, angelotriste*. Ushbu nimlar foydalanuvchi shaxsini ko’rsatib, uning xarakteriga urg’u beradi va ba’zida boshqa ma’lumotlar bilan birga (yosh yoki jins) keladi. Navbatdagi misollarda tashqi ko’rinish va xarakter uyg’unlashgan holda kelgan: *bellasenzanima, brutto-ma-buono, BelAnreoSincero*. Ushbu guruh niklari tashqi ko’rinishni emas, balki shaxs qadrini ajratib ko’rsatadi (*brutto-ma-buono*), shu uchun ham virtual olamda boshqa odamlarni muloqotga chorlashga undaydi.

**4. Kasbiy faoliyatni bildiruvchi** niklar qatoriga kasb, mansab, ilmiy xohishlar, ijtimoiy darajasi nomlarini kiritishimiz mumkin. Misollar:

*ANESTESISTA, Babysitter{EwLy}, mamma, future\_mamma, CHIRURGOplasticonasale, dottore\_internauta, Dottoressa21, Educatore\_severo, il fotografo, poliziotto, pompiere, infermiere1, Medico, militare137, psicologo\_424, Studente206, Studentessa, professore25anni, professoressa48, professore57\_Pa, CarabinieriFlorentino, AvvSposata*.

Yuqoridagi misollarda foydalanuvchi nima kasb bilan shug’ullanishi yoki ijtimoiy vazifasini ko’rishimiz mumkin (*studente206, mamma, future\_mamma*). Ba’zilar niklar orasiga yoshini (*professore25anni*), yashash joyini (Pa=Palermo) yoki oilaviy ahvolini (*AvvSposata*) kiritishiga ham guvoh bo’ldik. Tabiiyki, biz bu ma’lumotlarni to’g’riligini aniqlay olmaymiz, biroq ushbu niklar shunchaki o’ylab topilmagan. Bu bilan foydalanuvchi o’ziga mos kommunikant topishni niyat qilgan bo’lishi mumkin.

**5. Inson qiziqishlari, xohishlarini bildiruvchi** niklar shaxsning xobbilari, qiziqishlari, istaklariga ishora qiladi. Misol uchun, *Li, Teatrale, mad about Gozzy*. Teatrale niki lisoniy shaxsning teatrga qiziqishiga ishorat qilmoqda. Mad about Gozzy nomi kommunikantning Karlo Gotsi shinavandasiligidan dalolat. Li nomi ostidagi foydalanuvchi esa xitoy falsafasiga mukkasidan ketgan. Quyidagi niklar ham qiziqarli: *cercodonnasarda, cerco\_f\_x\_chat MATUROxSTUDENTESSA, RagazzoSerio47\_x RagazzaSeria25, riservataXuomoRISERVATO*. Yuqoridagi nomlarning ilk 2 tasi foydalanuvchining qiziqishini bildiradi, qolgan niklar esa ikki kishi haqida ma’lumot beradi: qidirayotgan va qidirilayotgan haqida. Bu kabi niklar ko’pincha romantikaga bag’ishlangan chatlarda tez-tez uchrab turadi.

**6. Flora va fauna** guruhidagi niklar insonni biron bir flora va fauna vakilining sifatleri sohibi sifatida tanishtiradi. Ushbu guruhni quyidagi bo’limlarga bo’lishimiz mumkin:

- a) Zoonim: *spinosso-222 (tipratikan), volpe\* (tulki), scimmia\_1966 (maymun), lep\_re (quyon)*;



- b) Ixtionim (baliqlar): *luccio-28 (cho'rtan), carpa.1\_1 (karp), acerinaaaa*;  
 c) Ornitonim (qushlar): *Passero-39 (chumchuq), usignolo (bulbul), struzzo\_54 (tuyaqush)*;  
 d) Fitonim (o'simliklar): *soffione-2014 (momoqaymoq), \*\*camo\*milla\*\* (moychechak), gelsomino (jasmin)*.

Hayvonlar nomlariga qatnashchilar turli belgilarni qo'shishadi (\*\*camo\*milla\*). Ba'zi nomlar esa qisqartiriladi yoki boshqacha tarzda yoziladi (Scorpi, acerinaaaa).

**7. Oilaviy ahvolini bildiruvchi** niklar guruhiga foydalanuvchining oilaviy yoki ijtimoiy holatini ifodalovchi niklar kiradi: *\_Sposato\_38, DottSposato, adultosposato, angelina36annisinglepadova, Ragazzafidanzata, marito\_becco, fantasie-di-un-marito-2, Free-Girl, CarinoSolo, fra\_un\_mese\_mi\_sposo\_f, vedova, vedova-cerca-amante* va b.

Bu, ehtimol, foydalanuvchilar o'z niklari (taxallus) orqali o'z niyatlarini oshkor qilmoqchi bo'lgan holatlardir: balki ular yaqin munosabatlarni o'rnatish uchun boshqa odamni qidirmoqdalar, yoki aytaylik, ular ishqiy munosabatlarni o'rnatish uchun sherik izlamay, balki shunchaki do'stlashishni yoki shunchaki suhbatlashishni xohlaydilar.

**8. Yosh bildiruvchi** niklar dunyo foydalanuvchilari orasida u qadar ko'p uchramaydi. Ushbu turdagi nomlar foydalanuvchi ismiga sonlar orqali yoshi yoki tug'ulgan yilini kiritishadi (*Angelo88*), yoki faqat sonlarni yozishadi (*i1993*), yoki yosh bildiruvchi otlarni qo'llashadi (*nonno*). Bu orqali foydalanuvchilar o'z yoshini bildirishdan ko'ra boshqa virtual kommunikantlarning ularga tegishli ravishda murojaat qilishlarini ta'kidlaydilar yoki o'z tengqurlarini izlaydilar. Ko'p italyan virtual lisoniy shaxslari chat, forumlarga kirganda o'z ismiga yosh bildiruvchi so'z yo sonlarni qo'shishadi: *Alessandra22, Uomo65, uomo70enne, Ragazza25, Ragazzo92, Sara94, sonia88\_, grandenonno, mister1973, fanciula18* va b.

Bu kabi niklar son-sanoqsiz va ularni to'qib chiqarish oson. Ismlarga qo'shilgan sonlarning aynan o'sha foydalanuvchining yoshini bildirishi noma'lum, ya'ni sonlar boshqa ma'nolarni ham bildirishi mumkin, biroq aksariyat hollarda sonlar yoshga sha'ma qiladi.

**9. Georafik nomlar.** Italyanlar yashash joylariga bog'lanib qolganlar, ularda mahalliy vatanparvarlik juda kuchli, shu sababli ham niklar orasida virtual kommunikantning tug'ulib o'sgan viloyati (asosan bosh harflari) yoki shahri ko'rsatilganlari tez uchraydi: *MARCHIGIANO83, AntonioNA, GentiluomoTO, gigi\_rm, r@gazzaveneta, Ragazzo\_Viterbo, alessandrofirenze, ScaccoMatto\_Roma, Luca-ferrara, roma-girl, LaMilanese, Carinopugliese*. Tez-tez kelib chiqish joyi va yoshini umumlashtirgan niklar ham uchrab turadi: *AzzurroPZ34, uomo50anniGenova, xcristian80xnapoli, Milano39\_, Toscana0037, Diego33MO*. Geografik nomlar ko'p hollarda butun Italiyani qamrab oladigan chatlar, ijtimoiy tarmoqlar va forumlarda uchraydi.

**10. Jinsni bildiruvchi** niklar ko'p emas. Tahlil davomida bir-nechta jinsni bildiruvchi niklar aniqlandi: *Darkmoon\_F, Mfuorimisura, fra\_un\_anno\_mi\_sposo\_f, NaturistaM, okkicelesti-f, m\_80enne, M33\_Solo, dolce\_f*. Nazarimizda jins bildiruvchi qo'shimchalar ko'pincha gender jihatdan bir ajratib bo'lmaydigan so'zlariga qo'shiladi. Misol uchun, *fra\_un\_anno\_mi\_sposo\_f* taxallusini ko'rib chiqamiz: bu yerda "bir yil ichida turmush quraman" ma'nosini beruvchi so'zga "ayol" ma'nosini bildirgan "f" harfi qo'shilgan. Agar ushbu harf qo'llanmaganda edi, kommunikantning jinsini aniqlashning imkoni bo'lmagan bo'lardi. Italyan virtual kommunikantlari "qiz/o'g'il", "ayol/erkak" kabi so'zlarning o'rniga jinsni bildiruvchi "M" (maschio/erkak) va "F" (femmina/ayol) harflarini qo'llashni afzal ko'rishadi. Hozirda ijtimoiy tarmoqlarda noan'anaviy jins vakillarini bildiruvchi taxalluslar ham uchrab turmoqda (*Alex\_trans*).

**11. Inson tashqi ko'rinishini bildiruvchi** bildiruvchi niklarga quyidagi niklarni kiritishimiz mumkin: *carinomilano, biondo, ciccino, Ragazzabella, Ragazzo\_palestratocarino, sguardoblu, Bruno45, BELLOCCIO, Bel-20enne-Moro, okkicelesti, UomoElegante, VECCHIAeallora, Ffuorimisura*. Ushbu niklarni ko'z rangini bildiruvchi (*sguardoblu, okkicelesti*), soch rangini bildiruvchi (*biondo, Bruno45, Bel-20enne-Moro*) va umumiy ko'rinishini bildiruvchi (*Ffuorimisura, uomoElegante, ciccino*) niklar guruhchalariga ajratsak bo'ladi.

**12. Xomxayol mahsuli** bo'lgan niklar kommunikantning voqelikda amalga oshirolmaydiga istaklarini yoki u tomonidan to'qib chiqarilgan xayolot mahsulini ifodalaydi. Psixologlarning fikricha shu guruhga kiruvchi niklarda foydalanuvchilarning ro'yobga chiqmagan-chiqmaydigan istaklari namoyon bo'ladi. Virtual reallik esa kommunikantga o'sha niyatlarini amalga oshirishga yordam beradi. Inson xomxayoli virtual reallikda boshqalardan ajralib turishiga yordam beradi: *L'OscuroOsservatore, LaStrega, VoceDelDestino, ladrodistelle87, The first, Diablo, Federico-rich, presidente, LaPrincipessa, diavoladallinferno, jove-86, coronate-95, cont\_e, Nero, cuoredipetra*. Ushbu niklar boshqa kommunikantlarning hayratiga, qiziqishiga va muloqot qilish istagini paydo qiladi.

**13. Anonim niklar.** Ushbu guruhga biz egasining anonimligini, noma'lumligini, sirliligini ko'rsatuvchi niklarni kiritishimiz mumkin: *., Uno, qualcuno, \*straniero\*, missSconosciuta, --incognito--, Signore X, nonimportante\_05, From Nowhere*. Anonim niklar xilma-xil usullar yordamida (belgilar, harflar kombinatsiyasi, piktogrammalar) yasalishi mumkin. Bu guruhga mansub niklar orqali virtual lisoniy shaxslar o'zgalarga shaxsiy muloqotni xohlashmasligini bildirishi mumkin. Boshqa tomondan esa yuqoridagi niklar foydalanuvchining sirliligini ifodalab boshqalar e'tiborini tortishga yordam beradi.

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, Nik – tarmoqda aniqlanishi uchun to'qib chiqarilgan yoki shartli nom. Foydalanuvchi tomonidan chatlarda, ijtimoiy tarmoqlarda va shu kabi resurslarda o'zini tanishtirish yoki muloqot qilish uchun yaratiladigan belgilarning badiiy obrazi. Ism virtual kommunikantning nutqiy xulq-atvorining tarkibiy qismidir va virtual lisoniy shaxsning "niqob"ini yaratishga yordam beradi. Virtual niklarningleksik va semantik



tahlili anchagina qiyin, negaki ularning haqiqiy ma'nosini o'sha taxallus egasisiz bilish imkonsizdir. Biz yuqorida keltirgan nik guruhlaridan tashqari virtual makonda ulardan ham o'zgacha nik guruhlari mavjud. Misol uchun, hozirda ko'plab foydalanuvchilar qisqartirilgan, tarkibida yumoristik ma'noga ega, xatolik asosida qilingan, ishqiy mavzudagi, millat nomini beruvchi, taxallus, o'zini kamsituvchi, metaforik, avtoreklama va boshqa niklarni qo'llashmoqda. Bizningcha virtual makondagi ismlar muammosi hali izchil tadqiqotlarga muhtoj.

Tadqiqot ishimizdan chiqargan xulosalarimiz quyidagilar:

1. Nik – tarmoqda aniqlanishi uchun to'qib chiqarilgan yoki shartli nom
2. Nik so'zi "taxallus" so'zidan ma'noviy jihatdan farqlanadi.
3. Virtual ismlarning avtonominativ, kommunikativ, o'z o'zini namoyish etish kabi o'ziga xos xususiyatlari bor.
4. Nik virtual foydalanuvchiga virtual muhitga o'rganishga va virtual jamiyatga aralashishga yordam beradi.
5. Nik nominativ, aniqlashtiruvchi, aloqa o'rnatish va texnik funksiyalarni bajaradi.
6. Italyan virtual foydalanuvchilar orasida nik sifatida o'z ism-sharifini qo'llaydiganlar ko'p uchraydi.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Подольская Н.В. Проблемы ономастического словообразования // Вопросы языкознания. — М.: 1990. № 3. С. 40–53.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.- 680 б
3. <https://www.treccani.it/vocabolario/nickname>
4. Асмус Н.Г. Лингвистические особенности виртуального коммуникативного пространства [Текст]: автореф. дис. ... канд. филол. наук / Н.Г. Асмус. — Челябинск, 2005. — 23 с.
5. Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of the English Language. - Third edition. — N.Y.:Cambridge University Press, 2019. - 506 p.– p. 152
6. Дмитриев В. Г. Скрывшие имя свое (Из истории анонимов и псевдонимов). – М.: Наука, 1977. 313 с.
7. Тетерина М.С. Уникальная ономастическая единица- никнейм. // Инфоурок URL: <http://infourok.ru/material.html?mid=34127>
8. URL: <https://it.wikipedia.org/wiki/Nickname>
9. Соков А.А. Никоним в виртуальном дискурсе: лингвопрагматический аспект.. - М.: 2007.
10. Давыдова Н.Н. Виртуальные онимы в итальянской интернет-среде. - СПб.: 2017.
11. Aleksandra P. L'identità digitale nella società contemporanea – l'analisi sociolinguistica dei nickname usati sulle chat line italiane // The Central and Eastern European Online Library. - 2014.

UDK 659.4:81'42

### KONFLIKTLI MATNING LINGVISTIK EKSPERTIZASI

(Haqorat matnlari bo'yicha)

*K.X. Musulmonova, o'qituvchi, Samarqand davlat universiteti, Samarqand*

**Annotatsiya.** *Sud lingvistik ekspertizalarining turlari, ularni o'tkazish tartibi o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Har qanday sud lingvistik ekspertizalarida umumiy va xususiy jihatlar mavjud bo'ladi. Haqorat mazmunli konfliktli matnlar bo'yicha o'tkaziladigan lingvistik ekspertizalarda ham umumiy va xususiy jihatlar mavjud. Maqolada haqorat mazmunli matnlarda lingvistik ekspertiza o'tkazish asoslari, uning xususiy jihatlari, tarkibiy elementlari tavsiflanadi, aniq misollar asosida yoritiladi. Haqorat matnlari bo'yicha o'tkaziladigan tergov jarayonlarida lingvist-ekspert vazifasi va vakolatlari aniqlashtiriladi.*

**Kalit so'zlar:** *haqorat, obro'sizlantirish, lingvist-ekspert, kriminolingvistika, lingvistik ekspertiza, kommunikativ vaziyat, analiz, deduksiya.*

**Аннотация.** *Виды судебно-лингвистических экспертиз и порядок их проведения уникальны. Любая судебно-лингвистическая экспертиза имеет общие и частные аспекты. Лингвистическая экспертиза оскорбительных конфликтных текстов также имеет общие и специфические аспекты. В статье описаны основы лингвистической экспертизы, ее особенности, структурные элементы в оскорбительных текстах с конкретными примерами. Роль и полномочия лингвиста-эксперта будут выяснены при исследовании оскорбительных текстов.*

**Ключевые слова:** *оскорбление, клевета, лингвист-эксперт, криминолингвистика, лингвистическая экспертиза, коммуникативная ситуация, анализ, дедукция*

**Abstract.** *The types of forensic linguistic examinations and the procedure for their conduct are unique. There are general and specific aspects to any forensic linguistic examination. Linguistic examinations of insulting conflict texts also have general and specific aspects. The article describes the basics of linguistic expertise, its specific features, structural elements in insulting texts, and gives specific examples. The role and powers of a linguist-expert will be clarified during the investigation of insulting texts.*

**Key words:** *insult, defamation, linguist-expert, criminolinguistics, linguistic expertise, communicative situation, analysis, deduction*

Sud lingvistik ekspertizasi qiyosiy jihatdan 20-asrning oxirida jamiyatning so'z erkinligi va oshkoralikka ehtiyojining ortishi natijasida yuzaga kelgan sohalardan biri. Sud lingvistik ekspertizasi fuqaro shaxsiyati,

intellectual mulkiga tajovuz ko'rinishidagi turli konfliktli matnlarni tadqiqi qilishga yo'naltirilgan. Keyingi vaqtlarda kriminalistika va yurisprudensiyada ziddiyatli vaziyatlarning kuchayishi, turli tipdagi matnlar bilan ishlashga to'g'ri kelayotganligi matnning lingvistik strukturasi tahlil qilish lozimligini ko'rsatadi. Avvalo, matnning lingvistik strukturasi niqlash nima uchun kerak degan savolga oydinlik kiritib olish lozim.

Birinchi, qo'lyozma matnlarni tahlil qiluvchi muallifshunoslik ekspertlari muayyan harf grafikasida yozilgan husnixatning o'zgarish chastotasi, so'zlarning bir-biriga sintaktik jihatdan bog'lanishi kabilarni tekshirishi lozim;

Intellektual mulk ob'ektlarida plagiatlik holatlarini niqlash uchun aynanlik, o'xshashlik va farqlilik jihatlarini semantic-stilistik jihatdan asoslashda mazmun-semantik va rasmiy-lingvistik o'rganishdan iborat bo'lgan protsessual harakatlar lingvistik ekspertizani tashkil etadi. Haqorat mazmunli matnlarda lingvistik ekspertiza o'tkazish, ekspert xulosalarini berish borasida jahonda bir qator mutaxassislar tadqiqot ishlarini yaratishgan. Xususan, O.N.Ivanisheva [1.132], Leni Syafyahya, Efri Yades [2.160], I.A.Sternin, L.G.Antonova, D.L.Karpov M.V.Shamanova [3.80].

Lingvist-ekspertning vazifasi matnning texnik xususiyatlarini o'rganish emas, balki ana shu individual xususiyatlar orqali matn muallifi haqidagi ma'lumotlarni oydinlashtirish, nutqning idiolektlari asosida muallif faktlarni umumlashtirishga qaratiladi. So'zning yashirin ma'nolari, semalari matnning asl mohiyatini aniqlashtirishga yordam beradi. Birgina shior, chaqiriq va murojaatlar zaminida ekstremistik faoliyatga chorlov, siyosiy to'ntarishga urinish kabilarni yashirin bo'lishi mumkin. Umuman telefon orqali bo'lgan muloqotlar, yozishmalar, haqorat ko'rinishidagi matnlarda kommunikativ vaziyatga e'tibor qaratiladi:

Kommunikativ vaziyat tarkibiga quyidagilar kiradi.

1) Muallif;

2) Tinglovchi yoki adresant;

3) Matn mavzusi (nima deyilgan);

4) Matn yaratilgan va idrok etiladigan kod (til);

5) Matn, ya'ni til yordamida kodlangan signal;

6) Aloqaning umumiy jihatlari (Qachon? Qayerda? Qay yo'sinda? Nima maqsadda? Qanday vosita bilan va sh.k) [4.45]

Adresant manzilda ma'lum bir tasvirni dastlavval gumon qiladi, bunga e'tibor qaratib, u umumiy bilim fondidan, umumiy tasavvur bazasidan foydalanadi. Ekspert matnda ushbu bazaning qanday namoyon bo'lganligini o'rganadi. Taqqoslash, kuzatish bilan ham ayrim o'rinlarda lingvist-ekspert yakuniy xulosaga kela olmaydi. Xususan, Konstitutsiyaviy tuzumga tahdid soluvchi, milliy, etnik, irqiy, diniy adovatni qo'zg'atish mazmundagi matnlarni tekshirish paytida ushbu sohaga tegishli mutaxassislarni jalb qilish zarur bo'ladi (siyosatshunoslar, dinshunoslar). Bu xatolardan qochishga aniq qarorlar chiqarishga yordam beradi. Normativ lug'atlarda bo'lmagan maxsus so'zlarni talqin qilishda bilim va tajriba talab qilinadi. Masalan, ekstremistik ruhdagi matnlarda, shuningdek, diniy mazmundagi matnlarda uchraydigan "kofir", "farz", "vojib" singari so'zlar, ularning kontekstual ma'nosi va iqtiboslarning diniy asosi (aynan diniy manbalarda asosi mavjudmi) kabilarni oydinlashtirishda diniy-siyosiy bilimlar bilan bir qatorda lingvist-ekspertning so'z kontekstual ma'nosini aniqlashtirishi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday qilib, lingvistik ekspertizani o'tkazishda metod va usullarni tanlashda ehtiyotkorlik ham talab etiladi. Ayrim materiallar jamoaviy mualliflik asosida yoziladiki, bunda matn avtorizatsiyasi, g'oyaviy yo'nalish, haqorat darajasi kabilarning individual jihatlari abstraklashadi. Taqqoslash jarayonida har qanday material o'zaro qiyoslanmaydi. Ekspertizani amalga oshirish jarayonida taqqoslashda ikki jihatga alohida e'tibor qaratish kerak: taqqoslash jarayonida eng muhim belgilar inobatga olinishi, shuningdek, taqqoslash o'zaro umumiylik jihatlari mavjud bo'lgan materiallar ustida amalga oshirilishi lozim. Lingvistik ekspertizani amalga oshirishda eksperiment va o'lchash metodlarini samarali deb bo'lmaydi. Eksperiment tabiiy sharoitda o'rganishga mo'ljallangan ob'ektlar uchun xoslangan. Lingvistik ekspertiza uchun esa eksperiment o'tkazish uzoq jarayon.

Tahlilning analiz metodiga to'xtalamiz. Analiz metodi butunni tashkil etgan qismlar, bo'laklar, tomonlar, elementlar ularning butun tarkibidagi o'rni aniqlanadi. Analiz orqali predmet va hodisalarning tarkibi (strukturasi), tuzilishi o'rganiladi va bilinadi. Lingvistik ekspertizaning qaysi turlarida analiz muhim ahamiyat kasb etadi? Qo'lyozmalarni taqqoslash, shu jumladan, bosma nashr, imzolar va raqamlar, urushni targ'ib qiluvchi, ijtimoiy xavfsizlikka daxl qiluvchi materiallarni tahlil qilishda analiz metodidan foydalaniladi. Ba'zida ekspertlar matnning "kod" ini ochishda uni qismlarga bo'lishni yoqlamaydilar, aksincha yaxlit va tizimli tahlil qilishni ma'qul ko'rishadi. Aslida analiz ekspertizada asosiy rol o'ynovchi vositalardan biri bo'lib xizmat qiladi. Konfliktli matnning analiz qilishni qanday amalga oshirish mumkin? Hujjatning tayyorlanish texnikasiga diqqat qilish. Ya'ni yozuv quroli, siyoh, qog'oz holati, yozuv bosimi (qo'lyozma matnlarda). Bunday belgilarni alohida qismlarga bo'lib tekshirish muallif haqidagi ma'lumotlarni aniqlashtirishga yordam beradi. Haqorat mazmunidagi matnlarda mutaxassis-ekspert tomonidan quyidagi savollar yechilishi kerak :

M... N.A. tomonidan aytilgan iboralar (u "... *Eto duristika!*" ("*bema'nilik!*") va "*esli Vy, uvazhaemaya istitsa s takim privetom*" ("Agar siz juda aqlidan ozgansiz, aziz da'vogar") va uning o'ng barmog'ini burab qo'ydi ibodatxonada, shu bilan da'vogarning go'yoki aqli zaif bo'lganligini ko'rsatib, hozir bo'lganlarga nisbatan o'zining hurmatsizligini ko'rsatdi) sud ishtirokchilarini haqoratlash va hurmatsizlikmi? Sh... S.V. tomonidan aytilgan ibora "*Suka*" ("*Bitch*") K ga murojaat qilgan ... M.M. haqoratmi? Bu ibora O... M.V. "*Sobake - sobach'ya smert*", a ty zhe u nas sobaka!" ("It uchun itning o'limi it uchun va siz itsiz") O... I.V. ga murojaat qildi. Haqoratmi? D... V.M. 000-sonli "*Slushai ty, rot.*" fuqarolik ishi sud majlisida zakroi ("*Eshiting, jim turing*") va "*kozyol*" ("*eshak*") Sh...

K.L. haqoratmi? Jinoyat ishining holatlariga ko'ra, D... V.V. "Ne delai iz sebya duru!" ("Ahmoq o'ynamang"), "... Ty chto, tvar '..." ("Hey sen, kaltak") (shuningdek, u: "Dura tupaya!" ("Ahmoq kaltak!")) degan jumla bilan sud majlisida qatnashuvchilarni haqoratlagan va hurmatsizlik qilganmi?[5.218] Ushbu va shunga o'xshash holatlar bog'liqlikni tahlil qilishni talab qiladi. Lug'atlarida "duristika" (bema'nilik) so'zi yo'q. Kontekstga ko'ra, "duristika" so'zi (bema'nilik) "dur" so'zlari bilan sinonimdir (ahmoqlik), "durost" (ahmoqlik). Shunga qaramay, bu so'zni haqoratli deb hisoblashning iloji yo'qdek ko'rinadi. Binobarin, "Eto duristika!" "(bema'nilik!) haqorat emas. Ushbu va shunga o'xshash holatlar uslubiy bog'liqlikni tahlil qilishni talab qildi.[6.175] Konfliktli matnni analiz qilish quyidagi xulosalarni berishga omil bo'ladi: Nutq vaziyatidan kelib chiqqan holda nafaqat so'zning qo'llanilishi, balki unga qo'shimcha elementlarning qorishtirilishi haqorat ko'lamini belgilab beradi. Xususan, ko'rsatkich barmoqni bosh yon tomonida aylantirish, qo'l ishorasi bilan ko'rsatiluvchi turli haqoratomuz hatti-harakatlarning ishtirok etishi, orqa o'girish kabilar adresantga nisbatan haqoratni ifoda etadi. Demak, analiz orqali ana shu qo'shimcha elementlar ham diqqatdan chetda qolmaydi. Analiz orqali ajratib olingan qismlar sintez orqali birlashtiriladi. Yuqorida berilgan xulosaga muvofiq, ish dastavval konfliktli matnni analiz qilishdan boshlandi(haqorat ko'rinishidagi so'zlarni ajratish, ularni izohli lug'atlarda etimologik mohiyatini aniqlash, kontekstual vaziyat, imo-ishoralarning ishtiroki). Ajratilgan qismlar umumlashtirilgan holda haqorat deb hisoblash mumkin va mumkin bo'lmagan holatlar oydinlashtirildi. Lingvistik ekspertizani amalga oshirishda induksiya va deduksiya ham muhim ahamiyat kasb etadi. Faktlarni aniqlash va tahlil qilishi jarayonida faktlar umumlashtiriladi va xususiy xulosalar chiqariladi.

Ijtimoiy tarmoqlarda haqorat elementlari qo'llangan turli toifa kishilari nutqidan namunalarni ko'rish mumkin. Shunday nutqlarda ishtirok etgan, haqorat mazmunidagi so'zlarni aniqlashtirib olamiz: *neptizm (aslida nepotizm), kazyol, ongi past, terpit*. Nutq vaziyati, ob'ekti, soz'ning kontekstual ma'nosidan kelib chiqqan holda yuqoridagi misollarni tahlilga tortamiz. Birinchi keltirilgan misolda mamlakatga nisbatan *nepotism* so'zi ishlatilmoqda. Bu mohiyatan tahlil qilinganda tuhmat ko'rinishidagi ayblov bo'lishi mumkin. Buni nutq vaziyatidan kelib chiqqan holda tahlil qilish lozim. Yuqorida keltirilgan har bir misolni deduksion metod orqali tahlil qilishga harakat qilamiz.

Xulosa asosi	Xulosa	Almashtirish usuli
1.A Hamma S-P	A hamma P-S	Sof almashtirish
2.E Hech bir S-P emas	E hech bir P-Semas	Sof almashtirish
3.I Ba'zi S-P	I Ba'zi P-Semas	Sof almashtirish
4.Ahamma S-P	A hamma P-S	Toraytirilgan almashtirish
5.I Ba'zi S-P	I Ba'zi P-S	Kengaytirilgan almashtirish

5. Ba'zi holatlarda hayvon nomlari bilan bog'liq so'zlar haqoratdir. Haqorat bilan bog'liq so'zlarning ba'zilari hayvonlardir.

Yoki

3. Ba'zi holatlarda hayvon nomlari bilan bog'liq so'zlar haqoratdir. Ba'zi holatlarda haqorat emas.

Xulosa asosi deduksiyaga asoslangan. Demak, hayvon nomlari bilan bog'liq haqorat ayrim so'zlar guruhi (*eshak, kozyol, xameleon, cho'chqa, to'ng'iz, it*) ba'zi holatlarda haqorat bo'lishi, ba'zi holatlarda esa haqorat bo'lmasligi mumkin. Ikkinchi misolni haqorat darajasiga ko'ra lingvistik ekspertizadan o'tkazib ko'raylik:

#### VAZIYAT-1

Matn muallifi nutqida **agressivlik** yaqqol ko'zga tashlanadi. **Haqorat sub'ekti**- mansabdor shaxs; **haqorat ob'ekti**-kozyol, ongi past (*kozyol, kozlyob* - neologizm: *echkidan - juda yomon, o'ta yoqimsiz, yomon, jirkanch, iflos, jirkanch, kasal odam*. Xususan: *ahmoq, tor fikrli, ahmoq, yomon, aqlan cheklangan va shu bilan birga faol, ambitsiyali, natsistik, o'zini tutib turadigan, ba'zan tajovuzkor odam (odatda kattalar yoki keksa yoshdagi odamlar)*. *Faol ahmoq tushunchasiga o'xshash, lekin aniqroq haqoratli ma'no bilan*), Matn muallifi sub'ektni fikri tor, aqlan noqis shaxsga nisbat beradi. Matnda kozyol so'zining-tor fikrli ma'no ottenkasi yuzaga chiqadi. Me'yoriy hujjatlarga muvofiq, mansabdor shaxslarni tayinlashda salohiyati, jismonan va ruhan sog'lomligi singari bandlar alohida e'tiborga olinadi. Matn qisqa. Yakun "*ongi pastlarni o'zi bilan ergashtirmoqchi*" jumla bilan tugallanadi. Bu jumla yuqorida qayd etilgan "tor fikrli"lar guruhini shakllantiruvchi shaxs sifatida ham ayblovni (ehtimol, tuhmatni) yuzaga keltiradi.

**Xulosa:** kozyol, ongi past- haqorat mazmuniga ega. Ammo individual shxs obro'siga putur yetkazish, shaxsiyatiga tegish kabi salbiy ottenkalar mavjud emas.

Haqorat mazmunli matnlarda lingvistik ekspertiza o'tkazish jarayoni birmuncha murakkab. Bu jarayonda ekspertiza o'takzuvchidan kriminolingvistik bilimlar talab etiladi. Albatta, ekspert xulosasi sudning yakuniy xulosasi bo'lmaydi, balki sud hukmiga omil bo'luvchi faktorlardan biri sanaladi. Lingvist-ekspertning vakolati yagona qat'iy hukm chiqarmasdan, berilgan konfliktli matnni lingvistik nuqtayi nazardan tahlil qilish, shuningdek, tahlil qilish asosi qanday manbalarga taalluqligini ko'rsatishdan iborat. Shaxs sha'ni, qadr-qimmatini masalasi yurtimizda har doim ustuvor ahamiyat kasb etuvchi jihatlardan biri. Shu boisdan keying vaqtlarda shaxs obro'siga putur yetkazishga qaratilgan murojaatning turli shakllari: sms, email, ijtimoiy tarmoqlar, xat ko'rinishida ifodalangan matnlarning ko'payishi, sudga bu boradagi murojaatlarning oshishiga katta omil bo'lmoqda. O'z navbatida, bunday hiolatlarda lingvistik ekspertiza o'tkazish tabiiy jarayonlardan biriga auylanib ulgurdi. Kelgusida lingvistik ekspertiza markazlarini tashkil etish, lingvist-ekspert vakolatlarini belgilash, shuningdek, maxsus malakali mutaxassislarini tayyorlash ustuvor vazifalardan biri bo'lib qolishi shubhasiz.



## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Иванищева О.Н. Лингвистическая экспертиза по делу об оскорблении(на материале собственной лингвоэкспертной деятельности). Юрислингвистика №5-2016ю с 132-141
2. Leni Syafyaha. Speech of Hateful Insults in The Mass Media of Forensic Linguistic Studies. Proceeding of The 4Th International Seminar on Linguistics (ISOL-4). Language in Disruptive Technology. July 10-11, 2019Padang, West Sumatera, Indonesia.p 160-169
3. Стернин И.А., Антонова Л.Г., Карпов Д.Л., Шаманова М.В. Основные понятия лингвокриминалистической экспертизы. Ярославль 2013 с80
4. Рябцева, Н.К. «Вопрос»: прототипическое значение концепта [Текст] / Н.К. Рябцева // Логический анализ языка. Культурные концепты. – М.: Наука
5. Ivanishcheva O.N.,Bolgova E.B.,Shadrina I.M,Gushchina A.V.,Nikonov S.B. Insult as a Linguistic and Legal Phenomenon//International Journal of Engineering & Technology. 2018 p217-218
6. Shabanov MM (2010), Osobennosti provedeniya sudebnoi lingvisticheskoi ekspertizy po delam ob oskorblenii [Peculiarities of Carrying out Forensic Linguistic Expertise in Insult Cases]. Vestnik Dagestanskogo gosudarstvennogo universiteta. Seriya 2: Obshchestvennye nauki, 2, 175-179.
7. Akhmedova Dildora Bahodirovna, Bakhtiyor Mengliev. Semantic Tag Categories in Corpus Linguistics: Experience and Examination. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE)ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October 2019
8. Musulmonova K.Linguistic exam and its meaning//Academicia. Vol. 10 Issue 11, November 2020

UO'K 808.3

## “TIME IS MONEY” METAFORASINING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI

O.A. Nasirdinov, o'qituvchi, Qo'qon DPI, Qo'qon

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada metaforalar haqida umumiy tushuncha va “Time is money” metaforik birligining lingvokulturologik tadqiqi haqida kichik izlanish olib borilgan. “Time is money” metaforasining lingvokulturologik jihatlarini tadqiq etilgan.

**Kalit so'zlar:** metafora, stilistik birlik, lingvokulturologik tahlil, ekstralingvistik mazmun, lingvistik mazmun, personifikatsiya.

**Аннотация.** В данной статье дается общий обзор метафоры, которая является стилистическим приемом, и проведено небольшое исследование лингвокультурологического изучения метафорической единицы «Время – деньги». Кроме того, исследуются лингвокультурологические аспекты метафоры «Время – деньги».

**Ключевые слова:** метафора, стилистическая единица, лингвокультурологический анализ, экстралингвистическое содержание, языковое содержание, персонификация

**Abstract.** This article provides a general overview of metaphor which is a stylistic device and a little research has been done on the linguoculturological study of the metaphorical unit “Time is money”. Moreover, linguocultural aspects of the metaphor “Time is money” are studied.

**Key words:** metaphor, stylistic unity, linguocultural analysis, extralinguistic content, linguistic content, personification.

Ma'lumki, har qanday lingvistik birlik, so'z, so'z birikmasi - ya'ni har qanday fikr turlicha ifodalanadi. Bu albatta so'zni yetkazuvchi va uni qabul qiluvchi o'rtasida sodir bo'ladi. Hayotimizning 70 % qismida turli xil insonlar bilan aloqa faoliyatini olib boramiz. U xox yozma bo'lsin xox og'zaki. Nutq jarayonining ikkala turida ham so'z birliklaridan, stilistik troplardan foydalana bilish so'zlovchining nutqiy mahoratini ko'rsatadi. Shuning uchun ham nutq jarayonida tinglovchini e'tiborini jalb qilish hamda nutqni yanada jozibali qilish maqsadida turli xil ifoda vositalaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunda, metafora, so'zning o'z va ko'chma ma'nolari, ularning gapdagi, so'z birikmalaridagi ma'nolarini bilish va farqlay olish asosiy vazifalardandir. Atrofdagi insonlar bilan o'zaro muloqot qilar ekanmiz har bir jamiyat a'zosi og'zaki va yozma nutqning ekstralingvistik mazmun mohiyatini, uning yozma, lingvistik ko'rinishini anglamog'i darkor. Zero bu ikkala unsur ham tilning eng asosiy jihatlaridir.

Til hodisalarini to'g'ri va chuqur tushungan holda keng ilmiy tahlil qilish, hozirgi jonli xalq tili, so'zlashuv nutqi xususiyatlari bilan adabiy tilning og'zaki va yozma shakllari faktlarini qiyoslab o'rganish natijalari o'tmishdagi jonli xalq tilining ayrim xususiyatlarini bilib olishda ma'lum asos bo'lishi mumkin.

Nutqdagi eng ko'p uchraydigan ma'no ko'chish usuli metaforadir. Metafora o'zbek tilida ham ingliz tilida ham bir xil xususiyatga ega bo'lib, ma'lum bir predmet belgisining, harakatning o'xshash tomonini boshqasiga ko'chirishdir. Masalan: *tandirning og'zi* birikmasida og'iz so'zining ma'nosi odam yoki hayvon og'ziga tashqi o'xshashligi asosida vujudga kelgan yoki yo'lning boshi birikmasidagi bosh so'zi, inson tanasining boshlanish qismi ekanligi bilan, yo'lning boshlanish ma'nosini ifodalamoqda. Ingliz tilida ham metafora biror predmet belgisining yoki harakatning bir-biriga o'xshashligini ko'rsatadi. Masalan, ingliz tilidagi “time is money” birikmasida metaforani tahlil qilsak, biz pulni ham vaqtini ham sarflaymiz. Bunda vaqtning pulga, pulni esa vaqtga o'xshatiladi, ya'ni ikkisidan ham to'g'ri foydalanish darkor.

Metafora grekcha “metaphora” so'zidan olingan bo'lib, ko'chirish degan ma'noni anglatadi. Metafora predmetlar, hodisalar o'rtasidagi o'zaro nisbiy o'xshashlik asosida ulardan birining ifodasi bo'lgan so'zni ikkinchisini ifodalash uchun ishlatishdir. Predmet o'zining rangi, shakli, harakati va boshqa shu kabi ma'lum bir



belgisiga ko'ra boshqa shunday belgisi bo'lgan predmet nomini oladi. Yuqorida aytib o'tilgan "yo'ning boshi" birikmasida aynan shu holatni kuzatish mumkin. Metaforalar bir necha asrlardan buyon tilshunos olimlarning diqqat markazida bo'lib kelmoqda. Metafora asosida nom ko'chishi predmet, belgi, harakat, holatlarning keng ma'nodagi o'xshashligiga asoslanadi. Asos konkret, abstrakt bo'lishi mumkin. Metafora tuzilishiga ko'ra sodda va kengaygan, badiiy hamda lingvistik metaforalarga ajratiladi. Lingvistik metafora ekspressiv bo'lmagan atama, badiiy metafora ekspressivdir. Ilmiy adabiyotlarda metaforani til va nutq hodisalari sifatida ikki turga ajratib ko'rsatadilar.

Ko'chma ma'nolarni atroflicha tadqiq etgan M.Mirtojiyev metaforalarning denotat o'xshashligi belgisiga ko'ra uch guruhga bo'ladi:

1) oddiy metafora;

2) personifikatsiya (jonli obyekt jonsiz obyektga o'ziga nomdosh qilib olishi);

3) sinesteziya (sezgi orqali xis etiladigan ikkinchi obyektga nomdosh qilib olishi). Bunda oddiy metafora belgilarga qarab oddiy qiyoslash, personifikatsiya – jonlantirish orqali qiyoslash, sinesteziyada esa subyektiv holatda qiyoslash o'xshatish uchun asos bo'ladi.

"Time is money" metaforik birikmasini tahlil qiladigan bo'lsak, time ya'ni vaqt juda qimmatbaho boylik hisoblanadi. Shuning uchun ham uni pulga ya'ni insonlar uchun qadrlil bo'lgan hayotiy predmetlardan biriga taqqoslanib o'xshatilmoqda. Lekin, nega aynan pul? Chunki vaqtni ham bekorga sarflash, uni isrof qilish mumkin; pulni ham behuda ishlatish va isrof qilish mumkin. Shu xususiyati eng asosiy xususiyatlaridan biridir.

"Money" - pul so'zining lug'aviy ma'nolariga diqqat qiladigan bo'lsak; quyidagilarni ko'rishimiz mumkin.

- Tangalar va banknotalarni almashtirish uchun muqobil variant

- Insonlarning tijoriy yoki kundalik hayotida har kuni ishlatiladigan, hayotiy ehtiyojlarni almashtirish uchun vosita

- Biror shaxs egalik qiladigan boylik

- Boylik, umumiy narsalar

"Time" - vaqt so'zi konseptiga etibor qaratadigan bo'lsak, vaqt mavhum tushuncha bo'lgani bilan unga har bir individual erkin shaxs, o'zi egalik qiladi, uni o'zi boshqaradi. Vaqtni ham huddi pul kabi foydali yoki behuda sarflash, isrof qilish yoki tejash mumkin. Shuning uchun ham bu ikki konsept bir biri bilan ham uzviy, ham chambarchas bog'liqdir. Ularni biri biriga o'xshatish metaforik birlik sifatida ko'rish diskursning muhim xususiyatlaridan biridir. Shunday qilib, metafora stilistik trop bo'lib, u matnga va nutqqa badiiy bo'yoq berish uchun ham alohida ahamiyat kasb etadi. metaforadan quyidagi tushunchalar olinadi:

- taqqoslash yordamida g'oyani tushuntirishga yordam beradi. Masalan "Time is money" metaforik birikmasida vaqt va pulning bir biri bilan o'zaro bog'lab ikki ushunchaning ham inson hayotida muhim ahamiyat kasb etishi nazarda tutiladi va vaqt va pulni bir biriga o'xshatiladi. Ingliz tilida "Time is money" metaforasiga, o'zbek tilidagi "Vaqtning ketdi – naqding ketdi" metaforik birikmasi to'g'ri keladi. Chunki bu tushunchada ham naqd so'zi pul ma'nosini anglatmoqda.

- Buni so'zma-so'z qabul qilmaslik kerak chunki bunda ma'no ramziy beriladi. Aynan emas ma'lum bir o'xshashlik jihatlari taqqoslanadi.

- Ular she'riyatda yoki adabiyotda juda ko'p ishlatiladi. Bu shuni anglatadiki, u odatda kontseptsiyani bezash uchun mo'ljallangan (*Osmondagi har bir yulduz - bu siz uchun yig'lagan ko'z yoshim*).

- Ular go'zallik tushunchasini hisobga olmagan holda, bo'rtirilgan ifoda shakli sifatida ham foydalanishlari mumkin (*Bu xabar meni o'ldirdi*).

Shunday qilib metaforalar nutqni xoh u badiiy bo'lsin, xoh og'zaki, ularga badiiy bo'yoq beradi. So'zlovchini va tinglovchini bir paytni o'zida mantiqan o'ylashga undaydi va tinglovchini e'tiborini jalb qiladi. Nutq yoki matn badiiy bo'yoq bilan bezaydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. // Теория метафоры.– М., 1990. – С.

2. O'zbekiston respublikasi xalq ta'limi vazirligi, Navoiy pedagog xodimlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti o'zbek tilshunosligi kafedrasini, "o'zbek adabiy tili tarixi" Fani bo'yicha ma'ruzalar matni (filologiya ta'lim yo'nalishi uchun). Tuzuvchilar: f.f.n. N. Zayniddinova, o'qituvchi To'xtayeva B. Taqrizchilar: dots. M. Ravshanov, P.f.n. H. Suyunov

3. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол.фанлари номзоди ... автореф. – Тошкент, 2000.

4. Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973.- № 4. – Б. 33-37;. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981; Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964. - № 4.– Б.

5. Ёўлдошев М. Бадий матн ва лингвопоэтик таҳлили асослари. - Т.: Фан, 2007.

6. Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. –Т.: Fan, 2008.

UDC 808.5

## THE ROLE OF GESTURES IN CLIL (CONTENT AND LANGUAGE INTEGRATED LEARNING) LESSONS

*O.A. Nasirdinov, teacher, Kokand state pedagogical institute, Kokand*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada CLILni o'rganish va undagi imo-ishoralardan foydalanish haqidagi bazi nazariyalar aks ettiriladi. Bundan tashqari, bu imo-ishoralarning integratsiyalashgan tarkib va til o'rganish darslaridagi ahamiyatini yoritiladi.

**Kalit so'zlar:** CLIL (*Tarkib va tilni integratsiyalashgan o'rganish*), imo-ishoralar, ko'z bilan aloqa, tana harakatlari, og'zaki muloqot, noverbal muloqot, so'z boyligini rivojlantirish

**Аннотация.** В этой статье иллюстрируются некоторые теории об обучении ИИКЯ (CLIL) и использовании в нем жестов. Более того, она показывает важность жестов на уроках интегрированного изучения контента и языка.

**Ключевые слова:** CLIL (*Content and Language Integrated Learning – интегрированное изучение контента и языка*), жесты, зрительный контакт, движения тела, вербальная коммуникация, невербальная коммуникация, развитие словарного запаса

**Abstract.** This article illustrates some theories about CLIL teaching and the usage of gestures in it. Moreover, it shows the importance of gestures in Content and Language Integrated Learning lessons

**Key words:** CLIL (*Content and Language Integrated Learning*), gestures, eye contact, body movement, verbal communication, non-verbal communication, developing vocabulary.

Gesture is movement of body which can be used for different aims. Most of time different types of gestures are used to communicate as well as to give information more clearly. Orators use body movements and eye contact to take audience's attention. Moreover, a gesture is a form of non-verbal communication or non-vocal communication in which visible bodily actions communicate particular messages, either in place of, or in conjunction with, speech.

Gestures include movement of the hands, face, or other parts of the body. By encouraging gestures, one can promote his child's overall communication development. Gestures provide a child with a way to express himself before he is able to verbally. And when a child uses a gesture, his listeners respond by saying something about what he has communicated, providing language he can learn from. So using gestures to teach can be really effective as it gives pure and valuable speech. There is a strong link between gestures and speech in communication development. Not only are gestures used before spoken language, but studies have shown that the use of gestures predict when certain language milestones will emerge. For example : Children who produce more gestures early on have larger expressive vocabularies later in development. This especially helps to teach students for CLIL lessons in teaching foreign languages. A child who points to or shows an object will likely learn the word for that object within 3 months. Moreover, gestures are effective in primary and secondary schools. Moreover, these activities can help to the students to learn other languages effectively too. Children as well as language learners, the age in this case is not matter, combine gestures with words before they combine words together. So gestures are important as the vocabulary of the language.

Students who often combine gestures and words together that have *different meanings* (e.g. point to the dog and say “big”) early on are likely to use relatively complex sentences. Student's gesture use predicts their story telling abilities later on and they can speak up without any difficulties. Students with expressive language delays have greater language gains when their educators use gestures and words at the same time during interactions during the lesson. Therefore, gestures and speech go hand-in-hand. By encouraging gestures, teachers can promote his students' overall communication development. Gestures provide a student with a way to express himself in another foreign language before he is able to verbally. And when a child uses a gesture, his listeners respond by saying something about what he has communicated, providing language he can learn from. So gestures are the essential part of teaching CLIL.

Content and Language Integrated Learning (CLIL) is an approach that students learn a subject and a second language at the same time. So one special subjects is taught in a foreign language. A science course, for example, can be taught to students in English and they will not only learn about science, but they will also gain relevant vocabulary and language skills. This method may seem a bit difficult for students, however, if one tires to do it, he can reach a great success both learning a special subject and a foreign language at the same time. It's important to note that CLIL is not a means of simplifying content or reteaching something students already know in a new language. CLIL courses should truly integrate the language and content in order to be successful – and success is determined when both the subject matter and language is learned. Students in different ages can learn by CLIL method, all the way from primary level to university and beyond. So long as the course content and language aims are designed with the students' needs in mind, there is no limit as to who can benefit from this teaching approach. However, it is most commonly found in primary and secondary school contexts. A great number of teachers see CLIL as a more natural way to learn a foreign language; when a subject is taught in that language there is a concrete reason to learn both at the same time. Moreover, students can travel abroad to exchange the experiences about the subject and as students have a real context to learn the language in, they are often more motivated to do so, as they can only get the most of the content if they understand the language around it. Moreover, being content focused, CLIL classes add an extra dimension to the class and engage students, which is especially advantageous in situations where students are unenthusiastic about learning a language. CLIL also promotes a deeper level of assimilation – as students are repeatedly exposed to similar language and language functions and they need to produce and recall information in their second language. Furthermore, it has the advantage that multiple subjects can be taught in English, so that students' exposure to the language is increased, meaning their language acquisition is faster.

CLIL also encourages students to develop 21st Century skills, including the ability to think critically, be creative, to communicate and collaborate. CLIL also shares some of the principles of the Action-Based Learning (ABL) approach. ABL is an approach recommended by European Council publications, more specifically by the

Common European Framework of Reference (CEFR) for Languages, which is a reference text for foreign language teaching in a European context (Council of Europe, 2001). This approach views language learning as a situated activity and places the learner at the centre of the learning process. This means that the learner is viewed as an active agent in a socio-culturally mediated activity. The action-based approach is also related to other approaches, such as content-based and task-based instruction (Adler & Milne, 1997; Lier, 2007). As CLIL is subject-focused, language teachers may also have to develop their own knowledge of new subjects in order to teach effectively. They must also structure classes carefully so that the students understand the content of the lesson, as well as the language through which the information is being conveyed. And when it comes to classroom management, educators need to be very aware of individual student understanding and progress. It's therefore important to consistently check and scaffold the materials to be sure both the language and content are being learned. Gestures are absolutely effective for CLIL students teaching, so that they can learn the language and a special subject with an effective strategy. But it is also important to keep in mind that the gesture used in the lesson is correct. Because the gestures used should be appropriate to the science and the subject, which can show how skilled and experienced the teacher is. Gestures and eye contact should also be appropriate to the age and academic level of the students, and of course, the field which is being learnt by the students requires special attention. Eye contact is another special character of teaching this kind of process. Not only CLIL lessons but also all types of lessons, teacher uses eye contact to observe his students as well as to control them. So the eye contact can be mentioned as the most essential part of gestures.

#### REFERENCES:

1. Bates, E., Bretherton, I., & Snyder, L. (1988). From first words to grammar: Individual differences and dissociable mechanisms. New York: Cambridge University Press.
2. Evans, J. A., Alibali, M. W., & McNeil, N. M. (2001). Divergence of verbal expression and embodied knowledge: Evidence from speech and gesture in children with specific language impairment. *Language and Cognitive Processes*, 16
3. *Journal of Speech, Language, and Hearing Research* • Vol. 47 • 173–186 • February 2004 • ©American Speech-Language-Hearing Association Capone & McGregor: Gesture Development 173 1092-4388/04/4701
4. THE TESOLANZ JOURNAL. VOLUME 24 2016. CLESOL 2014 CONFERENCE PROCEEDINGS. SPECIAL EDITION. ISSN 1172-9694
5. Crooks, T. (2010). Plenary speeches: The practicality and relevance of second language critical pedagogy. *Language Teaching*, 43 (3), 333-348. Retrieved from <http://dx.doi.org/10.1016/j.pragma.2004.05.004> (accessed June 21, 2011)
6. Richards (Eds.), *Cambridge guide to second language teacher education* (pp.30-39). Cambridge: Cambridge University Press.
7. <http://www.hanen.org/Helpful-Info/Articles>
8. <https://www.english.com/blog/content-and-language-integrated-learning/>

UDC 808.5

### HUMOR, IRONY AND SATIRE IN DISCOURSE

A. Parmonov, Lecturer, Kokand state pedagogical institute, Kokand

**Annotatsiya.** *Maqola nutqda hazil, kinoya va satiraning uchta uslubiy vositasini aks ettiradi. Bundan tashqari, u ushbu uchta qurilma o'rtasidagi o'xshashlik va farqlarni muhokama qiladi.*

**Kalit so'zlar:** *hazil, kinoya, satira, kinoya, nomuvofiqlik, so'zlar, adabiy atamalar, ritorik vositalar*

**Аннотация.** *В статье показаны три стилистических приема юмора, иронии и сатиры в дискурсе. Кроме того, в нем обсуждаются сходства и различия между этими тремя устройствами.*

**Ключевые слова:** *юмор, ирония, сатира, сарказм, несоответствие, обороты речи, литературные термины, риторические приемы.*

**Abstract.** *The article illustrates three stylistic devices humor, irony and satire in discourse. Moreover, it discusses the similarities and differences among these three devices.*

**Key words:** *humour, irony, satire, sarcasm, incongruity, figures of speech, literary terms, rhetorical devices*

Stylistics is a branch of linguistics, it is the study and interpretation of texts of all types and spoken language in regard to their linguistic and tonal style, where the style is the particular variety of language used by different individuals or in different situations. Moreover, stylistics studies the principles, and effects of choice and usage of different language elements in rendering thought and emotion under different conditions of communication. There are the number of functional styles, according to Galperin's system of styles, styles can be defined as:

1. Belles-lettres style - poetry, emotive prose, drama;
2. Publicist - oratory and speeches, essay, article;
3. Newspaper - brief news items, headlines, ads, editorial;
4. Scientific prose;
5. Official documents.

However, according to Arnold's system of styles: 1.Poetic;2.Scientific; 3.Newspaper;4.Colloquial.

Stylistic devices are essential to make colorful the speech and literary texts as these devices give funny as well as serious meaning at the same time. According to Galperin stylistics studies the totality of special linguistic which means stylistic devices and expressive means that secure the desirable effect of the utterance. Furthermore, it studies certain types of texts "discourse" which due to the choice and arrangement of the language are



distinguished by the pragmatic aspect of communication (functional styles). Stylistics of decoding can be presented in the following way: sender - message - receiver speaker - book - reader. Stylistic devices also called rhetorical devices or figures of speech – they are not only useful for analysing texts, but also for creating texts. Stylistic devices make the speeches, essays etc. more interesting and lively and help you to get and keep your reader's / listener's attention. Stylistic Devices are alliteration, allusion, anaphora, antithesis, hyperbole, hypophora, litotes, metaphor, metonymy, onomatopoeia, parallelism, personification, parenthesis, repetition, simile, synecdoche, irony. These stylistic devices make the speech colorful as well as easy to understand. One of the most important of them is irony which is widely used in literature, politics and everyday life. The fact that the irony is a means of expressing a mixed, pitching, sarcastic, in general, subjective-humorous attitude to the object or concept, which contradicts the correct meaning of the word or phrase, for example denial, emotional-expressive a positive meaning occurs. Speech, context, and intonation also play a role. For example, a geography teacher did not come to class today. He broke his leg in a fit of rage. The word "good news" was used sarcastically in the Said Ahmad's masterpieces. In cinema, the contradiction between the linguistic meaning of a word or phrase and the figurative meaning realized in speech is strongly emphasized and, accordingly, suddenly attracts attention. When a satirical word or phrase is uttered in a spoken language with a specific, different intonation, it is often separated by quotation marks in the text.

Humour means 'the quality of being funny'. It refers to 'an ability to perceive and express a sense of the clever or amusing' thing. Humour consists principally in the recognition and expression of incongruities or peculiarities present in a situation or character. It is frequently used to illustrate some fundamental absurdity in human nature or conduct, and is generally thought of as a kindly trait: a genial and mellow type of humor. 1 It is 'the quality of being amusing or comic, especially as expressed in literature or speech.' It is the ability to express humour or amuse other people [1].

The stylistic device irony is the usage of words to express a meaning which is the opposite of its literal meaning. It is a technique of indicating, as through character or plot development, an intention or attitude opposite to that which is actually or ostensibly stated. Irony is a manner of organizing a work so as to give full expression to contradictory or complementary impulses, attitudes, etc., especially as a means of indicating detachment from a subject, theme, or emotion.

Another stylistic device is satire that is the use of irony, sarcasm, ridicule, or the like, in exposing, denouncing, or deriding vice, folly, etc. satire is a literary composition, in verse or prose, in which human folly and vice are held up to scorn, derision, or ridicule.

Synonyms of satire are usually irony, burlesque, caricature, parody, etc. Satire refers to literary forms in which vices or follies are ridiculed. Satire is the general term, which often emphasizes the weakness more than the weak person, and usually implies moral judgment and corrective purpose: Swift's satire of human pettiness and bestiality. 4 Irony, sarcasm and satire indicate mockery of something or someone [2]. One of most important characters of irony is the indirect presentation of a contradiction between speaker and the action which is the speaker mentions. In the figure of speech, emphasis is placed on the position between the literal and intended meaning of a statement. One thing is said and its opposite is implied, as in the comment, "Beautiful weather, isn't it?" made when it is raining or nasty. Ironic literature exploits, in addition to the rhetorical figure, such devices as character development, situation, and plot to stress the paradoxical nature of reality or the contrast between an ideal and actual condition, set of circumstances, etc., frequently in such a way as to stress the absurdity present in the contradiction between substance and form.

Irony differs from sarcasm in greater subtlety and wit. In sarcasm, ridicule or mockery is used harshly, often crudely and contemptuously, for destructive purposes. It may be used in an indirect manner, and have the form of irony, as in "What a fine musician you turned out to be!" or it may be used in the form of a direct statement, "You couldn't play one piece correctly if you had two assistants." The distinctive quality of sarcasm is present in the spoken word and manifested chiefly by vocal inflection, whereas satire and irony arising originally as literary and rhetorical forms, are exhibited in the organization or structuring of either language or literary material. Satire usually implies the use of irony or sarcasm for censorious or critical purposes and is often directed at public figures or institutions, conventional behavior, political situations, etc [3].

In conclusion, irony is a methodological tool; rejection, mockery, as if approving or agreeing. In this stylistic device, a word or expression has the opposite or even a negative connotation in speech. Irony is a metaphor for ridicule and mockery. In a film of perfection, humor is disguised as seriousness, reflecting the speaker's superiority or suspicion. It is widely used in folklore as well as in written literature and we can come across it in oral speech. Both irony and satires are literary terms that are commonly used to portray something that is contrary to the truth, in order for this to be exposed to the general public for the purpose of awareness and change. Irony is a figure of speech that portrays the contrary of the truth about something through the careful play of words and wit. Satire is a literary form, or genre, that is commonly used through the use of graphic arts, or in the form of a performance. Irony is a figure of speech, therefore it is limited to written and spoken forms. On the other hand, since satire is a literary form, it can be presented in a variety of different methods, ranging from literary pieces, such as commentaries, to performances, and even in illustrations accompanying editorials. Humour is a general term signifying a non-serious reaction to the literature by the audience, a light-hearted, frivolous, whimsical reaction, caused by an unexpected departure from reason or sense—a play on words, a clever analogy, an understatement, etc. It can have a hidden threat or criticism in it but is not to be taken seriously. Humour may be produced from irony as well as satire. However, the main function of humour is to momentarily amuse the reader or audience member.



## REFERENCES:

1. Raj Kishor Singh Sanothimi Campus, Tribhuvan University, Kathmandu, Nepal. International Journal of English and Literature (IJEL) ISSN 2249-6912 Vol. 3, Issue 4, Oct 2012, 65-72. Humour, irony and satire in literature
2. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
3. Giora, R. (1995). On irony and negation, Discourse Processes 19.
4. Raskin, V. (1985). Semantic Mechanisms of Humor. Dordrecht: D. Reidel.
5. Attardo, S. (1997). The semantic foundations of cognitive theories of humor, Humor: International Journal of Humor Research. v. 10 (4)
6. Colston, H. (2000). "Dewey defeats Truman": Interpreting ironic restatement, Journal of Language and Social Psychology. v. 19 (1).
7. Toplak, M., and A. Katz. (2000). On the uses of sarcastic irony, Journal of Pragmatics. v. 32 (10). pp. 1467-1488

UDC 808.5

## SOME TYPES AND EXAMPLES OF IRONY IN CHILDREN'S LITERATURE

A. Parmonov, Teacher, Kokand State Pedagogical Institute, Kokand

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada kinoya va uning bolalar adabiyotida ishlatilish xususiyatlari bir necha misollar bilan ko'rsatiladi. Bundan tashqari, ushbu maqolada kinoyaning turlari haqida ham fikrlar berilgan.

**Kalit so'zlar:** kinoya, stilistik vosita, kinoyali fikrlar, fe'lli kinoya, dramatic kinoya, holat kinoya

**Аннотация.** В статье обсуждается ирония и использование иронии в детской литературе с некоторыми примерами. Кроме того, в этой теории будет присутствовать ирония.

**Ключевые слова:** ирония, стилистический прием, иронические высказывания, словесная ирония, драматическая ирония, ситуативная ирония.

**Abstract.** This article discusses irony and usage of irony in children's literature with some examples. Furthermore, it will be given types of irony in this theory.

**Key words:** irony, stylistic device, ironic utterances, verbal irony, dramatic irony, situational irony.

**Аннотация.** В данной статье исследуются интегральные и дифференциальные особенности технических терминов при их переводе с английского на узбекский. В настоящее время адекватный перевод текстов, содержащих английские технические термины, которые вводятся в терминологическую систему на основе когнитивности, считается наиболее сложной и актуальной задачей, поскольку эти языковые единицы приобретают новые семантические особенности в термосистеме. В результате в данной статье подчеркивается важность создания двуязычного (англо-узбекского) словаря технических терминов.

**Ключевые слова:** трансформация, трансформация, технический термин, адекватность, терминологическая система, когнитивность, интегрально-дифференциальный признак, лексико-семантические значения.

**Abstract.** This article examines the integral and differential features of technical terms when they are translated from English to Uzbek. Currently, adequate translation of texts containing English technical terms that are introduced into the terminological system based on cognitiveness is considered the most difficult and urgent task, since these language units acquire new semantic features in the thermosystem. As a result, this article emphasizes the importance of creating a bilingual (Anglo-Uzbek) dictionary of technical terms.

**Keywords:** Transformation, transformation, technical term, adequacy, terminological system, cognitiveness, integral and differential feature, lexico-semantic values

**Introduction.** In the process of transferring a certain source in a foreign language, the methods of grammatical, lexical, pragmatic and stylistic transformation are sequentially implemented. If the grammatical transformation method used is applicable due to correlation in the internal structure of the languages, the stylistic transformation appears due to mutual differential properties in the semantic filling of the lexeme. Each language lexeme reflects the concept that it denotes. In the semantic structure of the Word, one or another feature of the concept is expressed. Such a phenomenon is observed in English technical terminology, some lexemes of which arose on a cognitive basis. Since concepts that have integral and differential signs, and related technical terms cannot be conveyed to single-haired lexems, they are translated through combinations of two or more units. It is known that there is a direct connection between the English technical thermosistrater and literary language, as a result of which various semantic processes occur in the language system. The common lexemes included in a certain thermosystem layer, without changing their lexical form, are actively used on a cognitive basis for transferring new values in the terminological system of the technical sphere of English. Some syntactic units that have stylistic pains represent certain difficulties when transferring them as terms. In general linguistics, adequate translation of stylistically colored units is considered a difficult and important problem. This phenomenon does not bypass the side and the terminological system. Most of all, it is observed in phrases with connotative semantics. The identification of semantic and pragmatic properties in the structure of similar units from among the technical terms of the English language requires access to bilingual (Anglo-Uzbek) sensible dictionaries. As the Scholar-Language A. V. Fedorov notes, "any language means can directly or indirectly serve to transfer a stylistic concept: each language phenomenon, regardless of the semantic volume of expressed thoughts, can acquire a certain stylistic color." This opinion fully applies to the technical termination of the English language. Thus, the specified properties of language agents, taking into account all their linguistic features, even more bring together the comparative stylist and the theory of translation, on the concepts of which are based on linguization research. It is also considered to be the fact that the appeal of close attention to the phrases studied in the comparative plan of the phrases of English and Uzbek languages, their compliance with each other with meaningful, stylistic and pragmatic parties is the special factor that directly ensures the adequacy of the translation. Completely approves K. Musaev: "The problems of stylistics occupy a special place in the composition of linguistic translation. As an object of linguistic analysis, the stylistics in many respects is closely related to the translation. All signs inherent with stylistics are related to research in the field of linguistic translation and require comprehensive accounting for language analysis issues in accordance with such factors of the language as structure, norm and tradition. "

Linguistic analysis of technical literature detects a number of general specific features inherent in the literature style, regardless of the language, although in each specific language they are expressed in their own way. The most typical lexical sign of technical literature in any language is the saturation of the text with special terms and terminological phrases, as well as the presence of realities, cliches of logical-grammatical lexical designs and abbreviations. Under the realities of technical literature, it is customary to understand the names of firms, enterprises,

equipment stamps, the location of enterprises. Realities, as a rule, are not translated, but are given in the text of the translation in their original writing or in transliteration, if possible without abbreviations. In brackets indicate the name of the country, if it is unclear from the previous description. Geographical names and well-known names are given in Uzbek transcription. For instance: A new 110 MHz spectrum analyzer has been developed by Marconi Instruments Limited. – Marconi Tools Limited (United Kingdom) developed a new 110 MHz spectrum analyzer. The cliché is stereotypical words and phrases. Currently, they occupy a special place in the general arsenal of lexical funds, but most often found in periodic publications of a political and scientific and technical nature. Cliché includes idioms, stable expressions and speech stereotypes, a set of finished phrases. In the description of various technical devices, production technologies and techniques for the experiment on the fore, the informative entity of the text is coming out. The narrative is often carried out in an impersonal or indefinite-personal form, characterized by the presence of the uncertain-personal pronouns of One, words substitutes and passive verb structures. The main thing in such proposals is the object of action, attitude to action. Modal structures, expressing associates and the possibility, as well as the subjunctive inclination, are also widespread. As for the construction of proposals in scientific and technical literature, it is necessary to note a large number of complex proposals, where sometimes several departures are inclined; It is also characteristic of the availability of simple, but very common proposals, including involved, gerundial and infinitive turns, common definitions and other syntactic features. When working with such proposals, it is necessary to accurately establish a semantic link between proposals that are part of a complex proposal between members of the sentence and only then move to translation. When transferring, there are significant deviations from the syntactic structure of the original in accordance with the norms of the Uzbek language due to the absence of certain structures in both languages.

It is known that the main function of technical literature is the message. This is determined by the informative function of the language of this literature style. A characteristic style feature of technical literature is the logical of the statement, which is achieved by consistently deploying the thought, the introduction of accurate wording. The effectiveness of evidence is achieved by a clear organization of the entire statement: dividing the text to chapters, paragraphs, paragraphs, in which particularly important provisions are allocated with fonts, underlined, letters and numbers. The clarity of the presentation is achieved by an illustrative verbal and visual material. Illustrative material contributes to a more complete understanding of the publication content.

Among the various genres of technical literature, patent literature is distinguished by significant originality. Its originality is expressed mainly in the canonical form of the description of patents. The description language of inventions combines the features of two styles - scientific and technical and official (business) - due to the dual nature of the document, on the one hand, representing a source of new scientific and technical information, on the other hand, which is a legal form of the protection of the rights of the patent owner or copyright certificate. Language tools are performed at the same time two functions: reveal the essence of the technical solution and determine the boundaries of the rights of the protected document. Often the description of the invention differs in heavily, cumbersome, the presence of repetitions, stamps. This is especially characteristic of the patent formula. The main requirement when translating the description of the invention is the authenticity under which the complete adequate translation is understood. Violation of this requirement can lead to an ambiguous or even improper interpretation of the subject invention. The patent formula or claims, as a rule, consists of two parts: - the first part contains the name of the invention and the list of important, already known signs; - The second part contains new distinctive features of the invention, that is, those that are added by the inventor to an already known to achieve the purpose of the invention. Since stylistic units in some cases contain figurative artistic and visual agents, they serve as a stylistic painting. Such phenomena can be revealed in the process of translating technical terms of the English language. For example: Lexeme A1 Security - matter: 1) "Security level A1", 2) "The level of security requiring the presence of a mathematical model of the system, in which it is possible to prove the fact of sufficient security." The word Action means 1) "Action", 2) "Any action performed by the user and perceived by the program." The word Available has lexical values 1) "available", 2) "free to access and use resource". The Common Objekt Services lexeme expresses 1) "General object services", 2) "Service, which is a collection of services provided with object interfaces and support the basic functions of objects in technology." In the terminology, all types of human activity are reflected, so this is natural and socially important is such a fact that the transition of a lexeme from an overwhelmed language in thermosilateering occurs through a certain conceptual stage.

#### REFERENCES:

1. Anikina A. V. Anglo-Russian Economic Dictionary. - M., 1981.
2. Anokhina I. G. English-Russian Commercial Directory. - M., 1992.
3. Barhudarov S. G. On the meaning and objectives of scientific research in the field of terminology // Linguistic problems of scientific and technical terminology. - M.: Science, 1970.
4. Barhudarov S. G. Problems of language, science, technology, logical, linguistic and historical aspects of terminology. - M.: Science, 1970.
5. Danilenko V. P. Linguistic requirements for standardized terminology // Terminology and norm. About the language of terminological standards. - M.: Science, 1972.
6. Shevchuk V.N. Derivatives Military Terms in English. - M.: Military Publishing House, 1983



## THE IMPORTANCE OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES

*D.Sh. Tojjeva, teacher, Termez State University, Termez*

**Annotatsiya.** *Ushbu maqola chet tillarini o'qitishning zamonaviy va intensiv usullari haqida va o'qitishning eng yangi usulini tavsiflaydi.*

**Kalit so'zlar:** *o'qitish, intensiv, baholash, o'qitish metodikasi, innovatsion usul*

**Аннотация.** *Эта статья о современных и интенсивных методах обучения иностранным языкам и описывает новейшие методы обучения.*

**Ключевые слова:** *обучение, интенсив, оценка, методика обучения, инновационный метод*

**Abstract.** *This article is about teaching intensive and modern methods of foreign languages, describes new method of teaching*

**Key words:** *teaching, intensive, marking, teaching method, innovative way*

In today's fast-paced world, technology and science are also rapidly being updated. As in any field, there are significant changes in science. The use of innovative technologies in the delivery of each subject to students is one of the requirements of the time. Today, the teaching of foreign languages around the world, especially English, has become an integral part of education in all fields. We are even able to use two main types of teaching English using traditional and modern methodology. Given this factor, The government of our country is doing a lot to develop foreign language teaching in Uzbekistan using modern methodology. A clear example of this is the Presidential Decree 1875, adopted on 10 December. As noted in the 2012 Decree on Measures for the Development of Foreign Language Learning, the teaching of foreign languages using communicative methods that allow teachers to encourage their students to learn creatively and actively important. In this article, I decided to analyze the features of traditional and modern teaching methodology. Undoubtedly, one of the goals of the methodology in learning foreign languages is to teach the student a foreign language.

In the process of teaching a foreign language, the use of modern advanced pedagogical technologies, innovative interactive methods, communicative media is in great demand. There is a growing demand for foreign language learning among students. Recognition of the need for this language for specific instrumental purposes by many students studying language has led to the teaching for special or instructional: a uniform for the learner. to teach English for science the proliferation of intended courses and materials, medicine, agriculture, engineering, tourism, and the like means which is in fact a specific dictionary and grammar of the chosen field of course content bounded by For example, courses dedicated to agriculture only containing words related to agriculture, and all grammar is devoted exclusively to agriculture. Unlike traditional methodology, modern mythology is more student-centered. According to Jim Skrivener, the teacher's primary mission is to "help learn to be," by "allowing students to work at their own pace, not giving lengthy explanations, encouraging them." involves "engaging" in what is happening. participate in conversations, interactions, work, etc. [3]. In short, students are the most active element of this process. The teacher is needed here not to explain, but to encourage and support students to explore, try, make learning fun, and so on. Although the goal of learning a foreign language according to modern methodology is still under discussion. possible targets. "Reading Jim Skrivener points out in his book "Learning": the emphasis now on is on the "meaning connection". He also emphasizes communicative competence, defining it as "the ability to use language for meaningful communication" there is an interest in developing skills. Teaching should be student-centered, from which motivation can emerge, but it cannot be taken out, language learning and teaching will be successful when it meets the needs of the student in certain circumstances, obtained language skills should serve students in daily life. Language teaching and language learning, if a person's emotions, values, and aspirations are at a very deep level or through games, simulations, dramatization, and so on. is similar to the collaborative process when manifested through. Students need to actively master this language because experience is constantly changing through behaviors. Language management involves the ability to understand messages and apply them in context. Interactive methods allow access to another culture, without confusing the sense of originality, Learning a second language is a developmental process. Learning a second language is a developmental process. Students use existing knowledge to gain an understanding of income, and they need to actively use new information, the introduction of interactive methods, the teaching method that is acceptable to students and the lesson that is acceptable in the classroom. the method of teaching must be taken into account in order to be educated. Thus, many experts call the methodology a communicative language approach. It is well known that the main goal of teaching a foreign language in secondary schools and universities is to form a foreign language communicative competence in all its various components. It is expected that the gradual transition from one level of proficiency higher (from A1 to C2 on the common European scale of foreign language skills) each student is able to understand and verbally or in writing to build their speech according to linguistic and cultural traditions of the country of the target language at a higher level. In this regard, it can be assumed that the correspondence of the student's speech utterance to the language norms of the language being studied will be directly dependent on the use of a corpus of exemplary authentic texts that serve as prototypes of his speech behavior in real communication. In other words: the more and better samples of speech behavior a student learns during the learning process, the closer to the language norm their speech utterance will be. A linguistic corpus is an array of texts collected in a single system based on certain characteristics (language, genre, time of text creation, author, etc.) and provided with a search engine. The linguistic



corpus can include both written texts (texts of Newspapers, magazines, and literary works) and transcripts of radio and television programs.

Another group of authors, obscured by Broughton, put forward a different view. they are a resource that not only allows the foreign language learner to write to a foreign pen friend, but also expands his or her horizons by introducing certain ways of thinking about time frame, quantity, and attitude. For some people to learn a foreign language first, to see the world from a different perspective, to take a new approach to life, or to learn about other cultures. The importance of the role of pronunciation in modern methodology is emphasized, Language is inseparable from sound. We can even say that the language is good. When we are talking or we make our joints sound when we sing. The throat is the center of sound production. If we can't make sounds and hear them correctly, we can't speak any language, even if it's our native language or a foreign language. The pronunciation of sounds in a language involves stress, rhythm, and intonation. Each language has its own pronunciation system. It is not difficult for us to have a unique intonation and pronunciation of our native languages from early childhood. We don't need formal education. So we want to learn another language.

The difficulty begins when a person learning a second language begins with the new language he or she is learning. Some sounds are similar in two languages and so they can be easily found. Other sounds require more attention and therefore need to be practiced on a large scale until they become a habit. Proper pronunciation learning is the foundation for future success in mastering English.

#### REFERENCES:

1. Палинксар А.С., & Браун, А.Л. (1992). Диалоги в классе для содействия саморегулирующемуся пониманию, стр. 35-72.
2. Теория социально-экономических организаций. Лондон: Издательство Оксфордского университета.
3. Боллинджер, Д. (1971), Фразовый глагол на русском языке, Издательство Гарвардского университета, Кембридж, Массачусетс, стр.98.
4. Комри, Б. (1976), Аспект, издательство Кембриджского университета, Кембридж. Стр.21
5. Арнольд, И.В. Стилистика современного русского языка. И.В.Арнольд. - М: Просвещение, 1981.
6. Академический центр: русский как иностранный язык [www.uhv.edu/ac/elf/phrasal verbs. asp](http://www.uhv.edu/ac/elf/phrasal%20verbs.asp)9. Английский как второй язык [esl.about / cs / intermediate / f / f\\_phrasal.htm](http://esl.about.com/cs/intermediate/f/f_phrasal.htm).
7. Словарь фразовых глаголов Longman », ответ / тема / фразовые глаголы.
8. Новейший англо-русский словарь, русско-английский.- К.: Издательство «Арий», М.: ИКТЦ «Лада», 2008, -960
9. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
10. Юлдошев Ю.Г. Формирование духовности читателя (пособие) – Тошкент 2000.
11. Худжаев Н. Теория воспитания и другие. – Тошкент 2003.
12. Хасанбоева О. Методика воспитательной работы. Тошкент 2001.
13. Рахсимканов Н. «Роль семьи в формировании экономического мышления молодежи» Т., 2005 (Б.М.И.)
14. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
15. [www.teaching.russian.ru](http://www.teaching.russian.ru)
16. [www.learning.languages.com](http://www.learning.languages.com)
17. [www.literarybooks.com](http://www.literarybooks.com)

UO'K 81-13

#### FRANSUZ TILINI O'QITISHDA SAN'AT ASARLARIDAN FOYDALANISH

*S.Yu. Tuxtayeva, o'qituvchi, Jahon Iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, Tashkent*

**Annotatsiya.** *Maqolada chet tilini o'qitish usullari va uslublari, chet tili darsida qo'shiqlar, she'rlar va ertaklarni tanishtirish orqali ushbu mamlakat uzoq bo'lgan va madaniyati o'zgacha hollarda talabalarini qanday qilib qiziqtirish mumkinligi muhokama qilinadi.*

**Kalit so'zlar:** *fransuz tili, madaniyatlararo muloqot, fransuztilida qo'shiqlar, she'lar, ertaklar, motivatsiya.*

**Аннотация.** *В статье рассматривается о способах и методах преподавание иностранного языка путем внедрения песен, стихов и сказок на занятиях чтобы мотивировать учащихся кому эта страна далека и иной культурой.*

**Ключевые слова:** *французский язык, межкультурная коммуникация, французские песни, стихи, сказки, мотивация.*

**Abstract.** *The article discusses the ways and methods of teaching a foreign language by introducing songs, poems and fairy tales in the classroom in order to motivate students to whom this country is far away and a different culture.*

**Keywords:** *French, intercultural communication, French songs, verses, fairy tales, motivation.*

Zamonaviy dunyoda insoniyat tobora ko'proq hamkorlik qilish va boshqa madaniyat vakillari bilan tanishish zarurati bilan duch kelmoqda. Til har qanday millat madaniyatining bir qismidir, shuning uchun chet tilida so'zlashadigan mamlakatlarning madaniy xususiyatlarini o'rganish bilan bevosita bog'liq holda tilni o'rgatish zarur. [1-103]. Fransuz tili o'qituvchisi bo'lganim uchun mendan Frantsiya haqida fikrimni so'rashadi. Talabalar uchun Frantsiya Parij shahri, Eyfel minorasi, futbol jamoasi va yuqori modani deb tassavvur qilishadi. Biroq, men ularga Frantsiya butun bir tarixga ega, madaniy merosga boy ekanligini tushuntiraman. Shuningdek, fransuz tili shunchalik chiroyli, ohangdorki, u hammaga zavq bag'ishlaydi deb ta'kidlayman. Ko'p yillar davomida tilshunoslar fransuz

tilini chet tili sifatida o'rganish uchun turli ko'nikmalar va usullarni ishlab chiqdilar. Aslida, chet tilini o'rganish nafaqat grammatik qoidalar va fonetik tuzilmalarni yo'd olish, balki bu mamlakat, uning madaniyati, urf-odatlarini, bayramlari bilan bir vaqtning o'zida tanishishdir. Hozirda yangi texnologiyalar tufayli insoniyat barcha mamlakatlarni tan olishga va ularning tillarini o'rganishga harakat qilmoqda. Dunyoni tanib olish uchun global tarmoq bizga ushbu qit'alarni keng ko'lamda xabardor qilish uchun ulkan imkoniyat beradi. Ushbu ma'lumot barcha yoshdagi tomoshabinlarni jalb qiladigan zangori ekranda bizga taqdim etilgan mintaqaviy tadqiqotlar bo'yicha videofilmlar va maxsus ko'satuvlar orqali ifodalanadi.

Chet tili darslarida madaniyatlararo muloqot alohida fan bo'lib o'quv dasturiga kiritilganmi? Shubhasiz, har bir universitetda, turli yo'nalishdagi ta'lim muassasalarida chet tillari o'qitiladi va o'rganiladi. Jumladan, chet tillarini o'qitish dasturini yangilash yildan-yilga rivojlanib bormoqda va uni o'rganishga bo'lgan qiziqish, aynan, yoshlar tomonidan kuzatilmoqda. Ta'kidlash joizki, ta'lim jarayonida chet tillari o'qituvchilari Internet tomonidan taqdim etiladigan manbalardan foydalanadilar, ya'ni har bir dars uchun biz ushbu sohadagi mutaxassislar tomonidan ishlab chiqilgan dars xaritasi bilan mos videofilmlarni, audiolarni yuklab olib dars mobaynida taqdim etish imkoniyatiga etamiz. Raqamli texnologiyalar tufayli masofadan turib o'qitish va o'qish uchun juda qulay bo'lgan dasturlar evasiga masofaviy ta'lim o'qitish tizimida yuqori natijalarga ega bo'lyapmiz. Internet-axborot tizimi foydalanuvchi tomonidan bir nechta ma'lumot va manbalar bilan ta'minlanadi. Insoniyat turli vaziyatlarda ushbu tarmoq orqali fikr almashib va aloqa qilishi mumkin, jumladan, ta'lim jarayoniga Moodle platformasi yordamida masofadan dars berish; videokonferentsiyalar (Zoom) ish bilan bo'lgan bog'liq jarayonga elektron pochta; Veb-seminar; Telegram tarmog'i; Google qidiruv tadqiqot tizimlari; Onlayn aloqa (Chat, Twitter, Facebook) kabi muloqat vositalaridan foydalaniladi.

Raqamli axborot texnologiyalar davrida biz quyidagi aytib o'tilgan manbalardan unumli foydalanamiz, amalda tadbiq qilib kelmoqdamiz, biroq, kommunikativ va madaniyatlararo kompetensiyaning ushbu manbalari aloqa qilish amaliyotisiz amalga oshmaydi. Masalan, chet tili darsida Internet-resurslardan foydalanish shunchaki bir aloqa vositasidir: virtual muhit o'z foydalanuvchilariga zamin va fazoviy doiradan chiqib ketishga imkon beradi, lekin ikkala tomon uchun ham dolzarb mavzularda haqiqiy suhbatdoshlar bilan haqiqiy muloqot qilish imkoniyati bundan mustasnodir. [2-33]. Raqamli manbalar mamlakat, voqea, uning madaniyati, urf-odatlarini va bayramlari to'g'risida tasavvurga ega bo'lishga imkon beradi degan fikrga qo'shilaman. Bunga qaramay, biz shuni unutmasligimiz kerakki, Internet faqat o'qitishning yordamchi texnik vositasidir va chet tilini o'rganishning asosiy maqsadi kommunikativ kompetensiyani shakllantirishdir, bu muloqot qilishni o'rganishni, madaniyatlararo ta'sir o'tkazish qobiliyatini shakllantirishni nazarda tutadi va undan tashqari haqiqiy muloqot muhitini yaratadi.

Tabiiyki, tilshunoslik sohadagi mutaxassislar qo'shiqlar, she'rlar va ertaklarning chet tili darslarida kiritilishi tilni o'zlashtirish istagi va g'ayratini keltirib chiqaradi, deb ta'kidlaydilar, chunki musiqa va qo'shiqlar xalq madaniyatining bir qismidir va o'quv jarayoniga kiritilganida, ular ona tilida so'zlashuvchining madaniyatini, kundalik hayotini, urf-odatlarini, dunyoqarashini chuqurroq bilish va tushunishga hissa qo'shadilar. [3-36]. Chet tilni o'rganishda motivatsiyani oshirish uchun qo'shiqdan foydalanish juda muhimdir, chunki "til o'rganish jarayonining o'rta bosqichida motivatsiya pasayadi, bu bir qator ob'ektiv va sub'ektiv sabablar bilan bog'liq, masalan grammatik materialning murakkabligi, chet tili muhitining yo'qligi, ishning tashkiliy shakllarining bir xilligi, an'anaviy uslub, v.h »[4:17]. Darslarda mavzuga mos ravishda she'r, qo'shiq va ertaklardan foydalangan holda chet tilini o'rganish, talabaga madaniy va madaniyatlararo tilni tanishtirib borsak chet mamlakatni o'z tassavvurida kashf eta boshlaydi. O'quv mashg'ulotida qo'shiqlardan foydalanish o'quvchiga fransuz qo'shiqchilari, yozuvchilari, shoirlari bilan tanishish imkoniyatini beradi. Aytib o'tilgan metodlarga amal qilgan holda, fransuz tilshunoslari yillar mobaynida boshqa mamlakatlar talabalariga fransuzcha qo'shiqlarni tanishtirish orqali tajriba o'tkazganlar. Bundan tashqari, ushbu qo'shiqlar tarqatma materiallar bilan puxta tanlangan va ishlab chiqilgan bo'lib talaffuzda qiynaladigan boshqa millat talabalarini orasida ham yuqori ko'rsatkichlar bilan qayd etilgan. Ushbu tajribaning maqsadi talaffuzni yaxshilash, og'zaki va yozma nutq ustida ishlash, mamlakatning madaniy hayoti bilan tanishish edi.

Dars jarayonida men ham fransuzcha qo'shiqlarni tilni endi o'rgana boshlanganlarga rag'batlantirish maqsadida ularning darajasiga mos ravishda qo'shiq tanlashga harakat qilaman. Qo'llaydigan uslubimdan biri, talabalar fransuz tilidan biron bir so'zni bilmasdan, varaqdagi matnни kuzatgan holda, qo'shiqchi bilan qo'shiq aytishga harakat qilishadi. Jerar Alberikning ta'kidlashicha, yoshlar qo'shiqlarni tinglashni va o'z ritmlari bilan raqsga tushishni yaxshi ko'radilar, shuning uchun ular qo'shiq aytishni va sozandalarga jo'r bo'lishni yaxshi ko'rishadi. Bundan tashqari, qo'shiqlar yordamida fransuz tilini o'rganish o'quvchilarga ko'tariggi ruh va kayfiyat bag'ishlaydi. Shu tarzda uslublar til o'rganuvchilari uchun qo'shiqlarni kuylash, so'zlarni takrorlash orqali ularni osonroq talaffuz qilishni, so'z boyligini oshirishni o'rganadilar. [5: 112] Shunday qilib, qo'shiq dolzarb voqealarga mos keladigan hujjat bo'lib, uni yaratgan jamiyatning aksiga aylanadi va bu tilni o'rganishga bo'lgan qiziqishni kuchaytiradi. Mishel Boironning "Bugungi kunda fransuz musiqasi bilan tanishish" maqolasida ta'kidlanishicha, zamonaviy qo'shiq "o'rganilayotgan tilning dolzarbligini, zamonaviy dunyoga qo'shilishini" oshiradi va shuning uchun uning aloqa vositasi sifatida talabalarga foydaliligini tasdiqlaydi. [6:28]. Bundan tashqari, bu bizga chet tillarini o'rganish xalqaro darajasida to'rtta asosiy til o'rganish ko'nikmalari ustida ishlashga imkon beradi. Biz taqdim etmoqchi bo'lgan qo'shiqlar ular yashaydigan joy, makon, madaniy jihatlar (kundalik hayot, urf-odatlar, odatlar, dolzarb narsalar) va fransuz tilida so'zlashadigan mamlakatshunoslikning xilma-xilligi bilan bog'liq bo'lishi kerak.

Ushbu madaniyatlararo o'zaro ta'sir madaniyatlarning qadr-qimmatini bo'yicha tengligi va axloqiy nuqtai nazardan, ularga o'zaro hurmat bilan qarashlari kerakligi haqidagi asosiy omillarga tayanadi. Fransuz tili darslarida qo'shiqlarni uch yondashuvga ajratish mumkin:

1. Lingvistik yondashuv eng keng tarqalgan, chunki u qayta-qayta qo'llaniladi. Mishel Buaronning ta'kidlashicha, fransuz tili o'qituvchisi qo'shiq ustida ishlashga qaror qilganda, u "so'zlarni o'rganish va tilni o'rganish nuqtai nazaridan tahlil qilish" ga ustunlik berishga intiladi. [3:39]

2. Ikkinchi yondashuv - qo'shiq orqali til, adabiyot va mamlakatshunoslikni o'rgatish kerak deb nazarda tutiladi shu bilan birga ular eshitib tushunish, og'zaki nutq ko'nikmalarini rivojlantiradi.

3. Va nihoyat, uchinchi yondashuv fransuz madaniyati bilan tanishish uchun qo'shiqdan foydalanishni afzal ko'radi. Darhaqiqat, ushbu tadqiqot qo'shiq matnini tahlil qilish orqali ko'rsatkichi, bu qo'shiq xalq yoki ular rivojlanayotgan jamiyat tarixidagi sahifani, fransuz jamiyatini bayon qiladi. Ushbu ishonchni nafaqat o'zlarining tillari yoki madaniy dasturlariga kiritgan fransuz o'qituvchilaridan Lui-Jan Kalvet, Per Dyumont, Mishel Buaron va shu usul bo'yicha tadqiqotlar olib borgan didaktiklar ham baham ko'rishadi. "Qo'shiqni tinglash odam bilan uchrashishni anglatadi, odam esa yaxshiroq bilish uchun tinglashni o'rganadi", deb qo'shimcha qiladi Rene Kokman. [4:17] Ushbu metod o'quvchida dars davomida yangi turtki, xohish va quvonch hissini hosil qiladi. Qo'shiqning asosiy lingvistik afzalligi shundaki, unda haqiqiy til muhiti aks etadi. Aslida, u har doim ham adabiy til me'yorini mintaqaviy variantlari uchraydi. Qo'shiqning inkor etib bo'lmaydigan lingvistik hissasi bor. Bunga biz to'rt xil til ko'nikmalarini rivojlantiradigan turli qirralardan qarashimiz mumkin, ularning aksariyati og'zaki tushunish hamda og'zaki nutq bilan bog'liq. Shu jumladan, qo'shiqdan turli xil usullarda foydalanish o'quvchilarga grammatika, fonetika, sintaksis, so'z boyligi, munozara uchun sabab bo'lishi mumkin.

Talabalarning ushbu metodga bo'lgan qiziqishini saqlab qolish uchun qo'shiq bilan ishlash shakllarini o'zgartirish, yangi turdagi topshiriqlar va mashqlarni ishlab chiqish, qo'shiqlar va tarqatma materiallar uchun videokliplardan foydalanish tavsiya etiladi.

Qo'shiqlar bilan bir qatorda chet tili darslarida she'rlar va ertaklarning kiritilishi o'quvchilarga mamlakat, til va madaniyatni yaxshiroq bilish uchun ma'no beradi. She'riyat orqali siz darsda mumtoz shoirlar, zamonaviy yozuvchilar, fransuzcha leksik yondashuvlar va iboralar bilan tanishtirishingiz mumkin. Badiiy o'qishni til o'rganishda sezgirlik, tasavvur va tafakkur bilan bog'lash orqali muloqot va tarjima qobiliyatlarini rivojlantirish uchun lingvistik va madaniy salohiyatga ega deyish mumkin. She'rlar ona tilida so'zlashuvchilar dunyosining mavjud rasmining aksidir, ularda qo'rquv, tashvish, muammo, quvonch, qadriyat, mulohaza, fikrlarni topish mumkin, shuning uchun qo'shiq va she'rlarni o'rganish orqali begona madaniyat ko'proq chuqur anglangan. Qolaversa, she'riyat "o'qishdan zavq olish" vositasi, shuningdek, talabalar orasida iste'dodlilarni kashf qilish manbaidir. She'rlar va qo'shiqlar talabalarda chet tilini o'rganishga ijobiy munosabatni shakllantiradi, aqliy faoliyatini faollashtiradi, ularning til haqidagi bilimlarini chuqurlashtiradi, chunki shu bilan birga nafaqat alohida so'zlar yodlanadi, balki butun iboralar ham rivojlanadi va talabalar ma'naviy va estetik jihatdan o'rnak oladi. Binobarin, chet tili darslarida qo'shiq va she'rlardan foydalanishning avzalligi o'quvchilarda leksik ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi va talabalarning sotsiologvistik va ijtimoiy-madaniy ko'nikmalarini, o'rganish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Ishonchim komilki, biz ushbu metodlarni qo'llagan sharoitda o'quvchilarga ba'zan kundalik hayotda etishmayotgan kichik zavq-shavqlarni hadiya eta olamiz va ularning ko'nglini ko'taramiz. Frantsiya qo'shiqlari, she'rlari va ertaklarini tinglagan va dars jarayonlarida unumli foydalangan holda, Frantsiya hamda uning zaminini, fransuz tilini, hayotini, madaniyatini his etib ko'ringchi!

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Vereshchagin, EM, Kostomarov, VG Til va madaniyat. - M.: Indrik, 2005 yil. - 1038 bb.
2. Vladimirova N.N. "Internet chet tili darslarida". Maktabdagi chet tillari ", 2002 y., 33-41bb.
3. Boiron, Michel. 1998. « Rencontrer la musique française aujourd'hui ». *Le Français dans le Monde* 300, pp. 36-39.
4. Kochman, René. 1977. *Le Français dans le Monde* 318, p. 17.
5. Albéric, Gérard. 1994. « En chanson "Pourquoi" et "Comment" ». *Le Français dans le Monde* 263, pp. 112-115.
6. Charberlain, Alan. 1977. « Stratégie pour une étude de la chanson française ». *Le Français dans le Monde* 131, p. 28.
7. Bocharnikova A.S. Ingliz tili darslarida ertakdan foydalanish. 2017 yil, 3 bet
8. A. Zinovieva va E. V. Gudakova "Tarjimonning ertaklari" / Yosh olim. 2015 yil, 103-bb

UO'K 81-13

### MADANIYATLARARO ALOQA SO'ZLASHUVLARIDA FRANSUZ TILINING BELGIYA XUDUDIDAGI VARIANTLARI

*S. Yu. Tuxtayeva, o'qituvchi, Jahon Iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, Tashkent*

*Annotatsiya. Maqolada Belgiya mamlakati misolida fransuz tilining hilma hilligi va uni madaniy aloqalardagi o'zgaruvchanligi, ta'siri, shuningdek, mavjud so'z shakllari, xususan, nutq so'zlashu-vida.*

*Kalit so'zlar: Fransuz tili, madaniyatlararo aloqa, belgisizm, frankofoniya, lug'at*



**Аннотация.** В статье рассматривается о вариативности и о влиянии французского языка в межкультурной коммуникации в лингвистическом пространстве как страна Бельгия, также существующих словообразований особенно в разговорной речи.

**Ключевые слова:** французский язык, межкультурная коммуникация, бельгицизм, франкофония, словарь

**Abstract.** The article examines the variability and the influence of the French language in intercultural communication in the linguistic space as the country of Belgium, as well as existing word formations, especially in colloquial speech.

**Keywords:** French language, intercultural communication, Belgianism, Francophonie, vocabulary

Chet tili darsining har bir jarayoni madaniyatlararo tanishuvlar chorrahasidir, bu madaniyatlararo muloqot amaliyoti bo'lib, unda har bir xorijiy so'z, chet davlat va bizdan uzoq bo'lgan madaniyatni aks ettiradi: har bir so'z ortida milliy ong bilan aks etgan dunyo ko'rinishi bor (albatta chet tili, agar so'z notanish bo'lsa). Tillararo ijtimoiy-madaniy yozishmalarni diqqat bilan o'rganish zaruriyati va ushbu masala madaniyatlararo aloqalarni rivojlantirish, shuningdek chet tillarini o'qitish metodikasini takomillashtirish, tarjima va leksikografiya nazariyasi va amaliyoti uchun dolzarbligi muhim hisoblanadi. Madaniyatlararo munosabatlarda, ayniqsa ko'p millatli davlat ichida etnik ta'limni tartibga solishning o'ziga xos ma'muriy-davlat shakllariga ega bo'lgan va bunday shakllarga ega bo'lmagan katta va kichik guruhlarini tashkil qiladigan millatlar bir vaqtning o'zida qatnashadilar. Madaniy va lingvistik kod ya'ni belgi tushunchasi madaniyatlararo muloqotning asosiy tushunchalaridan biridir. [1:496]. Xuddi shu belgini ishlatish odatda muvaffaqiyatli muloqotga olib keladi, ammo unga kafolat bermaydi. Masalan, fransuz va belgiyaliklar o'rtasidagi aloqa tasavvuri shuki, ular bir tilda muloqot qilishda ko'pincha lingvistik va madaniy xususiyatlarni hisobga olmaydilar, bu ba'zan aloqa kanallarini qisman to'sib qo'yishiga olib keladi. Chunki, turli hududiy va milliy variantlarda mavjud bo'lgan ko'p millatli tillar sharoitida aloqaning muvaffaqiyati muloqot ishtirokchilarining madaniy va lingvistik vakolatlari darajasiga bog'liq. Fransuz tili asrlar davomida Belgiyaning rasmiy tili bo'lib kelgan va mamlakatning ushbu tilda so'zlashadigan aholisi asosiy aloqa vositasi sifatida foydalanib kelinadi. Umuman olganda, Belgiya ko'p tilli davlat hisoblanib va turli madaniyatlarning (Frantsiya va Belgiya) yagona tilda iz qoldirishini o'z ichiga oladi.

Yagona davlat ya'ni Belgiya Qirolligi doirasida turli xil tillarda (fransuz, flamand va nemis) bir biri bilan aloqa so'zlashuvi qanday amalga oshiriladi? Belgiyaliklarning o'zlari muloqot qilishda foydalanadigan xududiy til bormi?

Fransuz tilining variantlaridan biri Belgiyaning fransuz tilisi bo'lib, unda til siyosati bir nechta tillar aloqada bo'lgan yoki hatto ziddiyatli vaziyatga nisbatan qo'llaniladi. Belgiyaliklarning fransuz tili shakli fransuz tilining milliy ko'rinishidir, bu ko'rinishlarning vasifalari bir nechta sohalarda muvofiqligi bilan tavsiflanadi: amaldorlik darajasi, milliy adabiy me'yorning darajasi, aholining mutlaq soni uchun mahalliy maqomi, ijtimoiy vazifalar va lingvistikaning to'liq hajmini ishlatadigan va madaniy xususiyatlariga ega. Tildagi o'zgaruvchanlik odamlarning aloqasi, tafakkuri va ijtimoiy moslashuvi vositasi bo'lib xizmat qilishiga imkon beradi.

Belgiyadagi fransuz tili odatda **belgisizm** deb ataladi va bu jarayon o'ziga xos xususiyatlarga ega. Bu variant qo'shni mintaqalardan, Belgiya bilan chegaradosh mamlakatlardan tashkil topgan so'z yasashning maxsus lingvistik ko'rinishidir. Mavjud barcha Belgisizmlar grammatik tizimga chuqur kirib bormasdan va hech qanday so'z turkumlarini o'zgartirmay, uning me'yoriga va aksariyat hollarda his-hayajon va ekspresiv ohangli nutqqa faqat yuzaki ta'sir qiladi. Belgiya bilan yaxshiroq tanishish, gastronomiya olamiga sayohat qilish, urf-odatlar va tarixini o'rganish, kundalik hayotiga singib ketish uchun ushbu maxsus leksik birliklarning atigi ikki yarim mingdan ortiq so'zlari mavjud ekan. Belgiyaliklar odatda turli atamalar bo'yicha belgisizmlardan foydalanadilar, ba'zida bu nomlanishlar Frantsiyaning fransuz tilisiga aloqasi yo'q. Hozirgi tarixiy vaziyatni hisobga olgan holda fransuz Belgiya tili o'ziga xos xususiyatlarga ega. Aslida Belgiyada fransuzcha **pincée** f o'rniga noquette f; **banes** f - savat, fransuzcha korbeille f yoki panier m so'zi o'rniga; **gugusse** m - masxaraboz, fransuzcha kloun m so'zi o'rniga ishlatiladi. Shuningdek, belgiyaliklar orasida Frantsiyada asta-sekin ishlatilmay qolgan va u erda eskirgan nomlanishlarni, masalan, **jatte** f - chashka; **appropriation** f - xonani tozalash; **amusette** f - beparvo odam kabi so'zlarni kundalik hayotida ishlatishadi. [3: 127]. Agar ushbu so'zlar Frantsiyaning fransuz tilida uchraydigan bo'lsa, unda boshqa ma'noni anglatishi mumkin. Bunga qaramay, shuni ta'kidlash kerakki, ular orasida biron bir yordamchi fe'l yo'q, bu yana bir bor belgiyaliklar fransuz tilining tuzilishiga hech qanday o'zgartirish kiritmasligini, aksincha, belgilangan qoidalarga qat'iy rioya qilishlarini ta'kidlaydi. Belgiyadagi fransuz tili normasi bo'yicha ko'pgina fe'llar uslubiy ma'noga ega va ko'pincha og'zaki nutqda ishlatiladi. Ular orasida **berdeller** v.intr. - g'azablanmoq; **barloquer** v.intr.- ilib qo'ymoq.; **taniser** v.tr.- bezovta qilmoq; **rafantir** v.intr.- bolalikka tushish; **prober** v.intr.- harakat qilib ko'ring; eskirgan fe'llardan **fransquillonner** v.intr. va buning ma'nosi Belgiyaning Flandriya qismida fransuz tilida qanday to'g'ri gapirishni anglatadi demakdir. [4:43] Shu qatorda, sifatlarlarning belgisizmdagi holatini ko'rib chiqamiz. Rasmiy sohada ishlatiladigan sifatlar orasida quyidagilarni ta'kidlash kerak: **legislatif** - qonunchilik; **maioral** - Burgomaster; **parastatale** - yarim davlat. Insonga nisbatan ishlatiladigan sifatlar orasida biz quyidagilarni ajratamiz: **pelant** - bezovta qiluvchi; **macasse** - engil; **nishe** - iflos; **nareux** - jirkanch kabilar. Shuningdek, belgiya tilida **franc** sifati dadil, jasur ma'nosini tushunilsa, fransuz tilida esa "ochiq, chinakam" degan ma'noni beradi; Belgiyada **belgeois** sifati belgiyaniki deb tusunilsa va bu so'z fransuz tilida **belge** ko'rinishini ifodalaydi. [6: 229] So'nggi misol qaysidir ma'noda Belgiya o'ziga xosligining namoyonidir. Fransuz tilining Belgiya tilidagi misollarning o'ziga xos xususiyati shundaki, unda uchta son - raqam mavjud bo'lib, ular Frantsiya



fransuz tilida ishlatilmaydi. Bular: septant 70 - etmiş; huitante 80 - sakson; nonante 90- to'qson (Frantsiyaning fransuz tilida soixante-dix, quatre-vingt, quatre-vingt-dix deb ataladi). Ushbu sonlar nomlanishlari sanashga va aytishga qulay chunki, fransuz tilida bu sonlar nomlanishlari uch yoki to'rt sonlardan tashkil topgan bo'lib ayniqsa til o'rganuvchilarda eslab qolishda qiyinchilik kuzatiladi.

Belgiyadagi fransuz tili ingliz madaniyati ta'sirida bo'lganligi sababli so'nggi o'n yilliklar ichida ushbu tilda juda ko'p inglizcha so'zlar paydo bo'ldi. Asosan, bu Belgiyaning iqtisodiy va siyosiy madaniyatining yuksalishi hamda butun dunyoda ingliz tilining ommalashishi bilan bog'liqdir. Biroq, hozirda ham Belgiyada ingliz tilidan mustasno darajada bu so'lar muloqot jarayonidan asta xalos bo'lish vaziyatlari kuzatilmoqda. Shunisi e'tiborga loyiqki, ko'p asrlar davomida fransuz tili Belgiyaning fransuz tili shaklida iz qoldirgan vallon atamaları bilan kurashgan. Ularning soni oz bo'lsa ham, Belgiyaning fransuz tilida so'zlashadigan aholisi tomonidan keng qo'llaniladi. Vallon lahjalaridan kelgan eng ko'p ishlatiladigan so'zlar orasida biz quyidagi so'zlarni qayd etamiz: **zuner** v.intr.- shovqin qilmoq; **racabouillir** v.tr.- uzoq vaqt qaynatiladi; **rameter** v.intr.- uzoq vaqt suhbatlashish; **pertaine** f - qulash, salto; **maronne** f – shim va h., shu bilan birga, biz ushbu so'zlarning aksariyatini so'zlashuv nutqida ishlatilishini kuzatamiz. [5: 317]

Texnologiyalar sohasida **GSM** (yoki shunchaki G) - mobil telefon kabi belgisizmlar bor, fransuz tilida **portable**- mobil telefonni anglatadi; portable so'zini Belgiya variantidagi noutbuk deb tushuniladi; **friture** - belg. bu so'z friturnitsa degan ma'noni anglatadi ya'ni kartoshka qalamchalarini yo'gda pishiradigan uskuna; **percolateur** – qahva tayyorlaydigan uskuna, shunisi e'tiborliki, bu so'zlar fransuzcha lug'atda mavjud emasligi bilan ajraladi. Qandolatchilik sohasida belgiyaliklar oldinga qadam tashladilar va o'z so'z boyligini kengaytirdilar: **gozette** - ichida mevasi bo'lgan pishiriqlar; **praline**- shokolad ; **speculoos**-pechenye ; **cuberdon**- chirinlik turi ; **pistolet** – hotdog tushuniladi. Bunday misollar belgisizm lug'atida ko'p songa ega va bu so'zlar belgiyaliklarning til madaniyati ko'rinishini o'z ichiga oladi . Bundan kelib chiqqan holda, Belgiyada fransuz tilining shakllanishiga nafaqat Frantsiyaning fransuz tilisi, balki flamand, ingliz, shuningdek mahalliy, vallon lahjalari ham ta'sir qilganini ko'ramiz. Ammo biz yana bir bor ta'kidlaymizki, yuqorida aytib o'tilgan tillardan o'tgan so'zlar Belgiyaning fransuz tilisiga ifodalilikni qo'shadi, ya'ni uning grammatik tuzilishini buzmasdan, bir butun til singari imkon qadar Frantsiyadagi fransuz tilining yaqinroq me'yoriga yo'ndashadi. Belgiyaning fransuz tilisida juda ko'p turli xil so'zlashuv so'zlari mavjud, ammo jargon so'zlashuviga kelsak, ular faqat uchta guruhda aks ettirilgan: talaba orasida, harbiy lug'at va bolalar tilida. Talabalararo so'zlashuv muloqot jarayonida asosan o'quv jarayoni bilan bevosita bog'liq bo'lgan so'zlar, o'quvchilarning shaxsiy hayoti bilan bir qatorda o'quvchilarning xazillarining turli xil usullarini aks ettiruvchi so'zlar kiradi. Talaba hayotida qandaydir tarzda bog'liq bo'lgan leksik birliklar orasida quyidagi so'zlarni qayd etish mumkin: **kot** m - talaba xonasi; **pette** f - imtihondagi muvaffaqiyatsizlik; **copion**- ko'chirib olish nusxasi ; **plate** m – qoniqarsiz baho; bloquer v.tr., v.intr.- astoydil yod olish. Bir vaqtning o'zida uchta fe'llar **peter** v.tr., **buser** v.tr. va **mofler** v.tr. talabaning imtihonda muvaffaqiyatsiz bo'lishini anglatadi. Talaba argosining darsdan tashqari so'zlari ularning ko'ngil ochishi bilan bog'liq. Masalan, **gundailer** v.intr.- fe'l o'quvchilarning ziyofat qilishni anglatadi; **faire un a-fond** - oxirigacha ichish; **bibitit** f - talabalarning ichkiliklar ichishi ; **roulade** f - restoran va kahvaxonalarga tashrif buyurish anglanadi. Biroq, bu juda qiziqarli so'zlar va frazeologik birliklar orasida kundalik talabalar hayotini tavsiflovchi leksik birliklar ham mavjud. Masalan: **koteur** m - alohida xonadonda yashovchi talaba; **cokoter** v.intr.- yotoqxonada xonadosh bo'lish; **cokoteur** m - xonadoshi; **penne** f - talaba kepikasi. Ammo, shuni ta'kidlash joizki, talaba argosiga mansub leksik birliklarning aksariyati so'zlashuv nutqida ishlatiladi va ba'zan kamsituvchi ma'noga ega. Biroq, bu Belgiyadagi barcha talabalar imtihonda muvaffaqiyatsizlikka uchraydi va kechqurun bar va restoranlarda spirtli ichimliklar ichadi degani emas. Aytish joizki, ushbu so'zlar o'quvchining so'z boyligini faqatgina ifodalilik bilan to'ldiradi. Bolalar so'z boyligiga tegishli so'zlar orasida quyidagilarni ta'kidlash mumkin: **bebelle** f - o'yinchoq; **bibiche** f – hayvonni tasvirlovchi o'yinchoq; **bebette** f – uloqcha kabilar. Agar siz ushbu so'zlarning tuzilishiga nazar tashlasangiz, ularning deyarli har biri fransuz tilidagi bébé m- chaqaloq so'zi asosida shakllanganligi oydinlashadi. Harbiy argoning so'zlari orasida quyidagi so'zlarni ta'kidlash kerak: **pinnemouche** m - pomponli politsiya bosh kiyimlari; **rappel** m - zahira; **kit-bag** m - askarning sumkasi; **milice** f - harbiy xizmat, armiya. [2:75] So'zlashuv lug'atidan tashqari, uslubiy ma'noga ega bo'lgan barcha belgiyaliklar tilning eskirgan so'z boyligiga kirishi mumkin. Belgiyada fransuz tilining o'ziga xos xususiyati shundaki, unda gastronomiya, ta'lim va ma'muriy masalalar bilan bog'liq ko'plab so'zlar va iboralar mavjud.

Bu davlatda fransuz tiliga xos bo'lgan so'zlar va iboralarni ko'rib chiqsak, ularning barchasi "mustaqil til" ni tashkil etmaydi, balki fransuz tilining o'ziga xos xususiyati sifatida qaraladigan leksik birliklarning kichik guruhi sifatida paydo bo'ladi. Ushbu leksik birliklar tilning grammatik tuzilishiga ta'sir qilmaydi, shuning uchun Belgiyaning fransuz tilisi o'zining shakli va tuzilishi bo'yicha Frantsiya hududida mavjud bo'lgan fransuz tilining me'yoriga juda yaqin desak bo'ladi. Biroq, fransuzlar va belgiyaliklar har doim ham bir-birini tushunishmaydilar ! Yuqorida aytib o'tilganidek, fransuz belgiya tili shaklida turli xil lahjalarning aralashishi natijasida Frantsiyadan kelgan fransuzlar uchun ham tushunish qiyin bo'lgan so'zlar va iboralar ko'pligi sababli anglashilmovchiliklar keltirib chiqaradi. Ba'zi bir holatlarda, fransuzlar va belgiyaliklar o'rtasida ziddiyatli, lekin ba'zan kulgili daqiqalar mavjud bo'lib, unda suhbat mavzusi kalit so'z atrofida qurilgan bo'lib, uning noto'g'ri tushunilishi kommunikativ muvaffaqiyatsizlikka olib keladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Klokov V.T. Frantsiyadan tashqarida fransuz tilining lug'ati. 2000. -- 496 bb.
2. Delronche R. La Belgique et les langues // Российская франкофония, 2001. С. 75 – 81.

3. Droixhe D. Le francais aux XVII et XVIII siecles // Le francais en Belgique. – Bruxelles: Duculot, 1999. – C. 127-152.
4. Francard M., Geron G. Note sur la legitimisation des particularites lexicales de la Communaute francaise Wallonie-Bruxelles: Y a-t-il des emprunts “de bon aloi?” , 1997. – 43 c.
5. Francard M. Le francais dans l'espace francophone. – Paris, 1993. – C. 317-332.
6. Francard M. Le francais en Wallonie // Le francais en Belgique. – Bruxelles: Duculot, 1999. – C. 229-237.

UO'K 808.3

### TEMPORAL KOMPONENTLI GIPOTAKSEMALARNING QIYOSIY TADQIQI

*M.Yigitaliyeva, o'qituvchi, Qoqon davlat pedagogika instituti, Qoqon*

**Абстрактлик** – «Чиройли», «Меъёридагидек» ва «Ҳақиқатда» каби абстракт сўзлар аниқ бўлмай, унда баҳолаш равшанлиги йўқ. Аниқлик ўз индивидуал тажрибасига суянишни англатади.

**Манманлик рекламаси**. Бундай реклама – реклама берувчига эмас, аудиторияга қаратилиши зарур. Истеъмолчининг талаблари ҳақида гапириш керак.

**Инкорни қўллаш**. Яхшиси бундан қочган маъқул. Ўқувчи ижобий ҳолатларни ёқтиради.

**Эвфемизмлар** – кўпол, беадаб гапларни пардали қилиб айтиш. Масалан, «ноқулайлик туғдирадиган намлик» (терлаш) ва ҳ.к.

**Диффамация** – реал (ҳаётдаги) одамларни салбий томондан тасвирлашга йўл қўйиб бўлмайди.

**Шахсий исмлар** – чунки адашлар ёки фамилиядошлар бўлиши мумкин.

**Жузрофий номлар** – савдо белгисини ҳимоя қилишни таъминлаш қийин бўлиб қолади.

**Янги номлар** – муваффақиятли чиққан ҳолатлар ҳам бўлади («Кодак»).

**Бош ҳарфлар (инициал) ва рақамлар** – муваффақиятли ҳолатлар учраб туради (Ай-Би-Эм). Бироқ, умуман олганда уларни онда-сонда алоҳида қўллаш тавсия этилади.

**Фирма номи** – муваффақиятли қўлланилган мисоллар бор.

**Лицензияланган номлар** – бу атамаларни чекланган даражада қўллаш мумкин" [5].

Агар товар ёки хизматларни тақдим этадиган компания, ташкилот таниқли бўлмаса, у ҳолда ушбу компания ҳақидаги маълумотни ҳам реклама матни мазмунига қисқа шаклда жойлаштириш талаб этилади. Бу эса истеъмолчи матн мазмунини баҳолаши ва уни ўқиш ёки ўқимаслигини таъминлайди. Шунинг учун, иложи борича реклама матни жозибатор ва мазмунли, қолаверса маънига тўғри келадиган бўлиши керак.

#### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Македонцева А.М. Функции рекламных текстов. Языкознание и литературоведение. – Москва, 2009. С.186-190.
2. Sobirova D.R. Tibbiy reklamalarda yo'l qo'yiladigan xatolar xususida // "O'zbekistonda ilmiy-amaliy tadqiqotlar" mavzusidagi Respublika 22-ko'ptarmoqli ilmiy masofaviy konferensiya materiallari. Noyabr 2020 yil. -Toshkent: Tadqiqot, 2020. - 104 b.]
3. Трайковская Н.П. Извлечение имплицитной информации в рекламном тексте с точки зрения его гендерных особенностей. Автореф.канд. фил. наук, Москва, 2016. С.27-28.
4. Феофанов О.А. Реклама. Новые технологии в России / О.А. Феофанов. – СПб.: Питер, 2000. – 377 с.
5. Эшбек Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама. ЎЗМУ. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2019.

УЎК 808.5

#### БАДИЙ АСАРДА ПАРЕНТЕТИК КИРИТМАЛАРНИНГ ЭКСПРЕССИВЛИГИ ВА СТИЛИСТИК ВАЗИФАЛАРИ

*Г.М. Ибрагимова, ўқитувчи, Андижон давлат университети, Андижон*

*Аннотация. Мақолада парантезининг экспрессивлиги ва стилистик вазифалари таҳлил қилинади.*



*Калим сўзлар:* парантеза, модал сўзлар, киритма, стилистик вазифа, актуаллашув, экспрессив синтаксис.

*Аннотация.* В статье речь идет о экспрессивности и стилистических функциях парантезы.

*Ключевые слова:* парантеза, модальные слова, вводные, стилистическая функция, актуализация, экспрессивный синтаксис.

*Abstract.* The article presents about the expressiveness and stylistic functions of parenthesis.

*Key words:* parenthesis, modal words, introductory, stylistic function, actualization, expressive syntax.

Бадий асарда тилнинг барча ифода воситалари стилистик вазифага эга ва ижодкорнинг образлар тизимини ва ғояларини ифодалаш учун хизмат қилади. Бирок, агар лексикологик таҳлил даражасида нормадан чекинишни аниқлаш етарли даражада осон бўлса, синтактик таҳлил даражасида эса буни бажариш анча мураккаб бўлиб қолади. Бундай ҳолатни “синтактик муносабатлар - бу нутқнинг шу томоники, у ерда деярли барча нарса тайёр нарсанинг оддийгина такрори эмас, балки амалга ошадиган имкониятлар, яширин имкониятнинг актуаллашуви сифатида тасаввур қилинади”, - деб қайд қилади Г.Винокур. Синтаксисда “яна янги материаллар (масалан, худди лексикадаги каби) яратилмайди”, фақат янги муносабатлар яратилади, чунки нутқнинг барча синтактик томони маълум грамматик шаклларнинг бирикувидан бошқа нарсани намоён қилмайдилар, бу маънода жиддий равишда моддий эмас” [6].

Шундай бўлса-да, бадий асарда хилма-хил синтактик воситалар ўзига хос экспрессивликка эга бўлмаслигини тасаввур қилиш муғлақо шак-шубҳасиздир. Синтактик воситалар стилистик жиҳатдан инсоннинг туйғуларини ва кечинмаларини акс эттириш, хабар қилинаётганга унда эмоционал реакцияни – севги ва нафратни, қувонч ва қайғуни, фахр ва уятни ва ҳ.к.ни уйғотиш, яъни қайғудош бўлиш билан аниқланади” [1]. Экспрессив синтаксиснинг муаммолари ҳозирги тилшунослигида долзарблик касб этади, бу матн структурасини, тил шахсини нутқ фаолиятининг субъекти сифатида, сўзлашув, оғзаки-диалогик нутқнинг прагматик жиҳатларини, сўзловчи ва адресатнинг ўзаро муносабатларини, нутқ ифодалилигини кучайтиришнинг товуш воситаларини ва унинг идрок қилувчига таъсирини интензив ўрганиш билан боғлиқдир [1]. Экспрессив синтаксиснинг тадқиқоти муҳимлигини академик В.В.Виноградов кўрсатиб тилшуносликнинг биринчи навбатдаги вазифалари қаторига “синтактик конструкциянинг комбинацияларига хос бўлган экспрессив - ифодали, тасвирий нозик фарқларни” киритишнинг кечиктириб бўлмайдиган зарурияти ҳақида гапирган эди [5]. Ушбу мақолада бадий асар матнида қўлланувчи парентетик киритмаларнинг стилистик вазифалари кўриб чиқилади.

Нутқ тузишнинг услуги алоҳида ифодали потенциалга эга ва айнан шунинг учун, гапнинг айрим бўлаклари (масалан, эргашиш, феъл конструкциялари ёрдамида модалликни етказиш) ўртасида бошқа синтактик тузилиш билан алоқасининг семантик эквивалентлигига қарамадан, айрим вазиятларда муаллифнинг фикрини айнан бир хил ифода этувчи парентетик конструкцияларга афзаллик берилади. Бу жиҳатдан парентетик киритмалар матн шакллантиришнинг синтактик-стилистик ифодали воситалари бўлган инверсия, санаш, параллел конструкциялар ва бошқаларга ўхшашдир. Демак, парентетик конструкция – бир вақтнинг ўзида ҳам синтактик, ҳам стилистик тушунчадир, чунки бу ҳам гап элементларини шакллантиришнинг маълум типи, айни пайтда матнни стилистик хусусиятларини аниқлашнинг бир усулидир. Парентетик киритмаларнинг стилистик вазифалари (бошқа барча даражалар элементлариники каби) уларнинг тил структураси асосида пайдо бўлади ва уларнинг шакли ҳамда мазмунида намоён бўлади. Шакл типидagi киритмаларга кундалик ҳаётда қўлланувчи сўз ва сўз бирикмалар **perhaps, as a matter of fact, of course, however** кабилар киради.

Киритмаларнинг мазмуни ҳавола, экземплификация, делиберация ва аниқлаштириш призмаси орқали амалга ошади. Просодик воситалар билан бирикмада парентетик киритмалар экспрессив стилистик усулга айланади ва маънонинг оддий, эҳтироссизликдан тортиб то энг кескин ҳаяжонлигача бўлган турли нозик фарқларини ифодалайди.

Киритмаларнинг стилистик маъноларини таъсири контекстга, ўқувчининг оғзаки-бадий матнни қандай тушунишига боғлиқ. Матн мазмунининг ўқувчи томонидан идроки просодияда (ҳам ташки, ҳам ички нутқда) акс этади. Ва аксинча, ўқилаётган матннинг просодик расмийлаштирилишига қараб унинг мазмуни идрок қилинади. Нутқ асарининг шакли ва мазмунининг диалектик бирлиги мана шунда намоён бўлади. Оғзаки-бадий ижодиёт асарларида шакл ва мазмуннинг бирлиги ҳақидаги методологик қоида мулоҳазанинг просодиясини ва ҳар хил киритмалар орқали бериладиган стилистик самараларнинг амалга ошишини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш заруриятини шарт қилиб қўяди [3; 4; 7].

Киритмаларнинг синтактик просодияси киритма асосий лексик маъносининг амалга ошишига қўмаклашади.

Парентетик киритмалар стилистик вазифаларининг ҳар томонлама таҳлили мулоҳазаларда юқори синтактик просодиянинг ишлатилишини ўрганиш заруриятини белгилаб беради. Юқори синтактик просодия деганда у ёки бу сўзни ёки мулоҳазанинг бир қисмини унга тингловчиларнинг диққатини тортиш мақсадида ажратиб кўрсатиш (мантикий юқори синтактика) ва мазмуннинг эмоционал-баҳолаш ўзгачалигини етказиш (тембрал юқори синтактика) учун хизмат қиладиган просодик воситаларнинг комплекси тушунилади [9]. Юқори синтактик просодияга тўхташ, овоз ҳаракати, товуш баландлиги, диапазон ва суръат билан бир қаторда юқори синтактик воситаларга товушнинг ранг-баранг тембрал сифатлари, шунингдек бирга келадиган нутқ ҳосил қилиш воситалари ҳам киради [10].

Тадқиқ қилинаётган материал таҳлиliga ўтаётиб, таъкидлаш керакки, нутқнинг хилма-хил экспрессив-эмоционал-баҳолаш коннотациясини ифодаловчи юқори синтактик просодия ҳар қандай парентетик интерполяция билан бирга келиши ва у ёки бу даражада уларнинг мазмунига таъсир қилиши мумкин. Шу билан бирга, парентетик киритмаларнинг хилма-хил категориялари ҳар хил экспрессив потенциалга эгадирлар. Ҳақиқатан, кундалик ишлатилувчи кириш сўзлар ва сўз бирикмалар гапнинг модаллигига сезиларли даражада таъсир ўтказадилар [8].

Бу жиҳатдан тадқиқ қилинаётган материални, синтактик ва юқори синтактик просодиянинг амалга ошишини бир-бирига қарши қўйиб қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

*"Margot? No, I haven't seen her at all. I don't believe she's terribly well", said one of them, "or perhaps she's lost somewhere in the house. Peter will know".* (EW - 130)

Тахминнинг модал маъноси фақат **"perhaps"** кириш сўзининг лексик маъноси билан ифодалангани. Киритма қолган гапнинг қолган қисмига қараганда қисқартирилган ораликда, тезлаштирилган суръатда ва овозни пасайтирилган ҳолда талаффуз қилинади. Ушбу ҳолда синтактик просодия кириш элементининг гап таркибига кириш фактининг ўзинигина кўрсатиб, грамматик вазифани бажаради. Бошқа мисолга эътиборимизни қаратайлик:

*"Rest, rest and riches", he said – "it's only after forty one begins to value things of that kind. And half one's life, perhaps, is lived after forty.* (EW, 131)

Олдинги мисолдан фарқли равишда, **"perhaps"** сўзининг лексик маъноси билан ифодаланган тахминнинг маъноси бу сўзни талаффузнинг сусайтирилган суръати, киритмани алоҳида синтагмага ажратиб юборувчи оҳангнинг ва паузаларнинг баланд кўтарилиши ёрдамида просодик ажратиб кўрсатиш ҳисобига кучаяди. Просодик воситаларнинг бундай комплекси олдинги мисол билан солиштирилганда кириш сўзини гап таркибини катта коммуникатив аҳамият билан таъминлайди, натижада унинг ёрдамида етказилаётган модал маъно янада ёрқин ифодаланган бўлиб қолади. Яна мисол келтирамиз.

*"Of course I sometimes wonder what's happened to all the folks at Blackstable. I suppose they're most of them dead by now and I expect they think I am too".* (C and A - 188)

Мисолдан кўриниб турибди-ки, **"of course"** киритмасининг лексик маъноси билан ифодаланган узил-кесиллик даражаси унинг нейтрал синтактик просодия билан шакллантирилганлиги сабабли анча-мунча кучсизланган киритма амалий жиҳатдан асосий матндан ажратилмайди.

*"Are you in England for long?"*

*"Why, I live in England, of course", said Lady Circumference.* (EW - 91)

Гапнинг охириги позициясида турган кириш сўзи **"of course"** якунловчи пасаювчи оҳанг билан, диапазоннинг анча паст қисмида, сусайтирилган суръат билан, ўша товуш баландлигида талаффуз қилинади ва алоҳида синтагмага ажратилган. Қайд қилиш жоизки, киритмаларнинг юқори синтактик просодияси ҳар доим ёзувда тиниш белгилари билан ажратилади.

*Next day Mr. Prendergast's self-confidence had evaporated.*

*"Head hurting? asked Grimes.*

*"Well, as a matter of fact it is rather".*

*"Eyes tired Thirsty?"*

*"Yes, a little".* (EW - 99)

Ушбу контекстда **"as a matter of fact"** киритмаси нейтрал синтактик просодия билан талаффуз қилинади ва гапда ажралиб турмайди, шунингдек, вергул билан ажратилмайди (вергул **"well"** сўзини ажратиб кўрсатади).

*"I read Shakespeare", said, Chokey, Hamlet, Macbeth, King Lear. Ever read them?"*

*"Yes", said the Doctor; "as a matter of fact, I have".* (EW - 92)

Юқоридаги гапда ўзининг жавоби билан босар-тусарини билмай қолган Чоукининг кўнглини топиш учун доктор журъатсизликни ифода этиб, ўзининг киноясини яширади. **"as a matter of fact"** кириш бирикмаси товушни пасайтириш, суръатни сусайтириш билан талаффуз қилинади, товушда **"yes"** ва **"matter"** сўзларида титраш пайдо бўлади.

*Paul listened patiently, as was his habit. SirHumphrey's wordsflowed easily, because,as a matter of fact, he wasrehearsing aseries of articles he had dictated the evening before for publication in a Sunday newspaper.* (EW - 132)

Кириш конструкцияси **"as a matter of fact"** юқори синтактик просодия туфайли киноявий тусга: бироз кучайтирилган овозга, сусайтирилган суръатга, диапазоннинг кўтарилишига, шунингдек паузалар билан ажратилишга эга бўлади. Айтилгандан келиб чиқадикки, кўп ҳолларда киритманинг лексик маъноси просодик воситаларнинг конкрет комплексини ишлатиш ҳисобига кучайиши ёки сусайиши мумкин. Ҳар бир конкрет ҳолда модал маъноларни аниқлашда барча мулоҳазанинг просодик шаклланишидан ташқари контекстни ҳам эътиборга олиш керак, чунки кириш элементларининг лексик (луғавий) маъноси бу икки омилнинг таъсири остида сезиларли ўзгаришларга учраши мумкин.

#### ҲИДОДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Александрова О.В. Проблемы экспрессивного синтаксиса. - М., 1984. – С. 45.
2. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка /стилистика декодирования/. -Л., 1981. - С.47.
3. Ахманова О.С., Минаева Л.В. Место звучащей речи в науке о языке. - Вопросы языкознания, 1977. №6. - С. 44-51.

4. Баранова Л.Л. Единство и взаимодействие устной и письменной форм научного изложения /на материале английского языка/: Автореф. дисс...канд. филол. наук. - М.,1983.
5. Виноградов В.В. Итоги обсуждения вопросов стилистики. - Вопросы языкознания, 1955. №1. - С. 61.
6. Винокур Г. Маяковский - новатор языка. - СП, 1943. - С. 15-16.
7. Зиндер Л.Р. Общая фонетика. - Л.,1960.
8. Лашкевич О.М. Роль вводных слов и словосочетаний в выражении модальности текста: Автореф. дисс...канд. филол. наук. - М., 1984.
9. Минаева Л.В., Миндрул О.С. О тембральной сверхсинтактике английского языка. - В кн.: Фонетика и психология речи. - Иваново, 1980. - С. 136-150.
10. Миндрул О.С. Тембр II в функциональном освещении: Автореф. дисс...канд. филол. наук. - М., 1980.
11. Waugh Evelyn. Prose.Memories.Essays. - М., ProgressPublishers, 1980. (EW)
12. Maugham W.S. Cakes and Ale: or the Skeleton in the Cupboard. - М., Progress Publishers, 1980. (C and A)

УДК 413.19

## ПРИНЦИПЫ СОСТАВЛЕНИЯ МНОГОЯЗЫЧНОГО ТЕМАТИЧЕСКОГО УЧЕБНОГО ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОГО СЛОВАРЯ

(на основе узбекского, русского и английского языков)

*М.Т. Инамова, преподаватель, Андижанский государственный университет, Андижан*

***Annotatsiya.** Maqolada uchta turli tizimdagi o'zbek, rus va ingliz tillarida ko'p tilli o'quv tematik frazeologik lug'atini tuzishning tamoyillari to'g'risida so'z boradi. Shuningdek, o'quv frazeologik lug'at tuzishning lingvistik va didaktik tamoyillari atroflicha yoritilib o'tilgan. Asosiy e'tibor frazeologik uyalarga kiradigan frazeologik birliklarni tanlab olish va lug'atga qay tartibda joylashtirishga qaratilgan, shuningdek, maqolada ma'lum bir mavzulashirilgan guruhlar misol tariqasida keltirib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:** frazeologiya, frazeografiya, o'quv lu'g'ati, turli tizimdagi tillar, tamoyil, tematik-ideografik tamoyil, chastota tamoyili, minimizatsiya tamoyili.*

***Аннотация.** В статье речь идет о принципах составления многоязычного тематического фразеологического словаря учебного типа на основе трёх разносистемных языков (узбекского, русского и английского). Автор статьи доказывает актуальность составления подобного рода словаря и приводит в пример тематические группы, относящиеся к различным сферам человеческой деятельности. Также, приведены определение термина фразеологизм и учебная фразеография. Наряду с этим, подробно описаны лингвистические и дидактические принципы составления учебного фразеологического словаря.*

***Ключевые слова:** фразеология, фразеография, учебный словарь, разноуровневые языки, принцип, тематико-идеографический принцип, принцип частотности, принцип минимизации.*

***Abstract.** This article is devoted to the very urgent problem of identifying basic principles of compiling an educational phraseological dictionary, which is based on three split-level languages: English, Russian and Uzbek. In addition, the given article reveals the most specific aspects of the above-mentioned dictionary, that all the selected phraseological units will be represented in a thematic order and nests.*

***Key words:** Phraseology, phraseography, educational dictionary, split-level languages, principle, thematic-ideographic principle, principle of frequency, principle of minimization.*

В настоящее время во всём мире идёт процесс глобализации, т.е. процесс интегрирования народов мира во всех аспектах их жизнедеятельности. Следовательно, знание хотя бы одного иностранного языка уже является требованием общества. Известно, что английский язык является международным языком, который открывает новые возможности для каждого человека. Зная английский язык, можно принимать участие в различных международных конференциях, симпозиумах, семинарах. В связи с этим целесообразно отметить, что каждый ВУЗ Республики Узбекистан стремится к тому, чтобы предоставлять качественные образовательные услуги на высшем профессиональном уровне. Таким образом, создаются новые образовательные программы, основным источником обучения которых являются учебники и словари различных типов разработанные как носителями английского языка так и профессионалами в области методики преподавания английского языка как иностранного, которые посвящены разным областям науки. Значимость английского языка в современном мире очевидна и студентам, которые желают получить достойное образование в самых престижных университетах мира. Следовательно, активное общение студентов филологических вузов на английском языке предполагает владение всеми его основными формами. Такой неотъемлемой частью английского языка являются фразеологические обороты, которые украшают любой язык, делают его яркими и неповторимым, но при этом достаточно трудными для понимания. Частое их использование повышает как языковой так и культурный уровень изучающих английский язык. Из этого можно сделать вывод, что все изучающие иностранный язык обязаны получить не только базовые знания целевого языка, но также изучить его фразеологический материал. Данный фактор является крайне важным, так как студенты (они являются адресатом нашей статьи) очень часто оказываются беспомощным в ситуации понимания более продвинутого, как письменного так и речевого материала, не говоря уже о реальном общении с носителями языка, так как не владеют знаниями конкретных реалий лингвистического характера.



Следовательно, студент-филолог, избравший изучение английского языка и обучение ему в качестве своей будущей специальности, не может считать своё лингвистическое образование достаточным без глубокого ознакомления с сокровищницей английского языка - фразеологическими единицами. Их употребление усиливает выразительность фразы, т.к. в большинстве из них присутствуют обобщенно-метафорический смысл, оценочность и эмоциональность.

Знание и наличие фразеологизмов в активном словаре студентов придает речи яркость, меткость, образность.

Систематическая и специально организованная работа над обогащением речи студентов и школьников фразеологизмами, усвоение их значений и особенностей, в конечном результате, способствует употреблению требует целенаправленной, Ю.А.Гвоздарев в своей книге «Рассказы о русской фразеологии» пишет об «экономичности» ФЕ, которые позволяют довольно экономно выражать сложные понятия. Подобную аналогию можно отнести и к английским фразеологическим оборотам, но для того, чтобы студент научился подобной лингвистической экономности речевых оборотов, ему следует точно перевести английские ФЕ, и дать им верное толкование применительно к контексту употребления.

Порой это является проблематичным из-за отсутствия в учебной фразеологической практике универсального типа словаря, который вооружил бы студента целым комплексом знаний по фразеологии и пробудил бы у него интерес к этой сложной и многогранной области лингвистики.

В первую очередь, следует привести определение понятия фразеологизм, по мнению, академика В. В. Виноградова-фразеологизм (фразеологический оборот) - это устойчивое сочетание слов с целостным обобщенно-переносным значением, возникшим на основе образного переосмысления (семантической трансформации) словесного комплекса.

Фразеологические единицы (в дальнейшем ФЕ) отличаются своеобразными художественно - выразительными достоинствами, предающими нашей речи образность, эмоциональность, лаконичность и выразительность.

Наука «фразеология», как самостоятельная отрасль, отделилась от лексикологии, которая изучает словарный состав определённого языка, в начале прошлого века и с тех пор её изучают видные учёные-филологи мира.

“Фронтальное и глубокое исследование лексико-семантических систем различных языков привело в своё время к выводу о целесообразности выделения устойчивых словесных комплексов, имеющих свои категориальные признаки в отличие от слов как единиц лексикологии. Именно эти комплексы стали предметом изучения новой дисциплины – фразеологии, в задачи которой входит исследование внутренних и внешних законов развития и образования фразеологических единиц, а также правил комбинации словесных знаков в составе устойчивых словесных комплексов и семантических и грамматических особенностей фразеологических единиц разных типов,” - отметил профессор М.И. Умарходжаев [3, С. 48].

Термин «фразеология» был введён в науку в 1970-е годы отечественным филологом, проф. М. И. Умарходжаевым, который в своих научных статьях изданных в городе Лейпциг дал такое определение «Фразеологией - называется наука, включающая в себя составление и практику применения фразеологических словарей»[4.С. 67].

Виднейшими учёными, исследовавшими эти сферы можно считать академиков Л.В. Щербу и В.В. Виноградова [2] и профессоров Н.Н. Амосовой, Н.М. Шанского, А.И. Смирницкого, А.В. Кунина, С.Г. Гаврина, А.И. Молоткова, А.М. Бабкина, и многих других.

В нашей стране тему фразеология стала предметом пристального внимания и изучения в начале 50-х годов XX века., Видными отечественными фразеологами, вполне обоснованно, можно считать учёных – профессоров старшего поколения таких как Ш.Рахматуллаева, А.Шомакудова, М.Хусаинова, М.Умарходжаева, М. Садыковой, М.Насилова, М.Абдурахимова и их последователей таких как А.Василжанова, О.Саноккулова и других. В ходе исследований ими были сделаны многие открытия в области фразеологии узбекского языка и составлены толковые, одноязычные и многоязычные фразеологические словари узбекского языка такие как, «Толковый фразеологический словарь узбекского языка» Ш.Рахматуллаева, «Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений», М.Садыковой, «Немецко-узбекско-русский словарь фразеологизмов» М.Умарходжаева и К.Назарова и другие.

Прежде чем дать определение термину «учебная фразеология», следует уточнить термин «учебный словарь», который сейчас определяется как «лексикографическое произведение любого жанра и объема, специально предназначенное для оказания помощи в изучении языка как средства передачи своих и восприятия чужих информационных состояний»

- Каким должен быть учебный словарь?

Надо учитывать, что учебные словари это особый тип словарей. Прежде всего, учебные словари характеризуется обучающей направленностью и используется как один из инструментов в учебном процессе. Учебный словарь - это не только лексикографическое произведение, в котором даются характеристики слова как единицы языка, но это также текст в широком смысле слова, создание которого является многоступенчатым процессом оформления некой идеи и проходит несколько этапов от замысла до воплощения, книгопечатного или электронного.

Как любое другое лексикографическое произведение, учебный словарь выполняет определенные функции. Определяя их, П.Н. Денисов пишет: «Учебным словарем мы считаем лишь такой словарь, в



котором минимальная лексическая система, составляющая его словник, в состоянии выполнить 4 функции: учебную, систематизирующую, справочную и нормативную». Выполнение всех присущих учебному словарю функций возможно только при соблюдении определенных требований, предъявляемых к словарю.

По мнению А.К. Сулеймановой, учебный словарь должен отвечать следующим требованиям:

- 1) однородность лексического состава (заголовочными единицами словаря могут быть только однородные объекты);
- 2) полнота (лексика словаря должна по возможности полно отражать какой-либо класс объектов, лексику какого-либо подязыка, т.е. содержать наиболее информативную, значимую лексику);
- 3) равномерность описания (объекты лексикографического описания должны быть проанализированы с одинаковой степенью подробности, равномерно);
- 4) различимость семантических объектов;
- 5) истинность содержащейся в словаре информации;
- 6) быстрота и легкость нахождения необходимого лексического объекта и получения необходимой информации».

- Что такое учебная фразеография?

По нашему мнению, учебная фразеография представляет собой самостоятельную часть более широкой предметной области - общей теории фразеографии.

Сущность «учебной фразеографии» как самостоятельной лингводидактической дисциплины заключается во взаимосвязи фразеологии и методики. Обучение фразеологии английского языка складывается из следующих взаимосвязанных и взаимозависимых элементов: обогащение словаря учащихся фразеологизмами, его уточнение и активизация, усвоение учащимися понятия фразеологизм и формирование умения пользоваться фразеологическим словарем.

Как известно, мировая лексикография накопила огромное количество лексических, фразеологических, паремиологических словарей как одноязычных, так и двуязычных. Кроме того, накоплен целый ряд теоретического и практического опыта по составлению различных типов словарей на различных языках. Вопросы двуязычных, а также многоязычных фразеологических словарей рассматриваются в работах Л.Э. Орловской, Е.Г. Багатуровой, Д.И. Квесиливича, М.И. Умарходжаева.[5]

Наряду с бесспорными достоинствами современных словарей, отбор и подача фразеологического материала ещё далеки от совершенства. Так, например, в словарях учебного типа фразеология часто отражается неравномерно и не систематически. Фразеологические единицы объединены заглавным словом, и поэтому такие словари не давали полного представления о подлинном фразеологическом составе языка.

Мы в нашей статье будем придерживаться того мнения, что тематико- идеографический принцип имеет более научное значение, нежели чем алфавитный принцип построения фразеологического учебного словаря.

Для формирования у студентов и педагогов устойчивых навыков для успешной фразеологизации речи, усиление мотивации к употреблению фразеологизмов, необходимо отобрать, а точнее сформировать специальный корпус учебного словаря фразеологизмов для усвоения студентами 1-4 курсов филологических факультетов, то есть провести обоснованный научно-методический отбор из общего фразеологического состава, не превышающего 1000 единиц.

В истории словарного дела одной из коренных проблем была и остается проблема расположения словарного материала. Особенно явно эта проблема проявляется при составлении фразеологического словаря учебного типа. Сам лингвострановедческий спектр демонстрации материала диктует определенный отход от традиционного алфавитного его расположения. Необходимость какого-то дополнительного организующего принципа, который позволил показать системные объединения фразеологизмов.

Исходя из специфики нашего адресата, а это студенты филологических факультетов, будет более целесообразно, при составлении нашего словаря привести более расширенный список тематических фрагментов, связанных с социальными явлениями в реальной жизни. Это связано с тем, что фразеологическая бедность речи студентов английских отделений, является большим недостатком и признаётся многими преподавателями-практиками. Студенты очень часто оказываются беспомощными в ситуации реального общения с носителями английского языка, так как не владеют знаниями конкретных реалий лингвистического характера. Знакомство с английской фразеологией – богатейшим пластом образно-эмоциональных и метафорически ярким, их устойчивых оборотов предполагает значительное увеличение словарного запаса и развития навыков использования фразеологических единиц в различных ситуациях речевого общения.

Кроме того, всегда следует обращать внимание на огромное количество фразеологических единиц, которые вообще не имеют нефразеологических синонимов и поэтому являются чуть ли не единственным средством выражения определенных понятий.

По этой причине уровень владения английскими фразеологизмами в количественном и качественном планах является крайне низким и этот факт является большим препятствием для полноценного решения коммуникативных задач при изучении английского языка.

В настоящей статье, учитывая богатый мировой опыт в области фразеологии и фразеографии, будут приведены основные принципы составления тематического фразеологического словаря учебного типа.

Прежде всего, необходимо определить понимание термина «тематический словарь», для того, чтобы чётко отграничить его от других пособий данного типа.

Тематический словарь как специфически-системное отображение реально существующей языковой действительности представляет языковую систему в виде ФЕ, разбитых по понятийным группам.

Необходимо учитывать тот факт, что тематические фрагменты должны быть актуальными, а не оторванными от реальной действительности. Например, вышеприведенные темы, а также такие фрагменты, как «Love and Friendship», «Marriage and Divorce», «Family and Relatives», «Disease and Treatment» могут вызвать, живой, неподдельный интерес со стороны студента.

Причем смысловая связь тематических групп предполагается на уровне не только фразеологического значения, но и самых общих представлений о соотносительности данных фразеологических единиц с той или иной темой. Из этого вытекает, что тематический словарь является словарем активного типа. Его назначение - предоставить фразеологический и отчасти фразеологическо-грамматический материал слов, для осуществления речевой деятельности в пределах отраженной в словаре тематики общения.

В наш проектируемый словарь мы планируем включить фрагменты, фразеологические единицы которых наиболее часто встречаются в учебной литературе, в программе преподавания на факультетах иностранных языков.

Наш тематический словарь представляет собой перечень тематически сгруппированных английских фразеологических единиц с переводом на русский и узбекский языки, точнее сказать их эквивалентами в вышеизложенных языках.

Небольшой объем нашего словаря предопределяет включение в словарь только тех ФЕ, которые приводились в текстах и упражнениях в учебных пособиях для студентов в процессе обучения в институте, а также высокочастотных ФЕ без которых тематическая группа была бы не полной.

На наш взгляд, подобный фразеологический тематический словарь может стать эталонным учебным словарем, в котором ФЕ будут располагаться по понятийным группам. В тематическую группу будут входить ФЕ обозначающие те или иные фрагменты лингвистических фрагментов мира.

Учебный словарь будет содержать около тысячи ФЕ - преимущественно идиомы, сгруппированные вокруг двадцати тем, наиболее необходимых как в процессе чтения учебных пособий и художественной литературы, так и в устном общении. Подобное тематическое деление очень целесообразно и, самое главное, очень удобно для студентов национальных групп, так как, изучая ФЕ, распределенные по понятийным группам, студент, наверняка должен будет знать ситуацию и контекст употребления ФЕ, во избежание курьезных и неловких моментов, в которых он может оказаться, не зная значения той или иной ФЕ.

Например, фразеологический оборот с ярко выраженной семантической слитностью компонентов «totalkshop», который дословно переводится как «говорить о покупках», имеет свое переносное значение как «говорить о делах» «иш юзасида гаплашмоқ» может быть абсолютно неправильно истолковано без знания фразеологии английского языка, которое студент может подчеркнуть только из фразеологического словаря.

Следует отметить, что при работе над словарем следует четко придерживаться определенных лингвистических и дидактических принципов.

Исходя из вышесказанного, дидактические принципы играют очень важную роль в составлении словаря учебного типа. Главный дидактический принцип минимизации фразеологического материала, который, как правило, происходит путем четкого отбора лексических единиц исходя из потребностей адресата.

Из этого следует, что крайне необходимо тщательно разработать как количественные, так и качественные параметры отбираемых фразеологических единиц. Это происходит путем анализа и сопоставления словарных статей из различных словарей.

Следующий по степени важности дидактический принцип - это принцип расположения ФЕ, так как этот фактор должен несомненно облегчать учащимся процесс усвоения новых слов и словосочетаний. Наиболее оптимальный вариант объема учебного словаря будет от 500-1000 ФЕ. Для успешного составления макета тематического учебного словаря следует очертить ряд существенных проблем.

Необходимо определить количество и качество фразеологического материала (минимума), входящего в словарь. Эта проблема является узловой для большего количества, как лексикографов, так и фразеографов, так как отбор не должен производиться субъективно, исходя только из практики частотности употребления. От объёма и качества фразеологического минимума в значительной степени зависит познавательная ценность нашего словаря.

Чёткая система критериев отбора лексики и фразеологии была разработана в трудах И.В.Рахманова, П.Н.Денисова, В.В.Морковкина, Ю.А.Сафьяна и многих других исследователей.

Общепризнанным принципом научного отбора ФЕ является лингвостатистический анализ фразеологических единиц, выбранных источников, при котором анализ функционально связанного текста начинается с составления списков всех содержащихся в исследуемом языке фразеологических оборотов, расположенных в порядке убывания их частотности.

Принцип частотности оценивается как самый надежный и объективный в работах Л.Н.Засориной, Э.А.Штейнфельдт, Ю.А.Сафьяна и других исследователей, использующих этот принцип применительно к отбору лексики для словарей. Этот принцип позволяет выявить частотное ядро лексического минимума, что сближает принцип частотности с принципом минимизации языка в учебных целях.

В нашем случае, как подтверждение наших слов, а также как пример для нашего словаря, мы провели исследование по 8 фразеологическим словарям изданных зарубежом такие как:

- TheOxfordDictionaryofIdioms
- LongmanIdiomsDictionary
- LongmanPocketIdiomsDictionary,
- Cambridge International Dictionary of Idioms,
- Collins Cobuild Dictionary of Idioms,
- English-RussianDictionary of Idioms
- Большой англо-русский фразеологический словарь
- Англо-русский фразеологический словарь

При работе над вышеперечисленными словарями удалось применить принцип минимизации, т.е. сведение к определенному количественному минимуму при отборе, и компрессия, т.е. «сжатие» с сохранением основных качественно-структурных и семантических характеристик фразеологической системы. На наш взгляд - это самая ответственная и сложная работа при составлении словаря учебного типа.

Во фразеологическом минимуме предлагаются только те единицы, которые необходимо усвоить на определенном этапе обучения. По мнению П.Н.Денисова, в минимум отбираются, как правило, «максимально полезные лексические, грамматические или страноведческие факты, которые позволили бы за минимальное время вооружить учащихся максимально полезными для него знаниями, навыками и умениями.

Опираясь на опыт многих зарубежных и русских словарей по фразеологии, построенных по тематико-идеографическому принципу, мы пришли к выводу, что такие фундаментальные тематические группы как: Family relationship (Семейные отношения/Оилавий муносабатлар), Love and Friendship (Любовь/Дружба/Севги ва Дўстлик),Poverty and Misfortune (Бедность и Несчастье/Қашшоқлик ва Бахтсизлик), Happinessand Fun (Счастье и Веселье/Бахт ва Кўнглихушлик) ит.д., могут существенно облегчить понимание ФЕ на трех разно системных языках. На наш взгляд, такие фразеологические фрагменты как: «Wealth and Poverty», «Happiness and Misfortune», «Marriage and Divorce», «Fun and Mourning», «Friendship and Hostility», «Leisure and Idleness», «War and Peace», ит.д. вызовут неподдельный интерес со стороны пользователей данного словаря. Так как словарь является трёхязычным, это будет крайне интересно и познавательно изучать фразеологические единицы сопоставлении на тему:

«Death» «Смерть» «Ўлим»

№	Идиома	Перевод на русский	Перевод на узбекский
1	«To kick the bucket»	Протянуть ноги	Оёгини узатиб юбормоқ
2	«To join the angles»	Окончить свой земной путь	Бандаликни бажо келтирмоқ
3	«To find one's grave»	Уйти в мир иной	Ўтиб кетмоқ
4	«To join the majority»	Отправиться к праотцам	Боқий дунёга йўл олди

«Wealthandpoverty», «Богатство и бедность» «Бахт ва қашшоқлик»

№	Идиома	Перевод на русский	Перевод на узбекский
1	«To make both and meet»	Сводить концы с концами	Учма-уч йетказмоқ
2	«To live from hand to mouth»	Испытывать нужду	Қўли калталик қилмоқ
3	«Be poor as a church mouse»	Быть бедным как церковная мышь	Зўрға кун кўрмоқ
4	«Be inlowwater»	Быть на мели	Қўли юпқа бўлмақ

Эти идеи подтверждает В.М. Мокиенко в своей статье «О тематико- идеографической классификации фразеологизмов» говоря о том, что тематические рубрики, связанные с социальными отношениями, в каждом языке насыщены фразеологизмы. Отсюда активная пейративность, негативная окрашенность многих фразеологических групп (ряды идиом, характеризующих отрицательные стороны общественной жизни, численно во много раз превосходят идиоматику, оценивающие социальные явления положительно). Этот факт можно подтвердить, проводя практическую работу по отбору ФЕ для тематического словаря. Количество ФЕ,относящиеся к таким тематическим гнездам как *Пьянство (Drinking)*, *Воровство и Грабеж (Theft and Robbery)* и *Обман (Deceit)* существенно превышает количество фразеологизмов с положительной коннотацией. А также, надо учитывать тот факт, что некоторые тематические фрагменты почти не заполняются, например, «Космос», «Материя», и т.д. по той причине, что у большого количества фразеологизмов теряется номинативно-информативная и усиливается экспрессивная функция.

В результате, изучив логико-тематические группы других словарных изданий мы пришли к выводу, что тематические фрагменты следует сделать более расширенными, актуальными и приближенными к реальной действительности, что серьезно повысит информативную ценность словаря.

По нашему мнению, тематический фразеологический словарь учебного типа, имеет все шансы на право называться эталонным словарем, а также имеет ряд неоспоримых преимуществ:

1. Удобность пользования словарем.
2. Большая познавательная ценность.
3. Наличие иллюстративного материала, составленного самим автором для большей доступности и понимания фразеологических единиц

Мы считаем, что словарь подобного типа будет способствовать качественному улучшению знания студентов в области фразеологии, развития у них научных понятий и мировоззренческих взглядов. Всё это приведет к последовательному формированию речевых умений и навыков, к грамотному употреблению фразеологических оборотов английского языка.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Иванова Т. В. Отбор и основы обучения немецким фразеологизмам на старших курсах языковых факультетов, диссертация на соискание ученой степени. – Владимир, 2002
2. Середина К. Г., Томлянович А. К., Краснянская И. А. Idioms in speech // Пособие для студентов педагогических институтов. Ленинград, 1971-271 с.
3. Виноградов В. В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины // Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва: Наука, 1977. – 312 с.
4. Умарходжаев М. И. Современные проблемы фразеологии // Вопросы языкознания. – Москва, 1979. – № 5. – С. 160.
5. Умарходжаев М. И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983. – 132 с.
6. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологизмлари. – Ташкент: Ўқитувчи, 1978. – 406 с.
7. Кунина А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Москва: Русский язык, 1969. – 944 с.
8. Жуков В. П. Школьный фразеологический словарь. – Москва: Просвещение, 1980. – 429 с.
9. Гвоздарев Ю. А. Рассказы о русской фразеологии. – Москва: Просвещение, 1988. – 192 с.
10. Сулейманова А. К. Лингводидактические основы комплексного учебного тематического словаря генеративного типа. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Уфа, 1999. – 21 с.
11. Шанский Н. М., Быстрова Е. А. Лексико-фразеологическая система и учебные словари русского языка для национальной школы // Русский язык в национальной школе, 1976. – № 2. – С. 194–197.
12. Мокиенко, В. М. (1982). О тематико-идеографической классификации фразеологизмов. Словари и лингвострановедение. – Москва: Русский язык. С. 108–121.
13. Идеография и историко-этимологический анализ фразеологии. Вопросы языкознания. "Наука", Москва–1995. – № 4. С. 3–13.
14. Денисов П. Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. – Москва: Изд-во Московского ун-та, 1974. – 256 с.
15. Денисов П. Н., Морковкин В. В. Проблемы учебной лексикографии. – Москва: Издательство МГУ, 1977. – 192 с.
16. The Oxford Dictionary of Idioms: Oxford University Press; 2 edition 16, 2004. – 346 p.
17. Longman Idioms Dictionary: Longman Pub Group; 1st edition, 1998. – 340 с.
18. Longman Pocket Idioms Dictionary: Pearson Education ESL 2002. – 320 с.
19. Cambridge International Dictionary of idioms: Cambridge University Press, 1998. – 604 с.
20. Винокуров А. Англо-русский словарь идиом. 5500 наиболее употребительных устойчивых словосочетаний с примерами. – Москва: "Мартин" 2009 г. – 350 с.
21. Белинская Н. English-Russian Phraseological Dictionary. 20,000 idioms. – Москва: Живой язык, 2001–944 с.
22. Collins Cobuild Dictionary of Idioms: Harper Collins Publishers; 1997. — 493 p.

УЎК 81-13

#### АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ШОЛИЧИЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

О. Пирматова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

**Аннотация.** Мақолада Алишер Навоий асарларида қўлланилган шолчиликка оид лексемаларнинг мумтоз адабиётда ифодаланган маъно нозикликлари тўғрисида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** тегирмон, ариқ, хирмон, бошоқ, бошоқчи, гирдоб, белкурак, дехқон.

**Аннотация.** В статье речь идет о лексемах сферы рисоводства, их смысловых оттенках в классической литературе, использованных в произведениях Алишера Навои.

**Ключевые слова:** мельница, арык, урожай, колос, бошоки, вертун, железная лопата, дехкан.

**Abstract.** In this article, it is given the subtleties of the meaning of rice lexemes used in the works of Alisher Navoi in classical literature.

**Key words:** mill, ditch, threshing, threshing, threshing, whirlpool, shovel, farmer.

Серқирра ижод соҳиби, буюк сўз устаси Алишер Навоий асарларида ўзбек тилининг барча имкониятларидан унумли фойдаланган. Шунингдек, аллома ижодида шолчиликка оид лексемаларни ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, дехқонлар қадимда шолчилик экиб, ҳосилини йиғиб олишга, тегирмонда шолдан гуручни ажратиш олишган. Тегирмон тоши эса қўлда айлантирилган. Ушбу жараёни А. Навоий ўз асарларида акс эттирган ва сўз ўйини қилган. Жумладан, “Хазойинул маоний” асарида “айлантирмоқ” феъли қуйидагича берилади. Айландур-айлантирмоқ; яъни, тегирмон тошининг айланиши, ёрнинг жабру жафо кўрсатиб, азоб бериши маъноларида қўлланилган.

Кўк тегирмон тоши айландурмак истар бошим,  
Дема ою кун бошим узра буқим сайёрадур [3.18 б].



Яъни ёр маъшуқага ҳижрон азоб бериши, унинг бошида тегирмон тошини айлантиришга менгзалган, бу эса маъшуканинг боши узра бутун бир сайёра турганга қиёсланади.

Ариқ “кичик оқин сув йўли” бўлиб, бу от асли қадимги туркий тилдаги “оқ-” маъносини англлатган а:р-феълидан –(ы)қ қўшимчаси билан ясалган, кейинроқ а: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган. Ўзбек тилида а унлиси ā унлисига алмашган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: а:р-+ық=а:рық>арық>āриқ [7.32 б].

А. Навоий “*ариқ*” лексемасини ҳам ўз асарларида турли маъноларда қўллаган. Жумладан, ўзининг “Вақфия” асарида куйидагича ишлатади. Ариқ I – ариқ:

Қор эритурда мукрий ва ходимлар ва фаррошлар ва табакчилар барча бир-бирига мадад бўлиб, аритқуйлар ва ариқ аритурдаким, болчиғ била кумни ариқ ёқасига йиғарлар-мутавалли муздур тутиб кўтаргай [9.721].

“*Ариқ*” лексемаси А. Навоий асарларида “*ариғ*” шаклида- бошқача, соф маъноларида ҳам қўлланган. Жумладан, “Муҳокаматул луғатайн” асарида “Тўрки, домдур, яна тўрки, андин дақиқроқдурки, куш ўлгур йиғочдур ва ўлгур йиғочдур ва тўрки, барчадин ариқдур, тўрлуғну ё эшикни тўрмак уйдур”,-деб [1.111].

“*Ариғ*” лексемаси алломанинг “Вақфия” асарида “ариқ”, яъни кичик сув йўли маъносида ҳам келтирилади.

Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг Жанубий ҳадди..... [9.719].

А. Навоийнинг “Хазойинул маоний” асарида сўз ўйини қилиб “Кўз ёшининг оқиши, оқадиган жойи” маъноларида қўлланган.

Ғайр гарди борур ул пок сари,  
Кани, эй кўз бу маҳалда ариғининг [3.260].

Эрур бас ариғ нуқтау қон ёшинг,  
Дуру лаълдин зебу зийнат санга [3.724].

Ушбу мисраларда ёрнинг кўз ёшини тўхташини, унга дуру лаълдан зебу зийнат ато бўлишини айтади.

Шоличилиқда йиғиб олиб уюлган ҳосил “*хирмон*”, “*хирман*” лексемалари билан юритилади. Бу от форс тилида [хāрмāн] шаклида, тожик тилида хирман шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли таркибидаги *a* товуши *o* (ā) товушига алмаштириб олинган; “етилган ҳосилни йиғиб тўпланадиган жой” маъносини англатади [8.339].

А. Навоий асарида “хирман” атамасини бирон нарсанинг мужассамлиги, яъни ақлнинг жамлангани маъносида қўллайди.

Яъни Хирмани ақл мужассамлиги, йиғиндиси:  
Жом барқидинму зуҳдум хирманин кул қилмадим,  
Бода сайлидинму ақлим хирманин индурмадим [3. IV. 413].

Бошоқ “дон ўсимлигининг ҳосил берувчи тепа қисми”. Бу йилги бошоқлар ҳосил мўл бўлишидан дарак бериб турибди. Бу сўз асли баш сўзининг “тик нарсанинг тепа қисми” маъносидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи –(а) қ қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, дастлаб “ўқ ва найза учига темир” маъносини англлатган, ҳозирги маъноси бу сўзни ўсимликнинг қисмига кўчириш натижасида юзага келган; ўзбек тилида а унлилари ā унлиларига алмашган: баш+ақ= башақ>бāшāқ [7.61].

Ушбу атама А. Навоийнинг асарида ҳам башоқ/бошоқ–бошоқ шаклида бирор ўсимликнинг тепа, бош қисми маъносида қўлланилгандай кўринса-да, аммо бошоқ лексемаси кўчма маънода ишлатилади.

Шажар яфроғлари ўқдек қадингнинг ҳажрида бордур,  
Башоқларким, чаман ашки намидин бўлди зангори [3.643].

*Гирдоб* лексемаси “*айланма*” маъносини англатадиган тожикча *гирд* оти билан (қ.) “сув” маъносини англатадиган *об* отидан тузилган бўлиб, “чуқур кенг ариқ ёки дарёда сувнинг айлана ҳосил қиладиган ери” маъносини англатади [8.64].

Шоли экини доим сув билан суғориб туриладиган қишлоқ хўжалиги экини бўлгани сабабли дарёдан оқиб ариқлар орқали сув далаларга киритилган. Дарёларда сувлар ўпқони, яъни айлана шаклидаги ҳолати “*гирдоб*” лексемаси билан юритилади.

Гирдоб гирдоб бўлиб оқувчи дарё; ишқ ҳижрони, изтироби, азоби:  
Дуди оҳимнинг қуюндек печ ила тобин кўрунг,  
Тийра ҳажрим оқшомининг баҳри гирдобин кўрунг [3. IV. 197].

Гирдоб, уйрум; қуюн:  
Баҳри ашким, ўйла дарёдурки, даври чарҳдек,  
Бўлғали лойиқдурур ҳар сори гирдоби анинг [3. I. 197].

Билоди баҳр ичинда бўлса ноёб,  
Миноридин нишонлар бўлса гирдоб [6. 209].

Хумдан май сузиб олинганда ўрнида пайдо бўладиган чуқурча:  
Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар завракин,

Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро [3. I. 40].

Белкурак “ер қазиш, сочилган нарсаларни ердан тўплаб олиш асбоби”. Ерни кузда кетмон билан чопгандан кўра белкурак билан ағдарган маъқул. Бу қўшма сўз ўзбек тилида “ўрта” маъноси билан

катнашган бел сўзини “суриб тўплаш асбоби” маъносини англлатувчи курāk сўзига бирлаштириб ҳосил қилинган: бел+курāk=белкурāk [7.45].

Ушбу иш қуроли орқали шоли экиладиган далалар теқисланиб, четларига марзалар олинади. Аллома “Фарҳод ва Ширин” асарида бел-курак, белкурак тарзида қўллайди.

Ки болчиғ пуштасин нўғи итик бел,  
Ваё пору била қор аритур эл [6.116].

А. Навоий ошиқнинг қалби ўртанишини “ига тегирмон тоши айландур”, яъни қийин аҳволга солмоқ, қийнамоқ, азобламоқ маъноларида қўллайди.

Кўк тегирмон тоши айландурмоқ истар бошима,  
Дема ою кун бошим узра буқим сайёрадур [3.IV.185].

“Бошоқчи” ғалласи ўриб олинган майдонда сочилиб қолган бошоқларни терувчи, бошоқ терувчи, машоқчи. Шоли ҳосили ўриб олингач, шолининг бошоқлари ерга далаларга тўкилиб қолади. Дехқонлар ушбу бошоқларни териб қопларга ғамлашади. Булар “бошоқчи”, “машоқчи” каби атамалар билан юритилади. Ушбу атама А. Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” асарида ҳам келтирилган.

Ўроғчига андин (деҳқондан) рўзий, бошоқчининг ёруб андин кўзи [1.323].

Алломанинг асарларида деҳқончилик “дахқанат” лексемаси билан қўлланилган.

Амир Давлатшоҳ...фақр ва даҳқанат била қаноат қилди [1.476].

Дехқон сўзи форс-тожик тили заминиде ясалиб, кейинчалик туркий тилларга ўтиб ўзлашган. Шуниси характерлики, деҳқон сўзи VII-XIII асрларда ҳам туркий халқлар тилида қўлланган бўлиши керак. Лекин у Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида Маҳмуд Кошғарий луғатида “Қипчоқ тили луғати”да қайд этилмаган. Фақат XIV асрда яратилган туркий ёзма манбалар-XIV аср Хоразм ёзма ёдгорликларида деҳқон, Алишер Навоий асарларида деҳқон шаклида учрайди.

Чу мен бир жам учун деҳқон асиримен, ажаб эрмас,

1. Либосим ток барги ришта белбоғларга ток ўлмоқ [2. 85].

“Тарихи мулуку аҷам” асарида “деҳқон” кишлок бошлиғи, бадавлат киши маъноларида ишлатилган. Йўлда Исфаройин шаҳрига етканда бир деҳқон уйига тушти [5. 519].

Как видно, мысли в стихотворении тесно связаны друг с другом не только в семантическом, но и в синтаксическом отношениях. Упорядоченность синтаксической конструкции указывают три разных вида связи: сочинение, подчинение и бессоюзие. Именно они содействуют возрастанию эмоциональности и образной выразительности стиха, придают поэтическому произведению большую силу горечи, злости, желчи.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Валгина, Н.С. Современный русский язык: Синтаксис: Учебник. — 4-е изд., испр. — М.: Высш. шк., 2003 — ст. 350
2. Блок. А. Лирика. Театр. — М.: Правда, 1981. — ст. 327

УДК 81-13

#### ПРИКЛАДНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОЭЗИИ КУЛ УБАЙДИ

*М. Таджибаева, доц., к.ф.н., КГПИ*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада XVI асрда яшаб, Бухоро адабий муҳитини дунёвий, диний-тасаввуфий шеърлари билан бойитган ҳассос шоир Кул Убайдийнинг асарларининг амалий аҳамияти ҳақида сўз боради.*

**Калим сўзлар:** *ҳукмдор, шоир, шеърят, девон, қуллиёт, ўзбекча, форсий, арабий, халқ, тил, дил, ишқ, тарбия, ибрат, тимсол, услуб, мавзу, бадийлик, ҳикматчилик.*

**Аннотация.** *В данной статье речь идёт о поэте Бухарского литературного среда, поэт и правителя Кул Убайди и практическо-прикладное значения его произведений.*

**Ключевые слова:** *правитель, поэт, поэзия, девон, колледж, узбекский, персидский, арабский, народный, язык, язык, любовь, образование, пример, герб, стиль, тема, искусство, мудрость.*

**Abstract.** *This article deals with the poet of the Bukhara literary environment, the poet and ruler of Kul Ubaidi and the practical and applied meaning of his works .*

**Key words:** *ruler, poet, poetry, Devon, college, Uzbek, Persian, Arabic, folk, language, language, love, education, example, coat of arms, style, theme, art, wisdom.*

Шарқ маънавий маданиятида шундай ҳукмдор қалам аҳллари борки, улар подшоликдан кўра ижодкорлиги билан шуҳрат тутадилар ёхуд муайян асарлари билан тарих саҳналарида кўп тилга олинувчи фозиллар қаторида туради. Дейлик, Мирзо Улуғбекнинг жаҳоний шуҳрати унинг осмон тилсимини ечиб, “Зижи жадиди Кўрагоний”дек мухташам жадвал тузгани ва нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун дунёда, хусусан Европада номи ва асари улуғлангани, “Тўрт улус тарихи” асари билан туркий халқлар тарихини кенг ёритиб берганлиги билан баҳоланади. Хусайн Бойқаро, Амирий, Феруз сингари ҳукмдорларнинг шуҳратини эл аро дoston қилган уларнинг шеърлятигина эмас, балки ўз атрофига уламою шоирларни тўплаб, уларга хомийлик қилгани, юртини теварак-атрофдан келган қалам аҳллари билан тўлдириб, ижодий фаолиятга рағбатлантиргани бўлса, Бобурдай улуғ зот “Бобурнома”дай фундаментал асар битиб, шу билан мемуарчиликни ҳадди аълосига кўтаргани бўлди ва тарих саҳналарида ўзига муносиб жой ҳозирлади. Абулғози туркий халқлар тарихидан “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” каби асарлар битиб, юрт тарихиннавислигини юқори нуктага кўтара олди. Ана шундай ҳукмдор қалам соҳибларидан бири Кул Убайдий (Бухоро музофотининг XVI асрдаги ҳукмдори) ҳисобланади. Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллохон бир томондан шайбонийлар сулоласининг йирик намоядаларидан бири бўлган, ҳокимият учун бўлган жангу жадалларда фаол қатнашган. Шайбонийхоннинг фожиали ўлиmidан кейин шайбонийлар орасида маълум даражада маънавий парокандалик юз берди. Убайдуллохоннинг ҳарбий маҳорати ва жасорати, унинг давлат арбоби сифатида қаттиққўллиги туфайли сафавийлар қўшини орқага чекинди. Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихида Убайдуллохоннинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Исмоил Сафавий бошлиқ эронийларнинг, тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий тили билан айтганда, “қизил бошлар”нинг хужумларини дафъ этиб, Мовароуннаҳрни уларнинг истибодидан сақлаб қолди [1, 110] “Қизил бошлар”нинг Ўрта Осиё шаҳарларини қирғин қилиши, талаш

тўхтатилди. Убайдуллохон Шайбоний ҳукмдорларидан Кўчинчихон (1510-1530), унинг ўғли Абусаид (1530-1583) ҳукмронлиги даврида уларнинг ноиб бўлди, 1533-1539 йилларда эса хон кўтарилиб, мамлакатни бошқарди. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдуллонома” деган асарида ёзишича: “Унинг давлати ва халофати замонида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро вилояти гуллаб яшнади”. [1, 110]

Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида Убайдуллохон даври маданият ҳаётига “Бухоро Ҳирот ва Ҳусайн Бойқаро замонинини эслатади” дея юқори баҳо беради. [2, 352] Айни пайтда, унинг шахсиятига тўхталиб, “барча фазилатлар билан безангани”ни айтиб ўтади. [2, 353] Бир қатор манбаларда ҳадис илмида Хожа Мавлоно Исфохонийнинг, фикҳда Мавлоно Муҳаммад Азизоннинг, Қуръони карим кироатида Мавлоно Ёрмуҳаммад Қорининг шогирди бўлган. У Қуръон кироатида тажвидсиз ўқишни ножиоз санаган. Туркий тилда Қуръонга тафсир ҳам ёзган. Фикҳга бағишланган рисола ҳам яратган. У етти хил ҳуснихатда ёза олган; насх хатини ёзишда беназир бўлган. Мусиқа илмининг билимдони, чалувчи созанда, куйловчи навозанда сифатида замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган. [3, 76]

Ўз даврининг комил шахси, маданиятининг катта арбоби, Убайдуллохон XVI аср ўзбек адабиётининг йирик вакили ҳам саналган. Ушбу зот ҳаётининг бирон кунини шеърсиз, шеър мутолаасисиз кечирмагани ҳақида кўп гапирилади. Убайдуллохон ҳам бошқа ҳукмдор ижодкорлар каби муттасил шеърини ижод билан шугулланиб, шеърларига “Убайдий”, “Қул Убайдий” тахаллусларини қўллаган. Ўзидан кейинги авлодларга ўзбек, форс ва араб тилларида бир неча девон қолдирган. Убайдий туркий, форсий ва арабий тилдаги шеърларидан уч девон тузиб, уни китоб ҳолида бир мукова ичига жойлаштирган. Бу девоннинг ягона қўлёзма нусхаси 1583 йилда Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган, котиб уни “Куллиёт” деб атаган. Бу қўлёзма Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида инвентар № 8931 билан сақланмоқда. 695 саҳифадан иборат “Куллиёт”нинг 4-200-бетларида форсий, 201-210-бетларида арабий, 211-695-бетларида туркий асарлари жойлаштирилган. Унинг таркибида уч тилдаги асарлардан тузилган девондан ташқари “Омонатнома”, “Шавқнома”, “Ғайратнома”, “Сабрнома” сингари диний-тасаввуфий, ахлоқий-дидактик руҳдаги маснавийлари ҳам мавжуд. [3, 77]

Убайдийнинг зикр этилган ўзбек тилидаги девонида 310 дан ортиқ ғазал, 485 дан зиёд рубоий, 21 китъа, 13 туюқ ва бошқа шеър турлари — нома, муаммо, маснавий, ҳикмат, таржеъбандлардан намуналар мавжуд. Девонни ўрганиш шу кунларда давом этмоқда. Эътироф этиш керакки, девон бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унда қофияси “алиф”га оид 44, “қоф”га оид 13, «нг»га оид 26, «л»га оид 9, «м»га оид 15, «н»га оид 58, «ей»га оид 85 ғазал мавжуд бўлгани холда «б», «п», «с» (син) «х», «ж», «к», «д», «р», «сот», «зот», «итқи», «изғи» каби ҳарфларга оид ғазаллар йўқ. Бу шуни кўрсатадики, девоннинг каттагина қисми йўқолган. Шунга қарамай, мазкур девон Убайдийнинг катта шеърини истеъдодидан дарак беради. Унинг ғазал ва рубоийлари, китъа ва туюқлари ўзбек шеъринининг катта ютуқлари бўлиб, улар бир қанча ўзига хос хусусиятларга, нозик услуб кўринишларига эга. Убайдий шеъринида ўзига хосликка, оригиналликка интилиш устун. Шоир шеърини услубида соддаликка мойиллик, ўз фикрини мумкин қадар халқ тили билан баён этишга уриниш муҳим ижобий ҳолдир. [4, 3]

Шоир девонидаги шеърлар қайси хусусиятлари билан эътиборни тортади ва қайси жиҳатлари билан бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда?

1. Барча ғазалларида Олам ва Одам билан боғлиқ мавжуд масалаларга муносабат билдиради. Илмда комил бўлган, руҳониятда мислсиз саналган шоирнинг лирик қаҳрамони ҳаётни чуқур англайди, дунёнинг ўткичи, пардозланган жилваларига алданмайди. Инсонни камолга етказувчи асл мақсаддан чекинмайди. Бир ғазалида “Ҳосилу кавну макон кўюнгда бир ҳасдур манга, Ушбу ҳиммат икки олам ичида басдур манга. Ҳам кўринмас Ер юзи бир тирноқчақим, Етти кўк айвони бир тоқи муқарнасдур манга” [4, 5] деб ёзганлигининг сабаби аслида шундан. Шоир катта бир давлатнинг ҳукмдори бўлган, чексиз мол-мулкнинг соҳиби, қўлини қаерга узатса етадиган арбоб бўлган. Бироқ шеъринида ўзини ана шундай хокисор санашнинг ўзи жасорат ва эътиборли жиҳат. Бу бежиз эмас, албатта. Убайдий кишиларни дунё жилваларига берилмай, Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳукмлари билан яшашга чақириб, ўзи бу борада ибрат намунасини кўрсатмоқда.

2. Убайдий шеъринининг етакчи мавзуси илоҳий ишқ. Бундан бошқа бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки, тасаввуф илмидан бохабар инсоннинг илоҳий ишқ борасида қалам тебратмаслиги мумкин эмас. Мумтоз шеъринида ишққа инсонни руҳий кенгликларга бошловчи восита сифатида қаралади. Бунда кўнгил озодлиги бирламчи, ҳурликка ошнолик етакчи. Ишқ Инсонни дунёвий ғам-ғуссалардан озод этади, дунё ташвишларини оёқ остига тўшайди. Олам ва Одамни ана шу конон биланг англаган шоир кишиларни дунёвий нафсга берилмасликка, кўнгилни ҳур ва озод тутишга чорлайди. Бир ғазалида: “Ишқингда сенинг гулгула оламга солурмен, Ишқинг сипоҳи билан оламини олурмен” [4,30] деган шоир, бошқасида

Шод айлаб анинг ёди била хаста кўнгулни,

Ўзумни ғаму ғуссадин озод этадурман, – [4, 31]

дея таъкидлар экан, яна атрофидагиларга, шунингдек, барча-барчага бу борада ибрат бўларлик шахс сифатида кўринади.

3. Қул Убайдий бизнинг ҳудудларда кенг тарқалган нақшбандия, яссавия, қодирия тариқатларининг аъмолларини қадрлаган ва шеърларида бунга кўп ишора этган. Айниқса, нақшбандия тариқатига эътиמודи кучли бўлган. Бу тариқатнинг “Ҳуш дар дам, назар бар қадам” ақидасининг инсоннинг бу дунёда ғаниматлигини билишга ундаш концепциясини чуқур англаган ва шеърларида кишиларни умр

ўткинчилиги, шу ўткинчи умрни беҳуда ишларга сарфламасдан, хайрли, савоб ишлар қилишга ундаган. Буни бир шеърда ўзига мурожаат қилиб,

Дийдор ғанимат турур, эй телба Убайдий,  
Дийдоридин айрилмаки, дийдор топилмас, - [4, 14]

деб ёзади. Бу ўринда “дийдор” калимасини кенг маънода тушунмоқ талаб этилади. Бу сўз гарчи байтаро уч марта такрорланаётган бўлса ҳам, ундан Аллоҳни ҳам, яқинларини ҳам, дунёвий юмушларини ҳам англаш мумкин бўлади. Қул Убайдийдан туркий тарикатнинг ана шундай ундовларини кутиш табиий ҳол. Буни ўз вақтида проф. Фитрат ҳам таъкидлаб ўтган. У бундай қайд этган эди: Убайдулла шоир ҳам мутасаввуф шоирдир. .. Унинг форсича бир ғазали машхур мутасаввуф Махдуми Аъзам томонидан тасаввуф услубинда шарҳ қилинган”. [5, 3]

4. Қул Убайдий рубоийлари ўзига хослиги билан салафлари рубоийларидан жузъан фарқлиниб туради. Шоир бир қатор рубоийларида аввал шеърда кўтарилган масалага дахлдор тезисни ҳавола этади, кейин эса унга антитезисни тиркайди. Натижада, қисқа сатрларда олам-олам маъно инкишоф бўлади:

Булбулға дедимки, гул яна сўлғусидур,  
Кўнглунг ғаму андух била тўлғусидур.  
Булбул деди: “- Эй дўст, - менга нола қилиб, -  
Тақдир худой не бўлса, ул бўлғусидир”. [4, 42]

Кўриниб турибдики, шоир бу ўринда одам, олам ва Аллоҳ муносабат-алоқаларини яхлитликда бермоқда. Бу ҳамма жиҳатлари билан Ислом ақидаларига мувофиқ келади. Тамсиллар ана шу ақидаларни образли таозда очиб беради ва бу ҳолат унда кўтарилган масалани тушунишни енгиллаштиради.

5. Убайдий шеърляти, истаимизми - истамаймизми, адабиётнинг бош масаласи – комил ахлоқ тарғиботчиси миссиясини тўла адо этган шеърят ҳисобланади. Унинг лирик қаҳрамони ҳиммату мурувват, раҳм-шафқат, вафою садоқат каби эзгу туйғулар соҳиби сифатида тасаввур қолдиради. Инсонларни бир-бирларини ғанимат билишга, ҳар доим ўзаро яхши муносабатларда бўлишга, бир-бирлаига яхшилик қилишга даъват этади. Шоир шеърларининг умумбашарийлиги, инсонпарварлигини таъминлаган ғоя ҳам аслида – шу. Бир рубоийси айни шу масаланинг поэтик ифодаси эканлиги билан эътиборни тортади:

Муҳтожга қайиш – асли каромат шулдир,  
Бир ишки, йўқ ортида маломат – шулдир.  
Ҳар икки жаҳонда, солико, иймонни  
Қутқарувчи чин роҳи саломат шулдир. [4,88]

Дубайтий мазмунидан аёнки, шоир кишиларни муҳтож, камбағалларга қайишишга чақирмоқда. Бундай кишиларга эҳсон ухайрлар қилишни маломатсиз амаллар қаторига, демакки, икки дунё саодатига мушарраф бўлиш йўлига менгзамоқда. Бу билан инсоннинг кадри ҳар нарсадан устун эканлигига ишора қилмоқда.

6. Убайдий, проф. Фитрат таъкидлаганидек, Яссавий ҳикматчилигини ривожлантириб, 1786 байтдан иборат 235 та ҳикмат айтгани маълум. Булар Яссавий ҳикматчилиги Убайдий замонасига келиб, қайта жонланганининг нишонасидир. Дарҳақиқат, Яссавий, Боқирғоний ҳикматлари тўрт юз йилдан кейин Убайдий салоҳияти билан тамомила қайта жонланди.

Аё дўстлар, жондин кечиб, ишқ эркин туттум маню.  
Ваҳдат майин ичкунча не хуноблар юттум маню.  
Уч юз олтмиш дарё ўта, юрмай киши суд айламас,  
Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб, борисидин ўттум маню, -

деб бошлайди бир ҳикматини. Ҳикматнинг сўз бойлиги, қофияси, радифи Яссавий, Боқирғоний ҳикматларини эслатаётгани аниқ. Бу ўринда “ваҳдат майи” тушунчаси тасаввуфга алоқадорлиги билан эътиборни тортади. Шу билан бирга ҳикматдаги “уч юз олтмиш”, “тўрт юз қирқ тўрт” сонлари ҳам сўфийликда образ даражасига кўтарилиб, сўфиёна маъноларга – солиқнинг риёзатларини ифода этишга хизмат қилади. Булар орқали шоир комилликнинг машаққатлари анчайин оғир эканлигига ишора қилади.

7. Ва охирида шуни таъкидлашни истардикки, Қул Убайдий шеърларининг амалий аҳамияти буларнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. XVI аср адабиётини чуқур тадқиқ этган проф. Фитрат “Бу кунги материалларга кўра Убайдуллахонни бу даврнинг энг яхши шоири, деб қабул қилишга тўғри келади”, деган фикрлари нақадар тўғри эканлигини тан олиш адолатдан бўлади. [6, 57] Бу унинг баракали ижод қилганида ҳам, мумтоз шеърятнинг турли жанрларида ижод қилганида ҳам, асарларида ўзбекона сўзларни кўп ва ҳўб истифода этиб, етук поэтик тимсоллар ярата олганида ҳам, айрим бир жанрлар, масалан, ҳикматчилик, луғзчилик, муаммо жанрларини жонлантира олганида ҳам, аксарият шеърларида халқ дили ва тилига яқинликни сақлай олганида кўзга ташланади.

Хуллас, Қул Убайдий шеърляти тамомила янгича шеърят. Уларда анъанавий мавзулар, тимсоллар, тасвир воситалари ишлатилгани билан шоир услубидаги даъват, топқирлик, руҳиятидаги инжалик, дунёвий ва ухровий масалаларга дониш кўзқараш тамомила янги йўналишдаги шеърятни майдонга келтирган. Бир кичик мақолада Қул Убайдий меросининг амалий аҳамиятини ёритиш анчайин мушкул. Биз фақат унинг ўзбекча шеърларигагина мурожаат қилдик, холос. Яна унинг катта микдордаги форсий ва арабий шеърлари, юқорида санаб ўтилган маснавийлари ҳам борки, улар жуда кўп илмий тадқиқотларга

йўл очади. Ва бу билан ўзбек адабиётининг кам ривожланган давр - XVI аср саналиб келаётган даъволарни четга суриб ташлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома Т.: 1966.
2. Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. –Т.: 2011/
3. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Фан, 2009.
4. Қул Убайдий. Вафо қилсанг. - Т.:1994.
5. Фитрат. Яссавий мактаи шоирлари тўғрисида текширишлар// Яссавий ким эди? – Т.: 1994.
6. Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: 2000.

УДК 81-2

### СОСТАВ СЛОВА В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Л.А. Туйлиева, ассистент, БухГУ, Бухара

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada rus va o'zbek tillarining morfemik tizimlaridagi keskin farqlari ko'rib chiqilgan. Tadqiqot ob'ekti - rus va o'zbek tillarining so'zlar tarkibi, tadqiqot predmeti – tillardagi so'z birlikmalarining o'ziga xos xususiyatlari. Ishning maqsadi: rus va o'zbek tillarida so'zning morfemik tarkibini ko'rib chiqish.

**Kalit so'zlar:** taqqoslash, morfema, negiz, o'zak, qo'shimcha, agglutinativ tillar, flektiv tillar.

**Аннотация.** В статье рассматриваются основные черты контраста морфемных систем русского и узбекского языков. Объектом исследования является состав слов русского узбекского языков, предметом исследования – особенности состава слов данных языков. Цель работы: рассмотреть морфемный состав слова в русском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** сопоставление, морфема, основа, корень, окончание, агглютинативный язык, флективный язык.

**Abstract.** The article discusses the main features of the contrast of the morphemic systems of the Russian and Uzbek languages. The object of the research is the composition of words of the Russian Uzbek languages, the subject of the research is the peculiarities of the composition of words of these languages. Purpose of the work: to consider the morphemic composition of the word in the Russian and Uzbek languages.

**Key words:** juxtaposition, morpheme, stem, root, ending, agglutinative language, inflectional language.

Одним из приемов изучения двух разноструктурных языков является их сопоставительное исследование. Оно дает возможность выявить не только общее и сходное, но и различное и особенное в каждом из сопоставляемых языков.

Структура слова в русском языке сложнее, чем в узбекском. При сравнении морфемного состава русских и узбекских слов становится ясно, что между ними есть большие различия. В частности, в узбекском языке любое производное или непроизводное слово не делится на две части – основу и окончание. В русском языке большинство слов имеют окончания, которые связывают их в словосочетании и предложении с другими словами. Поэтому в русском языке слова в зависимости от исходной формы делятся на два вида: изменяемые и неизменяемые. Та часть слова, которая не меняется при склонении или спряжении, является в русском языке основой, а часть, служащая для соединения слов в словосочетании и предложении, способная изменяться, называется окончанием [4, с. 123]. Например:

И.п. мам-а,  
Р.п. мам-ы  
Д.п. мам-е,  
В.п. мам-у  
Т.п. мам-ой  
П.п. (о) мам-е

В данном примере часть слова без окончания состоит лишь из одной корневой морфемы. Такие основы в русском языке называются непроизводными. Основы, в состоящие из двух или более словообразовательных аффиксов – производные. Например, от слова «дом» образуются производные слова «дом-ов-ой», «на-дом-ник», «без-дом-н-ый», «дом-а-шн-ий».

В русском языке значение некоторых слов можно определить опираясь на основу, например: стол, столом, столе, столик, настольный, столовая, застолье. Но таких слов меньшинство. В большинстве случаев в словах русского языка определить корень, основу, окончание сложно. Сравним следующие примеры:

друг	–	do'st
друг+у	–	do'st+ga
друзь+я	–	do'st+lar
друзь+ям	–	do'st+lar+ga
друж+ба	–	do'st+lik
друж+бе	–	do'st+lik+ka

Сравнение данных примеров, приводит к следующим выводам:

- Во-первых, добавление разных аффиксов вызывает фонетическое изменение корня русских слов. В нашем примере фонема /г/ в корне иногда заменяется на /з'/, а иногда на /ж/. (Есть также слова, в



которых изменение корня более ярко проявляется с добавлением окончаний: сон – сна, сестра – сёстры). Узбекские слова в приведённых примерах не изменились. Но и в узбекском языке добавление к корню окончания может привести к потере звука, например: o`rin – o`rni, burun – burni, og`iz – og`zi. Но такие случаи редки. Однако, нельзя оценивать все языковые единицы, исходя из некоторых исключений.

- Во-вторых, русские аффиксы могут выражать несколько грамматических значений. Например, окончание **-a** означает множественное число (окна, дома) и является *окончанием родительного падежа*. В узбекском же языке окончание выражает в основном одно грамматическое значение. Например, окончание **-lar** всегда выражает множественное число.

- В-третьих, одно грамматическое значения в русском языке могут выражать различные окончания. В частности, множественное число не всегда образуется с помощью окончания **-a**. Например: стол – столы, фамилия – фамилии, море – моря, друг – друзья. Узбекские окончания всегда выглядят одинаково. Для образования множественного числа у существительных добавляется ко всем словам в единственном числе **-lar**. Например: stol – stollar, dengiz – dengizlar, do`st – do`stlar.

- В-четвертых, в узбекском языке о значении окончания можно утверждать вне слова, например, **-lar** – окончание множественного числа. Грамматические значения русских окончаний можно определить только в словах и в контексте. Например, в предложении «Девушка стояла у озера» мы не можем охарактеризовать окончание **-a** в отдельно взятом виде. В данном предложении в первом слове окончание **-a** указывает, что слово женского слова, единственного числа, именительного падежа. Во втором слове, что это глагол в прошедшем времени, а в третьем – что слово в среднем роде, единственном числе, родительном падеже.

- В-пятых, русские слова в исходной форме не делятся на производные и непроизводные. Однако из каждой основы могут быть образованы слова различных частей речи. Если отделить в узбекском языке от таких производных слов, как «ishchi», «ishsizlik», «ishchan» корень, становится понятно, что это однокоренные существительные. Однако, в русском языке, поскольку корень не употребляется самостоятельно и не имеет лексического значения, оно подразделяется на части речи только тогда, когда оно употребляется в словоформе. Например: дать, давать – fe`l, задача, передача – ot, данный – sifat.

- В-шестых, в русском языке от одного корня можно образовать сто, сто пятьдесят, а иногда и до двухсот слов. Например, от корня «род» образовано более ста слов: родина, родить, родитель, родной, родня, родственник, народ, народность, народный, народник, порода, рождение, возрождение, урод, родник, урожай, породистый, уродливый и тому подобное. В узбекском же языке от одного корня можно образовать не более двадцати слов.

- В-седьмых, в русском языке слово может быть изменяться супплетивным путём (то есть от другого корня). например: я – меня, он – его, мы – нас, хорошо – лучше, человек – люди, идёт – шёл.

Ученый-лингвист А.А.Реформатский назвал рассмотренный нами выше феномен узбекского (агглютинативного языка) языка агглютинацией, а рассматриваемое на примере русского языка (флективного языка) явление – фузией. [2, 118]

Не следует также упускать из виду, что в русском языке существуют особые морфологические показатели самостоятельных слов, которые подразделяются их на различные части речи. Например, легко определить, слово «хороший» является прилагательным, «хорошо» – наречием, «хорошеть» – глаголом. Узбекские слова не имеют таких грамматических показателей.

Однако невозможно провести четкую границу между агглютинативными и флективными языками, так как явление агглютинации может происходить и в флективных языках, а особенности, присущие флективному, можно встретить и в агглютинативных языках. Примером могут служить окончание **-s** в английском языке, образующая форму множественного числа, а также узбекские слова «sana», «yasha», «meni», «o`rni», «bigni», в корне которых произошло изменение в результате добавления окончания.

В прежней литературе по узбекскому языкознанию, в частности, в «Грамматике узбекского языка» («O`zbek tili grammatikasi»), изданной в соавторстве с Г.Абдурахмановым, Ш.Шоабдурахмоновым, А.Ходжиевым, в «Фонологии и морфологии узбекского языка» («O`zbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi») А.Абдуазизова, а также в ряде других книг, созданных на основе русскоязычных шаблонов того периода, были попытки искусственно привязать законы русского языка к узбекскому языку. Поэтому в этих литературных источниках узбекские слова, как и в русском языке, состоят из таких морфем, как корень, основа, аффикс (например, в слове ishchilarga, корень **ish-** и словообразовательная морфема **-chi** вместе образуют основу слова, а остальные аффиксы образуют определенную грамматическую форму слова). Однако, если сравнить слова обоих языков, то можно увидеть, что корневая морфема русского языка коренным образом отличается от узбекского корня.

Корневые морфемы в русском языке практически не используются самостоятельно без аффиксов. Невозможно, например, использовать в речи корень «игр» отдельно от слов, в которых он встречается (игра, игрушка, проигрыватель). В узбекском языке корень имеет самостоятельное лексическое и грамматическое значение.

В зависимости от рода и окончаний существительных выделяется три типа склонения существительных (1, 2 и 3 склонения). Но есть и существительные, в русском языке есть существительные, которые не изменяются по падежам, то есть не склоняются. Обычно несклоняемые существительные – это слова иноязычного происхождения, например: какао, кино, кафе, радио, метро,

табло и др. Узбекские же падежные окончания могут сочетаться с любым заимствованным словом. Например: kompyuterni, kompyuterga, taksini, taksiga, kinoda, kinodan, samolyotni, samolyotning.

Таким образом привязать законы русского языка к узбекскому языку не возможно.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Менглиев Б.Р. Современный узбекский литературный язык. – Карши, 2004
2. Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М., 1967
3. Решетов В.В., Решетова Л.В. Рус тили грамматикаси. – Ташкент, 1968
4. Азизов О.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. – Ташкент, 1966
5. Хамраева Е., Элмурадова Л. Сопоставительная типология узбекского и русского языков – Карши, 2007.

УЎК 808.5

### ЛАЙЛА ЛАЛАМИНИНГ “THE MOOR’S ACCOUNT” РОМАНИДА ФОНЕТИК СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ КОНТЕКСТУАЛ ТАДҚИҚИ

*Ф.М. Хажиева, PhD, доцент, Бухоро давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Мақолада америка ёзувчиси Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” тарихий-биографик романи стилистик таҳлилга тортилган бўлиб, асардаги фонетик стилистик воситалар: аллитерация, ономотопия, ассонанс, қофия ҳамда график стилистик воситалар контекстуал таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Лайла Лалами, аллитерация, ономотопия, ассонанс, қофия, график стилистик воситалар

**Аннотация.** Статья представляет собой стилистический анализ историко-биографического романа американской писательницы Лайлы Лалами «The Moor’s Account» и контекстуальный анализ таких фонетических стилистических приемов как: аллитерация, ономотопия, ассонанс, рифма, графические стилистические приемы.

**Ключевые слова:** Лайла Лалами, аллитерация, ономотопия, ассонанс, рифма, графические стилистические приемы.

**Abstract.** The article is devoted to the stylistic analysis of the historical-biographical novel “The Moor’s Account” by the American writer Laila Lalami and the contextual analysis of phonetic stylistic devices in the work: alliteration, onomatopoeia, assonance, rhyme and graphical stylistic devices.

**Key words:** Laila Lalami, alliteration, onomatopoeia, assonance, rhyme and graphical stylistic devices.

Замонавий Америка адабиётида биографик роман жанрида ижод қилиб келаётган адиблар услубларининг ранг-баранглиги ва асарларда қўлланилган стилистик воситаларнинг кенг қўламга эгаллиги билан диққатга сазовор. Классик адабиёт намояндалари каби бугунги давр постмодернистик оқим вакиллари услубий серқирра асарлар яратиб, асар тилининг бадий жихатдан бой ва эстетик жихатдан бўёқдор бўлишига эришмоқдалар. Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” романи фикримиз далили бўла олишини навбатдаги таҳлил кўрсатади.

Муаллиф тарихий ва биографик маълумотларни бадий асар қолипига солиш жараёнида асар тилини фонетик, лексик, синтактик, стилистик воситалар ёрдамида бойитиб, эстетик бўёқдорлигини оширган. Асардаги **фонетик-стилистик воситаларни** таҳлил қилиб, улардаги табиий оҳангдорликнинг асар мазмун-моҳиятига ҳамоҳанглигини асослаш мумкин.

Маълумки, фонетик-стилистик воситаларни бирлаштириб турувчи хусусияти уларнинг овоз ва оҳангга асосланишидир. “The Moor’s Account” асарида табиий ҳодисаларни тасвирловчи ономотопия ва аллитерациялар, қофия ва ассонанслар Американинг Флорида ҳудудига хос наботот ва ҳайвонот дунёсини тасвирлаш ҳамда асар қаҳрамонлари характерини ёритиш учун кўмак берган. Буни биз куйидаги мисоллар орқали асослашга ҳаракат қиламиз.

Романининг тўққизинчи – “The Story Of Aute” деб номланган бобида асар бош қаҳрамони Мустафо ал-Замори Америка қирғоқларини тасвирлайди. Креветкалар кўрфази (Bay of Oysters) аталмиш бадий маконда воқеа бўлган эрта тонгдаги кўрқинчли сокинликни куйидагича таърифлайди.

“Thus the noise of the wilderness grew in our ears: the *chirping* (таъкидлар бизники) of birds, the *buzzing* of mosquitoes flying in thick clouds, the *rattling* of snakes in the bushes, the melancholy calls of strange creatures, even the *fluttering* of a grasshopper on a leaf — all of these added to an unbearable **cacophony** that was a torment to us all.” [2, 63]

Матнда ажратиб кўрсатилган сўзлар ономотопия (тақлидий сўзлар) бўлиб, улар ўрмондаги ҳашарот ва жониворларнинг товушидан ҳосил қилинган. Муаллиф қушларнинг чуғурлашини “chirping”, пашшаларнинг виззилашини “buzzing”, илонларнинг шаққиллашини “rattling”, чигирткалар товушини “fluttering” феъллари билан ифодалаган. Бу луғавий бирликлар тасвирланаётган объект овозига тақлид натижасидир. Жумла охирида барча товушларни бирлаштирган “unbearable cacophony” гипероними жараёнга салбий муносабатни билдиради. Ономотопиялар бу ўринда роман хронотопини жонли тасвирлашга, айти пайтда, воқеалардаги таранг ҳолат, қаҳрамонлар руҳиятидаги кўркув, уларни олдинда кутиб турган ва ташвишга солаётган номаълум вазиятни кўрсатишга ёрдам берган. Қайд этиш керакки, бу тақлид сўзлар контекстан келиб чиқиб, салбий маъно аңлатган. Чунки воқеалар тасвири ва *какофония* сўзи вазият кескинлашувидан дарак беради.

“Yet the pebble I had found had caused these four men, men who had done me no harm, to be whipped. I had to pretend, like my master, not to hear the cries that had begun to emerge from the storehouse. Within moments, they had turned into *howls*, so long and so filled with pain that I felt they were echoing in the depths of my own *soul*. And then, interrupted by the periodic and terrifying *crack* of the whip, there was only silence.” [2, 6]

Асарнинг “The Story Of La Florida” деб номланувчи дастлабки бобидан олинган ушбу контекстга эътибор қаратадиган бўлсак, бунда испанлар томонидан маҳаллий хиндуларни қийноққа солиш жараёни тасвирланганлигини англаш мумкин. Воқеа шохиди ўлароқ Мустафо хиндуларнинг қийноқдан чеккан азоблари ва оғриқдан оқ тортишини “*howls*” (хувиллаш) сўзи орқали ҳамда қаттиқ зарблардан синган камчининг овозини “*crack*” (қарсиллаш) сўзи воситасида жонли тасвирлаган. Насрий матнда кофия (*rhyme*) бу овозларга ҳамоҳангликни таъминлаш орқали фонетик-стилистик вазифасини реаллаштирган. Зеро, “*howl*” ҳамда “*soul*” (қалб) сўзлари кофиядош бўлиб, улар бир гапда стилистик конвергенцияни ҳосил қилиб, маънони кучайтиришга хизмат қилган. Асарнинг шу қисмида Мустафонинг қалб изтироблари, яъни биринчи бўлиб топган олтин ўйинчоқ туфайли беғуноҳ хиндулар азоб чекаётганлигидан афсусланиши ва ички кечинмалари тасвирланган. Кофиядош сўзлар эса, қахрамоннинг руҳий ҳолати, унинг сабаб ва оқибатига урғу беришга кўмаклашган.

Романнинг “The Story Of The Rafts” деб номланган ўн биринчи бобида Нарваэз экспедицияси аъзолари кечирган сарсон-саргардонликдан сўнг Креветкалар кўрфази (Bay of Oysters)га келишлари ва у ерда маҳаллий қабила билан юзлашишига доир лавҳалар ўрин олган. Муаллиф мезбонларнинг ажнабий испанларни кўриб, ҳайратдан қотиб қолганлиги, олдин ҳамма сукут сақлаб туриб, кейин болалар ўйинни, аёллар дон янчишни давом эттирганлиги, қабила эркалари меҳмонларни таклиф қилганлигини тасвирлар экан, ерлик аҳоли эҳтиром кўрсатгач, мусичалар ку-кулай бошлаганини ҳам кўздан кочирмаган. “The village, so still and quiet for a moment, returned to life. The children resumed their play, the women went back to grinding corn, the men invited us to sit. Up in the trees, turtledoves *cooed* to one another”. [2, 76]

Ушбу мисолда кушнинг овозига тақлид “*cooed*” (ку-кулаш) феъли орқали ономотопияни юзага келтирган. “So still” аллитерацияси билан бошланган гапда мазмунан кучайиб бораётган градация кескин бурилиш ясаб, вазиятни ўзгартиришига “*bathos*” стилистик воситаси кўмаклашган. Ўз навбатида, “*bathos*” ядросидаги “*cooed*” (ку-кулаш) ономотопияси орқали ўзгартирилган вазият кулгили ҳолатни келтириб чиқарган. Ушбу гапда бадий асар тилининг семантик ва синтактик сатҳларида таҳлил қилинувчи бошқа стилистик воситалар ҳам мураккаб вазиятни ҳис этишга ёрдам беради. Масалан, “The village returned to life” (*metonymy*), “so still and quiet for a moment” (*detached construction*), “The children resumed their play”, “the women went back to grinding corn”, “the men invited us to sit” (*parallel construction*), “Up in the trees” (*inversion*). Бу стилистик воситалар конвергенцияси бадий тасвир нишонга олган воқеанинг турли қирраларини бирлаштириш билан бирга, қабила худудига яқинлашиб келган оқ танлилар, Мустафо ва маҳаллий хиндулар орасидаги психологик ҳолатни, учрашув жараёнида юзага келадиган ўзаро муносабатни англаб этиш учун самарали ҳисса қўшади.

“The Story Of The Rafts” деб номланган ўн учинчи бобда келтирилган “As we made our way through the woods, yellow warblers degenerated on the branches above us, though their sweet *melodies* were eventually *muffled* by the sound of a *mighty* river” [2, 90] гапида [m] товуши билан бошланадиган аллитерация воситасида “кушлар овозини дарёнинг шовкинли товуши ютиб юборган”лиги тасвирланган. Қайд қилиш жоизки, [m] товуши табиий муҳитнинг кескин ўзгариши, вазиятнинг жиддийлашуви каби ҳолатларни ўзида мужассам этган. “The Story Of The Yguaces” номли ўн бешинчи бобда ҳам табиат аллитерация воситасида тасвирланган бўлиб, унда [d] товуши такрорланиб, ўхшатиш ёрдамида стилистик конвергенция юзага келган. “Along the winding path, *drops* of *dew* sat like *diamonds* on blades of grass”. [2, 103] Матнда [d] товуши оҳангдорликни ҳосил қилган.

Асарнинг “The Story Of Apalache” деб номланган еттинчи бобида тасвирланишича, Нарваэз экспедицияси аъзолари Аппалачи тоғ тизмаларига катта умидлар билан йўл олиб, ичкарига кириб борадилар ва у ерда ҳеч нарса топа олмасликларини тушуна бошлайдилар. Муаллиф бу вазиятни ассонанс ва аллитерация ёрдамида кучайтиришга эришган. “It was *slowly* *dawning* upon *all* of us that Apalache had *no*gold and there would be *no*glory” [2, 43]. Гапда [o] товуши ассонанс бўлиб, унинг вазифаси гапда тасвирланган воқеаларга драматик урғу беришдан иборат. Аллитерация воситасида шакллантирилган “gold” ва “glory” сўзлари параллель қурилмада оҳангдорликни юзага келтириш билан бирга, олтин ва шон-шуҳрат концептлари экспедициянинг асосий мақсадини акс эттиришига жуда нозик ишора қилади.

Роман матнида фонетик-стилистик воситалар сирасига кирувчи график-стилистик воситадан ҳам фойдаланилган. Бунинг далилини асардаги иккинчи даражали персонажнинг нутқида кузатиш мумкин. Ушбу восита энг ёш, бўйи новча роҳибнинг нутқида – дудукланиб гапиришида кўзга ташланади.

“My master finally turned toward me, but before he could answer, someone called out, Don Pánfilo, please. Please. It was the youngest of the friars, Father Anselmo, leaning so far forward he seemed about to fall. With all eyes on him now, his voice rose to a higher register, and he began to stutter. *P-p-please stop, he said. Th-th-this man d-d-does not know a-a-anything*”. [2, 21]

“*There is g-g-great j-j-joy in the s-s-service of the Lord*, the friar said. His face turned the color of carnations, as always happened when someone pressed him with questions. His stuttering made some of the men smile and they turned to watch, united in their desire for a good spectacle, something that could distract them from their predicament”. [2, 72]



Қахрамон (Анселмо)нинг дудукланишида ҳам имплицит маъно мавжуд. Экспедициянинг юзлаб аъзолари орасида Анселмо асарда христиан динини тарғиб қилишда бошқа рухонийларга қараганда фаоллик кўрсатган роҳибдир. Шунга қарамай, табиатан мулойим, раҳмдил ва беозор роҳиб рўй бераётган қабиҳликлар ва ҳиндуларга ваҳшийларча муносабатни тўхтата олмайди. Олтинга сиғинганлари учун испанларнинг қурби динни тарғиб қилишга етмас, аксинча, ўз жонларини асраб қолиш учун беҳад катта куч сарфлашлари лозим эди. Уларнинг насроний динига хос инсонпарварлик ғояларига зид ҳаракатлари инсон табиатидаги нафсга қуллик ва очкўзлик диний ғоялар устидан ғалаба қозонишига сабаб бўлишини билдиради.

Таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” романида қўлланилган фонетик стилистик воситалар асарда оҳангдорлик яратибгина қолмай, балки асарда баен этилган вокеларга кучлироқ ургу беришга, асар маъносини ва ғоясини кучайтиришга, персонажлар характери эриштириб беришга кучли бидий восита сифатида хизмат қила олган.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Khajieva F.M. Theoretical aspects of the language learned (Stylistics). Ўқув кўлланма – Бухоро: Дурдона, 2020.
2. Lalami, Laila The Moor’s Account. – United Kingdom: Vintage, Penguin Books – 2015, ISBN 9780804170628.
3. Хажиева Ф.М. Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” тарихий-биографик романида интертекстуал стилистик восита таҳлили. // Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро – 2021, Б. 212-214. <http://iejrd.com/index.php/%20/article/view/1839>
4. Хажиева Ф.М. Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” тарихий-биографик романида паремиялар таҳлили // Чет тилларини ўқитишнинг долзарб масалалари. Республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари. Бухоро – 2021, Б. 335 – 338. <https://papers.econferenceglobe.com/index.php/ecg/article/download/312/310>

УДК 81-13

### ПОЭТИЧЕСКИЕ КОЛЛЕКЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ ПЕРИОДА НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОБУЖДЕНИЯ ПРЕДМЕТ ОБЪЕКТА И ИСКУССТВО

*Т.Х. Халиков, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез*

**Annotatsiya.** Maqolada milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti namunalari adabiyotshunoslik nuqtayi nazaridan oʻrganilib, turkumlarning mavzu koʻlami va badiiyati tadqiq etiladi. Mavzuni oʻrganishda ijodkor yashagan muhit, ijtimoiy-siyosiy hayot kabi masalalar ham eʼtiborga olinadi. Turli janrlarga oid materiallarning bir xil mavzu doirasida jamlanganiga alohida eʼtibor qaratiladi.

**Kalit soʻzlar:** Milliy uygʻonish davri, badiiy matn, maʼrifatparvar, Muqimiy, Zavqiy, Furqat, Isʼhoqxon Ibrat, Sidqiy Xondayliqiy, Karimbek Kamiy, Nasimiy, hajviya, poetic mahurat, poetik did.

**Аннотация.** В статье рассматриваются образцы узбекской литературы национального Возрождения с литературной точки зрения, исследуются масштаб и искусство серии. Изучение предмета также учитывает такие вопросы, как творческая среда, общественно-политическая жизнь. Особое внимание уделяется тому, что материалы разных жанров сгруппированы по одной теме.

**Ключевые слова:** национальное пробуждение, художественный текст, просвещение, Муқимий, Завқий, Фурқат, Исхакхон Ибраат, Сидқи Хандайлықи, Каримбек Камий, Насими, комедия, поэтический вкус, поэтический вкус.

**Abstract.** The article examines the samples of Uzbek literature of the national renaissance from the point of view of literature and examines the scope and art of the series. The study of the subject also takes into account issues such as the creative environment, socio-political life. Particular attention is paid to the fact that materials of different genres are grouped under the same theme.

**Keywords:** National Awakening, literary text, enlightenment, Muqimiy, Zavqiy, Furqat, Ishaqxon Ibrat, Sidqi Khandayliqi, Karimbek Kamiy, Nasimi, comedy, poetic taste, poetic taste.

Десятки поэтов национального Возрождения написали лирические произведения на важные и актуальные для своего времени темы. Как известно, «тематика художественного текста определяется его тематикой. Предмет художественного текста - различные стороны человеческой жизни, борьбы, мечтаний и стремлений, отношения к природе и действительности. К началу XX века главный герой лирики предстает реалистичным героем. Лирический главный герой литературы этого периода происходит «от эволюции лирического героя литературы предшествующего периода. В каждый период художник освещает социальные проблемы среды, в которой живет, реагирует на происходящие вокруг него события, а также активно общается со своими современниками, активно участвуя в литературном процессе. Хорошо известно, что во все периоды исторического развития интеллектуалы и художники были наиболее активными членами общества. Социально-политические идеи поэтов, писателей и просветителей пробудили сознание народа. В частности, просвещенные поэты, жившие и творившие в Туркестане во второй половине XIX - начале XX века, призывали народ осознать свою национальную идентичность.

Цель заключалась в том, чтобы бороться с невежеством с помощью просвещения и науки. Хотя поэзия традиционно писала произведения о любви, социополитический лиризм взял верх. Потому что жизнь Туркестана, находившегося под гнетом царской России и местных гнетов, была тяжелой. В таких условиях поэты края создавали стихи на одну тему, одно идейное направление. Как отмечал литературовед



Б. Касимов: «Литература этого периода - это литература периода обновления. Здесь хранятся литературные произведения с древних времен. Поэзия играла важную роль в девонской литературе. Широкая тема любви оставалась центральной темой поэзии в этот период. Юмор процветал в художественной литературе. Ответная критика растет. Реалистичное изображение получило широкое распространение [3.21]. В ответ на политические события, новости культуры и исторические изменения в общественной жизни. Стихи Мухаммада Аминходжа Муками, Завки, Фурката, Исхахона Ибрата, Сиддики Хандалики, Каримбека Ками, Насими входят в поэтический цикл на десятки тем. Без преувеличения можно сказать, что большинство из них принадлежало к одному кругу поэтов и в одной литературной школе, и в этом отношении они были коллегами. Стихи, написанные в самых разных жанрах и формах, охватывают широкий круг тем, в том числе: можно разделить на:

- 1) поэтический сериал на общественно-политическую тематику;
- 2) поэтический сериал на юмористически-критические темы;
- 3) поэтический сериал на юмористические темы;
- 4) поэтический сериал лирического направления.

Хотя творческое наследие этих художников включает в себя культурные новшества, артефакты, оборудование и т. д., Пришедшие из Европы через Европу, это не означает, что они были захвачены царизмом или благосклонны к русским офицерам. Большинство его путешествий проходили по Ферганской долине. Поэт написал серию стихов по мотивам своих путешествий из Коканда в Шохимардон, Фергану и Исфару. Муками описывает природу, окружающую среду, людей, обычаи и традиции этих мест. Путешествие начинается с того, что поэт жалуется на мир и показывает миру противоположность «Аль-э-Фунун». За это время было опубликовано лишь несколько отрывков из поэзии Таджалли. «Путешествие» Фурката отличается от произведений Муками и Завки. Стоит отметить, что

В литературной среде Бухары писали рассказы о путешествиях на персидском и таджикском языках. Это свидетельствует о широкой популярности этого жанра. В стихотворении Ибрата ученый и бедняки не практикуют зухду, шейхи не свободны от сплетен и коррупции, в медресе много заговоров и бунтов, каждый день бывает десять видов войн, богатые прячут деньги в критически рассматриваются сундуки без уплаты закята, несвоевременное получение, недостаток благословения в работе плотников, мастеров, недобросовестность пекарей и т. д. Поэт упоминает различные профессии слепых своего времени. Например, изображение поэта мясника, пастуха, пекаря, аллофа, судьи, лидер пятидесятых, образ богатых и бедных, образ жизни можно представить.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Палинксар А.С., & Браун, А.Л. (1992). Диалоги в классе для содействия саморегулирующемуся пониманию, стр. 35-72.
2. Теория социально-экономических организаций. Лондон: Издательство Оксфордского университета.
1. Боллинджер, Д. (1971), Фразовый глагол на русском языке, Издательство Гарвардского университета, Кембридж, Массачусетс, стр.98.
2. Комри, Б. (1976), Аспект, издательство Кембриджского университета, Кембридж. Стр.21
3. Арнольд, И.В. Стилистика современного русского языка. И.В. Арнольд. - М : Просвещение, 1981.
4. Академический центр: русский как иностранный язык [www.uhv.edu/ac/elf/phrasal verbs. asp9](http://www.uhv.edu/ac/elf/phrasal verbs. asp9). Английский как второй язык [esl.about / cs / intermediate / f / f.phrasal.htm](http://esl.about / cs / intermediate / f / f.phrasal.htm).
5. Словарь фразовых глаголов Longman », ответ / тема / фразовые глаголы.
6. Новейший англо-русский словарь, русско-английский.- К .: Издательство «Арий», М .: ИКТЦ «Лада», 2008, -960
7. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
8. Юлдошев Ю.Г. Формирование духовности читателя (пособие) – Тошкент 2000.
9. Худжаев Н. Теория воспитания и другие. – Тошкент 2003.
10. Хасанбоева О. Методика воспитательной работы. Тошкент 2001.
11. Рахимканов Н. «Роль семьи в формировании экономического мышления молодежи» Т., 2005 (Б.М.И.)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.teaching.russian.ru](http://www.teaching.russian.ru)
14. [www.learning.languages.com](http://www.learning.languages.com)
15. [www.literarybooks.com](http://www.literarybooks.com)

УЎК 808.5

#### ВЕРБАЛ КОММУНИКАЦИЯ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

*И.Шодиев, катта ўқитувчи, ф.ф.ф.д. (PhD), Навоий давлат педагогика институти, Навоий*

**Аннотация.** Ушбу мақолада матнинг вербал восита сифатида қатнашиши учун уларнинг манбаини барча турдаги (оғзаки ва ёзма) матнлар ташиқил этиши ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Матн, муаллиф, реципиент, информация, коммуникация.

**Аннотация.** В этой статье освещается, как все виды (устные и письменные) текстов являются их источником для использования текста в качестве вербального инструмента.

**Ключевые слова:** текст, автор, адресат, информация, коммуникация.

**Abstract.** This article highlights how all types (oral and written) of texts are their sources for using the text as a verbal tool.

**Keywords:** text, author, addressee, information, communication.

Хозирги даврда информацияларнинг (матнларнинг) кўп турлари мавжуд бўлиб, улар бир қанча усул ва воситалар асосида реципиентларга етказилади. Матннинг етказилиши уларнинг типологияси ва турларини таҳлил этишга ҳам боғлиқ.

Матн турлари орқали информацияларни узатишда бир қанча усул ва воситалар мавжуд. Масалан, оддий узатиш усулида китоб ва бошқа босма матн турларидан фойдаланилади. Ундан ташқари, тилшунос Рождественскийнинг оммавий ахборот воситалари орқали узатиш бўйича таснифи каби турлари мавжуд. Оммавий ахборот воситаларида информация узатиш асосан матбуотнинг газета, журнал ва бошқа воситаларидан фойдаланилади. Информацияларни узатишда техник воситалардан фойдаланиб, уларни кучайтириб, реципиентларга етказилади. Информацияларни реципиентларга узатиш жараёни лингвистикада *коммуникация* деб аталади. Коммуникация ижтимоий хусусиятларга эга бўлган социал вазибаларни амалга оширади. Замонавий коммуникация тизимини (матнларни узатиш ва қабул қилиш жараёнини назарда тутамиз) шартли равишда икки гуруҳга бўламиз [1].

Биринчи гуруҳ тизимига қуйидаги матнни узатиш жараёнлари киради. Булар оммавий ахборот воситалари: газета, матбуот, радио, телевидение ва бошқа воситалардир. Бунда берилган ахборот тизими реципиентларга масофа белгиланмасдан узатилади. Бу аудиториядаги ўқиётган маърузанинг берилишидан фарқ қилади. Улардаги ахборот узатиш, матн мазмунини етказиш принципи жиҳатдан ўхшаш бир умумийлик бўлса ҳам, ахборотни узатишда дифференциация ҳолатлари мавжуд бўлади.

Оммавий ахборот воситалари орқали реципиентга маълумот узатишда реципиентдан ҳеч қандай жавоб қабул қилинмайди, балки улар ахборотларни воситалар орқали қандай узатилса, шундай қабул қилишади. Аудиторияда маъруза ўқиётган маърузачига эса, реципиентлардан жавоб реакцияси бўлиши мумкин. Бундаги ахборот узатиш билан ҳам, оммавий ахборот узатиш воситалари орқали берилган реакциялар пассив бўлади. Реципиентдаги жавоб реакцияси ахборот жўнатувчига, газета, матбуот муҳбирига бир пайтнинг ўзида етмаслиги мумкин. Ахборот узатишнинг иккинчи тизими – бу шахслараро мулоқот қилиш жараёнидир. Бир маротабалик матн туридаги диалоглар ҳам шахслараро муносабат ёки ахборот узатиш тизимининг иккинчи турини ташкил этувчи восита ҳисобланади [2]. Бундан ташқари, шахслараро мулоқотда техник воситалардан ҳам фойдаланиш имконияти бўлади. Булар – телефон, телеграф, почта алоқасининг бошқа электрон турларидир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги глобаллашув вақтида, айниқса пандемия шароитида кундалиқ ҳаётимизда ахборот узатишда интернетнинг муҳим ўрин тутаётгани, айниқса ижтимоий тармоқларнинг инсонлар орасидаги асосий ахборот алмашинуви манбасига айлангани ҳаммага маълум. Айниқса, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларига қараганда ижтимоий тармоқларнинг ҳукумат миқёсида нуфузи ортиб, давлат бошқарувига таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз раҳбарияти ҳалқ билан яқин мулоқот ўрнатишда дунё амалиётидаги сингари интернет орқали онлайн мулоқотлар йўлини танлади. Чунки ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар ҳалқ диққатини оммавий равишда жалб қилиш борасида ОАВдан ўзиб кетиши натижасида улар билан мамлакат раҳбарияти ҳисоблашаётган, таклифу мулоҳазаларини, эътирозларини тинглаётган, инobatга олаётган. «Facebook», «Twitter», «Telegram», «Instagram», «Одноклассники» каби ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг сонини кескин кўпайиши, минглаб веб-сайтлар яратилиши, ижтимоий тармоқлардаги матнларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этиш, уларнинг саводхонлигини таъминлаш учун амалий ёрдамлар кўрсатиш каби илмий муаммолар юзага келди. Гарчи, бу борадаги ишлар ҳукумат даражасида тартибга солиниб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан сўнг мамлакатимизда бу борадаги ишлар стихияли равишда ривожланиб келмоқда. Аммо ижтимоий тармоқлардаги ҳолат, фойдаланувчилар савияси бу борада кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, аҳолининг ёшлар қатламига чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситаларининг руҳий-информацион таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Ахборот хуружлари орқали ёшларни эътиборини чалғитиш, мамлакатимизнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйғотиш, муҳолифият кайфиятларни кўзғотиш, ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш ҳаттоки бузгунчи диний ғояларни сингдириш орқали жиҳодга исёнга ундаш каби салбий иллатларни сингдириш каби ҳолатлар учрамоқда. Ёшларимизга ушбу ташқи таҳдид кучларига нисбатан иммунитетни шакллантириш учун биринчи навбатда уларни билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш лозим. Токи уларнинг ўзи оқина қорадан ажратиб олиш имкониятига эга бўлсин. Ана шундагина салбий ахборотларнинг ижтимоий онга таъсири натижасиз бўлади. «Виртуал олам инсонни манипуляция қилмоқда, - дейди ЎзМУ доценти Тўлқин Эшбек. - Манипуляция – бу фикрий қарамлик орқали ўзига бўйсундириш демакдир. Мутахассислар фикрича, виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Энг даҳшатлиси, бу жараёнда виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий-ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, кўп касалликларни ҳам келтириб чиқаради» [3].

Жараённинг шу тариқа ривожланиши натижасида мамлакатимизда онлайн ижтимоий тармоқлар матнини ўрганиш, саводхонлик даражасини ошириш чоралари кўриш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Вербал равишда алоқа-аралашув муносабатларини ташкил этишда, информациялар матн тури сифатида

юборилади. Демак, муаллиф яратган матнни реципиентга етказишдаги тизим ва структурани куйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.

Муаллиф + матн + реципиент (қабул қилувчи)[4].

Индивидуал реципиентларга ахборотни етказишда жараён турларини икки гуруҳга (шартли равишда) бўлишимиз мумкин. Биринчиси гуруҳли, иккинчиси яккама-якка тарздаги суҳбат ёки мулоқот ҳисобланади. Биринчи гуруҳга ўқув хонасидаги талабалар ҳамда профессор-ўқитувчи ўртасидаги ахборот алмашиш жараёни мисол бўлади. Бунда ахборот узатувчи билан ахборот қабул қилувчи ўртасидаги мулоқот шакли “савол-жавоб”, “матн-тахлил” каби усулларда турлича бўлиши мумкин.

Анализ ва синтез методида ахборот узатиш ва ахборот қабул қилишдаги вербал восита – матн типологиясини ўрганиш асосий масала ҳисобланади. Бу ҳақда кўпгина матн типологияси юзасидан ишлар ва тадқиқотлар эълон қилинган бўлиб, уларнинг турлари ва таҳлили масаласида ўзбек тилшунослигида маълумотлар кам. Умуман, матн типологиясини таҳлил қилиш муаллиф ҳамда реципиент учун ҳам муҳим.

Яккама-якка суҳбатларда ҳам вербал восита жараёни сифатида матн хизмат қилади. Яккама-якка алоқа-аралашув жараёнини ташкил этишда ҳам матн етакчи вербал восита ҳисобланади. Матннинг вербал восита сифатида қатнашиши учун уларнинг манбаини барча турдаги (оғзаки ва ёзма) матнлар ташкил этади.

Муаллиф + матн + реципиент формуласидаги нутқий-мантқий фаолият жараёнларини матн алоқа-аралашув воситаси сифатида икки этапли ҳолатида амалга оширади.

Тилшунос А.М.Шахназаровичнинг таъкидлашича, “реал воқеликни акс эттириш ва уларни асар тили (матн) орқали тавсифланишида инсон онгининг маҳсули ётади” [5]. Олимнинг фикрича, моддий олам, унинг тил элементларидаги инъикоси, шунингдек уларни амалга оширган инсон онги функцияси масалаларини бир-бири билан боғлиқликда тавсифлашни эътироф этади [6].

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белянин В.П. Психолингвистические аспекты художественного текста. – М.: МГУ, 1988. – С. 43-46.
2. Каменская О.О. Текст и коммуникация. – М., 1990. – С. 92.
3. www.uza.uz
4. Каменская О.Л. Кўрсатилган асар. – Б. 94.
5. Шахназарович А.М. Смысловое восприятия и оценки текста. – М., 1975. – С. 89.
6. Шахназарович А.М. Кўрсатилган асар. – Б. 86.

УЎК 808.3

#### МАТН САТҲИДАГИ БОҒЛАНИШЛАР

*И.Шодиев, катта ўқитувчи, ф.ф.ф.д. (PhD), Навоий давлат педагогика институти, Навоий*

**Аннотация.** Ушбу мақолада матнни тизим (система) сифатида ўрганиш унинг интегратив хусусиятларини аниқлашга, шунингдек, уни тил бирликларининг энг катта бирлиги сифатида англашга ёрдам бериши тавсифланган.

**Калим сўзлар:** синтактик бутунликлар, дискурс, матн, фреймлар, мантиқий боғланиш, коннекторлар, структур-коммуникатив муносабатлар.

**Аннотация.** В данной статье описывается, что изучение текста как системы (системы) помогает выявить его интегративные свойства, а также осознать его как самую большую единицу языковых единиц.

**Ключевые слова:** синтаксические целого, дискурс, текст, рамки, логические связи, коннекторы, структурно-коммуникативные отношения.

**Abstract.** This article describes that the study of the text as a system (system) helps to identify its integrative properties, as well as to realize it as the largest unit of linguistic units.

**Keywords:** syntactic structures, discourse, text, frames, logical connections, connectors, structural and communicative relations.

Систем тилшунослик бўйича тадқиқотларда тил бирликларининг энг кичик бирлиги фонема ва энг катта бирлиги тил ва нутқни бирлаштиришга хизмат қилувчи тил бирлиги матн эканлиги кўрсатилади.

Тил тизимида матн сатҳи ёки тил бирлиги сифатида қабул қилинишини тавсифлашда тил ва билим сатҳларини муқояса этишни талаб этади.

Матнлар интеграциялашувчи бирлик сифатида бутун бир тизимни ташкил этади. Матнни тизим (система) сифатида ўрганиш унинг интегратив хусусиятларини аниқлашга, шунингдек, уни тил бирликларининг энг катта бирлиги сифатида тавсифлашга асос бўлади. Матнларнинг типологиясини аниқлаш учун матн сатҳдаги бирликлар тавсифини таҳлил қилиш талаб этилади. Матн сатҳи бирликларини биринчи навбатда икки катта гуруҳга бўлиш лозим бўлади. Улар – матндаги эксплицит ва имплицит боғланишлар ҳисобланади. Ички матн боғланишларининг бу икки турга бўлинишининг ўзи матн структураси (ички)даги маълумотларни ифодалайди. Матннинг ички структурасидаги эксплицит боғланишлар матн сатҳдаги тил сатҳларининг интегратив ҳосиласини ташкил этади.

**1. Матндаги эксплицит боғланишлар.** Матндаги эксплицит боғланишлар билан алоқадор боғланишларни бир неча гуруҳга бўлишимиз мумкин. Эксплицит боғланишларни ташкил этувчи

воситалардан бири *коннекторлар* ҳисобланади. Коннекторлар матн ичидаги гапларнинг бири иккинчиси билан боғланишини ташкил этувчи восита. Матн ичидаги кичик гуруҳларнинг бир-бири билан коннекторлар орқали боғланиши тартибли равишда бўлмай, балки гаплардан тузилган блок-схемани ташкил қилади. Блок-схемага бирлашувчи матн ичидаги гаплар йиғиндиси бир-бири билан логик-когнитив категориялар асосидаги боғланишга риоя этилиб, гапларнинг бир-бири билан мантиқий боғланишини тақозо этади.

Фреймлар ҳақидаги маълумот гаплардаги мантиқий боғланиш орқали амалга ошса, коннекторлар орқали боғланиш эса, структур-коммуникатив муносабатлар орқали амалга ошади [1].

Матннинг ички эксплицит боғланишлари *рекурент* боғланишлар деб белгиланган. Рекурент боғланишлар ҳақида Ғарб тилшунослигида жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган [1]. Матн типологиясини белгилашда рекурент боғланишларнинг асосий йўналиши коннекторларнинг кўп компонентлилиги характери билан боғланади.

Матнни ташкил этувчи бирликларнинг энг фаоли гап бўлиб, улардаги когнитив боғланишлар матндаги гапларнинг боғланган блок-схемаси худди коннекторлардай амалга ошади.

Рекурент боғланишлар икки катта гуруҳга бўлинади: *тўлиқ рекурент* боғланиш ва *қисман рекурент* боғланиш кабиларга.

Рекурент боғланишдаги айрим коннекторларнинг когнитив хусусияти рекурент боғланишга умумий томондан ўхшайди. Лекин унинг боғланиши коннекторлардан айрим жиҳатлари билан фарқланади.

Рекурент боғланишлардан ташқари координатив боғланишлар ҳам мавжуд. Улар ҳам икки хил бўлади: умумий ва махсус координатив боғланишлар каби. Умумий координатив боғланишлар тенг боғловчилар ёки уларга тенглаштирилган боғловчи сўзлар асосида гаплараро боғланиш воситалари мавжуд бўлади.

Махсус координатив боғланишда кўпинча матн ичидаги гаплараро тиниш белгиларининг координатив боғланиши тушунилади.

Ўзбек тилшунослигида матн ичидаги гапларнинг координатив боғланишини таъминловчи воситалар тиниш белгилари ҳисобланади. Координатив боғланишни ташкил этувчи тиниш белгилари куйидагилар ҳисобланади: тире, нуқта, икки нуқта, вергул, нуқтали вергул.

Координатив махсус боғланишни таъминловчи восита фақат тиниш белгилари бўлмасдан, балки улардаги бошқа гаплараро воситалар ҳам иштирок этади. Эксплицит боғланишларнинг яна бир тури *инцидент* деб номланади. Инцидент боғланиш ҳам ўз навбатида иккига бўлинади. Улар – *проформалар* ва *юнктивлар* ҳисобланади. Проформалар – биринчи гапдаги бир сўзнинг тавтологиясидан қочиб учун олмошлардан фойдаланиш ҳолатлари ўзбек тилида фаол иштирок этувчи восита ҳисобланади. Проформалар олмошлар орқали гаплараро боғланишни таъминловчи восита ҳисобланади. Проформаларда биринчи гапдаги бир гап бўлагининг кейинги гаплардаги бошқа гап бўлагига боғланишли воситани таъминлаш учун 7 турдаги олмошлардан нутқда жуда кенг фойдаланилади. Проформалар гапларнинг ўзaro мантиқий давоми деб қаралмасдан, балки матн амалга ошиши (реализацияси)да лексик-семантик восита сифатида ҳам қаралади. Проформалар лексик-семантик категория сифатида бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади. Ғарб тилшунослигида проформаларни нутқда учровчи *дейктик бирликлар* деб қарайди. Проформалар ва дейктик бирликлар бир-бирини истисно этмаган ҳолда структур-функционал хусусиятлари билан умумий ва фарқланувчи спецификага эга бўлган жараён ҳисобланади [2].

Проформаларнинг содда, мураккаб, таркибли ва бошқа турлари нутқда жуда ҳам кенг қўлланилади.

Проформаларнинг функционал ҳолатига кўра биринчи гапдаги функцияси иккинчи гапдаги функциясига жуда ҳам тўғри келавермайди. Шунинг учун матнда проформаларни функционал-семантик хусусиятларига кўра бир марталик ишлатилиш имкониятига эга лексик-функционал восита деб белгилаш, назаримизда, маъқул бўлади.

*Юнктив* боғланиш тилшуносликда боғловчи воситалари билан гаплар ва пропозициялар ўртасидаги боғланишли воситаларни ифодалайди.

Энг кўп тарқалган юнктив боғланишда алдитив, альтернатив, қарама-қарши (контрар) ва субординатив (боғлиқ) маъноли боғловчилар (юнктивлар) мавжудлиги эътироф этилади. Юнктив боғланишлар матн ичидаги куйидаги функционал-семантик хусусиятларга эга эканлиги эътироф этилади. Юнктив боғланишларнинг тури – *конъюнкция*, *дизъюнкция* [3], *контрюнкция*, *субординация* каби ҳолатларни ўз ичига олади. Юнктивларнинг лингвистик хусусиятлари уларнинг гапдаги функциясига қараб белгиланади. Конъюнкциядаги боғловчилар координатив характерга эга. Дизъюнкцияда эса айирув характерига эга. Контрюнкцияда эса қарама-қарши маъноларга эга. Субординацияда эса, субординатив, яъни эргаштирувчи тобе ҳоким компонентли боғланишни ташкил этади.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 11-63.
2. Равшанов М. Прагматик лингвистика. – Навоий, 2004. – Б. 3-31.
3. Нишонов Б.М. Сопнительная связь в узбекском языке: конъюнкция и дизъюнкция: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Худжанд, 2002. – С. 22.



## ҚАҲРАМОН-ҲИКОЯЧИ НУТҚИ ОРҚАЛИ БОЛА ШАХСИ РУҲИЙ ҲОЛАТИНИНГ ВОҚЕЪЛАНИШИ

*Н.Ж. Ярашова, катта ўқитувчи, ф.ф.ф.д. (PhD), Навоий давлат педагогика институти, Навоий*

**Аннотация.** Ушбу мақолада болалар нутқи воситасида асар воқеалари ёритилган давр ҳамда қаҳрамонларнинг ўша даврдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлари, маънавий қиёфаси, ички ҳис-туйғулари, фикрлаш доираси, тафаккур олами ҳамда атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабати ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Қаҳрамон-ҳикоячи нутқи, монологик нутқ, диалогик нутқ, гендер жиҳатлар, миллий-маданий хусусиятлар.

**Аннотация.** В данной статье с помощью детской речи освещаются события произведения, а также психологическое состояние, поступки, духовный облик героев, их внутренние чувства, кругозор, мышление и отношение к окружающим событиям.

**Ключевые слова:** Речь героя-сказителя, монологическая речь, диалогическая речь, гендерные аспекты, национально-культурные особенности.

**Abstract.** In this article, with the help of children's speech, the events of the work are covered, as well as the psychological state, actions, spiritual appearance of the characters, their inner feelings, outlook, thinking and attitude to surrounding events.

**Keywords:** Speech of the hero-storyteller, monologue speech, dialogic speech, gender aspects, national and cultural characteristics.

Қаҳрамон-ҳикоячи нутқи Худойберди Тўхтабоевнинг деярли барча асарларида кўзга ташланади. Ёзувчи асар воқеасини атайин қаҳрамонлари тилидан ҳикоя қилдиради. Чунки ижодкор асарларининг қаҳрамонлари асосан болалар бўлиб, улар томонидан тасвирланаётган воқеа-ҳодиса реаллиги, миллий урф-одатларга асосланганлиги, болаларча беғубор туйғуларни қаламга олганлиги билан ажралиб туради. Масалан, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” романлари Ҳошимжон тилидан, “Беш болали йигитча” романи Орифжон тилидан, “Ширин қовунлар мамлақати” романи Ақромжон тилидан, “Мунгли кўзлар” романи Зафар тилидан, “Жаннат одамлар” асари Раҳмонберди тилидан ҳикоя қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Бу орқали ёзувчи ўзининг бадиий-эстетик ниятини акс эттирибгина қолмай, асар воқеалари ёритилган давр ҳамда қаҳрамонларнинг ўша даврдаги руҳий ҳолатидан келиб чиққан. “Чунки ҳар бир инсон дунёни ўз кўзи билан кўради, фикрлайди, таҳлил қилади, баҳолайди. Ёзувчи учун эса ўз қаҳрамони ҳақида унинг қандай эканлигини айтишдан кўра, қандайлигини кўрсата олиш, кўрсатганда ҳам персонажнинг хатти-ҳаракати, ўз хаёллари, дунёқарashi, атрофдагиларга бўлган муносабатида намоён қила олиш, яъни уни тўлалигича акс эттира олиш катта ютуқдир. Шу билан бирга китобхон учун ҳам ўзиникига айланиб қолган персонажнинг руҳий ҳолатларини, ички кечинмаларини «ёшитгандан» кўра «кўриш» мароклирок, тушунарилок бўлади»[4].

Тасвир баённинг персонаж тилидан берилиши ҳам ҳикоячининг имконияти, билим даражаси, савиясига қараб шаклланиб боради. «Сариқ девни миниб» романида ҳам тасвир бола, яъни Ҳошимжон тилидан тасвирланади. Шу боис асардаги воқеа-ҳодисалар, ишлатилган сўзлар боланинг тасаввур доирасига сиғадиган даражада намоён бўлади, гаплар эса содда тилда ифодаланганлиги билан ажралиб туради: “Танишиб қўяйлик: отим Ҳошим, эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз Ҳошимжон деб айтасиз. Фамилиям — Рўзиев, Рўзивой тракторчининг ўғлиман. Рўхсат берсангиз, оиламиз ҳақида ҳам икки-уч оғиз сўзлаб ўтсам: дадам икки-уч йилдан буён чўлда буллодозер ҳайдаб ер текислайди, ойимнинг айтишига қараганда ўша томонларга ҳам пахта экишармиш. Бир ойда, баъзан икки ойда бир келиб кетади. Келганида ҳар биримизга алоҳида-алоҳида совға-саломлар олиб келади. Совганинг энг яхшиси, албатта, менга тегади. Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сизир соғади. Бир ўзига 24 говмиш қарайди. Ўтган йили сутни кўп соққани учун медал олган. Ўша медални ойимдан яшириб мен ҳам икки марта тақдим. Бир марта тақиб бозорга бориб сабзи-пиёз олиб келдим, иккинчи марта тақиб мактабга борувдим, директоримиз чақириб олиб роса уришди. Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида. Ойим уни: «Оптоққинам, жонимнинг ҳузури», деб эркалатгани-еркалатган. Ойим уни бағрига босиб суйган қуни мен ҳам биқинидан секин чимдиб: — Пучуққинам, — деб қўяман.

Кичик синглимининг оти Доноҳон. Ҳозир биринчи синфда ўқияпти. Ойимнинг айтишига қараганда у катта бўлса, албатта доктор бўлармиш. Менимча, ундан доктор чиқмаса керак... (“Сариқ девни миниб”, 4-бет)

Ҳошимжон тилидан ҳикоя қилинган тасвир орқали кўп нарсани англаш мумкин. Биринчидан, асар воқеаларидан ўша даврда ўзбекнинг миллий бойлиги саналимиш пахта экиш муаммоси акс этса, иккинчи ўринда меҳнаткаш ўзбек аёлининг бир ўзи зиммасидаги юк (24 говмишни соғиши) намоён бўлади. Шунингдек, болаларга хос мактаниш унинг мактабга медал тақиб борганида кўзга ташланса, ака-ука ўртасидаги меҳр-муҳаббат азалий бўлса-да, укасини чимдиб қўйиши болаларча беғуборлик, онасини қизганиш кабилар яққол намоён бўлади. Бу орқали ижодкор қаҳрамони ва унинг атрофидаги инсонлар образини кучли пафосда китобхонга етказиб бера олган. Маълумки, “прозаик жанрда ҳам монологик ва

драматик тип мавжуд. Биринчи типга – роман, қисса, ҳикоя, латифа, новелла, эртақ, иккинчи типга – драма, комедия, трагедия, кичик ҳажвий пьесалар киради”[1]. Кўриняптики, бадий матндаги асарлар ҳам ўзаро монологик ва драматик кўринишда бўлади. Худойберди Тўхтабоев асарлари эса монологик насрий асарларнинг ёрқин намунасидир. Ана шундай асарларида қаҳрамон нутқи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг нутқини индивидуаллаштириш орқали уларнинг хатти-ҳаракатлари, маънавий қиёфаси, ички ҳис-туйғулари, фикрлаш доираси, тафаккур олами ҳамда атрофидаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини намоён қилади. Қаҳрамонлар нутқи орқали унинг қандай муҳитда ёки қайси ҳудудда яшаётганлиги, қандай шевада мулоқот қилиши, ёш ва гендер хусусиятлари, ким билан нима ҳақида суҳбатлашаётганлиги, унинг суҳбатдошларига муносабати акс этиб туради.

Персонажлар маънавий қиёфаси, руҳий олами, феъл-атвори, воқеаларга муносабати, ички дунёси, интилишлари, характерларини унинг ўз нутқи орқали ифодалаш, очиш асар бадийлигини оширувчи восита саналади. Бола персонаж нутқини индивидуаллаштириш ёзувчига бир қанча имкониятлар беради ҳамда бола шахси руҳий ҳолатини намоён қилади:

а) бола нутқи орқали унинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаб, унинг руҳий ҳолатига ишора қилиш: *Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасман. Ақл-ҳушим жойида, одобим ҳам чакки эмас, олтинчи синфнинг интизомли ўқувчилариданман. Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кунбўйи кўча чангилиб юрмайман. Яшириб нима қиламан, кўча чангилиб юргандан кўра командага бўлиниб олиб, тўп тепган ёки холироқ жойга, масалан, ойинг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши.* (“Сариқ девни миниб”, 5-бет)

б) образларнинг маънавий оламини ёркинроқ, ички дунёсини чуқурроқ ифодалаш: *Сиз қанақалигинизни билмайман-ку, лекин мен мудирликка ўхшаши ишларни яхши кўраман. Шу ўйнаверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегишли ишларни бировлар бажараверса-бажараверса...* (“Сариқ девни миниб”, 5-бет)

в) персонажларнинг руҳий ҳолатини, воқеаларга муносабатини кўрсатиш: *Лекин мен хурсанд эдим, ўч олганимдан хурсанд эдим, юз кўзи демай савалаганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Тўғри-да, ҳадеб бешларни у қаторлаб олаверади-ю, мен иккидан чиқмас эканман-да. Менга ҳам унча-мунча ёрдамлашиб турса бир жойи камайиб қоладими!* (“Сариқ девни миниб”, 10-11-бет)

г) образларнинг ўзига хос сифатларини, фазилатларини акс эттириш: *Ориф билан бирга ўқиймиз, бир партада ўтирамиз. Ўзи паканагина болаю, лекин боши тўла ақл. Ҳар қандай масалани ҳам кўз юмиб-очгунча ишлаб ташлайди, мен ҳам кўз юмиб-очгунча кўчириб оламан. Гоҳо бирор жойини жўрттага хато қилиб кўчираман, шундай қилмасам бўлмайди-да, муаллимимиз кўчирганимни билиб қолади.* (“Сариқ девни миниб”, 5-бет)

д) кишилар дунёқарашидаги ўзгаришларни боланинг нутқи воситасида бериш: *“Ҳа, албатта, бўламан, - деб такрорладим ўзимга-ўзим, - буларга, менга, ишончсизлик билан қараётган мана шу қадрдон ўқитувчиларимга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман...”* (“Сариқ девни миниб”, 19-бет)

е) персонаж нутқи воситасида ёзувчининг образга ва воқеликка субъектив муносабатини белгилаш: *эртасига биринчи қилган ишим қишлоғимизда яшайдигани Сорахон фолбиннинг ишларини текшириб кўриши бўлди. Мени бирон киши комиссия қилиб тайинлагани йўқ-ку, лекин иунчаки ўзим қизиқиб кўрдимда. Ўқитувчимиз унга ишонманглар, ҳаммаси ёлгон дейди. Ёлгон бўлса нега холамнинг иунҳрати иунчалик ёйилиб кетади. Ром очириб, дардига даво сўраш учунодам иунақанги кўп келадик, қишлоғимиздаги медпункт унинг олдидан ип эиолмайди.* (“Сариқ девни миниб”, 14-бет)

ё) бола нутқи орқали образнинг ижобий ёки салбийлигини намоён этиш: *“Жаннати одамлар” романи қаҳрамони тилидан ҳикоя қилинган бир ўринда ўгай отаси ва акалари уни қишлоққа ташлаб кетганларида, бола шу қадар севинадики, бувиси билан кечган жараёни тасвирлар экан, унинг учун дунёдаги меҳрибон инсон сифатида бувижонисини эътироф этиб, ижобий баҳо муносабатини ёритиб беради: “Бувижоним, асалим, сочингизнинг ҳидини соғингандим, бахмал тўнингизни соғингандим. Ана шу менга қараб турган кўзларингизниям соғинувдим. Мен ўняпман, бувижоним ўпади, ҳеч бир-биримизга тўймаймиз. Юзларига юзларимни босаман, бувижоним бўлса бошимдан, елкаларимдан оҳиста-оҳиста силайди. Қўллари бирам юмиоқ, юзлари бирам иссиқ, ҳидлари бирам ёқимли... Бувижоним!”* (“Жаннати одамлар”, 195-бет)

“Сариқ девни миниб” асари қаҳрамони Ҳошимжон Сора фолбиннинг кирдикорларини фош этиш орқали унинг салбий ҳолатларини акс эттиради: *“... Ташқарига чиқиб энди нима қилиқ кўрсатсам экан, деб ўйланиб қолдим. Ҳали фолбин холам болали аёлга дори бераётганида халтасига кўзим тушиб қолувди. Ана ўша халтачаларни ҳам бир текшириб кўрмоқчи бўлдим. Ҳар хил читдан тикилган катта-кичик бешта халтача бор, ҳаммасида ҳам ўзимизнинг аптекаларда сотиладиган оддий дорилар: бирида пенитселин, бирида биомитсин, бошқасида юрак ўйноқни босадиган порошок худди таоло ато қилган ноёб дорилар деб, холажоним ана иуларни пуллаётган экан. Яшаворсинлар-е, дедим ўзимга ўзим, ҳали иоиммай турсинлар, ўзларини ҳам бир уялтириб қўймасамми...”* (“Сариқ девни миниб”, 17-бет)

Иждокор асарлари қаҳрамонлари нутқида бадий тасвирий воситалари ва махсус лексик курилмалар шундай қўлланилганки, бу улар нутқининг жонли, халқчил, ўзига хослигини таъминлаш имконини беради: *Пакана бобо, Чакана бобо, Чакана бобо, Майиз бобо, Ўрик бобо.* (“Жаннати одамлар”, 21-бет) Шунингдек, қаҳрамоннинг ўтмиш киши сифатидаги реал қиёфасини чизиб беришга хизмат қилади: *... икковимизниям елкасига миндириб, юмиоқ кигиз тўшалган уйда от бўлиб кишинаб, оёгини осмонга отиб, бизни роса қиқирлатиб кулдирган.* (“Жаннати одамлар”, 21-бет)

Худойберди Тўхтабоев асарларида қаҳрамон-ҳикоячинутки орқали қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, тўлақонли характерлар яратиш, бола шахси руҳий ҳолатини очиш, мавжуд вазиятнинг аниқ тасвирини бериш, персонаж нутқига оҳангдорлик, таъсирчанлик бағишлаш, характерлар ички дунёсини кўрсатиш, ёзувчи ғоявий мақсадини ифодалаш, давр манзарасини ёрқин, кишиларни жонли тасвирлаш, асарнинг миллий менталитетини таъминлаш асос қилиб олинган.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках.//Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР, г. 65–66.
2. Белянин В.П. Основы психологической диагностики (модели мира в литературе). –М.: Тривола, 2000.
3. Зорькина О.С. О психологическом подходе к изучению текста // Язык и культура. –Новосибирск, 2003.
4. Раҳимов З. «Кўҳна дунё» романи поэтикаси. – Фарғона, 2005.
5. Худойберди Тўхтабоев. Сарик девни миниб. –Тошкент, 1982.

## UNIVERSITET TABALARIGA RUS TILINI O'RGATISHDA KOMMUNIKATIV YONDASHISH

*R.X. Alibekova, o'qituvchi, Toshkent davlat agrar universiteti, Toshkent*

**Annotatsiya.** Maqolada universitetlarda rus tilini o'qitish metodikasini rivojlantirishning hozirgi bosqichi ongli ravishda kommunikativ yondashuv bilan tavsiflanadi. U shuningdek kommunikativ deb ataladi.

**Kalit so'zlar:** yondashuv, rus tili, o'qitish, talaba, kommunikativ

**Аннотация.** В статье описывается современный этап развития методики обучения русскому языку в вузах с осознанным коммуникативным подходом. Его еще называют коммуникативным.

**Ключевые слова:** подход, русский язык, обучение, студент, коммуникативно

**Abstract.** The article describes the current stage of development of methods of teaching Russian in universities with a conscious communicative approach. It is also called communicative.

**Keywords:** approach, Russian language, teaching, student, communicative

Universitetlarda rus tilini o'qitishda ongli ravishda kommunikativ yondashish lingvodidaktik printsiplarni amalga oshiradi: ong va aloqa. Ushbu printsiplar o'qitish strategiyasi va taktikasini, umuman o'qitish tizimini belgilaydi: maqsadlari, mazmuni, o'qitish usullari va vositalari, o'qitish texnologiyasi, til va nutqni bilish darajasi diagnostikasi. Rus tili dunyoqarash predmeti sifatida ushbu shaxsni o'rganish va rivojlantirish jarayonida til, madaniyat, shaxsning birligi va o'zaro ta'sirini ta'minlashga qaratilgan. Talabalar tomonidan turli xil fikrlash va nutq faoliyatlarini o'zlashtirish, kommunikativ maqsadga muvofiq xulq-atvor tajribasi va ko'nikmalarini egallash, aks etuvchi ongni, his-tuyg'ular, hissiyotlar madaniyatini rivojlantirish, gumanitar fanlarni o'qitishning "madaniyatlarini izchil" muammolarining bir qismi hal qilinmoqda. aqliy mehnat, ta'lim muassasasida madaniy muhitni yaratish va saqlash, va oxirgi narsa, lekin "fan kodi" sifatida tilni o'rganishga bo'ysunadi va bu nafaqat maxsus uslubiy, balki umumiy pedagogik vazifa.

Universitetda rus tilini o'rganishning zamonaviy kontseptsiyasi talabalarni nutqini rivojlantirish va axloqiy tarbiyalash istiqbollari ochib beradigan ta'limni tashkil etishga kommunikativ yondashuvni nazarda tutadi. Har bir yangi avlod, shuningdek alohida o'quvchi badiiy hodisani o'ziga xos tarzda qabul qiladi va baholaydi. Shunga qaramay, go'zallik va abadiylikning ma'lum umumiy qonunlari mavjud bo'lib, ular adabiyot san'ati asosida yotadi. Ijtimoiy tuzilmaning tubdan buzilishi sodir bo'lgan davrda tarixiy ideallar o'zgaradi, beqarorlik hissi paydo bo'ladi, qiziqish yo'qoladi yoki vaqt sinovidan o'tgan estetik va adabiy mezonlarga munosabat tubdan farq qiladi.

Rus tilidagi darslarda ko'p vaqt ajratilgan so'zlarga bag'ishlangan. Ushbu mavzuni o'rganish talabalarda katta qiziqish uyg'otadi. Birinchi kurs talabalari bir yildan buyon rus tilini o'rganmoqdalar, shuning uchun ular boshqa tillardan rus tiliga qanday so'zlar kelganligini bilishga qiziqishmoqda. Loyiha ona tilidagi nutqning boyligi va rus tilida o'zlashtirilgan so'zlarning paydo bo'lishi tarixi to'g'risida bilim olishga qaratilgan mustaqil tadqiqotlarni tashkil etishni nazarda tutadi.

Universitetlarda ongli ravishda kommunikativ tilni o'qitishda yuqoridagi tamoyillarning mazmuni nimada ekanligini ko'rib chiqamiz. Shu bilan birga, metodik fanda ularning umumiy qabul qilingan ta'rifi yo'qligini ta'kidlaylik.

Rus tilini o'qitishning zamonaviy metodikasida aloqa tamoyilining rivojlanishi rus tilini chet tili sifatida o'qitish metodikasini rivojlantirish an'alariga asoslanadi.

Ta'limning kommunikativ maqsadini amalga oshirish nutq faoliyati har qanday shaklda takomillashib borishini taxmin qiladi. Ona tili bo'lmagan tillarni o'qitish metodikasida nutq faoliyatining mahsuldor va retseptiv turlari, nutqning og'zaki va yozma shakllari farqlanadi. Gapirish va yozish samarali hisoblanadi. Qabul qilish uchun - o'qish va tinglash. Ushbu turlar ruscha nutqni o'zlashtirish xususiyatiga qarab ajratiladi. Shunday qilib, samarali nutqqa ega bo'lgan talabalar muloqot jarayonida o'z fikrlarini ifoda etishlari mumkin. Qabul qiluvchilarni faoliyati bilan ular ruscha nutqni quloq yoki ingl. Shu bilan birga, nutq faoliyatining barcha turlari bo'yicha ko'nikma va qobiliyatlarni kompleks rivojlantirish amalga oshiriladi. Kommunikativ maqsadni amalga oshirish nafaqat izchil nutqni rivojlantirishni o'z ichiga oladi. Spikerlarning sohasi, holati, qabul qiluvchisi, ijtimoiy rollari kabi omillarni hisobga olgan holda ko'nikmalar va muloqot qobiliyatlarini rivojlantirish muhimdir. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, rus tilini o'qitish turli sohalarda va vaziyatlarda uning bilimini ta'minlashi kerak.

Keling, mintaqaning tarixiy o'tmishiga, Vataniga va tabiatiga daxldorlik hissini shakllantirishga yordam beradigan ba'zi mashqlarni ko'rib chiqaylik. O'quvchilarga matnni o'qish va uning mazmuni haqida fikr yuritish tavsiya etiladi.

Og'zaki muloqotni o'rgatish rus tilining hozirgi holati bilan bog'liq holda alohida ahamiyatga ega. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan o'zgarishlar rus tili me'yorlarining buzilishiga olib keldi. Ommaviy axborot vositalarida til madaniyati darajasi pasaymoqda, badiiy adabiyot, jurnalistika va ona tilida so'zlashuvchilarning kundalik aloqalari. Bunday sharoitda ona tilini kommunikativ o'qitish o'quvchilarning rivojlanish darajasini, ularning muloqot madaniyatini oshirish va pirovardida rus tilini saqlash va rivojlantirishning muhim shartlaridan biri bo'lib qoladi.

To'liq va keng qamrovli - bu matnni kompleks tahlil qilishdir, chunki bu avvalo matnning tabiati bilan bog'liq bo'lgan ko'p darajali o'zaro bog'liq va bir-biriga bog'liq tarkibiy elementlarning murakkab tizimi sifatida, mazmun



va funksional jihatlari bo'yicha ko'p qirrali, g'oyaviy jihatdan ko'p qirrali, ob'ektiv dunyoni muallifning sub'ektiv qarashidan kelib chiqqan badiiy yaxlitlikning estetik va og'zaki-majoziy xususiyatlari. Savol va topshiriqlarni shartli ravishda lingvistik va adabiy deb ajratish mumkin. Ammo bu bo'linish shartli, chunki tahlil badiiy matnga aniq badiiy asar sifatida noyob yondashuvni ishlab chiqishi va go'zallikni yaratish "texnologiyasini" ochib berishi kerak.

Zamonaviy tendentsiyalarga mos ravishda aloqa imkoniyatlarini yaratishning asosiy vositasi bu aloqa mashqlaridan keng foydalanishdir. Ular talabalarning muloqotga bo'lgan ehtiyojini yaratadi va qo'llab-quvvatlaydi, muloqot qobiliyatlari va qobiliyatlarini izchil shakllantiradi va takomillashtiradi, nutqni reproduksiyalashdan mustaqil ishlab chiqarishga, turli xil aloqa sharoitlarida tayyor bo'lmagan nutqqa o'tishni ta'minlaydi.

Shunday qilib, agar an'anaviy metodikada asosiy narsa o'qituvchi, butun o'quv jarayonining rahbari bo'lsa, endi talaba uning teng ishtirokchisiga aylanadi. O'qituvchi rahbarligida u ta'lim muammolarini aks ettiradi, hal qiladi, o'z fikrini ta'kidlaydi.

Ushbu qarashlar, aslida, talaba bilan aloqa qilish motivlarini shakllantirishga mo'ljallangan. Kommunikativ munosabat talabalarni muloqotga jalb qiladi, ularni rag'batlantiradi, lekin o'zlari hali bu aloqani ta'minlay olmaydilar.

Rus tilini o'qitishda vaziyatlardan foydalanish o'quv jarayonining dialogik xususiyatini ta'minlaydi, zamonaviy ta'lim paradigmasini amalga oshiradi: talaba ta'lim sub'ekti hisoblanadi. Aynan vaziyatlarda maktab o'quvchilari ma'ruzachilarning ijtimoiy xususiyatlarini, muloqotning o'ziga xos shart-sharoitlarini - joyni, vaqtni hisobga olgan holda haqiqiy muloqotni o'rganadilar. Vaziyatdan foydalanish o'quv faoliyati motivatsiyasini rag'batlantiradi.

Metodikada vaziyatning tuzilishi har xil yo'llar bilan tushuniladi. Ko'p metodistlar tomonidan ajralib turadigan tarkibiy qismlarni nomlaylik. Bu, birinchidan, aloqa sodir bo'ladigan joy yoki sharoitlarning tavsifi. Ikkinchidan, ma'ruzachilar o'rtasidagi munosabatlar. Hech shubha yo'qki, kim bilan muloqot qilishimizga, ma'ruzachilarning ijtimoiy mavqei qanday bo'lishiga qarab, bizning muloqotimiz tabiati har xil bo'ladi. Metodistlar o'quvchilarning norasmiy, shaxsiy aloqalari bo'lgan, ishtirokchilari adolatli, skeptiklar, musiqa ixlosmandlari, muxlislar, jasur va qo'r'oqlar bo'lgan vaziyatlarning katta kommunikativ imkoniyatlarini qayd etadilar. Xulosa qilib aytganda, vaziyatning uchinchi, juda muhim tarkibiy qismi. muloqotni rag'batlantiradigan nutq stimuli.

Matn tilini kuzatish orqali o'quvchilarni milliy madaniyat bilan tanishtirishning jihatlaridan biri bu nutqni rivojlantirish darsida tahlil qilishdir. Ko'pincha, turli xil vazifalar ayrim bo'limlarni o'rganishni yakunlaydi va o'quvchilar tomonidan o'rganish jarayonida egallagan bilim va ko'nikmalarning o'ziga xos namoyishidir. Har qanday darsning "oltin" qoidalariga asoslanib, bilim, rivojlanish va tarbiyalash funktsiyalari bajarilishi kerak bo'lganida, o'qituvchi turli darajalarda muayyan vazifalarni qo'yganda, ijodiy ishlarga tayyorgarlik, bunda ijodiy fikrlashni rivojlantirish, ijodiy muammolarni hal qilish bo'lib o'tadi, alohida ahamiyatga ega. Shu sababli, ta'lim jarayonining barcha jihatlari: o'qitish, o'qitish va rivojlantirishning tabiiy birlashuvidan mohirlik bilan foydalanish juda muhimdir.

Bunday mini-matnli loyiha ustida ishlash jarayonida talaba kerakli natijani qo'lga kiritib, taklif qilingan algoritim yordamida o'z faoliyatini rejalashtirishni o'rganadi. Axborot bilan ishlash talaba ma'lum ko'nikmalarni egallaydi: ma'lumotnoma bilan ishlash, maqsadni belgilash va o'z ishini rejalashtirish qobiliyati. Biz sinfda so'zlashuv va imlo ishlari uchun to'plangan materialdan foydalanamiz: xotiradan diktant, topishmoqlardan foydalangan diktant, ijodiy diktant.

Universitetlarda rus tilini o'qitishda vaziyatlarni modellashtirish tabiatdan chet tillarini o'rganishda farq qiladi. Rus maktabi o'quvchilari asosan nutq va maishiy sohalarda dialogik muloqot qobiliyatlariga ega. Shuning uchun tavsiflar, mulohazalar, o'quv va ilmiy matnlarni ishlab chiqarishga ehtiyoj tug'diradigan vaziyatlarga maslahat berish tavsiya etiladi.

Kommunikativ printsipni tavsiflashni yakunlash bilan shuni ta'kidlash kerakki, bu nafaqat nutq aloqasini o'rgatish bilan bog'liq. Madaniyatlararo o'zaro ta'sir ko'lamining kengayishi sharoitida talabaning shaxslararo va madaniyatlararo muloqotni amalga oshirish qobiliyatlarini rivojlantirish alohida ahamiyatga ega.

Ong printsipiga muvofiq grammatik material o'quv materialining organik va tizimli ravishda tashkil etilgan qismi sifatida qaraladi, shu asosda talabalarning nutq faoliyati shakllanadi. Til hodisalarini, faktlarni, qoidalarni ongli ravishda o'zlashtirish, o'rganilayotgan morfologik va sintaktik toifalar va hodisalar haqidagi ma'lumotlarni ongli ravishda anglash universitetlarda rus tilini o'qitish uchun zaruriy shartdir.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. G. A.Umarbekova Use and formation of the professional competence of the teacher in the process of learning the Russian language// EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)// 6-2 // 2021//
2. G.R. Ishankulova, pedagogik va psixologik jihatlardan foydalanishda bo'lajak muhandisining kasbiy vakolatlarini shakllantirishdir// Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi//2020
3. Smirnov I.P. Shaxs - ta'lim - kasb - shaxs. - M-: UMITS "Glaf-press", 2002. - 3. Teregulov F.Sh. Ilg'or pedagogik tajriba mezonlari // Pedagogika. - 1991. - № 1.

## BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING PRAGMATIK KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

*D.S. Istamova, o'qituvchi, Navoiy Davlat Pedagogika Instituti, Navoiy*

**Annotatiya.** *Pedagogik institutda bo'lajak o'qituvchilarning pragmatik kompetensiyasini rivojlantirish texnologiyasini tahlil qilish (scamper texnologiyalaridan foydalangan holda). Interfaol o'qitish texnologiyasi orqali nutq qobiliyatlarini rivojlantirish xususiyatlari tavsiflanadi.*

**Kalit so'zlar:** *pragmatik, kompetensiya, bo'lajak o'qituvchi, texnologiya*

**Аннотация.** *Анализ технологии развития прагматической компетентности будущих учителей в Педагогическом институте (с использованием scamper-технологий). Описаны особенности развития речевых навыков с помощью технологии интерактивного обучения.*

**Ключевые слова:** *прагматика, компетентность, будущий учитель, технологии.*

**Abstract.** *Analysis of the technology of developing pragmatic competence of future teachers in the Pedagogical Institute (using scamper technologies). Features of speech skills development through interactive learning technology are described.*

**Keywords:** *pragmatic, competence, future teacher, technology*

Ta'limning muhim yo'nalishlari, mamlakatlar o'rtasidagi madaniyatlararo munosabatlarni mustahkamlash va rivojlantirish bo'yicha O'zbekistonni chuqur integratsiyalashuvining hozirgi tendentsiyasi davlatlararo o'zaro ta'sirning barcha sohalariga hamrohlik qilish uchun pedagogika sohasida yuqori malakali kadrlar tayyorlash vazifasining dolzarbligini belgilab beradi. Bundan tashqari, u nazariya, metodologiya va texnologiyani chuqur bilishdan tashqari, u ilmiy bilimlarning turli sohalarida keng bilimga ega bo'lishi va madaniyatlararo muloqotning o'ziga xos muammolarini hal qilish jarayonida yuqori harakatchanlikka ega bo'lishi kerak. Pedagogik institutda scamper texnologiyasi misolida bo'lajak o'qituvchilarning pragmatik kompetensiyasini rivojlantirish texnologiyasini tahlil qilish. SCAMPER texnologiyalari yangi mahsulotlarni yaratishda hisobga olinadigan konversiyalar ro'yxatining qisqartmasi. Bu sizning ijodiy fikrlashingiz uchun boshlang'ich nuqtalardir. Bu ishning barcha yo'nalishlarida istisnosiz qo'llaniladigan ishning asosiy sxemasi. Pragmatik kompetensiyaning mazmuni og'zaki muloqot shartlariga muvofiq turli xil niyatlarni amalga oshirish va aloqa jarayonida izchil bayonotlar (matnlar) tuzish qobiliyatiga bog'liq bilim va ko'nikmalarni o'z ichiga oladi. Pragmatik kompetensiya tarjimonning "professional muloqotning asosiy vositasi"dir. Ushbu kompetensiyani shakllantirish metodikasini ishlab chiqish pedagogik tadqiqotlarning istiqbolli yo'nalishi hisoblanadi.

Maqolaning maqsadi - pedagogik universitetda scamper texnologiyasi misolida pragmatik kompetensiyani, bo'lajak pedagoglarda shakllantirish tajribasini tavsiflashdir.

Keling, samarali usullarni ishlab chiqishga imkon beradigan asosiy uslubiy yondashuvlarni bayon qilaylik. Gapirish va yozma uslub nutq faoliyatining samarali turlari bo'lganligi sababli, tegishli ko'nikmalarni rivojlantirish o'quv jarayonining sub'ektlari faoliyatini nazarda tutadigan ta'limga nisbatan faoliyatga asoslangan yondashuv doirasida mumkin bo'ladi. Chet tili sifatida ingliz tili metodologiyasi sohasidagi tadqiqotchilar dialoglarni tahlil qilish uchun muammoli vazifalardan foydalanishni taklif qilishadi. "Agar siz qanday qilib gapirishni o'rganishni istasangiz, gapirishni boshlang" - bu ushbu yondashuvning asosiy tamoyilidir. Biroq, ushbu printsiptni amalga oshirish hamma joyda mumkin emas. Dasturlarni ishlab chiqish va tegishli o'quv-uslubiy ta'minotni, usullarni tanlashni va guruhda alohida qulaylik muhiti yaratishni o'z ichiga olishi kerak bo'lgan maxsus pedagogik shart-sharoitlarni yaratish kerak. ta'lim jarayoni. Talabalar mamlakatining milliy xususiyatlari, pedagogik an'analarini hisobga olmaslik mumkin emas. Bu O'zbekistondagi universitetlarida ingliz tilini o'qitish uchun eng muhimdir. Ba'zi hollarda milliy pedagogik tizimlar o'qitishga yangi texnologik yondashuvlarni joriy etishga imkon bermaydi. O'zbekistonda ta'limning o'tish jarayoni o'quv dasturlarini talabalarning mustaqil ishlarining ulushini oshirib, faol va interaktiv o'qitish usullaridan foydalanish imkoniyati nuqtai nazaridan oliy o'quv yurtlarining scamper texnologiyasi misolida o'zgartirishga imkon berdi.

Pragmatik kompetensiyani shakllantirish turli xil aloqa vaziyatlarida aloqani amalga oshirish bilan bevosita bog'liq bo'lganligi sababli, ingliz tilini o'qitish jarayoni ushbu vaziyatlarni yaratish va shunga mos ravishda talabalarning nutq faoliyatini faollashtirish bilan birga bo'lishi kerak. Ushbu vazifalar o'qitishning interaktiv metodlari yordamida optimal tarzda hal etiladi.

Scamper o'qitish texnologiyasi misolida interfaol usullardan foydalanish bo'yicha eksperimental ishlar Navoiy davlat pedagogika institutining ingliz tili fakultetida olib borildi. Bir necha yillar davomida o'quv jarayoniga interfaol usullarni joriy etish bo'yicha amaliy faoliyatni tahlil qilish quyidagi xulosalarni chiqarishga imkon berdi. Bu yerda pedagogik amaliyotdan bir necha misollar keltirilgan. Kichik kurslarda eng muhim vazifalardan biri pedagogik muloqot sharoitida talabalarning xatti-harakatlaridagi stereotiplarni o'zgartirishdir. Talabatinglovchining faol talabaga aylanishi bo'lishi kerak. Shu munosabat bilan, interfaol usullarni amalga oshirishning eng maqbul shakli bu kichik guruhlarda ishlash bo'lib, bu erda hamkorlik va shaxslararo muloqot qobiliyatlari shakllanadi. Bunday holda, guruh ishini tashkil qilish uchun quyidagi shartlarni hisobga olish kerak: topshiriqlarni bajarish uchun bilimlarning mavjudligi, ko'rsatmalar mavjudligi, tarkibning dolzarbligi va vaqtning etarlicligi.

O'zbekistondagi oliy o'quv yurtlarining o'quv jarayoniga ta'limning interaktiv shakllarini joriy etish uning ishtirokchilari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning an'anaviy shakllarini o'zgartirish bilan birga keladi. Shuning

uchun ulardan foydalanish talabalarning qoniqishini nazorat qilish va muassasa professor-o'qituvchilarining reaksiyasini o'rganish bilan birga bo'lishi kerak. O'qituvchi o'z madaniyati uchun begona xatti-harakatlarning stereotiplarini o'rnatmasdan, o'quvchilar muhitida ichki ziddiyatni keltirib chiqarmaslik, kelajakda muvaffaqiyatli kasbiy faoliyat uchun pragmatik kompetensiyani rivojlantirish uchun an'analar va yangiliklarni uyg'un ravishda birlashtirishi kerak.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. D.S Istamova Technology of development of socio-cultural competences in students in preparation for pedagogical activity //2021// Philadelphia, USA
2. D.S Istamova Technology of Development of Pragmatic Competence of Future Teachers (On the Example of Scamper Technology)
3. I.V. Abramova The value of students' research activities for the formation of professional competence // Humanities and education. 2013.
3. I.B. Buyanova Model of socio-cultural adaptation of students to learning at a pedagogical university and the conditions for its implementation // Humanities and education. 2011. No. 4. P. 7–9.

UDC 39

### TECHNOLOGIES FOR DEVELOPING STUDENTS' PROFESSIONAL SPEAKING COMPETENCIES

*F.K. Razikova, teacher, Tashkent Institute of Textile and Light Industry, Tashkent*

**Аннотация.** Мақолада чет тилларини ўрганишда ESP йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда касбий нутқий компетенцияларини ривожлантириш технологиялари ўрганилган. Университет битирувчиси бўлажак мутахассис сифатида дуч келадиган қобилият турлари, шу жумладан асосий кўникмаларни таснифлаш, уларни шакллантириш ва университетда ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳақида фикр юритилади. Чет тилни ўрганиш мазмунини ишлаб чиқиш алгоритми жорий қилиниб, ўқув услуби ва чет тилни ўрганиш жараёнида инновацион технологияларни ўз ичига олган ўқув қўлланмалар тўплами синовдан ўтказиш каби масалалар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** чет тили, касбий нутқ компетенциялари, профессионал йўналтирилганлик, компетенция модели, ўқув самарадорлиги.

**Аннотация.** В статье исследуется изучение иностранных языков студентами, обучающимися по направлениям ESP, с использованием их навыков профессионального развития. Тип таланта, с которым столкнулся выпускник вуза, включая классификацию ключевых навыков, их формирование и признание эффективности преподавания в университете. Введен алгоритм разработки содержания изучения иностранного языка, апробирован комплекс обучающих средств, в том числе инновационные технологии как метод обучения и метод организации обучения в процессе изучения иностранного языка.

**Ключевые слова:** иностранный язык, профессиональные речевые компетенции, профессионально ориентированный, компетентностная модель, результативность обучения.

**Abstract.** This article explores the study of foreign languages by students enrolled in ESP areas using their professional development skills. The type of talent faced by the university graduate, including the classification of key skills, their formation and recognition of the effectiveness of teaching at the university. An algorithm for developing the content of learning a foreign language has been introduced, a set of teaching aids has been tested, including innovative technology as a teaching method and a method of organizing teaching in the process of learning a foreign language.

**Key words:** foreign language, professional speech competencies, professionally oriented, competence model, learning efficiency

The socio-economic and political changes taking place in our society place new demands on the content of the university's educational activities. The quality of specialist training at the current stage of development of professional higher education is assessed by indicators such as competence, independence, willingness to take decisions in alternative situations, ability to adapt to rapidly changing political, social and industrial conditions, presence of motivation to education, continuous and professional growth. In this sense, the contents and technologies of higher education are focused on defining and forming a set of knowledge, skills and special work experiences, which, according to the educational standard, is a set of general cultural and professional skills, in a domain that usually characterizes the competence of a future specialist.

The block of general cultural competences, as a rule, includes universal organizational skills that determine the availability and ability of graduates to adapt to changing socio-economic and political conditions of life. The professional skills block includes the properties of a subject that characterize your ability to master a given professional knowledge and the ability to apply it in practice. Obviously, the competences indicated act as fundamentals and involve some detailing and specification, which directly depends on the type of professional activity of the specialists. In this sense, for the professional higher education system, it is important not only to determine the model and set of skills relevant to each specific area, but also to determine the individual organizational and pedagogical conditions, the forms of training and their use in teaching several subjects included in the main educational program. When developing new ones, the list of professional competencies is usually determined based on competency models developed by industrial manufacturing companies. The competency

model is needed as an effective tool to manage the team in all phases of team work, from hiring to firing. It is a key element of the employee performance management system as it establishes and translates personnel requirements [2].

